

**С.ТУРСУНОВ, Т.ПАРДАЕВ,
А.ПАЙҒАМОВ, Н.НАРЗУЛЛАЕВА**



**СУРХОН ВОҲАСИ
МОДДИЙ МАДАНИЯТ
ТАРИХИ**



УЎК: 94(575.151) (5Ў)
КББ 85.11 (5Ў)
C96

Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи / С.Н. Турсунов (ва бошқалар).- Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2013. -324 б.

1. Пардаев Т.Р
2. Пайғамов А.Ш
3. Нарзуллаева Н.С

Монография Сурхон воҳасида моддий маданиятнинг шаклланиши ва таракқий этиши ва уни ривожланиш босқичлари ҳамда жаҳон тамаддунидаги ўрнига бағишланган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхон воҳасидаги илк моддий маданиятнинг пайдо бўлиши, жез, илк темир даври, ўрта асрлар ҳамда мустабид тузуми ва мустақиллик йилларида моддий маданиятга хос хусусиятлар, моддий маданиятга муносабат масаласи илмий таҳлили қилиниб, умумлаштирилган ҳолда тақдим этилди. Монография тарихчилар, археологлар, этнографлар, ўлкашунослар, илмий ходимлар, талабалар ҳамда ўрта махсус таълими ўқитувчилари, умумтаълим мактаблари, музейлар, кутубхоналар, хорижий сайёҳлар ва Ўзбекистон тарихи билан қизиққан барча китобхонларга мўлжалланган.

УЎК: 94(575.151) (5Ў)
КББ 85.11 (5Ў)
C96

Масъул муҳаррир;

Э.О. Қобилов,

Тарих фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

И.Ботиров, Сурхондарё Археология музейи директори, тарих фанлари номзоди, доцент.

З. Холиқов, Термиз давлат университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент.

ISBN 978-9943-25-186-1

**“Muharrir” нашриёти,
Тошкент, 2013 й.**

КИРИШ

Инсониятнинг тарихий тараққиёти ва маънавий юксалиши, энг аввало хар бир халқнинг ўзлигини англаши, шунингдек, аждодлар қолдирган моддий ва маънавий меросни эъзозлаши ҳамда уни бойитиши билан боғлиқ холда кечиши айни тарихий ҳақиқатдир. Шу боисдан ҳам мамалакатимизда амалага оширилётган ислохотлар жараёни ва халқимизнинг онгида кечаётган ўзгаришлар аждодлар меросига ҳамоҳанглиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбек халқи дунё халқлари орасида фахр қиладиган даражада бой моддий ва маънавий маданият яратган юксак тамаддун соҳиблари саналади. Ўзбек халқи ўзининг кўп минг йиллик тарихи мобайнида яратувчанлик, бунёдкорлик ҳамда юксак ғоялар сари интилувчанлик руҳида камол топган. Шу сабабдан ҳам бу халқнинг илдизи бақувват маънавияти юксак, тарихи буюк, томири теран, бугунги кунга бўлган ишончи мустаҳкам, эртанги кундан умиди бисёр халқдир. Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон келажаги буюк давлат ғоясини илгари сураб экан масаланинг ана шу томонига эътибор қаратганлиги бежиз эмас. **Ана шу имкониятлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси Инновация лойиҳасини давлат буюртмаси асосида №-И-2012 -40 сонли шартнома асосида олиб борилган илмий тадқиқотлар туфайли ушбу монография тайёрланди.** Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси саналган Сурхон замини ҳам ўзининг қадим тарихи, бебаҳо моддий ва маънавий маданияти билан ватанимиз тарихида муҳим ўрин тутадиган макон саналади. Чунки ушбу минтақа инсоният тамаддунининг муҳим маконларидан бири сифатида мустъе давриданяқ инсониятга бешик бўлган ёки илк тасвирий санъат, илк ёзув, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги, минтақадаги илк шаҳарсозлик ана шу заминда қарор топган, қолаверса жаҳон динлари саналган буддавийлик ва ислон таълимотининг юксалишида ҳам Сурхон заминининг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам юртбошимиз Ислон Каримов “Сурхон замини жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари- милоддан аввалиги Кушон ва Бақтрия давлатларига замин бўлганни билан оламга машҳур”¹ бўлганлиги билан оламга машҳур деб таъкидлагани бежиз эмас. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, воҳа аҳли ўзининг кўп минг йиллик тарихи жараёнида жуда катта моддий ва маънавий маданият яратган. Бу маданиятга нафақат республикамиз тарихчилари, балки бутун дунё тарихчилари алоҳида ҳурмат билан ўзгача қизиғиш билан эътабор берадилар. Жумладан, Сополли маданияти, Жарқўтон маданияти, Кучуктепа маданияти унинг негизида шаклланган Бақтрия каби маданиятлар ниҳоят даражада моддий манбаларга бойлиги билан ажралиб туради. Қадимдан ҳам бақтрияликларнинг маданияти

¹ Қавримов .И.А.Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. 8- жилд.Т., “Ўзбекистон”,2000.79 бет.

ва турмуш тарзига қизиқиш катта бўлганлигини тарихий манбалар исботлаб турибди. Биргина мисол Оссурия подшоси Ниннинг Бактрия подшолигига қизиқиши туфайли бу иккала давлат ўртасида тўқнашув келиб чиқди. Ёки Рим тарихчиси Помпей Троқ “бактрияликлар қадимийликда мисрликлар билан тенглаша олади” деб бежиз баҳо бермаган. Яна бир рим тарихчиси Арриан минтақадаги бир қатор қабилалар ҳақида фикр билдириб, бу қабилаларнинг ичида бактрияликларни энг уздабурон деб эътироф этган. “Авестод”а Бактриянинг байроқлари баланд кўтарилган ўлка сифатида тан олинишининг ўзи ҳам юқоридаги фикрларнинг исботидир. Айнан Александр Македонский каби буюқ фотиҳ ҳам бактрияликларнинг жасоратига, маданиятига тан берганлиги юқоридаги фикримизнинг яна бир исботидир. Юнон македон истилоси туфайли Бактрияда юнон ёзуви, ўлчов бирликлари тарқалган бўлса, юнонлар бактрияликлардан ҳунармандчилик ва бинокорликнинг юксак намуналарини ўрганди. Сурхон замини Буюқ ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган бўлиб, кўплаб маданиятларни бири-бири билан боғлаган, қолаверса бошқа маданиятларга ўз таъсирини ўтказган.

Кушонлар даврида Бактрияда ҳам моддий, ҳам манавий маданият юксак даражада ривож топди қадимда бу ерлик халқлар буддавийлик дини билан санъатини Турон заминдан Чин-Мочинга тарқалишида алоҳида воситачи бўлди. Илк ўрта асрлар мобайнида ўлкада меъморчилик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, мусаввирлик каби ҳунарлар ниҳоят даражада равақ топди. Жумладан, Куёвқурғон ҳайкаллари, Тавқақўрғон ва Болаликтепа деворий суратлари, Эски Термиз меъморай мажмуалари, Будрачтепадан топилган мис буюмлар хазинаси юқоридагиларнинг исботидир. Илк ўрта асрларда воҳада Термиз, Чағониён, Куфтан, Ҳошимгирд, Чарманган каби мулкликлар шаклланган. Бу даврда воҳада шаҳарсозлик, меъморчилик, ҳайкалторошлик, деворий ранг тасвир ўймакорлик, кулолчилик, шишасозлик, темирчилик тараққий қилди. Илк ўрта асрларда Тоҳаристонликлар хитойликларга шиша тайёрлашнинг усулларини ўргатишган ёки бу даврда Кўҳитанг ва Бойсунтоғдаги конлар жадал суръатда ўзлаштирилган. IX-X асрларда бошлаб бутун Мовароуннаҳрда бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам меъморчилик юксак даражада ривожланган Сурхон воҳасида бу даврда шаҳарсозлик ва меъморчилик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, тўқимачилик соҳалари жадал ривожланди. Жумладан, Термизда ва Чағониёнда кулол, темирчи ва шишасоз ҳунармандларнинг алоҳида маҳаллалари бўлган. Чағониённинг Дарзанги қишлоғи тўқимачилик ҳунарининг маркази бўлган. Бойсун тоғнинг жанубий ёнбағридаги Тўда, Хўжа Қашғорон, Алами, Хомкондаги Чаёнли, Кўҳитангдаги атрофида темирчиларнинг устахоналари ва маҳаллалари бўлган. Ўрта асрларда Сурхон воҳасида Ал-Ҳаким ат- Термизий мақбараси (IX-XV аср), Кокилдор ота мақбараси (XVII аср), Султон Саодат мақбараси (X- XII- XVII аср), Зулқифл мақбараси (XII-XIII аср), Қирққиз қалъаси (IX – X аср), Оқостона бобо мақбараси (X – XII аср), Термизшоҳлар саройи (XII), Хожа Исо Термизий (XI-XII) мақбараси, Отоулла Саид Ваққос (XI аср) мақбараси, Хожа Рушноий мақабараси (XI аср), Ўйикгумбаз мақбараси (XI-

XII аср), Ортовуз мақбараси (XI-XII аср), Жарқўрғон минораси (XII аср), Саид оталиқ (мадрасаси (XVI аср), Искандар кўприги (XVI аср), Сўфи Оллоёр масжиди (XVIII аср) каби меъморий иншоотлар қурилди. Сўнгги ўрта асрларда Саловотдаги Жомъе масжиди, Янги ариқнинг Ўрта Овул қишлоғидаги Катта масжид, Шеробод бегиннинг қўрғони, Абдуллахон II фармони билан қурилган Термиз Айвач йўлидаги Хотунработ қарвонсаройи (XVI аср), Сурхондарёнинг ўрта ҳавзасидаги Қарвонтушди работи (XIX аср), Тўпалангдарё ёқасида қоя бўйлаб Ёниқалъа қад кўтарган. Шарқий Бухоро бекликлари ҳисобланган Бойсун, Денов ва Шеробод бекликлари Бухоро амирликининг сиёсий таянчи ҳисобланган. Воҳа аҳолисининг бой маданиятига эга эканлигига “Авесто”, Беҳстн битикларида, юнон ва Рим муаррихнинг асарларида хитой сайёҳлари ва тарихчиларининг асарларида, араб муаррихларининг асарларида катта баҳо берилган. Ҳатто, рус сайёҳлари, инженерлари, ҳарбийлари ва олимлари ҳам воҳага алоҳида қизиқиш билан эътибор берган. Хусусан, XIX асрнинг 70 йиллардан Россия империясининг Шарқий Бухорога қизиқиши орта бошлади, чунончи 1879 йилда рассом Н.Каразин Амударё ҳавзаси бўйларини текширди. XIX асрнинг 80-90 йилларида И.Минаев, А.Беков, Пакатило, Б.Летвинов, Н.Февралиевлар минтақани ўрганишди. 1890 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб Термиз ва Керки оралиғи археология жиҳатидан ўрганилди. 1896 йил И.Т.Паславский Туркистон ҳаваскор археологлар тўғрагида Термиз ёдгорликлари ҳақида маъруза қилган. 1902 йил ҳарбий инженер Б.Н.Кастальский Сурхондарёнинг қатор ёдгорликларининг фото суратини олди. Ҳарбий инженер А. Г. Анаёев Шеробод воҳасини ўрганиб минтақадаги меъморий ёдгорликларни уч гуруҳ Термиз, Ангор, Жарқўрғон гуруҳларига бўлди. Султон Саодот мақбарасини ўрганишда А.А. Семёновнинг 1914 йилда эълон қилинган мақоласи муҳим рол ўйнади. Чор Россиясининг тадқиқотчилари минтақани ўрганиш орқали ниҳоятда муҳим стратегик маконда жойлашганлигини бир дақиқа ҳам унутган эмас, қолаверса, минтақадаги кўплаб бойликларни ўзлаштириш ва уни олиб кетишди ҳам. Жумладан, Исмоил Ботировнинг “Сурхондарё вилояти ўлкашунослик тарихи” китобида ушбу масала билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар келтирилган: Эски Термиз тарихи азал-азалдан тарихчи ва сайёҳларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Шу туфайли Термиз тарихига доир топилмалардан иборат коллекцияларни яратиш устида кўпгина тарихчилар ҳаракат қилишган.

Дастлабки коллекциялар 1875-1879 йилларда Амударё бўйидаги тарихий ёдгорликлардан Н.А.Маев томонидан тўпланган. Шунингдек, 1834-1837 йилларда Эски Термиз ҳудудидаги француз сайёҳи Г.Бонвало, 1890-1891 йилларда Е.Ф.Каль, 1894-1896 йилларда И.Т.Пословский, 1896 йилда Н.Н.Шербина-Крамаренкова, А.Б.Вревский, 1894-1898 йилларда Б.Н.Литвинов, 1888-1912 йилларда А.А.Семёнов, 1894-1912 йилларда Б.Н.Кастальский кабилар томонидан тўпланган коллекцияларни ҳам келтириш мумкин.

Шунингдек, Эски Термиздан топилган кўпгина нодир ашёлар Россия шаҳарларига олиб кетилган. Масалан, Термиздаги Строганов номидаги ҳарбий билим юрти қошида ташкил этилган музейнинг Эски Термиз тарихига доир буюмлари 1904 йилда Москва Шарқ маданияти музейига бериб юборилган. Бу буюмлар орасида қадимги грек-бактрия ва кушон маданиятига доир қимматли ашёлар бўлган. Шунингдек, Эски Термиз худудидан топилган кўпгина нодир ашёлар 1908-1914 йилларда З.З.Виноградов, Д.Н.Логофет ва И.А.Кастанов томонидан Тошкентдаги рус музейларига топширилган.

Шунингдек, 1905-1915 йилларда маҳаллий суратчилар Н.И.Теньяминов, 1887-1905 йилларда эса Н.И.Максимов томонидан Чор Россияси боскинчилик сиёсатига доир расмлар, ўша пайтдаги тарихий обидаларнинг кўриниши ҳақида ҳикоя қилувчи фотоальбомлар Чор ҳукуматига тақдим этилган. 1914 йилда Термиздан жуда катта миқдорда антик давр тарихига доир кумуш ва мис тангаларни инглиз сайёҳи Делари олиб кетганлиги тарихий манбалардан маълум. Музей директори Г.В.Парфёнов томондан вилоятимиз худудидан топилиб, бошқа жойларга бериб юборилган тарихий буюмларнинг рўйхати тузиб чиқилган. Булар қуйидагилар: Нефрит тошлардан иборат геология коллекцияси И.В.Мушкетов томонидан Ленинград геология музейига топширилган. Е.Ф.Кальнинг Эски Термиз тарихи билан боғлиқ ноёб коллекцияси (1890-1891 йй.) Давлат эрмитажига топширилган. Б.Н.Кастальскийнинг вилоятимиз тарихи билан боғлиқ бой коллекцияси Москва Шарқ маданияти музейига ва Ленинграддаги Давлат эрмитажига бериб юборилган.

1906 йилда Р.Ю.Рожевистовнинг Жанубий ва Ўрта Бухорога килган сафари чоғида тўпланган ноёб буюмлардан иборат коллекцияси рус императори ҳузуридаги Археологик комиссияга топширилган. Бу ҳақда рус география жамиятининг XLIV томи, IX сони Спб, 1908 йилда хабар килинган. Н.Д.Логофет томонидан тўпланган бой коллекция намуналари Москвага олиб кетилган ва 1921 йилда унинг ўлиmidан сўнг йўқотилиб юборилган. Л.И.Кастальский томонидан тўпланган коллекция Парижга олиб кетилган

XX асрнинг 20- йилларидан бошлаб ўлка тарихи ва маданияти билан қизиқиш анча жонланди, жумладан, 1922 йилда М.Г.Верчислов Термизнинг ўрта аср ёдгорликларини ўрганди. 1926-1927 йилларда Шарқ санъати музейининг проффесори Б.П.Денике бошчилигидаги экспедиция вилоятда илк бор археологик қазишма ишларини олиб борди. XX асрнинг 30- йилларда А.П. Окладников Тешиктош ғорини, М.Е.Массон бошчилигидаги экспедицияси Термиз шоҳлар саройини ўрганди. Шу даврдан бошлаб вилоятнинг археологияси меъморчилиги билан қадимларшунослар тарихчилар, санъатшунослар мунтазам шуғулланиб келмоқда. Жумладан, В.Д.Жуков, В.А.Шишкин, Г.В.Парфийёнов, Г.А.Пугаченкова, В.М.Массон, А.К.Лазеров, Л.И.Альбаум, Б.Я.Ставиский, А.Асқаров, Ў.Исломов, Э.В.Ретвиладзе, А.Сагдуллаев, З.А. Аршавская, З.А. Ҳакимов, А.Р.Рогинская, Ж.Илёсов, Б.Турғунов, Т.Ширинов, Ш.Пидаев, Ш.Шайдуллаев, Т.Аннаев,

Ш.Раҳмонов, З.Холиқов каби олимлар Сурхон воҳасининг моддий ва маънавий меросини ўрганишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Шунини алоҳида фахр билан қайд этиш керакки, воҳанинг қадим тарихига хорижлик олимларнинг қизиқиши ниҳоят даражада катта, жумладан, амеркалик археолог Карловский Сополли маданиятини “Окс цивилизацияси” деб аташни таклиф этган бўлса, Болония университети профессори Мовруцио Тоси ушбу маданиятни “Турон цивилизацияси” деб аташни таклиф қилди. Кўхна Термизнинг буддавийлик ёдгорликларини ўрганишда хинд олимларидан Б.Мукержий, Н.Бхатия, венгриялик Я.Харматта ва германиялик Х.Хумбахларнинг ҳиссалари катта. Сурхон воҳанинг жез даври ёдгорликларини ўрганишда Л.Корловский ва Ф.Коллор бевосита иштирок этган. Токионинг Соко Университетининг профессор Кюдо Кото бошчилигидаги илмий гуруҳ 1993 йилдан бошлаб Далварзинтепа, Қоратепа ва Фаёзтепаларда қазилма ишларини олиб борди. 1993-2003 йилларда Германия Археология институтининг Евроосиё ва ЎзРФА Археология институтининг олимлари Детрих Хуф ва Ш. Шайдуллаевлар ҳамкорлигида Жарқўтонда илмий изланишлар олиб борилди. Сурхондарёнинг Бойсун туманидаги Қўрғонзол ва Бандихон минтақасида жойлашган Майдатепа, Ялангтўштепа, Киндиктепа, Ғозмуллотепа, Қахрамонтепа ёдгорликларида Германиялик археолог Николоус Бороффка Ўзбекистон Бадий академияси санъатшунослик институти олимлари билан ҳамкорликда қазилмалар олиб борди. Шунингдек, Франциялик олим Пиер Лериш бошчилигидаги олимлар Эски Термизда қазилма ишларини олиб борди. Чехиялик олимлар эса Тиллабулоқ, Арабулоқ каби мажмуаларни ўрганмоқдалар.

Умуман олганда, воҳанинг бой моддий ва маънавий маданияти ҳамиша бутун жаҳон нигоҳида бўлиб келмоқда. Сурхон воҳаси моддий маданияти юксак даражада ривож топган ўлка бўлиб, қадимдан Термиз мардлар шаҳри сифатида шуҳрат қозонган. Бу ерда минглаб Термизийлар яшаб ижод этган ва буюк мерос қолдирган. Мустақиллик шарофати билан илм ва фан тараққиётига алоҳида эътибор берилиб, улкан ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Моддий ва маънавий маданият маркази бўлган Термиз шаҳрида ҳам воҳанинг моддий ва маънавий маданиятини ўрганадиган Академия – илмий марказ очиш долзарб масаладир. Чунки, ибтидоий, жез, темир даврларни, шунингдек, илк шаҳарсозлик, давлатчиликка хос тамойиларни, воҳага хос этномаданий жараёнлар ҳамда хўжалик тизими оид маданий тараққиётни, зардуштийлик, буддавийлик ва ислом динларига тааллуқли моддий ва маънавий маданиятини, Ал Ҳаким ат – Термизий, олти муҳаддисдан бири Имом Исо Термизий, Қирққиз ва термизий маърифат фидойилари, ўз навбатида, Чағониён илм – тафаккур зиёлиларининг амалга ошириган беқиёс ижод намуналарини тиклаш, ўрганиш ҳамда ёш авлод онгига сингдиришда ташкил этиладиган Академиянинг хизмати катта бўлади.

ВОҲАНИНГ ИБТИДОЙ ДАВР МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Сурхон воҳаси ибтидоий одамларга макон бўлган қадим юрт ҳисобланади. Воҳадаги Тешиктош, Мачай, Амир Темур ғори, Зараткамар манзилгоҳларидан ибтидоий одамларнинг маконлари топилган. Тешиктош ғори ўрта полеолит даврида неандертал одамлар яшаган илк маконлардан бири саналади. Ушбу манзилгоҳни 1938 йили А.П.Окладников бошлиқ ибтидоий давр археологиясини ўрганиш отряди Бойсун туманидаги Зовталашгансой дарасида жойлашган **Тешиктош ғорини** тадқиқ қилиш жараёнида аниқлади. Милoddан аввалги 100-40 минг йилликларга оид. Тешиктош ғорининг умумий майдони 300 кв. м, шундан 100 кв. м жойида неандерталлар яшаган. Ёдгорлик 5 та моддий маданий қатламдан иборат бўлиб, маданий қатлам 1,5 метрни ташкил этади. Ғорнинг ҳар бир моддий қатламида биттадан, баъзиларида иккитадан гулхан қолдиқлари сақланиб қолган. Бу гулханлар атрофидан кўплаб тоғ эчкиси, буғу, сиртлон, айиқ, қуён ва ҳар хил қушларнинг суяк қолдиқлари топилган. Энг муҳими, юқори маданий қатламдан 9-10 ёшлардаги неандерталь боланинг қабри топилганлиги ёдгорликни дунёвий аҳамиятга молик даражага кўтарди.

Ушбу антропологик топилма олимлар орасида катта қизиқиш уйғотди ва мутахассис олимлардан Г.Ф. Дебец, М.М. Герасимов, М.Д. Гремякий ва В.А. Алексеевлар уни ўрганишда жонбозлик кўрсатдилар. Аниқланишича, топилган неандерталь бола калла суягининг ҳажми 1450 см бўлиб, унинг ирқий жиҳатдан Европа ва Олд Осиё гуруҳига мансуб эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Воҳада моддий маданиятнинг қадимги манзилгоҳларининг пайдо бўлиши тош даврининг мустъе босқичига хос, Бойсун тоғидаги Тешиктош ғор маконидан топилган бола склети ўз даврининг оламшумул кашфиёти бўлди. Бу Ўрта Осиёнинг ҳам моддий маданиятига оид манбалар инсоният шаклланган минтақалардан бири сифатида қарашга имкон берган. Ғордан топилган ҳайвонларнинг 667 та суягидан 649 таси кийик суягидир. Ов кўп одамлар иштирокини талаб қилганлиги сабабли ов ибтидоий одамларни бирга ҳаракат қилишга жипслаштирган асосий омиллардан бири эди. Яраланган йиртқич ҳайвон билан олишувда кўпинча одамлар ҳалок бўлганлар, улар қўлга киритган ўлжаларини бирга баҳам кўрганлар. Аёллар мева-чева териш, илдиз ковлаш билан шуғулланган ва меҳнат қуроллари тайёрлаганлар.

Машхур антрополог олим ва ҳайкалтарош М. М. Герасимов боланинг киёфасини яратди, боланинг бош суяги жуда сиқик, пешонаси яйдоқ,

паст, кошқовоғи осилиб туради. Чайнаш мускуллари бақувват, ияги текис, бош суягининг ҳолати ва букчайган қомати ўша вақт одамнинг ҳали қаддини ростлаб юришга одатланмаганидан далолат беради. У ўз қиёфаси билан Европада яшаган неандерталь шаклидаги одамларга жуда ўхшайди. Унинг қабри атрофига қўйилган така шохлари болани гўё жинлардан химоя қилган, бу қуёш рамзи бўлиб, диний аҳамиятга эга бўлганлигини тасдиқлайди. Худди шу ўринда академик Б.Ғафуровнинг фикрлари анча эътиборли кўринади, олим Тешиктошдан топилган тош буюмларни ўрта палеолит даврига оид деб ҳисоблайди. Ғордан топилиб ўрганилган 2859 дона тош буюмлардан, 2520 дона синиқ-учринди, 134 дона пластинка парракча, 94 дона тош қуроллар, 101 дона турли шаклдаки ўзаклар, 10 дона тош бўлакчалардан ташкил топган. Жумладан, ушбу тош буюмларнинг 339 дона тугалланган қуроллар сирасига киради. Улардан ўткир учли тошлар пичоққа монанд бўлиб, овланган ҳайвонларни терилашда фойдаланган бўлишлари мумкин. Бу неандерталь одамлар, асосан, тоғ такаси, кийик, айиқ, сиртлон ва бошқа майда ҳайвонларни овлаган. Бундан ташқари бола скелети атрофида тоғ такаларининг шохларнинг қўйиб чиқилиши, афтидан, махсус дафн маросими бўлганидан дарак беради. Кўплаб тоғ ғорларида қадимий одам қуналғалари аниқлангани ҳолда, муҳими Туркон (Шеробод)дарё сохилларидаги Бойсунтоғнинг Тешиктош ғорларидан топилган бола бош суякларига монанд бошқа суяклар ҳали хануз бутун бошли Марказий Осиёда топилганича йўқ.

Қадимшунос олимларнинг фикри ва хулосасига кўра, Тешиктош ғоридаги ҳаёт мезолит даврида ҳам давом этган. Бу ердаги маданий қатламнинг қалинлиги 40 метрча бўлиб, ундан тоғ эчкиси, айиқ, тошбақа суяклари ҳамда кремний, чакмоқтош, оҳақтош, қумтош, яшма, кварцит ва бошқа вулканий тош жинсларидан ишланган турли хил тош қуроллари топилди. Тошдан ясалган қуроллар ичида пайконлар, қирғичлар, тош пичоқлар ва тош чопқилар бор эди. Бу топилмалар туфайли ушбу ҳудуд аҳолисининг қадимги ҳаёти ва ҳўжалик соҳасидаги турмуш даражасини аниқлаш мумкин. Умуман, Сурхон воҳасидан қадимги одамлар яшаган 15 та юқори палеолит манзилгоҳлари топилган. Тешиктош ёдгорлиги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидан топилган ўрта палеолит (мустье) даврига оид ёдгорликдир.

Бойсун ҳудудида жойлашган қадимги тош даври моддий маданият ёдгорликлари жуда кўп, шундай ёдгорликлардан яна бири Амир Темур ғори ҳисобланади. Бу ғор Тешиктош ғорига анча яқин жойлашган бўлиб, асосан ўрта тош, яъни мезолит даврига оиддир. Амир Темур ғорида яшаган ибтидоий одамлар овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар, ғордан топилган тош қуроллари Тешиктош ғоридан топилган тош қуролларга анча ўхшашдир. Амир Темур ғорида яшаган ибтидоий одамлар овчилик ва термачилик машғулоти билан шуғулланганлар. Ғорда олиб борилган археологик қазув ишлари натижасида бу ердан жуда кўплаб ҳайвон суякларининг топилиши юқоридаги фикрларнинг исботидир. Ўрта тош даврига келиб, иқлимнинг исиши натижасида ибтидоий одамлар фақатгина

ғорларда яшаб қолмасдан, балки пасттекисликлар ва водийларга кўчиб чиқиб, макон қура бошлаганлар. Бу даврда улар овқат илинжида ов ўлжалари изидан юриб, уларни таъқиб этиб, асосан дайди ҳаёт кечирганлар. Амир Темур ғори қатламларидан эни 11,5 метр келадиган гулхан, ёғоч, кўмир қолдиғи топилган. Бу жой паст ва захлиги туфайли неандерталь овчиларининг вақтинчалик қўналгоҳи бўлган бўлса керак.

Ғорда уч маданий қатлам мавжудлиги ўрганилган бўлиб, биринчи – иккинчи қатламлар сўнгги тош асрига, энг қуйи яъни учинчи қатлам **Ўрта тош (мустъе) даврига оидлиги аниқланган. Мезолит даврига келиб одам** ташқи муҳитга тобора мослаша борди, унинг яшаш имкониятлари кенгайди. Одамлар бу даврда фақат ғорларда емас, балки текисликларда ҳам маскан кўра бошладилар. Ижтимоий муносабатларда ҳам кескин ўзгаришлар юз беради. Ўша давр одамлари фанда «HOMO SAPIENS» идирокли одам деб номланди, ҳозирги замон одамларининг уч ирқи европеоид, негироид (хабаш) ва монголоид қиёфалари ҳам ўша вақтга вужудга келган.

Милоддан аввалги 40-35 минг йилликларда тош даврининг сўнгги босқичи юқори палеолит бошланиб, у милоддан аввалги 12-10 минг йилларгача давом этган, бу даврда ҳозирги замон одамлари (кроманьон) шаклланди. Одам тўдалари қон-қариндош бўлиб яшай бошлади. Она томонидан уруғдошлик мустаҳкамланиб, матриархат пайдо бўлди, меҳнат тақсимотида эркаклар овчилик билан, аёллар уй хўжалиги билан шуғулландилар.

Мачай ғори – Юқори Мачай ва Қуйи Мачай қишлоқлари оралиғида, Бойсунтоғ этакларидаги Мачай сойининг (Туркундарё) юқорисида жойлашган, Мачай ғори мезолит, яъни ўрта тош даврининг йирик ёдгорлиги, Мачай ғорида овчилар ва балиқчилар жамоаси яшаган, ушбу ёдгорлик 1938-1941 йилларда Г.В. Парфёнов томонидан очиб ўрганилди. 1937 йилда археолог А.П.Окладников мустъе даврига оид иккита қатламни очиб илмий изланишлар олиб борди. Археолог Ў. Исломов 1970-1971 йилларда Мачай ғорини ўрганиб, ундан топилган тош ва суякдан ясалган қуроллар мезолит даврига оид эканлигини исбот қилди. Археологик қазув ишлари натижасида бу ердан милоддан аввалги VII-VI минг йилликларига оид жуда кўплаб турли шаклларда тошдан ясалган ов қуроллари, тош пичоқлар, шунингдек, суякдан ясалган бигиз, игна ва кўплаб миқдорда ҳайвон суяклари ҳамда инсон суяклари топиб ўрганилди. Антрополог олим Т. Хўжаевнинг фикрига кўра, Мачай ғорида яшаган одамлар антропологик жиҳатдан европеоид ирқига мансубдир.

Мачай ғорида яшаган ибтидоий одамлар, асосан, ўзлаштирувчи хўжаликнинг овчилик ва термачилик машғулоти билан шуғулланганлар. Қолаверса, шу даврда ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш жараёни ҳам айнан мустъе даврида содир бўлган, Мачай ғордан топилган суяк қолдиқлари ҳам бу фикрни тўлиқ исботлайди. Қизиғи, бу ёдгорлик ўша давр кишиларининг суяк қолдиқлари асосида инсониятнинг антропологик қиёфасини ва ҳайвонот дунёсини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади. Ғордан кўплаб тоғ эчкиси, катта ва кичик шохли ҳайвон суяклари топилиб

ўрганилди ва натижада мил. авв. VIII-VII мингинчи йилларда Мачай ғорида яшаган одамлар ҳайвонларни хонакилаштиришга ўтганлигидан далолат беради. Тағин ўша одамлар табиатдаги мавжуд тайёр нарсаларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки ишлаб чиқариш иқтисодига кўникма ҳам ҳосил қила бошлаганлар. Мачай ғори дарё сатҳидан 70 метр баландликда табиий тепаликда жойлашган. Кириш қисми жанубга қараган. Бу ғорнинг кенглиги 20 метр, чуқурлиги 11 метр, баландлиги 3-2,5 метр атрофида. Археологик қазув ишлари натижасида бу ерда жуда кўплаб тошдан ясалган ов қуроллари, тош пичоқлар, шунингдек суякдан ясалган бигиз, игна ва кўплаб миқдорда ҳайвон суяклари ҳамда инсон суяклари топиб ўрганилди. Энг муҳими шундаки, ушбу ғорда ибтидоий аجدодларимиз кўли билан ясаган ва уларнинг ўзлари эҳтиёжларига яраша ишлатган, тош қуроллар фан оламига киритилди. Бу тош қуроллар Марказий Осиёнинг бошқа Мезолит даври манзилгоҳларидан топилган тош қуролларидан ясалган усули ва шакиллари жиҳатидан фарқ қилади.

Инсонлар мўъжизакор табиатдаги осори-атиқаларнинг расмини чизиш учун табиий тайёр ғорлардан, қоялардан фойдаланганлар, ана шундай моддий маданият манзилгоҳлардан бири Зараутсой бўлди. Ўзбекистон худудининг Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбидаги Кўҳитанг тоғининг ён бағрида жойлашган дарадаги унғир ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналари бўлмиш маданият масканидир. Қадимий аجدодлар яратиб қолдирган бу моддий маданият осори-атиқаларни **ўз бағрида минг йиллардан буён асраб келаётган маскан Зараут, Зараутсой ва Зарауткамар номлари билан юритилади.** Зараут - қишлоқнинг номи, турли булоқ сувларидан йиғилиб пайдо бўлган ва **Зараут** қишлоғи ичидан оқаётган сойни Зараутсой дейдилар. Зараутсой оқиб-оқиб Қизилолма сойга кўшилади, ана шу икки сой кўшилиб Қорабоғсойга, ундан ўтиб Майдонсойга ва ниҳоят Лойлиқсойга бирлашиб, Туркондарё (Шерободдарё)га қўйилади, у эса йўлини Амударёгача давом эттиради².

Шеробод тумани Қизилолма (бу қишлоқ ҳам бир пайтлар Зараут деб аталган) ва Зараут қишлоғи яқинидаги Зараутсой бўйида тошга қизил кесак (бўёқ) билан солинган суратлар топилган ва бу тасвирий санъат ёдгорликлари мезолит даврига оиддир. Унда чодир ёпиниб, ўзига дум боғлаган ва ўқ-ёй кўтарган овчилар, ит ҳамда ёввойи ҳайвонлар билан бирга тасвирланган. Афтидан, қадимги овчилар ов қилиниши лозим бўлган ҳайвонларни чўчитмаслик учун орқаларига дум боғлаб, чодир ёпиниб олган бўлсалар ажаб эмас. Бу дара Сурхондарёнинг ўтиш ва бориш энг қийин, энг мушкул бўлган Кўҳитанг тоғлари этакларида жойлашган бўлиб, қадимги санъатнинг ажойиб ҳамда ноёб ёдгорликларидандир. Шундай қалтис жойни, чиқиш қийин дара тепасидаги ғорни зараутлик Рауф исмли ўн яшар бола кўй боқиб юрганида тасодиф кашф этади. Бу 1939 йилнинг баҳори эди, бир ойлар чамаси ўтгач, топилма ҳақида хонадон аъзолари оиланинг қадрдон дўсти бўлиб қолган Иван Фёдорович Ломаевга айтиб беришади. Довжурак изчи-

² .Муртазоев Б. Зараутнинг зари бор...”//Сурхон тонги.2004 й. 17 октябрь.

овчи, тўғрироғи овчи-ўлкашунос, айни пайтда гиёҳшунос, табиатнинг чексиз хавасманди И.Ф.Ломаев дўсти Ваҳоб Давлатов ва унинг ўғли Рауф билан биргаликда камарга боришади. Ўз навбатида И.Ф.Ломаев кўрганлари хусусида ўша пайтлари Термиздаги Сурхондарё округ музейи директори Г.В.Парфёновга хабар беради. Г.В.Парфёнов 1931 йили илк бор Сурхондарёга иш билан келганида Хатак қишлоқлик қариялардан тоғнинг қайсидир ғорларида ҳайвонлар, одамлар сурати чизилганлиги ва номаълум битиклар борлиги ҳақидаги маълумотларни эшитиб ёзиб олган эди, аммо ўшанда бу сирли ғорларнинг қаердалигини ҳеч ким айтиб беролмаган эди. И.Ф.Ломаевдан илгари ҳам камар расмлари билан қизиқувчилар бўлган, шулардан бири 1912 йили суратлардан нусха олишга ҳаракат қилган ҳарбий топограф Фёдоров бўлган. Юқоридагилардан шу нарса аёнки, илгарилари ҳам бу ноёб расмлар билан қизиқувчиларнинг бор бўлганлиги эҳтимолига заррача шубҳа йўқ.

Зараутсой моддий маданиятга оид суратлар дастлаб И.Ф.Ломаев томонидан ўрганилади, кейинчалик Г.В.Парфёнов раҳбарлигидаги экспедиция иш бошлади ва очиқ қоятошнинг антиқа қизил рангли расмларини суратга туширди, кўчирмалар олди, муҳими янги суратли жойлар аниқланди. Зараутсойни тадқиқ этишда Г. В. Парфёнов, А. Ю.Рогинская, А.С. Кириллов, И.Ф.Ломаев, А.П.Иванова, В.К.Сандул ва Ш.Исмоиловлар катта ишларни амалга оширдилар. Ҳатто экспедиция иштирокчиси асли касби рассом А.Ю.Рогинская «Зараутсой» номли рисоласини рус тилида 1950 йили Москвада эълон қилди. А.Ю.Рогинская 1942 йили Москвадан Сурхондарё вилоят театрига рассом сифатида ишга жўнатилган бўлиб, Г.В.Парфёнов томонидан экспедицияга жалб этилган эди. Айниқса, кейинги йилларда Зараутсой қоя расмлари таниқли олим А.А.Формозов томонидан пухта таҳлил қилинди.

Зараутсой моддий маданиятига оид суратлар орасида ёввойи буқаларни овлаш манзараси тасвир этилган суратлар айниқса муҳимдир. Зараутсой дарасидаги 200 дан ортиқ расмларда одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар: ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчка, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчкиси, хашорат, турли ов буюмлари: ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар, ниқобланган одамлар ва бошқа ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб чизилган расмлар, суратларда тасвирини топган ўқ-ёй ва хонаки итлар кўмагида ов қилиш саҳналари уларнинг мезолит даврига оидлигини билдиради, деган хулосага келади А.А.Формозов, зеро ўқ-ёй ва уй ити мезолит давригача номаълум эканини фан аллақачон тасдиқлагандир. А.А.Формозовнинг илмий тадқиқотларида: ”қоявий тасвирлар-варақма-варақ, бобма-боб қатъий давомийликда ўқиб борилиши лозим бўлган очиқ китоблардир”, деб таърифлайди. Академик Б.Ғафуров бўлса Зараут суратларини неолит-энеолит даврига оидлиги ҳақида фикр баённи беради. Зараутсой дараси ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида унинг обидаларини муҳофаза қилиш «қизил китоб»га киритилган. Г.В.Парфёнов Зараутсой суратларининг юқори палеолит даврига оид деб белгилади, энг сўнгги намуналар эса темир бронза даврига тўғри келади.

Зараутсой камаридаги расмлар бир неча асрлар давомида чизилиб, аждодларимизнинг ов билан боғлиқ урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган³.

Овчилар камон ва найзалари билан қуролланган, буқанинг кўкрагига найза санчилган, камондаги ўқ унга қаратилган. Одамларнинг баъзилари тери ёпинган ва думлари бор, бизга номаълум бўлган қандайдир афсонавий, эҳтимол, сеҳрий тасаввурлар билан боғлиқ ҳайвонлар сурати ҳам ўйилган. Зараутсой суратлари асосида Шерободда инсониятнинг илк босқичи яшаб ўтганлиги тўғрисида кўплаб қимматли материаллар илмий-археологик жихатдан тўла асослаб берилди. Зараутсой манзилгоҳида яшовчи ибтидоий одамлар тасвирий санъатни бўлажак овнинг бароридан келишига ёрдам беради деб тушунганлар, инсонга бўйсунмайдиган кучларга таъсир этувчи восита деб билганлар ва тасвири туширилган ҳайвон юрагига найза санчиб, ҳаётда ҳам овни ғолибона яқунлаш мумкин деб ишонганлар. Зараутсой қоясининг текис жойларида қалпоқ кийган кишиларнинг шакли кўзга аниқ ташланади, улар ёввойи буқа ёнига яшириниб бориб унга найза отадилар. Овчиларнинг қандайдир сеҳрли кийимлари ва маросимлари бўлган, улар ўзларига дум ёпиштириб олганлар, қўлларини кенг ёзиб кийимларининг этакларини қанот сингари силкитганлар. қоялардаги ҳайвонларнинг тасвири жуда жонли чиққан, масалан ов сахналарининг бирида ёввойи хўкизни 19 овчи қуршовга олиб турибди, бошқа ов ҳаракатлари ифодасини топган иккита манзарада эса қочаётган ҳайвонлар ва уларни таъқиб этаётган найзачилар тасвирланган. Бошқа бир тасвирда бўлса, жон ҳолатда қочаётган хўкизлар билан бирга жайронлар чопмоқда, ҳатто жайронлардан бирининг танасига қадалган найзани аниқ кўриш мумкин. Хулоса шуки, ибтидоий рассомнинг диққат-эътибори биргина хўкизга қаратилмасдан, балки тоғ эчкиси, сайғоқ, жайрон, бурама шохли эчки ва бошқа ҳайвонларга ҳам қаратилган экан.

Зараутсой қояларида чизилган 246 дан ортиқ моддий маданиятга хос ибтидоий расмларнинг ҳаммаси бир вақтда чизилмаган, баъзи тасвирларнинг бир-бирининг устига қалашиб кетганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Зараутсойдаги дастлабки тасвирлар мезолит (ўрта тош) даврининг охирларига оид бўлиб, тахминан бундан 10 минг йиллар муқаддам чизилган. қоялардаги кейинги тасвирлар бронза даврига оид бўлиб, милоддан аввалги III-II минг йилликларнинг маҳсулидир. Зараутсойда топилган моддий маданиятга оид тасвирлар мамлакатимиздаги энг қадимий расмлар мажмуасидир. Одамлар ва ҳайвонларнинг ана шу расмларида бадиий тасвир инсон меҳнати, унинг яшаш учун қураши билан боғланган. Бу санъат ибтидоий одам онгида вужудга келган қиёфаларни ўзининг ибтидоий тасвирига, қонунларига эга бўлган асарга айлантириш маҳоратига асосланган. Зараутсой мамлакатимизда биринчи марта санъатшунослик кўриқхонасига айлантирилган ноёб манба сифатида ҳам жуда ардоқлидир. Воҳадаги мезолит даврига оид Мачай, Амир Темурғори, Зараутсой каби

³ .Холмирзаев А. Зараутсой тилсимлари.-Тошкент:

ибтидоий одамлар манзилгоҳларини ўрганиш асосида Республикаимизнинг жанубий ҳудудларида тоғ ва тоғ олди минтақаларида ўрта тош даврида ибтидоий одамларнинг кўплаб маконлари бўлганлигини ва бу ерда жадал ҳаёт давом этганлигини кузатиш мумкин. Бироқ неолит ва энеолит даври маконлари ханузгача воҳада аниқланмаган, бу билан воҳада бу даврларда одам яшамаган деган фикрдан йироқмиз. Агар жез даврида яратилган Сополли ва Жарқўтон маконларини эътиборга олсак, бу йўқ жойдан пайдо бўлмаган, аксинча тарихий тараққиётнинг тадрижий давоми саналади. Фақатгина кейинги тадқиқотларгина бу фикримизга ойдинлик киритиши табиий.

ЖЕЗ ДАВРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

Жез даври милoddан аввалги III- II минг йилликларни ўз ичига олади, Жез даври инсоният ҳаётида ниҳоятда улкан ўзгаришлар содир бўлган давр саналади. Дунё тарихида бу даврда Шумер-Аккад маданияти, Моҳенжадорро ва Хараппа маданияти, Шан-Ин маданияти, Крит-Микен маданияти каби маданиятлар шаклланган. Бу даврда Ўзбекистон ҳудудида ҳам муҳим ўзгаришлар юзага келди, Ўзбекистон ҳудудида яшаган жез даври қабилалари бир хилда тараққий этган эмас. Бу даврда Сурхондарё, Зарафшон воҳаси ва Хоразмдан иборат учта ўлкада қадимий маконлар шаклланган, ҳар қайси ўлканинг маданий тараққиётида ўзига хос хусусиятлар бўлган. Бу маданиятлар деҳқончилик - уй чорвачилиги ва чорвачилик-деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Улар бир-биридан ажралган ҳолда тараққий қилган эмас, аксинча қабилалар ўртасида кенг маданий алоқалар бўлган. Жез даврининг муҳим ўтrock маконларидан бири Сурхон воҳасидаги Ўланбулоқсой, Шеробод, Бандихон, Миршоди ҳудудларида жез даврига оид манбалар топилиб илмий ўрганилди. Ушбу ҳудудларда яшаган қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган қишлоқларда яшаган, улар сойлар бўйларида тарқалиб, суғорма деҳқончиликда ушбу сойларнинг сувларидан фойдаланганлар. Айни жез даврида Сурхон заминида илк бободеҳқонлар макони Сополли маданияти шаклланган бўлса, шу даврда Жарқўтонда илк шаҳарсозлик маданияти юзага келди. Сополли, Жарқўтон, Муллали, Бўйрачи маконларида яшаган аجدодларимиз ўз даврида йирик бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, деҳқончилик, ҳунармадчилик ва бинокорлик ишларини амалга ошириб моддий маданият намуналарини келажак авлодларга қолдирдилар.

Сополлитепа - Сурхондарё вилоятининг (Музрабод тумани) Шеробод чўлини кесиб ўтган Ўланбулоқсой ёқасига жойлашган жез даврига оид археологик ёдгорлик. У 1968 йил археолог Л. Альбаум томонидан топилган ва 1969-74 йилларда А.Асқаров томонидан ўрганилган Сополлитепанинг майдони тахминан 3 гектар. Унинг 1 гектарга яқин марказий қисми мудофаа деворлари билан ўраб олинган. қалъа атрофидаги майдоннинг катта қисми бузилиб, пахта далаларига айлантилган. Тепанинг устки қисмида сопол

синиклари қалашиб ётганлиги учун манзилгоҳ маҳаллий ахоли орасида Сополлитепа деб аталган.

Сополлитепада ўтказилган археологик қазилмалар натижасига кўра, унинг марказий қисми мурабба (82x82 м.) шаклида қурилган қалъадан иборат, қалъанинг томонлари гўё 3 қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Аслида эса, қалъани ўраб олган деворлар тизими ички ва ташқи йўлаксимон қопқонлардан ташкил топган бўлиб, қалъа ташқи мудофаа чизигида томонларга параллел қилиб 8 та йўлаксимон қопқонлар жойлаштирилган. Қалъанинг ички мудофаа чизигининг марказига ва ҳар тўрт томон бурчакларига биттадан, ҳаммаси бўлиб 8 та йўлаксимон қопқонлар жойлаштирилган. Йўлаксимон қопқон тизимининг жойлашиш режасига кўра, қалъага кириш дарвозаси ҳам гўё 8 та. Аслида эса ҳақиқий дарвоза қалъа жанубий томонининг марказида жойлашган, қолган «дарвозалар» ҳарбий хавф туғилганда қопқон вазифасини бажарган. Қалъанинг ички мудофаа тизимида, йўлаксимон қопқонлар оралиғида ҳар томонда иккитадан мурабба шаклида қурилган хоналар бўлиб, уларга қалъа ички томонидан эшик очилган. Айнан ана шу хоналар томон қалъа ичига жойлашган турар жой мажмуалари оралаб тор кўчалар ўтган. қалъа ичидаги турар жой мажмуалари унинг ички деворлари бўйлаб жойлашган. Улар ана шу кўчалар орқали 8 та маҳаллага бўлинган. қалъа марказида эса очиқ майдон бор. Қалъа дарвозасидан бошланган кенг йўл ва тор кўчалар ана шу майдон билан боғланган. Буларнинг барчаси Сополлитепа жамоаларининг мудофаа тизимини ташкил этган, бундай мураккаб меъморий иншоот олдиндан ўйланган аниқ режа ва ғоя асосида қурилган. Сополлитепа қалъа кўрғонининг меъморий тарҳи протошаҳар таркибини эслатади, уни махсус ўйлаб топилган мудофаа режаси эса амалий тажрибадан келиб чиқиб, қалъа бош режаси ғоясига қатъий буйсундирилган. Айнан, мана шундай мудофаа тизими Сополлитепа хавфсизлигини юқори даражада таъминлай олган, боиси мудофаа тизимини ташкил этган узун йўлақлар дастлаб мудофаа иншооти вазифасини бажарган. Уларга мудофаа иншооти сифатида талаб сўнғач, секин-аста бошқа мақсадларда фойдаланилган, масалан, шимолий ва шарқий ички йўлақлар хилхона сифатида фойдаланилса, ғарбий ва жанубий йўлақлар кулолчилик устахоналари сифатида фойдаланилган. Ҳар бир маҳаллада уруғ жамоаларининг хилхоналари бўлиб, марҳумлар мудофаа деворлари остига, уйларнинг поли остига кўмилган, уруғ бошлиқларининг қабрлари эса, одатда, оила ўчоғи рўпарасида учратилади.

Сополлитепада ўтказилган қазилмалар жараёнида 150 дан ортиқ турар жой мажмуалари очилди, уларни маҳалла бўйича тақсимлаганда ҳар бир маҳалла майдонига 15-20 тагача оилавий турар жой мажмуалари тўғри келади, лекин, улар бир вақтда бунёд этилмаган. Сополлитепада одамлар қанча вақт яшаганлигини ўрганиш мақсадида унинг ҳар хил жойларида шурфлар солинди, шурф кесмаларига кўра, мудофаа иншоотлари ва уй-жой мажмуалари пойдеворсиз қурилган. Оилавий уй жой мажмуалари кўп хонали бўлиб, ҳар бир оилага қарашли кўп хонали уйнинг бири деворининг остида мўрилли ўчоқ сандал ўрни ёки тоза кулли қурбонгоҳ чуқурчаси, учинчисидан эса

омборхона сифатида фойдаланилган. Булар оила бирлигини англатувчи муҳим белги эди, бир неча шундай оила birlikлари катта патриархал уруғ жамоасини ташкил этган. Сополлитепа ана шундай катта патриархал уруғ жамоаларидан 8 тасини бирлаштирган қишлоқ жамоаси эди. Сополлитепа уйлари ва мудофаа иншоотлари сомон қўшилган хом ғиштлардан қурилган. Уй деворлари андавалар ёрдамида силлиқ қилиб сувалган (топилмалар орасида сопол андава ҳам бор), сувоқ устидан ҳаворанг оҳак билан оқланган.

Ҳар бир патриархал жамоа маҳалласи қошида уларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кулолчилик цехи ва металл эритиш устахоналари мавжуд. Хоналарнинг баъзи бирлари тўқимачилик мақсадларига мослаб қурилган, улар кенг ва узун бўлиб, тўқув дастгоҳини ўрнатишга мўлжаллаб қурилган. Ана шундай хоналарда урчук тошлар, суяк тароклар, тош ва сопол қадоқтошлар кўпроқ учратилган. Сополлитепада тўқимачилик ипак, пахта ва ҳайвон жуни хом ашёси асосига қурилганлиги ҳақида далолат берувчи топилмалар бор.

Сополлитепа сополлари чархда ясалган, 2 қаватли хумдонда пиширилган, улар нафис, жарангдор, нақшсиз, кулоллар сопол ишлаб чиқаришда асосий эътиборни мутаносиблик ва шаклга қаратган. Улар жуда сифатли узун оёқли вазалар, конуссимон косалар ва нимкосалар, қадаҳлар ва хурмачалар, кўза ва кўзачалар, хум ва хумчалар, чойнак ва пиёлалар, тоғора ва лаганлардан иборат. Сополлитепада жездан қирғич ва пичоқлар, болта ва тешалар, игна ва бигиз, искана ва ранда тишлари, кўзгу ва муҳр, сурмадон ва хилма хил идишлар, билагузук, соч турмаклагичлар, сирға ва узуклар, тиллақош ва қош тергичлар ишлаб чиқарилган.

Сополлитепада 158 та қабр очилган, уларнинг деярли барча ашёвий далиллари бутунлигича бизгача етиб келган. Қабрлар ҳозирги замон қабрларидан фарқ қилмайди: айвонча, айвончаларнинг ғарбий четида, ундан пастроқда лаҳад жасадхона, унинг оғзи ярим энгаштирилиб терилган ғиштлар билан беркитилган. Айвонча лаҳаддан чиққан тоза тупроқ билан тўлғизилиб усти суваб қўйилган. Биргина фарқи Сополлитепа лаҳадлари кенгроқ қабр оғзига яқин бўш майдонга турли идиш товоқлар, меҳнат ва бошқа ҳарбий қурооллар, тақинчоқ, безак буюмлари ва бошқалар қўйилган. Лаҳадда эркаклар гужанак ҳолда ўнг томони билан, аёллар эса чап томони билан ётибди, ҳар икки жинс ҳам кафанда эмас, балки ҳаётлик вақтидаги байрамона кийимда кўмилган. Эркаклар қабрида меҳнат ва ҳарбий қурооллар, аёллар қабрида турли хил тақинчоқ ва безаклар учрайди, қабрлардан топилган ашёлар таркибига қараб, марҳумларнинг касбини аниқ айтиш мумкин. Демак, сополлитепаликлар эътиқодига кўра, улар нариги дунёда ҳам яшашда давом этишларини тасаввур қилганлар. Мозордаги ашёларнинг «бой ва камбағаллиги» уларнинг ёши ва жамоада тутган мавқеи билан боғлиқ бўлган. Қабрларда биттадан, баъзан эса иккитадан скелетлар учрайди, баъзида аёлни эмизикли боласи билан кўмиш ҳоллари ҳам учрайди. Узок ўтмишдаги аждодларимиз удумига кўра, она ўлса унинг эмизикли боласи

билан кўмиш табиий ҳол ҳисобланган бўлса керак. Сополлитепада ўрганилган жуфт қабрларда эркак ва аёл бирга кўмилган бўлиб, уларнинг биронтасининг суягида мажбурий ўлим излари учрамайди, демак, улар ўз ажали ила ҳаёт билан видолашганлар.

Кейинроқ, кўчманчи мулкдор чорвадорлар орасида кўп хотинлик табиий ҳолга айланган ҳарбий демократия даврида «нариги дунёда ҳаётнинг давом этиши» ҳақидаги ибтидоий ақидага кўра, скиф подшолари ва қабила сардорлари билан уларнинг хотин ва чўриларидан бир қисмини мажбурий ўлдириб бирга кўмиш одат тусини олган. Ана шу одатнинг дастлабки илдизлари Сополлитепада кўзга ташланади, қабрларда одам жасади ўрнида майда ҳайвон скелетлари учратилган, бундай қабрлар “кенотаф” (марҳумни ўрнига кўзичоқ ва марҳумни буюмларни кўшиб дафин қилиш ёки майитсиз қабр)номи билан аталади. Уларда бедарак йўқолган марҳум ўрнига жамоа дафн анъанасига кўра, унинг тирик жон мулкидан бир қўйни ўлдириб кўмиш лозим топилган. Сополлитепа кенотаф қабрларининг деярли барчаси эркакларга тегишли эди.

Унинг аҳолиси эътиқодида қуёшга, оловга сиғиниш ўз аксини топган. Бунинг излари айрим хоналар майдонида учратилган сандал ўтхонаси сифатида қабул қилинган тоза кулли чуқурчаларнинг барчаси оташпарастил эътиқодига алоқадор белгилар эди.

Сополлитепа жамоаси мазкур масканда 150-200 йиллар чамаси яшаб, сув танқислигидан, сувга қулай янги унумдор ерлар кидириб, Шеробод дарёнинг қадимий ўзани Бўстонсой соҳиларига кўчиб кетадилар. Бу воқеалар мил. ав. 2-минг йилликнинг биринчи ярмида содир бўлган. Сополлитепа деҳқонлари янги жойни ўзлаштириб, Ўзбекистон жанубида энг қадимги илк шаҳарни барпо этадилар. Бу шаҳар Ўзбекистон тарихида Жарқутон номи билан аталиб, унинг протошаҳри Сополлитепа ҳисобланади.

Жарқўтон археологик моддий маданият обидаси бундан 3500 - 4000 йил мукаддам Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудидан ўтган Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасидадир. Унинг майдони 100 гектардан кам эмас, шаҳар икки қисмдан иборат, яъни «Арки аъло» ва «**Шахристон**»дан ташкил топган. Арки аълода шаҳар ҳокимининг қароргоҳи-хукмдор саройи жойлашган, арки аълонинг умумий майдони 3 гектарга яқин, унинг атрофи қалин мудофаа девори билан ўраб олинган. Арки аълога туташган ҳолда унинг шарқий ва жанубий томонида, бу қадимги шаҳарнинг асосий аҳолиси деҳқон ва ҳунармандлар яшаган «шахристон» жойлашган.

Шаҳарнинг моддий маданиятга оид тарихий топографиясига кўра, **Шахристон** майдонида деҳқон ва ҳунармандларнинг патриархал жамоа кўрғонларидан ташкил топган 20 га яқин аҳоли турар-жой массивлари бор. Уларнинг ҳар бири мустаҳкам мудофаа иншоотлари билан ўраб олинган, аммо уларнинг барчасини яхлит ўраб олган мудофаа девори ҳали шаклланмаган. Шахристондан жанубда, қадимги ариқ қолдиғининг орқа томонида, Бўстонсой жарлари бўйлаб, камида 20 гектар майдонни эгаллаган некрополь, яъни шаҳар қабристони жойлашган.

Тарихий таҳлил тақозосига кўра, ўтмиши узок, тарихи ва маданияти бой, ўтроқ халқнинг дастлабки давлатчилиги заминида шаҳарсозлик маданияти ётади. Бу хулоса ер куррасида, биринчи бор энг қадимги давлатлар ташкил топган қадимги Шарқ минтақалари мисолида илмий жиҳатдан исботланган. Қадимги Шарқ цивилизациясининг илк бор ватани ҳисобланмиш Мессопотамияда милоддан олдинги IV минг йилликнинг охири ва III минг йиллик давомида, яъни бундан 5-5,5 минг йиллар аввал Шумер, Лагаш, Суза каби шаҳарлар ташкил топган. Ана шу шаҳарлар базасида митти давлатлар шаклланиб, улар тарихда шаҳар-давлатлар номи билан машҳурдирлар. Қадимги шаҳар-давлатларнинг ташкил топишида моддий маданиятнинг асосларидан бири бўлган ўтроқ аҳолининг деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжалиги иқтисодий омил бўлган. Улар дастлаб атроф аҳоли жойларининг хўжалик маркази, туман, вилоят ёки маълум бир ўлканинг сиёсий, диний ва ўз-ўзини идора этувчи табақалашган жамоаларнинг ижтимоий бошқарув маркази, яъни илк давлати бўлган. Шаҳарларнинг ташкил топишида асосан аҳолининг ўтроқ хўжалик ҳаёти ва у билан боғлиқ яна уч омил мавжудлиги тарихан зарур ҳисобланади.

Биринчиси-қулай табиий шароит, яъни унумдор тупроқ, сув ва бошқа географик омиллар, иккинчиси ҳосилдор суғорма деҳқончилик ва уни таъминловчи агротехника. Булар шаҳарларнинг пайдо бўлишидаги иқтисодий омиллар ҳисобланади. Учинчиси, ана шу иқтисодий омиллар асосида вужудга келган табақалашган жамиятнинг диний, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан бошқарув тизими туғилишига шароит етилган бўлиши керак. Иқтисодий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар (деҳқончилик сунъий суғориш тизимининг кашф этилиши, дарёлардан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқариш, ерни ишлашда омоч ва ҳайвон кучидан фойдаланиш, ҳунармандчиликнинг тўқимачилик соҳасида йигирув ва тўқув дастгоҳининг

пайдо бўлиши, кулолчиликда чархнинг ва мураккаб хумдоннинг барпо этилиши, металл эритиш ва куйиш технологиясининг кашф этилиши, уй ҳайвонларидан транспортда фойдаланишга ўтиш, қурилишда режа асосида уй-жой ва монументал бинолар қуришга кўникиш, атроф муҳит ҳақида қуёш соати, таквим-календар, мураккаб ҳисоблаш сиситемасини ихтиро этиш ва бошқалар) туфайли ижтимоий ҳаётда табақаланиш юз беради. Ана шу табақаланиш жараёни маълум нуқтага етгач, жамиятни бошқариш зарурияти туғилади, бу - ижтимоий омил эди. Қачонким, бу уч омил диалектик яхлитликда мавжуд бўлиши учун тарихий шароит туғилгандагина қадимги шаҳарлар ва улар базасида шаҳар-давлатлар пайдо бўлади.

Одатда жаҳон фанида қабул қилинган илмий ишланмага кўра, бир аҳоли яшаш жойини шаҳар деб аташ учун қатор омилларнинг этилиши талаб этилади. Улар қўйидагилар: территорияси 5-6 га ва ундан кам бўлмаган майдонда аҳолининг зич жойлашган бўлиши, аҳоли жойлашган майдоннинг чор атрофи қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши, шаҳар юқори табақа ва ҳокимларнинг тураржойлари оддий фуқаролар тураржой массивларидан ажраб туриши шаҳар ҳокимининг баланд пойдевор (платформа) устига қурилган монументал қасри, яъни шаҳар ўрдаси бўлиши, шаҳар майдонида, яъни шаҳристонда шаҳар аҳолисининг барча қатламлари учун хизмат қилувчи муқаддас диний марказ-маҳобатли ибодатхона мажмуи ташкил топган бўлиши, шаҳар иқтисодий асосини кўп тармоқли хунармандчилик ва савдо-сотик ташкил этган бўлиши, шаҳар рамзи ва белгиси ҳисобланмиш шаҳар муҳри ва туғросининг мавжудлиги ва бошқалар талаб этилган. Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган қатор ёдгорликлар жумласига кирувчи Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Жарқўтон ёдгорлиги ана шу талабларнинг барчасига жавоб берувчи энг қадимги ва ягона шаҳар қолдиғи ҳисобланади.

Жарқўтонда 1973 йилдан то ҳозиргача археологик қазишма ишлари давом этмоқда. Шу давр ичида майдони 100 гектардан кам бўлмаган шаҳар икки қисмдан «арки аъло» унинг «шаҳристон» қисмидан бир неча турар-жой массивлари, турли тармоқли шаҳар хунармандчилигининг объектлари, оташпарастилар ибодатхонаси, арк майдонидан эса шаҳар ҳокимининг маҳобатли сарой комплекси, металл эритиш печлари ва бошқалар топиб ўрганилди. Узоқ йиллар давомида мунтазам олиб борилган археологик қазишмалар жараёнида малакали даражада юксак ривожланган кулолчилик ва бронза эритиш ва куйиш корхоналари, заргарлик ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш устахоналари, пахта ва ипак маҳсулотлари хом ашёсига асосланган тўқимачилик хунарининг ашёвий далил ва қолдиқлари топиб ўрганилди.

Жарқўтон ҳудудида олиб борилган кенг кўламли изланишлар унинг санасини аниқлаш ва ушбу масканда юз берган тарихий жараённи бир неча босқичларга бўлиб ўрганиш имкониятини берди. Шунга кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти уч босқичга, яъни Жарқўтон (милоддан аввалги 1500-1350 йиллар), Кўзали (1200-1000 йиллар) босқичларига бўлинади. Кейинроқ Жарқўтоннинг қарама-қаршисида Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган

ёдгорликлар муносабати билан Мўлали босқичини икки фазага, яъни Мўлали (мил.ав.1200-1000 йиллар) ва Бўстон (мил.ав. 1000-900 йиллар) фазаларига бўлиб ўрганиш имконияти туғилди. Шундай қилиб, Жарқўтон ёдгорлиги мисолида Ўзбекистон ҳудудида умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган энг қадимги шаҳар давлат тарихи ўрганилди.

Жарқўтон ҳудудий жиҳатдан нафақат Марказий Осиёда, балки Ўрта Шарқ минтақасида ўрганилган бронза даврининг энг йирик қадимги шаҳар харобасидир. Бу жойда турар-жой массивлари ва улар базасида шаклланган кўп тармоқли хунарманд аҳли хўжаликлари қад кўтарган. Бўстонсой соҳилида жойлашган бу шаҳар шимол ва ғарбдан сой билан чегараланган, шарқдан эса унинг ҳудудий чегараларини белгиловчи бирор аниқ чизик кузатилмайди. Унинг шарқий чегарасини пахта майдонида тупроққа қоришиб ётган сопол парчалари ва тошдан ишланган меҳнат қуроллари сочилиб ётишидан билиш мумкин ҳолос. Жарқўтоннинг нисбатан бузилмай сақланиб қолган шимолий қисмида жойлашган Арки аълонинг умумий майдони 3 гектарни ташкил этади. Сомон қўшилган хом ғишдан ишланган қалин мудофаа девори билан ўраб олинган. қалинлиги 3 метрдан иборат деворнинг мудофаа кудратини ошириш учун у маълум масофада квадрат шаклда қурилган буржлар билан мустаҳкамланган. Ўз даврида баландлиги 5-6 метрдан кам бўлмаган бу иншоотнинг бизгача сақланган қисмининг баландлиги бир метрча.

Аркнинг микрорельефига кўра, унинг пасайиб борган икки бўлагида баланд-пастликлар кўзга ташланади. Арк майдонида солинган қудуқ-шурфларнинг натижасига қараганда дўнгликлар тураржой мавзелари, пастликлар эса кўча ёки ўзлаштирилмаган ҳудудлар бўлиб чиқмоқда. Жануб томонда жойлашган кириш дарвозасидан аркнинг марказий қисмига қараб пастлик, яъни кўча кетади. Аслида бу марказий йўл бўлиб, тахминан 25-30 метр масофада ғарбга томон кетади, худди ўша жойдан яна шарққа томон пастлик йўл бўлганлиги кузатилади. Ғарбга йўналган биринчи йўл Аркнинг жанубий ғарбига борганда баланд дўнгликка бориб тақалади, дўнглик қазилганда, у жойдан сомон қориштириб қўйилган хом ғишдан қурилган маҳобатли бино қолдиғи топилди. У 42x42 бичимидаги квадрат шаклида бунёд этилган, бино ташқи деворининг қалинлиги 4 метр, сиртқи томондан квадрат шаклдаги 13 та мудофаа буржи билан мустаҳкамланган. Бинога кириш дарвозаси жанубий деворнинг қоқ ўртасида, иккита бурж оралиғида қурилган Арки Аълода қад кўтарган шоҳона қаср аслида шаҳар ҳукмдорининг саройи бўлса керак, чунки Арк майдонидаги учта тураржой мавзеси орасида бино ўзининг мустаҳкамлиги билан тубдан ажралиб турибди. Ҳукмдор қасри ичидаги хоналар жуда оддий, жойлаштирилган, саройнинг ўрта қисмида эса 20 квадрат метрга яқин жойни эгаллаган суна борлиги аниқланди, бу ҳам бино шаҳар ҳукмдорининг қароргоҳи эканлигидан далолат беради.

Марказий йўлдан шарққа томон ажралган йўл бошқа бир дўнгликка боради, у жойда ҳам қазилган ишлари олиб борилганда мадансозлик хунари билан боғлиқ ноёб тураржой мавзеси очилди. Жарқўтонда ўтказилган

археологик илмий изланишлар жараёнида бронзадан ишланган юзлаб меҳнат ва ҳарбий қурооллар, зеб-зийнатлар, уруғ, қабила оқсоқоллари ва бошлиқларнинг ижтимоий нуфузидан далолат берувчи тамға ва туморлар топилди. Улар маҳаллий металл эритиш ва металлдан меҳнат қурооллари ва ҳарбий асбоб анжомлар ишлаб чиқариш устахоналари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, шаҳар ибодатхонасини қазиш вақтида унинг хўжалик хизмат қисмида махсус чилангарлик устахонаси борлиги маълум бўлди. Устахонанинг шарқий девори остида кенглиги 70 см., узунлиги 2,5 м, баландлиги 1 м келадиган супа устига қурилган 5 та тор ўчоқ топилди. Ўчоқнинг деворлари узоқ вақт олов ҳароратида бўлганлигидан кўкимтир эритма шлакка айланиб кетган. Металл эритишга мўлжалланган қозон (тигел)ларнинг печлари топилди, бу ўчоқларни бронза хом ашёсини эритиш печлари деб аташ мумкин. Бундан ташқари кутилмаганда, Арк майдонида юқоридагилардан тубдан фарқ қилувчи бутун бир металл эритиш корхонаси очилдики, бу ҳозиргача Ўрта Осиё археология тарихида учрамаган ноёб кашфиётдир.

«Металлургия заводи» деб аталаётган жойдан бир-бирига яқин қурилган иккита икки поғонали доирасимон металл эритиш печлари очилди. Ҳар иккала печнинг биринчи поғонасига жойлаштирилган оловхоналар ва уларнинг деворлари бўйлаб юқорига, иккинчи босқичга кўтарилувчи тарновсимон аланга йўллари ҳамда шу йўллар устига иккинчи поғонада қурилган ўчоқлар сақланиб қолган. Биринчи печ айланаси бўйлаб 7 та, иккинчи печда эса 5 та ўчоқ қолдиқлари топилди. Ўчоқларда тош кукунлари аралаштириб ясалган сопол қозон (тигел)ларда қалайига мис аралаштирилиб бронза метали олинган. Биринчи печ оловхонасининг чуқурлиги 2 м, диаметри 130x110 см: иккинчисининг чуқурлиги 2 м, диаметри 110x105 см. ҳар иккала печ оловхоналарида камида бир метр қалинликда кул қатлами сақланган.

Иккала печга бир вақтнинг ўзида бир жойдан туриб олов ёқиш мумкин, чунки печлар оловхоналарининг эшиклари уларнинг жануби-ғарбига бир-бирларига яқин қилиб қурилган. Печларнинг бизгача тўлиқ сақланмаган иккинчи поғонасида ўчоқлар жойлашган бу поғонанинг устки қисми аркасимон том билан ёпилган бўлиб, хонада юқори ҳароратни сақлаб туришга хизмат қилган. Олов ёниб турганида ҳосил бўладиган тутун томнинг коқ ўртасида махсус қурилган тўйнуқча орқали ташқарига чиқариб юборилган. Қозон-тигеллари аркасимон хона деворлари айланаси бўйлаб жойлашган ўчоқлар орқа томонида махсус қўйиб кетилган тешикчалардан ташқарида чиқарилиб, улар ичидаги металл эритмаси махсус қолипларга қуйилган. Шундан кейин қозон-печлар яна ўз ўрнига қўйилиб, махсус тешиклар беркитилган ва металл эритиш давом этган. Печларни қазиш жараёнида топилган ашёвий далилланинг кўрсатишича, иккала печда бир йўла 12 та қозон пипелда металл эритиш олиб борилган. Ўчоқларнинг ўлчовига қараганда, печларда металл таг қисми 18-20 см келадиган қозон-тигелларда эритилган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, печлардан бир вақтнинг ўзида 25-30 кг атрофида соф бронза хом ашёсини олиш мумкин

бўлган. Узоқ аждодларимизнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олганда, бу ибтидоий жамоа даври учун жуда катта ютуқ бўлиб, мазкур топилмани бронза даврининг металлургия заводи дейиш мумкин.

Жарқўтоннинг шаҳристон деб аталмиш қисми арки аълодан жанубга томон чўзилиб кетган 15 га яқин тепаликлардан иборат. Худди шундай тепалардан 4-5 таси аркнинг шимоли-шарқий томонида ҳам қад кўтарган. Ҳозиргача шулардан 6 тасида катта ва кичик ҳажмдаги қазилмалар ўтказилди. Бундан ташқари Шаҳристон майдонида унинг навбатма - навбат ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлган тарихий жараёни ўрганиш учун ўндан ортиқ жойда қудуқ шурфлар солинди. Маълум бўлишича, Жарқўтоннинг арк қисми, унга жануби-шарқий томондан туташ майдонлар биринчи навбатда ўзлаштирилган. Айнан шу тепаликлардан иккитасида (5- ва 6-тепа) олиб борилган кенг қўламли археологик қазилмалар ажойиб натижалар билан яқунланди. 5-тепа туб маънодаги тураржой мавзеси бўлиб чиқди, мавзенинг 3000 квадрат метр майдони тўлиқ очилди. Натижада, 50 га яқин хонанинг поли остидан, аниқроғи, ўчоқли хоналарнинг ўчоқ қаршисидан бир неча хонанинг кириш эшиклари остонаси олдидан ва айрим хоналарнинг деворлари тагидан қабрлар очилди. Майдоннинг турли жойларида солинган шурфларга қараганда, дастлаб унинг шимоли-ғарбий қисми ўзлаштирилган. Бу жойда очилган уйлар 1,5 метр кенгликдаги тагмайдон-платформа устига қурилган хонали ҳовлилардан иборат бўлиб чиқди. Ҳар бир ҳовлидаги ўчоқлар жойлашувига қараганда, унда камида икки-уч жуфт оила яшаган кўринади. Ҳовлилар дастлаб муҳофаа девори билан ўраб олинган, кейинроқ эса, девор ташқарисидаги майдонлар ҳам ўзлаштирила бошланди.

Қазилма жараёнида хоналарнинг биридан қабила оқсоқолининг қабри топилди. Тўрт хонали уйнинг энг каттаси (майдони 39 кв.м) бўлган бу хонанинг девори ичига мўрилли ўчоқ жойлаштирилган. Хонага кириш эшиги унинг шимолий деворининг қоқ ўртасида, қудуқли хона орқали бўлган. қудуқли хонадан уйнинг жанубий девори бўйлаб шарқ томонга кетган тор йўлакча орқали учинчи хонага ўтилган. Унинг жанубий деворига ёпиштириб меҳроб ўрнатилган, меҳробли хонанинг жануб томонида яна бир хона борлиги аниқланди. Унга кириш эшиги қабрли хона шарқий деворининг жанубий бурчагида жойлашган. Ушбу тўрт хонали уй жануб ва шарқ томондан тагмайдон айланаси бўйлаб ўтган муҳофаа деворига ёпиштириб қурилган. Ушбу уй-жой мажмуининг соҳиби уйнинг марказий хонасида, ўчоқ рўпарасидаги пол остига кўмилган шахс бўлиб, бу хонадонда муқаддас сув ва олов сақланганлигидан унинг мавзе сардори бўлганлигини ҳам англаш мумкин. қабрдан топилган ашёвий далиллар унинг касб-корини ҳам аниқлашга имкон берди.

Исломга қадар мавжуд бўлган анъанавий удумларга кўра, вафот этган кимса қафанланмасдан, ҳаётлик чоғида киядиган байрамона кийим-бошида, касб-корига алоқадор меҳнат қуроллари билан кўшиб кўмилган, аёллар эса тақинчоқлари билан дафн этилганлар. Сардор қабри ушбу маскан худудида очилган 46 та қабрга нисбатан жуда бой бўлиб чиқди, яъни қабрдан 50 дан ортиқ ашё топилди. Уларнинг 17 таси касбга алоқадор шахсий ашё,

қолганлари 30 дан ортиқ турли хил сопол идишлар бўлиб чиқди. Уларда хайвон суяклари, қорайиб кетган овқат қолдиқлари сақланиб қолган, қабрга қўйилган идишлар сони мархумнинг жамоадаги ижтимоий мавқеидан гувоҳлик беради. Чунки бу идишларнинг ҳаммаси ҳам мархумнинг шахсий мулки бўлмай, балки қабиладошлари томонидан мархумга унинг руҳи нариги дунёга толиқмай, дадил етиб бориши учун қўйилган ҳар хил овқатлар бўлган. Демак, мархум қабридан топилган идишлар сонига қараб унинг ҳаётлигидаги ижтимоий мавқеига ҳам баҳо бериш мумкин.

Қабр очилганида қуйидаги манзара намоён бўлди: 5 кв.м катталиқдаги доирасимон лаҳадда 50 ёшлардаги эркак боши шимол томонга оёқлари букилган, ғужанак ҳолда ўнг ёни билан ётарди. Унинг қулоғида бронза халқа, ияги яқинида ҳукмдорлик белгиси бўлган асо (жезл)нинг зўғатали бронза қисми (зўғатада унинг ёғоч дастасидан парча сақланган). Майитдан 20 смча нарида 6 та ашё (бир бўлак лазурит, 3 та тош қайроқча, бронзадан ишланган парма ва болғача) бир жойга қўйилган. Шунингдек, бронза ханжар ва бронза коса ҳам бор эди, 30 дан ортиқ турли хил сопол идишлар, бронзадан ишланган иккита коса, сурмадон ва 2 та тўғнағич қўйилганди. Қабрдан топилган нарсаларга қараганда, мархум ҳаётлик чоғида уста заргар ва чилангар ёки темирчи бўлган кўринади, Чунки қабр тоқчасининг юқори қисмидан 3 та тигел парчаси топилди. Қабр мавжуд хонани қазиш вақтида, деярли полга яқин маданий қатламдан мергелий тошидан ишланган муҳр ҳам топилганлигини ҳисобга олсак, ушбу уй-жой жамоа оқсоқолига тегишли эканлигига ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Демак, шартли равишда 5-тепа номи билан ўрганилган ушбу тураржой мавзеси бошлиғи (кадхудоси) бир вақтнинг ўзида ҳам жамоа сардори, ҳам диний устоз (мўъбад) ҳамда заргарлик ва металлургия соҳасининг пири бўлган кўринади. Чунки кадхудо ҳовлисида оташпарасликка тегишли муқаддас сув рамзи қудуқ ва олов рамзи меҳроб бўлганлиги унинг диний раҳнамолик белгиси бўлса, қабрнинг ўчоқ (муқаддас олов) қаршида жойлашганлиги унинг оташқадада кадхудолик аломати эди, қабрдаги махсус ашёвий далиллар устозлигидан далолат беради. Шахристон ҳудудида ўрганилган яна бир ноёб объект 6-тепани қазилганда у маҳобатли меъморий мажмуа қолдиғи оташпарастлар ибодатхонаси бўлиб чиқди.

Шеробод Марказий Осиёда илк диний одоб ахлоқ дунёқарашига асос солган ҳудуд бўлиб, дастлабки диний ибодатхона ўзининг маънавий қиёфаси билан шаклланганлиги фанда исботланди. Жарқўтон ибодатхонаси тўғри тўртбурчак шаклда (44,4x60 м) томонлари ёруғликка мослаштириб қурилган. Чор атрофи хом ғиштли қалин (4,5 м) мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, икки қисмдан, яъни муқаддас саждагоҳ ва ибодатхона қошидаги хўжалик хизмат хоналаридан иборат. Муқаддас саждагоҳ (35x35 м) мажмуанинг шарқий томонида жойлашган. Ибодатхонанинг муқаддас қисмида ёйиқ дахлизлар, мажусий оташпараст муъбадлар хонаси, муқаддас кулхона, ибодатхона хазинаси сақланадиган дахлизсимон хоначалар, кенг ва баланд тагкурси тепасидаги 1 устунли айвон остида ош оташгоҳ, очиқ ҳовли ва унда тор (0,80 м) бош йўлакча ва йўлакча томонлари бўйлаб қудуқ ва

доира шаклида ишланган оташгоҳлар жойлаштирилган. Тош йўлакча очик ҳовлининг шимол томонида, ибодатхонанинг иккинчи босқичида кудук устига ўрнатилган оташгоҳга бориб яқунланади. Йўлакчанинг ғарбга томон бурилган тармоғи эса очик ҳовлининг ғарбида жойлашган муқаддас кулхонага кириш эшиги олдида тўхтаган.

Ибодатхонага кириш мажмуанинг жанубий, яъни хўжалик хизмат қисми томонига жойлашган. Илоҳий эътиқодига кўра, руҳларни поклашга келган зиёратчилар, дарвоза қаршисидаги очик ҳовлида ибодатхона хизматчилари томонидан кутиб олинган. Зиёратчилар ўз навбатида келтирилган назр-ниёзларини уларга топшириб (чунки худди шу очик ҳовлининг шимолий томонида ибодатхонанинг ғалла омборхонаси жойлашган бўлиб, қазишма вақтида ундан қорайиб кетган буғдой донлари топилган. Ўзлари бир хизматчи кузатувида ибодатхонанинг жанубий мудофаа девори ости бўйлаб кетган усти ёпиқ даҳлизга киришган. Кираверишда, бўғзига қадар ерга кўмилган хумдаги суюқ ичимликдан (эхтимол, хаума бўлса керак) танавул қилиб, ички аъзоларини поклашган. Сўнгра, 25 метрдан даҳлиз охиридаги пиллапоя орқали очик ҳовлига кўтарилиб, ўртадаги тор йўлак билан шимолий қисмда жойлашган меҳробни тавоб қилгач, саждагоҳнинг энг баланд қисми кенг супа устига қурилган бош оташкадага кўтарилишган. Бу ердаги мангу ўчмас оловни тавоб қилиш билан зиёрат яқунланган.

Эҳтимол, зиёратчилар тош йўлакнинг ўнг томонида жойлашган муқаддас кудуклардан сув ичишганлар. Балки, бош меҳробни тавоб қилиш олдидан оташкада муъбадлари иштирокида қандайдир диний маросимларни бажаргандирлар. Чунки супа билан тош йўлакчи очик ҳовли ўртасидан квадрат шаклидаги чуқур хона унга тутқазилган кул қатлампидан эса сополдан ишланган чироқларининг кўплаб синиқлари топилди. Ана шу кулхонанинг шимолий ва жанубий томонларида очилган иккита хонадан бирининг шимолий деворида ўчоқ ва унинг деворлари ёқалаб тор супа жойлашган.

Муқаддас саждагоҳнинг шимоли-шарқий бурчагида жойлашган даҳлизсимон 8 қатор хона эса, амалда фақат ибодатхона хазиналарини сақлаш учун фойдаланилган бўлиши мумкин. Ибодатхона шарқий мудофаа деворининг шимолий қисмида доира шаклида қурилган ягона бурж жойлашган. Унга даҳлиз томондан мудофаа девори ичида жойлаштирилган квадрат шаклдаги хона орқали ўтилган. Ушбу бурж оташпарастларни ибодатга чорлаш учун хизмат қилган бўлса ажаб эмас. Ибодатхона қошидаги хўжалик-хизмат қисми мажмуанинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Бу ердан юқорида эслатиб ўтилган ғалла омборидан ташқари, бронзанинг митти буюмлар тайёрлаш устахонаси, муқаддас ичимлик тайёрлаш «цех»и ва омборлар топилди. Бу ишлаб чиқариш пунктлари ва уларга тегишли ашёвий далиллар жарқўтонликларнинг дафн маросими оташпараст муъбадлар назоратида, уларнинг фаол иштирокида бажарилганлигидан далолат беради.

Сополлитепа ва Жарқўтонда олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, Сополли маданиятида дастлаб майитларни ҳовли жой ичига, уйлариининг поли остига ёки уларнинг деворлари тагига, шунингдек, хонага кириш эшиги

остона остига кўмиш кенг тус олган. Баъзи ҳолларда катта патриархал оила истиқомат қилаётган ҳовлининг харобага айланган қисми уруғ жамоаларининг хилхоналарига айлантирилган. Кўмиш маросими билан боғлиқ урф-одат ушбу маданиятнинг Кўзали босқичидан тубдан ўзгарди. Чунки худди шу даврда катта патриархал оила оташкадаларидан ташқари, бутун шаҳар ёки шаҳар давлат миқёсида хизмат қилувчи маҳобатли ибодатхоналар пайдо бўлдики, улар жамиятни бошқариш тизимидаги асосий омиллардан бирига айланди. Бинобарин, шу тахлит туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг мафкура маркази, аҳолига руҳий мадад берувчи бош саждагоҳ ташкил топди.

Дарҳақиқат, археологик манбаларнинг қиёсий таҳлилига кўра, Жарқўтон ибодатхонаси милоддан аввалги XIV асрда қадимги қалъа ўрнида қад кўтарган. Айнан шу даврдан бошлаб жарқўтонликлар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Эндиликда ҳаётдан кўз юмган одамларни улар яшаган хоналарга кўмиш барҳам топди, шаҳар ташқарисида алоҳида қабристонлар пайдо бўлди. Масалан, Жарқўтон шаҳар харобасининг жанубида қадимги шаҳардан ташқарида, бир неча табиий тепаларни эгаллаган, умум майдони 20 м.дан кам бўлмаган қабристон ташкил топди. Демак, изланишлар натижасида қўлга киритилган ашёвий далиллар марҳумларни яшаб турган ўз ҳовли-жойларига кўмиш одати Жарқўтон босқичининг сўнгги даврларида барҳам топганлигидан далолат беради. Шунинг учун бўлса керак Жарқўтон маданиятига тегишли бошқа ёдгорликларда очилган уй-жой мавзеларининг тегишли бошқа ёдгорликларда очилган уй-жой мавзеларининг бирортасида ҳам на Кўзали, на Мўлали, на Бўстон мажмуаларига оид қабр учратилмади. Сополлитепа маданиятининг Сополли ва Жарқўтон босқичларида бирор кимса оламдан ўтса, анъанавий одатга кўра, уни ҳаётлик давридаги (аёлларнинг тақинчоқларидан ташқари) касби-корига тегишли меҳнат ва ҳарбий қуроллари билан бирга кўмишган. Бундан ташқари, дафн маросимида қатнашган ҳар бир оила номидан сопол идишларда марҳум қабрига суюқ ёки куюқ овқат қўйилган. Мазкур анъанага Кўзали босқичидан бошлаб қатъий равишда баъзи бир тузатишлар киритилган, яъни авваллари қабрга меҳнат ва ҳарбий қуроллارнинг асли қўйилган бўлса, эндиликда махсус тайёрланган митти нусхалари қўйиладиган бўлган. Эҳтимол, бу ўзгаришлар меҳнат қуроллари асосан бронзадан ясалганлиги учун металл хом ашёсини тежаш билан боғлиқ бўлгандир, балки бунинг заминида қандайдир диний-ғоявий маъно ётар. Ҳар қалай, бу ўзларини айнан ўша давр оташпараствлари мафкурасида патриархал оилавий оташкадаларнинг умумшаҳар ибодатхонаси даражасига ўсиб ўтиш жараёнида содир бўлди.

Умумшаҳар ёки маълум бир воҳа миқёсида маҳобатли бош ибодатхоналарнинг шаклланиши муносабати билан оташпараствлик мафкурасида ҳам маълум ўзгаришлар юз берди. Масалан, марҳумни «нариги» дунёга кузатиш билан боғлиқ маросимлар эндиликда ибодатхона муъбадлари назоратида, улар тартибга солган меъёрий ўлчамларда ўтказилган. Чунки ибодатхонанинг хўжалик хизмат қисмини қозиш вақтида марҳумни дафн этиш билан боғлиқ баъзи масалалар ечимини ибодатхона ўз

зиммасига олганлиги кўринади. Бундай хулосага келишимизга куйидаги далиллар асос бўла олади, ибодатхонага кириш дарвозаси қаршисидаги очик ҳовли ёнида махсус устахона қолдиқлари топилди. Устахона шарқий деворга ёпиштириб (кенглиги 0,70 см қурилган супа устига қатор (5 та) ўчоқ ўрнатилган. Ўчоқларнинг баъзи бирларида бронза хом ашёси эритилган қозон парчалари топилди, қозон тагида кўкимтир тус олган бронза эритмаси сақланади. Устахонанинг ғарбий қисмида (1,5x1,5 м) қурилган яна битта супа очилди, супанинг шимолий қисмига усти текис ёрғучоқ ўрнатилган. Унинг устида бронзадан асбоблар тайёрланганлигидан гувоҳлик берувчи кўкимтир металл заррачалари сақланган, супа ёнидан 7 м чуқурликдаги қудуқ очилди. Устахона ичидаги маданий қатламни қазиб вақтида эса металл эритмасининг парчалари, металл шлаклар, бронзадан ясалган митти пичоқлар, болта, теша ва бошқа уй-рўзғор асбоблари топилди. Устахонадан топилган бронза ашёлар орасида ҳам хўжаликда ишлатишга яроқли бирор асбоб-ускуна учратилмади. Демак, ушбу устахонада марҳумлар учун уларнинг касби қорига мувофиқ буюртма бажарилган. Бошқача қилиб айтганда, Жарқўтон босқичининг иккинчи ярмидан бошлаб қабрларда учраётган митти бронза ашёлар марҳум эгалари томонидан унинг касб-қорига кўра, махсус тайёрланган меҳнат қуролларининг имитацияси бўлган.

Ибодатхона хўжалик қисмининг жануби-ғарбий бурчагида тенг иккига ажратилган дахлизсимон хона жойлашган. Уларни қазиб вақтида девор остидан лойдан ишланиб, куйдирилмасдан қизил рангга бўялган бир неча одам ҳайкалчалари топилди. Одатда, бундай ҳайкалчалар кенетаф мазорларда учратилади (қадимда бедарак йўқолган қабиладолларининг майити ўрнига латтадан ясалган қўғирчоқ ёки лойдан ишланган ҳайкалча қўмиш ёки бўлмаса, қабрга йўқолган эгаси ўрнига марҳум мулкидан қўзичоқ қўмиш одати бўлган. Мана шундай мазорлар, одатда кенетаф мазорлар деб юритилади). Бундай мазорлар Сополитепа маданиятининг илк босқичларида ҳам бўлган, ammo бедарак йўқолган марҳумлар учун махсус тайёрлаб қўйилган ҳайкалчаларнинг ибодатхона «омборида» сақланиши марҳумларни қўмиш билан боғлиқ ишлар тўлиқ ибодатхона қўлига ўтганлигидан гувоҳлик беради.

Ибодатхона хўжалик хизмат қисмини қазиб вақтида, унинг икки жойидан муқаддас ичимлик тайёрлайдиган "цех" излари топилди. Биринчи «цех» (ибодатхонанинг 2-босқичига тегишли) 9-хонани тўлиқ эгаллаган, хона поли ва унинг деворлари оч қизил юпқагина сувоқ билан сувалган. Хонанинг ўртасида бўғзига қадар сувга кўмилган хум ўрнатилган, хумга икки томондан қалин гипс сувоқли ариқчалар тортилган. Ҳар иккала ариқча бошида гипсланган чуқурчалар бўлиб, уларга сопол баркашлар қўйилган, баркашларнинг ичи ярмигача қатлам-қатлам гипс билан сувалган. Ерга кўмилган хум тагида қорайиб кетган суюқлик қолдиғи, узум уруғлари ва жийда данаги учради. Хум яқинидан хумо қуши қиёфасида ишланган сопол идиш топилди, «цех» ёнида яна бир хона бўлиб, унинг деворлари остидан хум парчалари чиқди.

Агар 9-хона муқаддас ичимликлар тайёрлаш «цех»и бўлса, 10- хона, эхтимол, унинг ёнидаги омборхона бўлгандир, худди шунга ўхшаш бошқа бир «цех» қолдиғи ибодатхонанинг (3-босқич) 11-хонасидан топилди. Хонанинг икки томони супа қилиб кўтарилган, ўртаси эса пол сатҳида қолдирилиб, унга катта сопол баркаш ўрнатилган. Супалар устига думалок сизим резервуарлар ясалиб, ичи гинеланган, улардан сопол баркаш томон гипс сувокли ариқчалар тортилган. Хонанинг жануби-шарқий бурчагидан қорнига қадар ерга кўмилган хум топилди, хонанинг қоқ ўртасида эса айлана шаклда меҳроб қурилган.

Гарчи бу икки «цех»да қандай ичимликлар тайёрланганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи аниқ ашёвий далиллар бўлмаса-да, уларда муқаддас ичимлик тайёрланганлигига билвосита ишора қилувчи далиллар мавжуд. Масалан, қадимги Бактрия жанубида (Шимолий Афғонистон) ҳамда кўшни Марғиёнада профессор В.И.Сарианиди бронза даври ёдгорликлари устида изланишлар олиб бориб, Жанубий Бактрия ёдгорликларининг учтасида (Дашли, Тиллатепа ва Кучуктепа Марғиёнада уч жойда Пошғурттепа, Тўғалоқ 1 ва Тўғалоқ 2) оташпарастрларининг ибодатхоналарини очган. Шунингдек, ибодатхона қошидаги ёрдамчи хоналарнинг бири тўлалигича гипсланганлигини қайд этиб, унда (оқ хонада) эса кишининг кайфиятини кўтарувчи муқаддас ичимликлар тайёрланган, деган хулосага келади. Унинг бу хулосасига эса кўйидагилар асос бўлган: «Оқ хона» девори остидан ичи қатлам-қатлам гипсланган учта сопол идиш топилган. Худди шундай «оқ хоналар» Марғиёна воҳасининг бош ибодатхонаси Тўғалоқ-21 «қишлоқ ибодатхонаси» Тўғалоқ-1 да ҳам учратилади. Бу хоналарда худди Жарқўтон ибодатхонасидагидек, таги тешик конуссимон идиш-сопол сузғичлар топилганки, улардан хаума ёки киши кайфиятини кўтарадиган махсус ичимлик тайёрлашда фойдаланганлар.

Жарқўтон ибодатхонасининг хўжалик қисми, умуман Жарқўтонда кўплаб учрайдиган меҳнат қуролиларидан бири қумтошлардан ишланган ҳар хил катталиқдаги ёрғучоқлар, гранит ва уларнинг чакмоқтошлардан ясалган устки тоши қирғичлардир. Бу хилдаги қуролилар Дашли-3, Тўғалоқ-21, Тўғалоқ-1 ва Гонуртепада ҳам кўплаб топилган. Шунингдек, қорайиб кетган кўкнор уруғининг ўзи эса ибодатхона топилмаларидан бири, сиртига аниқ қилиб одам кўзларининг тасвири туширилган пайчасимон суяк ичидан топилган. В.И.Сариандининг кузатувларига кўра, Марғиёна оташпарастрларининг диний маросимларида эфедра ёғидан тайёрланадиган муқаддас ичимлик хаума билан бирга (ҳозиргача Ҳиндистон зардуштийлари ўзларининг хаума типидagi махсус муқаддас ичимликларини тайёрлаш учун Эрондан эфедра мойини олиб кетдилар) кўкнор ва ёввойи нашадан ичимлик ёки чекимлиқ тайёрлаб, улардан диний эътиқод меъёрлари даражасида фойдаланганлар.

Шундай қилиб, қадимги Бактрия ва Марғиёнада топилган бронза даврининг оташпарастрлар ибодатхоналари зардуштийлик динининг илдишлари айнан мана шу вилоятларда яратилганлигидан гувоҳлик беради. Баъзи фаразларда айтилганидек, Зардушт милоддан аввалги VII асрнинг

иккинчи ярми VI аср бошларида ёки ундан аввал яшаган тарихий шахс сифатида янги динни яратмади, балки у қабиладошлари қадимдан тапиниб келаётган оташпарестликни ислоҳ қилди. Бошқача қилиб айтганда, у диний эътиқод ва тасаввурлар тизимига ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз карашлари ва концепсиясини киритди.

Қадимги Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза даври оташпарастрлар ибодатхоналаридан кўриниб турибдики, Зардуштга қадар бунёд этилган диний эътиқод масканлари ўзларининг маҳобатли ва диний маросимларининг бой ва серҳашамлиги билан ажралиб турган. Эфедра, кўкнор, наша каби гиёҳванд ўсимлик қолдиқларининг ибодатхона мажмуаларида кўплаб учраши «Авесто» ва «Веда» анъаналарида хаума ичимлигига меъёрий ўлчамларда ўрин берилганлигидан далолатдир. Ҳар қалай, ишонч билан айтиш мумкинки, Бақтрия ва Зардушт ислоҳига қадар Марғиёнада оловга сиғиниш ва хаума ичимлигини илоҳийлаштириш кучли бўлган. Бу эътиқод объектлари Зардушт таълимотида ҳам ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз ўрнини топган.

Шаҳар ҳунармандчилик маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки ташқи бозор учун ҳам кенг кўламда ишлаб чиқарилган. Масалан, ушбу қадимги шаҳар маданиятига тегишли кулолчилик маҳсулотлари узоқ Хитой ҳудудларигача кириб борганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ашъвий далиллар мавжуд. Демак, бу ўша давр шаҳар аҳолиси таркиби ҳақида фараз қилишга асос бўлиб, қадимги Жарқўтон аҳолиси эркин савдо аҳоли-«озодкор» ва «ғувокор»лардан ҳам ташкил топганлигини кўрсатади. Шаҳар ҳаёти нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими асосига қурилган. Шаҳар ҳукмдори маҳобатли қошонасининг Арки аълода шаклланганлиги бунга ёрқин далилдир.

Жарқўтон ёдгорлиги тепаликларида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра шаҳар майдони 100 гектардан кўпроқ ҳудудни ўз ичига олганлиги тасдиқланиб, шаҳаристон қисмига А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар томонидан илмий асослаб берилган «арк» ва унинг атрофида жойлашган саккизта катта патриархал уруғ жамоалари мажмуаси кирган.

Жарқўтон арки. Жарқўтон ёдгорлигининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган тепалик тадқиқотчилар томонидан «арк» деб аталиб, Т.Ш. Ширинов ушбу умумий майдон 3 гектардан иборат эканлигини таъкидлади. Арк атрофи 1,20-1,50 метр қалинликдаги мудофаа девори билан ўралиб, ички қисми эса кичик тепаликлар мажмуасидан иборат.

А. А. Асқаров 1975 йилда «арк»нинг ғарбий қисмида қазиниш ишларни олиб бориб, сополли маданияти ашёлари билан бирга Кучук I даврига оид сополлар мажмуасини топган⁴. Профессор Т.Ш. Ширинов томонидан аркнинг ғарбий қисмида сарой жануби-шарқий ва шарқий қисмларида эса аркнинг мудофаа девори очиб ўрганилган⁵.

⁴ Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юге Узбекистана. Ташкент, 1977

⁵ Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993.

Ўзбек-Олмон экспедицияси томонидан сўнгги йилларда Жарқўтон аркининг тўртта жойида қазилар ишлари олиб борилди. Асосий мақсад - аркининг умумий қурилиш услубини аниқлашдир. Т.Ш. Ширинов томонидан ўрганилган сарой фақат Жарқўтон даврига оид бўлиб, сўнгги (Кўзали, Мўлали) даврларда сарой қаерда бўлган? деган саволга жавоб излашдан иборат бўлди. Т.Ш. Ширинов Арк ичида жойлашган сарой 4,5 метрлик девордан иборатлигини аниқлади,⁶.

Аркининг шарқий қисмида олиб борилган қазилар натижасига асосланиб Ш Шайдуллаевнинг илмий таҳлилига кўра 4 та хонадан иборат оила яшаган уй қолдиғи очилиб, бу уй битта қурилиш давридан иборат бўлиб, сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига оид. Хоналари узунчоқ - коридорсимон шаклда, уй деворлари хом ғиштдан терилган (58x24x14; 62x30x17 см), деворлар баландлиги 0,20 метрдан 1,20 метргача сақланган. Уйнинг поллари сомон сувоқ билан сувалган, айрим жойларига - эшик атрофларига тош тўшалган, уйнинг умумий кўриниши тўғри тўрт бурчак шаклдадир, уйнинг бурчакларига меъморий тиргаклар (контрфорс) қурилган, уйнинг умумий узунлиги 16 метр, эни 10,5 метр. Очиб ўрганилган уйнинг иккита хонаси оддий яшаш хоналаридан иборат бўлса, № 4 хона қолган хоналарни боғловчи – даҳлиз (коридор) вазифасини бажарган. Барча хоналар эшиклари мана шу хонага чиқади, эътиборга молик № 1 хона бўлиб, бу хона кўлами жиҳатидан бошқа хоналардан катта. Фақат мана шу хонада сандал-ўчоқ, алоҳида қурилган суфа жойлашганлигига қараб ушбу хонани кичик патриархал оиланинг ижтимоий хонаси ёки уйнинг меҳмонхонаси деб таърифлаш мумкин.

Уйнинг хўжалик ўчоқлари алоҳида жойда, уйнинг шарқий деворига тақаб қурилган. Бу ерда битта хўжалик ўчоғи ва тош тўшалган ҳовли очилди. Қазиларнинг шимол томонида шу уйнинг эҳтиёжига мўлжалланган кичик хумдон ҳам топилдики, бу меъморий мажмуа Жарқўтон даврида яшаган кичик патриархал оиланинг мустақил ҳаёт кечирганлигини кўрсатади.

Аркининг марказий қисми. Жарқўтон аркининг марказий қисмида, кўлами 25x25 метр майдонда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бирорта меъморий қурилма қолдиғи учрамади. Бу ерда диаметри 0,90 метрдан 4 метргача келадиган 16 та чуқур жойлашганлиги қайд этилди. Бу чуқурлар ҳар хил даврларга оид бўлиб, бештаси Жарқўтон, учтаси Кўзали, учтаси Мўлали ва Бўстон даврларига оид бўлса, бештаси Кучук I даврига оиддир. Бу чуқурларнинг кўпчилиги ахлат ташланадиган чуқур бўлса, айримлари хўжалик чуқурлари вазифасини бажарган. Хўжалик чуқурлари доира шаклида бўлиб, чуқурлиги 2,10 метргача боради, ахлат ташланадиган чуқурлар анча саёз, шакллари ҳам ҳар хил. Хронологик жиҳатдан ҳам Сополли маданиятининг турли босқичларига тегишли бўлган ушбу чуқурлардан энг ноёб топилмалар учради. Биз ушбу топилмаларнинг Жарқўтон моддий маданияти, қолаверса Ўрта Осиё археологиясининг мунозарали масалаларига тегишли бўлганларигагина тўхталамиз.

⁶ Sirinov.....

Бронзадан ишланган топилмалар орасида барг шаклли пайконни эслатиб ўтиш жоиз. Бу пайкон Жарқўтон даври сополлари билан бирга учради. Маълумки, бронзадан ясалган пайконларнинг пайдо бўлиши Маркизий Осиё археологиясида анча мунозарали масала ҳисобланади⁷. Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган пайконлар, Бақтрия худудидан топилган энг қадимги бронза пайконлар бўлиб, шакли ва ўлчамлари билан чакмоқ тошдан ясалган пайконларга жуда ўхшайди.

Ш Шайдуллаевнинг фикрича Арк марказида жойлашган бу қазилма Жарқўтон саройидан 30-35 метр шарқда жойлашган. Шунинг учун бўлса керак, бу ердан жуда кўп (45 та) чакмоқ тошдан ясалган пайконларга дуч келинди. Бу тош пайконлар сополли маданиятига хос бўлиб, чўкичлаш техникаси асосида ишланган, лекин, айрим чакмоқ пайконлар ясаиш техникасига кўра Жарқўтон пайконларидан тубдан фарқ қилади. Шу сингари чакмоқ тошдан ясалган пайконлар Замонбобо ва чорвадор Андроново маданиятларига хос ва бу маданиятлар ўртасидаги алоқалар тўғрисида маълумотлар беради.

Аркнинг жанубий қисми. Бу ерда олиб борилган тадқиқотлар натижасида катта патриархал оила яшаган кўп хонали уй қолдиқлари очилди. Ҳозиргача уйнинг ҳовлиси, тошдан терилган ҳовли йўлакчалари, ҳовлига туташган яшаш хоналари ўрганилди. Иккита қурилиш даври аниқланди, ҳовли ва йўлакчалар ҳар икки даврда ҳам фаолият кўрсатган, хоналар вақт ўтиши билан ўз шакли ва ўрнини ўзгартган. Сиғиниш жойлари алтарлар доира шаклида бўлиб, улар хона поллари сатҳига нисбатан 0,30-0,35 метр баландликда қурилган. Алтарларнинг девори 0,20 метр баландликда бўлиб, оловда куймаган, ичида эса кул қатламлари кузатилади.

Кўп хонали уйнинг шимол томонида бир-бирига яқин қилиб қурилган иккита хумдон жойлашганлиги кузатилди, улар икки ярусли бўлиб, доирасимон кўринишда. Хумдонларнинг ҳар иккаласида биринчи ярусга жойлаштирилган оловхона ва оловхоналардан уларнинг деворлари бўйлаб юқорига, иккинчи ярусга кўтарилган тарновсимон аланга йўллари ҳамда сопол пишириш хонасининг ўрни очилди. Биринчи хумдонда унинг айланаси бўйлаб 7 та, иккинчисида эса 5 та тарновсимон аланга йўллари жойлашган. Биринчи хумдон оловхонасининг чуқурлиги 2 метр, кенлиги ҳам шунга яраша – 1,30 х 1,10 метр, иккинчисиники – чуқурлиги 1,10 метр. Оловхона деворлари кучли ҳарорат туфайли кўкимтир шлакка айланиб кетган. Йирик хумдонда иккита, кичкинасида эса битта ўтин ташлаш йўллари очилди, ушбу хумдонлар кўп хонали уй билан бир вақтда, Жарқўтон даврида фаолият этган.

Кўп хонали уйдан топилган ашёлар ичида тош чўқморни эслаб ўтиш лозим, чўқмор айлана шаклида бўлиб, оқ тошдан ясалган, марказий қисми даста ўрнатиш учун тешилган. Шу сингари топилмалар Синташта, Чуст,

⁷ Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сыр-даръи. СА, 1966, №2. С.62; Маргулан А.Х., Акишев К.А., Кадырбаев М.К., Оразбаев А.М. Древняя культура Центрального Казахстана. Алма-Ата, 1966. С.376; Медведская И.Н. О происхождении бронзовых черешковых наконечников стрел Средней Азии. КСИА, 119, М., 1969. С. 62-64; Смирнов К.Ф. Вооружение савроматов МИА, №101. С.37.

Сумбар, Номозгоҳ, Шўртўқай ёдгорликларидан кўплаб топилган бўлиб, хукмдорлик белгиси сифатида талкин қилинади. Иккинчи гуруҳ олимлар бу сингари топилмаларни оддий қилиб, чўқмор (булава) деб атайдилар.

Жарқўтон аркининг шимолий қисми. Шимолий қисмда олиб борилган ишлар натижасида кичик мавсумий ўчоқ ва хумдон очилди. Мавсумий ўчоқ тухумсимон шаклда бўлиб, ўтхонасининг оғзи чўзинчоқ қилиб ишланган. Ўчоқ девори қалинлиги 15-18 см, баландлиги 13-15 см. Хумдон икки ярусли бўлиб, оловхона ва идиш пишириш хоналаридан иборат, оловхона тўлиқ сақланган бўлиб, ўтин ташлаш йўлакчаси ҳам яхши сақланган. Иккинчи ярус идиш пишириш хонаси сақланмаган бўлса-да, пишириш хонасига уланган аланга йўллари яхши сақланган. Хумдондан топилган сополлар мажмуаси Жарқўтон даврига оид.

Жарқўтон аркининг шимолий, ғарбий ва жанубий қисмларида олиб борилган ишлар натижасида аркининг қурилиш усули аниқланди, бу ерларда патриархал оилалар яшашган. Ҳар бир патриархал оиланинг ўз хумдонлари бўлганлигини уйларнинг шимол томонида жойлашган хумдонлар мисолида айтишимиз мумкин. Бу ҳолат илк Жарқўтон даврида марказлашган кулолчилик устахоналаридан ташқари уй хумдонлари бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Жарқўтон “Шахристони”. Жарқўтон аркининг шимоли-шарқий, шарқий ва жануб томонида шахристон жойлашган, у саккизта тепаликлар мажмуасидан иборат. Ҳамма тепаликда У.В. Раҳмонов томонидан стратиграфик шурф ва қирқимлар қазилган бўлса⁸, планиграфик қазишмалар шахристоннинг 1, 4, 5, 6, 8, 9 тепаликларида олиб борилган⁹. Ўзбек-Олмон экспедицияси 5, 6 ва 8 тепаликларида қазишмалар олиб борди.

№5 тепалик. Йирик патриархал оилалар. Бу ерда А.А. Асқаров 1979-1982 йиллар мобайнида иккита патриархал оила яшаган уйлар ўрнини ўрганган. Бу тепаликда тўртта қурилиш даври кузатилган. I ва II қурилиш давлари Жарқўтон, III қурилиш даври Кўзали ва IV қурилиш даври эса Мўлали даврига оидлиги қайд этилган. Уй поллари, тош йўлаклар ва деворлар тагига кўмилган 136 та Жарқўтон даврига оид қабрлар очилган¹⁰.

Ўрганилган икки патриархал оилани қалин деворлар ажратиб турган, биринчи оиланинг уйи тўрт бурчак шаклида бўлиб, уч томондан деворлар билан ўралган, иккинчи оиланинг уйи эса фақат бир томондан деворга эга. Иккита оила уйида ҳам ҳовли борлиги кузатилади, тўғри тўрт бурчак шаклидаги хоналар бевосита ва билвосита шу ҳовлиларга туташган.

Иккинчи қурилиш даврида шарқий томонда жойлашган уйнинг кенгайганлиги, яъни бир неча хоналарнинг қурилганлиги кузатилган. Патриархал оилалар яшаган уйларнинг жануб томонида, йирик тошлардан

⁸ Раҳманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... к.и.н. Самарканд, 1987.

⁹ Асқаров А.А., Широнов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993; Шайдуллаев Ш.Б., Дитрих Хуфф. Некоторые результаты работ Узбекско-Германской экспедиции на городище Джаркутан //ИМКУ, Вып.30, Самарканд, 1999.

¹⁰ Раҳманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Текст диссертации на соис. к.и.н. Самарканд, 1987. Библиотека ИА АН РУз.

ясалган яшиксимон мажмуа қурилган. Уларнинг иккитаси тор ва узун, учинчиси эса айлана шаклида бунёд этилган. Ушбу мажмуаларнинг полида ёнган одамнинг суяклари ва куллари қайд этилганлиги сабаб, А.А. Асқаров бу қурилмани андроново маданиятининг таъсири натижасида бунёд этилган крематория деб ҳисоблайди¹¹. А.А. Асқаровнинг бу фикри Бўстон VI қабристонидида очилган крематориялар мисолида тасдиқланди.

Учинчи қурилиш даврида ҳар иккита уйнинг ҳовлилари ўрнида уйлар бунёд этилади. Патриархал оилаларни ажратиб турган қалин деворлар энди керак бўлмай, уларнинг устига тош йўлакчалар қурилади. Уй поллари, деворлари тагига майитни кўмиш одатига ҳам барҳам берилади. Шу билан бир қаторда крематория ҳам қабристон ҳудудига чиқариб юборилган. Негаки, учинчи қурилиш даврида крематория фаолият кўрсатмайди.

Тўртинчи қурилиш даврида икки патриархал оила уйларининг қўшилиб кетганлиги кузатилади. Жануб томондан янги уйлар қурилиб, оилаларнинг кенгайганлиги кузатилади, ҳаттоки, II қурилиш даврида фаолият этган крематория ўрниларига ҳам уйлар қурилади.

Қазиб ўрганилган патриархал оилалар уйи деворлари емирилиб, илмий қимматини йўқотиб бормоқда. №5 тепалик манбаларини бор ҳолича сақлаш, янги манбалар билан бойитиш ва нашрга тайёрлаш мақсадида тепаликнинг шимолий ва ғарбий қисмида 2001 йилда қазилма ишлари олиб борилди.

Иш 1981 йилда қазилган қирқимларни тозалаш ва кенгайтиришдан бошланди. Қирқимнинг ҳамма жойида тартиб билан терилган ғиштлар қаламаси учради (64x32x16см). Ғиштлар 9 қатор бўлиб, умумий баландлиги 1,25 метргача боради. Бизда бу қурилма «платформа» деган фикр пайдо бўлди ва шимол томонда жойлашган қирқим ҳам тозаланди ва бу томонда ҳам 9 қатор ғишдан иборат бўлган қурилма аниқланди. Шундан сўнг қурилманинг юза сатҳини очиш ва кўламларини ўрганиш ҳамда 1979-1981 йилларда ўрганилган уйлар билан қандай боғлиқлиги борлигини аниқлаш борасида қазилма ишлари давом эттирилди. Натижада, ғиштлар терилган кенг майдон очилди, майдоннинг чегаралари қирқимда кузатилган ғиштлар қаламаси чеккалари билан мос тушди. Қазилмалар натижасида №5 тепаликда бунёд этилган уйлар 1,25 метр қалинликдаги платформа устига қурилганлиги аниқланди.

№6 тепа. Жарқўтон олов ибодатхонаси. Топографик жиҳатдан Жарқўтон тепаликлари бир-биридан унчалик фарқ қилмаса-да, №6 тепалик шахристон тепаликлари орасида энг баланд ва ёдгорликнинг марказий қисмида жойлашган. Маълумки, бу ерда А.А. Асқаров ва Т.Ш. Ширинов томонидан Жарқўтон олов ибодатхонаси очилган, улар ибодатхонанинг юқори қатламдаги учта қурилиш даврини ўрганган. Учта қурилиш даври ўз навбатида - Жарқўтон, Кўзали, Мўлали даврига оидлиги қайд этилган. Сўнгги йилларда бу тепаликда Диетрих Хуфф ҳам қазилма ишларини олиб

¹¹ Асқаров А.А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации. Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Тезисы докладов советско-французского симпозиума по археологии Центральной Азии и соседних регионов. Алма-Ата, 1987. С. 57-58.

борди ва ибодатхонагача бўлган қурилиш даврига оид монументал иншоот ўрнини ўрганди.

А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар ибодатхонанинг қуйи қисмида кальсифат иншоотнинг борлигини айтиб ўтишган бўлсалар-да, унинг қуйи қатламларини очишни режалаштиришмади, тўғрироғи, ибодатхонанинг бузилишини исташмади ва Жарқўтон олов ибодатхонасини таъмирлаб, музейлаштириш режасини тузиб, таъмирлаш ишларини бошлаган эдилар. Афсуски, бу ишлар иқтисодий етишмовчиликлар туфайли қолиб кетди.

Эроннинг зардуштийлик ибодатхоналари меъморчилиги бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган Диетрих Хуфф бу ерда археологик изланишлар олиб бориш истагини билдирди. Илк зардуштийлик ибодатхонаси деб таърифланган Жарқўтон олов ибодатхонасидан ушбу диннинг пайдо бўлиши, илк меъморчилиги тўғрисида янги маълумотлар тўпламоқчи бўлди. Аммо у А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар ўрганган ибодатхона планига ўзгартишлар кирита олмади. Ибодатхонанинг шимол томонида, бир қатор ғишт баландлигида сақланган бурж изларини ўрганди, холос.

Диетрих Хуфф ибодатхона кўриқ ерда қад кўтарилмагани, ибодатхона қурилишигача ҳам №6 тепаликда маҳобатли иншоот бўлганлигини кузатди. Ушбу бинони очиш давомида тепа қатламлар меъморчилигига анча шикаст етказилди. №6 тепаликнинг энг қуйи қатламида жойлашган ушбу бино онгли равишда илк Жарқўтон даврида бузиб ташланган ва бизгача бинонинг бир қатор ғишт баландлигидаги ҳолати сақланган. Ўрганилган бино тўғри тўрт бурчак шаклида бўлиб, барча девор хом ғишдан терилган (42-46x22-24x10-13см), 0,90 метр қалинликдаги девор билан ўралган. Ушбу бино ичида томонлари 7 метрдан иборат бўлган квадрат шакли хона, шу хона атрофида эса йўлаксимон хоналардан иборат бўлган мажмуа очилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бино ичидаги квадрат шакли хона ва уни ўраб турган йўлаксимон хоналарнинг деворлари ва поллари гипс билан сувалган ва бевосита «оқ сарой»ни эслатади

Шундай қилиб, №6 тепаликда жами тўртта қурилиш даври кузатилди. Энг қадимгиси тўғри тўрт бурчак шакли қалъа - «оқ сарой» бўлиб, қуйи қатламларда жойлашган мана шу қурилиш даври меъморчилиги сўнгги йилларда ўрганилди. А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар томонидан эса ибодатхонанинг юқори учта қурилиш даври ўрганилган¹². Шаҳристоннинг жанубий ва жунуби-ғарбий томонида қабристонлар жойлашган бўлиб, улар олти та тепаликлар мажмуасидан иборат¹³, шаҳристон ва қабристонни табиий жарлик ва ботқоқлик ажратиб туради.

Кучуктепа - сўнгги жез ва илк темир даврига оид кўрғон харобаси (милодан аввалги X-V асрлар). Кучуктепа-Кўҳитанг тоғининг жанубий ён бағрида, Уланбулоқсой бўйида, Музарабод қишлоғи яқинида жойлашган. Кучуктепа - айлана шаклда бўлиб, асоси 320 метр, юқори қисмида 150

¹² Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане. Сб. Градостроительство и архитектура. Ташкент, 1989.

¹³ Асқаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. Ташкент, «Фан», 1983.

метрға яқин, баландлиги 8 метр. Шимоли-шарқий томонда алоҳида уйларнинг харобалари жойлашган.

Умумий майдони-0,5 гектар. Ёдгорлик Л. И.Альбаум томонидан 1962 йилда аниқланган. Археологик тадқиқот ишлари 1963-1984 йилларда А.Асқаров томонидан олиб борилган. Ёдгорликнинг марказий қисми тўлиқ очиб ўрганилган. Кучуктепа тарихида 4 та меъморий босқич мавжуд бўлган. I-босқичга оид бино 4 метр қалинликдаги махсус сунъий кўтарма устига қурилган. Бино тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, шимол, ғарб ва жануб томонлардан мудофаа деворлари билан ўралган. Бинонинг умумий майдони 60 м² ни ташкил этган. 2-меъморий босқичда шарқий томондан бинога яна 4 та хонадан иборат уй қурилган. Натижада бино квадрат шаклга эга бўлган. Бино 2 қатор мудофаа деворлари билан ўралган. 3-меъморий босқичда бинонинг шарқий ва жанубий томонларида янги турар жойлар барпо этилган ва у яна бир қатор мудофаа девори билан ўралган. 4-меъморий босқичда олдинги давр турар жойлари ўрнида янги уйлар барпо этилган. Бинонинг дастлабки кўриниши сақланиб қолган. Жануб ва шарқ томондан бино янги қалин мудофаа девори билан ўралган. Бинонинг умумий майдони 250 м² ни ташкил қилган. Асосий қурилиш материали сифатида тўғри тўртбурчак шаклдаги хом ғиштлардан фойдаланилган. Кучуктепадан қўлда ва кулолчилик чархида тайёрланган сопол идишлар, ўроқсимон тош пичоқлар, болғалар, ўғир дасталари, хавончалар, ёрғучоқлар, жез пичоқлар, бигизлар, пайконлар, ханжар ва суяк бигизлар топилган. Кучуктепа Ўрта Осиёнинг шим. худудларидан кўчиб келиб, ўтrockлашган чорвадорларнинг мудофаа деворлари билан ўралган манзилгоҳидир. Улар ўз тараққиётида маҳаллий деҳқон аҳолининг маданий ютуқларидан кенг фойдаланганлар. Кучуктепада ҳаёт узлуксиз 400-500 йиллар давом этган. Кучуктепа аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

Маълумки, милодга қадар XX-XIX асрларда Жанубий Ўзбекистонда жумладан Сурхон воҳасида илк давлатчилик намуналари шаклланган. Буни воҳада ўтказилган археологик қазув ишлари тасдиқлайди. Айниқса, милодга қадар XX-XIX асрларга оид Тиллобулоқ ҳамда мил. қадар XVII-XV асрларга тааллуқли Сополлитепа ва Жарқўтондаги археологик қазув ишлари натижасида аниқланган ва топилган моддий ашёлар жумладан, илк давлатчилик тарихига оид муҳрлар бунинг ёрқин далилидир. Ўтказилган археологик қазув ишлари натижасида Сополлитепадан 22 нусха муҳрлар топилган бўлиб, шундан 1 та лой, 7 таси тош ва 14 таси бронзадан ясалган. Улар кўриниши жиҳатидан тўрт гуруҳга бўлинади: **1.Яссисимон 2.Хочсимон 3. Тўпбарггулсимон 4. Муҳр - тўғноғичлар.** Дастлабки 3 та гуруҳ муҳрларининг барчасида илгаклар бор.

Хочсимон муҳр ягона нусхада бўлиб, мармардан тайёрланган. Унинг юза қисмида учаётган бургут тасвири бўлиб, орқа томонида илгакли муҳр жойлашган. Бронзадан тайёрланган муҳрлар олти қиррали, етти қиррали, саккиз қиррали ва ўн қиррали бўлиб, худди гулга ўхшатиб, юлдузча ичига жойлаштирилган. Шунингдек, Сополлитепадан олти қиррали ва саккиз

қиррали бронзадан ясалган муҳр тўғноғичлар ҳам 29 нусха топилган бўлиб, уларнинг узунлиги 15 см дан 20 см гачани ташкил этади.

Жарқўтон босқичи мажмуасида очиб ўрганилган аёлларнинг буюмлари ва тақинчоқлари орасида муҳрли тўғноғичлар алоҳида ўрин эгаллайди. Жарқўтондан 34 нусхадаги аёллар тўғноғичлари топилган бўлиб, улар шакл жиҳатидан турли-тумандир, уларнинг барчаси бронзадан тайёрланган бўлиб, учи ўткирланган. Муҳр учун мўлжалланган тўғноғичларнинг юкори қисми безаклари кўриниши 11 та турга бўлинади. Термиз Археология музейи фондида Жарқўтондан топилган 4 нусха тўғноғич муҳрлар сақланади.

Термиз Археология музейининг фондларида сақланаётган ва кўргазма залларида намойиш этилаётган муҳрлар ҳақидаги маълумотни музей директори т.ф.н. доцент И.Ботиров алоҳида ўрганиб, ушбу муҳрлар ҳақидаги маълумотларни тарихий таҳлил қилганлигини қўйидаги манбалардан аниқлаш мумкин;

1. Муҳр. Тош. мил.кад XX аср. Тиллабулоқ. Шеробод тумани.

Оч сарик рангдаги табиий тошдан ясалган доирасимон шаклга эга бўлган муҳр. Муҳр юза қисмининг марказида уйма усулда оғзидан олов пуркаётган, тепага қараб кўтарилган учлари найзасимон узун думли афсонавий аждар тасвири туширилган. Аждарнинг бош қисмида кўзи, қулоғи ва бурун тешиги аниқ тасвирланган бўлиб, оғзи очиқ ҳолда тепа ва пастки жағларида тўрттадан ўткир тишлари ҳамда узун тили тасвирланган. Аждарнинг тўртта оёғи ва оёғининг катта панжаларида 5 тадан ўткир тирноқлари бор бўлиб, қорин қисми штрихланган чизиклар билан безатилган.

Аждар атрофида кочиб кетаётган судралиб юрувчи 3 та кичик хайвон ва оёк томонида ҳам судралиб юрувчи кичик бир хайвон ҳамда бир оёкда чопиб кетаётган одам тасвири аниқ берилган. Муҳр чекка қисми бўйлаб вертикал уйма чизиклар туширилган. Муҳрнинг диаметри 8 см., қалинлиги 7-8 мм. Муҳрнинг бир томони синган бўлиб, 2 см қисми учиб тушган. Муҳрнинг тескари томонида тақиб юришга мўлжалланган балдоғи бор. Муҳр балдоғининг диаметри 2 см., қалинлиги 1,4 см.

2. Муҳр. Темир. Милоддан аввалги XX аср. Тиллабулоқ. Шеробод тумани.

Муҳр темирдан ишланган бўлиб, 6 қиррали юлдузча шаклидан иборат, ҳар бир қирранинг узунлиги 0,4 смни ташкил этади, юлдуз қиррачалари ўртасидаги масофа 1 см дан қилиб ишланган, юлдузча шаклидаги қирраларнинг ичи ўйиқ ҳолатда ишланиб, бошқа қиррачалар билан қиррачаларни туташтирувчи юлдузча марказидаги кичкина юлдузча қиррачалари ўзаро туташтирилган. Муҳрнинг орқа қисмида баландлиги 0,4 мм келадиган тутқич жойлашган бўлиб, илгак ўтказиладиган тешикча мавжуд.

3. Муҳр. Ок тош. Милоддан аввалги XX аср. Тиллабулоқ. Шеробод тумани.

Учаётган лочин шаклида ок рангдаги тошдан ясалган кулонга ўхшаш муҳр. Лочиннинг думи ва канотлари кенг ёйилган бўлиб, бир қаноти синган,

икки кўзи ўйиб ишланган бўлиб, усти силликланган. Лочин бош қисмининг тескари томонида чап қаноти остида муҳрни ифода этувчи итнинг тасвири бор. Ит юриб кетаётган ҳолатда тасвирланган бўлиб, калта думи тик кўтарилган, ит тасвирининг остида одам тасвири бор. Лочиннинг синиб тушган ўнг қаноти остида ҳам номаълум жонзот тасвири бўлган бўлиши мумкин.

Муҳрнинг баландлиги 2,7 см. Лочиннинг чап қаноти остида жойлашган итнинг тасвири 1,7 см узунликда жойлашган. Одам тасвирининг узунлиги 1,7 см ни, эни 0,7 мм ташкил ташкил этади. Муҳрнинг олди қисмида лочин тасвири ишланган. Лочиннинг ўнг кўзи диаметри 4 мм ни чап кўзи диаметри эса 3 мм ни ташкил этади. Кичкинарок қилиб ишланган чап кўзининг ўртасидаги кўз гавҳари нуқта сингари аниқ кўриниб турибди. Лочиннинг кўкрак қисмида бир-бирига параллел равишда 3 мм ни ташкил этувчи иккита ўйик чизик бўлиб, орасидаги масофа 2 мм ни ташкил этади. Лочиннинг иккала оёғи қўшилган ҳолатда қилиб, 4 та оёқ панжалари билан бўрттириб кўрсатилган. Чап қаноти узунлиги 1,4 см ни, эни 1 см ни ташкил этади. Муҳр қандайдир амалдор шахснинг кўкрагида тақиб юрилган бўлиши мумкин.

4. Муҳр. Темир. Милоддан аввалги XX аср. Тиллабулоқ. Шеробод тумани.

Муҳр саккиз қиррали айлана шаклда бўлиб, ичида яна 4 та айланасимон кичик доиралар квадрат шаклда жойлаштирилган. Ҳар бир доиранинг диаметри 4 мм дан иборат, доиралар ўртасидаги масофа 0,2 мм ни ташкил этади.

Муҳр ичидаги доиралардан бирининг ичи махсус тешилган, баландлиги 6 мм келадиган тутқич муҳрнинг устки қисмига жойлаштирилган. Тутқич квадрат шаклда бўлиб, ўртасидан тўртбурчак шаклда муҳр илгаки учун мўлжалланган тешик ўтказилган. Муҳрда тасвирланган белгилар осмоннинг саккиз буржи, оламнинг тўрт томонини эслатиб тургандек туюлади.

5. Муҳр. Ёғоч. Милоддан аввалги XX аср. Тиллабулоқ. Шеробод тумани.

Муҳр ичида айлана шаклда илон тасвирланган, илон боши ўткир учли шаклда бажарилган. Илон атрофида тишсимон тўғри чизиклар айлана шаклда ишланган, илон тасвирланган айлана диаметри 2,2 см ни ташкил этади.

Муҳрнинг тепасида баландлиги 5 мм келадиган тутқич бўлиб, илгак ўтказиш учун ичи тешилган. Жез даври муҳрларида илон тасвирини тушуриш одатий тусга кирган (Жарқўтон, Сополлитепа, Жойилма). Чунки илон тасвири азал-азалдан Шарк халқларида донолик, бойлик ва давлат белгиси сифатида қулланилган.

6. Муҳр. Охактош. Сополлитепа. Милоддан аввалги XVII –XV асрлар. Ок рангда. Муҳрнинг айланаси 4x4 см, баландлиги ҳам 4 см. ни ташкил этади. Муҳр саккиз қиррали юлдузча шаклида ишланган, юлдузча тасвирининг марказида хоч кўриниши берилган, хочнинг ўлчами 2,5x2,5 см. Муҳрнинг орқа қисмида ип ўтказиладиган махсус тешикча ясалган бўлиб, баландлиги 1 см. келадиган кичкина тутқич ичида жойлашган.

7. Мухр. Оҳактош. Сополлитепа. Милоддан аввалги XVII –XV асрлар. Ок рангда. Мухрнинг айланаси 2x2 см. Мухрда тўрт япрокли гул шакли тасвирланган, мухрнинг орқасида ип ўтказиладиган махсус тешикча баландлиги 1 см. келадиган кичкина тутқич ичида жойлашган.

8. Мухр тўғноғич. Милоддан аввалги XVII аср Жарқўтон. Юқори қисми тўпбарггулсимон. Учи сал ўткирланган. Асосининг кесмаси айлана. Узун кўринишга эга. Қалпоқчаси усти ясси. Олти қиррали гулбаргли шаклда безатилган бўлиб, ичида юлдузча тасвири жойлашган. Узунлиги 12,4 см.

9. Мухр тўғноғич. Милоддан аввалги XVII аср Жарқўтон. Михсимон шаклга эга бронзадан язалган тўғноғичнинг қалпоқчаси ясси думалоқ шаклга эга бўлиб, атрофида вертикал тарзда бўртма чизиқлар тортилган. Мухр тўғноғич узунлиги 17 см.

10. Мухр тўғноғич. Милоддан аввалги XVII аср Жарқўтон. Юқори қисми муштсимон шаклда. Учи бир оз ўткирланган. Асосининг кесмаси айлана бўлиб, узун шаклга эга. Бу тўғноғичда муштнинг тўртта бармоғи қисилган бўлиб, бош бармоқ чўзилган ҳолатда яққол акс этган. Узунлиги 13 см.

11. Мухр тўғноғич. Милоддан аввалги XVII аср Жарқўтон. Юқори қисми муштсимон шаклда бўлиб, учи ўткирланган. Бу тўғноғичда муштнинг барча бармоқлари қисилган. Мушт катталиги 1,6x2 см ни ташкил этади. Мухр тўғноғич узунлиги 21 см.

12. Мухр. Пиширилган лой. Жойилма. Шўрчи тумани. Милоддан аввалги XVII-XVI асрлар. Қизғиш рангда, мухр айланаси 5,5x5,5 см ни ташкил этади. Мухр марказида баландлиги 3 см. ли илон тасвирланган бўлиб, илоннинг бош қисми қаршисида вертикал тарзда йуналтирилган чизиқ устида 4 та горизантал чизиқлар кесиб ўтган, вертикал чизиқ узунлиги 2,7 см. Горизонтал чизиқлар узунлиги турли хил кўринишда чизилган бўлсада барчасининг узунлиги бир хил 1,2 см ни ташкил этади. Горизонтал чизиқлар ўртасидаги масофа 0,6 см дан иборат. Илон тасвирининг орқа қисмида узунлиги 0,6 см. дан келадиган 3 та тугри чизиқ тортилган, чизиқлар ўртасидаги масофа 0,5 см. ни ташкил этади. Мухрдаги илон ва чизиқлар тасвири айлана чизиги ичида бўлиб, унинг ташқарисида, яъни мухрнинг гирди буйлаб узунлиги 0,5 см. дан келадиган ўйиқ тўғри чизиқ тасвири билан нақшлаб чиқилган, мухрнинг орқа томонида эса баландлиги 5 см. келадиган тутқич ясалган бўлиб, остидан ип ўтказишга мўлжалланган тешикча мавжуд. Сополлитепа ва Жойилмадан топилган мухрлар мил. аввалги XVII-XV асрларда Жанубий Ўзбекистон ва Сурхондарё ҳудудида шаклланган илк давлатчилик намунасининг моддий ашёвий далиллари бўлиб ҳисобланади. Чунки айнан мухрлар ёрдамида давлат сиёсатига оид ҳужжатлар юритилган ва расмийлаштирилган.

13. Мухр. Оҳактош. 1-2 аср. Тасодифий топилма. От тасвири туширилган.

Мухр айлана шаклда бўлиб, оҳактошдан ишланган, унинг диаметри 4,5 см ни, баландлиги 2 см ни ташкил этади. Мухрнинг ўртасидан илгак ўтказиш учун мўлжалланган диаметри 5 мм ни келадиган 4,5 см узунликдаги тешик кесиб ўтган. Мухрнинг ўртасида узунлиги 3,7 см ни, буйи 3,5 см ни ташкил

этувчи югураётган самовий от тасвирланган. Чунки отнинг иккита узун ёли хавода хилпираб турганлиги уни катта тезликда чошиб кетаётганлигидан дарак беради. Отнинг бўйин қисми анча баланд шаклда бўлиб, ингичка қулоғи ва кўзи аниқ тасвирланган ҳолда пастга қараб турибди. Маълумки, кўчманчи туркий халқлар ҳаётида от муҳим роль ўйнаган. Шу сабабли Кушонлар империяси даврида (мил.кад. I- мил. III аср) отнинг тасвири нафақат муҳрларда балки Кушон даври тангаларида ҳам учрайди. От туркий халқларнинг рамзи сифатида турли буюмларда ишлатилган.

14. Муҳр. Пиширилган лой. Милодий I-III асрлар. Қизғиш рангда. Тасодифий топилма. Муҳрнинг айланаси 3x3 см ни ташкил этади, баландлиги 3,2 см, муҳрда дарахт тасвирига ўхшаш безак берилган. Ҳар ҳолда дарахт шохлари аниқ тасвирлаган. Муҳрнинг орқасида баландлиги 3,2 см келадиган махсус тутқич ишланган бўлиб, ўрта қисмидан кичкина айлана симон тешикча ўтган. Маълумки, милоддан аввалги I ва милодий III асрларда Сурхондарё худудида Кушонлар империяси ҳукмронлик ёилади. Муҳр айнан шу даврни ифодалайди, чунки муҳрни тайёрлашда ишлатилган ашё Кушонлар даври услубига хосдир. Афтидан, Муҳр йирик Кушонлар империясининг Сурхон воҳасидаги тоғли ўлка ҳукмдорларидан бирининг муҳри бўлган бўлиши мумкин деган фикрга олиб келади.

15. Муҳр. Суяк. V-VI асрлар. Тасодифий топилма. Муҳр марказида илоҳий қуш тасвири туширилган. Қушнинг бош қисмидаги I та кўзи ва ўткир ўроқсимон тумшуғи аниқ кўриниб турибди. Ҳатто қушнинг икки қаноти ва дум қисми ҳам ифодали акс эттирилган, илоҳий қуш учаётган Ҳумо қушини эслатади. Илоҳий қуш узунлиги 3x3 см. келадиган доира ичида тасвирланган. Муҳрнинг баландлиги 5 см. ни ташкил этади. Ушбу муҳр Сурхон воҳасида қисқа ҳукмронлик қилган эфталийлар даврига мансуб бўлиб, давлат ишларини юритишда кенг фойдаланган бўлиши мумкин. Муҳрнинг ўзига хос хусусияти унинг суякдан тайёрланганлигидир. Тарихий манбалардан маълумки, суякдан ясалган муҳрлардан ёки пул вазифасини бажарувчи суяк тангалардан вақтинча фойдаланиш тартиби бўлган (масалан А.Темурнинг Эрондаги ҳарбий сафари чоғида фойдаланилган суякдан ясалган пул воситалари каби) суякдан ясалган ушбу муҳр ҳам эфталийлар даврида вақтинча фойдаланилган бўлиши мумкин.

16. Муҳр. Пиширилган лой. VI-VI асрлар. Тасодифий топилма. Қизғиш рангда. Муҳрда кийик тасвири аниқ қилиб туширилган. Кийик тасвири 1,2 см. баландликда берилган. Муҳрнинг умумий баландлиги 2 см. бўлиб, ўртасида ип ўтказишга мўлжалланган тешикча бор. Ушбу муҳр ҳам эфталийлар даврига хос муҳр бўлиб афтидан катта аҳамиятга эга бўлмаган ҳужжатларни юритишда ва расмийлаштиришда ишлатилган деб фараз қилиш мумкин.

Шеробод воҳаси Пошхурт қишлоғида жойлашган Тиллабулоқ ва Араббулоқ номи билан аталган археологик ёдгорлик бронза даври цивилизацияси, шаҳарсозлиги, меъморчилиги, моддий ва маънавий маданиятининг ёрқин манбаси ҳисобланади. Ушбу ёдгорликда қазишма

ишлари 2008 йил апрел ойида Термиз давлат университетининг археолог олими т.ф.д. Ш Шайдуллаев ва Германиянинг Мюнхен университети олимлари ҳамкорлигида бошланиб, 2009 йилда археологик қазилма стратиграфик разрез шаклда бошланди. Қазилманинг дастлабки майдони 15x5 метр асосида шимолдан жанубга томон амалга оширилган тадқиқотлар натижасида 1,5 метр чуқурлаштирилганда археологик қатламга дуч келинди. Натижада ёдгорликни даврий санаси, топографияси ва стратиграфияси, аҳолиси, турмуш тарзи, машғулоти, ихтисослашган хунармандчилиги, ишлаб чиқариш ва тараққиёти масаллари илмий ўрганилмоқда. Тиллабулоқ ёдгорлиги Шеробод тумани марказидан 30-35 километр шимолий- шарқий узокликда Пошхурт қишлоғи яқинида, ғарбий қисми 300 метр баландликгача етадиган Қўҳитанг ва жанубий-шарқий қисми эса паст текисликларда иборат тоғли ҳудуднинг шимолий шарқий Е 66 48 № 37 42 градус бурчаги остида денгиз сатҳидан 587 метр баландликда жойлашган. Тиллабулоқ ёдгорлиги Сополли маданиятига хос бўлиб, Туркменистон ва Афғонистоннинг турдош ёдгорликлардан Номозгоҳ VI даврига, яъни милoddан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми билан даврлаштирилмоқда. Тиллабулоқ сополлари сўнгги бронза даврига, яъни илк Жарқўтон даврига оид бўлиб, илк давлатчиликка хос муҳрлар мис, бронзадан тайёрланган металллар, ҳар хил шаклдаги тошлардан ясалган хлорид, гипс ва ёғочдан ҳамда сополдан тайёрланган буюмлар топилди. Сопол парчалари Жарқўтон даври кулолчилик ашёларига жуда ўхшашлиги билан тавсифланади. Энг муҳими Жарқўтон даври қадаҳи (кубоги) бўлагининг топилиши қатламнинг даврини аниқлаш учун асос бўлди. Тиллабулоқ муҳрларининг кўпчилиги оқ тошдан ясалган бўлиб, муҳрларда тўрт оёкли баҳайбат ҳайвон тасвирланган. Шунингдек ушбу муҳрлар ўзининг ясашиш турига қараб икки типга, маҳаллий ва ташқаридан келтирилган ҳолатни мужассам этади. Муҳрларнинг умумий ўхшашлиги ва шакли, тасвирига қараб Месопотамия, Хетт, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва Бактрия - Марғиёна ҳудудларидаги анъаналарини ўзида акс этирганлиги билан муҳимдир.

Араббулоқ ёдгорлиги Тиллабулоқ тепалигидан ғарбий томонда, ундан 1000 метр узокликда жойлашган, табиий тепаликлар устида бунёд бўлган ёдгорлик бўлиб, умумий майдони 1 гектардан ошиқроқ. Ёдгорлик Араббулоқ ёнида жойлашганлиги туфайли булоқ номи билан аталган. Археологик илмий тадқиқотлари асосланиб т.ф.д. Ш Шайдуллаевнинг илмий хулосалари шу нарсани алоҳида таъкидлайди, Тиллабулоқ ва Араббулоқ ёдгорликларининг топилиши бронза даврида нафақат Ўланбулоқсой, Бўстонсой, Миршоди балки Пошхурт деҳқончилик ўлкаси ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Темир даври моддий маданияти

Илк темир асрининг ёдгорликлари XX асрнинг охиригача Шеробод, Музробод, Бойсун, Термиз суғорилиши воҳаларда анча фаол ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги А.А.Асқаров бошчилигидаги Шеробод археологик экспедицияси фанга муҳим кашфиётларни олиб кирди. Хусусан, Ўрта Осиё халқлари шаҳар маданиятининг шаклланиши, ривожланиш динамикаси, топографияси, локализацияси, ёдгорликларнинг турланиши, қатламшунослик, сополларнинг турланиши ва умуман моддий маданиятини археологик манбалар орқали ўрганишда муҳим ишлар амалга оширилди.

Бу йўлда Г.А.Пуганченкова, А.А.Асқаров, А.С.Сагдуллаев, Э.В.Ртвеладзе, Т.Ш.Ширинов, Ш.Р.Пидаев, Б.Турғунов, Ш.Б.Шайдуллаев, Т.Ж.Аннаев, З.Холиқов каби археолог олимларнинг ҳиссаси муносиб бўлди. Кучуктепа, Таллашқон, Жарқўтон ёдгорликларини академик А.Асқаров, т.ф.д.профессор Т.Ширинов, т.ф.д. А.Бердимуродов, Ш.Шайдуллаевлар томонидан, Термиз шаҳридаги Номсизтепа Т.Ж.Аннаев томонидан ўрганилиши ва илмий ҳаракатга киритилиши, шунингдек Ҳайитобод тепа ёдгорлигининг муҳофаа деворлари ва Бобуртепадан топилган моддий ашёвий далилларни бу давр маданиятини ўрганишдаги аҳамияти катта. Ҳайитобод харобаси Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи, Жарқўрғон тумани марказидан 7 км шимолда жойлашган. Бу ёдгорлик Бақтрия экспедициясининг иштирокчиси К.Собиров томонидан ўрганилган бу ернинг муҳофаа девори устида қуйи қатламдан қадимги Бақтрия даврига оид муҳофаа девори топилган.¹⁴ Қазимша даврида Ҳайитобод тепанинг қалъа қисмидан илк ўрта асрларга изсиз сопол идишлар ҳам топилган. Ҳайитободтепанинг тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши шуни кўрсатадики, эраמידан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарида Шимолий Бақтриянинг биргина қишлоғи эмас, балки бу ерда муҳофаа девори билан ўраб олинган қалъа ва йирик марказ мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Холчаён. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихининг энг қадимги даврини ўзида акс эттирган Холчаён 1960 йилда археологлар томонидан аниқланиб, бу ёдгорлик тарих фанига бой тарихий манбаларни тақдим этди. Қадимий тарихий қадамжолар ҳисобланган Қорабоғ, Маслаҳат, Тўғаноқ, Сичқон, Шайит, Қўй-қирқилган, Қўй-Тўрабек, Хонақа тепаликлари археолог олимлар томонидан ўрганилиб, халқ оғзаки ижодиётда ривоят сифатида асрлардан-асрларга ўтиб келаётган фикрлар тархий жиҳатдан илмий таҳлил этилди

Холчаёндаги Хонақа тепалиги остида қадимда ҳашаматли сарой бўлган. Ушбу топилма милоддан аввалги V-I асрларда гуркираб яшнаган Холчаён саройининг ҳашаматли биносидаги 6 устун айвон билан 10 хонани ўз ичига олган бўлиб, асосий марказий залда бир-бирига ўхшамаган 35 та эркак ва аёллар қиёфалари ва 7 та отда елиб келаётган чавандозлар қиёфаси деворларга расм сифатида чизилган. Марказий залдаги маросим иштирокчиларининг қиёфаси ниҳоятда санъат асари сифатида мукамал

¹⁴ Собиров К. Оборонительные сооружения древние поселений и городов Средней Азии. АКД. М. 1979.

ишланган бўлиб, Холчаён топилмаларидаги хайкаллар 40 йилдан ортиқроқ Ўзбекистон тасвирий санъат Давлат музейида намоиш этилиб, Санъатшунослик институти илмий коллекциясини бойитиб турибди.

1959 йилнинг баҳорида Холчаён жамоа хўжалигининг техник таъмирлаш жойи кенгайтирилаётганда бульдозер кичик бир тепаликнинг четини қирққанида учта тош устун бўлақларини судраб чиқарган, топилган нарсалар археологларга хабар қилинди. Натижада 1960 йилда Санъатшунослик институтининг профессори Г.А. Пугаченкова раҳбарлигидаги экспедиция Холчаён тепалигини текшира бошлайди. Бу ердан топилган ёдгорликлар олимларнинг ҳар қандай тасаввуридан ошиб тушди, фанга яна бир тарихий бойлик Бактрия бадий маданиятининг ажойиб ёдгорлиги қўшилди. Холчаён топилмаларини илмий текшириш жараёнида Хонақоҳтепа, Қорабоғтепа, Маслаҳаттепа каби тепаликлар очиб ўрганилди. Хонақоҳтепадан сарой пойдевори тошдан, девори эса қалин (1,04- 2,30 м) хом ғиштдан ишланганлиги аниқланди.

Деновнинг қадимий Холчаён қишлоғида жойлашган Қорабоғтепа қадимий манзилгоҳидан муҳим аҳамиятга эга бўлган, архитектура қурилиши учун нодир ҳисобланган, уй-жой қурилиши учун тошдан йўниб ишлаган, ҳар бири камида 400-500 килограмм келадиган устун тагида ўрнатилган учта тагкурсларнинг топилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу нодир манбаларни марҳума, таниқли олима академик Галина Анатольевна Пугаченкова 1960 йил “Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси”ни ташкил қилиб, илк бор ушбу тагкурсларни илмий асослаб берди. Қорабоғтепадан тахминан 500 метр узокликдаги хонақоҳ тепалигида қазилма ишларини олиб бориш жараёнида, лойдан ишланган варанглар билан қопланган 30 тадан зиёд ноёб айвонларни аниқлади. Нодир хайкалларни ўрганиш жараёнида 4 гектар ерни эгаллаган Қорабоғтепа шаҳарчасининг дарвозаси ўрнини ва унинг мустаҳкам деворини ўрганишда алоҳида ўрин тутди. 1961-1962 йилларда Қорабоғтепа атрофи пахтазор далалар, тутзорлар билан ўралиб, археологик қазилма жараёнларида бирорта ҳам уй ёки томорқа йўқ эди. Баҳодир Турғунов Далварзинтепада ишлаётган вақтида, Қорабоғтепа қишлоғидаги бир тепаликдан тангалар, иккинчи тепаликдан қимматбаҳо топилмалар учраётганлигини эшитиб, Қорабоғтепа археологик қазилма ишларида иштирок этишга ҳаракат қилди. Натижада 1961 йилдан тепаликка оид марказий қисм, яъни аркни ўрганишга қатнашди. Қазилма ишлари даврида аввало 3 дона, кейинчалик эса битта тош тагкурс топилиб, уларнинг атрофида эса хом ғиштдан тикланган девор қолдиқлари ва оз бўлсада, сопол буюм бўлақлари ҳам ўраганилди. Қазилма даврида топилган девор, чамаси айвоннинг ўрни бўлиб, уни эни 1 м, 36 см. бўлиб, ушбу эшик орқали асосий залга кирилган.

Илмий тадқиқотлар даврида топилган улкан тошлар 2300-2400 йиллар аввал тайёрланган бўлиб, чамаси 60-70 км олисдаги Бойсун тоғидан олиб келинганлиги тахмин этилади. Ушбу девор қолдиқлари ва уй эгасининг бадавлат шаҳарликлардан бири бўлса керак, деб тахмин қилинди. Энг муҳими бу каби меъморий ёдгорликлари Рим ва Юнонистон

меъморчилигига мансуб бўлиб, бундай ёдгорликлар дунёнинг кўп мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёдаги қадимий ҳашаматли биноларида, хусусан, Сурхон воҳасидаги Хонақо тепалигидаги подшо саройи, Далварзинтепа, Айритом буддавий ёдгорликларида ҳам кўплаб учрайди.

Академик Г.А. Пугаченкова “Холчаён” китобида милоддан аввалги III-I асрларда Чағониён тараққий этган, гуллаб яшнаган манзил эканлиги, Холчаёнда тангалар уй-буюм жихозлари, хумдон ва бошқа буюм-ашёлар юксак дид билан тайёрланганлигини қайд этади. Милоднинг III-IV асрларида Холчаённинг қуйроғида, Сурхондарё билан Қизилсув дарёси қўшилган жойида қадимги манзилгоҳ шаклланганлиги икки дарё оралиғида жойлашган ушбу манзилгоҳ учбурчак шаклида пайдо бўлган қадимги Чағониённинг асоси эканлиги қадимшунос олимлар томонидан илмий ўрганилди. Академик В.В.Бартольднинг қайд этишича, “Қадимги, яъни милоддан илгари дунёга келган Чағониён давлатининг пойтахти ана шу учбурчак ичида жойлашган” деган фикрни изоҳлаб берди. Унинг изоҳида Чағониён давлатининг маркази Термиздан 24 фарсах, бундан Чағонруд (Сурхондарё) оқиб ўтишини таъкидлайди.

Қадимги Чағониён бозорига Вахшивор, Сина, Сангардак, Хонжиза тоғ кишлоқларидан савдо аҳли келиб, кейинчалик савдо-сотик ишларини йўлга қўйиш жараёнида маҳаллий аҳоли билан аралашиб, шаҳар худудида маҳаллий аҳоли сифатида ўтроқ жойлашган. Тоғлик аҳолининг кўзлари кўк, кирра бурун, серсақол кишилар бўлиб, улар Чағониён қалъаси атрофида жойлашиб, мол бозорида ўз отларини кўз-кўз қилиб, миниб ҳайқириб, қичқириб отларни чоптирганлиги тарихий манбаларда акс этган. Чағониён тарихи дунёни ларзага солган Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) даврида ҳам йирик маданият маркази эканлиги турли тарихий манбаларда ва археологик топилмаларда акс эттирилган. Александр Македонский милоддан аввалги 329 йили Окс (Амударё)дан ўтиб, Кампиртепани босиб олиб, сўнг тез орада Трансоксания (Мовароуннахр)ни забт этди. Милоддан аввалги 327 йил баҳорида унинг қўшини Ҳисор тоғ тизмалари орасида жойлашган қасрда яширинган Оксиартга қарши юришлар олиб бориб, катта қийинчиликлар билан тоғ чўққисидаги қалъани забт этган, аммо Оксиарт омон қолади. Бунга сабаб унинг гўзал қизи Равшанаққа (юнонча манбаларда Роксана деб келтирилади) Александрнинг уйланиши ва бунинг эвазига Оксиартни ўз қўшинларининг бир қисмига лашкарбоши қилиб тайинланиши бўлган. Ушбу тарихий манбалар Александр Македонскийга қарши Чағониён худудида ҳам миллий озодлик ҳаракатлари олиб борилганлиги ва ушбу ҳудуд мустақкам шаҳар қалъаларидан иборат бўлган манзилгоҳ эканлиги қайд этилади.

Чунки, Искандар юришларини ёзиб қолдирган Арриан Оксариат тайинлаган саркарданинг кучли жанговар эканлигини қайд этиш билан бирга Искандарнинг маҳаллий аҳолидан саркарда тайинлаган қарорини чин юракдан маъқуллайди. Искандар қалбини тоғ қизига топширади. У ерда аҳоли билан алоқани янада мустақкамлаш учун ўз ёрдамчиларини,

лашкарбошиларидан минг (баъзи манбаларда ўн минг) кишига ерли аҳолининг мингта (ўн мингта) қизини олиб беради. Маҳаллий ерли халққа уйланиб, шундай ажойиб манзарали ва бой ерларни тарк этмасдан қолиб кетган юнонлар ичида муҳандислар (архитекторлар) ва ҳайкалтарошлар бўлиб, улар ерли халқлар билан меъморчилик санъати сирларини ўртоқлашиб, маҳаллий халққа юнон қурилиш санъатини ўргатган. Чунки Холчаён қурилиш санъатида ва ҳайкалларида юнон услуби кенгрок қўлланилган.

Тадқиқотлар натижасида топилган катта ҳайкал калласида юнон услуби ўзини алоҳида аксини топган. Энг муҳими Холчаён топилган тангаларда Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ерларида кенг тарқалган дастлабки, кушон тангаларидаги каби сирли шахс тасвири кенгрок зарб қилинган. Холчаён тангаларнинг юз томонига бир томонга қараб турган ҳукмдор тасвири бўлиб, иккинчи томонда эса Осиёликлар кийимидаги қуролланган отлик подшоҳга ғалаба худоси Ника тож кийдираётганлиги акс этган. Тангадаги ёзувда “ҳукмдор Герай Санаб-Кушон” деган сўзлар битилган, Герай дастлабки Кушон ҳукмдори Кужула Катфиздан олдин яшаган, унинг замонида кушонлар империяси таркиб топмаган эди. Герай ҳокимият тепасига чикқач, Кушонлар тангасини биринчи бўлиб зарб этди. У ўзигача бўлган юнон-македон ҳукмдориларга ўхшаб, Юнонистон маданиятига кўр-кўрона тақлид қилмади, аксинча Осиё маданиятини унга уйғунлаштирди. Холчаён ҳайкалларида Герайдан ташқари бошқа сарой аъёнлари, четдан келган элчилар, от чоптириб кетаётган чавандозлар, созандалар, масҳарабозлар ҳам тасвирланган. Холчаён ҳайкалларидаги ўхшашлик, Холчаён Герайнинг ёки унга яқин оғаниларининг тураржойи бўлган, деган хулосага олиб келади.

Холчаёндан топилган бир қатор ноёб осори атиқалар Кушонлар даврида Чағониён моддий маданияти нақадар юксалганлигидан далолат беради. Холчаёндаги текширишлар Бақтрия-Кушон замонининг бинокорлик техникаси тўғрисидаги маълум тасаввурни янада кенгайтирди. Холчаён саройи архитектура жиҳатидан ғоят муҳимдир. Асосий залининг уч девори 3 м баландликда оқ ганч билан сувалган, ундан юқори қисмларда маҳобатли ҳайкаллар жойлаштирилган. Тўртинчи деворнинг тўқ қизил фонидо оқ ганчдан барг, гул, бир бош узум тасвирланиб, нақш солинган. Саройнинг асосий залидан чиқиладиган айвондаги нақшларда эркаклар сурати ҳам бор: эркаклардан бири бақтрияликка, яна бири мўғулга ўхшайди. Уч метр баландликдаги панель тепасидаги ҳайкал қизил ва қора ранг минерал бўёқ билан бўялган. Ҳайкалларнинг катталиги одам бўйининг учдан икки қисмига тўғри келади. Топилган аёл ҳайкали ҳам диққатга сазовордир: юзи кенг, оқ дубулға тошда хурпайган сочлари аниқ кўриниб туради. Ҳайкал танасидан топилган парчада ҳайкал устидаги халат ёки ёпинғич сақланган, халат тагида тўқ қизил ранг кўйлак устидан белдан юқорида оқ тасма боғланган. Бу ҳайкал, танаси, вазияти, қўлларининг туриши, дубулға ва халатига қараганда, маъбуда Афина ҳайкали бўлса керак. Марказий Осиёга юнонлар маъбудасининг қиёфасини македониялик

Искандар олиб келган, албатта. Холчаён ҳайкаллари орасида Митра, Ника ва бошқа маъбудаларнинг қиёфаларига яқин қиёфали ҳайкаллар ҳам бор.

Ҳайкал парчалари орасида Холчаён созандалари ҳайкалларини ҳам учратиш мумкин. Бақтрия-Кушон ёдгорликларининг юксак санъатида эллин ҳайкалтарошлиги билан Парфия санъати анъаналари кўринади. Холчаён ҳайкали ҳозиргача номаълум деса бўладиган қадимги Бақтрия санъатининг аллақачонлар унутилиб кетган сўқмоқ йўлидаги ёрқин изларидандир. Холчаёндан топилган Демитрий тангаси ҳамда Қорабоғтепада милоддан аввалги I асрларга оид иморатлар қайд этилгани бунга мисол бўла олади. Холчаёнда оссуарий сифатида оғир қопқоқли аъло даражада тайёрланган хум топилган. Унинг ичида бир тўп кўкрак суяги ва шикастланган бош суяги ётарди. Афтидан, «кўмишга тайёрлаш» маросимида «Авесто»даги маздакчилик қонун-қоидаларига амал қилинган кўринади. Мурда дастлаб йиртқич қушлар ёки махсус боқилган мурдахўр итлар еб кетиши учун қўйилган. Сўнгра тозаланган суяк қолдиқлари суякдонга жойлаштирилган.

Сурхон воҳаси қадимий тарихини ўрганишда таниқли археолог олим Баходир Турғунов ва Санъатшунослик илмий тадқиқот институти профессор Галина Анатоёевна Пугаченокова раҳбарлигида Холчаён қишлоғидаги Хонақо тепалигида 1960-1963 йиллари тадқиқот ишларини олиб бориб, лойдан ишланган 35 тага яқин эркак, аёл ва отларнинг елиб кетаётган чавандоз ҳайкаллари ва уларнинг бино залларининг деворларида қай шаклда ўрнатилганлиги ҳақида бахслашиб турганларини акс эттирган деворий суръатларни аниқладилар. Г.А.Пугаченкова ва Б.Турғунов тепалик остидан топилган бир неча мис тангаларни аниқлаб, тангалар милоддан аввалги IV ва милодий I асрларга мансуб эканлигини аниқлаб, ушбу тепаликда подшонинг ҳашаматли сарой қурилганлигини, ушбу саройга бундан 2400-2300 йил аввал асос солинганлигини исботлаб берди.

Баходир Турғуновнинг бевосита олиб борган тинимсиз изланишлари натижасида 2007 йил Холчаёндаги Қорабоғ тепалигида махсус қадимий даврни акс эттирувчи топилган археологик манбалар асосида музей маъносида уй айвони ташкил этилди. Унда ҳудди Юнон - Рим архитектурасидагидек ҳашаматли саройларнинг устунлари тагига ўрнатилган 3 дона оҳақтошдан йўниб ишланган, оғирлиги 400-500 килограмм келадиган тагкурсилар ўрнатилган. Баходир Турғунов Қорабоғтепадаги қазилма ишларини давом эттириб, ушбу жойдан яна ўша тагкурсилардан биттасини топиб олиб, муҳим манбани илмий асослаб берди.

Қорабоғтепада олиб борилган тадқиқотларда меъморчилик элементлари, Рим-юнон меъморчилик ёдгорликларида милоддан аввалги IV-III асрларда кенг қўлланилган, кейинчалик кўп давлатларга тарқалган, шу жумладан, Марказий Осиё ёдгорликларида ҳам кўплаб учрайдиган ҳолат такрорланган. Чунки ушбу меъморчилик элементлари, яъни бинонинг тагкурслари Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Италия ва Франция меъморий иншоотларида ҳам мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу топилмалар Хонақа тепанинг айвонида Далварзинтепадаги иккита бой бадавлат

шахарликлар уйлари айвонларида, Айритом, Эски Термиздаги Фаёзтепа ва Қоратепа буддавий ёдгорликларида ҳам шу мақсадда ишлатилган.

Тадқиқотлар натижасида Эски Термизнинг ҳажми 500, Далварзинтепанинг 47, Будрачтепанинг 100 дан ортиқроқ, Зартепанинг 16, Бешкапанинг 8, Кампиртепаларнинг 7, Қорабоғтепанинг 4 гектар майдонга эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, харита орқали Бойсунда 17, Сариосиёда 27, Термизда 29, Шерободда 30 та, Шўрчи 48 та, Деновда 53 та сақланиб қолган қадимий шаҳар, шаҳарча, манзилгоҳ ва алоҳида чўққайиб турган тепаликлар мавжудлиги маълум бўлди.

Милодий II аср охири III аср бошларида Кушон империяси инқирозга юз тутди, бу жараён Холчаёнда айниқса, ёрқин из қолдирган. Қорабоғтепа истехкоми дарвозаси катта ёнғинда қолган ва унинг излари кушонлар даври қурилишларида ёнғин қатлами тарзида сақланган. Хонақоҳтепада ўрганиб чиқилган учала иморат ҳам хароб этилган ёки қулатилган, бу ҳол айниқса, саройда яққол кўзга ташланади. Бу ерда қимматбаҳо ашёлар ва ибодат буюмлари талон-торож қилиб кетилганлиги билан бирга, тахтхонада тош тагликлардан бири ағдариб ташланган, айвонда эса устун тагликлари кўпорилган, баъзилари улоқтириб юборилган. Демак, Холчаён тақдирида археологик жиҳатдан муҳрланиб қолган ўлимга маҳкумлиқ III аср бошида Кушон шоҳлигини қамраб олган умумий воқеа бўлган.

Жондавлаттепа - шаҳар харобаси (милодан аввалги I- минг йиллик ўрталари - милодий I минг йиллик ўрталари). Шеробод (Сурхондарё вилояти)нинг шимоли-шарқий томонида жойлашган. Майдони 8 гектарга тенг бўлиб, тарҳи кўп бурчакли. Шаҳарнинг 2 та дарвозаси бўлган. 1-си шарқий деворнинг ўртасида, 2-си жанубий деворнинг марказида жойлашган. Дарвозалар икки томондан миноралар билан мустаҳкамланган. Ҳозирги пайтда шаҳар харобасининг катта қисмидан қабристон сифатида фойдаланилмоқда. Кушонлар даврида Жондавлаттепа гуллаб-яшнаган. Шаҳарнинг шимимоли-ғарбий бурчагида мурабба тарҳли кўрғон бўлиб, баландлиги 19 метр бўлган. Жондавлаттепадан кўплаб сопол идишлар ва бошқа моддий маданият ёдгорликлари топилган.

Ҳайитободтепа қадимги Бактрия деворининг мавжудлиги санасини ҳом гиштлар билан бир қаторда бирламчи ўринда сопол буюмларнинг аҳамияти муҳимдир. Чунки улар ўзининг ишлаб чиқарилиши технологияси, шакли, сифати билан бир-биридан фарқ қилмайди, агар фарқ қилса, демак, унинг даври бошқа бўлади. Пойдевор ва деворда сопол буюмларнинг турли 24 та бўлаги топилди, улар ўз шаклига кўра, хумкоса ва туваклардан иборат эди.

Хумлар 6 бўлакдан иборат бўлиб, цилиндр шакли, гардиши ташқи томонга манжет кўринишида қайрилган. Гардишнинг тагида тарнов шаклидаги йўлакча кўринади. Ҳозирги кунгача Ўзбекистон археологларининг саъй ҳаракатлари билан Сурхондарё вилоятида илк темир асрига оид 30 дан ортиқ ёдгорликлар илмий тадқиқот объектларига айлантирилиб, ўрганилмоқда. Шундай ёдгорликлар сирасига Термиз

шаҳридаги Номсизтепа ва Кофирниҳон дарёсининг ўнг томонида жойлашган Бобуртепа ёдгорликлари киради. Термиз шаҳрининг шимоли - ғарбий томонидан сув қувурлари ўтказилаётган пайтда Ш.Шайдуллаев ва Т.Аннаев томонидан Номсизтепанинг излари топилди. Сополлар мажмуаси идишларнинг бир неча турини ўз ичига олади, уларнинг сирасига цилиндр шакли уч хил гардишли хумлар ҳам киради. Бундан ташқари тор қоринли ва тумшуксимон гардишли туваклар учрайди, сопол хумлар ва тувакларнинг эрамиздан аввалги **I минг** йилликнинг ўрталарига оид қадимги Бактрия мажмуалари орасида ўхшаш томонлари жуда кўп.

Қадимги Бактриянинг цилиндр шакли банкасимон идишлари одатдагидек ўткир қовурғали, паст тагдонли ва чуқур цилиндрсимон деворларга эгадир. Сўнги Бактрия тагдони деворга силлиқ туташган, бу эса сопол идиш ишлаб чиқаришда идиш шакллариининг эволюцион таракқиётидан дарак беради. Худди шундай идишлар эрамиздан **аввалги IV-III** асрларга оид Хонақатепа ёдгорлигининг қуйи қатламларидан топилган. Унинг очилиши айрим тадқиқотчилар томонидан эрамиздан аввалги **I минг** йилликнинг ўрталарида Сурхон ва Амударё воҳаси, умуман, ўзлаштирилмаган деб айтилган фикрни рад этиб Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи ёдгорликларида ҳаёт изларини даврлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бобуртепа Кофирниҳон дарёсининг ўнг қирғоғидаги Қаранқўл қишлоғида жойлашган ёдгорликнинг майдони 450x200 м ва баландлиги эса 5-6 метрни ташкил этади. Бобуртепа ёдгорлигидан топилган энг қадимги сополлар мажмуаси **Кучуктепа I, Кучук IV сополлари** билан айнанлиги кузатилади. Бобуртепа сополлари орасида **Кучук IV** ёдгорлигидек цилиндр шаклли хум ва хумчалар муҳимдир, уларнинг гардиши 45 см.ни ташкил этади. Сополлар мажмуаси орасида қисқа, тор қоринли туваклар ҳам учрайди. Бундай идишлар шакли эрамиздан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарида қадимги Бактрия ва Қадимги Хоразм мажмуалари учун хосдир.¹⁵ Бундан ташқари сополлар орасида ярим сферик шаклдаги косалар, ясси тагдонли узун оёқли қадаҳ ва вазалар ҳам учрайди. Бобуртепадан топилган сополлар мажмуаси Бактрия, Суғд, Марғиёна ва Хоразм деҳқончилик, кулолчилик маҳсулотлари билан мос келади. Шунин билан бирга бу сополлар Сурхондарёнинг тоғли ва паст-текисликларига хос эмаслиги билан ажралиб туради. Уларга ясси тагдонли банкасимон идишлар, шарсимон қоринли туваклар, ваза ва қадаҳлар киради. Бобуртепа сополларнинг бу хусусияти Сурхон воҳасидан **Кучук IV**, яъни сўнги темир даврига оид ёдгорликлар бор эканлигини тасдиқлайди.

Таллашқонтепа Шеробод деҳқончилик воҳасида жойлашган, у ёдгорликларнинг иккинчи тури қалъага киритилади. 1985-1986 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги А.А Асқаров бошчилигидаги Шеробод гуруҳи Таллашқонтепа I да қазилма ишларини олиб

¹⁵ Воробьева М.Г. Динчиль же усадба середни 1 тис. До в древнем Хорезме // М.Х.Э. 9 М: Наука 1973 с 124 рис 36.8, 17,25

борди. 1985 йилда қазишма ишлари мудофаа деворлари ва унга туташ қурилган соқчи миноралари устида олиб борилди. Аввало қазишмадан олдин олиб борилган тозалаш жараёнида архитектура иншоотларининг деворлари аниқ кўриниб қолди. Таллашқон I айлана шаклдаги мудофаа иншооти бўлиб, диаметри 135 метрни ташкил этадиган йирик ва кириш йўлаги шимоли-ғарбий йўналишга қаратиб қурилган. Бу ерда мавсумий ва доимий қазиш ишлари олиб борилиб, ёдгорлик тўлиқ очиб ўрганилди.

Меъморий иншоотлар мудофаа деворлари бўйлаб жойлашган. Талашқонтепа I да иккита қурилиш даври бўлиб, бу юқори ва қуйи горизонталлар деб аталади. Мудофаа девори ва соқчи минораси иккаласи горизонтда ҳам учрайди, чунки бу ҳудудда ҳар икки даврда ҳаёт давом этган. Қалъанинг юқори қатламларида сўнгги ўрта асрларга оид 10 қабр учраган. Шунини таъкидлаш керакки, ўлган кишининг қафтида жонийлар сулоласидан Субҳонқулихон 1680-1702 номидан зарб этилган 3 та танга топилган. Талашқонтепа I да ёдгорликнинг қуйи қатламларида қалъанинг мудофаа девори, соқчи миноралари, дарвоза, яхши сақланиб қолган, аммо ёдгорликнинг ички томонидаги хоналар тўлиқ вайрон бўлган. Қалъанинг диаметри 135 метр ва ўраб олган деворнинг қалинлиги 5 метрни ташкил қилади. Девор ҳажми 58x62x29x32x10 см.лик тўғри бурчакли хом ғиштдан барпо этилган 3,5 метргача бўлган баландликда девор сақланиб қолган. Бу бир даврда қурилган иншоот бўлиб, тўғридан-тўғри материк устида турибди, бу ерда сўнгги қурилишларнинг излари йўқ.

Ш.Запаров ва Э.Ртвеладзе фикрига кўра Талашқонтепа I нинг қалъа девори ташқи томондан пойдеворгача қиялик бор, ички томони эса, юқори қисмининг зинасимон қурилганлиги тасдиқланди.¹⁶ Аммо Ш.Шайдуллаев олиб борган қазишма орқали девор текис ва тўғри эканлиги исботланди. Деворнинг юқори ва қуйи қисмида эни 5 метрни ташкил қилади, унинг қуйи қисмида 2 қатор шинаклар жойлашган, шинаклар ҳажми 50x20 ва 60x25 см.ни ташкил қилади. Деворнинг қуйи шинаклари асосдан 0,8 м баландликда жойлашган, юқори шинаклар эса 1,4 метр юқорида жойлашган, шиналарнинг ораси 1,7-2 метрни ташкил қилади. Мудофаа девори 15 та ярим айлана шаклдаги миноралар билан мустаҳкамланган, минораларнинг деворлари 1 дан 3,6 метргача сақланиб қолган. Минораларнинг диаметри 9-11 метрни ташкил қилиб, улар мудофаа деворидан 5-5,5 метр ташқарига чиқиб туради.

Минора деворининг қалинлиги 2,8 метрни ташкил қилади, минора ва унинг ичкарасидаги хоналарнинг ҳажми 3,5-4, 2x2, 1-2,8 метрдан иборат, улар тўлиқ очиб ўрганилган. Минораларга кириш йўлаги 2,15дан 3 метргача этади, йўлакнинг эни 0,9 м.ни ташкил этади. Қазишма даврида кўплаб археологик материаллар қўлга киритилди, уларнинг сони 8427 сопол бўлаклари, 113 таси археологик жиҳатдан тўлиқ сақланиб қолган идишлардан иборат. Шундан 1523 та сопол буюмлар бўлаги қуйи қурилиш даврига оиддир.

¹⁶ Запаров Ш.Х. Э.В.Ртвеладзе. Раскопки древнебактрийского поселения Талашкантепа 1 // Бактрийские древности. Л. Наука 1976

Сопол идишларнинг 94,8%и кулол чархида ишланган қалама ҳолдаги қозон ва чойнақлар 5,2 % ни ташкил этади. Аксарият қозонлар писта кўмир кули аралашган лойдан тайёрланиб, кулол чархида қўл билан текисланган. Сопол таркиби ёки синиғи, оч-қизил, оч-малла рангда бўлиб, яхши пиширилган, идишлар ташқи томондан оч қизил ва сарғиш рангли ангоб билан буялган. Сополлар мажмуасининг энг кўп тарқалган шакли идишларнинг қуйи қисмининг қовурғали шаклда қайрилгани, яъни цилиндр шаклли идишлардир. Бу шакл ҳар иккала горизонт учун етакчилик қилади. Унинг вариантлари муқобил кўринишлари кўп. Ёдгорликнинг қуйи **горизонти Кучуктепа III даврига юқори қатлам Кучуктепа милодан аввалги X – IV асрларга тўғри келади.**¹⁷

Таллашқонтепа I нинг соқчи миноралар ва хоналаридан тош, суяк ва бронзадан ясалган турли буюмлар топилган . Тош буюмлар ёрғочоқ, пестик ва курантлардан иборат, бу буюмлар фақат ғалла янчиш билан боғлиқ бўлган куруллардир. Ёрғучоқлар археологик жиҳатдан тўлиқ топилган, уларнинг 17 бўлагидан 4 таси қуйи қатламнинг саҳнидан топилган, 2 таси кафтсимон шаклга эга бўлиб, 48,5x22,5x8 ва 22x13x9 см, ҳажмга тенг ёрғучоқлардан қадимги Бактрияда узок вақт фойдаланилган. Профессор Т.Ш.Ширинов фикрига кўра, Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичидаги ёрғучоқлар Кушон давригача ишлатилиб келинган.

Ҳавонча икки нусхада топилган бўлиб ярим сферик ва цилиндр шаклига эга¹⁸, топилган ҳавончаларнинг шакли оригинал, яъни ягонадир. Уларнинг бири цилиндр шакли резервуар ва уч оёққа эга, умумий баландлиги 22 см 1 резервуар, яъни ботиқ жойининг диаметри ҳам 22 см.ни ташкил этади. Деворнинг қалинлиги 2,5 см, идишнинг чуқурлиги 15,5 см, оёғининг узунлиги 6 см дан иборат. Иккинчи нусхаси эса аввал, яъни тухум шаклида бўлиб, ярим сферик тағдони ясси, ташқи томони ойнадек ялтираб туради. Ишлов берилган ички томони силлиқ эмас, ҳавончанинг баландлиги 15 см.ни ташкил қилади, ҳавончаларнинг цилиндр шакли нусхаси Қизилча У1 ёдгорлигидан ҳам топилган. Шундай қилиб Кучуктепа ёдгорлигида янги **очилган шурф материаллари ва Жарқўтоннинг чизмаси сопол буюмлари Кучук I даврини 2 фазага бўлиш имконини берди. яъни Кучук I А илк босқич ва Кучук I Б сўнгги босқичдир. Термиз шаҳридаги Номсизтепа, Ҳайитободтепа, Бобуртепа материаллари яна бир давр илк антик даврга ўтиш босқичини кўрсатади. Таллашқонтепа 1 қазилма тадқиқотлари яна бир ёдгорлик қалъа ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини беради. Шунингдек, Кучук III ва IV даври моддий маданиятини тўлиқ тушунишимиз учун имконият яратади.**

Қизилтепа - мил. ав. IX-IV асрларга оид шаҳар харобаси. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ҳудудида, Қизилсув дарёсининг ўнг соҳилида Қизилтепа жойлашган. Г.А. Пугаченкова раҳбарлигидаги Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ходимлари томонидан ўрганилган (1971 й.).

¹⁷ Шайдуллаев Ш.Д. Таллашқонтепа 1 крепост раннего железного века на территории северной Бактрии тезиси докладов. Т. 1988. с 100.

¹⁸ Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Т. Фан. 1987. С 30.

Қизилтепа режаси тўртбурчак шаклида (420x360 м) бўлиб, майдон 16 га. Қизилтепа жануби- шарқий ва жанубий-ғарб томондан пойдевори 10 м қалинликда, (пахса ва хом ғиштдан) асоси доира шаклида бўлган текис миноралари бор қалин девор билан ўралган. Девор ва минораларда ўқ отиш шинаклари бор, девор атрофига хандақ қазилган. Қизилтепа уч қисмдан иборат: 1) Қизилтепанинг жануби-ғарбий қисмидаги балаландлиги 10 м га яқин тепаликка қурилган арк ва ҳукмдорлар саройи; 2) Шаҳарнинг ўз худуди; 3) Шаҳарнинг жануби.-шарқий деворидан ташқарида жойлашган, умумий майдони. 4-5 гектар бўлган ҳудуд. Тадқиқотлар Қизилтепада ҳаёт 3 асосий даврга бўлинганини кўрсатади. Қизилтепа -1 (мил. ав. IX-VII асрлар); Қизилтепа -2 (милоддан аввалги VII-V асрлар); Қизилтепа -3 (милоддан аввалги V-IV асрлар). Қизилтепа -2 даврида ҳаёт бирмунча ривожланган, бу даврда Қизилтепага кишилар кўплаб кўчиб кела бошлаган, қалъа қўрғонида пахса ва хом ғиштдан қатор ҳашаматли иморатлар қурилган. Қизилтепадан ҳар хил қуроллар (ёрғучоқ ҳовонча, ўғир даста, ўрок), тўқ қизил ранг ангоб билан сирланган цилиндрсимон тиргакли идиш, уй ҳайвонлари суяқларининг кўплаб топилиши деҳқончилик, кулолчилик ва чорвачиликнинг жадал юксалганидан дарак беради.

Қадимги Бақтриянинг қишлоқлари А.С. Сағдуллаев томонидан Қизилча 6- ёдгорлиги мисолида ниҳоятда яхши ўрганилган. Ушбу ёдгорлик бир оилага - мўлжаллаб, тўғри тўртбурчак шаклида, олд томонида чорбоғлари билан қурилган. Худди шу сингари ёдгорликлар Миршоди дарёси бўйида, Қизилтепа шаҳар ёдгорлиги атрофида 11 тани ташкил этади. Бақтрия оилалари яшаган уйлар ҳам ҳар хил, Қизилча 6- кўрғони ягона тарҳ асосида, меъморий услуб билан қурилган. Бу ерда яшаган оила уйи тўрт метр баландликдаги платформа устига қурилган ва мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Демак, Бақтрия нманалари, оилалари эгаллаган мавқеларига қараб ҳар хил шаклда уйлар қурган. Айрим оилаларнинг "қул" лари, оила хизматкорлари ҳам бўлганлигини юқорида, И.М. Дьяконов тадқиқотларида асосланган. Сурхон воҳаси худудида шундай суғорилиш худудларидан яна олтитаси маълум, демак жами 7 та ҳокимлик ҳукм сурган. Булардан бири Миршоди Сурхондарёнинг ўрта ва қуйи оқимларини ўз ичига олган суғорилиш худудидир. Миршоди суғорилиш худуди, яъни ҳокимлик худуди Миршоди дарёси бўйларини, Бойсунтоғ яйловларини ўз ичига олган. Асосий ёдгорлиги Қизилтепа ва унинг атрофида жойлашган 11 та шу номдаги кичик ёдгорликлар мажмуасини бирлаштирган. Маҳаллий ҳокимлик маъмурий бошқарув маркази Қизилтепа аркида жойлашган. Сангардак суғорилиш худуди, шу дарё бўйларини, Бойсунтоғ яйловларини ўз ичига олган. Демак, Бақтрия худудида жами 17 та ҳокимлик мавжуд бўлган. Ҳар бир ҳокимлик иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳаёт кечирган. Ўзининг деҳқончилик учун экин майдонлари, чорваси учун яйловлари мавжуд бўлган. Ҳокимлар аҳолидан алоҳида бўлган маъмурий аркларда яшаб, ўз худудини ҳимоя қилган, аммо сиёсий жиҳатдан мустақил бўлмаган, негаки "Авесто"да дахиюпатлар тўғрисида маълумотлар ҳам бўлиб, улар деҳқончилик ўлкаларининг ҳукмдорлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бойсун

деҳқончилик ўлкаси (дахиюпати) ўз таркибига Бойсунтоғ ён бағри яйловлари, Бандихонсой, Миршоди (ҳокимликка қарашли) сув ҳавзаларини бирлаштириб, ҳамма сув ҳавзалари Бойсунтоғдан бошланиб, ҳокимликнинг марказий майдони 22 гектардан иборат Қизилтепа ёдгорлигидир. Қизилтепа Қизил- I давридан бошланиб, у икки қисмдан - арк ва шаҳар қисмидан иборат бўлиб, Қизилтепа атрофида кичик ёдгорликлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган. Ҳар бир деҳқончилик ўлкаси алоҳида жойлашган мустақил сиёсий ва иқтисодий ҳудуд ҳисобланиб, ҳар бир ўлка ўзининг табиий ёки сунъий сув базасига эга бўлиб, ҳар бир деҳқончилик ўлка Қадимги Бактрия подшоҳлиги таркибидаги кичик-кичик сиёсий ҳудудлар бўлиб ҳисобланган. Чунки, Қизилтепа шаҳри мавжуд деҳқончилик ўлкасининг сиёсий маркази бўлиб, бош шаҳар маъмурий бошқарув тизими шу шаҳарда жойлашган. Бактрия ҳудудида илк темир даврида бу жараён узлуксиз давом этиб, Қизилтепа шаҳри арк ва шаҳристонга эга бўлган, муҳофаа деворлари билан ўраб олинган илк темир асрдан бошлаб токи ўрта асрлар даврига оид Марказий Осиё шаҳарларига хос бўлган шаҳар қурилиши анъаналарини ўзида сақлаб қолгандир. А.С.Сағдуллаев Миршоди ҳудудида жойлашган Қизилтепа шаҳри ёдгорлигида тадқиқотлар олиб бориб, умумий майдони 22 гектар, арк ва шаҳристондан иборат бўлган, қалин муҳофаа деворлар билан ўралган аркнинг муҳофаа деворларини буржлар билан мустаҳкамланганлигини исботлаб берди.

Шаҳарларнинг арк ва шаҳар қисми ҳам муҳофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, чуқур ва кенг хандақлар қазилган. Қизилтепа шаҳарининг муҳофаа деворлари пойдеворлар устига қурилиб, девор қалинлиги 5 метргача бўлиб, муҳофаа деворларига буржлар ўрнатилиб, шаҳарларнинг муҳофаа кудрати янада оширилган. Қизилтепа Қизил I давридан барпо бўлиб, Қадимги Бактрия маданияти давридан бошлаб у икки қисмдан - арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлган. Қизилтепа атрофида кичик ёдгорликлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган, улар ҳам арк ва шаҳар қисмдан иборат бўлиб, кучли муҳофааланган шаҳарлар тоифасига киради. Ҳаитободтепа ёдгорлигига ҳам Қадимги Бактрия маданияти даврида асос солинган. Тарих фанлари доктори Ш.Шайдуллаевнинг хулосасига кўра Қадимги Бактрия маданияти ёдгорликларини қуйидаги типларга ажратиш мумкин: Шаҳарлар. Улар ҳар бир деҳқончилик ўлкасида биттадан жойлашган бўлиб, икки қисмдан (арк ва шаҳар) иборат. Қизилтепа Арк ҳам, шаҳар қисми ҳам юқори ривожланган муҳофаа деворлари билан муҳофаа қилинган. Муҳофаа деворлари 5-8 метр қалинликда бўлиб, муҳофаа девори платформа устида қурилганлиги кузатилган. Ҳамма муҳофаа деворлари буржлар билан мустаҳкамланган. Худди шу даврда Бактрияда муҳофаа деворлари ва буржларга шинақлар ўрнатиш бошланган. Шинақлар узунчоқ, тўғри тўртбурчак шаклида ясалган.

1. Аркли қишлоқлар. Шу тоифадаги қишлоқларнинг фақат арк қисми муҳофаа деворлари билан ўралганлиги характерлидир.

2. Арксиз қишлоқлар-тарқоқ ҳолда жойлашган тепалиқлар мажмуасидан иборат бўлган ёдгорликлар.

3. Ҳарбий истехкомлар. Доира ва квадрат шаклида қурилган қалъалар. Ушбу типга оид ёдгорликлар кучли мудофааланганлиги ва ҳарбий характерга эгаллиги билан фарқланади. Қалъанинг ички қисми очиқ ҳовлидан иборат бўлиб, яшаш уйлари фақат мудофаа деворлари бўйлаб қурилганлиги кузатилган.

4. Қўрғонлар. Қизилча шаҳрига оид I, VI босқичлар ана шу ёдгорликларга хосдир.

Шимолий Бактрия ҳудудида 7 та деҳқончилик ўлкаси, ҳар бир деҳқончилик ўлкасида эса 2-3 тадан суғорилиш ҳудудлари мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудларда маданий ва сиёсий марказ вазифасини Қизилтепа ёдгорлиги ўтаган. Шимолий Бактрия ҳудудида Қизилтепа шаҳри илк давлатларнинг империялар босқичида шаҳарларга хос бўлиб, суғориш ҳудудларнинг маркази вазифасини ўтаган. Шунингдек, деҳқончилик ўлкасидан узоқроқ жойлашган суғориш ҳудудларга арксиз қишлоқлар кириб, бу қишлоқлар мудофаа деворларига эга бўлмай бир неча патриархал оилага мўлжалланиб, ҳудудий жиҳатдан кичик бўлиб, бундай қишлоқларга Қизилча I-X шаҳар ёдгорликлари киради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Далварзин, Қизилча ҳудудлари мустаҳкам ҳарбий мудофаа иншоотларига эга бўлиб, ҳарбий истехкомлар билан ўралган, мудофаа иншоот деворларининг қалинлиги 5 метрдан иборат бўлиб, мудофаа деворлари махсус буржлар билан жиҳозланган. Энг муҳими Қизилча шаҳри ниҳоятда чиройли безаклар асосида қурилган. Топилган буюмлари ичидаги статуэтикларда асосан маъбуда ҳайкалчалари кўп бўлиб, унда она рамзи туширилган турли хил тасвиридаги ҳолатлар ниҳоятда чиройли безак бериб ишланган. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, бу ҳайкалчалар она тасвиридаги илоҳийлаштирилган мусиқа чалаётган, рақс ижро этаётган, турли афсонавий ҳаракатлар намойиш қилинган. Бактрия ҳудудларида аҳолининг ўтроқ ҳолда жойлашуви деҳқончиликнинг шаклланишига асос солиб, маданий тараққиётни жадаллаштириб, Кушон ҳудудидаги Даштли, Миршоди каби қадимий аҳоли манзилгоҳлари ниҳоятда қуплаб манбаларни фанга тақдим этади. Кушон давлатига қарашли Қизилча-1, II, III ва Миршоди ҳудудидан буғдой, арпани янчадиган меҳнат қуроллари, темир ўроқ, турли хил меҳнат қуроллари ва бронза, тошдан ишланган меҳнат қуроллари топилди. Кушон давлатида Сурхон воҳасига хос сополни 11 тури ва Қизилча II-III га тааллуқли механик чархда тайёрланган силлиқ ишланган сопол идишлар топилди. Кушон давлати ҳудудидаги Қизилча-VI даги манбаларда милoddан аввалги VII-VI асрларга оид тўрт хонали яшаш жойи очиқ ўрганилиб, яшаш жойи 42 кв-метрни, хўжалик хонаси 21,3-23 кв-метрни ташкил этган. Қурилиш мустаҳкам иншоотлар услубида, қалин девор ҳамда тўғри тўртбурчак, иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда қурилган.

Бактрия – яловбардорлар ўлкаси

Ўзбекистон археология фани ривожига муносиб ҳисса қўшган археолог олим Зафар Ҳакимов Бактрия моддий маданияти ҳақида батафсил илмий тадқиқотлар олиб бориб, қўйидаги маълумотларни таҳлил қилди. Унинг Бактрия тўғрисидаги маълумотларида "Авесто" нинг (Видеват, биринчи фаргард) манбаларида изоҳ берилган: "Менким, Ахурамазда, мамлакатлар ичида энг яхши мамлакат, яшаш жойлари ичида энг яхши яшаш жойи бўлмиш гўзал ва яловбардор Бахдийни яратдим". деган фикрга тўхталиб ўз фикрларини баён этди. Олимнинг илмий фикрига кўра, Бактрия [Бақтриана; Вактриа, Вактриавή] Амударё юқори оқими бўйлаб жойлашган қадимги тарихий-маданий ўлкадир. Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий ва марказий вилоятлари, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий минтақаларини қамраб олган. Бу ном Амударёнинг ирмоғи - Бақтр (ҳозирги Балхоб) дарёси номидан олинган. Қадимда Бактрия Суғдиёна (шимол), Арахозия (жануби-ғарб), Ориёна (ғарб) давлатлари ва Ҳиндикуш тоғлари (жануби-шарқ) билан чегарадош. Вилоят пойтахти Бақтр (ҳозирги Балх) шаҳри бўлиб, Афғонистоннинг Балх вилоятида, Мозори Шарифдан 30 км масофада жойлашган. Тарихан Бактрия ирригациянинг қудратли тизими билан суғорилувчи тоғолди ҳосилдор воҳани эгаллаган бўлиб, мазкур шароит туфайли у кишлок хўжалиги (деҳқончилик) давлати сифатида шуҳрат топган. Шунингдек, унинг худудидан Буюк Ипак йўлининг Хитойдан Европа ва Осиёга олиб борувчи энг муҳим савдо шохобчалари ўтган.

Бактриянинг бир қисми шимол томонга қараб Ориё чегаралари ёкалаб чўзилиб кетган, кўпроқ қисми эса Ориёнинг юқори томонида шарқ йўналишида ястанган. Бактрия бепоёндр ва зайтун ёғидан бошқа ҳар турли маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Мамлакат ерларининг ҳосилдорлиги туфайли Бактрияни кўзғолонга ундаган юнонлар шу қадар куч-қудрат соҳибига айландиларки, фақат Ориёнгина эмас, балки артемиталик Аполлодорнинг сўзига қараганда, Ҳиндистонга ҳам ҳукмронлик қилдилар. Улар Искандардан ҳам кўра кўпроқ қабилаларни ўзларига бўйсундирдилар; айниқса, Менандрга (агар рост бўлса, у шарқда Гипанисдан ошиб ўтиб, Имайгача етиб борган); баъзи қабилаларни ўзи босиб олган, бошқаларини эса Евтимеднинг ўғли, бактрийлар шоҳи Деметрий забт этди". Страбон (тахм.мил.авв. 64/63 йй. - тахм.мил. 23/24 йй.)

Бактрия тарихи ва маданиятига илмий жиҳатдан қизиқиш XVIII аср ўрталарида юзага келганди (Т.З.Байер, В.В.Тарн, А.К.Нарайан ва бошқалар), уларда биринчи марта меъморчилик, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, танга зарб қилинишига оид юнон ва шарқ усуллариининг синтези муаммолари ҳақида айтиб ўтилганди.

Бактрия моддий ва бадий маданиятини ўрганиш тарихидаги янги босқич XIX аср охиридан бошланди, бунга Британия музейига Тожикистоннинг Қобадийён қишлоғида 1889 йили хуфиёна сотиб олинган 180 дона қадимий тилла буюмлар сабаб бўлган. Кейинроқ Ахамонийлар (мил.авв. **V1-1V асрлар**) даври билан саналанган ноёб топилдиқ фанда машҳур Амударё хазинаси сифатида маълум. "Авесто" матнлари ва қадимги юнон муаллифлари (Геродот, Страбон, Ктесий, Помпей Трог, Плиний, Плутарх,

Арриан ва ҳоказолар) илмий нашрларининг европа ва рус тилларига таржималари Марказий Осиё, жумладан, Бактриянинг тарихини англаш соҳасидаги янги илмий концепциялар ва лойиҳалар келтириб чиқаради. Мазкур асарларнинг мазмуни эллин ойкуменалари -туб халқи яшайдиган жойдан ташқаридаги мамлакатлар ва халқлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат эди.

Бактрия ёдгорликларини археология нуқтаи назаридан ўрганишнинг дастлабки тажрибаси 1917 йилда француз олими А.Фуше томонидан Бактриянинг қадимий пойтахти Бактр (Балх)нинг (ҳозирги Мозори Шарифдан 30 км масофада) харобаларида амалга оширилди. Офтобда жизғинаги чиққан шаҳарни биринчи кўриш ва тажриба қазилмалари ўтказишдаёқ Геродотнинг ўзи Бактрияни қиёс қилган янги Бобилни кашф этиш умиди пучга чиқиб, ҳафсаласи пир бўлган А.Фуше жаҳл устида шундай сўзларни айтиб юборган: "Антик муаллифларнинг афсонавий, олтинга, фируза ва ложувардларга бой деб атаган Бактрия - саробдан бошқа нарса эмас". Таниқли археологнинг аламли сўзлари худди афсун каби "яловбардор мамлакатнинг" сирларини яна бир неча ўнлаб йилларга пинҳон тутди. Аммо тасодифан Айритом (Жанубий Ўзбекистон) масканида фриз ҳайкалчалари бўлақларининг топилиши минтақа қадимги обидаларининг кўп йиллик тадқиқотларига асос солди. Айритом зиёратгоҳларининг дастлабки тадқиқотларини 1932-1933 йилларда М.Е.Массон ўтказди, 1962-1966 йилларда эса Б.Турғунов муфассал ўрганиб чиқди. Айритом фризи топилганидан кейин Ўрта Осиё археологиясининг ташаббускори фаннинг турли соҳалари - археология, палеонтология, этнография, гидрогеология, археология тарихчилари таркибида Термиз археологик ялпи экспедициясини (ТАКЭ, 1936-1939 йиллар) ташкил этди. Экспедиция томонидан бир қатор оламшумул кашфиётлар қилинди - Тешиктош ғоридаги палеолитик манзилгоҳда неандертал боланинг суяги қолдиқлари топилиши (О.П.Окладников, М.Герасимов), Зараутсой деворий нақшлари, Қоратепа, Чингизтепада буддавийлик эҳромлари (М.Е.Массон, Я.Ғуломов, Б.Б.Пиотровский), Термизнинг ўрта аср меъморчилиги (Б.Н.Засипкин, В.В.Згура, Г.А.Пугаченкова) шулар жумласидан.

Бактрияни кенг миқёсда тадқиқ қилиш 1945 йилдан кейин бошланди. Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон ФА Археология институтининг бир нечта экспедициялари (А.Асқаров, Л.И.Альбаум, Ш.Пидаев), Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (Г.А.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе, Б.Турғунов, А.Саъдуллаев, З.Ҳақимов), Шарқ халқлари Давлат санъат музейи экспедицияси (Б.Я.Ставиский) иш олиб борди. Сўнгги йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудида Германия, Испания, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг тадқиқотчилари фаол иш олиб бормоқдалар. Тожикистон ҳудудида - Жанубий Тожикистон археологик экспедицияси (Б.А.Литвинский, И.Р.Пичикян) иш олиб бормоқда. Афғонистон ҳудудида DAFA(*Delegation archeologique francai seend Afghanistan*) археологик тадқиқотлари (А.Фуше, Ж. Акен, Д.Шлюмберже, П.Бернар) ва совет-афғон

археологик экспедицияси (И.Т.Кругликова, В.И.Сариаиди, Г.А.Пугаченкова, З.А.Ҳакимов) муҳим роль ўйнади.

Режа билан олиб борилган археологик тадқиқотларда шу нарса аниқландики, мил.авв. II минг йиллик бошига келиб, Бактрияда унда-мунда деҳқончилик минтақалари юзага кела бошлаган бу Шеробод дарё ва Бандихонсой (жанубий Ўзбекистон)нинг ўрта оқими ва Балхоб (шимолий Афғонистон)нинг Қайир ҳудудига тўғри келади. Ҳар бир деҳқончилик минтақасида майда ва тарқоқ қишлоқлар билан бирга, майдони бир неча гектар келадиган шаҳарсимон манзилгоҳлар вужудга келади. Улар бир хил режада қурилган бўлиб, атрофи ихота деворлари билан ўралган, ичкараси эса кенг кўча, тураржой маҳаллаларига, хунармандчилик-хўжалик ва ибодатхоналарга бўлинган (Сополлитепа, Жарқўтон, Дашли-3, Олтин-10). Асосий қурилиш ашёси лой бўлиб, деворлари пахса билан кўтарилган. Қурилиш амалиётида тўртбурчак хом ғиштдан ҳам кенг фойдаланганлар, бу хийла мураккаб иншоотлар (арқлар, гумбазлар) тиклаш учун катта истиқболлар очади.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда Бандихон II, Қизилтепа, Кучуктепа, Таллашқонтепа, Олтин Дилёртепа каби шаҳар шаклидаги манзилгоҳлар вужудга келади. Бепоён деҳқончилик вилояти маркази ҳисобланган йирик шаҳар-манзилгоҳлар катта-катта майдонларни эгаллаган (15 га гача), мустаҳкам истехком тизими ва эга бўлган. Миноралар билан ҳимоя қилинган кудратли мудофаа деворлари баланд тепаликлар устида қад ростлаган, девор ва минораларда шинаклар бўлган. Қалъада ҳукмдор саройи жойлашган, шаҳар ҳудуди шохроҳлар билан тураржой ва хунармандчилик маҳаллаларига бўлинган, бозор майдони ва ибодатхоналар ҳам шу ерда жойлашган. Шаҳар атрофида бир-бирдан узоқ жойлашган қўрғонлар қурилган бўлиб, уларнинг аҳолиси хавф туғилган пайтларда шаҳар ичида жон сақлаганлар.

"Бактриянинг табиати бой ва хилма-хилдир. Айрим жойларда мевали дарахтлар ва узумзорлардан сершарбат мўл-кўл ҳосил олинади, минглаб чашмалар бўлиқ ерларни суғоради. Тупроғи юмшоқ жойларга буғдой экилади, қолган ерлар яйловга қолдирилади... Тупроғи ҳосилдор ерларда одамлар кўп бўлади. Ушбу вилоят пойтахти Бактрия Паропамиз (Ҳиндикуш) тоғи этакларида жойлашган. Пойтахт деворлари ёнидан "Бактр дарёси оқиб ўтади. Шаҳар ва вилоятнинг номи шундан келиб чиққан", деб изоҳ беради Квинт Курций Руф.

Доро II-нинг Бехустундаги битикларига кўра, мил.авв. VI аср бошида Бактрия Ахамонийлар давлати таркибида бўлган. Сузадаги шохлар қароргоҳидаги қазилмалардан топилган лой лавҳаларда қайд этилишича, Доро саройи қурилишида Бактрия тилла етказиб берган.

Ёзувнинг кашф қилиниши, ҳашаматли ва тураржой уйлари бўлган уч қисмли шаҳар қурилиши, хунармандчилик саноати (кулолчилик, темирчилик, қурилиш)нинг ривожланиши тарихчи Помпей Трогнинг қадимий Бактр подшоҳлиги бўлган деган тахминини тасдиқлайди: "Форс шоҳи Дорони улар Скифия ерларидан шармандаларча ҳайдаб солдилар, Кирни қўшин-пўшини билан қириб ташладилар. Буюк Искандар саркардаси

Запирионни худди шу тахлит бутун лашкари билан кириб ташлашди, римликларнинг қуроллари ҳақидаги узунқулоқ гаплар орқали эшитишган эди, аммо қўл билан ушлаб кўришмаганди. Парфия ва Бактрия салтанатларини уларнинг ўзлари барпо этишди".

Шундай қилиб, Бактриянинг антик ва қадимги тарихини ўз ичига олган катта давр ўз ниҳоясига етган, бу давр ичида бой хўжалик иқтисодий, шаҳарсозлик, меъморий, маданий ва бошқарув салоҳияти тўпланган эди, шу туфайли ҳам бу вилоят Қадимги Шарқнинг бошқа тамаддунлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилган.

Искандар Зулқарнайнинг юришлари тарихчилари "Оксорти ерлари"нинг (Амударё) кучли истехкомли шаҳарларининг катталиги бениҳоя бўлганидан гувоҳлик берадилар. "Тарихчилар отаси"деб ном олган қадимги юнон ёзувчиси Геродот (мил.авв.Vаср), ахамонийлар шоҳи Кирнинг фатҳ юришлари ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг Ойкумен давлатига бориш йўлида "Бобил, бактр халки, саклар ва мисрликлар бор эди", деб таъкидлаган эди. Юнон муаллифи Аполлодор Бактрияни "бутун бошли ОРИЁНАнинг беаги" деб таърифлаганди. Бактрия ҳақида энг кўп мил.авв. 414-398 йилларда Форсда ахамоний шоҳ Артаксеркс саройида яшаган Кичик Осиёда юнон бўлган Ктесий Книдский ёзиб қолдирган: "Бактрия вилояти кўплаб шаҳарга эга эди, аммо улардан биттаси ҳаммасидан катта бўлиб, пойтахт ўша шаҳарда жойлашганди. У Бактр деб аталарди ҳамда қалъасининг катталиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турарди. У ерда ҳукмдорлик қилган Оксиарт қурол кўтаришга қурби етган барчани қўшин сафига кўшди".

Бактрия, аввал Искандар империясига, у таназзул топгач, вужудга келган Юнон-Бактрия салтанати ва Кушон давлатига қўшилганидан кейин пухта режали янги шаҳарлар бунёд этилди (Термиз, Далварзинтепа, Зартепа, Жондавлаттепа, Кампиртепа, Дилбаржин, Жағаттепа, Тупроққалъа). Бактрия худудида ўтказилган ялпи археологик-топографик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир деҳқончилик воҳасида алоҳида йирик ва яхши истехкомланган шаҳар бўлган. У, тахминларга кўра, мазкур вилоятнинг бош маъмурий-ҳарбий, савдо-ҳунармандчилик ва маданий маркази вазифасини бажарган, бироқ марказий давлат ҳокимиятига тобе бўлган. Бу вилоятлар учун ғалати қонуният қайд этилган: агар қадимги манзилгоҳлар (мил.авв. IV асргача) тоғолди жойларда тикланган бўлса, антик давр шаҳарлари серсув дарёлар ва улардан ажралиб чиққан анҳорларнинг текислик водийсида барпо этилган, бу сунъий суғоришнинг кенг миқёсда қўлланилганидан далолат беради. Шу билан бирга Антик давр шаҳарлари аниқ режали тузилмага эга бўлган (қалъа, шаҳар, работ), мустаҳкам истехком билан ҳимояланган (мустаҳкам деворлар, миноралар, ўқ отиш галереялари, шинаклар, кенг хандақ). Антик шаҳарлар тикланишида сув таъминоти (ерости қувурлари, сардобалар), озик-овқат захиралари (омборлар) ва шаҳар мудофааси (тўпхона) сингари шаҳарча ҳаёти учун зарурий жиҳатларга катта аҳамият берилган. Археологик тадқиқотлар натижалари бўйича аниқланишича, Марказий Осиё вилоятларининг шаҳар истехкомлари ва режавий тузилмаси

энг қадимги даврлардан антикликкача бир-бирига ўхшаш тамойиллар бўйича шаклланган ва эволюцион ривожланиб келган. Истеҳкомда бир қанча алоҳида хусусиятлар борлигига қарамай, ягона типология юзага келган:

- шаҳар худудидаги катта баландликда, унинг деворларидан бири ёнида ёки шаҳар ўртасида қад кўтарган қалъа;
- кенг (10 м гача) ва баланд (5-6 м гача) пойдевор, пахса ёки хом гишт (гувалак)дан қурукликда тикланган, чегарасидан сувли хандақдан бироз ичкари (4 м гача) томонга қия тортган ёки тусиқ девор;
- мудофаа деворлари эндор ёки яхлит, ёки деворча йўлаклари ва жанговар шинаклари билан қад кўтарган;
- мудофаа миноралари тўртбурчак ёки суйри шаклда, казематлари ҳамда бирикки қават қилиб жойлаштирилган шинаклари билан;
- дарвоза олди қурилмалар - лабиринтсимон йўлақлар ва осма кўприкдан иборат.

Шаҳар истеҳкоми тиклашнинг бундай тамойили ва услуби мил.авв. I асрда Витрувийнинг меъморчилик бўйича ёзилган рисоласида келтирилади. Жумладан, истеҳком иншоотларини душман шаҳар деворига яқин келиб қолиши мумкин бўлган шароитда қурилса: "бундай жойларда, биринчидан, иложи борича кенг ва чуқур хандақ (зовур) қазил, кейин хандақ тубидан пойдевор кўтариш ва уни кўтарма яхши тутиб турадган даражада энли қилиш керак", деган тавсия беради. Девор ва миноралар пойдеворини тиклаётганда Витрувий "хандақни агар иложи бўлса сув чиқадиган жойгача етишини, бўлмаса қурилатган иморат катталигига мос келувчи чуқурликда ва эни бўлажак ер усти деворларидан кенгроқ қилиб қазилиши кераклигини, кейин эса уни тош билан тўлдириб чиқиш" зарурлигини таъкидлайди. Шаҳарсозлик усулларида ҳам жиддий ўхшашликлар кўзга ташланади, чунончи: режа кўпроқ тўғри тўртбурчакли, ички уйлар қатор саф тортган, зодагонлар, оддий фуқаролар, хунармандлар маҳаллаларига, эҳромларга олиб борадиган катта-кичик шоҳ кўчалар. Қадамжолар, мақбаралар ёки дахмалар. одатда, шаҳардан ташқарида, деҳқончилик минтақаларида қад ростлаган.

Кушон даврида буддавийликнинг йирик маркази Термиз шаҳри бўлган, унинг атрофида ёдгорликлар антик қадамжо иншоотлар (Қоратепа, Фаёзтепа, Зурмала) тикланган, хусусан, Айритом эҳроми алоҳида маҳобатга эга, у ноёб қизил оҳақтош ҳайкалчалари билан дид билан безатилган. Муқаддас меъморий иншоотлар билан бир қаторда бу даврда жуда катта миқдорда данғиллама фуқаро иморатлари қурилган. Булар дастлабки Кушон ҳукмдорларининг Холчаёндаги саройи ва Далварзинтепадаги бой амалдорларнинг ҳовли-жойларидир. Тўпланган фактологик ҳужжатлар мил.авв. I минг йиллик ўрталаридаёқ маҳаллий қурувчилар маҳобатли иморатлар ва тураржой меъморчилиги бинолари қурганлар деб айтишга имкон беради. Улар олдиндан ўйлаб чиқилган режалар асосида ҳандасавий мутаносибликнинг энг оддий услубларидан фойдаланганлар. Биноларга квадрат ёки тўғри тўртбурчак шакл асос қилиб олинган ва улар изчил равишда катталаштирилиб борилган. Асосий ўлчамларни ҳисобга олмаганда, ҳақиқий ижрода алоҳида таркибли бинолар қурилишида қатор хатоларга йўл

қўйилган. Антиклик даврида конструкциялар қурилишида ва меъморий ҳажмлар уйғунлигига эришишда материаллар анча-мунча такомиллашган, бу қурилиш сифатининг бирмунча яхшиланишига олиб келган. Антик Бақтрия меъморчилигида типологик кесим юзага келган: зал кулуар айланасида жойлашган; зал хоналар айланасида жойлашган; кўндаланг-ўқ режаси; хочсимон режа. Мажмуалар ва бинолар етакчи турларга айланади, уларнинг композициявий кесими асосида айвон-ҳовли тизими ётади. Айвон-ҳовли тизими асрлар оша Ўрта ва Яқин Шарқ ўрта аср диний меъморчилигининг юзага келишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Қадимги Бақтрия моддий маданияти

Қадимги Бақтрия Марказий Осиё халқларининг ўтмиш маданияти таракқиётида етакчи ўринни эгаллайди. Бақтрия қадимги Эрон тилида “Боҳтар замин”, яъни Эрондан шарқдаги ерлар деган маънони англатади. Қадимги ёзма манбаларда “Баҳти, Бақтриш Бақтриёна, Бақтрия, Бохли каби атамалар йирик ўлка ва давлат номи сифатида учраганлиги бежиз эмас.

Рим тарихчиси Квинт Курций Руф “Бақтрия дарёси номидан шаҳар вилоятларининг номи келиб чиққанлигини эътироф этади. Дастлабки босқичда бу сўз ягона воҳанинг номи бўлиб, кейинги даврларда кенг ҳудудда тарқалган. Бақтрия тарихий вилояти, Бақтрия давлати сифатида ишлатилган. Тарихий маълумотларга кўра, қадимги давлатларнинг номларига одатда дарё, қабила, шаҳар номи асос солган. Аксарият ҳолларда тоғлар халқларни бир-биридан ажратиб турувчи дарёлар бириктириб тургувчи географик омил ҳисобланади. Марказий Осиё халқларининг тарихида дарёлар муҳим ҳаёт манбаи вазифасини бажарган. Ҳозирги вақтда ҳам Марказий Осиёнинг айрим вилоятлари шаҳар ва қишлоқлар дарёларнинг номи билан аталиб келинади (Масалан: Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва хоказо).

Демак, Бақтрия сўзи бу географик тушунчадир. Бақтрия халқи ёки бақтрияликлар ёзма манбаларига кўра босқинчилар Оссурия подшоси Нин Аҳмонийлар Кир II, Доро I Александр Македонскийга қарши мардонавор курашган халқ ҳисобланади. Бақтрия ҳозирги Тожикистоннинг жанубий, Ўзбекистоннинг жануби-шарқий, Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмини ўз ичига олган. Археологик маълумотларга кўра бу ерда энг қадимги қишлоқлар пахса ва хом ғиштдан қурилган уй-жой қолдиқлари илк суғорма деҳқончилик маданияти саналган ҳудудлар мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Қишлоқларда ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви, меъморчилик, савдо-сотиқларнинг ривожланиши кузатилади. Сўнгги бронза даври илк темир асрида, яъни эр.авв. IX-VIII асрларда Бақтрия ҳудудида сиёсий уюшмалар вужудга келди. Бу эса Марказий Осиё аҳолисининг бир қисми

кўчманчи чорвачиликка ўтган даврига тўғри келади. Темир қурулларининг кенг ривожланиши қабилаларнинг жанговарлигини янада оширди, бу босқичнинг тарихи “Авесто”да тасвирланган.

Милоддан аввалги 700-540- йиллар қадимги Бактрия давлатининг ривожланган даври бўлиб, бу давлатнинг худуди Мурғоб воҳаси, Ҳиндиқуш тизмаси, Бадахшон, Нурота тизмаси ва Бухоро воҳасига бориб тақалган бўлиши мумкин. Бу давлатнинг худудидаги дарёлар Мурғоб, Балхоб, Қундуз, Танги, Вахш, Кофирнихон, Амударё, Зарафшон, Сурхон, Қашқадарё эди. Мана шу илмий хулоса тўғри бўлса Марказий Осиёдаги ривожланган давлатлар ичида қадимги Бактрия энг йирик давлат бўлган дейиш мумкин. Марғиёна ва Суғдиёна қадимги Бактрия давлатининг таркибий қисмлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. “Авесто”нинг “Видивдат” китобида “Бактрия энг гўзал мамлакат ва ўлкалардан бири бўлиб, баланд байроқли ўлка” деб эътироф этилади. Кейинроқ юнон манбаларида: “Минг шаҳарли мамлакат”, деб аталди. Геродотдан олдин “Бактрия халқи” деган тушунча юнон трагек жанри Эхсилнинг “Форслар” деб аталган трагедиясида учрайди. Бу асар Афина театрларида эрамиздан аввалги 472 йилда сахна асари сифатида ижро этилган. Асарда Бактриялик жасур жангчилар Тенагон ва Аритом исмлари тилга олинган. Улар милоддан аввалги 480 йилда Саламин жангида ҳалок бўлишдилар ва шу оролда дафн этилдилар.

Эхсил ўз асарини “Бактрия халқи ҳалок бўлди” деб яқунлайди. Геродотнинг хабарига кўра, Миср ва Бобил билан бир қаторда Бактрия Кир II нинг юришларига тўсиқ бўлган. Аҳмонийлар давлати учун Бактрия ўлкаси муҳим аҳамиятга эга эди. Тарихчи Е.А.Мангадскач Геродонинг “Тарих” китобида Беҳустин ёзувлари ва тарихчи Ариан маълумотларига таяниб. Бактрия ҳукмдорларининг рўйхатини тузган.

1- Милоддан аввалги 530-522 йилларда ўлка ҳокими Селирдес-Бордия (Кир Пнинг ўғли ва Кам бизнинг акаси) бўлган.

2- Милоддан аввалги 522-486 йилларда Дадаршиш бўлган.

3- Милоддан аввалги 486-480 ва 480-465 йилларда **Доро I** нинг ўғиллари Ариамен ва Мохат (Ксеркес ака-укалари).

4- Милоддан аввалги 465-423 йилларда Артабан Питосп (Виштасп)

Шундан сўнг 335 йилгача маълумотлар йўқ.

5- Милоддан аввалги **339-335** йилларда Бесс охириги Аҳмоний Доро **III** даврида ҳокимлик қилган. Кўриниб турибдики ўлка ниҳоятда ҳарбий иқтисодий жиҳатдан етарли аҳамиятга эга. Шунинг учун уни Аҳамонийлар подшоларининг яқинлари ва таянчлари бошқарган Бактрия худудидан топилган шаҳар ва қишлоқлар, қалъалар, карвон йўллари суғориш иншоотлари, бадий ва амалий санъат намуналари бу давлатнинг муҳим стратегик аҳамияти ва бой иқтисодий-сиёсий ҳаётидан дарак беради. Бактрия юқорида айтганимиздек, аҳамонийлар салтанатининг меросхўри ҳукмронлик қилган ўлка ёки шаҳзодалар бадарға қилинган чекка бир сатраплик деб ҳисобланган. Масалан: Бардия акаси Камбиз томонидан ўлдирилган, Масист ўз укаси подшо Ксерекс билан тахт учун бўлган курашда ҳалок бўлади. Артбон подшо Артаксеркесга қарши курашда Бактрияга суянган. Эрамиздан

аввалги 330 йил Бактрия ҳукмдори Бесс подшо Доро Шни ўлдириб, ўзини подшо **Артаксеркес IV** деб эълон қилганлиги фикримизни тасдиқлайди. Олимларнинг фикрига кўра Бактриянинг бир қисми Афғонистоннинг шимолий ҳудуди эди.

И.В.Тяньков, эса Кави Виштасп давлатини Бактрияга тўғри келишини айтади. Археологик манбалар қадимги Бактрияда дастлабки шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиш жараёнини аниқлаш имконини беради. Бактриянинг шаҳар марказлари йиллар давомида харобага айланиб ернинг остида қолиб кетган. Улардан Бола Ҳисор, Олтиндилёр, Қизилтепа, Байтудашт ёдгорликларида археологик тадқиқотлар олиб борилган. Бундай шаҳарлар қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Археологик тадқиқотлар натижасида бу ердан ҳам ғиштдан, ҳам пахсадан қилинган уй-жойлар топилган. Бактрия бир қанча дарё воҳаларидаги бешта вилоятларни бирлаштирган Сурхон, Балхоб, Кофирнихон, Вахш, Кўкча-Қундуз воҳалари шулар жумласидандир. Бу воҳаларнинг марказий шаҳарлари мавжуд, масалан: Сурхон воҳасининг маркази Қизилтепа бўлган, Шимолий Афғонистоннинг йирик шаҳарлари эса Боло Ҳисор харобалари ўрнида қадимги Бактра шаҳри жойлашган бўлиб, юнон тарихчилари Геродот ва Ктесийларнинг хабарларига кўра, бу шаҳар Бактриянинг маркази бўлган. Ктесий ўзининг “Персико” номли асарида Бактриянинг кўп қалъа ва истехкомлари борлигини қайд этади. Ҳозирги пайтда Бактрия ҳудудидан милoddан **аввалги I минг** йилликнинг биринчи ярмига оид 240 зиёд уй кўрғонлар, шаҳар ва қалъалар топилган. Улардан Кучуктепа, Бешкўтон, Таллашқон, Жондавлат, Бандихон, Бўйрачи, Қизилча, Обишир ва Шўртепа кабилар Сурхон воҳасида жойлашган. Бу ёдгорликлар мудофаа деворлари, истехкомлар билан ўраб олинган, шаҳар қишлоқ ва минора, қалъа, уй-жойлардир. Қадимги аҳолининг деҳқончилик маданияти асосида қадимги Бактриянинг моддий ва маънавий маданияти шаклланди. Топилган сопол идишлар бронза ва темирдан ясалган ҳарбий ва меҳнат қуроллари, пичоқлари ва ўқ учлари жез, игна ва бигизлар сопол урчуқлар бошлари тошдан ишланган қуроллари фикримизни тасдиқлайди.

Айритом ўзбек халқининг қадимий тарихи ва маданиятидан гувоҳлик берувчи кўхна шаҳар харобаси. Термиз шаҳридан 18 км шарқда, Амударё қирғоғида жойлашган. Дастлаб Айритом яқинида Амударё тубидан одам хайкалчалари ишланган фриз (пирамон) парчалари топилган (1932), 1933 йил М.Е.Массон раҳбарлигидаги Термиз археологик комплекс экспедицияси Айритомда қазилган ишлари олиб бориб, яна 7 та фриз бўлаклари ҳамда будда ибодатхонаси харобасини топган Фризлар I-II асрларга оид бўлиб, уларда кўшна, чилтор, уд, ноғора чалаётган созандалар ва гулчамбарлар, мева солинган идишлар кўтариб олган йигит-қизлар ифодаланган. Бундан ташқари Айритомдан мил. ав. II аср охири ва мил. IV асрларга оид иккита қабр топилиб, уларнинг биридан қурол-яроғлари билан бирга дафн қилинган жангчининг, иккинчисидан идиш-товоқлар ҳамда зеб-зийнатлари билан кўмилган аёлнинг скелетлари чиққан. 1963-66 йилларда Айритомда Ўзбекистан санъатшунослик экспедицияси (Б. Турғунов) ҳам қазилган ишлари

олиб борган, деворларининг қалинлиги 1,5 м, бал. 2-2,5 м бўлган 15 га яқин эшик ва деразасиз хоналар (диний маросимлар ўтказилган хоналар) топилган, Хоналарга юқоридан махсус зиналар орқали тушилган. 1978 йилда олиб борилган қазилмада юнон алифбосида 6 қатор қилиб битилган ёзуви бор ҳайкал таг курсиси топилган. Айритом моддий-маданий ёдгорликлари ўзбек халқининг кушонлар давридаги тарихини, маданий меросини, урф-одатларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Амударё хазинаси Марказий Осиёда 1877 йилда Тожикистоннинг жанубида Амударё бўйидаги қадимий Тахти-Қубод шаҳар харобасидан тасодифан ерли халқ томонидан топилган хазинадан кейин иккинчиси бўлди. Тахти-Қубод топилмаси олтин ва кумуш тақинчоқлардан иборат бўлиб, милoddан аввалги V — IV асрларга оид эди. Ҳозир Лондоннинг Британия музейида "Амударё хазинаси" номи билан намойиш қилинади. "Амударё хазинаси" ажойиб саргузаштлар билан 1897 йилда Англияга бориб қолган, бу хазина билан боғлиқ ҳар хил ривоятлар ва ҳикоялар мавжуд. Аммо бу ҳақда инглиз армияси капитани Бертоннинг айтиб берганлари ҳақиқатга яқинроқ. Мазкур капитан Қобул атрофидаги Тезин водийсида чегарачилар бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган пайтда, Бухоролик Вазад-Дин, Фулом Муҳаммад ва Шукур Али деган савдогарларнинг ерли қароқчилар томонидан таланганлиги ҳақида хабар олади. У тезкорлик билан уларни қидириб топиб, бир ғор ичида ўлжаларини бўлишаётган қароқчиларни ушлайди ва улардан теридан тикилган қопчиқларга солинган олтин ва кумуш тақинчоқлар, тангаларни қайтариб олиб, ўз эгаларига топширади. Мукофот тариқасида капитанга битта тилла узукни ҳадя қилишади. Савдогарлар эса бу хазинани Ҳиндистонга, Равалпинди шаҳрига олиб бориб пуллашади. Ўша пайтда Грант исмли муҳандис, Каннингем исмли генерал майор ва Френк исмли Британия музейининг ходими бу буюмларни алоҳида-алоҳида харид қилишади ҳамда Англияга олиб кетишади. Пировардида ҳаммасини Британия музейига катта пул эвазига тоширишади. Бу тафсилотлар Дальтон ёзган асарда ўз аксини топган.

Кампиртепа – қадимги шаҳар харобаси (мил.ав. III-мил. III-а.). Амударёнинг ўнг соҳилида, Сурхондарё вилоятидаги Шўроб қишлоғидан 0,5 км ғарбда жойлашган. Кампиртепа 2 қисм; қалъа ва ундан ғарб ва шарқ томонда жойлашган, атрофи девор билан ўралмаган қисмдан иборат. Ғарбдан шарққа томон умумий узунлиги 750 м, шимолдан жанубга -200-250 м. қалъа (майдони 4 га) арк ва турар жойлардан ташкил топган. Унинг атрофи қалинлиги 5 м келадиган мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинган; деворга ички йўлаклар қилинган, бурчакларида миноралар ўрнатилган бўлиб, хандақ билан ўралган. Арк қалъанинг марказий қисмида жойлашган, жануб томондан унинг бир қисмини сув ювиб кетган, аркнинг майдони - 1, 3 га, жанубий-шарқий бурчагида дарвозаси бўлган. Арк хом ғиштдан қалинлиги 5 м га яқин девор билан қуршалган, девор атрофи кенлиги 10 м лик хандақ билан ўраб олинган. Аркнинг ички қисмида турли мақсадлар учун мўлжалланган хоналар жойлашиб, улар ўзаро йўлаклар билан боғланган 4 та

йирик блокни ташкил қилади. Кампиртепанинг мустаҳкамланмаган қисми, асосан, дафн иншоотлари мажмуаси билан банд. Унинг шимолий ғарбий қисмида, 0,5 га лик майдонда наус типдаги 10 дафн иншооти жойлашган бўлиб, улар ҳажми 33-34-35 X 33-34-35 X 13-14 см лик квадрат шаклдаги хом ғиштдан терилган. Шарқий қисмда яна бир дафн иншооти бўлиб, унинг тарҳи тўртбурчак, шимолдан жанубга томон чўзилиб, узунлиги 66,5 м, кенглиги 3-4,2 м бўлиб, бир-биридан йўлаклар билан ажратилган учта бинодан иборат. Кампиртепанинг мана шу қисмидан тарҳи айлана шаклда бўлган хумдон топилган. Кампиртепадаги ҳаёт учта асосий даврга бўлинади: Биринчи давр (мил. Ав III-II-асрлар) - Кампиртепанинг жануб қисмида, бўлажак арк ўрнида қалъанинг вужудга келиши; Юнон-Бақтрия подшолиги даврига оид турар жойларнинг катта қисмини Амударё суви ювиб кетган. Иккинчи давр (мил. ав. II-I асрлар; - арк ўрнида ҳаёт қисман жонлана бошлаган. Учинчи давр (мил. I-II асрлар)- Кампиртепанинг юксалган даври, мустаҳкам қалъа бунёд этилиши, унинг тизимининг шаклланиши. Кампиртепадан кўплаб сопол идишлар, безак буюмлари, ҳайкалчалар ва бошқалар топилган.

КУШОН ДАВРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

Юнон-Бақтрия подшолиги инқирозга учрагандан кейинги даврнинг сиёсий аҳволи кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган. Илмий адабиётларда, бу муаммоли давр, аввало, юнон-рим ва қолаверса, Хитой адабиётлари жуда яхши ёритилган.¹⁹ Хитой сайёҳи ва тарихчиси Чжан Цзянь маълумотига кўра Марказий Осиё худудида хуннлар томонидан яна бир марта тор-мор қилинган Юэчжи қабилалари энди жануб томонга силжиб Дахя (Бақтрия)ни босиб олади ва Гуй-шуй (Амударё)нинг шимолий томонида қарор топади. Бақтрия юэчжилар босиб олиши арафасида ягона давлат эмас эди. Балки кичик мустақил мулкчиликлардан иборат бўлиб, ҳар бир шаҳар ўз ҳукмдорига эга эди. Уларнинг қўшини заиф, аммо жангчиси кўпроқ бўлган.²⁰

Помпей Трог маълумотига кўра Бақтрия ва Суғдиёни Сахоук ва ассианлар каби скиф қабилалари босиб олган. Илмий тадқиқотчилар Страбон ва Помпей Трог томонидан айтилган қабилалар бир хил эканлигини тасдиқлайдилар. Қадимги Хитой манбаларида эса Бақтрияни асл ватани Марказий Осиё бўлган юэчжи қабилалари босиб олганлиги тасдиқлайди. Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи чорагида юэчжилар Хуннлар томонидан тор-мор этилганидан сўнг Ўрта Осиёнинг шимолий қисмига кўчиб ўтади. Ўрта Осиёга кўчиб ўтган юэчжилар Хитой йилномачилари

¹⁹ История Таджкского народа Т. 1. М: Изд восточной литературы. 1963. С.92-93;

Гофуров Б.Г. История таджкского народа в кратком изложении. Т. 1. С. Древнейших времен до современноем. М: 1985. С. 128-131. Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э.В. Северная Бақтрия-Тохаристон Изд. Фан. Т. 1990. С.45.

²⁰ Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э.В., Северная Бақтрия-Тохаристан. Изд. Фан. Т. 1990. С 46. Бичурин Н.Я.Собрание сведение о народах обитавших в древнейшие времена. Т. II М: Из АнСССР 1950. С 147-151.

томонидан Марказий Осиёда қолган кичик юечжиларлан фарқли ўларок “Катта Юечжи”, “Буюк юечжи”, “да-юечжи” деб аталади.²¹

Бу даврда Юнон - Бақтрия давлати заифлашиб қолган бўлиб, ўзаро урушлар, бақтрияликларнинг тинка мадорини қуритган. Юечжилар Бақтрияга милоддан аввалги 140-130 йилларда бостириб кирган. Милоддан аввалги 128 ёки 126 йилларда келган Хитой элчиси Чжан-Цзянь юечжи томонидан босиб олинган Бақтрияни ўз кўзи билан кўрган. Бир канча вақтдан сўнг Бақтрияда “катта юечжи” давлати ташкил топди. У тарихан йирик хон сулоласи хонадонига тегишли бўлганлиги ва у бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрганлиги маълум. Шунингдек бу давлатнинг пойтахти Ганьши ёки Ланьши шаҳри бўлганлиги қайд этилади. Катта юечижига қарам бўлган бешта уруғ ҳам киради, улар; Хюми, Шуаньми, Гуйшуан, Хэйтун, Гауфу ёки Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хисие ва Думи уруғларидан иборат бўлган.

Тарихчи Б.Ғ.Ғофуровнинг юечжиларнинг бостириб кириши Бақтриянинг парчаланишини олиб келди деган фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки Бақтрия бу жараёндан олдинроқ парчаланиб бўлган эди. Юечжилар даврида Бақтрияда бешта йирик мулкчиликлар пайдо бўлди, улар марказлашган давлат катта юечижига бўйсунарди. Одатда Бақтриянинг юечжилар тарихи даври босқичлари босқичларсиз ўрганилган. Аммо Е.А.Давидович Хитой манбаларини ўрганиб юечжи даврини уч босқичга ажратди.²²

1-босқич (Милоддан аввалги 139-125 йиллар ораси) Катта юечжи Дахяни эгалайди, лекин унинг асосий ҳудуди Амударёнинг шимолида жойлашган эди.

2-босқич (милоднинг 75 йилигача Цянханьшу маълумотида кўра) бу давр катта юечжи давлатининг шаклланиши ва кенгайиши жараёни бошланиб, унинг пойтахти Амударёдан шимолда жанубий чегараси эса Гибил вилояти (Кашмир ёки Гандихара)га тўғри келади. Юечижига бўйсундирилган ҳудудда бешта мулклик бўлиб, улар хи-хау, яъни ябғулар хюми, шуами, Гуйшуан, Хайтун, Гоафулар томонидан бошқарилган.

3-босқич Хауханьшу маълумотида кўра бу давр милодий 125 йилгача давом этади, бу даврда Катта юечжи давлати инқирозга учрайди. Юқорида эслатилган мулкчиликлар мустақилликни қўлга кирита бошлайди, аммо улар орасида кушон ябғу киоцзюко (Куджула Кадфиз) Дахяни босиб олиши Амударёнинг икки қирғоғини ҳам забт этди дейиш, нотўғри бўлар эди.

Шундай қилиб, 1 босқичда шимолий Бақтрия юечжиларнинг кўчиб келиб ўрнашиб олган асосий ҳудуди бўлиб ва уларнинг давлатининг шаклланишини ҳамда кенгайиши учун муҳим роль ўйнайди. Қолган тўртта мулкчиликни бўйсундириб Кушон давлатига асос солади.

²¹ Бичурин Н.Я. собрание свединие о народах обитавание в древнейши времена. Т. 2. М: из АНСССР 1950. с 147-151.

²² Ставинский Б.Я. Кушанская Бақтрия: проблемы историй и культуры. М.Изд. Наука. 1977. С.96; Масон В.М. Ремодин В.А. История Афганистана. Т.1. М: Наука 1964 С.133-134.; Гафуров Б.Г. История Таджикская народа в кратком изложенные Т.1. М: Наука, 1985. С. 134.; Давидович Е.А. Первый клад «Героя». ВДИ. 1976. № 4 С. 59-61.

Юечижиларнинг 2 босқичида уларнинг пойтахти Амударёнинг ўнг қирғоғида эканлигини Е.А.Давидович эътироф этган, аммо Цянханьшу маълумотида кўра, юечжи давлатининг маркази Ганьши шаҳрида жойлашган. У Бактрия шаҳрига тўғри келади, фақат иккинчи босқичда юечжи давлатининг маркази Амударёнинг ўнг қирғоғида бўлган.

1-босқичда юечжининг жанубий чегараси Дахя Бактриягача бўлган деган фикрга қўшилиб бўлмади, чунки унга фақатгина Амударёнинг ўнг томони бўйсундирилганлиги ҳақидаги фикр қарши туради. Чжан Цзянь маълумотида кўра, юечжилар хонадони Дахяга зарба бериб уларнинг ерларини босиб олган ва натижада олган жойида Гуйшуй (Амударё)нинг чап томонида қарор топди, аммо юечжининг кўчиб келган аҳоли маданиятининг излари улар яшаган вилоятнинг маданиятида ўз аксини топади ва археологик ёдгорликларда тарих қаъридан жой олган.

Кушон подшолигининг келиб чиқиши икки хил манбада ўз аксини топган. 1.Қисқа маълумотларни жам қилган қадимий Хитой йилномаси. 2. Тангашунослик маълумотлари “Сўнгги Хан сулоласининг тарихи”да Бактриянинг юечжи босиб олганидан кейинги тарихи ҳақида пайдо бўлган 100 йилча бўлган. Кушон Князи Клацзюко қолган тўртлик ҳукмдорни тормор этиб ерларнинг эгаллаб ўзини Гуйшуан давлатининг ҳукмдори деб эълон қилди. У Аньси Гаофу Пуду ва Габилни эгаллади. Киацзюко 80 йилдан ортиқ яшади, сўнг унинг ўғли Янчаочжань тахтни эгаллади ва Ҳиндни ҳам босиб олди, бошқарувни ўз қўмондонларидан бирига топширди.

Шу вақтдан бошлаб юечжи кучли ва бой хонадонга айланди, қўшни давлатлар уни Гуйшуань деб атаса, Хитой саройида ҳали катта юечжи деб атайдилар. Лингвистларнинг тасдиқлашича Киоцзюко ва Янчаочжань Хитой манбаларидаги Кушон подшолари Куджула Кадфиз ва Вима Кадфиз номларидир. Гуйшуань Хитойга “Кушон” атамасига тўғри келади.²³ Юқоридаги маълумотларни қиёслаш орқали тасдиқлаш мумкин. Герой Санаб ёки Куджула Кадфизни Бактрия ҳукмдори бўлганлигини тасдиқлайди. Икки подшоҳдан бири ички сиёсий ҳокимият учун бўлган урушда мағлубиятга учраб Ҳиндикуш ортига кетишга мажбур бўлган. Кушон подшолари бу ички низолар пайтида қайсиларидир Бактриядаги мулкларини йўқотганлар. Куджула Кадфизнинг илк тангалари Гермий ва Куджула номидан зарб қилинган тангада Гермий ябғу-шоҳ сифатида тасвирланган. Танганинг биринчи томонида тасвирланган “Гермий” ёрлиғи ва Куджула Кадфиз номи тенг бўлган. Иккинчи томонида тасвирланган подшо хоҳ ҳинд-юнон хоҳ юнон-бактрия подшоларининг авлоди бўлмасин у қайси бир даражада Гермий ва Куджула Кадфизга қарам бўлган. Бу подшоҳ Парапамиз, - Ҳиндикуш вилоятини бошқарган.

Кейинги даврларда тангалар фақат Куджула Кадфиз номидан “Шоҳлар шоҳи” ёрлиғи билан зарб этилган. Бу подшоҳ ўз навбатида “Шоҳлар шоҳи” Кадфиз ва Совер Мегас деб ҳам аталган. Шимолий Бактрия Кушон

²³ Бичурин.Н.Я.Собрания свидения о народах обетавших в древнеши времена. Т.2. М: 1950. С. 227. Гофуров Б.Г.История Таджикиского анрода во кратко изложение. Т. 1. М: Наука. 1952. С. 145-149. Пугаченкова Г.А.Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия Тохаристан. Т.Фан. 1990. С. 50.

подшолигига Совер Мегас (Кадфиз1) даврига кирди. Бактриядан Ҳинд дарёси воҳасигача бўлган барча Кушон шаҳар ва қишлоғи ҳудудида Кадфиз 1 нинг тангалари топилган. Шимолий Бактрия Кушон подшолигининг иқтисодий ҳаётида ҳамда чегара вилоят эканлиги билан муҳим аҳамиятга эга эди. Шунинг учун бу ҳудуд қалин ва мустаҳкам мудофаа девори мавжуд бўлиб у ташқи душмандан ҳимояланишда муҳим рол ўйнайди. Мудофаа деворлари вазифасига қараб уч турга бўлинади.

1. Қалъали чегара деворлари улар давлат чегараларини ҳимоя қилиш учун барпо этилган. Масалан: Дарбандаги Кушон даври мудофаа девори фикримизни тасдиқлайди.

2. Даралардан ўтувчи йўллари кўриқловчи давлат қалъалари уларни яна бир қисми канал ва ариқлар бошида қурилган. Бу қалъалар сув тақсимланишини назорат қилган ҳамда божхона вазифасини ўтаган.

3. Окс (Амударё)нинг кечув жойлари Айвочи Кампиртепа, Термиз (Паттакесар)ни назорат қилган. Бундан ташқари шаҳарларни ўраб турадиган ҳудудий деворлар ҳам мавжуд эди, бундай деворлар Балх атрофида бўлган.

Демак Кушон подшолиги ва унга қарам бўлган ерлар мустаҳкам деворлар ва қалъалар билан кўриқланган. Шундай қилиб Шимолий Бактрия Кушон подшолигининг ҳаётида муҳим стратегик аҳамият касб этиб “чегара ҳудуди” сифатида эътироф этилган. Шимолий Бактриянинг Кушон подшолиги давридаги маданияти айниқса, меъморчилик иншоотларида ўз аксини топи. Бу даврда ўнлаб шаҳарлар ва улардаги ибодатхона сарой бой хонадон (уйлар)нинг қурилишлари уларнинг нафақат моддий, балки манавий дунёсининг ҳам ниҳоятда санъатга бой эканлигидан дарак беради.

Шаҳарлар қурилишининг услуби ривожланган урбанизация жараёндан дарак беради, шаҳарлар қурилишида истехком деворлари муҳим аҳамият касб этади. Шимолий Бактрияда мудофаа иншоотларини ўрганиш кўплаб шаҳарларда қазилма ишлари ва қирқмалар солиш орқали амалга оширилди. Қадимги шаҳар ҳароблари Хайрабодтепа, Кўҳна Термиз, Зартепа, Шўртепа, Кампиртепа, Далварзинтепа, Холчаён, Кўҳна қалъа, Қумқалъа, Кайқубодшоҳ, Жанубий Бактрия Ойхонум Балх, Сурхутал, Дилбаржин, Желғатепа ёдгорликларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди ва шу аснода уларнинг кейинги ҳаётидаги эволюцион тараққиёт ўрганилди.

А.Македонский юришларидан кейин ва қамал қилиш учун ишлатиладиган қуролларнинг кенг тарқалиши, шаҳарлар қурилиш тарихида хусусан Юнон-Бактрия даврида аҳамонийларнинг юпқа ташқи деворларида воз кечилиб, қалин деворлар қуриш кенг тарқалган эди. Масалан: Кайқубодшоҳ шаҳри ўзининг 6-метр ташқи томонга чиқиб турувчи минораларига қалин деворлари кўшилиб қурилган. Улар, асосан, ёйчилар ва тошотар қуролли аскарлар ҳимояси учун қулай бўлган, девор тепаси бўйлаб ҳарбий йўлакча ўтарди, унинг атрофи ёки тишли қурилма билан чегараланган. Ойхоним шаҳар девори ҳудди шундай мудофааланган.

Кушон даврининг қалин ва мустаҳкам деворлари Далварзинтепа ёдгорлигида ўз аксини топади, ҳудди шунга ўхшаш мудофаа деворлари Будрач шаҳар харобасидаги Дунётепада мавжуд. Бу қурилишлар Юнон-

Бақтрия ва Кушонлар даври орасидаги ўтиш даврига хос шаҳар қурилишининг асосий хусусиятларини намоён этади. Кўҳна қалъа, Кушқалъа, Хайрабодтепа, Кампиртепа Шимолий Бақтриядаги Кушон даври мудофаа иншоотларининг ривожланган тизими ҳақида гувоҳлик берса, Жанубий Бақтриядаги Дилбаржин ва Балх қалъалари фикримизни тасдиқлайди. Кенг ва баланд деворлар ҳам ғиштдан барпо этилган, баъзи пахсадан пойдеворлар устида деворлар кўтарилган. Қалъа бўйлаб қад кўтарган деворлар бўртиб чиқиб турадиган тўрт бурчакли миноралар билан мустаҳкамланган. Миноралар мудофаачилар турадиган хоналар билан тутшиб кетган. Аммо минора ва деворнинг шинаклари икки хил бири юқори, бири қуйи даража, шахмат услубида жойлашган.

Шинаклар тўғри бурчакли ёки ўқсимон шаклда бўлади. Ярим айлана миноралар Шимолий Бақтрия мудофаа иншоотлари қурилишида кам учрайдиган бўлиб ундан фойдаланишнинг икки ҳолати мавжуд. Биринчидан Аҳамонийлар давридан сақланиб қолган кўҳна Бақтрия миноралар милоддан аввалги III-II-асрларга оид муқаддас жой Жигатепа қурилиш жиҳатидан мос келади. Иккинчидан ярим айлана ярим овал шаклидаги миноралар қурилиши Шимолий Бақтрияда Зартепа деворларининг Таксиладаги Сиркукса қалъа деворларини эслатиши Кушон даврига хос хусусиятидир. Кушон даврида қалъалар қурилиши мудофаа иншоотларининг бир неча вариантларини беради. Буюк кушонлар даврида Далварзинтепа қалъасида икки қатор девор барпо этилган, улар бир-биридан тор йўлакча билан ажралиб туради. Пахса девор ҳандак томон қиялашиб боради, юқори қисми қалин буржлари билан ажралиб туради. Будрач шаҳар қалъасида яъни Окмозортепада қалъа деворининг қалинлиги 7 метрни ташкил қилиб, 2,5 метрлик мудофаани мустаҳкамлайдиган қавариқ қисмга эга. Кушон даврида хандакларга муҳим мудофаа иншооти сифатида эътибор қаратишган, улар энди нафақат қалъани балки шахристон қисмини ҳам ўраб олган. Хандакларнинг эни 15-20 метр бўлиб, аввалгидан чуқурроқ бўлган, умуман айтганда, Кушон даврида шаҳарларнинг мураккаб ва мукамал мудофаа таркиби вужудга келади. Улар тўртта таркибий қисмни ўз ичига олади; яъни шаҳарнинг хандак (зовур) ва мудофаа деворлари билан ўраб олиниши.

Қалъанинг ҳали хандак ва мудофаа деворларига эга эканлиги мудофаа истеҳкомларининг мана шундай ишончли услубда қурилиши Кушон Бақтриясининг катта ва кичик шаҳарларида ўз аксини топган. Шаҳар истеҳкомлари уларнинг ташқи кўринишидан ажралиб турган, шаҳарга яқинлашаётган душман уни узоқдан туриб баланд мустаҳкам деворларини кўрган. Деворларнинг тепаси “тишли” ёки “ўрқачли” қилиб қурилган, узлуксиз давом этган шаҳарсозлик ва меъморчилик тараққиётида янгиликлар олиб келди. Милоддан аввалги I аср ва III-IV аслари давомида у эволюцион тараққиётнинг янги босқичига ўтди.

Қурилиш ускуналари янгидан яратилди, меъморчиликнинг янги шакллари пайдо бўлди, девор қуришда хом ғиштлардан фойдаланилди. Юнон-Бақтрия даврида ишлатилган тўғри бурчакли ғиштлар ўрнини чорли квадрат ғиштлар эгаллайди. Хом ғиштдан арк ва гумбаз ҳам ишланган, уй

сахналари лой билан текис қилиб тўлдирилган. Айвонларнинг томини ёпишда ёғоч кўтарма устунларидан фойдаланишган, аксарият ҳолларда устун таги тошдан ясалган. Бактрия-Тоҳаристон меъморчилиги фойдаланишига қараб икки турга сиғиниш жойлари ва уй жойларига бўлинади. Улар мулкдорларнинг ўзи томонидан барпо этилган. Далварзинтепа ва Хотинрабодда иккита бой хонадон уйлари топиб ўрганилган. Хотинрабоддан топилган уй тошйўнувчи уста меъмор сангторашга тегишли бўлган, чунки унинг уйи устахонага қўшилиб кетган, иккала уйда ҳам алоҳида меҳмонхона мавжуд. Шаҳар оқсоқолининг уйи ёки бой хонадонига кириш ёғоч устунли айвондан бошланади, ундан сўнг дахлиз жойлашган, сўнгра кенг ва кўндаланг жойлашган зали меҳмонларни қабул қилиш учун мўлжалланган. Уни ўраб турган тор дахлизлар орқали ётоқхоналарга ва трапеция (икки ёнма-ёнма) шаклидаги оилавий ҳаммомга ўтилади.

Худди Далварзинтепадагидек хонадон Ойхоним шаҳар харобасидан ҳам топилган. Бу ёдгорлик милоддан аввалги II асрга оид бўлсада ҳар иккала уйда ҳам муқаддас олов ёниб турувчи алтар муҳим аҳамиятга эга, алтар махсус тоқчада жойлашган Кушон даврида Холчаён саройи, қароргоҳ бўлган, унда устунли айвон кўндаланг қурилган қабулхона ундан сўнг икки устунли хона, икки томон бўйлаб хўжалик хоналари ва дахлизлар жойлашган. Сарой ҳайкалтарошлик намуналари ва деворий суръатлар билан безатилган.

Далварзинтепа тасвирий ва бадий-амалий санъати буддизм таълимотини замонавийлашишда муҳим рол ўйнаган. Буддизмнинг Бактрия ҳудудига қарашли Ганхара (Шимоли - Ғарбий Ҳиндистон ҳозирги Покистон) ва Нагарахара вилояти ҳамда Хиндиқуш орқали амалга ошган. Буддизм ўзи билан бирга архитектуранинг ажойиб хусусиятларини қонунларини олиб келди. Аммо у Бактрия ҳудудида ўзига хос хусусиятга эга бўлди. Милоднинг бошларида Шимолий Бактрияга Гандхара ва Хиндиқуш орқали Буддизм дини кириб келиб, милоднинг I-III асрларида Буддизм дини фалсафий дунёқарашларини ўзида мужассам этган ғоялари айнан Сурхон ҳудудида мукамал ривож топди. Сурхон воҳасида Буддавийлик ибодатхоналари ва муқаддас жойлар пайдо бўлиб, улар кўхна Термизда Зартепада, Айритомда, Далварзинтепада жойлашган ва археологлар томонидан етарлича тадқиқ этилган. Хотинрабодда ҳам Буддизм маданиятининг намуналари топилган. Термизда ва Айритомда алоҳида будда ҳавонча (ступалари) топилган.

Бактрияда буддизмнинг қолибга солинган ягона меъморий иншоотлари қурилишидан воз кечилиб, бир-бирини такрорламайдиган обидалар барпо этилди. Кўхна Термиздаги Фаёзтепа ибодатхонаси тўлиқроқ ҳукм чиқаришга ёрдам беради. У учта турли қурилиш қиёмларини ўзида мужассам этади. Уларнинг ҳар бири ички ҳовлига эга бўлиб хоналар билан ўраб олинган ҳамда устунли айвонларга эга. Бу ибодатхона Бактрияга лойихалаштирилган, яъни ҳовли айлана бўйлаб хоналар билан ўраб олинган. Марказий қисм қабулхона ёки кўриниш хонаси бошқасида ташриф буюрган қоҳинлар жамоасини кутиб олиш, йиғилишхонаси ҳисобланса, учинчи қисмда эса хўжалик хоналари жойлашган унга узоқдан келган йиғилувчиларнинг ҳам кириши мумкин бўлган. Унинг томи ёғоч тўсиқлар

билан ёпилган бўлиб, асосан. гумбаз қилиб ишланган. Хайкалтарошлик намуналарини безашда муҳим рол ўйнайдиган ибодатхонанинг марказий ўқи бўйлаб ступа (хавонча) жойлашган. Аниқланишича унинг ташқарисидан қопланган хом ғиштли ғилофнинг тошда цилиндр шаклидаги ўқ чорси (квадрат) устида қурилган бўлиб, тепаси қия гумбаз қилиб сувоқ билан ёпилган. Кўҳна Термиздаги бошқа бир йирик иншоот Қоратепадир, унинг майдони 8 гектарни ташкил қилади. Бу ёдгорлик устида қирқ йилдан ортиқроқ вақт мобайнида археологлар қидирув олиб бормоқда. Улар Қоратепадаги буддавий ибодатхонанинг турли хусусиятларини очмоқда, унинг қум тошли рельефи ер ости иншоотлари қурилиши учун жуда қулайдир. Қоратепада қурилишлар ер ости ва ер усти иншоотларига бўлинади, бу эса унинг ўзига хос хусусиятини кўрсатади. Ибодатхона қурилишларининг атрофи айвон билан ўралган ҳовлидан иборат.

Ибодатхона томонларидан бирида ер усти иншоотларини ғор билан туташтирувчи йўл ҳам мавжуд. Дастлабки, ибодатхоналар “Г” симон ғор иншоотларидан иборат бўлса, кейингилари “П” симон қилиб бунёд этилган. Қоратепанинг шимолий қисмида икки поғонали асос устида барпо этилган ступа (хавонча) жойлашган. У ер усти иншоотларига киради, у йирик сиғиниш жойи бўлган. Бу ступа турли даврларда тош хайкаллар ва деворий суратли хайкаллар билан безатилган. Қоратепадан топилган тош ва лой хайкалчалар. расмлар мазкур ибодатхона жуда бой ва тасвирий ва амалий санъат намуналари билан безатилганлигини англатади. Топилмалар буддавийлик динида санъатга катта эътибор берилганлигини ва санъат бу динни жаҳон динларидан бирига ҳамда замонавийлашишига олиб келганлигини тасдиқлайди.

Кушон даврида Юнон Бақтриянинг Кхороштха, брахма ва ўрта форс ёзувида тош керамика ва деворлар сиртига туширилган хат ва битиклар муҳим аҳамият касб этади. Бу ёзувларнинг топилиши Термиз шаҳрининг қадимги дунё маданий иқтисодий марказлари билан алоқада бўлганлигини ва шаҳарларнинг ўзига ҳам шундай йирик савдо ҳунармандчилик ва маданият марказига айланганлигини тасдиқлайди.²⁴ Кўҳна Термизнинг жануби - шарқий томонида жойлашган йирик буддавийлик ступаси **Зўрмала** ҳисобланади. Ступа илгари қовариқтош ғилофига эга бўлган ва чиройли безатилган, унинг ягона цилиндр шаклидаги қурилиши гумбазсимон бўлади. Ступа зинали баланд асос устида қурилган, у ҳам ғишдан барпо этилган. Унинг сирти ҳеч қачон қизил ранли пишиқ ғишт билан қопланмаган, балки бўртма тош қолама билан безатилган бўлиб унда буддавий қурилишлар акс эттирилган.

Зурмаланинг умумий жиҳатлари Ҳиндистон ступаларидан фарқ қилади, аммо унинг асоси ярим сфера шаклида эканлиги шарқий Афғонистонда жойлашган. Ходда ступасига ўхшайди. Бундан ташқари Айритомда иккита унча катта бўлмаган будда мажмуаси жойлашган, уларнинг бизгача бир қисми етиб келган. Уларнинг бири тугалланмаган Юнон-Бақтрия ибодатхона

²⁴ Стивиский Б.Е. Судби Буддизми в среднем Азии. М: 1988. С 232-244.

деворларининг устидан қад кўтарган уйда будда ҳайкалчаси билан тўртбурчак муқаддас жой ажралиб туради. Катта-кичик хоналар ер ости йиғилиш хоналари ҳам мавжуд. Иккинчи бир будда ёдгорлиги бизгача ўзининг икки хонаси чорсилди асосга эга бўлган цилиндр шаклдаги ступа ва гумбаз қолдиғи етиб келган. Унинг икки томонидан бошқа қадимгироқ ступа ўзининг чатли сувоғи билан ажралиб турибди. Бу эса Фаёзтепадагидек қайта қурилганлигини кўрсатади. Ҳатто Айритом ёзувлари ҳам Шимолий Бактрия милодий II-асрда кушон подшоҳи Хувишка даврида буддизим ёдгорликлари қайтадан тикланган Далварзин тепада археологлар томонидан очилган иккита ёдгорлик буддавийлик архитектурасининг қурилиши ва вариантларини белгилашда ёрдам беради. Шаҳар ташқарисидаги II асрга оид ибодатхона ҳайкаллари билан безатилган платформа (асос пойдевори) ва уч томондан ўраб олинган узун хоналар ва хўжалик хоналарини ўз ичига олади.

Шаҳар деворидан ичкарида милодий II-III асрларга оид ибодатхонанинг бир қисмидир. Лекин маросимлар ва анъаналар маркази ҳовли бўлган, унинг атрофидаги тошчаларда жойлашган. Мавжуд бўлган, уни уч томондан турли хоналар ўраб турган. Уларнинг айримлари анъаналар ва маросимлар учун, айримлари эса хўжалик хизматчилари учун мўлжалланган. Қазимша пайтида уларни безашда ишлатилган ҳайкалчалар ва деворий расмлар топилган. Бактрия меъморчилиги ўзига хос хусусиятлари билан антик дунё маданиятининг янги йўналишини кўрсатди. Қадимги дунё халқлари маданиятининг тараққиёт даражасини акс эттирувчи соҳа ёзувлардир. Шимолий Бактрияда антик даврда турли ёзувлар мавжуд бўлган. Улар оромий, брахма, юнон, кхораштхий, ўрта форс ва сак юечжи (номаълум ёзув) ёзувларидан иборат эди.

Шимолий Бактрияда агар милоддан аввалги IV-III асрларга оид Амударё хазинасидан топилган чашмада ёзилган оромий хумини ҳисобга олмаганда энг қадимги ёзув юнон ёзуви ҳисобланади.²⁵ Сурхондарё вилоятининг Қоракамар ғорининг деворида мазмуни аниқ бўлмаган, бу ёзув милоднинг I асрнинг бошларида тааллуқлидир. Юнон алифбосида 24 харфдан иборат бўлиб, “сак” қўшимчаси билан бактрия ёзувининг асосини ташкил қилади. Шимолий Бактрия ҳудудида ёзувлар асосан Сурхондарё вилоятидан ва Тожикистоннинг айрим жойларидан топилган. Сурхондарё вилоятининг Қоратепа, Кампиртепа, Мирзақултепа, Фаёзтепадан топилган Бактрия ёзувлари милодий I асрнинг охири ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бундан ташқари бу ёзма ёдгорликлар милодий III-IV асрларига, яъни антик даврнинг сўнгги босқичларига тўғри келади. Бу ёзувлар сополларга битилган бўлиб, Қоратепа чизмаси Кўҳна Термиз ва Далварзинтепа курсив ёзуви деб аталади. Шимолий Бактриядаги топилган Бактрия ёзувини 7 гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Қора рангда сопол идишларга туширилган ёзувлардан парчалар: (Қоратепа, Фаёзтепа, Кўҳна Термиз, Зартепадан топилган. Тўлиқ сақланган сопол идишлардаги ёзувлар (Кўҳна Термиз, Кампиртепа сопол идиши

²⁵ Зеймал Е.В. Варвариский подражения как исторический источник . 1975. С 106.

тайёрланаётганида тирнаб чизилган битиклар. (Далварзинтепа, Мирзоқултепа, Тапан шох, Ялангтўштепа); ўйма-чизма ёзувлар (Қоратепа ва Қоракамар ғорларининг деворларида ёзилган).

Ҳайкалтарошлик намуналаридаги ёзувлар (Айритом). Папирусдаги кўлёмалар матнининг бўлаклари (Кампиртепа): Кушон ва Кушон-сосонийлар тангаларидаги ёзувлардир. Аксарият ёзувлар қисқа ва узук юлук парчалардан иборат. Қоратепадан “Дар (будда) шири” (дхарма вазъзхони, тарғиботчиси) деган ёзув топилган. Шимолий Бақтриядан топилган кхарошти ва брахма ёзувлари қадимги ҳинднинг санскрит ёзувини акс эттиради. “Номаълум ёзув” деб аталадиган ёзув тури Афғонистоннинг жанубига қадар тарқалган. Шимолий Бақтрияда мана шу ёзувнинг бўлаклари Фаёзтепа, Қоратепа, Қуштепа, Хотинрабод, Холчаён ёдгорликларидан топилган.

Бақтриянинг антик давр санъатида тасвирий санъат эмас, балки ҳайкалтарошлик етакчилик қилган. Ҳайкалтарошлик сулолавий мавзуси ҳукмдорлар хонадонини мадҳ этиши маҳаллий этиқодни афсонавий образларини акс эттириш билан характерланади. Ҳайкаллар деворга тақалиб ёки унга ёпиштирилиб ишланган. Холчаён саройидаги ҳайкаллар айвон ва бош даҳлизни безаб турган махсус чашкорлик ва ҳайкалтарошлик намуналаридан иборатдир. Саройни безашда асосий бош безак Кушонларнинг Герай уруғи аъзоларининг ҳайкаллари муҳим аҳамият касб этади. Бу образлар Герай тангаларида акс эттирилган нусхаларга жуда ўхшайди, ҳайкаллар асосан учта асосий сахнага киритилган. Марказда анъанавий салтанат ҳукмдорлари: Герай авлоди ўз хотини билан, уларнинг яқинида оила аъзолари ҳамда бош жуфтликнинг устида Геракл, Афина ва Ника маъбудалари акс эттирилган. Шимолий Тоҳаристоннинг Кушон даврига оид ибодатхоналаридан топилган буддавийлик ҳайкаллари ўзининг бойлиги билан ажралиб туради. Бу диннинг дунё ҳақидаги афсонавий ва дунёвий қонунлари Ганхара ва Амудраёдан ўтмишга қадар эволюцион тараққиётни ўз бошидан ўтказди. Шўрчининг Далварзинтепа, Термизнинг Қоратепа, Фаёзтепа, Зартепа ибодатхоналаридан топилган ваъзхон будда нусхасида ўтириб ибодат қилаётган пайти акс эттирилади. Юз тузилиши анъанавий руҳий ва маънавий жиҳатдан осойишта сочлари кўнғироқ сифат қилинганлиги акс этирилади.

Антик даврда шаҳар маданиятининг раванқ топишида хунармандчилик ва савдо муҳим ўрин тутди. Маданиятнинг юқори даражадаги кўтарилганлигини санъатнинг кичик турдаги соҳалардаги ютуқлардан ҳам билиш мумкин. Аҳолининг кенг қатлами орасида корропластиканинг (кичик лой ҳайкалчалар, санамлар, маъбудалар, худолар акс эттирилган) кенг тарқалиши бу соҳада ҳинд шимол кўчманчилари оламининг маҳаллий маданиятга таъсири ва бу алоҳида йўналишнинг ажралиб чиқиши билан боғлиқдир. Террокотанинг (куйдирилган лой ҳайкалчалар) юзлаб доналари ва ўнлаб турларининг мавжудлиги ҳамда матрица-қолипларда куйилиши, кўл билан қилиниши санъатнинг бу соҳаси ривожланганлигидан дарак беради. Қолиплар Шўртепадан, Кўхна Термиз, Бароттепа, Саксонохурдондан

топилган бўлиб, улар аксарият ҳолларда кулоллар маҳалласидан, яъни сопол идишлар пишириладиган печларда тайёрланган. Шимолий Бақтрия Тоҳаристон худудида топилган ҳайкалчалар орасида аёллар образи яққол тасвирланган. Улардан Кампиртепада топилган Кагая худоси коса ушлаб турган маъбуд, маъбуднинг ўтирган ҳолати куш ва бола кўтарган маъбуд диққатга сазовор бўлиб, аёллар ибтидоси ва худоси маъбуди ҳақидаги тасаввурларни ўз ичига олади.

Шимолий Бақтрия-Тоҳаристон амалий санъати орасида қимматбаҳо металллардан ишланган идишлар юксак бадиий маҳорат билан безатилган. Аҳолининг табиий, моддий аҳволи яхши бўлган қатлами орасида асосан қимматбаҳо металлдан ясалган идишлардан фойдаланилган. Дунё музейлари хазинасида сиртига тилло юритилган кумуш косалар мавжуд, уларнинг юзидаги турли тасвирлар Бақтрияда ишланганлиги ҳақида тахминларни келтириб чиқаради. Уларнинг орасида қанотли маъбуд, найза тутган аёл (Артимеда ёки Амазонка ҳақидаги сахналар) диққатга сазовордир. Шимолий Тоҳаристондаги кўплаб топилмаларнинг аксариятини заргарлик буюмлари ташкил қилади, уларнинг орасида Тошкент водийсидаги топилдиқлар ва Далварзинтепа хазинасида учрайди. Олтин, кумуш каби қимматбаҳо металллар билан барча бронза, латун, мисдан ясалган буюмлар ҳам топилган, бу топилмалар қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларга ишлов берилганлиги муҳимдир. Тоҳаристон услубида ишланган топилмалар орасида Саксанохурдан топилган олтиндан ясалган тўға ёки илгач ажралиб туради. Бунда Осиёга хилпираб турадиган камзул кийиб олган отлик тасвирланган, у эгарда ўтириб кўлидаги найзани тўнғизга санчмоқда. Ҳудди шу сахна кўриниши Ўрта Осиё халқларининг санъатидан ривожланган ўрта асргача сақланиб келди.²⁶

Шимолий Бақтрия санъатида майда безаклар ишлаб чиқариш санъат муҳим ўрин эгаллайди, уларнинг орасида қаттиқ тож (сердолик, хамзедон, кварц)дан, шунингдек, оддий ва фил суягидан ясалгани муҳим аҳамият касб этади. Шўрчи туманидаги Илонттепа манзилгоҳидан бошқа ўлкадан келтирилган фил суягидан ясалган тўғноғич топилган. Давларзинтепадаги бой хонадонлар ўрnidан топилган фил суягидан ясалган икки дона шахмат тошлари эрамиздан аввалги иккинчи асрга оид бўлиб, нафақат бадиий санъатда, балки умумий маданиятни акс эттирувчи муҳим топилма ҳисобланади. Маълум бўлишича шахмат уйини Ҳиндистондан мамлакатларга милодий VI асрга эмас, балки ундан қадимги даврларда тарқалган. Шимолий Бақтрия-Тоҳаристон маданиятини ўрганиш туфайли унинг тараққиёт босқичларидаги узлуксиз ўзгаришларни кузатамиз. Маданият тараққиётида ўзига хос йўл анаъанавийлик ва қоришиқликни кузатамиз, эллинистик маданиятнинг таъсири эканлигини эътироф этмоғимиз лозим. Шундай қилиб, Шимолий Тоҳаристон маданиятининг тараққиётида илк Кушон ва Буюк кушонлар босқичи ўртасида портлаш бўлгани йўқ. Фақат

²⁶ Манделтам А.м. Кочевники на путях в Индшо И.М.И.А. 1966 № 135. С.126. Древности Таджикистана каталог выставки. Душанбе: Дониш. 1985. С.104.

маданиятнинг янги поғонага кўтарилиши бўлди, холос. Яна бир нарсани кайд қилиш лозим Бақтрия-Тоҳаристон маданияти шимоли Бойсун-Ҳисор тизмалари билан туташган ва Суғдга бу маданиятни етказиб берувчи чегара худудда шаклланди. Бу маданият Суғд архетиктураси, кулолчилик ва антик давр корропластикасида ҳам ўз аксини топади.

Далварзинтепа - Далварзин шаҳрининг шаклланишида муҳим ўрин тутган Кушон давлати тарихи давлатчилигимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган давр ҳисобланади. Бу даврда воҳада иккита йирик марказ мавжуд бўлиб, булардан бири Амударё бўйидаги Тармита (Термиз) бўлса, иккинчиси эса Чағонруд (Сурхондарё) бўйидаги Далварзин шаҳри бўлган. Далварзинтепа – Шўрчи шаҳридан 10 км шимоли-шарқда жойлашган, майдони 47 гектарни ташкил этиб, 2 қисмдан иборат кудратли мудофаа девори (қалинлиги 10 метргача) билан ўраб олинган шоҳ сарой қалъаси ва шаҳристонни ўз ичига олган. Далварзин шаҳри шубҳасиз, йирик империянинг пойтахти бўлиб, атрофда унга тобе бўлган вилоятлар ва ўлкалар бор. У ерларда ҳам маданий ҳаёт бир вақтда тараққий этиб, подшоҳ вақти-вақти билан дам олгани чиққан гўзал боғ-роғлар ва масканлар бўлган.

Шаҳарни маъмурий маркази бўлган биринчи - бош Далварзин умумий худуди 5 гектар майдонни ташкил қилиб, унда Арк аъло– подшоҳ саройи ва унинг девони жойлашган. 1962 йил археолог олимлар маъмурий марказни 9 метр 60 сантиметр қалинликда пахса ва хом ғиштдан қурилган мудофаа деворини аниқланди, Аркка шимоли-шарқдан тўғри тўртбурчак шаклидаги асосий шаҳар харобалари тутшиб, унинг 10 метр баландликдаги деворининг узунлиги 2,5 километрлиги аниқланди. Антик даврдаги шаҳарларда дарвозалар унча кўп бўлмаган, чунки доимий таҳликада бўлган жой ҳам, сотқинлар душманга очиб берадиган жой ҳам шаҳарнинг дарвозаси ҳисобланган. Далварзин шаҳрининг ҳам фақат бир дарвозаси бўлган, у подшоҳ арки яқинида жойлашган. Далварзиндаги 1962 йили 15 кунлик қидирув ишларида фақат подшоҳ арки деворининг қалинлиги, унинг пойдеворида қўйилган катта ҳажмдаги хом ғиштлар, пахса қаторлари ҳамда икки қатор девор борлиги илмий тақиқотлар даврида аниқланди. Далварзинтепада 1967 йилдан археологик тадқиқотлар олиб борилиб, археологлар шаҳар мудофаа деворини ўрганиб, унинг тўрт жойини кесиб текшириб мудофа деворини 100 метр узунликда қазиш натижасида шаҳар мудофаа деворлари қалин пахса ва хом ғиштлардан тикланганлигини аниқлади. Бу девор қалинлиги 8-10 метр бўлиб, деворнинг баъзи жойларида мустаҳкам истехкомлар, буржлар ва аскарлар юриш учун махсус йўлакларни текшириш жараёнида аниқланди. Шаҳарга кираверишда ўнг томонда бир ҳунарманднинг шаҳар девори билан туташган 12 хонали уйи бўлиб, хоналарда рўзғорда кенг ишлатилган сопол идишлар, ип йигириш асбоблари ва I-II асрга оид мис тангалар топилди. Айниқса, у ердан топилган сопол идиш-товоқлар диққатга сазовор бўлиб, ўтмишда ота-боболаримиз рўзғорда, асосан, хумдонда пиширилган сопол идишлардан фойдаланганлар. Шаҳарнинг обрўли кишиларидан бўлган кулол устанинг уйи подшоҳ саройининг нақд рўпарасида бўлиб, унда кулоллар маҳалласи жойлашган. Унда 11 та хумдон кулолнинг устахонаси ва истиқомат қилган хоналари жойлашган

бўлиб, бинода топилган идиш-товоқларнинг нафис ва бир-биридан гўзал қилиб ишланганлиги аждоларимизнинг кулолчилик соҳасида ҳам юқори санъатга эришганликларидан дарак беради. Шаҳристоннинг шимоли-ғарбий қисмида катта-катта тепаликлар бир-бири билан қушилиб кетиб, бу ерда қазилма ишларининг олиб борилиши натижасида тепаликлар остидан бой зодагонларнинг кўп хонали уйлари борлиги аниқланди.

Далварзин шаҳри маданияти тарихининг айрим жиҳатлари ханузгача ноаниқ бўлиб, тарихчи, шарқшунос ва археолог олимлар уларга ойдинлик киритиш учун изчил ва чуқур илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Чунончи, бу борада 1960 йилда Лондон, 1968 йилда Душанбе, 1970 йил Қобулда халқаро симпозиумлар ўтказилди, ЮНЕСКО қошидаги Марказий Осиё тарихи ва маданиятини ўрганиш комиссияси эса кушонлар тарихи ва маданиятини ўрганишни ўз олдига асосий вазифалардан бири қилиб қўйди. Археологлар Кушон маданиятига оид Баграм, Балх, Беган, Сурх-Кўтал (Афғонистон), Косамби (Ҳиндистон), Сирсух, Таксила (Покистон), Айритом, Бозорқалъа, Далварзинтепа, Зартепа, Кўхна Вос, Термиз, Хайрободтепа, Холчаён (Ўзбекистон), Кайқубодшоҳ, Кўхнақалъа, Шаҳринав, Мунчоктепа (Тожикистон)да қазилма ишлари олиб борди. Археологик топилма ва кўхна ёзма манбалар асосида Далварзин шаҳри маданиятига доир қуйидаги муҳим илмий маълумотлар аниқланди: буржли мустаҳкам мудофа деворига эга бўлган шаҳар қурилиши тараққий этган, бир неча ўнлаб шундай шаҳарлар, кўплаб йирик суғориш иншоотлари қурилган. Далварзин шаҳри ичида арklar мавжуд бўлиб, уларнинг атрофини турли бинолар мажмуаси қуршаб турган. Далварзин шаҳрининг шимоли-ғарбий ҳудудларидаги бинолар қурилишида кўпроқ хом ғишт ва пахсадан, жануби-шарқида эса тошдан фойдаланилган. Далварзин шаҳри дарё бўйида, стратегик жиҳатдан қулай жойларда бунёд этилиб, шаҳарда подшо саройи, бой зодагонлар ва хунармандлар маҳалласи, кўча ва майдонлар, ҳовузлар, турли динларга мансуб иншоотлар, экинзор ва боғлар мавжуд бўлган. Уйлар кўп хонали, ҳашаматли бўлиб, баъзилари икки қаватли қилиб қурилган. Ҳовли саҳни, хоналар поли, зиналар ва бошқаларда турли ҳажмдаги пишик ғиштлар қўлланилган, айвон ёғоч устунлари остидан оҳактошдан йўнилган чиройли тагкурсилар ўрнатилган. Томдан тушадиган сувлар учун махсус сопол тарновлар ишлатилган, бино ва хоналар ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат асарлари билан безатилган. Далварзин шаҳридан топилган ҳайкал ва расмларда, асосан, подшолар, подшо хонадони аъзолари, бой зодагонлар, созанда ва масҳарабозлар тасвирланган. Ҳайкаллар, асосан, оҳактош, лой ва ганчдан тайёрланган, улар орасида сиртига тилла суви юритилганлари ҳам бор, деворий суратларда эса диний ва базм маросимлари, табиат манзаралари, суворийлар тасвирланган. Кулолчилик тараққий этган, топилган сопол идишлар хилма-хиллиги ва ўзининг нозик, жарангдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Амалий санъат кенг ривожланган, унинг энг яхши намуналари Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажда сақланмоқда. Зеб-зийнат буюмлари, меҳнат ва жанг қуроллари яшаш, мато тўқиш тараққий этган. Далварзин шаҳрида Канишка I даврида қабул қилинган Кушон-Бактрия давлат тили сақланиб қолган, аҳоли, асосан, буддизм динининг маҳаяна мазҳабига эътиқод қилган,

кўплаб будда ибодатхоналари қурилган, шунингдек, оташпарастлик, ҳиндуизм ҳам кенг тарқалган. Чунки Далварзин шаҳрида Канишка I томонидан қабул қилинган буддизм дини давлат дини сифатида узоқ вақтгача Далварзин шаҳрида ўз таъсирни сақлаб қолди. Далварзин шаҳрида ҳам вақт-вақти билан диний йиғин чақириб туриш жорий этилиб, йиғинда буддизмнинг мазкур янги мазҳаби-маҳаяна расмийлаштирилган. Бу эса буддизмнинг Осиё мамлакатларида кенг тарқалишига, унинг жаҳон динларининг бирига айланишига сабаб бўлди. Топилган тангаларнинг орқа томонида турли маъбудлар – Михр -Митра (Қуёш маъбуди), Оташ (олов маъбуди), Фарр (омад ва маъмурчилик маъбуди) ва бошқалар тасвирланганлиги буни исботлайди. Салтанатда савдонинг ривожланиши ёзувнинг кенг кўламда тарқалишига имкон яратган, оромий ёзуви асосида суғд ва хоразмий ёзувлари вужудга келиб, тараққий этди. Ҳинд алифбосига асосланган кхароштҳи ёзуви намунаси Далварзин ҳудудидан ҳам топилди.

Далварзин шаҳридан ўтган Буюк ипак йўли ташқи савдонинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Далварзин шаҳрида зарб қилган олтин, кумуш ва мис тангалар Эфиопия, Скандинавия, Италия ва бошқа кўпгина мамлакатларда топилди. Бу эса Далварзин шаҳрини чет мамлакатлар билан кенг миқёсда савдо ва маданий алоқалар олиб борганлигидан далолат беради. Шарқдан олиб келинган ипакка Фарб бозорларидаги моллар алмаштирилган. Умуман савдода кўп товарлар қатори дориворлар, Рим тилла тангаси ва тақинчоқлари, фил суяклари ва ундан тайёрланган турли буюлар ҳамда “тирик товар” – созанда, раққоса ва ҳунарманд қуллар ҳам бўлган. Қушон давлатининг дастлабки пойтахти Ўзбекистоннинг жанубидаги Далварзинтепада бўлган, подшо Канишка даврида эса Пешовар шаҳрига кўчирилган. Айни шу даврда бадий, санъат мактаблари (Гандхара, Матхура, Бактрия) шаклланди. Канишка адабиёт ва санъат ҳомийси бўлиб, Кашмир вилоятида Канишкапур шаҳрига асос солди. Унинг саройида машҳур буддавий олимлар Парева ва Васумитра, буюк шоир ва файласуфлар Ашвархоша, Матричета, Нарагжуна ҳамда Чарака яшаб ижод қилган. Далварзин шаҳрига доир ёзма манба ва археологик топилмалар қушонлар маданиятини ўрганиш, уларнинг Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистон халқлари маданияти тараққиётида тутган ўрнини илмий баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Далварзин шаҳри сиёсий тарихи ва маданияти ўтмишининг ҳали тўла, ҳаққоний ёритилмаган жиҳатлари кўп бўлиб, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Франция, АҚШ, Италия, Венгрия, Тожикистон, Афғонистон, Россия, Япония олимлари уларни аниқлаш борасида изчил илмий тадқиқотларни давом эттирмоқда. Хитой тарихий манбаларида қайд этилган Гуйшуанлар, милодий 1 асрда Бактрияда ўз ҳокимиятларини Киоцзюко раҳбарлигида ўрнатган, унинг асли исми Кужула Кадфиз эди. Кужула Кадфиз Хюми, Шуанми, Хэйтун Гаофу сулолаларидан иборат тўрт ҳокимликни ҳам ўзига бўйсундирди. Бактрияда ҳокимиятни мустаҳкамлаб олган Кужула Кадфиз кўшни вилоятлар бўлган Суғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмларини истило қилди. Қушонлар империясини мустаҳкамлашда Кужула Кадфизнинг ўғли Янгаочжен, яъни Кадфиз II муҳим аҳамиятга эга бўлган ички-ташқи сиёсат юритиб, Ҳиндистонни Ҳинд дарёси қуйи оқимлари, ҳатто Ганг

дарёси водийсигача бўлган ерларни ҳам ўз ихтиёрига ўтказди. Кушонлар давлати Канишка ҳукмронлиги даврида эрамизнинг I асри охири -- II асрнинг биринчи чорагида янада кучайди.

Милодий II асрда подшо Канишка Қоратепа ёдгорлиги ўрнида Будда ибодатхонасини қурдиради. Мамлакатда қишлоқ жамоалари анча кенгайди. Илк ўрта асрлар даврида шаклланган Кушон давлати маркази бўлган Чағонруд (Сурхондарё) бўйидаги Далварзинтепа шаҳрида давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий фаолияти мустаҳкамланиб, Кушон давлатига бўйсунувчи Ҳайитободтепа, Хосияттепа, Холчаён, Босанд каби шаҳарларда мудофаа истехкомлари қурилди. Далварзин шаҳрининг иқтисодий хўжалиги кенг тараққий этиб, маъдансозлик, шишасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланиб, олтин, кумуш, қўрғошин, қимматбаҳо тошлар ва қурилиш хом ашёлари қазиб олиш анча такомиллашиб борган. Далварзин шаҳри ҳудудида саройлар ва ибодатхоналар қуриш ривожланиб, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик санъати соҳасида энг юқори натижаларга эришди. Далварзин шаҳрига хос бўлган моддий ва маънавий маданият асосларининг кенг ривожланиши туфайли расмий, диний, ишлаб чиқариш, турар жой, сунъий суғориш, мудофаа ва тижоратга тааллуқли қурилиш бинолари билан уйғунлашган ҳолда қурилган.

Ўзбекистон Санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг экспедицияси Далварзинтепа манзилгоҳида 1962 йилдан бошлаб илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Экспедиция 1967 йилда мукамал археологик қазилар ишларини олиб бориб, катта натижаларга эришди. 1968 йилда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида “Кушонлар даврида Марказий Осиё” мавзусида ўтказилган халқаро илмий анжуманда илк бора Далварзинтепадан топилган ҳайкаллар, кулолчилик буюмлари, шаҳар мудофаа иншоотларини ўрганиш билан боғлиқ маълумотлар илмий жамоатчиликка тақдим этилди. Анжуманда Чағониён давлатининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа эканлиги илмий тадқиқотчилар томонидан асослаб берилиб, милоддан аввалги II асрнинг охири – I асрларда ҳозирги Далварзинтепа ўрнида кичик манзилгоҳ пайдо бўлиб, Кушонлар даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида давлат марказига айланганлиги қайд этилган. 1972 йили кушонлар даври маданиятининг машҳур ёдгорлиги Далварзинда 200 метр девор қолдиқлари топилди, унинг эни 4,6 м, баландлиги 2,5 м келади. Далварзинтепа атрофида девор билан ўралган арк харобаси бўлиб, арк деворининг узунлиги 130 м га, баландлиги эса 2,5 м га тенгдир. Далварзинтепанинг шарқий қисмида ҳатто 80 м масофада эни 4 метрлик тош йўл ковлаб очилди, булардан ташқари, бу ерда бир неча тўрт бурчакли пахса деворли уйлар топилди. Далварзинтепада топилган 900 га яқин тош ўроқ, жез ўроқ, ёрғичоқ, дон учун ковланган ўра ҳамда куйиб кўмирга айланган арпа, буғдой, тарик, сули донлари ва бошқа ашёлар қадимги далварзинликлар, асосан, деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Археологик топилмалар: суякдан ясалган буюмлар, жез игна ва бигизларга қараб ҳукм қилганда, аҳолининг турмушида тўқувчилик ва тикувчилик кенг тараққий этганлигини кўради. Далварзинда дегрезлик ва мискарлик анча тараққий

килган, чунки бу ёдгорликлардан жуда кўп темир буюмлар: жез, ўроқ, пона, пичоқ, камон ўқларининг пайконлари, найза учлари, зеб-зийнатлар, жез ойналар, билакузуклар, исирғалар, чўмичлар, мунчоқлар ҳамда турли хил жез буюмлар қўйиладиган тош қолиплар, шунингдек, дегрезлик кўрасининг бешта қолдиқлари топилганлиги буларнинг яққол далилидир. Археологик тадқиқотлар натижасида 1972 йил жаҳонга машҳур бўлган 36 килограмми ташкил этган олтин безаклар ва ёмбилардан иборат ноёб хазина ва фил суягидан ишланган, дунёда энг қадимий бўлган шахмат доналарини ўз ичига олган Далварзинтепа хазинаси топилди. Хазинада 115 та олтин буюмлар бўлиб, булар ёмбилар, билагузуклар, олтин шодалар ва бошқа тақинчоқлардан иборат. Тақинчоқлар жуда оғир, ҳатто битта билагузук 872 г соф олтиндан иборат бўлиб, нозик дид билан ишланган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, хазинадаги тақинчоқлар турли шаклдаги билагузук ва зираклар, қизғиш рангли қимматбаҳо тошга ўйиб ишланган, эркак тасвири туширилган бўйин тақинчоғи, тилла ипчалардан тўқилган ва 5 қатор тизилган шодалар бу ердан заргарлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Чунки заргарлар томонидан тайёрланган олтин шода тақиладиган қисмининг иккала томонига 10 тадан ортиқ феруза ва ёқут тошлар нафис ва гўзал қилиб, қадалган. Хазинадаги тўғри бурчак шаклида тайёрланган ёмбилар катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг жами 21 та, аммо 10 тасида қадимий кхарошти ёзуви битилган. Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони шундаки, ушбу безакларда антик дунё санъати ўз ифодасини топган. Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, аммо уларнинг Шимолий Бактрия, яъни ҳозирги Чағониён давлатида яшаган қўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Далварзинтепа хазинаси топилмаси аждодларимизнинг қўшни халқлар ва мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотик ва маданий алоқада бўлганлигидан дарак беради. Шунингдек, илмий тадқиқотлар натижасида зодагон оилалар яшаган маҳалладан ташқари шаҳарда, аркка (кўрғонга) яқин ерда хунармандлар ва кулолларнинг уйлари ҳам аниқланди. Далварзинтепадан кўплаб турар жой бинолари, хунармандчилик меҳнат қуролилари, кулолчилик буюмлари ва кулолчилик буюмларини қуритиш майдончаси ва 11 хумдон аниқланди. Шаҳар ташқарисидан қадимий шаробпазлар яшаб, ишлаган уйлар ва мусалласхоналар ҳам ўрганилди.

Кушон давлати даврида маданий ҳаёт юксалган Далварзин шаҳрида меъморчилик анча юксалиб, турар жой бинолари, ибодатхоналар ва саройлар қуриш анча авж олади. Иморатларни безаш, нақш солиш борасида ҳам ўзига хос тажриба тўпланади. Бу даврда маҳаллий маданият билан ҳинд маданиятининг ўзаро аралашуви жараёни содир бўлади. Айниқса, Далварзинда Будда дини давлат дини даражасига кўтарилиб, буддавийлик эътиқоди билан боғлиқ равишда ҳайкалтарошлик санъати анча юксалади. Далварзинтепанинг шимоли-ғарбий қисмидан маъбудалардан бирига бағишланган ибодатхона ва шаҳар девори ташқарисида эса будда

ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган дахма аниқланди. Энг муҳими Далварпзинтепанинг асосий шохкўчаси жойлашган шаҳар марказидан Будда мажмуаси – улуғвор ҳайкаллари бўлган ибодатхона топилди. Милодий III аср охири IV аср бошларида Кушон подшолиги эфталийлар томонидан забт этилгандан кейин Далварзин шаҳри вайрон қилиниб ҳаёт фақат унинг бир қисмидагина (ҳозирги қалъа Ҳисор) шох саройи ўрнида) сақланиб келган. Араблар истилосидан кейин шаҳар батамом вайрон қилиниб, ҳаёт Далварзинтепадан 10 км чамаси шарқда Бударчтепа ўрнига кўчган.

Далварзин шаҳрининг буддавийлик таянчига айланганига шу нарса далолат берадики, бу даврда шаҳарининг ибодатхоналари, уларнинг ёнида эса монастырлар ҳам мавжуд бўлган. Шаҳар ҳокимларининг муҳим хизматларидан яна бири шу бўлдики, улар мамлакатни бирлаштириш учун кураш олиб бориб, аҳолини ягона мақсад ва мафкура байроғи остида бирлаштириш йўлида муваффақиятли ҳаракат қилди.

Далварзинтепа антик даврда давлат маъмурияти, йирик ибодатхоналар, иқтисодий алоқа тармоқлари ва ҳарбий салоҳият мужассамлашган катта тарихий маданий вилоят маркази бўлиб, йирик марказий шаҳарлар сирасига кирган. Ўзидан кичик бўлган кўплаб аҳоли қароргоҳлари унга бўйсунган. Далварзинтепани илмий ўрганиш ҳамда ўтмиш авлодларимиз яратган моддий-маънавий маданиятни ёш авлод онгига сингдириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон археологларининг илмий тадқиқотлари жаҳон олимларини Далварзинтепага бўлган қизиқишини оширди. 1989 йил Далварзинтепани ўрганиш мақсадида Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси билан Япониянинг Токиодаги Сока университети ва Кашихарадаги Археология институтининг профессори Кюдзо Като раҳбарлигида халқаро экспедиция мунтазам иш олиб бормоқда. Ушбу ҳамкорлик ишини ташкил этишда таниқли археолог ва Баҳодир Турғуновнинг хизматлари катта. Археолог олим Б.Турғунов томонидан бу ердан шахмат доналарининг топилиши ва уни амалий аҳамияти ҳақида илмий мулоҳазаларни тақдим этди. Шахмат доналари хонанинг бир бурчагида, лой сувоқли сахн устида, тупроққа қоришиб кетган ҳолда топилиб, узоқ вақт ўтганлигидан майдаланиб кетиш холига келиб қолган нафис доналарни махсус кимёвий суюқликлар ёрдамида қотириб олинди. Доналар ниҳоятда моҳирона ишланиб, фил донасининг баландлиги 2,4 сантиметр, таг қисми текис қилиб ялтиратилган, шакли тўғри тўртбурчакли (2,9 x 1,8 см). Фил хартумининг устки қисми ўйма нақш билан безалган. Ўркачли хўкиз донаси эса филдан бироз кичикроқ бўлиб, баландлиги 1,8 сантиметр, унинг ҳам таг қисми текис қилиб пардозланган, шакли тўғри тўртбурчакли (2,2 x 1,5) см. Топилма қайд этилган жойда Кушон салтанатининг Хувишка исмли подшоси зарб қилдирган мис танга бор. Бинодан топилган идиш-товоклар ҳам ўша даврга мансуб. Агарда Хувишканинг Канишка подшодан кейин тахтга ўтирганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда шахмат доналари милоднинг II асри билан белгиланади, бу дегани орадан тахминан 1900 йилга яқин вақт ўтди деган гап.

Шахмат ўз ватанида қачон ихтиро қилинган? Бу саволга жавоб берадиган ашёвий далиллар Ҳиндистоннинг ўзида ҳам йўқ. Ҳиндистоннинг таниқли археологи, профессор Нараян Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турганида, Санъатшунослик институтига ташриф буюриб, доналар билан танишгандан кейин, бу фикрни бизга билдирган эди деб таъкидлайди Б Турғунов. Лекин шахматнинг қадимий чатуранга ("тўрт таркибли") номи билан боғлиқ бир далили бор, у ҳам бўлса, Ҳиндистондаги йирик Маурья подшоҳлиги милоддан аввалги 273—236 йилларда ўз ҳарбий қўшинларини чатуранга услубида тузган. Бу қўшин таркибида пиёда аскарлар, суворийлар, филлар, ўрқачли ҳўкизлар қўшилган икки ғилдиракли аравалар бўлган. Ҳиндистон шахмати-чатуранга ўйинида ҳам айнан шу турлар доналарда ўз аксини топган.

Далварзинтепа топилмасигача шахмат тарихини ифодаловчи манбаларнинг энг қадимийси Эронда бўлиб, у ерда 570 йилга мансуб қора тошдан ясалган биттагина филнинг донаси топилган. Шунга асосланиб машҳур англиялик шарқшунос олим Г.Меррей ўзининг мумтоз асари "Шахмат тарихи"да шахматни Ҳиндистонда пайдо бўлган, деб ёзган эди, бу тахминий маълумотлардир. Энди маълумотларни таққослаб кўрайлик-чи: Эрон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар дастлаб унча яхши бўлмаган, айниқса, милоддан аввалги IV асрда Аҳамонийлар шоҳлигининг қулаши билан улар ўртасидаги муносабатлар, умуман, сусайиб кетган эди. Шахмат донасининг VI аср билан белгиланиши шу даврга келиб алоқалар тикланганлигидан дарак беради.

Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар эса анча қадимда мавжуд бўлган. Масалан, Тожикистон билан Афғонистон чегарасидаги Панж дарёсининг қуйи оқимида француз археологлари ҳинд водийсидан келиб қолган мусофирларнинг манзилгоҳларини қазиб топдилар. Юқорида бир неча бор таъкидлаганимиздек, Республикаимизнинг жанубий ҳудудлари Кушонлар даврида салкам 400 йилча (милоддан аввалги I—мил.нинг III асрига) ягона бир империя таркибида бўлган. Демак Далварзинтепа топилмаси ҳисобланган шахмат тарихи хусусидаги эски қарашларни қайта кўришни тақозо этади ва шахмат Марказий Осиёда бошқа давлатларга нисбатан тўрт аср илгари (яъни II асрда) тарқалган, деган фикрни илгари суришга имкон беради. Шахматнинг Ўрта Осиёда қадимдан тарқалганлигини исботловчи далиллар кўпгина археологик қазилмалардан маълум. Жумладан, Далварзинтепага яқин Қумкўрғон тумандан 32 дона, Афросиёбдан 10 тага яқин, Фарғона водийсидаги Мунчоқтепадан, Тожикистоннинг Хулбук деган харобаларидан ҳам хилма-хил шахмат доналари топилган.

Далварзин экспедицияси раҳбари академик Г.А.Пугаченкова ушбу топилма ҳақида рус ва француз тилларида 1978 йилда Ленинград шаҳрида чоп этилган "Художественные сокровища Далварзинтепе" асарида Муроджон Мансуровнинг "Ёмби" романи Тошкентда 1980 йилда чоп этилди. Таниқли археолог олим академик Э.В.Ртвеладзе ва Баҳодир Турғуновларнинг олиб борган тинимсиз изланишлари чексиз кашифётларнинг юзага чиқишга сабаб

бўлди. 1972 йилнинг 25 сентябри тушликка яқин қадимий Далварзинтепа шахристонидан бир кўза олтин топилди. Фан ва маданият учун бекиёс аҳамиятга эга бўлган ушбу топилмалар куйидаги манбаларни ўз ичига олиб, асосан, олтин буюмлар бўлиб, куйидаги қимматбаҳо безаклардан ва қуйма олтиндан иборат эди.

Шода. Милоднинг I асри, олтин, феруза ва альмандин. Узунлиги 61,5 см, қимматбаҳо тошлар қадалган цилиндр шаклидаги қисми 4,8 — 2,8см, диаметри 2,2 — 1,7см, оғирлиги 282 гр.

Шодани тайёрлашда заргар уста ўз маҳоратини тўла намойиш этган. Беш қатор турмакланган соч шаклидаги 8 та олтин ипчалардан тўқилган боғич ниҳоятда моҳирлик билан ичи бўш иккита цилиндрга қадалган. Бу иккала цилиндрга ўз навбатида думалоқ шаклдаги тўғноғичлар қовшарланган. Бу иккала цилиндрда эса махсус ўйиклар қолдирилиб, улар ўз навбатида қаторасига альмандин ва феруза тошлар билан тўлдирилган. Бу тошларнинг бир қатори феруза бўлса, иккинчи қатори альмандин бўлиб, уларнинг сони бир томонида 17 та феруза тош ва 14 та алмандин (3 қатор), иккинчисиди эса 18 та феруза ва 13 та альмандин (2 қатор). Битта феруза тош ўз ўрнида йўқ.

Кўриниб турибдики, иккала цилиндрдаги тошлар нисбатан бир хил эмас. Бу тошларнинг шакли ҳам бир хил эмас: тухумсимон, думалоқ, баъзилари тўртбурчак ва юраксимон шаклларда ишланган. Демак, ҳаммаси бўлиб, бу шодада 35 та феруза, 27 та альмандин тошлар бўлган. Бу тошлар шунчалик жилвадорки, бамисоли бу шодани бўйнига тақиб олган аёлдан худди аллақандай нур сочилиб тургандек бўлса, ажабмас! Бизга энг жумбоқ ери-иккала цилиндрни бирлаштириб турадиган тўғноғичнинг илмоғи сақланмаган ва шоданинг яхлит шакли қандай бўлганлиги номаълум.

Шубҳасиз, бу шода аллақандай бой хонимнинг бўйин тақинчоғи бўлган, деб тасаввур қиламиз. Аммо биз на антик даврдаги ва на ўрта асрлардаги деворий суратларда базми жамшид иштирокчилари бўйинларида бундайларини учратмаймиз, лекин у будда ҳайкалтарошлик санъатидан бизга маълум. Масалан, Будданинг ва унинг сафдоши Бодхисатванинг бўйинларида бу хил тақинчоқларни кўрамиз. Энг кўп учраган шундай ҳайкаллар Гандхара санъатига мансуб бўлиб, Кушонлар империяси даврида қад кўтариб турган буддийлар ибодатхоналаридаги ҳайкалларда учрайди.

Далварзинтепанинг марказидаги буддийлар ибодатхонасидаги Бодхисатванинг бўйнида ҳам худди шу каби шода борлиги яққол кўриниб турибди.

Бу шода хазина таркибида ягона бўлиб қолмай, балки шу кунга қадар қадимшунослар томонидан Ўрта Осиё ёдгорликларида ҳам ягона ноёб тақинчоқдир.

Пектораль. Милоднинг I асри, олтин, сердолик (қизғиш рангли қимматбаҳо тош). Айланаси 14,5 — 11,7см, қалинлиги 0,3см, оғирлиги 212 гр 2мгр. Пектораль — бўйинга тақиладиган тақинчоқ бўлиб, икки бўлакчадан иборат, ҳар бири ўз ўрнида бир-бирига қовшарланган ичи ковак учта чамбараксимон найчалардан иборат. Уларнинг бир томонида иккита ва битта ҳалқачалар бўлиб, бўйинга осилганда қадаб қўйилган, иккинчи томонда эса

тўртбурчак ҳалқага тухумсимон нигинхонага шу шаклдаги қизғиш рангли қимматбаҳо тош қадалган (ўлчами 1,4x1,1x0,2 см). Тошдан юнон афсонавий қаҳрамонларидан бири бўлмиш Гераклнинг ён томондан тасвирланган портрети ўйиб ишланган. Бу қимматбаҳо тош, аввало, узук кўзига мўлжаллаб тайёрланган кўринади, чунки унда тасвирланган зот ётган ҳолда берилган, лекин у тақинчоққа ўрнатилган.

Шу каби тақинчоқлар Термиз яқинидаги, Амударё қирғоғидаги Айритом деган жойда ҳам қазиб топилган Будда иншоотидаги тоштахталардаги ҳайкалларнинг бўйинларида мавжуд.

Гемма (қимматбаҳо тош) эса эллинлар услубида тайёрланган бўлиб, қадимий юнон-бактрия анъаналарига бориб тақалади.

Камар тўқаси (Бляха). Милоднинг I асри, олтин ўйиб ишланган, айланасининг диаметри 4,7см, ўйиқлари 0,9см, оғирлиги 75гр 40мгр. Тўқа камарнинг тўқаси ёхуд либосга тақилгандир, ёки бўлмаса пичоқ ва шамшир дастасининг бегадидир. Ўртасида айлана шаклида ғужанак ҳолда бир оёғини ютмоқчи бўлиб турган икки қулоқли ҳайвоннинг (балки аждаҳо билан илон курашаётгандир) тасвири бўлиб, атрофи юрак шаклидаги йигирматага яқин ўйиқлар (аслида ўйиқларда қимматбаҳо тошлар бўлгани шубҳасиз) билан ўралган ва у ҳам ўз ўрнида бир қатор думалоқ соққачалар билан айлантириб чиқилган.

Бу тақинчоқ ҳам хазинада ягона бўлиб, Сибирь ва Эронда топилган милоддан аввалги V — IV асрларга оид ёдгорликларда учрайдиган ҳайвонлар тасвирига ўхшаб кетади. Далварзин топилмаси эса бир оз кейинроқ ишланган услубга мансуб бўлиб, Марказий Осиё "сақлар" ёки "шаклар" санъати дурдоналари билан уйғунлашиб кетади.

Билагузуклар. Аёлларнинг билақларига тақадиган заргарлик буюмлари милоднинг I асри, ҳаммаси бўлиб 8 та бутун ва 9 та парчаланган, олтин. Билагузуклар қуйма ва товланган (пишитилган), шакли ва оғирлиги ҳар хил бўлиб, билагузуклар япалоқ билагузук, бодомча билагузук, картжомоли билагузук, илонбоши билагузук, росмана билагузук, бақабоши билагузук, кичик билагузук каби хиллари бор. Улар қуйиш ва сўқиш усули билан ишланади. Металлни бўтада эритиб, теганекка қуйиб ясалган қуйма билагузук. Сўқма билагузук металл эритилиб, қолипга қуйилиб совитилгандан сўнг болға билан уриб ёзиб ишланади, юзига жило ва нақшлар берилади. Билагузукнинг бу турини айрим жойларда ёзма ёки ёрма билагузук деб ҳам атайдилар.

Далварзинтепа хазинасидаги билагузуклар ўзига хос ҳажм ва шаклга эга. Битта билагузук, албатта, алоҳида ўрин тутуди, унинг оғирлиги бошқаларга нисбатан ниҳоятда кўп бўлиб, улардан шакли билан ҳам тамомила ажралиб туради. Билагузук битта ёмбидан тайёрланган, унинг оғирлиги ўша ёмбилар қатори 872 гр. 75 мгр, диаметри 7,5 x 8,2см, қалинлиги 0,5 см. Яна битта чамбарак шаклида, диметри 7,7 см келадиган, оғирлиги 349 мгр билагузук бор. Қолган 6 та билагузук эса аввалгиларидан тамомила ажралиб туради ва улар замонавий билагузукларга ўхшаб кетади ҳам. Шулардан 4 таси бир-бирига ўхшаш ва оғирроқ. 118 граммдан тортиб то 455,5 граммгача бор,

диаметри 5,5 см дан 7,5 см.гача етади, қалинлиги бир хил 0,7см. Иккиласи ҳам билакка тақилган, чунки улар дастлабки тайёрланган ҳолатда сақланиб қолган ва бир оз майишган, аммо иккитаси тамомила майишиб кетган. Кичик хажмдагиси айланасининг диаметри 5,5см, қалинлиги 0,7 мм, оғирлиги эса 52 гр. 75 mgr, каттасининг диаметри 6,8 см, қалинлиги 0,7 мм, оғирлиги 97 гр 12 mgr. Бу билагузуклар аввалгиларидан унча йўғон бўлмай, айланасининг учи қалин олтин ипчалар балан спиралсимон қилиб ўралган. Бундай спиралдан каттасининг ҳар бир томонида 8 тадан бўлиб, кичигида эса бир томонида 37 та, иккинчи томонида 39 та бор. Шу шаклдаги билагузуклар Ҳиндистондаги Таксила деган ёдгорликларда ҳам топилган, улар милоннинг 66 йилида кушонларнинг Ҳиндистонга қилган юришлари пайтига тўғри келади.

Яна битта ажойиб тақинчоқ бор, аммо у эркаклар тақинчоғи бўлиб, у кўзага сирмаганидан букланган, чунки унинг узунлиги 44 см келади. Оғирлиги 313 гр 89 mgr, қалинлиги 0,5 см. Ўрта қисми унча йўғон бўлмасда, аммо учига яқинлашган сари йўғонлашиб боради. Бундай тақинчоқлар қадимги рим легионерлари (сарбозлари)да ҳам бўлган.

Билагузук бўлакчалари. Ҳаммасининг оғирлиги 43гр 3 mgr, узунлиги 1,2 ,2 -2,5 см, қалинлиги 0,7- 0,8-1 см дан, булар ҳали заргар тайёрлаб улгурмаган тақинчоқлардир.

Шилдироқ шаклдаги тақинчоқ. Оғирлиги 8гр 5mgr, айланаси узунлиги 1,4см, баландлиги 1,2см, илгагининг узунлиги эса 3 см. Илгагининг бош қисми илон бошини эслатаиб, бочкасимон қисмининг сиртига ўйиб ишланган тўрт барг шаклидаги гуллар тасвирланган. Бу каби тақинчоқлар ҳам Таксила ёдгорлигида учрайди.

Сирға. Улар иккита. Биттаси учбурчаксимон (оғирлиги 1,7 гр, қалинлиги 0,5 -1см, диаметри 1,1-1,2см), иккинчиси айланасимон (оғирлиги 4,2гр, қалинлиги 0,8-1 см, диаметри 1,3см). Ҳар иккаласида ҳам йўғон ва нафис ипчалар чамбараксимон қилиб ўраб безак берилган бўлиб, бу сирғаларни бошқа ёдгорликларда учрамаган.

Хазинада энг кўп сонли буюмлар - булар тўғри тўртбурчакли ёмбилар ва кулчасимон гардиш (диск)лардир.

Кулчасимон олтин буюмлар. Улар ҳаммаси бўлиб 39 та, Уларнинг оғирлиги 74 гр дан тортиб то 828 гр 7 м гр, диаметри эса 2,5 смдан то 9,5 см.гача бор. Уларнинг кўринишлари ҳам ҳар хил: дум-думалок, ва шаклсиз. Айримлари бутун, айримлари эса ярми ёки тўртдан бир миқдорда сақланиб қолган. Буларнинг алоҳида қолипда қуйилганлиги нишонаси сифатида бир, икки ва ҳатто учтадан излари ўйиқ ҳолда сақланиб қолган. Айримларида тешик ҳам бор.

Заргар булардан, шубҳасиз, хом ашё сифатида фойдаланиб, хохлаган тақинчоқ ясаш учун ишлатган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги ёмбилар. Хазинада ноёб тақинчоқлар қатори, улардан фарқ қиладиган тўғри тўртбурчак шаклида тайёрлаган ёмбилар ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир. Улар жами 21 та, 10 тасида қадимий ёзувлар битилган. Оғирлиги жиҳатдан улар иккига бўлинади: кичик ёмбилар ва катта ёмбилар, ўлчамлари: 6,8 x1,6 ва 8,5 x 2,4 x 2 см. Кичиклари 5 дона бўлиб, 327 гр дан 449 гр.гача келади,

катталари эса ҳаммаси бўлиб 16 та, 786 гр.дан то 896 гр 96 мгр гача етади. Лекин бу иккинчи турдагилар учун меъерий оғирлик 876 - 877гр дир (булар ҳаммаси бўлиб 13 та). Ёмбиларнинг таг қисмида тугмачага ўхшаган бўртиб турган қолип ўрни сақланиб қолган. Ёмбилар соф олтин сифатида жуда қимматбаҳодир, аммо уларнинг тарихий аҳамияти янада бебаҳо. Ушбу хазиналар орқали илк бор Кушон подшоҳлиги учун муайян бир олтин меъерий ўлчамдаги маълумотларга эга бўлинди. Бинобарин, бу ёмбиларда битилган қадимий ҳинд "кхароштхи" ёзувлари Кушон империясининг давлат олтин стандарти ҳақида ёки бошқача қилиб айтганда, ўлчов бирлиги ҳақида қимматли маълумотларни беради. "Кхароштхи" ёзуви милоддан аввалги IV ва милодий IV асрлар, яъни салкам 800 йил давомида фойдаланиб келинган бўлиб, ўз навбатида унинг келиб чиқиши қадимий оромий ёзувига бориб тақалади. Бу ёзув кўпроқ шимолий Ҳиндистонда, айниқса, Гандҳара вилоятида кенг тарқалган бўлиб, балки хазина эгаси кушонларнинг Кужула Кадфиз ёки Вима Кадфиз исмли намояндалари ҳукмронлик қилган вақтида Ҳиндистонга қилган юришларида қатнашган аслзодалардан бири бўлган ҳамда бу қимматбаҳо тақинчоқлар ва ёмбиларни у ўша ердан олиб келган ва Далварзинтепадаги бой зодагонлар маҳалласидаги уйда яшириб қўйган деган тахминлар мавжуд. Далварзинтепа олтин хазинаси топилган вақтда 1972 йилда Совет давлатида мазкур соҳада, яъни қадимий ёзувларни ўқий билган олимлар санокли бўлган эди. Айниқса, Ленинград тилшунослик мактаби намояндалари В.А.Лившиц, Т.В.Грек, М.И.Воробьёва-Десятовская бўлиб, улар Термиздаги Қоратепа, Афғонистондаги **Сурхкўтал** қадимий ёзувлари сирларини очиб берган олимлар сифатида маълум эдилар. Шу олимлардан В.И.Воробьёва-Десятовскаяга Далварзинтепа хазинасидаги ёмбиларда битилган ёзувларни талқин қилиш насиб этди. Тўғри, матбуот конференциясида қатнашган ва уларни диққат билан кўздан кечирган Марказий Осиё қадимшуносларининг отахони ҳисобланмиш академик Михаил Евгеньевич Массон: "Балки бу ёзувлар юнон ўлчов бирлиги бўлса ажаб эмас",—деган фикрни билдирган эди. Михаил Евгеньевичнинг фикрини Воробьёва-Десятовская ҳам ўз тадқиқотларида тасдиқлади. Ёзувлар 11 та ёмбида ва битта майишган билагузукда бор.

Тақинчоқлар яхлит бир меъерий оғирликка эга бўлмаган, улар орасида бир неча грамм ёки миллиграмм бўлсада, фарқ бор. Ёзувлар ҳам нуқта сифатида сўқиб битилган, кўпчилигида бир қатор, 2-, 4-, 5- ёмбиларда икки қатор, 1-ёмбида эса ёмбининг икки юзига битилган.

Ёзувлар қадимий ҳинд "кхароштхи" ёзуви эканлиги шубҳасиз. Даставвал нафақат Совет давлатида, балки Ҳиндистондан то Мовароуннахргача бўлган ерларда фақат Эски Термиз харобаларида илк бор 1936 йилда 6 та харфдан иборат битик топилган эди. Уни таниқли археолог В.А.Шишкин "вихарама" ("будда ибодатхонаси") деб ўқиган эди. Топилма содир бўлган ёдгорлик Дунётепа деб аталади. У Амударёнинг бўйида жойлашган бўлиб, буддийлар динига мансуб иншоот ҳисобланади. Далварзинтепа хазинасидаги "кхароштхи" ёзувлари ёмбиларга сигнатура рақамлари вазифасини ўтаган,

фақат 2- ва 4- ёмбилардаги ёзувлар бир хил, қолганларида эса бу сезилмайди. Ёмби оғирликлари юнон бирлиги "статер", "драхма" ва "дхане" деб олинган.

Унда Sa, Sya, Sga-статер учун; Dra, Dha -драхма учун аббревиатурасида олинган (шартли қисқартмасида).

Юнон оғирлик бирликлари, маълум бўлишича, Эрон тилига Аҳамонийлар даврида кириб келган. Ҳиндистон ва Бақтрия ерлари ўртасида маданий алоқалар ҳам Аҳамонийлар даврида яхши бўлганлиги учун булар ишлатилган. Бу албатта, Кушонлар империяси ҳукмронлик қилган вақтда Шимолий Бақтрияда ҳам, хусусан, унинг биринчи пойтахти бўлмиш Далварзинтепада ҳам ишлатилган. Ёмбилардаги оғирлик бирлиги, 1-ёмбидаги ёзувда "20 статер, 1 драхма ва 4 дха" га тенг. Далварзинтепа хазинасида "статер" ва "драхма"дан ташқари, "дха" оғирлик бирлиги ҳам мавжуд бўлган.

Демак 6-, 7-, 9- ва 10- ёмбилардаги ёзувларга қараганда, улар бир хил: "50 статер"га тенг бўлиши керак, аммо ҳақиқий оғирликлари эса бироз тенг эмас: 868, 95 гр: 876, 7 гр: 876,52 гр ва 876, 98 гр. Шундай экан, у ҳолда статер ҳисобида 6-ёмби тахминан 17,537 гр, 7-ёмби 17,534 гр, 9-ёмби 17,530 гр, 10-ёмби 17,537 гр бўлади. 2-ва 4- ёмбилардаги ёзувлар йиғиндиси эса "25 статер ва ярим драхма"ни беради. 2-ёмби 449гр, 4-ёмбининг бир қисми кесилган, шунинг учун умумий меъёрий оғирлигидан камроқ. Далварзинтепа хазинасидаги ёмбиларда зарб этилган ҳарфлар тўғрироғи белгилар синчковлик билан ўрганилганда, уларда ўлчов бирлигидан ташқари сўзлар ҳам борлиги аниқланди. Ҳамма ёмбилар ичида 11-ёмби ажралиб туради. Унда фақат битта "8" ҳарфи бор, холос. Бу "олтин" деган маънони билдирадиган қисқартма ишора бўлса керак.

Умуман ёмбидаги ёзувларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Фақат ўлчов бирлиги битилган ёмби. Бунга фақат 8-ёмби киради.

2. Уларда ўлчов бирлиги билан бир қаторда олтиннинг ким томонидан олинганлиги ҳам кўрсатилган. Уларга 1- ва 5-ёмбилар киради.

3. Ўлчов бирлиги унинг эгаси ёки бўлмаса, ким учун тайёрланганлиги ва ким орқали олинганлиги ҳам битилган ёмбилар. Уларга 2-,4-, 7-1 9- ва 10-ёмбилар кириб ўлчов бирлиги битилган фақат битта ёмби, у ҳам бўлса 8-ёмбидир. Унда "43 статер 2 драхма 2 дхане" деб кўрсатилган. 1-рақамли ёмбининг икки юзига битилган ёзувларнинг бирида "20 статер 1 драхма 4 дхане" дейилган бўлса, иккинчи юзида эса "Митра орқали берилди" деган маъно бор .

Митрена-Митра, бу Кушон амалдорлари ичидаги ғазначи бўлса ажаб эмас. Бу иборани яна 2-, 4- ва 5- ёмбиларда ҳам мавжуд. 2- ёмбида унинг ўлчов бирлиги, эгаси ёки ким учун тайёрланганлиги ва кимдан олинганлиги кўрсатилади. "25 статер, ярим драхма, бошлиққа Митрадан" маънодаги сўзлар битилган.6-ёмбида эса "50 статер Кальяна. Шрамана" дейилган. Бу ерда "кшьяна" ва "шрамана" иборалари "аъло даражали" ва "жуда ажойиб" маъноларини ангалатади, деган фикр пайдо бўлди. Балки олтиннинг сифати ҳақида ёки маълум шахснинг хислатлари назарда тутилган. Тақинчоқларнинг сифатига Ҳиндистон олтинининг пробаси — тамғаси ҳақида ёзма маълумот-

лар йўқ. Мазкур топилма эса айнан ўша даврга тааллуқди. Ҳиндистонда фақат ўрта асрларга келиб олтиннинг энг яхшиси "16 проба" ҳисобланганлиги маълум. Аммо унинг ўлчов бирлиги бизга қоронғу. Кейинчалик эса олтиннинг сифати тушиб кетиб, "12 проба" энг юқори ҳисобланган. Агарда Кальяна ёки Калана иборасининг юнон манбаларида келтирилган Каланас ёки Калана ибораси билан қиёсий солиштирилса, у ҳолда бу тарихий шахс бўлиб Александр Македонский — Искандар Зулқарнайнга хизматга олинган Таксила шаҳрилик ҳинд донишманди бўлиб чиқади. Шу боисдан ҳам 6-ёмбидаги "Кальяна" ибораси олтиннинг сифати эмас, балки ўша донишмандга тегишли деб ҳисобласа ҳақиқатга тўғри келади. Чунки одатда инъом этувчи, саховатли шахсларнинг исмлари лексик-фонетик жиҳатдан ҳам шу шаклда ифодаланган.

Энди "Кальяна" иборасидан кейин келган "Шрмана"га келсак, у 7-, 9- ва 10- ёмбиларда ҳам келтирилади ва у "будда роҳиби" деган иборани ифодалаши маълум бўлади. Демак, бу олтин хазина ва бойликларнинг эгаси бой-зодагонлар ҳамда киборлардан совға тариқасида олган буддавийлар жамоаси бўлган бўлиб, шу каби қиммат совғалар ва инъомлардан буддийлар жамоаси ибодатхоналар тиклашган. Будда ва бошқа диндор шахсларнинг ҳайкаллари тайёрлашга сарфлашган. Далварзинтепада иккита будда иншооти борлигини, айниқса, бу хазина топилган зодагоннинг уйдан чамаси 100 метрлар узоқликда, шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган будда ибодатхонасининг у ердан хилма-хил ҳайкаллар ва уларнинг айримларининг либослари, қўллари сиртига олтин сувлари юритилганлигини ҳисобга олсак, Далварзинтепа хазинасининг ҳам шу мақсадда фойдаланиш учун мўлжалланганлигига шубҳа қилмаса бўлади. Энди охирги, букилган билагузук бўлагининг ички қисмида битилган ёзувга келсак, унда фақат "беш юз" сўзини ўқиш имконияти бўлди, холос.

Шубҳасиз, Далварзинтепа хазинаси палеографик жиҳатдан милодий I асрга тўғри келади. Ундаги ёзувлар Таксилада милодий 78 йил билан белгиланган мис товоқдаги ёзув ва Жалолобод (Афғонистон) яқинидаги Бемарон деган жойдан топилган I асрга оид гулдондаги ёзувлар билан уйғунлашиб кетади.

Хазинадан топилган 115 тақинчокнинг шакли ва ҳажми унча диққатга молик бўлмаса ҳам, аммо уларнинг айримларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Битта букилган, "Л" ҳарфига ўхшаб, оғирлиги 432 гр 6 мгр, умумий узунлиги 9,2 см, қалинлиги 2 см келиб, бирорта тақинчок тайёрлашга мўлжалланган олтин бор. Энг муҳим томони шуки, бошқа ёмбилардагидек, унинг ички қисмида 8 та сўқиб ишланган ёзув бор. Унда ҳам 4,5, 10 ва 20 рақамлари бор. Яна қайроқсимон, оғирлиги 299 гр, узунлиги 12,6 см, қалинлиги 2 см келадиган, томонлари силликланган соф олтин парчаси мавжуд. Шунингдек, ҳажми бироз кичикроқ, оғирлиги 22;55;8;70,7 гр, узунлиги 3,9;5,4; 4,7 см, қалинлиги 1;1,4 см ясси парчалардан учтасини 3 марта, 4 ва 8 марта букилган ҳолда сақланган.

8 та тухумсимон шаклдаги, балки ёмбилардан "чикит" ҳолида сақланган, аммо заргар бирорта тақинчок қилиб улгармаган бўлакчалар ҳам бор.

Уларнинг оғирлиги 69,8 граммдан то 283 грамм 1мг гача, узунлиги 3,2 см дан то 6 см гача, қалинлиги эса 7 мм дан то 1см гача 6 та найчага ўхшаган жуда нафис ва енгил (ҳар бирининг оғирлиги 0,5 гр узунлиги 0,9 см, қалинлиги 1 мм) бўлакчалар бўлиб, балки улар ҳам тақинчоқ сифатида ишлатилгандир. Ва ниҳоят, бир нечта ҳажми ва шакли жиҳатидан тамомила бошқача бўлган, фақат бирорта нафис тақинчоқ тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланишга мўлжалланган ёки бўлмаса "чиқит" ҳолда сакланиб қолган соф олтин бўлакчалар ҳам хазина таркибида бор. Уларнинг оғирлиги 1,5 гр дан тортиб то 21,5 гр гача.

Ўша пайтда марказга сажда қилувчи айрим бошлиқлар бу топилмаларни Москва ва Ленинграднинг йирик музейларига бериш керак, чунки у ер марказ, чет эллардан у ерга кўп меҳмонлар келишади, деган "доно маслаҳатлар"ни ҳам берган эдилар. Аммо Шароф Рашидов:

— Йўқ, янглишасизлар, уларда ўзлариники етарли, Далварзинтепа олтин хазинаси эса бу бизнинг қадимий тарихимиз ва маданиятимиз кўркидир, шунинг учун ҳам бизда сакланиши керак, — деган эдилар. Мана энди Мустақил юртимизга ҳам дунёнинг ҳамма бурчакларидан сайёҳлар, давлат арбоблари ва фуқаролари келиб, хазинадаги ноёб атиқаларни кўриб, бизнинг қадимда нақадар бой маданиятимиз бўлганлигига тасаннолар ўқимоқдалар.

Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони, унинг антик давр дунё санъати қаторида тутган ўрнидир. Агарда милодий аср бошлари тарихида Кушон, Хоразм, Суғд каби йирик давлатлар бўлганини, бу асрларда савлат тўкиб турган шаҳарлар, қасрлар ва гуркираб яшнаган ҳудуд бўлган Ўзбекистон ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарларда ривожланган заргарлик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ва хунармандчиликнинг бошқа турлари гуркираб яшнаган.

Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетсада, уларнинг Шимолий Бақтрия, яъни ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Чағониён давлатининг қўли гул усталари томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Лекин шунинг ўзи ҳам боболаримизнинг кўшни мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотик ва маданий алоқалар олиб борганликларидан дарак беради. Далварзинтепа олтин хазинаси шу тариқа кашф қилинди, бу Ўзбекистон қадимшунослиги тарихида қайд этилган биринчи ва энг ноёб топилма эди. Бу топилма 1988 йилнинг 17 апрелида Нара шаҳрида очилган халқаро кўргазмада собиқ Совет Иттифоқи коллекцияси орасида Далварзинтепанинг Будда ибодатхонасидан топилган учта ҳайкалча — Будданинг боши, Бодхисатва ҳайкали ва Будда қўлининг қисми намойиш этилди. 1991 йил январда Токиода Ўзбекистон Санъатшунослик институти 30 йиллик топилмалари асосида япон, рус ва инглиз тилларида "Ўзбекистон жанубида қадимий маданият" ("Древности Южного Узбекистана") мажмуаси босмадан чиқарилди. 1996 йили Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик институти ва Сока университети биргаликда Сока университети нашриётида япон ва ўзбек тилларида "Далварзинтепа шахристони" ("1989 — 1993 йиллардаги

кадимшунослик тадқиқотлари яқунлари") тўпламини йирик китоб тариқасида нашр эттиришди. Бунда Кюдзо Като, Комуро Кинносукэ, Б.Турғунов, Т.В.Ғафурбеков, С.А.Савчук-Қурбонов, Д.В.Русанов, Ж.Я.Илёсов, Кояма Мизиру, С.В.Левушкина, Хаяси Тосио, К.Дои ва бошқа япониялик ва ўзбекистонлик қадимшунос олимларнинг илмий-амалий изланишлари, тадқиқотлари, хулосалари ўз ифодасини топган, топилмаларга кенг изоҳ берилган. Далварзинтепани, қадимий Чағониён заминини тадқиқ этиш борасида Япония ва Ўзбекистон олимларининг ҳамкорликдаги ишлари шу билан ниҳоясига етган эмас. Бу ишлар янада кенг кўламда давом этмоқда. Далварзинтепа йирик маданий ва тарихий обида бўлиб, Ўзбекистоннинг илк давлатчилик, шаҳарсозлик тарихини ўрганишда ҳамда моддий ва маънавий маданиятимизни халқимиз онгига чуқурроқ сингдиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги илмий изланишлар натижасида Далварзинтепа кўҳна шаҳрига мил. авв. III асрда асос солинганлиги аниқланди. Юнон-Бақтрия даврида бу ерда кўхандиз пайдо бўлади. Далварзин меъморчилиги Бақтрия ва Юнон қурилиши тажрибаларининг синтезини ўзида акс эттиради.

Далварзин шаҳрининг чеккароқ жойида милодий I асрда тикланган Будда ибодатхонасидан Будданинг боши, Бодхисатванинг маҳорат билан ишланган маҳобатли ҳайкали, фил суягидан тайёрланган шахматнинг икки донаси топилди. Будданинг боши лой ва гипсдан ясалган бўлиб, бошининг баландлиги 39 см, эни 25 см келади. Бодхисатванинг (ўша даврга оид) ҳайкали ҳам лой ва гипсдан ясалиб, ранг билан бўялган. Унинг баландлиги 2 метр 18 см, эни 89 см. У бир пайтлар Будда бутхонасида турган ҳайкаллар гуруҳидан биридир. Бу кўҳна топилмалар бошқа ёдгорликлар билан биргаликда 1988 йили Япониянинг Нара шаҳридаги «Ипак йўли Нарага боради» деб номланган халқаро кўрғазмада намойиш этилган эди. 1995 йили эса улар Париждаги муҳташам «Гранд-Палес» («Катта сарой»)нинг нодир галереясида муваффақият билан намойиш этилди.

Қадимги Далварзин ва унинг атрофидаги ҳудудларда деҳқончилик, хунармандчилик ва чорвачилик ривож топиб, хўжалик ҳаёти савдо-сотикнинг тараққий этганлиги билан ажралиб, маданий экинлар экиш натижасида боғдорчилик анча тараққий топди. Далварзиндан будда ибодатхоналари ҳамда қабрлар очиб ўрганилганда қабрларда кўмилган одам боши жанубга қаратилиб, ёнига бешта турли сопол буюмларда нарсалар қўйилган бўлиб, бу қабрлар III-IV асрларга оидлиги аниқланди. Далварзиннинг шимоли-шарқидан шаҳар мудофаа девори ёнидан 2-3 метр баландликда бўлган мудофаа девори топилиб, ундан уч ярусли номаълум кишилар томонидан талон-торож қилинган қабрлар 1981-1982 йилларда археолог олимлар Б.А.Турғунов ва С.Болеловлар томонидан ўрганилиб илмий таҳлил қилинди. Бу қабрлардан 17 одам қолдиқлари аниқланди, қабрлар хом ғиштлардан дарё ўзанига яқин кўмилган бўлиб, бу хона тўғри бурчакли 1,8-2,6х0,-1,0 кв,метр дан иборат тор хона бўлиб, хона оралиғи хом ғишт билан ўралган. Хонадан чиқиш йўлаги шарқ томондан, қабрга мурдалар алоҳида мартабасига кўра ҳамда гуруҳ қилиб кўмилган. Қабрлардан Хусров I Ануширвон подшолиги ва

Далварзин шахрига оид тангалар топилиди, тангалар мис ва кумушдан ҳамда бронзадан тайёрланган, унда хукмдорлар тасвири турли хил тасвирлар туширилган. Далварзин маданиятига хос юнон услубидага терракоталарда сопол идишларга пиктографик белги тасвирлари, турли стратиграфик чизиклар, белгили тасвирлар турли маъно-мазмунни ўзида аск эттирган. Далварзин қадимий ёдгорлигидан 125 та юнон тангалари топилди, у шимолий Бақтрия ҳудудларида савдо-сотиқнинг ривожланганлигидан далолат бериб, ижтимоий-турмуш тарзини аниқлашга хизмат қилди.

Вайрон бўлган антик давр девори устида тикланган бинонинг қачон қурилганлигини жуда аниқлик билан белгилаш мумкин. Равоқ очилганда, ғиштлар орасидан VI-VII асрга оид турк-суғд тангалари чиқди. Девор қурилиши учун ишлатилган тўртбурчак ғиштлар ҳам шу даврга тўғри келади. Далварзинтепадаги антик давр истехкомининг ташландиқ ҳолатга келиб емирилиш жараёни, афтидан, IV-V асрларга тўғри келади. Мамлакат VI-VII асрларда инқироздан чиққач, истехком қулай, баланд манзил сифатида қайта қурилиб тикланади, шаҳарнинг ўзи эса хароба бўлиб қолади. Далварзинтепа аҳоли маскани сифатида араблар истилоси чоғида узил-кесил тугади, чунки арқда ҳам, шахристонда ҳам араблар келганидан кейинги даврнинг изи йўқ. Далварзинни 705 йили Қутайба босиб олади ва 737 йилда унинг ҳокими арабларга ўлпон тўлайдиган бўлади.

ВОҲАНИНГ БУДДАВИЙЛИК ДИНИ БИЛАН БОҒЛИК МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

Жаҳон цивилизация тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган будда дини ва унинг кенг тарқалиши ҳамда Будда эътиқодларининг кенг ёйилишида Далварзин шаҳри муҳим ўрин эгаллади. Будда дини билан боғлиқ ибодатхоналарни илмий амалий ўрганишда, Будда дини ҳақидаги ғоявий қарашларни фан нуқтаий назаридан мукамал таҳлил қилишда Академик Э.В Ртвеладзе ва археолог олим Б Турғуновларнинг хизматлари беқиёсдир. Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбаларда Будда дини ва унинг намояндалари билан боғлиқ маълумотлар Далварзин шаҳридан аниқланиб, Будда дини ҳақидаги маълумотлар кенг китобхонлар оммасига илмий тадқиқотчилар томонидан тақдим этилди. Кенг тарқалган динлардан бўлган Буддавийлик иншоотлари Далварзин шаҳари деворидан ярим чақирим узокликда жойлашган, Будда динини Кушон хукмдорлари ўз ҳомийлигига олишган. Шунинг учун бўлса керак, Далварзин шаҳридаги бу иккала будда иншооти жуда ҳашаматли ва дабдабали бўлиб, шаҳарни душман қамал қилиб турганда ҳам унга махфий равишда махсус сопол қувурлардан сув келиб турган. Ушбу қувурлардан бири жуда пухта жойлаштирилган бўлиб, ҳозирги ер сатҳидан деярли 6 метр чуқурликда, уйнинг остидан ўтиб, 15 метр узунликкача казиб ўрганилди. Унинг давоми шаҳарнинг ғарбий деворига қараб йўналтирилган, сопол қувурларнинг ҳар биттасининг узунлиги 1 метр

(хаммаси бўлиб ҳозирча топилган 15 та). Шахристонда мумтоз антик давр шаҳарларига оид тафсилотларнинг барчаси мавжуд бўлиб, бу пойтахт шаҳар бўлган. 1968 йилда Душанбе шаҳрида Кушонлар тарихи, маданияти ва санъатини ўрганишга бағишланган Халқаро симпозиумда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигида топилган ашъвий далиллар юзасидан қилган маърузада Далварзинтепа, Гуйшуан (Кушон) кўчманчи қабилаларнинг илк бор ташкил қилган империясининг пойтахти бўлган, кейинчалик, чамаси юз йиллар ўтгач, улар пойтахтни Пурушапур (Покистондаги ҳозирги Пешовар шаҳри) га кўчирганлар, деган фаразни баён қилганида, симпозиум ташкилотчиси академик Бобожон Ғофурович Ғофуров ҳамманинг фикрини яқунлаб:

Профессор Г.А.Пугаченкова бошлиқ экспедициянинг Далварзинтепа ва Холчаёнда олиб борган ишлари ҳамда улар топган ноёб топилмалар Кушонлар муаммосининг кўп томонларини тушунишда қалит бўлиб хизмат этиши билан бирга, Бактрия санъат мактабининг негизини ҳам ташкил қилади, - деб юксак баҳо берган эди. Арехолог олим Б. Турғунов томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Далварзин шаҳри харобалари мукамал ўрганилиб, унинг ноёб маданий тараққиёти ҳақидаги маълумотлар фанга тақдим этилди. Жумладан, олимнинг тадқиқотларида қайд этилган Шимолий Бактриянинг ноёб ёдгорликлари сафига Далварзинтепадаги 2-будда ибодатхонаси қолдиқлари унча катта бўлмаган тепалар остидан топилди. Будда ибодатхонаси шаҳар марказидан шимолда жойлашиб, жанубий қисми унча қалин бўлмаган девор билан уралган кичкина ховлида жойлашган. Қазилма ишларидан кейин катта-кичик ибодатхонанинг 15 хонаси очилиб, илмий асосда таҳлил қилинди. Будда ибодатхонасининг биринчи иморатдаги горизонтал чегарани аниқлаш учун гулмихдан фойдаланилиб, горизонтнинг пасткида пахса ва хом ғиштдан терилган девор қисми ва маданий қатламда кўплаб ошхона буюмлари, лаган қолдиқлари топилган. Ибодатхонанинг пастки қаватлари хом ғиштдан терилган, аммо аниқ чегаралар аниқланмаган.

Шунинг учун ибодатхонанинг яшаш хоналарини аниқлашнинг иложи бўлмаганлиги сабабли ҳайкалларнинг қолдиқлари ҳақида Б. Турғунов батафсил маълумотларни тақдим этган. Жумладан, тепалик марказида 10X9 м майдонда лойдан ясалган буёқ қолдиқлари ҳам аниқланган, шарқ томони зиналардан иборат 1,5 метр йўлак келиб қушилган. Жанубий қисмида 4та хона (6-8) қўшилган бўлиб, 6-чи хонанинг жанубий девори йўқ, бу ерда айвон ҳам бўлган, ўтиш йўлининг 4 метрли эни яхши сақланган. 10-11 хоналарда 70 -80 см қалинликда кул қатламлари очилиб, кўпгина турли ҳайвонларнинг суяклари ва ошхона буюмлари топилди. Ибодатхонанинг ғарбий ва шимоли - ғарбий қисмлар ҳам яхши очилмаган. Очилган хоналар ичида 2, 3, 9, - хоналар катта қизиқиш уйғотиб, деворлари яхши сақланган, лойдан ва гипсдан ясалган ҳайкалчалар бор. 2 – иншоот тўғри тўртбурчакли 6,7X7 метрдан иборат бўлиб, хонанинг деворлари 2метргача баландликда яхши сақланган. Жанубий девори, ғарбий ва шимолий деворларида сув учун қазилган чуқурлар бор. Шарқий деворнинг марказида 60 см-ли 3 та зина топилиб, зинанинг тепа қисми пойдеворга тақалган, пастки қисми 15 см кул

билан ҳопланган майдончага тақалган. Майдонча полдан озгина пастга туширилган, шувоқ қилинган, оқланган. Унинг атрофида гипс ҳайкалчаларнинг қолдиқлари тўпланган, улар атайин тўплаб, кейин синдирилганга ўхшайди. Бу ерда кичик ҳайкалчалар ва одам бўйидан катта ҳайкалларнинг қолдиқлари топиб аниқланди. Улар орасида Будда қиёфаси ва бошқа безакли турли хил ашёлар бўлиб, нафис дид билан ишланган – туғноғичлар, медальонлар, зебигардон ва бошқа буюмлар мавжуд. Кўпгина ҳайкалчалар қизил, қора, оч – мала ранга бўялган, юпқа тилло қатлами билан қопланган.

3 – иншоотнинг ҳажми (9,5X5) бўлиб, унинг учта девори бор, ғарбий девордан ташқари шимоли-шарқий бурчакдаги 9 хонага ўтиш йўли бўлган. Майдонда Будда ва бошқа беаги дид билан ишланган ҳайкалчалар девор бўйлаб териб қўйилган. 9 - хона қазилманинг шимолий томонида (7,5X3,9 метр) тўғри бурчакли хона, девори турли даражада сақланиб қолган: шимолий томон 40-80 см, жанубий девор – 2,5 см баландликда, жануби - ғарбий бурчакда 1,2 метр энли ўтиш жойининг девори лойшувоқ қилинган ва оқланган. Ғарбий девор оч-қизил ранга буялган, айрим жойлари сомоншувоқ қилинган. Ғарбий деворга кириш қисмида 30-40 см қалинликда 1,4 метр узунликда тўсиқ девор қурилган, жанубий томонга бурилган жойда тамбур ҳосил қилган, ғарбий деворнинг шимолий қисми нураган. Шимолий девор тагигача нураган, жанубий деворга 105X65X45 см ҳажмли супа қўшилган. Супалар ғарбий (эни 90 см-ли, баландлиги 30 см) ва шимолий (эни 95 см, баландлиги 35 см) деворлар ёнида ҳам қурилган, пол қисми лойшувоқ қилинган. Тамбурда ерда ўчоқ жойи очилган, деворлари олов таъсирида қорайиб қолган, тепа деворнинг бўлақларида тепа қисмининг бўялган бўлақлари топилди. Хона полида чаппа қилиб терилган кўпгина чироқлар ва тамбурда 3 та чироқ, умумий эса 41 та чироқ топилди. Бошқа кулолчилик буюмлари орасида чуқур лаган топилган, лаганнинг гирдида 2 та тулқинли чизик тортилган. Ўйиқ нақшли тутқичи, шуниндек, бошқа каттароқ идишнинг булагиде илмоқсимон тутқичи бўлиб, юқори қисмига ҳайвон шакли ёпиштирилган.

Жануби – шарқий бурчакда қалин девор орасида топилган конус шаклидаги кулдоннинг учта учбурчак ўйма шакли бўлиб, чилим идиши сақланмаган. Бу бинода фил суягидан ясалган илгич, ярим ой шаклидаги буюм ва бошқа фил суягидан ясалган буюмлар – ўйма шакллари ўрни қолган билан узук ялпоқ шакли 2 см катта миқдорда чиғаноқдан уйиб ясалган тугма топилди. Топилмалар орасида думалоқ шаклидаги мунчоқ донаси, металлдан ясалган занглаган буюмлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шимоли – шарқий бурчакда III-IV – қаватлар 34X34X12 см хом ғиштдан терилган, қаватлар 1,5X1,5 метр майдонни эгалаб, у 1,3 метр баландликда. Майдон, асосан, Будда ҳайкалига пойдевор қилиб 2 метр баландликда қурилган, Будда бор бўйича марказга қаратиб ўрнатилган бўлиши мумкин. Будданинг улкан оёқлари шу майдончада турган, майдонча лой – сомон сувоқ қилиб, гипс билан оқланган. Ҳайкалга дид билан ҳар томонлама ишлов берилган, орқа тарафи бўялмаган, деворга ёпишиб қурилган, фақат бош қисмига ишлов

берилган. Ҳайкалнинг белдан пастки қисми яхши сақланган, унда кўп қаватли кийимларнинг устидан ташланган ёпқич ҳам бор, у оч кизил рангга буялган. Бел қисмида емирилиш излари бўлиб, улар атай синдириш ёки бўлиб олиш оқибатидир, бош қисми оёқлари олдида ётгани бунинг исботидир. Йиқилиш оқибатида бош қисми ёрилган, бурни синган, пастки жағи синдирилган, орқа қисми, қўли, елка, соч қисми синган. Будданинг сочи қора рангда, усти кизил, қоши ва қорачиғи қизил чизик билан чегараланган.

Бодисатва ҳайкали лойдан ясалган бўлиб, қарама-қарши томонга қўйилган, эҳтимолки оғирлигидан озгина унга энгашган. Ҳайкал тўлиқ сақланмаган. У аввалдан белдан пастки қисми емирилган, аммо шу ҳолатда ўрнатилган, чап қўли букилган, қорнига тегиб турибди, ўнг қўли пастга тушган, аммо тирсагидан пастки қисми йўқ. Кийим қаватлари елка қисмида ва чап қўлида яхши сақланган. Кўкрак қисмида тўғри туртбурчакли медальон (тумор) тақилган. Бошнинг тепа қисми емирилган, аммо сақланган қисми бадавлат эканлигини кўрсатади, қора рангли жингалак сочлари икки қатор қилиб боғич билан боғланган, ораларига туғноғичлар қадалган. Юзи ёш, қўзи ярим очик, лаблари ним табассум қилиб турибди, қошлари қўшилиб кетган. Бўйнида бир неча қатор тақинчоқ тақилган, қимматбаҳо безатилган қатори ияк қисмига яқин тақилган, кейинги қатори ўттизга яқин лойдан ясалган доиралардан иборат бўлиб, кўкрак қисмигача тушган. Учинчи қатори шикастланган бўлиб, озгина қисми Бодисатанинг қўли олдидаги қисми яхши сақланган. Бодисатванинг пешанасида анъанавий холи-«урна» чуқурча бўлиб сақланган, унда кичкинагина тилло безак илмак билан биркитилган. Бошқа бир Бодисатванинг ҳайкали гипсдан ясалган, боши лойдан ясашиб юпқа ганч билан қопланган, ҳайкал юз қисми билан ерга қараб, буддадан 1,5 м ўнгда ётибди. Йиқилганда боши ажралиб, танадан бўлак жойда ётибди. Бодисатванинг ҳайкали шимолий деворга қарама-қарши жойлашган. Юз қисми пастга қараб ётгани учун унинг қисмлари яхши сақланган, пешонасига тушиб турган сочлари жингалак қилинган, барглardan тўқилгандай гулчамбар тақилган. Ўнг қўли тирсагидан букилиб, очик ҳолда олдинга интилган. (фақат бармоқларининг учи синган) икки қатор билан узук тақилган. Чап қўлининг тирсагача елка қисми сақланган, тепаси бел қисмигача яланғоч ҳолда, пастроқда қимматбаҳо қилиб безатилган белбоғ ва осилиб турган кийими бўлган. Белбоғ бир неча боғлардан иборат бўлиб, ўндан ортик тўғнағичлар (медалоньлар) осилган, ўртасида бешта доирага бириктирилган безаклар шодаси осилган. Кўкрак қисмидаги безак ҳам жуда қимматбаҳо мунчоқлар шодаси, 2-чи қатор юрак нусха тақинчоқлар шодаси, қимматбаҳо тақинчоқ ўртасида кулфсимон усулда япроқлар билан безатилган, ўнг оёғида тўпиғида камарнинг тўғнағичи бор. Бу хонада будда дид билан ишланган тасвирларидан бирининг гипсдан ясалган боши топилган. Нураган пайтда оғирлигидан чакка қисми емирилган, бурнининг учи синган, аммо соч турмаги ва безаклари яхши сақланган. Аввалги ҳайкалга ўхшаб сочлари жингалак қилиниб, тўғнағич тақилган, қулоғи узун, бир неча (шариклар) доиралар шодаси илинган. Шу хонадан топилган лойдан ясалган аёл ҳайкали ғарбий томонда ўрнатилган, тана қисми белигача

яланғоч, чап кўкрагида уч - тўртта чуқурча бор. Буйнида билинар-билинемас безак изи бор, букилган ўнг кўли қаватли мато билан ўралган, чап кўли синган. Юпқа кийимлари остидан оёқлари ва сон қисми яхши билинади. эҳтимол бу юпқа матони у чап кўли билан ушлаб турибди ва мато чап оёқлари устидан осилиб тушган. Санаб ўтилган ҳайкаллар табиий баландликда ишланган, шу билан бирга полда учта гипсдан ясалган бош қисмлари топилган. Биттаси буддист-монахнинг, иккинчиси буддист-донаторнинг, учинчиси жангчининг боши эди. Бошлар ҳажмига қараганда (9-12 см) ҳайкаллар унча катта бўлмаган, биринчи персонажнинг юзи хотиржам, жингалак сочлари икки қатор боғич билан боғланган. Рухонийнинг юзи синган, ияк қисми, оғзи бурни, ўнг кўзи сақланган.

Учинчи персонажнинг юз қисмида гипс емирилган ва бузилган. 3 хонадан топилган топилмалар орасида будда персонажларига тегишли аёл қомаги асоси лойдан ясалган, устидан гипсда юпқа қилиб қопланган. Бўйнида ва кўкрагида йирик тақинчоқлар шодаси билаклариди билакузук, қомагини юпқа мато қоплаган, чап кўли ва елкасини ёпиб турибди, кўллари кўкрагида букилган (бармоқлари синган). Ҳайкал оч қизил (гулоби) рангга буялган, бу гуруҳга Будда ҳайкали юз қисмини ҳам мутаносиб ҳисобласа бўлади. Унинг асоси лойдан бўлиб, юпқа гипсдан қопланган, юзи қизил ва оч қизил рангга бўялган, қошлари ва сочлари қора рангга буялган. 2, 3, 9 хоналардан ҳайкал қисмлари, синдирилган бармоқлар, оёқ панжалари, соч турмаги қисмлари топилди.

Будда ибодатхоналари. Далварзин шаҳри харобаларидан топилган будда ҳайкалтарошлик санъати обидаларига асосланиб будда дини Ҳиндистонда пайдо бўлгандан кейин салкам 500 йил ўтгач, Афғонистон орқали Марказий Осиёга кириб келган дейиш мумкин. Бу динни тарқатишда Кушонлар империяси, айниқса, унинг саркардаси, ўзини “Шоҳлар шоҳи, буюк халоскор” деб эълон қилган Канишка жуда катта ҳисса қўшди. У ҳукмронлик қилган пайтда империя бадавлатлиги, юксак маданияти, санъати, шаҳарсозлиги билан юқори даражага кўтарилган эди. Бунга сабаб, у ўзи будда динига амал қилиши билан бирга, давлат сиёсатига ҳам будда динидан усталик билан фойдаланади. У вазиятни тушунган ҳолда иш тутди. Чунки унинг салтанатида ҳар хил анъаналар ва эътиқодларга мансуб ҳар хил тилда сўзлашадиган элатлар бўлиб (Канишка даврида Кушон империясига ҳозирги Ҳиндистон, Покистон ва Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудлари кирган), уларни бирлаштириш учун ягона бир дин зарур эди. Бундай дин – ўзлари яқиндагина Ҳиндистонни босиб олганларида қабул қилинган будда дини жуда кўл келди.

Канишка кўплаб будда иншоотларини қурдирди, пойтахтда буддавийларнинг диний йиғилишини ўтказди. Унинг зарб қилган тангаларида бошқа худолар билан бир қаторда, Будданинг тасвири ва BOODOO деган ёзув ҳам битилган эди. У ҳатто давлат бошқариш аппаратида маслаҳатчи сифатида будда кохинларидан ҳам фойдаланди. Кушон подшолари бу динни қабул қилиш ва бошқаларни шу динга бўйсундириш учун ўт қўйиб, қилич ўйнатиб, бошқа динларга оид ибодатхоналарни ер билан

яксон қилмадилар. Бу ишни жуда усталик билан ишонтириш йўли билан амалга ошириб, коҳинлар ўз илми ва ҳаракати билан халқни ўз таъсирига ўтказдилар. Ана шундай будда ташвиқотчиларидан бири термизлик (яъни “тармиталик”) Дхармамитра бошлиқ ташвиқотчилар, ҳатто бу динни шарқий Туркистон ва Хитойга ва бошқа жойларга тарқатдилар. Кушонлар империясида Будда дини ягона давлат дини бўлмасдан, балки ҳар қайси элатнинг ўзи хоҳлаган динлари бўлиб, улар ўз худоларига ишонар ва сиғинар эди.

Буддизмнинг қулайлиги яна шундаки, будда ибодатхоналарига янги келганлар нафақат диний рисоалар ва китоблар ўқишар, балки шу билан бирга, дунёвий адабиётлар – тиббиёт, грамматика, мусиқа, ер, осмон, шамол ва юлдузлар ҳақида, рассомлик ва шеърят илмларини ўрганишар эди. Шунинг учун ҳам, буддизм тадқиқотчиларининг фикрича, буддизм ўзининг 2500 йиллик тарихи даврида ибодатхоналарни қуришда, ҳайкалтарошлик ва рассомлик соҳасида, диний-фалсафий рисоалар яратишда, тарғиботчиликда ва зиёратчиликда, йирик буддизм мутафаккирлари сонининг кўплиги жиҳатидан Кушон империясидек юқори даражага эришмаган. Ҳатто хоразмлик аллома Абу Райҳон Беруний ҳам буддизм ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Ўтмиш замонларда Хуросон, Форс, Эрон ва Мосулдан то Суриянинг чегарасигача яшаган аҳоли буддавий динига сиғинар эди. Аммо кейинчалик Зоратуштра (Зартуштра) таълимоти Гуштаспга ёқиб, уни мағриб ва машриқда тарқата бошлади. Чин мамлакатидан то Рум ерларига қадар оташпарастлик ибодатхоналари қурилди”.

Буддизм Марказий Осиёни ҳинд маданияти билан таништиришда худди “кўприк” хизматини адо этган. Бу диннинг кенг тарқалиши билан Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида ўзаро муносабатлар ривожланиб кетди. Бу ўзаро алоқалар бир ёқлама бўлмасдан, балки Ҳиндистонда ҳам Марказий Осиё маданияти излари борлиги намоён бўлмоқда. Масалан, Ҳиндистондаги кўпчилик қўшин, ҳарбий ва маъмурий амалдорлар ўрта осиеликлардан тайинланган. Яна бу маданиятнинг излари – Юнон алифбосига асосланиб Кушон ёзувида битилган Бақтрия тили, кийим-кечак хиллари, чолғу асбоблари ва рақслари ҳам кириб борди. Мана шу маълумотларга эга бўлган ҳолда, Далварзинтепада иккита будда ибодатхонасини қазиб очилди. Биринчи марта будда иншооти 1967 йилнинг илк баҳорида топилди, бу бино шаҳар ичида жойлашмасдан, балки унинг шимолий муҳофаа девори томонида, ундан ярим чақирим нарироқда жойлашган. Бино қолдиқлари одатда буддизм иншоотлари кўп хонали ва мураккаб тарҳга эга бўлиб, унинг фақат еттита хонаси сақланган, деворлари ҳам атиги 70-80 сантиметр баландликда сақланиб қолган (шубҳасиз, янги тикланган вақтда ундан баланд бўлган).

Ёдгорликда тангалар ибодатхонанинг Кушон подшоларидан Кадфиз I (эрамизнинг I асри) даврида зарб қилинганлигидан дарак беради. Хоналар ичида ганчдан тайёрланган ҳайкаллар майдаланиб, марказий қисми “шоҳлар зали” деб номланган, чунки у ерда ҳайкаллар будданинг иззатловчи подшо хонадонидаги ва унга яқин кишларни ифодалайди. Бу хонага махсус

йўлаклар орқали кирилиб, қолган хоналарда озиқ-овқат сақланган ва баъзиларида қоҳинлар (монахлар) истиқомат қилганлар. “Шохлар зали” ёнида Будда ҳайкали ўрнатилган супанинг пойдевори сақланиб қолган, у асосан хом ғишт ва паҳсадан ишланган. Ҳайкаллар аксарият “шоҳлар зали” ва унга борадиган йўлакдан топилган, бизгача етиб келган ҳайкаллар бири-биридан ажойиб ва нодир. Уларда подшоҳ, шаҳзода, амалдорлар, Будда, унинг мухлислари, шогирдлари ва издошлари тасвирланган. Шаҳзоданинг ҳайкалида унинг қимматбаҳо тошлар қадалган махсус тайёрланган оч кўк рангли узунчоқ кулоҳи ва юз тузилиши усталик билан ишланган кушон подшоларидан бири II асрда ҳукмронлик қилган Васудева ўзи зарб қилдирган мис тангаларда худди шундай кулоҳда тасвирланган эди. Иккинчи ҳайкал эса каттароқ, узунлиги 1 метрга тенг, уни аслида бўлак-бўлак ҳолда хонанинг у ер-бу еридан топилиб, Санъатшунослик институтининг тажрибали ҳайкалтарош таъмирчилари уни аввалги ҳолига қайтардилар. Унинг устки кийими Кушон империяси амалдорларининг либосини ифодалаб, юзи ва шалвари қип-қизил рангда, мўйлови, сочи, осилиб турган белбоғи қора рангда.

Шу гуруҳга подшоҳ саройи вакилларида бўлса керак, бир аёл ҳам киради, у ниҳоятда гўзал бўлиб, сочлари турмакланган, икки чеккасида гажаги, қирра бурни ниҳоятда мафтункордир. Юзи ҳам оч қизил рангда, залнинг ўртасида турган асосий ҳайкал Будданинг ўзиники, бизгача бутун етиб келмаган, унинг фақат оёғи, қўл панжалари, сочлари топилди, холос. Баъзи ҳайкаллар эса Будданинг икки томонидан қўлларида гулчамбарлар ушлаб турган “девати” деган шахслардир. Биттасининг юз тузилиши ва жингалак сочлари қўшни Афғонистондаги Ҳадда будда ёдгорлигидан топилган “Гул ушлаб турган улуғ истеъдод” қиёфасидаги шахсга ўхшайди. Беш қиррали юлдуз, тунбарг шаклидаги безаклар ва гулчамбарларнинг ҳаммаси ҳайкалларга тақилган бўлган, айрим ҳайкаллар қўлларида шу безакларни ушлаб турибди. Ҳайкалларнинг бош ва тана қисмлари лойдан тайёрланган бўлиб, бир қават мато билан ўралган, сўнгра устидан бир неча қават ганч бериб, у қотишга улгурмасданок, зудлик билан керакли қиёфалар яратилган. Тугмачалар аёлларнинг қулоқларидаги исирғалари, сочлари, қўл ва оёқ панжалари ҳамда турли жимжимадор безаклар эса қолипда қуйилиб, сўнг ёпиштириб қўйилган. Мато чириб кетган, аммо унинг изи ганчда аниқ кўриниб сақланиб қолган.

Далварзинтепадаги иккинчи будда ибодатхонаси қадимги шаҳарнинг қарийб марказида жойлашган. Шаҳристон тузилиши шуни кўрсатадики, унинг марказида шарқдан ғарбга томон эни 18 метрга яқин кўча ўтган бўлиб, шаҳарни иккига ажратган. Ғарбда у бадавлат хонадонлар маҳалласига бориб тақалади, марказда “Т” ҳарфи шаклида чорраҳа ҳосил қилиб, бу кўчадан бошқа бир йирик кўча ажралиб чиқади ва шаҳарнинг шимолий қисмига қараб йўналади. Унчалик баланд бўлмаган ва бағрида будда ибодатхонаси қолдиқларини яшириб ётган тепаликлар тор кўча орқали шу йирик кўча билан боғланган. Бу будда ибодатхонаси шаҳар ташқарисидаги будда

ибодатхонасига кўра катта жойни эгаллайди, бу объектда иш 1983 йилда бошланган бўлса, ҳозирда ҳам тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Археолог олим Б.Турғунов ва япон олимлари томонидан Будда иншоотининг 20 дан кўпроқ хонаси очиб текширилди. Марказда томонлари 11 ва 9 метр келадиган катта зал бўлган, унинг атрофида эса майда майда хоналар жойлашган бўлиб, уларда қоҳинлар яшаган, овқат тайёрлаган ва бошқа мақсадларда фойдаланилган. Марказий хонада эса асосан Будда, Бодхисатва ва бошқа бошқа персонажлар ҳайкаллари ўрнатилган. Залнинг жануби-шарқий ва шимолий деворлари бўйлаб ҳайкаллар ўтирган, тик турган ҳолда тасвирланган. Будданинг ҳайкали махсус тоқча ичига жойлаштирилган, қолганлари эса сува устида.

Ҳайкалларнинг аксарияти парчаланган ҳолда учрайди. залнинг ҳажми катта бўлганлиги учун, унинг томи бўлмаган, балки очик бўлиб, фақат ҳайкалларнинг тепасига айвон шаклида мослама қурилган. Деворларда ўша устунларининг ўрни ковак бўйлаб сақланиб қолган, аммо ёғочлар чириб кетган. Марказий залда ҳайкаллар тўпланган бўлиб, уларнинг парчалари бошқа қўшни хоналарда ҳам учрайди, аммо жуда оз миқдорда.

Будда иншоотининг тарҳи тўла-тўқис аниқлангани йўқ, уни ўрганиш ҳам бир оз қийинроқ, чунки шаҳарнинг шу қисми қушон-сосонийлар даврида фаол ўзлаштирилган. Устига-устак, ибодатхона хоналарининг бир қисмидан маълум вақт бошқа мақсадларда фойдаланилган, кейин эса шу ерда янги иншоотлар қурилган. Дастлабки ҳайкаллар 2-хонага олиб кирадиган зинапоё ёнида жойлашган, ганч ҳайкалларининг парчалари, соч толалари, медальонлар, кўкрак нишонлари, безакларнинг бошқа қисмлари, олтин суви билан қопланган ҳайкалларнинг тана қисмлари топилди. Шу парчаларга қараганда, бу ерда кичик ҳайкаллардан тортиб, одамдан қарийб икки марта йирик ҳайкаллар ҳам бўлган. Ана шу ҳайкал парчалари орасида аждарнинг ён томондан тасвирланган мўъжаз ҳайкалчаси топилди. Бу қиёфа ҳинд асотириларида сув унсурининг рамзи бўлган тимсоҳсимон маҳлуқ – “Макара” нинг айнан ўзидир. 3-хонадан йирик хилма-хил ва ажойиб ҳайкаллар чиқди. Таггўшам ва деворлар бўйлаб турли катталиқдаги 25 та ҳайкал, ҳайкаллар ва суратларнинг ўнлаб парчалари топилди. Хонанинг жануби-шарқий ва шимолий деворлари бўйлаб ҳайкаллар мажмуи, алоҳида ҳайкаллар кўп учрайди. Ҳайкаллар устида уларни қор ёмғир ва шамолдан сақловчи ҳамда девордан учи чиқиб турадиган консоль тўсинлар устида ўрнатилувчи бостирмалар бўлган. Чиндан ҳам, бошқаларга нисбатан баландлиги қарийб 3 метр жуда яхши сақланиб қолган жанубий деворда вақт ўтиши билан чириб кетган тўсинларнинг ўрни – тўртта думалоқ тешик кўриниб турибди.

Деворлар остида ва таҳмонларда жойлаштирилган ҳайкалларга бой бўлган бу хил ички ҳовли, мисол учун Шарқий Афғонистоннинг Ҳадда шаҳридаги Тепаишутур будда мажмуасида учрайди. Муҳим фарқи шундаки, у ҳайкалга ўхшатиб безатилган ва марказий йирик таглик атрофига жамланган кичик тагликларга тўла. Далварзинтепа ибодатхонасида эса бошқача: асосий таглик ҳозирча топилмаган, балки у мажмуанинг бошқа қисмдадир. Ҳайкаллар жойлаштирилган ер сатҳи 7 ярус (ярим метр 1 ярус)

ўрталарига тўғри келади. Асосий ҳайкаллар Будда, Бодхисатва ва бошқа Будда персонажларининг лойдан, лой-ганчдан ва ганчнинг ўзидан ишланган жами йигирмадан зиёд ҳайкаллар бўлиб, шунингдек, ҳайкалларни алоҳида парчалари (қўл ва оёқ кафти, кийим, тақинчок, тепа қисмлари) топилди. Ҳайкаллар орасида катта-кичиклари ва йирик ўлчамда ишланган таналар бор, уларни тайёрлашда юз, соч турмаги қисмлари, бош кийими ва заргарлик буюмлари учун қолиплардан кенг фойдаланилган. Ҳайкал қисмлари алоҳида тайёрланиб, кейин лой ва ганж сатҳга ганч қоришмаси ёрдамида ёпиштирилган. Юқорида айтиб ўтилгандек, йирик ҳайкалларнинг айримлари супага ёки махсус тагликларга ўрнатилган, бир ёки икки қатор хом ғиштдан терилган бу тагликларга ҳайкаллар ўрнатилган. Бир ёки икки қатор хом ғиштдан терилган бу тагликлар супачалар яхшилаб сувалган, баъзан эса оқланган ёхуд қизил, пушти рангларга бўялган.

Будда ўтирган ҳолда тасвирланган лой-ганчдан ишланган энг йирик ва чамаси асосий ҳайкал хонанинг шарқий девори томонидан жойлашган. Унда гавданинг очилган оёқларини ўраб турган ридодан иборат қуйи қисми эни 1 м 80 см сақланиб қолган. Матонинг энсиз учи қатларини тутиб турган бармоғининг узунлиги 28 см ва майин тарашланган чап қўлнинг йирик кафти ўлчамлари: 38x20x25 см ни ташкил этади. Қўл кафти ва ўтирган гавда ўлчамларига қараганда Будда ҳайкали анча йирик бўлган. Ўтирган ҳолда тасвирланувчи Будда ҳайкаллариغا хос мутаносибликдан келиб чиқиб ҳисобланганда, гавда баландлиги гавда билан бирга 3 метрга борган бўлиши керак ва уни тахмоннинг қилсимон ёки кунгурадод равоғи ўраб турган.

Ўтирган Будда ҳайкалларининг лойдан ишланган иккинчиси жанубий девордан жануби-шарқий бурчак яқинидан топилди. Бу ҳайкал аввалгисига нисбатан хароброқ, оёқларини ёпиб турган кийим тахларигина сақланиб қолган, холос. Биринчи ҳайкалнинг ўнг томонида ўнг оёқ ёпиб турган кийим тахлари устида Будданинг алоҳида юзи пастга қараган ҳолда ётган боши топилди. Бу анъанавий қиёфа лойдан қолипда тайёрланган кейин қўлда озроқ тузатилиб, тўла юзи майин тарашланган, пешана кенглиги ўртача, қош бўртмалари бир текис “нилуфаргули” шаклидаги кўз бичими тўғри, бўртма ковоқлари ярим юмилган, энгаги одил, оғзи кичик, кулоқлари бошга ёпишган (энгаги синган). Жингалак сочлари бош ва бўйини зич қоплаб турибди, сочларининг бир қисми йўқ, юзида оқ пигмент, сочда қора бўёқ сақланиб қолган (бош ўлчамлари: 40x20x23 см).

Ўтирган иккинчи Будда яқинида чап оёғидан 60 см масофадаги чуқурча тозаланганда Будданинг йирик боши чиқди. У лой-ганчдан ишланган бўлиб, ниҳоятда парчаланган, иккита кулоқ, бурун, кўз ва қаншар парчалари, юзнинг бир қисми мавжуд. Ўлчамига кўра, биринчи ҳайкалникидан сал каттароқ бўлган бу бош иккинчи ҳайкалга тегишли бўлиши мумкин. Шимоли-шарқий бурчакда тик турган ҳолда тасвирланган Будданинг бошқа бир йирик ҳайкали жойлашган. Бошининг юқори қисми синдирилган бўлиб, ерда, оёқлари остида ётибди, белининг бир қисми йўқ. Тана лойдан ўша услуб асосида ишланган, қизил юзи ва сочида қора ранг излари сақланиб

қолган. Жингалак сочлари бошда саккиз, кулоқларда уч қатор сақланган. (Бош ўлчамлари 28x25x4 см).

Бодхисатва ҳайкаллари мукамал ўрганган археолог Б. Турғуновнинг илмий тақиқотларида ушбу манбаларга алоҳида изоҳ берилган, топилган ҳайкаллар йирик ўлчамларда ишланган. 3-хонадан олтига ҳайкал топилди, Улар буддизмнинг бешта олий Бодхисатва муқаддаслаштирилган асосий анъаналарига мувофиқ тайёрланган. Жануби-шарқий девордаги тахмоннинг икки томонида иккита Бодхисатва тагликларга жойлаштирилган. Фигураларнинг бири хонанинг жанубий бурчакида юзи билан, иккинчиси супа ўртасида юзи юқорига қараб йиқилган. Бодхисатваларнинг шимолий девор бўйлаб жойлашган ва қарийб бутун сақланиб қолган яна иккита ҳайкали ерга йиқилган ёки ағдариб ташланган.

Далварзинтепа ҳайкаллари Гандраха Бодхисатваларининг анъанавий қиёфасига мувофиқ: юз бичимлари ажойиб ва ёқимли. Жингалак сочлари қалин, бош кийимлари чиройли, танаси яланғоч, бўйнида маржон, чап елкаси ва қўли оша “уттари” шарфи ташланган, “дхоти” деб аталувчи юбкасимон хиндча либос кийиб, камар билан боғланган, яланг оёқ Буддалардан фарқли ўлароқ, шиппак кийган. Бироқ Далварзинтепадаги Бодхисатва ҳайкаллари бир қатор қисмлари уларни Гандхарадаги ва буддизм тарқалган бошқа ҳудудлардаги ҳайкаллардан фарқи ажратиб туради.

Хонанинг жанубий девори остида ўтирган Будда Бодхисатванинг мукамал ишланган ҳайкали топилди. У қизғиш лойдан ишланган, устидан оқ пигмент юритилган, танаси, либоси ва бош кийими қизилга, сочи қора рангга бўялган. Юзи қолипдан чиқарилиб қўлда силлиқланган, танаси ва мато қўлда ясалган. Юз қиёфаси будданики сингари кенг ва тўла бурни сал эгилган, оғзи кичик, юқори лабидаги чуқурча сезиларли, ияги тўла, қўллари баданига ёпишган. Қизиқарли бир нарса – қаншари тепасида “урна” бўлиб, унга олтин ўрнатилган ва устидан ганч билан сувалган.

Танагача қия кесик шаклида ишланган калта сочлари кулоқлари олдидан чиқиб, айланиб ўтган. Бошида тиллақош бўлиб, унинг марказидан икки қатор эшилган тизимча чиқиб, тиллақошни айланган ва ён томонида гулбезаклар билан мастаҳкамлаб қўйилган. Чамаси, тиллақош марказидан қандайдир осма безак бўлган, лекин у ва бошининг тепа қисми сақланиб қолмаган. Бодхисатванинг танаси ва ўнг қўли очиқ тана шакли бир қадар умумий тарзда сайқалланган, Чап елкага тушган “уттари” шарфи кафти сонда турган қўлни ўраган. Белда дхоти бошланиб, кенг-мўлгина осилиб туради, камарга бир қатор думалоқ қадама безак билан зеб берилган. Бўйнидаги маржондан ташқари елкадан яна бир маржон-уч қатор майда ярим шарлар билан копланган занжир тушиб турибди.

Бодхисатваларнинг лой-ганчдан ишланган иккита ҳайкали ўлчамлари, тури ва техник ижросига кўра, ўзаро анча яқин. Улар фақат баъзи нарсалардагина фарқланувчи бир хил қолиплардан фойдаланиб ишланган ва бир хилда силлиқланган. Бу ҳайкалларнинг бири озроқ синган, баландлиги 226 см. Юзи қолипда лойдан ишланиб, устидан ганч билан силлиқланган, бошидаги умумий **ганч сувоқ** алоҳида-алоҳида қўйилган нарсалар -бўртма

“S” шалидаги соч толалари ва узун гулбарглардан гулчамбар ёпиштирилган. Қулоқлари синган, юзида пушти, қовоқларида қизил, сочларида қора бўёк излари сақланиб қолган. Бўйнида уч қатор мураккаб маржон бор: усткиси майда шарчалар шаклида, остидаги иккита ипга узунчоқ жавохирлар ўтказилган, ипларнинг марказига ва елкалар устидаги қисмига бўртма - доирасимон ҳалқалар кўринишидаги катта ва юмалоқ медальонлар биркитилган, қуйи ипда яна осма безаклар ҳам бўлган.

Бодхисатванинг елкаларидан бўртма ва чийрилган иплардан тайёрланган бошқа бир узун оғир маржон турибди. Дхоти матоси сонларда олти баргли гул безакларилари билан камардек боғланган, қўллари ва оёқ кафтлари сақланмаган. Шуниси қизиқки, Бодхисатванинг елкаларидан тушиб турган узун ва оғир маржон Далварзинтепа олтин хазинасидан чиққан маржон билан бир хил. Бодхисатванинг иккинчи ва худди шундай йирик ҳайкали ўша қаторнинг ўзидан, шимолий девор остидан топилди. Сақланиб қолган қисмининг умумий баландлиги 220 см, лойдан ишланган оёқлари, беллари ва қўллариининг тирсақдан пастки қисмлари сақланмаган. Ҳайкал юзи тепага қараган ҳолда ётгани сабабли, бинонинг устки қисмлари қулаганида бурни, оғзи, пешонаси ва соч турмаги бузилган. Шунингдек, маржон ҳам сақланмаган, бироқ қолганлари – либос тахлари, ундаги анвойи ранглар, ноёб камари ва бўйнидаги тақинчоқлари бу ҳайкални энг муҳим ва ўзига хос топилмалар қаторига қўяди. Ҳозирча у ҳайкалларнинг энг йиригидир, бошқа Бодхисатванинг боши алоҳида топилди. Унинг юз қиёфаси ва гажаклари Бодхисатваникига ўхшайди, чунки боши ёни билан тушган ва устидан хом ғиштлар босиб қолган. Тиллақоши эса, бошқача – тасма кўринишида бўлиб, унга бўртма қилиб ишланган думалоқ ва катта-кичик медальонлар оралатиб қадалган: катталари тўртта доирасимон чизикча кўринишда бўлиб, чеккадагиси майда ярим шарлар билан қопланган, кичик медальонлар эса марказга битта ва унинг атрофига, доира бўйлаб олти шар ўрнатилган ҳолда гулбезакни ҳосил қилади. Бўйнида, ўнг қулоғи остидан тасманинг қисқа учи чиқиб турибди, ушбу Бодхисатванинг қулоқларида эса кўнғироқсимон асосга зич қилиб биркитилган 12 парчадан иборат сирғалар сақланиб қолган.

Ибодатхонадаги бошқа ҳайкаллар. Будда ва Бодхисатваларнинг йирик ҳайкаллари билан бир қаторда бошқа кишиларнинг ҳайкаллари ҳам ибодатхонани безатишда иштирок этганлар. Булар дунёвий кишилар, чамаси данаторлар ёки умуман буддизмга хайрихоҳ одамлар ҳайкалчалари бўлиб, эхтимол, тузилиш гуруҳларини ташкил этишгандир. Уларнинг парчалари етиб келган, лекин мутаносиблик қоидалари бўйича бўйи 70-100 см.га етган. Учта йирик тана (биттасининг боши алоҳида ётган, иккитаси эса бошсиз) ва турли ўлчамдаги бошлар – ана шу Будда ҳайкалларига мансуб.

Камарли ҳайкал. Гавданинг умумий баландлиги 81 см (белдан юқори қисми 33 см, белидан пасти – 48 см). ҳайкал лой ва ганчдан жуда юпқа қопланиб, устидан қизил рангга бўялган. Ўнг оёғида либоснинг 5-6 тахлари сақланиб қолган, чап оёқда эса йўқ, чап оёқ остида либос осилиб турибди, либоси чакмон ёки шалвар. Эни 30 см келадиган камар яққол тасвирланган, ундан қуйида қадама тақалар бор: иккитаси бутун, безатилган, атрофида яна

иккитаси қисман сақланиб қолган. Тўқалар йирик ва сиртига гулбарглар, тугма ёпиштирилган, қандайдир чуқурчалар бор. Буларнинг бири атрофидан икки қатор чуқур чизиклар ўтган.

Маржонли ҳайкал. Гавданинг умумий баландлиги 86 см. Боши ва оёқлари йўқ. Қўллари либос остида. Бўйнида (диаметри – 23 см) уч қатор маржон бор. Биринчиси – юқори қатор спиралсимон тарзда икки қатор қилиб ўрилган, ўрта қатор ўғирчалардан, қуйи қатор эса ганч билан ёпиштирилган гулбарглардан иборат. Ҳайкал лой ва ганчдан ясалган, қолаверса, ганч қатлами анча қалин. Киндик атрофига аввал бир неча нусхада учрайдиган йирик медальон ўрнатилган. Марказида юрак шаклида безаги борлиги унинг ўзига хос хусусиятидир. Либос тахлари чап томонда яққол тасвирланган ва қўллари шу тахлар остида қолган.

Бошли ҳайкал. Умумий баландлиги 1 м.10 см, лой ва ганчдан ишланиб, қизил рангга бўялган. Тана ва бош алоҳида-алоҳида топилган. Либос тахларига аввалги ҳайкалда бўлганидек учлари юрак шаклидаги медальон бириктирилган. Ундан қуйида доирачалардан иборат безак қатори ўтади. Либос тахлари жуда чиройли тасвирланган: чап елкадан тушган мато оҳиста осилиб, тана, ўнг қўл ва белнинг бир қисмини ўраган. Чап елкада, либос тахлари устида Бодхисатванинг йирик ҳайкалидаги каби маржон бириктирилган. Бош ҳам тана сингари лойдан ясалган ва қалин ганч қатлами билан қопланган. Юзида ганч қатлами сақланиб қолмаган, фақат бошнинг юқори қисмида ганч безак бор. Бу безак ҳам Бодхисатванинг бошидаги спиралсимон безакка ўхшайди.

Қизил бош. Бодхисатванинг боши сингари эзилган. Юзи ниҳоятда бузилган, эҳтимол, устига тушган ғаштлар босиб қолгандир. Лойдан ясашиб, қизил рангга бўялган. Сочлари тўлқинсимон ва қора рангда. Бошнинг балиндлиги 46 см, эни 32 см.

Аёл танаси. Ҳайкал лойдан тайёрланган. Ягона аёл фигураси бўлганидан, гўё ўзича бир чеккада тургандек. Ҳайкалнинг боши йўқ. Қўллари тирсакдан ва оёқлари тахминан болдир ўртасидан синдирилган. Ранги сақланмаган, бироқ деворга тегиб турган ва силлиқланмаган курак қисмида ганч изи бор, бу эса ҳайкал девор оқланишидан аввал ўрнатилганини кўрсатади. Аёл коматли, сал бурилган ҳолатда тасвирланган. Белидан юқори қисман яланғоч бўлиб, елкалари ва кичик юмалоқ кўкраклари майингина ишланган. Либоси тирсаклари ва сонларини ўраб қия тахлар кўринишида осилиб турибди. Ҳайкалнинг оғирлиги чап оёққа тушган, ўнг оёғи сал букилган ҳолда либос остидан сезилиб турибди. Ўлчамлари: 66x32x18 см.

Таналар. Улар иккита. Юқори қисми ганчдан ишланган. Биринчисининг ясалиши текис ва жуда нафис. Қўлларининг тирсакдан юқори қисми тахлари қия утталарига ўралган, ўнг қўли очиқ ва ундан кўп баргли гулбезаклардан иборат йирик билагузук бор. Худди шундай билагузук чап қўлида ҳам бор. Қўлларида ё катта гулчамбар, ёки майда учли гулбарглар кўринишидаги заргарлик буюмини тутганича кўкракларига босиб турибди. Иккинчи тана ҳам бошсиз бўлиб, ўтирган ҳолда тасвирланган, Будда фигурасининг ёнидан топилди. Чап елканинг бир тутам нарса тутган қўл билан биргаликдаги қисми

сақланиб қолган. Либос тахлари аниқ тасвирланган. Ўнг қўли бўйинини ўраган либос тахлари остидан чиқиб турубди.

Алоҳида бошлар. Тўртта бошнинг ҳар бири алоҳида – алоҳида топилди, бироқ ҳаммаси танасиз. Битта бош ўсмирга мансуб. Юзи сал ўнгга ва юқорига қараган. Пешонанинг тепаси ва чеккаларидан ўраб турган тўлқинсимон сочлари қулоқлар томонга йўналган. Чиройли пешанабоғнинг юқори қисми қалин боғич кўринида, пастки қисми - майда тўртли қилиб ишланган энсиз тасмадан иборат, ўртаси ва чеккаларида эса шаклдор тугунча ҳам гардишига олинган бўртма жавохирларга ҳам ўхшаб кетадиган ва нималигини аниқ билиб бўлмайдиган бир нарсалар бор. Қулоқ солинчакларида сирға тақилган излар кўринади. Юз бичими бежирим, қош бўртмалари сал кўтарилган, кичик кўзларининг нигоҳи тепага қараган оғиз бурчаклари сал бурилган. Ўлчамлари 13x9, 5x6,6см.

Бошқа бош аскарга тегишли. Аскар дубулғасининг тепасида пешонадан энсага кетган қирра ва олд томонида юқори учидан бошланиб, икки томонга йўналган жимжима чизиқлар бор. Бош нам муҳитда шикастланганлиги сабабли, юз қиёфаси аниқ эмас.

Маъбуданинг боши. Соч турмагининг бир қисми сақланмаган. Бурни пачоқланган. Сочлари спиралсимон кўринишда, тиллақоши эса беш-олти баргли гулбезакдан иборат. Ниҳоят, тўртинчи бош бирон амалдорга тегишли бўлиши мумкин. Далварзинтепада шаҳар ташқарисидаги биринчи ибодатхоонадан топилган ҳайкалга жуда ўхшаш. Лойдан ишланган, юзи, сочи қизил рангга бўялган.

Алоҳида парчалар. Улар қўл-оёқларнинг кафти, панжалари, либос, юз ва тана, катта – кичик ҳайкалларга мансуб қўл ва айрим бармоқлар парчалари кўп учрайди. Ўн учта қўл ва йигирмадан зиёд бармоқларни ажратишга муваффақ бўлинди. Айрим қўл кафтлари гулбарглар, беш қиррали юлдузчалар ва япроқларни тутган, баъзиларининг эса очиқ. Бир ўринда кафтга олтин суви югуртирилган. Яна бир гуруҳ қўл кафтларида бармоқлардаги узуклар ва билаклар яққол кўриниб турибди.

Шимолий ва ғарбий деворлар бўйлаб бир неча жойда Будда ёки Бодхисатваларнинг оёқ юзлари топилди. Улар орасидаги ганчдан ишланган 5 та лойдан ишланган 3 та оёқ юзлари бор. Ганч оёқларининг биринчи ва иккинчи бармоқлари орасида безаклар ўрнатилган. Битта йирик оёқ юзасидан эса бармоқлар орасидан ташқари тўпиклар атрофига ҳам медалъонлар биркитилган. Йирик билагузукларнинг парчалари топилди, улар Бодхисатвалар қўлининг билак ва тирсакдан юқори қисмига тақилган бўлиши мумкин. Билгузуклар йўғон қилиб ишланган, ўртасига гулбезак, унинг икки томонига эса тухумсимон шаклидаги бўртма жавохирлар қадалган. 3-ҳовли ва 2 ва 9-хоналардан асосан ганчдан ва қисман лойдан қуйилган ҳайкал қулаганда осонгина кўчиб кетадиган юздан зиёд алоҳида қадама топилди. Топилмалар орасида ўралган занжирлардан иборат бўйин безакларининг бир қанча турлари, жавохир билан қопланган ва ўрилган йирик маржон парчалари бор. Медальонлар бир неча хил: доирасимон чизиқлар ва чеккасига ярим шарчалар ўрнатилган йирик ва думалоқ шаклда,

кичиклари ҳам шундай, фақат айланасимон барглар тарздаги олти япроқли гулбезаклардан иборат нақш ясси кўринишда.

Кўплаб безакларда қизил ва қора ранглар, айримларида эса олтин хошия излари бор. Оддий қадама безаклар гуруҳи хилма-хил: юрак шаклидаги япроқлар; икки-учта доирасимон чизиклари бўлган бодомсимон осма безаклар, беш қиррали юлдузсимон безаклар кўринишидаги қадамалар, тасма ва тизимчалар парчалари, йирик ва бир-бирининг устига қисман тушган тўқалардан иборат камарнинг парчалари. Шунингдек, одатда қизил ранга бўялган ва тахлари чиройли либосларнинг парчалари ҳам учрайди. Оддий, тўлқинсимон, спиралсимон “S” шаклидаги ва пилла кўринишида жуда йирик тасвирланган соч толалари алоҳида ҳолда, шунингдек, турмакдан синиб тушган йирик парчалар кўринишида ҳам топилди. Аксарият қора рангга бўялган.

Хоналар беагига ҳайкаллардан ташқари суратлар ҳам кирган бўлиб, жануби-ғарбий бурчакда Бодхисатванинг йирик ҳайкали сақланиб қолган. Бу суратларда ислимий нақшлар, соч турмагининг бир қисми ва соқолли эркакнинг юзи тасвирланган. Будда боши атрофида гулчамбар ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Далварзин шахристонида иккита эҳром топилди, биттаси шаҳар деворидан ташқари ва иккинчиси - қадимий шаҳар марказида. Милоднинг бошларида илк Кушонлар даврида Ўзбекистон жанубига буддизм жадал кириб кела бошлайди. Эски Термиз атрофида милодий 1-2 асрларга мансуб бўлган дастлабки будда эҳромлари барпо қилинади. Маълум вақт ўтиб, буддизм шимолга тарқалади. Буддизмни шимолий Бактрия ҳудудига шимоли-ғарбий Ҳиндистон (Ҳозирда Покистон ҳудудига кирувчи Гандҳара вилояти)дан ҳозирги Афғонистон замини орқали буддавийлар манзилгоҳлари олиб келишганини аллақачон исботлаб берилган. Ана шу буддийлар ҳукмдорнинг қўллаб-қувватлаши ёрдамида жуда кўплаб маҳаллий мухлислари янги динга ўтди. Далварзинтепа девори ташқарисида милодий 1 аср охири 2 аср бошларида бунёд этилган будда ибодатхонасидаги бир гуруҳ ҳайкаллар бунинг яққол исботидир. Уларни орасида жавоҳирлар билан безатилган кушон либослари ва чўққи қалпоқ кийган шоҳ хонадони аъзолари тасвирланган.

Далварзин шаҳрида иккита будда иншоотининг мавжудлиги буддизмнинг шаҳарликлар ҳаётидаги мавқеининг юқорилиги ва бошқа маҳаллий динлар ўртасида эгаллаган ўрнини кўрсатиб турибди. Шаҳар ташқарисидаги будда обидасида будда манзаралари билан бир қаторда маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳайкали мавжуд бўлса (аниқроғи улар Будда тухфа келтираётган ёки сажда қилаётган донаторлар қиёфасида акс эттирилган), шаҳар марказидаги будда эҳромида дунёвий шахсларнинг ҳайкаллари камроқ учрайди. Бу ерда асосий Будда, Бадхисатва бошқа будда шахслари тасвирланган. Агар тарихий вазиятга синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, Кушон империяси гуллаб яшнаган даврда, милодий I аср ва II аср бошларида буддизм бу ҳудудга кириб келиб мустаҳкамлана бошлаганини, ҳукмдорлар будда иншоотларини қуришга ҳозирча фақат шаҳар ташқарисидаги рухсат бераётганларини ва бунинг эвазига олий шарафга

сазovor бўлаётганлари, заллардаги буддалар қаторида подшоҳ хонадони аъзоларининг ҳайкаллари вужудга келаётганлигини кўриш мумкин. Кейинроқ, буддизм бу заминда мустақкам ўрнашиб олган даврда (милодий II аср охири III аср бошлари) улуғвор ибодатхона шаҳарнинг ўзиде, яна қок марказида қад кўтаради. Энди бу ердаги шахсларнинг ҳам қарийб бари будда дини намояндаларини акс эттиради.

Кўриниб турибдики эҳромдаги ҳайкал кўп жиҳатдан анъанавий қоидалар асосида бунёд этилган бўлса ҳам, ҳайкалтарошлик санъатининг ноёб асарлари сирасига мансуб. Далварзин шахридаги биринчи эҳром анча аввал яратилган ҳайкалларга оид бўлса, иккинчи эҳромда будда динининг ривожланганлиги яққол акс этади. Биринчи ибодатхонада Юнон – Бактрия ҳайкалтарошлигига бориб тақалувчи эллинизм анъаналари ҳали кучли бўлса, бу ерда ярим яланғоч аёл ҳайкали шу жиҳатдан ягона ашё бўлиши мумкин. У ҳинд аёли эмас, ҳинд аёллари одатда йирик ва думалоқ кўкракли, сонлари таранг ва хипча белли қилиб тасвирланган.

Энди Будда ҳайкалларига ва Бодхисатваларга келадиган бўлсак улар юқорида таъкидлаб ўтилганидек Гандхарадагиларга эргашиб яратилган. Бироқ Бодхисатваларнинг юзи ва гажакларигина ўша анъанавий қоидаларга биноан ишланган барча ҳайкаллардаги тожлар, тиллақошлар, маржонлару камарлардаги заргарлик деталларининг ўхшаши Гандхара ва Ҳаддадаги кўп сонли Бадхисатвалар орасида учрамайди, чамаси ҳайкалтарош бу билан қандайдир маҳаллий хусусиятларни беришга уринган. Умуман олганда, Далварзинтепа ҳайкаллари услубий хусусиятларига кўра Гандхара ҳайкалларига эмас, балки Кушонлар даврида ҳайкалтарошлик санъатининг улуғ мактаби гуллаб-яшнаган Ҳадда (Афғонистон)даги ганч ҳайкалларининг энг мумтоз намуналарига яқин туради.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: бу мактабнинг усуллари ва услублари Марказий Осиёга шарқий Афғонистондан буддизм билан бирга олиб келинганмикин? Тўғри, будда санъати қонунлари бу ерда будда дини киёфаларини ва айрим эстетик мавқеларни маълум даражада белгилаб берди. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, бу пайтга келиб Бактрияда, хусусан, Сурхон водийсида ўзининг юксак ривожланган ҳайкалтарошлик мактаби мавжуд эди. Унинг Бактрия ҳайкалтарошлигининг кейинги тараққиётига таъсири ташқи бадий таъсирларга нисбатан кучлироқ бўлса бордир, аммо асло кам эмас. Хусусан, Холчаён ҳайкаллари ҳайкалтарошлик санъатининг Бактрия мактаби ютуқларини намойиш қилувчи яққол далилдир. Далварзинтепа ибодатхонасидаги Будда ҳайкали ҳам бу санъат манзарасига муҳим чизгилар қўшади.

Будда ибодатхонасининг марказий хонасини шартли равишда “ҳайкалар зали” деб аталиб, Будда ва Бадхисатваларнинг улкан ҳайкаллари билан бир қаторда, буддий ва дунёвий шахсларнинг бошқа кичик ҳайкаллари ҳам шу ерда жамланган. “Ҳайкалар зали”га киритилган асосий эшик ўрни чамаси, хонанинг жанубий қисмида жойлашган. Юқорида таъкидлаб ўтилгандек, бош Будданинг ўнг ва чап томонларида девор бўйлаб бошқа шахсларга ўрнатилган ҳайкалар ҳам мавжуд. Ҳайкалларнинг бошининг тепа қисми

ғалати қилиб ишланган, будда ҳам камарли, маржонли, боши алоҳида бўлган ҳайкаллар ҳам шу ерда. Шундай қилиб тик турган саккизта ҳайкалдан олтитаси ўтирган Будданинг атрофида тахмон ичида ва ёнида жойлашган. Ўтирган ва тик турган Будда персонажларининг бундай ноёб “галерея”сининг Ўрта Осиёдаги будда ёдгорликларида биринчи бор топилиши, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу ҳайкаллар биркитиб қўйилган девор ёрқин қизил рангга бўялган, яъни бу ҳайкаллар бу фонда бениҳоят улуғвор кўринган. Ўз навбатида жанубий девор ҳам ҳайкаллар билан қисман тўлдирилган, улар айниқса, жануби-шарқий бурчакда яхши сақланиб қолган. Бу эса ўз навбатида, шарқий девордаги тахмон остида бўлган ҳайкаллар қаторига чиройли кўриниш берган. Бу ерда яна ўтирган ҳолдаги улкан Будда ҳайкали ўнг томонида тик турган кичик Будда ҳайкалчаси, ундан чап томонга эса белигача ишланган Бадхисатва ҳайкали топилган.

Бадхисатваларнинг энг йирик ҳайкаллари ва Будда ҳайкали шимолий девор бўйлаб қурилган супа устига жойлаштирилган. Хона ўртасида топилган ҳайкаллар асли қаерда тургани ҳозирча аниқ эмас, фикримизча, улар ҳайкаллар туркуми билан 9-хонага ўтиш йўли оралиғида жойлашган. Шу ерда девор остида Будданинг жуда ёмон сақланган оёқ кафти, алоҳида турган ҳайкал ва ярим яланғоч аёл ҳайкали топилган. Ҳайкалларнинг бир қисми зал билан 9 хона ўртасидаги йўлдан топилди, улар чамаси, 3 хонадан олиб келинган. Катта-кичик ҳайкалларнинг айрим парчалари, қўл, оёқ, панжалари безак қисмлари ҳам ана шу тариқа (ҳайкаллар зали) ортидан топилди.

“Ҳайкаллар зали” деб аталган 3-хона бу улкан мажмуа чиндан ҳам марказий хона бўлган. Бу хонани Буддалар, Бадхисатвалар ва бошқа ҳайкалларнинг жуда кўпчилигини ўзида жамлаган. Ибодатхона (9-хона) йўлаклар, зинапоялар (2-хона), чамаси, роҳиблар хонаси ва бошқа вазифаларга хизмат қилган хоналар ана шу зал атрофига жойлашган. Анъанага биноан Гандхара ҳайкаллари деб аталуви Будда ҳайкалларини тадқиқотчилар Термиздаги Айритом, Фаёзтепа, Қоратепа ёдгорликларида ҳам қайд этишгани маълум. Мадомики шундай экан, Далварзинтепадаги Будда ҳайкаллари улар билан қандай муштарак жиҳатларга ва қандай маҳаллий хусусиятларга эга?

Ҳиндистонда, биринчи навбатда Гандхарада вужудга келган Будда бадий оқими муқобил ва умумсалтанат миқёсидаги оқим сифатида Бактрия санъатига ўтказган таъсири Кушонлар даврида буддизм кенг тарқалгани билан боғлиқ (Айритомда уч созанда тасвирланган тош блок, Фаёзтепада ўтирган Будда ҳайкали ва унинг ўнг ҳамда чап томонларида тик турган роҳиблар акс эттирилган тошбўртма тасвир ҳамда Қоратепадаги баъзи ҳайкаллар). Бу анъананинг айрим жиҳатлари Будда қиёфасида кузатилади: унинг абадий навқирон чеҳраси илоҳий нурдан ёришган, чордона қуриб кафтларини бирлаштирган ҳолатда мушоҳадага берилган, энсада бўртма (ушниша) тарам-тарам соч толалари, қаншаридаги доғ (урна) каби ўзига хос белгиларининг бари бор: либоси турли тахлар билан товонигача тушиб

туради, бичимига кўра ҳинд (дхоти) ва юнон (хитон) либосларига ўхшайди. Бироқ йирик солинчаклар ва илоҳийли белгиси бўлган бош атрофидаги гулчамбар Далварзинтепа Буддаларида йўқ. Яна, Будда соч турмаklarининг ҳайкаллар тавсифида баён қилинган 5 турини қайд этиб ўтиш керак. Ҳозирча Будданинг икки ҳолатдаги тасвири маълум.

Биринчи ҳолатда – будда “жўги ҳолати” деб аталувчи ҳолатда, чуқур ўйга чўмиб ўтирибди. У одатда чордона куриб ўтаради ва оёқлари гоҳо кўринади. Бироқ Далварзинтепа ҳайкалларининг оёқларини дхоти ёпиб турибди, уни чеккасидан чап қўл тутиб турибди. Йирик бир қўл панжасининг кафтига пушти рангли ғалати нақшлар чизилган. Иккинчи ҳолатда – будда яланг оёқ, узун либос тик ва қия тахлар билан тўкилиб турган қиёфада тикка турибди. Қўлларининг кафти – ё ўнг қўл очик кафт билан кўтарилган, чап қўлда эса либос чеккасини ушлаб турибди, иккала қўл либос тахлари остида қолган, умуман сақланмаган.

Будда анъаналари билан бир вақтда Бадхисатвалар анъаналарини ишлаб чиқиш ҳам бошланган. Шу боис ҳам уларнинг қиёфаси: юз бичими ғоят гўзаллиги, бурни, қулоқлар шакли, ўйга чўмган ярим юмук кўзлар – кўп жиҳатдан ўхшаш. Фарқи фақат шундаки, Бадхисатваларнинг чехраси доимо ёш йигитларникидек, Будданики эса ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб улгурган етук кишиникидек тасвирланади. Бодхисатваларда кўпинча мўйлов бўлади, тўғри, у баъзан Буддада ҳам учрайди, сочлари гоҳо елкасига ёйилиб туради ёки боши узра турмакланади.

Бодхисатваларнинг либоси белигача яланғоч бўлган бағоят гўзал сайқалланган, таналарининг нафосатини бўртириб кўрсатувчи кийим тахлари жуда бой яхлитликдир. Қимматбаҳо безаклар бўйнидаги маржон, кўкрак устига осилиб турган ва йирик жавоҳир билан яқунланган бир маржон, елкадан белга ўтувчи қия тасма, билақлар ва тўпиқлардаги билагузуклар билан қопланган. Бодхисатвалар бошида гоҳо жавоҳирлар билан қопланган ва ҳилпираб турган тасмалари бор саллаларни, қулоқларида ғаройиб шакллардаги оғир сирғаларни кўриш мумкин.

Далварзинтепадаги Бодхисатваларнинг кўрсатиб ўтилган безакларидан айримлари йўқ ёки бошқача шаклда берилган. Мисол учун бўйин безаклари ўзига хос тарзда. Далварзин хазинасидаги олтин безакларда бўлганидек, гўзал маржонлар туташган ва туташмаган шаклларда ишланган. Далварзинтепадаги Бодхисатвалар ва Будда ҳайкалларида мўйловлар йўқ, фақат битта майда ҳайкалчадагина мўйлов бор. Дикқатга сазовор яна бир жиҳат Далварзинтепа Бодхисатваларидан бирининг урнасига мўъжазгина олтин безак ишланган. Бош кийим ва безаклар ўрнида гулчамбарлар ва тиллақошларни кўрамиз, Далварзинтепа Бодхисатваларининг қарийб барчасида катта-кичик ва айлана ганч медальонлар кўринишида белга ўралган чиройли боғламалар бор. Битта ҳайкалнинг кийими нақшинкор.

Далварзин ҳайкалларида медальонлар, пальметлар, соч турмаklarидаги безакларининг халма-хиллиги ўзига хос. Уларнинг ҳаммаси қолипда қуйилиб, ишланаётган ҳайкалларнинг мақсади ва катталигига боғлиқ ҳолда безак учун моҳирона ўрнатилган. Буларнинг бари ҳайкалтарош ҳар бир

асарни алоҳида яратгани, унга албатта буюртмачининг хоҳишига қараб ёндошганлигидан далолат беради. Ой-хоним ва Тахти-Сангин хайкаллари қараганда у Юнон-Бақтрия давридаёқ маълум бўлган. Гандхара ва Хаддада бу усул устунлик қилган.

Хитой сайёҳи Сюан Цзян VII аср бошида ўша даврда Тами (Термиз)да мингга яқин роҳиблар яшаган ўнлаб ибодатхоналар бўлгани, уларда будда ступалари ва тасвирлари намойиш этилганини кўрсатиб ўтади. Чағониёнда, деб хабар қилади у, маълум миқдорда роҳиблари бўлган бешта ибодатхона, Шумонда роҳиблари озроқ иккита ибодатхона, Кубодиёнда юзга яқин роҳиблари бўлган учта ибодатхона бўлган.

Қоратепа – Будда ғор ибодатхоналар мажмуаси (милодий I-III асрлар). Эски Термизнинг шимоли -шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб 1926-28 йилларда Москвадаги Шарқ халқлари маданияти давлат музейи экспедицияси очган. 1937 йилда М.Е.Массон ва Е.Г.Пчелина текширган. 1960-йилларда археолог Б.Я. Ставиский қазилар ишлари олиб борган. Ҳозирда Ўзбекистон-Япония қўшма археология экспедицияси иш олиб бормоқда. Обида 3 та табиий дўнгликда қурилган. Умумий майдони 8 гектардан зиёд. Жанубий дўнгликда 15 дан зиёд ғор мажмуаси бўлган. Ғарбий дўнгликдаги ғор мажмуаси 5 дан ортиқ бўлмаган. Шимолий дўнгликнинг шарқий қисмини ер юзасида жойлашган монументал мажмуа эгаллаган, ғарбий қисмини эса ер юзасига қурилган унча ҳашаматли бўлмаган ибодатхоналар банд қилган.

Қоратепидаги ҳамма иморатлар турли вақтларда барпо этилган. Кейинчалик аввалгиларига ёндош қилиб қурилган, сўнг улар билан бир вазифани бажаришган. Ҳаммаси бир неча бор таъмирланган ва тарҳи ўзгартирилган. Ғор ибодатхоналарини қуриш қоидалари ҳиндлардан ўзлаштирилган. Аммо кейинроқ қурилганларини режалашда бақтрийларнинг меъморий усуллари устун туради. Ибодатхоналар ёки бошқа муқаддас жойлар ичи мавзули (сюжетли) на нақшинкор безак, лой-ганч, ганч, тош ҳайкали билан безатилган.

Қоратепидаги дастлабки буддавий ибодат иншоотлари, афтидан, мил. I-асрда қурила бошлаган. Қоратепанинг энг гуллаган даври мил. II-III асрларга тўғри келиб, бу пайтда ибодатхоналар кўплаб қурилган, аввалгилари эса янгиланган ҳамда безатилган. Бу жараёнда қушоншоҳлар, уларнинг ноиблари, шаҳар ҳокимлари ва бадавлат шаҳарликларнинг ҳомийлиги ҳамда мадади муҳим ўрин тугган. Қоратепадан топилган, бағишлов битиклари бўлган сополлар бу ҳолатни аниқ кўрсатади. Битикларга кўра, Қоратепидаги айрим мажмуотлар Кхадевакавихара - Подшо монастири, Вхара Гулавхара вхад - Гулавхара ўғли (Гондафар) Вихараси, Окавихара деб номланган. Қоратепи битикларида роҳиблардан Буддашир, Буддхамитра, Живананда исмлари эслатиб ўтилган. Бой эркак ва аёл ҳомийлар қиёфаси расмларда ҳамда хайкалларда сақланиб қолган. Қоратепадан кўплаб будда хайкаллари топилган.

Милодий III аср охирига келиб Қоратепи мажмуалари инкирозга юз тутди ёки вайрон этилди, бу сосонийларнинг Қушон давлатига қилган ҳарбий

юришлари билан боғлиқ бўлса керак. Айрим мажмуотлар хоналарига оташкадалар ўрнатилган. Айни маҳалда Қоратепа мажмуотларининг муайян қисми мил. IV аср охири – V аср бошигача ишлаб турган. Мил. IV асрдаёқ Қоратепадаги кўплаб ташландиқ хоналар ва ғор ибодатхоналаридан қабр сифатида фойдаланилган, сўнг кириш жойлари хом ғишт билан уриб юборилган. Энг дастлабки қабрлар ёнида кушон-сосоний типдаги тангалар, Перуз тангалари ва унга тақлидан зарб қилинган тангалар учрайди, кейинги қабрларда эса милодий V-VI асрлардаги Термиз хукмдорлари тангалари топилган, уларнинг бир томонида лангар тасвирланган. VII асрдан-XII асргача Қоратепадаги ярим кўмилган айрим хоналар ва ғорлардан зоҳидлар фойдаланишган.

Қоратепадан топилган расмлар, хайкаллар ва бошқа декоратив-амалий санъат буюмлари кушонлар давридан Тармита - Термизда ўзига хос анъана ва йўналишга эга бўлган алоҳида бадиий мактаб бўлганидан далолат беради. Бу мактаб кушонлар даврида Бактрия бадиий маданиятининггина эмас, балки бутун антик маданиятнинг ривожланишида катта роль ўйнайди. Қазини пайтида Қоратепадан Кушон подшолиги даврига оид сопол идишлар, коса ва кўзачалар, мис чақалар, оҳактошдан ишланган меъморлик деталлари, плиталар, сопол чироқдонлар топилган. Топилмалар ичида 70 дан ортиқ сопол идиш синиқларига ҳиндча битилган ёзувлар (кхарошҳи ва браҳма ёзувлари) ва деворларга чизилган кушон-бактрия ҳамда форс-пахлавий ёзувлари характерли.

Фаёзтепа – милодий I-III асрларга оид будда монастир-ибодатхона мажмуаси (вихара). Термиз шаҳри яқинидаги Эски Термиз шаҳар харобаларининг шим.ғарбида қоратепадан 1 км шим.-шарқда жойлашган.

Фаёзтепанинг очилиши 1968 йилнинг баҳорида чўпон Абсад Бекнаев томонидан мергелий оҳак тошидан ишланган будда санамини кўчма кум устидан топиб, Термиз ўлкашунослик музейига топширишидан бошланди. Ёдгорлик 1968-76 йилларда археолог Л. И. Альбаум томонидан ўрганилди. Фаёзтепа майдони учма кумлар уюмидан тозалангач, унинг меъморий тарҳи очилиб, у 3 қисмдан иборат монументал иншоот, яъни марказий қисмида - ибодатхона, унинг шим.-ғарбида монастир, жан.-шарқда эса хўжалик қурилиш иншоотларидан иборатлиги аниқланган. Мажмуанинг умумий майдони 1,5 минг кв. м га яқин.

Ибодатхона таркибининг асосий қисмларидан бири - ступа бўлиб, у бошқа ибодатхоналардан фарқли ўлароқ, ибодатхона ҳовлисининг марказида эмас, балки унинг ташқарисида, муқаддас саждагоҳ билан бир параллел чизиқда жойлашган. Улар ўзаро ҳовли майдонини кесиб ўтган ғишт ва мергелий тоши тўшалган йўлакча билан боғланган. Ибодатхонанинг муқаддас саждагоҳида Будда хайкали (Бодхисатва) жойлашган, саждагоҳ деворлари ранг-баранг деворий суратлар билан безатилган. Деворлар ости бўйлаб ўз вақтида будда хайкаллари (бал. 4 м) қўйилган. Кўпчилик хайкаллар қизил ранг билан бўялган, сўнг устидан олтин суви юргизилган. Саждагоҳнинг жанубий деворида қизил кийимда Будда тасвири сақланган. Унинг 2 томонидан елкаларига елкапўш ташлаган узун кийимдаги 2 одам расми туширилган. Улардан бири

Буддага қараб сажда қилмоқда. Саждагоҳнинг шарқий деворида ҳам қандайдир деворий расмлар изи кўринади. Хонадаги сувоқ парчаларида ҳар хил одамларнинг расмлари учрайди. 60x80 см либир сувоқ парчасида Буддага юзланган 2 та эркакнинг расми топилган. Ҳар 2 шакл қиёфасига кўра, бақтриялик Буддага ихлос уларнинг Буддага сажда қилиш ҳолати тасвирланган. Ушбу хонада ганчкор ҳайкал бўлаклари кўплаб учрайди. Ҳатто хонанинг шарқий девори остида ҳайкаллар учун пишиқ ғиштдан махсус таг курси қурилган, унинг усти эса мергелий тош парчалари билан силлиқ қилиб қопланган. Ҳайкалларнинг кўпчилиги эса сомон қўшилган лойдан ясалиб, уларнинг сиртига ганч қоплама берилган. Ҳайкалларнинг боши махсус қолипда қўйилган, қўл ва оёқлари алоҳида ясалиб, сўнг улар ҳайкал танасига ёпиштирилган.

Фаёзтепа ҳайкаллари орасида ганчдан ишланган Будданинг бош қисми диққатни ўзига тортди. Унинг тутамланган қоп-қора сочлари, фусункор чехраси унга гўзаллик бағишлайди. Будданинг бундай ишланиши кушонлар даври ёдгорлигида биринчи бор учраши эди. Ушбу муқаддас саждагоҳ эшиги қаршисида яхлит мергелий тошидан ясалган ноёб санъат асари - триада топилган. Триада марказида ипак мантияга ўралган Будда арка ва муқаддас бодха дарахти шоҳлари остида ўтирибди, 2 ёнида тик турган роҳиблар эса унга илтижо қилиб турган ҳолатда тасвирланган. Саждагоҳдан 2 та Канишка ва битта Васудева тангалари топилган.

Ибодатхона ҳовлиси тўғри тўртбурчак шаклида, майдони 33x20 м, унинг тўрт томони бўйлаб будда роҳибларининг эшиклари ҳовлига қаратилган хоналари жойлашган. Ибодатхона ҳовлиси ушбу хоналарнинг ҳовли томон деворлари бўйлаб яхлит узун айвон билан ўраб олинган, айвон деворлари ранг-баранг деворий расмлар билан безатилган. Рангли деворий безаклар айвон деворининг пастки қисмидагина сақланган, айвон ости бўйлаб супа жойлашган.

Ибодатхона ҳовлисининг шим.-ғарбий қисмида, мергелий тош парчаларидан трапеция шаклида қурилган ҳовузча бўлиб, унинг томонини пастки қисмида сув оқизишга мўлжалланиб тешикча ясалган. Тешикча жағлари кенг очилган шер боши қиёфасида ишланган, бундай ҳовузларда тоза сув сақланган. Шер кушонлар даври санъатида Будданинг куч ва қудрат тимсоли сифатида ўз аксини топган. Диний мажмуанинг 2-қисми – монастыр бўлиб, у ибодатхона билан ҳовли ғарбий деворидан очилган эшик орқали боғланган. Монастир майдонида жойлашган хоналарда роҳиблар ва монастыр талабалари истиқомат қилишган, монастырда ўқув хоналари ва заллари, зиёратчилар тўхтаб ўтадиган ётоқхоналар жойлашган. Хоналар деворларида пилта чироқ ёриткичлари учун токчалар ишланган. Айрим хоналарнинг девори остида Будда ҳайкаллари ва уларни ўрнатиш учун супа-тагкурсилар қурилган. Демак, роҳиб ва талабалар ҳамда зиёратчи сайёҳлар марказий ибодатхонада диний маросимлар тўхтаган вақтда ўз ибодатларини монастыр саждагоҳларида амалга оширганлар.

Ибодатхонанинг жан.-шарқида унинг хўжалик қисми жойлашган. Унинг майдони квадрат шаклида, ҳажми 34,5x33,5 м. У ибодатхона билан 3

эшик орқали боғланган. Ибодатхонанинг хўжалик қисмида 15 та хона очилган, уларнинг кўпчилигида ўчоқ қолдиқлари топилган. Мажмуа деворлари пахса билан тикланган, хоналардаги сўри-супалар ва деворларнинг таъмири ғишт билан урилган. Ҳамма хоналар сомон сувоқ қилинган, фақат иккита хона деворлари ганч билан сувалган. Бу 2 хона ибодатхона хўжалик қисмининг саждагоҳлари бўлган деб фараз қилинади. Иккита хонадан тандир қолдиқлари ва қалин кул уюми топилган. Тандирли хоналарни қазиб вақтида кўплаб ҳайвон суяклари, хум, коса, нимкоса, сопол қадаҳ парчалари чиққан. Хумлардан бошқа барча идишлар кулолчилик чархида ясалган ва оч-қизил рангли ангоб билан қопланган. Сопол сирти арча баргли, дисксимон нақшлар билан безатилган, шунингдек, сопол парчаларига яланг оёқ Будда товон излари туширилган.

Сополлар ичида пилта чироқлар ва сопол қозонлар кўплаб учрайди, бир хонадан сопол қувур топилган. Фаёзтепага Амударёдан сув келтирилганлигига ишора қилувчи канал изи ўрганилган. Ушбу каналга Амударёдан чиғир орқали сув чиқарилган деб фараз қилинади. Ибодатхона хўжалик қисмининг катта ҳовлиси айланаси бўйлаб кенглиги 0,7 м ли супа қурилган. Уни қазиб вақтида сон-саноксиз турли ҳайвон суяклари топилган, кўплаб сопол коса ва қадаҳ парчалари учратилган. Ушбу ҳовли Будда ва унинг роҳибларига атаб қурбонлик қиладиган жой сифатида талқин қилинади. Фаёзтепа мажмуасининг деворлари, асосан, пахса ва ғишдан қурилган, айниқса, монастыр ва ибодатхона деворларининг баландлиги 3 м гача сақланган. Ибодатхона хўжалик қисмининг жан.-шарқий деворлари яхши сақланмаган. Барча деворлар сомонли лой билан сувалган бўлиб, кўп ҳолларда сувоқ устига оқ рангда жило берилиб, унинг усти рангли расмлар билан безатилган. Фаёзтепа Эрон сосонийларининг босқинчилик ҳужумлари натижасида харобага айланган, V аср VI асрнинг I-ярмида ибодатхона вайроналаридан эфталийлар дахма сифатида фойдаланганлар. Араблар истилоси даврида Фаёзтепа бутунлай вайрон қилинган, кейинчалик у кўчма кумлар остида қолиб кетган.

Термиз Археология музейи директори т.ф.н.доцент И Ботировнинг илмий маълумотларига кўра Фаёзтепа – Эски Термизнинг шимолидаги мил. **I-III асрларга оид** будда монастыр – ибодатхона мажмуасидир. Буддавийлар ўз роҳибларини «Бхикшу», роҳиблар яшайдиган ва ўқийдиган ибодатхоналарини « Вихара» деб аташган. Фаёзтепа ёдгорлиги 1968-1976 йилларда қадимшунос Л.И.Альбаум томонидан ўрганилган. Фаёзтепа номи ушбу ёдгорликда олиб борилган археологик тадқиқотларнинг ташкилотчиларидан бири Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг собиқ директори Р. Фаёзов номидан олинган. Ёдгорлик уч қисмдан иборат, яъни марказий қисмида – ибодатхона, унинг шимоли - ғарбида монастыр, жануби – шарқида эса хўжалик аҳамиятига эга иншоотлар аниқланган. Мажмуанинг умумий майдони 1,5 минг квадрат метрга яқин.

Ибодатхонадаги Ступа – Будда ибодатхонасининг энг асосий саждагоҳи ҳисобланади. Дастлаб ступаларда Будда ва унинг энг яқин авлиёларининг нарсалари сақланган. Кейинчалик ступалар остига Будда

хайкаллари, муқаддас китоблар кўмилган. Ступаларнинг гумбазсимон услубда қурилиши коинот рамзини ифодалаган. Ступалар усти тилла сувли нақшлар билан таг қисмлари эса капителлар билан безатилган. Фаёзтепа ступаси билан муқаддас саждагоҳ ғишт тўшалган йўлакча билан боғланган. Ибодатхонанинг муқаддас саждагоҳида Будда хайкаллари жойлашган, саждагоҳ деворлари ранг-баранг деворий суратлар билан безатилган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан аجدодларимиз томонидан яратилган маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, давлатчилигимиз илдизларини ўрганиш, ўзлигимизни англаш ва намоён этиш имкониятлари туғилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан мамлакатимиздаги кўплаб қадамжолар ободонлаштирилаяпти. Истиқлол туфайли Термиз шаҳрининг 2500 йиллик қутлуғ тўйи ўтказилди, Термиз Археология музейи қурилди. 2002 йилдан Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши туфайли Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ва Япония Траст фонди томонидан консервация ва қисман таъмирлаш мақсадида танланди. 2004-2006 йиллар давомида Фаёзтепада бу режалаштирилган иш Ўзбекистон археологик ёдгорликлари тарихида биринчи бўлиб амалга оширилди. Натижада қадимий Термизнинг ноёб дурдонаси Фаёзтепа ибодатхонаси очиқ осмон остидаги музейга айлантирилди, буддавийликни ўрганиш илмий марказининг биноси қуриб битказилди. Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2007 йил 23 апрелдаги қарори билан Кўхна Термиз ҳудудида жойлашган Фаёзтепа буддавийлик ибодатхона мажмуаси ҳамда унда ташкил этилган буддавийлик тарихи ва маданиятини ўрганиш маркази биноси Термиз Археология музейи балансига ўтказилди.

Ҳақиқатдан ҳам узоқ Япония, Корея, Хитой, Таиланд ва бошқа дунёнинг турли давлатларидан Кўхна Термизнинг буддавийлик обидаларини кўрамиз деб келаётган сайёҳларнинг сони кўпаймоқда. 2000 минг йил аввал аجدодларимиз томонидан қурилган Фаёзтепа ибодатхонаси уларни лол қолдираверади, термизликларни эса уларнинг она шаҳри бундан йигирма аср илгари бутун Марказий Осиёда Будда динининг маркази бўлганлиги уларнинг юрагида фахр-ифтихор уйғотади.

Зурмала Минораси - Термиздаги меъморий ёдгорлик (мил. ав. II-а.) Кушонлар даврига оид будда иншооти. А. Стрелков уни ступа деб ҳисоблаган. Археологик тадқиқотлар натижасида Зурмала минораси харобасининг баландлиги 14,5 м гача бўлган. Асосан тўғри тўртбурчак тарҳли (22x 16 м), цилиндрсимон минора шаклида хом ғиштдан қурилган, тепасига кубба - гумбаз ишланган, оқиш охакгош билан қопланган, асосида буртма горельеф хайкаллар бўлган. Тоштахталар ҳамда тарошланган бўлак парчалари кўплаб топилиши Зурмала минорасини ташқаридан ҳам тош билан қопланган деб тахмин қилинади.

Қатламатепа Зартепадан 300 метр чамаси Куёвқўрғондан 200 метрлар шимоли-шарқда жойлашган. Ушбу ёдгорлик тўғрисидаги илмий манбаларни

тадқиқотчи М. Норқобилов таҳлил этиб қуйидаги маълумотларни қайд этади. Қатламатепа ёдгорлигини илк бор 1979-йилда археолог Т.Аннаев томонидан аниқланган ва қазиб очилган. Бу ёдгорлик милодий III-VI асрлар давомида шаҳар ва воҳа аҳолиси учун буддавийлик ибодат маркази бўлган. Қатламатепа ўрнидаги диний иншоот буддавийликнинг муқаддас меъморий иншоотларидан бири ступалар турига мансуб. Ступа бевосита буддавийлик билан боғлиқ, аслида санскрит (қадимги ҳинд)ча сўз бўлиб, бу номнинг бир изоҳи “қоинотнинг мужассами” деб талқин қилинади.

Қадимги ҳинд ривоятига кўра, шаҳзода Сиддхартха (Шакьямунишаклар қабиласидан чиққан доно киши) ўзини Будда (“Будда” сўзининг маъноси илоҳийлашган, нурланган) деб атаб, янги дин буддавийликка асос солиб? саксон ёшида Кушинагарда вафот этади (тадқиқотчилар фикрича Кушинагар Ҳиндистоннинг ҳозирги Уттар Прадеш штатининг Қосий худудига тўғри келади). Будда вафот этгандан сўнг ҳукмдорлар ўртасида унинг ҳоқини Ҳиндистоннинг қайси худудида дафн этишда тортишув юзага келади. Оқибатда тортишув шу тариқа ҳал қилинади, яъни Будданинг ҳоқи Ҳиндистоннинг турли худудларида кўмилади ва ўз навбатида унинг устидан ступалар қурилади. Буддавийлик қонуниятига кўра, ступа бу Будданинг ҳоқи устидан бунёд этилган меъморий иншоот. Давр ўтиши билан Будданинг буюмлари кўмилиб унинг устидан ступалар қурилган бўлса, Будданинг шогирдлари (издошлари), “авлиёлар” қабрлари устидан ҳам кейинчалик ступалар қурилган. Кейинги даврларга келиб Буддага ҳадя этилган буюмлар, тангалар, буддавийлик матнлари қўйилиб унинг устидан ступалар бунёд этилган. Қатламатепа ўрнидаги иншоот ҳам даврлар ўтиши билан айни шу йўсинда бунёд этилган.

Археология ва ёзма маълумотларга кўра, буддавийликнинг Окс (Амударё)дан шимолий тарафга, шу жумладан Тармита (Термиз)га кириб келиши милоддан аввалги I - асрда содир бўлган ва шу асрнинг охиридаёқ Фаёзтепа ўрнида илк буддавийлик иншоотига асос солинган. Ступалар унчалик баланд бўлмаган пахса асос устида қурилган. Қатламатепада унинг баландлиги 40 смга тенг. Пахса саҳн устидан томонлари 7,40 x 7,00 метр, баландлиги қарийб 1,80 метрга яқин жанубий томонида эни 3,2 метрдан ортиқ зинапоясимон йўлакки супа саҳн қурилган. Ўз навбатида ана шу пахса саҳн тепасида танаси цилиндр шаклида, тепаси гумбазсимон кўринишдаги асосий ступа *anda* (ҳиндча атама) қисм бунёд этилган. Ступа танасини оқ ганчга ва унинг устидан қизил ва бошқа бўёқларга безашиб гумбаз қисм тепасида соябонлар тарзида тош безаклар қўйиб қўйилган. Бу тошбезак буддавийлик таълимотида хармика дейилади. Қатламатепада фақатгина ступа танасининг пастки қисми сақланиб қолган бўлиб, унинг диаметри қарийб 6 метрга тенг. Ступа танаси диаметри қарийб унинг баландлигига тенг бўлганлигини инобатга олсак, ступанинг умумий баландлиги 6-7 метрга тенг бўлган. Қатламатепанинг жануби тарафида жойлашган зинояпоали йўлак орқали саҳн-*andaga* чиқилган ва ступа атрофи бўйлаб қуёш йўналишига қараб тоат-ибодат қилинган. Ступани айланиб тоат-ибодат қилиш буддавийлик амалларидан бири прадакшана патха ҳисобланган.

Қатламатепа ўрнидаги ступа асосининг шимолий тарафида диаметри 2,5 метр, баландлиги 1, 25 метрга тенг ички қисми сомонли лой сувоққа сувалган ўра жойлашган. Бу яширин ўрада ступанинг хазинахонаси, аниқроғи анъанага кўра, Буддага ҳадя этилган буюмлар қўйилган. Булар бир неча дона фил суягидан ясалган тақинчоқлар, пахта толасидан тўқилган мато бўлаги, ташқи тарафи қизил-тўқ жигар рангга бўялган шарсимон шаклдаги хурмача ва энг муҳими 503 дона сочиб қўйилган мис тангалардир. Булардан 300 донаси Кушон давлатининг сўнгги ҳукмдорларидан бири Васудеванинг тангаларига тақлидан зарб этилган мис чақалар ҳисобланади.

СУРХОН ВОҲАСИДАН ТОПИЛГАН КУШОН ТАНГАЛАРИ

Кушон тангаларида ҳам юнон алифбосидан фойдаланиш давом этди, кейинчалик юнон алифбосида Бактрия тилидаги сўзлар ёзила бошланди. Юнон худоларининг тасвири аста-секин маҳаллий, шу жумладан зардўштилик худоларининг тасвири билан алмаштирилди. Анахита (табиатнинг ҳосилдорлик ва жонлантирувчи худоси), Фарро (бойлик ва подшо ҳукумати рамзи), Митра (куёш илоҳияти)лар шулар жумласидандир. Айнан мана шу тасвирлар Марказий Осиё қадимги халқларининг диний эътиқодларини тушунишда яқиндан ёрдам беради. Агар Ўрта Осиёда кушанларгача ва ҳатто илк Кушонлар даврида ҳам кумуш танга зарб қилинган бўлса, Кушан подшоси Вима Кадфиз пул ислоҳат ўтказиб, олтин танга зарб қилишга асос солди. Археологик қазиларнинг гувоҳлик беришича, тош асрда ҳам қабилалар ўртасида турли хил ашёлар айрибошланган бу даврда махсулотлар ўртасида айрабошлаш бўлган. Дастлабки танга пул Кичик Осиёда жойлашган Лидия давлатида жорий этилган, бу тарихий воқеани Лидия ҳукумдори Гегис (мил.ав 692-654 йиллар) томонидан амалга оширилган. Бу воқеа Марказий Осиёда Салавкийлар даврига тўғри келади, янада кенгроқ хулоса берадиган бўлсак. Салавкининг ўғли Антиох (мил.ав 280-261 йиллар) бу ҳудудда биричи бўлиб чиқара бошлади. Шу даврда кўплаб олтин динорлар ва бошқа тангалар чиқарилди, мазкур тангалар халқаро савдода муҳим ўрин эгаллаган Рим олтинларига яқин турарди. Шу нарса диққатга сазоворки, Кушанлар даврида турли қийматга эга бўлган мис тангалар ҳам кўплаб зарб қилинган. Фақат Сурхондарё воҳасининг кичик қишлоқларида Кушонларнинг юзлаб мис тангалари топилганлиги фикримизнинг далилидир.

Марказий Осиёда бундай ҳол олдин бўлмаган, бу кундалик майда савдонинг халқ орасида қанчалик ривожланганлигидан далолат беради. Биринчи ўринда кўчманчи қабилаларнинг ҳокимлари Бактрияда зўр тараққий этган товар – пул муомаласини ҳал қилишга киришдилар. Бу ҳол юеч-жи ҳокимларидан бозорни тўлдириш учун янги тангалар чиқаришни талаб қилар, уларнинг эса бу соҳада тажрибаси йўқ эди. Шунинг учун улар энг оддий усул, яъни мазкур ҳудудда муомалада юрган Евкратид ва Гелиокл

тангаларига таҳлид қилиб танга зарб қила бошладилар. Гелиокл тангаларига тақлид қилиб чиқарилган тангалар бу даврда кўпроқ муомалада бўлган. Тангаларнинг олд томонида номаълум шоҳнинг боши, орқа томонида юнонлар худоси Зевснинг хайкали тасвирланган. Бу хилдаги тангаларнинг асосий қисми Сурхондарё вилоятидан топилди. Тожикистонда бу хилдаги тангалар оз, жанубий Бақтрияда эса санокли.

Бу хилдаги тангалар Ш.Пидаевнинг фикрича, Сурхондарёда жойлашган бирон –бир шаҳарда зарб қилинган, чунки, тангаларни фақат бош хукмдор зарб қилиши мумкин бўлган. Бу тангалар Кушон-гуйшуан вилоятининг ҳокимлари томонидан зарб қилинган, вақт ўтиши билан Зевснинг тасвири ўрнига отнинг расмини жойлаштирганлар. Тангалар баъзан тарихнинг муҳим саҳифалари бўлган ўз замонасининг сиёсий-иқтисодий тузумларини очиб беришда ва тарихий ҳужжатларда қайд қилинмай қолган воқеалар, подшоларнинг хукмронлик қилган йилларини ва унинг номларини аниқлашда жуда катта роль ўйнайдиган асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда нумизматика фани бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган олимлар Озода Раҳматуллаева ва Жамол Саломовларнинг Нумизматика фани ўқув қўлланмасида тангалар ва уларнинг кишилиқ жамиятидаги ўрни ҳамда аҳамияти тўғрисидаги фикр мулоҳазаларида Сурхон воҳаси моддий маданият ривожига ҳисса қўшган тангалар ҳақида батафсил маълумотлар тақдим қилинган. Ушбу илмий тадқиқотлар мавзунини ёритишда қимматли манба сифатида қайд этилиб, қўйидаги маълумотлар тақдим қилинди. Қўлланмада Юнон-Бақтрия тангалари Юнон-Бақтрия подшолиги даврига тўғри келади. Пойтахти Шимолий Афғонистондаги Балх шаҳри ўрнидаги Бақтра. Давлатнинг биринчи хукмдори Диодот I кумуш танга зарб этиб, унинг бу давлатнинг асосчиси эканини тангалардан билиб олиш мумкин. Тангаларда унинг портрети тасвирланиб, *"Шоҳ Антиох"* деб ёздирган. У умрининг охиригача ўз номини ёздирмайди. Танганинг реверсида кўлида чакмоқ ва бургут ушлаган Зевс тасвирланган. Бунинг мазмуни Шуки, Диодот ва унинг аждодларига Зевс ҳомийлик қилган. "Диодот" - номининг таржимаси ҳам "Худо берган" деган маънони англатади.

Диодот II ҳам худди шундай тасвири тангаларни зарб этди. Диодотни тахтдан туширгач, Евтидем ўз тангаларида Гераклни акс эттирди. Деметрий тангаларида ҳам Геракл тасвирланган, аммо унинг Гераклнинг бошида гулчамбар бўлиб, бу Митранинг тасвири билан қўшилган эди. Эллинизм даврида юнон маданияти билан маҳаллий яъни, гибрид худолар тасвирланган. Антиох даврида Фарғона водийси забт этилди. Унинг тангаларида Посейдон (денгиз худоси) тасвирланган. Ш.Пидаев "Қадимги Термиз" номли китобида Юнон-Бақтра подшолари тангалари ҳақида қўйидаги маълумотларни келтиради: Юнон-Бақтрия шоҳларининг тангаларидаги расмлари жуда зўр маҳорат билан акс эттирилган. Медальерлар шоҳларнинг фақатгина ташқи қиёфасини реал тасвир қилибгина қолмай, уларнинг феъл-атворларини ҳам очиб беришга муяссар бўлганлар. Ҳақиқатан ҳам бу тангалар медальерлик санъатининг энг

ёркин намуналаридир. Шоҳ Евтидемнинг тангасида бу ҳолат кучли намоён бўлган. Танганинг олд томонида юнонларнинг афсонавий паҳлавони Гераклнинг боши тасвирланган. У ўрта ёшда, мўйлов, сочлари жингалак. Расмда паҳлавоннинг бўйни бақувват қилиб ифода этилган.

Танганинг реверсида чопиб кетаётган от тасвири туширилган ва юнон ҳарфлари билан "Шоҳ Евтидем ҳукмдор" деган сўзлар битилган. Юнон-Бақтрия подшолиги тангалари номлари юнонча бўлган: яъни танга статер, кумуш тангалар - тетрадрахма, драхма, обол деб аталган. Топилмаларга қараганда бу ерда турли қийматдаги кумуш тангалар кўп зарб этилган. Тангаларнинг оғирлиги юнон тангаларининг оғирлигига тенг бўлган. Аникрофи, олтин танга 8,6 грамм, тетрадрахма 16 граммга, 1 статер 5 тетрадрахма ёки 20 драхмага тенг бўлган. Юнон-Бақтрия подшолигининг тангалари асосан кумуш ва мисдан, баъзан тилладан зарб этиларди. Улар орасида Евкратитнинг 20 статерли (160 г) тангаси антик дунё даврининг энг йиригидир. Юнон-Бақтрия кумуш тангалари асосан бир андозада бўлиб, ўнг томонида ҳукмдор, реверсида маъбудалар (Зевс, Геракл, Посейдон, Аполлон) тасвирланган. Уларда подшо мартабаси, исми ҳамда лақабини қараткич келишигида масалан: "подшо Антимох худонинг" - деб берувчи юнон ёзувлари ярим доира ёки устунча шаклида жойлаштирилган. Бундан ташқари танганинг реверсида маъбуданинг тасвири ёнида бир неча юнон ҳарфларидан иборат монограмма ҳам бор. (Монограмма-юнон тилида моно-бир: грамма-харф, ёзув.) Бу ерда, тангада монограмма - тангани зарб қилган уста ҳамда ҳукмдор исмининг жимжимадор бош ҳарфи. Монограмманинг нима учун кераклиги ҳалигача номаълум, баъзи тадқиқотчилар бу зарбхона номларининг қисқартирилиб тузилгани деса, баъзилар тангаларни чиқариш учун маъсул бўлган амалдорларнинг исми, хатто танга зарб этилган сана деб ҳам тахмин қилинади. Юнон-Бақтрия тангаларида андозага тушиб қолган тасвирлардан чекиниш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, подшо Евкратит даврида зарб этилган тангалар ичида аверсида подшоҳ ҳамда "Улуғ шоҳ Евкратит" деган ёзув, реверсида пешонасига тиллақош таққан аёлнинг ён томонидан олинган сурати акс эттирилган. Суратнинг тагида - Гелиокл ва Лаодика деб ёзилган тангалар учрайди.

Александр, Антиох, Диодот ва Евтидемлар шарафига бағишланган тангалар ҳам диққатга сазовор. Бундай металл тангалардан бири Евтидем шарафига Антимах томонидан Панжикентда, Диодот Евкратит шарафига Агафокл томонидан зарб этилган 3 та танга Бухородан топилган дафина ичидан чиққан. Ҳиндистоннинг бир қисми Юнон-Бақтрия салтанатининг таркибига қўшилгандан жалб этилган тангаларда Хароштх ёзуви, шунингдек фил, зебра, буқа, қора қоплон тасвирланган. Бу жиҳатдан Юнон-Бақтрия мис тангаларида турли ҳайвонлар сурати тасвирланган. Тангалар тўртбурчак шаклини олган. Тангаларда акс этган Юнон-Бақтрия подшоларининг тасвирлари подшонинг ўз чинакам суратидир. Ўз отасини қатл қилган Гелиокл Юнон-Бақтрия қудратини сақлаб қола олмади. Унинг катта ҳудудини Парфия босиб олди, шимолдан эса юэчжи қабилалари бу ҳудудга ёпирилиб кела

бошлайди. Милоддан аввалги 141 ва 128 йиллар ўртасида Юнон-Бақтрия давлатининг тақдири узил-кесил ҳал бўлади. Бу ҳақда Э.В.Ретвеладзенинг "Сўғд ва Бақтрия подшоликларида Евтидем ҳамда Гелиокл тетрадраҳмалари ва Евкратитнинг оболларига ўхшатиб зарб этилган тангалар кенг расм бўлган эди деган фикрини келтириш мумкин.

Суғдиёна, Чоч, Хоразм тангалари ўз сифати, тайёрланиши технологиясига кўра Бақтрияникига тенглаша олмаган. Бақтрияда ўша даврда кандакорлик санъати юксак тараққий этган эди. Юнон-Бақтрия подшолиги нодир санъатининг намуналари бўлган тангалар ёрдамида подшоликнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва диний ҳаёти ҳақида кўпгина маълумотларни олиш мумкин. Юнон-Бақтрия тангалари топилмалари ичида 1 та Диодотнинг, 8 та Евтидемнинг, 2 та Деметрийнинг тангалари мавжуд. Юнон-Бақтрия давлатида иқтисодий хўжалик, ҳунармандчилик маданият ва шаҳар ҳаёти ва савдо битимлари учун кумуш тетрадраҳмалар ва драҳма қаторида, кичик чакана савдо алоқалари билан боғлиқ бўлган мис тангалар ҳам зарб этилган.

Бақтрия. Номаълум ҳоким (милоддан аввалги II-I асрлар охири). Аверсида - юз бичими дағал шоҳнинг тасвири, (Юнон-Бақтрия шоҳи Гелиокл тасвирига тақлид). Сочлари қўшалок ялов-тасма билан тангилган, елкасида бурмали камзул. Реверсида - ўнг қўлида бир тасма чакмоқ, чап қўлида уч тигли найза ушлаб тик турган Зевс тасвирланган. Юнон ёзувида "адолатли шоҳ Гелиокл" дейилган. Мис.Д-32: В-15,гр.

Саноб (герай). Милоддан. аввалги I асрнинг охири-милодизмининг I асрининг бошлари. Аверсида - шоҳнинг ён омонидан кўкрагигача туширилган тасвири. Пешонасига ялов тасма тангилган. Реверсида - танга сатҳи марказида отда утирган ҳоким тасвирланган. Камарининг ўнг томонида садок осилган, боши узра маъбуда Ника тасвири. "Ҳоким Герай Саноб Кушон" деган юнонча ёзув. Кумуш. Д-29: В-13,5.

Сотер Мегас. (мил. I асри) Аверсида-маъбуднинг кўкрагигача олинган тасвир. Олдинга узатилган қўлида асо (ҳукмдорлик рамзи), боши устида - ёғду доираси (нимб) боши ортида тамга. Реверсида - қўлида жанг табари (болта) тутиб, отини ўнг томонга чоптириб кетаётган шоҳ тасвири. Орқасида бош кийимининг узун тасмалари хилпираб турибди. От чизикдан ўтмоқда. Подшо Менандр кумуш тангаси Деметрий II Сотер тетрадарҳмаси.

Деметрий (мил. ав. 200-185 йй). Аверсида боши узра хартумини кўтариб турган, узун кайрилма тишли фил шаклидаги дубулга кийган шоҳнинг кўкрагигача туширилган тасвири. Реверсида ўнг қўлида тож, чап қўлида гурзи билан шер терисини ушлаб турган ялангоч Зевс тасвири. Юнон тилида "шоҳ Деметрий" деб ёзилган.

Антимох (мил.ав. 190-180 йй.). Аверсида ясси бош кийими устидан тож кийган шоҳнинг кўкрагигача туширилган тасвири. Реверсида ўнг қўлида уч тигли найза, иккинчи қўлида пальма бутоги ушлаб тик турган маъбуд Посейдон тасвири. Кумуш (драҳма). Д-22: В-2,2.

Евкратит (мил. ав. 171-155 йй). Аверсида Македонча дубулга кийган, шоҳнинг кўкрагигача плашга бурканган тасвири туширилган. Реверсида отда

кетаётган найзадор эгизак ака-ука Диоскурлар тасвири. "Ҳалоскор шоҳ Евкратитники" деган юнонча ёзув. Кумуш (драхма) Д-22 В-4,6.

Кушон тангалари. Бактрияда Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан анча эртароқ тангалар зарб қилинган, товар пул муомаласи эса юқори даражага кўтарилган. Бактрия Кушон давлати таркибига кирган. Милоддан аввалги II аср ўрталарига келиб, юэчжи қабилалари Бактриянинг Амударёнинг шимолий қисмини босиб олади, сўнгра бутун подшоликни забт этади. Милоддан аввалги I асрда Кушон давлати кучайиб, подшо Кудзула Кадфиз худудини куенгайтириб, Қобулистон ҳамда Гандҳарни забт этади. Подшо Канишка даврида Кушон подшолиги гуллаб яшнади. Бу даврда подшолик таркибига милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярмида Ҳиндистон ва Афғонистоннинг катта худудлари киритилди.

Кушон подшолиги тетрадрахмасининг ўнг томонида сочлари У хафсала билан таралган, пешонасига тасма боғлаган, юзларида ғайрат-шижоат барқ уриб турган эркак кишининг белигача тушган сурати берилган. Танганинг реверси киши диққатини ўзига тортади: ўртада от минган шоҳ, унинг орқасида гулчамбар тутган Ника (зафар) маъбудаси парвоз қиляпти. Шу ернинг ўзида "Кушон ҳукмдори Герай Санабники" деган тўрт сўздан иборат юнон ёзуви бор. Бу сирли тангаларнинг ўргана бошланганига ҳам юз йилдан ошди. Кейинги йилларда тангашунослик илми кўлга киритган янги маълумотлар ҳамда Холчаёндан топилган ҳайкаллар Кушон ҳокими ҳукмронлик қилган даврга оид кашфиётлар қилишга имкониятлар берди.

Кушон мис чақалари ҳайратомуз ва сирлидир. Уларда ҳукмдорнинг исми йўқ, фақат мансаби ва лақабини англаувчи "шоҳлар шоҳи буюк ҳалоскор" деган юнон ёзуви мавжуд. Илмда "номаълум шоҳ" ёки "Сотер Мегас"нинг тангалари деб ном олган бу чақалар Ўзбекистон ва Тожикистон жанубида олиб борилган археологик қазилмаларда кўп учрайди. Бу тангалар қайси Кушон шоҳи томонидан зарб этилгани ҳақида баҳс мунозаралар ҳалигача давом этмоқда. М.Е.Массон фикрича, улар Кудзула Кадфиз томонидан зарб этилган. Бу борада академик А.Асқаров қуйидагиларни келтириб ўтади: "Хитой манбалари ва археологик материаллар (биринчи навбатда нумизматика материаллари) таҳлилига кўра, Кудзула Кадфиз 80 йил яшаб, милоднинг биринчи ярмида подшолик қилган. Рабатак сулолавий рўйхатига кўра, унинг ўғли Вима Такто "номаълум шоҳ" **Сотер Мегас** номи остида подшолик қилади. У узоқ вақт ҳукмронлик қилмаган кўринади. Чунки 51 йилда ҳокимиятга Кудзула Кадфизнинг бошқа ўғли Вима Кадфиз (51-78 йй) келиб, Ҳиндистоннинг Банорасга қадар ерларини босиб олади". "Сотер Мегас" тангаларининг ўнг томонида кўлида калта ва енгил найза дротик ушлаган идеал шоҳ сиймоси акс эфирилган. Баъзи тадқиқотчилар бу шоҳ сиймоси эмас, балки маъбуд Митра деб тахмин қилишади. Танганинг реверсида узатилган кўлида жанг болтаси - табар-загнул тутган отлик шоҳ тасвирланган.

Кадфиз II замонида пул ислоҳоти ўтказилиб, янги танга тизими асосий статери 8,03 гр келадиган турли сифатдаги тиллалар зарб этишга асосланган бўлиб, икки хил танга жорий этилган: бири 16,07 гр, иккинчиси эса 2,01 гр.

Шунинг билан бир қаторда диаметри 23-25 мм, пазни 16-17 гр. келадиган мис тангалар ҳам муомалага чиқирилган. Тангалар аверсидаги суратда юзи ён томонидан акс эттирилган шоҳ меҳроб олдида тик турганича диний ибодатни адо этмоқда. Бу типдаги қоҳин-шоҳ тасвири бошқа барча Кушон подшолигининг шоҳлари Канишка, Васудева, Канишка III тангалари реверсида ҳомий маъбудалар тасвири бор. Кадфиз II ва Васудева тангаларида ҳомий маъбуда сифатида буқа Нанда ёнида турган ҳинд маъбудаси Шива намоён бўлади. Канишка ва Хувишка тангаларида маъбудалар аҳли жам бўлиб (Пантеон-Маъбад) Авесто динига мансуб оташ, Вад, Меҳр, Моҳ, Орлагно, Фарр, санамлар Нана ва Ардохш, юнонлар Гелиоси, ҳиндларнинг Буддаси, мисрликларнинг Сораниси акс этган.

Кушон тангаларида тасвирланган маъбудаларни ўрганиш подшоликдаги турли халқларнинг турли динлари тарихи ҳақида ғоят муҳим маълумотларни беради. Масалан, Кушон шаҳаншоҳи Вима Кидфиз тангасида ҳиндларнинг бош маъбудаси Шива муқаддас Наввос Нанди олдида тасвирланган. Маълумки, Шива рақс, бўрон ва серпуштлик маъбудаси ҳисобланган. Ушбу тангада тасвирланган расм заминида қандай мазмун ётади? Ҳиндистонни Кушон шоҳларидан биринчи бўлиб Вима Кадфиз забт этган эди. У ўз ғалабасини ҳиндлар орасида мустаҳкамлаш ва уни янада ёйиш учун ҳиндлар маъбуди Шивани ўзига ҳомий қилиб олган. Шу билан бирга унинг ғалабаларига Шива раҳнамолик қилганлигини қайд қилмоқчи бўлган.

Канишка тангаларининг бирида Вадо, иккинчисида Михро, учинчисида Махфаро ёки Орлагно каби зардуштийлар дини билан боғлиқ маҳаллий маъбудаларнинг тасвири учрайди. Канишка ва Хувишка тангаларида тасвирланган маъбудалар ўзларида қандай мазмунни ифодалайдилар. Масалан, Митро-Қуёш маъбудаси ҳисобланган. У тангаларда тиззагача тушган қалин чакмонда чапга қараб турган ҳолда тасвирланган. Маъбуданинг ўнг қўли олдинга кўтарилган, чап қўли билан белини ушлаб турибди. Белида узун қилич, боши атрофида эса ёғду тасвирланган. Маъбуднинг сурати олдида унинг номи битилган. Ой маъбуди Мах бўлса, белида қилич, ўнг қўлида тож ушлаб турган ҳолда акс этган. Маъбуднинг боши орқасида ярим ой тасвирланган. Орқада "Мах" деган ёзув битилган. Олов, бойлик ва истикбол маъбуди Фарро эса тангаларда чап томонга турган ҳолда акс этган. Унинг эгнида тиззагача тушган қалин чакмоқ, оёғида этик, чап қўли белида, ўнг қўлидаги ликопчада муқаддас олов ёниб турибди. Суратнинг орқасида "Фарро" сўзи битилган орлагно уруш маъбудаси тасвирланган. Тангаларда у узун кийимда тасвирланган. Унинг боши ва елкаси атрофида ленталар хилпираб турибди. Маъбуданинг чап қўли белида, белида қилич, тепага кўтарилган ўнг қўлида эса найзани ушлаб турибди. Тасвирнинг орқасида "орлагно" деб ёзилган.

Шундай қилиб, кушонлар тангасида тасвирланган худолар ичида Буддани, зардуштийларнинг Аҳурамаздасини ҳам, ҳиндлар худоси Шивани, юнон худоси Селена (ой маъбудаси), Гелиос (Қуёш маъбуди) ва бошқаларни ҳам кўришимиз мумкин. Канишка даврида этник халқларнинг ортиб бориши жадаллашган. Бундан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакат

тасарруфига катта ҳудуд киритилган ва зарб қилинган тангалар шу катта ҳудудда муомалада бўлган. Подшоликка киритилган турли халқ ва элатларни подшоликка сиёсий ва мафкуравий бўйсундиришда, ушбу халқларнинг анъаналари ҳурмат қилинган. Тангалардаги турли халқ ва элатлар маъбудларининг тасвирини кузатган ҳолда подшоликда диний эркинлик бўлган деган хулосани ҳам беради. Подшоликда Будда дини давлатнинг расмий дини бўлиши билан бирга бошқа динларга чеклашлар кўйилмаганидан далолатдир.

Вима Кадфиз II Милоднинг I аср иккинчи ярми. Аверсида. ўнг кўлини меҳробузра чўзиб, чап кўлини бицинига тираб олган, бошига ялов-тасмали узун қулоҳ кийган шоҳ тасвири. Танга сатҳининг чап томонида уч тигли найза ва ғадир-будир гурзи, ўнг томонида тўрт қиррали, ён ўсимтиклари бор тамга. Одатда беш сўздан иборат доира шаклидаги грекча ёзув: "Шоҳлар шоҳи Вима Кадфиз Кушон" деган маънони англатади. Реверсида. Бўка Нанда рўпарасида турган Шива Хароштхи усулида ёзилган ҳинд ёзуви. Мис. Д-27: В 18 гр.

Канишка (мил. II аср биринчи ярми). Аверсида. Тик турган, чакмонли ва узун қулоҳли шоҳ тасвири. Ўнг кўли меҳроб узра чўзилган, чап кўлида найза. Бақтра тилида "Шоҳлар шоҳи Канишка Кушон" деган ёзув. Реверс - кифтлари ортидаги плашини хилпиратиб чопиб кетаётган ялангоч шамол маъбудди Вадо тасвири. Танга сатҳининг ўнг томонидаги бўшлиқда тўрт қиррали тамга. Бақтрия ёзуви. Мис. Д-25: В -15 гр.

Хувишка (мил. II аср ўрталари - иккинчи ярми). Аверсида. Филга миниб, ўнг кўлида асо, чап кўлида гаврон тутган ҳукмдор тасвири. Бақтрия тилида "Шоҳлар шоҳи Хувишка Кушон" деган ёзув. Реверсида. ўнг кўлида найза

тутиб, тик турган маъбуд тасвири. Чапдаги бўшлиқда тамга. Мис. Д-22.

Боботепа моддий маданияти

Ўзбек давлатчилигининг шаклланишда Сурхон воҳасининг ўрни бекиёс бўлиб, воҳада ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт, сунъий суғориш, хунармандчилик ва чорвачилик ривожига эрта шаклланганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихида Шеробод илк шаҳарларни ва давлатларнинг пайдо бўлишига замин яратган ҳудуд бўлиши бирга Карвон йўллари тутушган минтақа, савдо сотикнинг йирик марказларидан бири сифатида танилган. Шеробод ҳудудининг ҳар бир қарч ери инсоният цивилизацияси ривожига кўп томонлама ҳисса қўшганлигини олиб борилган археологик тадқиқотлар тасдиқлайди. Ана шундай йирик марказлардан бири Боботепа шаҳар харобалари бўлиб, ушбу манзилгоҳ таниқли қадимшунос олима археолог олима Н.Б.Немцева томонидан мукаммал ўрганилган бўлиб, унинг тарихи қўйидагича илмий баён этилади. Ҳозирги Шеробод шаҳридан 11 км жанубий шарқда узоқликда жойлашган Боботепа археологик обидасидаги иккита иншоот нисбатан яхши сақланган бўлиб, археологик тадқиқотлар натижасида иншоотлар илк ўрта асрларга тегишли улуғвор меъморчилик ёдгорлиги бўлиб, унинг ривожланиши икки босқичдан иборат бўлган. Шаҳарча мустаҳкам қурилган, туғри туртбурчак шаклида (240X100 м) шахристон, шаҳар маркази, қишлоқ хужалигига мослашган работ ва ғарб томондан бир неча алоҳида тепалар мавжуд. Шаҳар атроф 10-15 метр мустаҳкам ўра билан ўралган бўлиб, деворнинг баландлиги 9 м гача мустаҳкамланган бошқарув кўрғони алоҳида ажралиб турган. Чунки, ушбу даврда мунтазам бўлиб турадиган босқинчилик урушларидан ҳимояланиш учун ушбу баланд кўрғонлар қурилган.

Боботепадаги шаҳар ҳаёти асосан Кушон даври подшолигида анча тараққий этиб, шаҳар мустаҳкам қалъа деворлари билан янада улуғвор бўлиб, шаҳар аҳолисининг сони ошиб, ижтимоий – иқтисодий ва маданий марказ сифатида юксалиб, карвон йўллари кесишган манзилга айланиб, йирик савдо –сотик маркази бўлган. Шаҳар аҳолисини сув билан таъминлаш қадимий Истара ариғи, Бойбулоқ ва Тангисой жилғаси орқали Такасақраган тоғ сувларидан фойдаланилган. Шаҳар кичик пишиқ ғиштлар ҳамда спол қувурлар билан ишланган ариқлар орқали сув билан таъминланган. Шаҳар атрофи илк ўрта асрларда алоҳида қурилган қалъалардан иборат бўлиб, қалъалар ҳарбий стратегик жиҳатдан махсус қуриқланиб, мудофаа иншоотлари мукаммал муҳандислик қурилмалар асосида ҳимоя шинақлари, бурчак ҳимоя миноралари билан таъминланган. Боботепа маркази шаҳри атрофида мустаҳкам ҳарбий қалъалар марказий шаҳарни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олиб, ушбу қалъалардан 4 тасининг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Ушбу қалъаларда маҳаллий аҳоли ҳисобланган ўрта ҳол деҳқонлар яшаган квартал (дахаси) лар жойлашган. Боботепа ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда деҳқончилик, хунармандчилик ва чорвачилик кенг ривожланган бўлиб, донли, савзавот экинлар кўплаб экилган ҳамда шаҳарларда маҳаллий кулолчилик ривожланган. Чунки археологик тадқиқотлар жараёнида ушбу ҳудудлардан турли хил ҳажмдаги қадимий

Шеробод кулолчилига хос кулол буюмлар топилди. Жумладан, ўрганилган худудлардаги маданий қатламларида кулолчилик буюмлари, тандир қолдиқлари ва бошқа буюмлар кўплаб топилди. Боботепа шаҳар ва унинг атроф қалъаларида ҳаёт араблар босқинига қадар тўхтаган эди, аммо айрим жойларда X-XVI асрларгача одамлар яшаганлигини тасдиқловчи манбалар топилган. Ҳозирги пайтда Боботепа ёдгорлиги атрофида замонавий Бойбулоқ маҳалласига қарашли Пахтакор, Чоравдор, Бойбулоқ, Истара, Араб каби қишлоқлар жойлашган.

Боботепа шаҳари ва унинг атроф шаҳарлари ҳамда қишлоқлари қадимда сиёсий ва ирригацион (суғориладиган) марказ бўлган ва Шеробод дарёсининг ўнг irmoғи Истара ариғи атрофида бўлган. Ҳозирда бу irmoғ тўлиқ қурилган ва бу ерлар ҳозирги вақтда Шерободдарё ва Сурхон-Шеробод канали орқали суғорилади. Академик Э. В. Ртвеладзенинг тахмининча, Истара irmoғи дастлаб сунъий яратилган деб изоҳ берилади, бизнинг фикримизча, фақат табиий ва етарли даражада тулиқ сувли irmoғ атрофидагина беш асрдан узоқроқ мустақам қурилган шаҳар барқ уриши мумкин. Чунки, ушбу даврда бундай кенг ривожланган Боботепа шаҳари ва унинг атрофидаги ўнлаб шаҳар қалъаларни ҳамда қишлоқларни сунъий суғоришга асосланган кичик ариқ билан узоқ муддатда таъминлаб бўлмас эди. Шеробод воҳасидаги бошқа марказлар сингари Боботепа шаҳар ва унинг атрофи ҳам Шимолий Бактриянинг Кушон давридаги ҳаётига хос ўзаро зиддиятлар, тенгсиз урушлар, мунтазам босқинчилик урушлари, кўчманчиларнинг кўчиши билан боғлиқ жараёнлар натижасида илк ўрта асрлардаги сиёсий ҳалокатга оид тарихий ходиса эди. Жамият ҳаётида юз берган сиёсий бошқарувдаги ўзгаришлар ҳамда ижтимоий ўзгаришлар, ерга муносабатни ўзгариш туфайли пайдо бўлган феодал тузумини бошланиши воҳада иқтисодий тараққиётнинг ўсишига, шунга хос равишда феодаллар қасрларининг қурилишига, иқтисодий мустақил қишлоқчаларнинг ривожланишга олиб келди.

Ўзбекистон Санъатшунослик институти томонидан олиб борилган 1980-1982, 1984 йиллардаги археологик изланишлар натижасида Чўпонотатепа археологик обидасидаги иккита қалъа карвонсарой сифатида қурилганлиги аниқланиб, ушбу марказларда савдо-сотик ишлари ривожланиб, Ҳиндистон, Эрон, Суғд ва Қанғ худудларидан савдо карвонлари мунтазам келиб турган. Иккита карвон сарой Боботепа шаҳар маркази деворидан 120 метр масофада жануби –ғарбий томонда жойлашиб, карвон саройлар бир –биридан 70 метр узоқликда бўлиб, бир даврга тегишли иккита карвон сарой биноси нимагадир ҳар хил архитектура анъаналари асносида қурилган. Икки иншоот ҳам шаҳарга кираверишда шарққа қараб қуриб, бинолар йўл бўйида жойлашиб, аммо работ атрофи пахта даласига айлантилганлиги туфайли бузиб юборилганлиги учун микрорельеф ва ирригация излари йўқолиб кетган. Археологик илмий изланишлар натижаларига кура, қишлоқ мураккаб тузилишга эга бўлиб, умумий маданий қурилиш қатлами алоҳида жойларда 5 метрни ташкил этади, марказий қисмида эса 2,5 метргача тушган. Баъзи жойларда девор бор бўйича, яъни бешта гумбаз баландлигича ва бурчакдаги

куббалар катори сақланган. Бу ҳолат шундан далолат берадики, шаҳар мукамал муҳандислик асосида қурилган бўлиб, табиий ҳамда сиёсий-ҳарбий вазиятни ҳисобга олган ҳолда яратилган.

Боботепа шаҳридаги биринчи қурилиш даврида симметрик шаклидаги йулак (коридор) ҳолатида бўлиб, шаҳарни ташқи деворлар қалинлиги 2 метр, асос пайдевори 2,9 -3 метргача бўлиб, деворлар пахсадан ва бурчак минораларсиз қилиб қурилган. Ички деворлар қалинлиги 1,5- 1,6 метрни ташкил этади, ички деворлар табиий муҳитни, яъни ёзнинг иссиғи ва қишнинг совуқ ҳолатини ҳамда ички мудофаа ҳимояланиш воситаларини ҳисобга олган ҳолда қурилган.

Боботепа шаҳри ва унинг атрофидаги мудофаа деворлар тўғри тўртбурчак (48-50-52x24-25x7-8-10 см) ҳажмдаги ғиштлардан қурилган 2-3 қатордан кейин лой қатлам бор. Ички деворлардаги хона деворлари қалинлиги 20-25 сантиметр бўлиб, хона ичидаги супалар сомоншувоқ қилинган. Аркка қарашли дала-ҳовлининг умумий ташқи ҳажми 46x47 метр, ички ҳажми 38,5x35,5 метрни ташкил этиб, дала ҳовлининг ёнида 1,5 метр энига йўлакча бўлиб, йўлакча ҳовлининг шарқий томонида жойлашган. Йулаклар периметри бўйича тўртбурчак гумбаз хоналар билан кесишган (3x3; 3,2x3,2 метр) бўлиб, эни 2,6x3 метрли, узунлиги 13-15 метр йулаклар гумбаз остида бирлашган. Илмий тадқиқотлар жараёнида ҳамма жойда нураган деворларнинг қолдиқлари топилиб, деворларда ўша даврларга хос мебелли бўлган ўйма куббали бўлмалар деворларга ўйиб жойлаштирилган. Деворларга ўйиб жойлаштирилган ушбу гумбазларга тааллуқли муҳандислик нақшлари Ўрта Шарқда ривожланган бўлиб, Марказий Осиёга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Изланишлар натижасида кубба гумбазининг елкансимон асосда ишланган иншоотлари VII-VIII асрларга хос бўлиб, ушбу гумбазлар Суғдда, Чочда, Хоразмда, Хуросонда, Тохаристонда ҳам русм бўлган эди.

Боботепа шаҳри маркази дала ҳовлисининг тузилиши ички ҳовли, яъни симметрик йўлаклар, тўртбурчак гумбазли хоналардан иборат бўлиб, аниқ ҳисоб китобларга асосланган. Марказий Осиёда ҳовли тузилишларидаги бунақа ўхшаш шакли йўқ, бунга яқинроқ ҳолатни Болаликтепадаги қишлоқ қасрида қуриш мумкин. Унинг ҳовлиси айланаси бўйича хоналар қурилган, Чўпонтепадаги фарқли тўртбурчак гумбазли хоналари Боботепа шаҳар марказида йўқ. Ундан ташқари Боботепа маркази баланд пойдеворга қурилган деворларда шинаклари бор, мустаҳкам қуриқланиб, кўтарма кўприги мавжуд бўлган.

Чўпонотатепа эса ерга оддий қилиб қурилган патриархал оилага мўлжалланган қишлоқ уйи, фақат деворлари қалин қилиб қурилгани билан ажралиб туриб, ушбу қалъа ҳам мустаҳкам қўриқланган. Бу ҳудудда уйлар анъанавий шаклда йўлаксимон қилиб қурилгани билан ажралиб туради.

Боботепа манзилгоҳига оид қурилиш услуби Миршоди воҳасидаги миллоддан аввалги VII – VI асрларга тегишли Қизилча мавзесида ҳам учраган эди. Ундан ҳам қадимда бу типдаги уйлар бронза даврига тегишли Сополлитепада учраган (эрамиздан аввал 2 минг йиллар). Шундай қилиб,

Боботепа шаҳрига хос ҳажмдаги режали қишлоқ уйлари Қадимги Бактрия анъаналари асосида қурилган деган хулосага келиш мумкин.

Иккинчи қурилишли даври – бир қанча вақт ўтиб, ховлининг биринчи этапдаги очиқ қисми қурилиб битказилган, ғарбий томондаги бинонинг деворлари 18 – 19 – хоналарнинг деворлари ёнган ва яқинда қурилган. Тахмин қилинишича улар енгил ёғоч айвонлардан иборат бўлганлиги ёнғинга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Иккинчи қурилиш даврда пахса қаватлар ўрнига силлиқ ишланган ғиштли деворлар мавжуд бўлиб, супада ҳажми 48-53 x 25x8-10 см яшилроқ ғишлар терилган. Сувоқ ҳам яшилсимон лойдан қилинган, полихром ёзувлар ўзи сақланиб қолган. Ёзувлар суғдий ёзувлари гуруҳига оид бўлиб, ҳовли охиригача очилмагани сабабли ёзувларни ҳамда ҳарфларни ўқиш имконияти мавжуд бўлмади, шунингдек, иккинчи даврни таҳлил қилишда ноаниқликлар келиб чиқди.

Боботепа шаҳар қурилишдаги архитектура қиёфаси ўз шакли девор пойдевори асослари ва шакл жойлашувининг ўхшашлигини кейинчалик ифодали қуринишда Термиздаги Қирққиз ёдгорлигида кўриш мумкин. Боботепа шаҳари қурилишдаги Х – шакли ховлининг кўринишини марказий зал билан эмас, балки узун йўлақлар борлиги билан ҳам Термиздаги Қирққиз ёдгорлигида такрорланганга ўхшашлиги билан асосланган. Боботепа шаҳарининг бутун шимоли – шарқий қисмида 13x13 метрли ховлича, хужалик хоналари жойлашиб, шимолий тамонда 11 хона тўлиқ ва қисман сақланган хоналар аниқланган. Х- шаклли асосли бинолар Ўрта Осиёда антик даврдан бери маълум, бунга ўхшаш бинолар эрамиздан аввалги IV – I асрга тегишли Хоразмдаги Қайрилган қалъа, Туғизхон мавзолейи, сакларнинг Чиринобод, Баланда – 3, Бобишмулла ёдгорликларида ҳам мавжуд бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки шакл жиҳатидан Боботепа ёдгорлиги Ойхоним маъмурий – ҳовли биноси, парфияликларнинг Мансуртепа ёдгорлигига анча яқиндир. Қишлоқ ховлисининг кўриниши ва йўлаксимон бинolari билан ушбу ҳудудларга ўхшашдир. Кушонлар даврига оид Боботепа шаҳри мукамал ривожланган ҳунармандчилик, заргарлик, кулолчилик ва савдо -- сотиқ тараққий этган йирик аҳоли маркази бўлиб, Шарқ билан Ғарбни боғлайдиган Карвон йўли устида жойлашган ҳамда ҳарбий сиёсий стратегик аҳамиятга эга қалъаларни ўзига бирлаштирган. Боботепа шаҳри ва унинг атрофи мустаҳкам ҳимояланган мудофаа иншоотлардан иборат бўлиб, ҳимоя деворларнинг узунлиги ўнлаб километрга чўзилган бўлиб, ҳозирги Чорвадор, Араб, Пахтакор, Мавлон, Кичик Лайлоган, Чағатой, Работак, Дўстлик қишлоқлари ва Қанғи жар атрофларигача Боботепа шаҳар маркази билан боғлиқ мудофаа девор қолдиқлари топилиб, ушбу девор қолдиқлари 3 метр баландлик, 2 метр қалинликда бўлганлиги Пахтакор қишлоғида ерларни ўзлаштириш даврида қазилган каналлар очилиш жараёнида дуч келинди.

Боботепа шаҳрига оид Х – шаклидаги бинолар Бактрия ва Тохаристондаги кўплаб шаҳарлар ва қишлоқларда қурилиш бинolarига ўхшаш бўлиб, хатто шимолий Хуросон атрофидаги бинолар

архитектурасига яқин белгилар мавжуд. Масалан, катта ва кичик Нажмқалъа, Қизқалъа, шунингдек, Чағониён давлатидаги Кулолтепа, Устрашондаги Ўртақўрғон калъа, кейинроқ эса, XIV- XV асрлардаги Марказий Хоразм ва Хуросондаги мақбара ва хонақоҳларда, уйларда ўз аксини топган қурилиш ўхшаш бинолар мавжуд бўлган.

Боботепа шаҳрига хос ҳовлининг умумий тузилиши алоҳида хоналар шаклида бўлиб, шимолий қисмида меҳмонлар учун хоналар ва яшаш учун хоналар қурилган. Жанубий томонда хўжалик хоналари қурилиб, асосий қисмида марказий зал бўлиб, унинг тўлиқ ҳажми ўрганилмаган, шимоли-ғарбий қисмигина очилган бўлиб, унда кизил рангли чизмалар қулланилганлиги аниқланди.

Боботепа шаҳридан топилган оқ, кук, сарик, қора ранглар контурда ишлатилган буюмлар, кўк фонда ишлатилган оқ айлана шакли сопол буюмлар Панжикент ва Суғдларнинг ўрта асрлардаги чизмаларига ўхшайди ҳамда ушбу ҳудудлардан ҳам шунга ўхшаш буюмлар топилган. Демак, шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Боботепа шаҳри Буюк ипак йўли устида жойлашиб қадимий савдо алоқалари йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Шаҳар марказидаги 38 – бино тахминан меҳмонхона бўлиб, меҳмонхонани асосий яшаш хоналари шимоли – ғарбий томонда жойлашган бўлиб, 3 та тўртбурчакли хоналари бор. Шунингдек, 18, 19 ва 30 хоналар ҳажми 15x45 м, 14x38; 8,7x4,5 м ва битта 8x8,7 м.ли хоналар меҳмонларга мўлжалланган. Меҳмонхоналар ўтиш йўллари билан бирлашган, иккита хона параллел жойлашган. Ҳамма очилган меҳмонхоналар иситилган, учоқлар оддий конструкцияга эга пахсадан қилинган бўлиб, Ўрта Осиёда ўрта асрларгача жанубий шаҳарларда, жумладан, Суғдда X асрларгача шундай қилинган.

Боботепа шаҳри марказидаги 19 хонага қушимча ишлов берилган бўлиб, у махсус хона вазифасини бажарган ёки маълум бир шахсга тегишли бўлган. Хонанинг ғарбий қисмидаги кундаланг девор 4 см қалинликда нам ўтмас яшил тупроқ билан сувоқ қилинган. Шаҳар ҳокими жойлашган Арка ва руҳонийлар жойлашган диний маросимлар хонаси деворларига декоратив ишлов берилган. Деворнинг асосини 25 см.ли панел қоплаган, у қачонлардир ганч қилинган. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки Боботепа шаҳрида хунармандчиликнинг амалий безак саънати ҳам анча яхши ривож топган. Шаҳар марказининг шимоли – ғарбий томондаги 18,40. 19, 30 хоналар, яъни 33 хонадан ташқариси, гумбазлар билан ёпилган, бинонинг умумий ҳажми оддий гумбаз шаклидаги ёпилишига тўғри келмайди. Бу усул эрампизнинг биринчи асридаёқ маълум бўлганлиги сабабли, ушбу усул Дилбаржин гумбази деб аталиб, унинг ҳажми 9,1x9,1 м.ни ташкил қилган. Хоналарнинг ҳаммасининг ҳажми турли ўлчовда бўлганлиги сабабли, уларнинг “гумбаз”, балки “тўрт гумбазли плафон” усулида ёпилишига сабаб бўлган. Дилгарон мачитидаги каби “чорбурчак” шакли ҳам Боботепа шаҳрида учрайди.

Археологик тадқиқотлар жараёнида шаҳарда 5 та гумбаз қолдиқлари ҳам топиб, очиб ўрганилган 14, 18, 19, 13 хоналар жуда катта ҳажмда бўлганлиги сабабли ёндош хоналарнинг тузилишини ўрганишга ёрдам

берди. Шаҳарнинг ташқий девор қисми унинг асосий пойдеворини ўрганишга ва йўлак полига 2 метрга яқин қия фарқ борлиги аниқланиб, бу ерда қаср қурилганлигини аниқлаш имкониятини берди. Деворнинг асосидан тулиқ қисмигача фарқ 2,27 метрни ташкил қилиб, сақланиб қолган қисми эса 1 метр. Шундай қилиб, йўлакнинг умумий баландлиги 5 метрни ташкил қилиб, эни эса 2,8 метрдан иборат. Ўрганилган қаср чузук, тўртбурчак гумбаз шаклида бўлиб, Марказий Осиёда ўрта асрларга хос одатий ҳол эди. Иккинчи даврнинг қийшиқ гумбазлари ҳақида ҳужжатли асос йўқ. Шундай ҳулосага келиш мумкинки, ҳовлининг айлантириб хоналар қурилаётганда уларнинг ёпилиш шакли ҳисобга олинган, чунки ёмғир сувларининг чиқиш йўллари махсус қурилган. Ҳовли сағана қисми яна ҳам мураккаброқ бўлиб, ғарбий ва шимолий деворлар бўйлаб 1,15 метр энига супалар қурилган. Супалар хом ғиштдан қурилган бўлиб, яшил тупроқдан сувоқ қилинганлиги учун яшил супа деб номланган.

Боботепадаги ушбу ҳовли диний тадбирлар ўтказиш таркибига кирган бўлиб, кейинги босқичларда кулхона вазифасида ишлатилган. Сағана – ҳовлининг шимоли – шарқий томонида жойлашиб, тўртбурчак шаклидаги меҳроб хонаси, супалар шарқий олов ёнадиган жойи, жануби – шарқий томонда кириш йулаги (тамбур) дан иборат. Жануб томондан кириш қисмининг 4,6х 2,1 м хизмат хонаси ва супа ҳамда шимолий томонда бўлмали чиқиш йўлаги эгаллаган. Узунлиги 6 метр, эни 85 см, чиқиш йулаги жанубда, сўнг ғарбга ва ҳовлига йўналган. Меҳроб хонаси рангли сувоқ билан қопланган, шарқий девор 3 та панелли ранглар билан безалган, уларнинг ораси 55 см бўлиб, бунақа безак бу ҳудудда бронза давридан буён такоммиллашиб келган. Худди шундай рангли безаклар билан жанубий Бақтриядаги Даштли – 3 ибодатхонаси ҳам безатилган. Боботепа шаҳридаги маданий комплекс Шарқдаги ибодатхоналар сингари яшаш жойларидан алоҳида қилиб қурилган. Ҳовли, булмали йўлакларда 32 та иморат ҳам мавжуд бўлиб, биноларнинг кириш қисмидаги тамбур, меҳробга ва оловга ўтиш йули -сағанага кириш йўлларининг анъанавий тарзда қийинлаштирган.

Санаб ўтилган белгиларда шарқнинг ва Қадимги Бақтриянинг олов ибодатхоналарини ташкил қилишнинг қадимги анъаналарини ўзида акс эттирган. Ибодатхоналар ниҳоятда муқаддас бўлиб, унга кириш, сажда қилиш алоҳида ахлоқий қоидаларни талаб қилган, Иймон, эътиқод, поклик, танани жисмоний соғломлиги каби ҳолатларни бажарган кишилар меҳробга кўйилган. Шунинг учун ибодатхона қурилишига иккита нарсани мерос қилиб олганлар, яъни меҳробнинг алоҳидалиги ва унинг деворларининг рангли лой сувоқли нақшлар билан безатилганлигидир. Таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ҳолат ҳамма ўрта асрдаги Марказий Осиё ибодатхоналарида мавжуд бўлмаган. Катта ибодатхоналарга эга Суғдда, Шошда, Уструшанда ва Хоразмда бундай белгилар учрамайди, аксинча, ибодат тадбирлари ўтказилган хона яшаш хоналари билан кўшилиб қурилган. Масалан, Панжикент шаҳридаги ибодатхоналарда булар шунчаки махсус ўчоқлари бор хоналар қурилиб, махсус буялмаган. Боботепа шаҳри марказидаги 17-хонадаги меҳроб қисми шарқий деворнинг ўртасида (Суғдда, Хоразмда,

Уструшанда, Шошда ҳам меҳроб шундай ҳолатда) жойлашган, хона деворига яқин қилиб қурилган. Эрамизнинг 1 асрига оид меҳроблар бронза даврига хос Жарқўтон меҳробларидан намуна олиб, бу меҳроблар Кушон даврига хос Далварзин шаҳрида ҳам учрайди.

Бизга тарихдан маълумки, Марказий Осиё жанубида милоддан олдинги V минг йилликда (Жанубий Туркманистон) меҳробни деворга яқин қуриш анъанавий ҳол бўлган. Боботепадаги меҳроб эса истисно тарзида хонанинг ўртасида қурилган. 17 хонанинг деворига яқин жойда 40 см баландликдаги, эни 1,32 метр баландликда супа бўлган, бу тепа жойда 4 та устуннинг ўзи бўлиб, у ердан мунтазам ёниб турган ўчоқда тоғдан олиб келинган кумирнинг кул қолдиқлари топилди. Ўчоқнинг атрофи тош билан қопланган, чуқурчада қушларнинг суяк қолдиқлари топилган, бу Ўрта Осиёда табиий ҳолат деб боҳаланади. Бундай топилмалар Канна шаҳри ва Далварзинтепадан ҳам топилиб, ушбу топилган меҳроб хонасининг хажми 4,6x4,6 метрни ташкил қилган. Деворларда қурум излари йўқ, чунки хонада махсус тутун йули бўлган. Панжикентда эса деворлари тўқ кул рангда бўлиб, бу ҳолат кайфиятга таъсир қилган, чунки махсус тутун чиқадиган йўллар бўлмаган деб таҳлил қилинади.

Шаҳар марказидаги ушбу 17 хонанинг жануби - ғарбий томонида супанинг устида тўнтарилган хум топилган, унинг таги синган, аммо ичи кумир ва кул билан тўлдирилган бўлиб, бу кул ҳам муқаддас ҳисобланган ва махсус сақланган. Бу одат М. Бойснинг этнографик ёзувларида ҳам учрайди. Хусусан Кармандаги ибодатхона бурчакларида меҳробдан чиққан кул қолдиқларини сақлашган. Чўпонотатепада эса бурчакда эмас, ҳамма куллар махсус хумда сақланган. Хоналарнинг функционал тузилиши, зараутсойликларнинг олов билан боғлиқ маросимларини ўтказишга мос қилиб қурилган.

М. Бойснинг фикрича, Эрон зардуштийлари ибодатхоналарида иккита махсус хона бўлган, биттасида илтижо қилувчилар, иккинчисига ўчмас олов ёниб турган. Археолог Г. Гропп замонавий ибодатхоналарни ўрганиб чиққанда, икки хонадан иборат ибодатхоналарни аниқлаган биттасига олов ёқган, биттасига қурбонлик қилинган деган фикрни изоҳлайди. Демак Боботепадан икки хонали ибодатхонани ҳам шундай тушуниш керак, 17 - хона – асосий муқаддас жой, 32 - хона эса қурбонлик қиладиган хона бўлиб, кичкиналигидан фақат 5 киши жойлашиши мумкин бўлган. В.Бойс ибодатхонадаги ошхонани алоҳида таъкидлаб ўтади, чунки у ерда асосий таом тайёрланган. Ёрдамчи хоналар, хизматкорларнинг яшаш хоналари 14-15 – хоналар бўлган, умуман бу комплекс 40 кв.метр жойни эгаллайди ва шимоли – шарқий томоннинг ҳаммасини эгаллайди. Бунақа ҳажмда бўлиши эса битта оилага хос маросим ўтказадиган хоналар эмас, балки бу ибодатхона бутун Боботепа шаҳри аҳолиси учун хизмат қилган ва ёнидаги икки қаватли қасрга бунақа уй ибодатхонаси бўлмаган. Демак, бу бутун работ аҳолисига тегишли бўлган.

Аммо Кушон даври ва кейинги даврларда диний ҳаёт анча ривожлангани ҳисобга олинса, баъзи бадавлат оилаларнинг алоҳида маросим

Ўтказадиган ибодатхоналари бўлган деб амин қилиш мумкин. Чунки меҳроб жойлашган хонада бир қанча юпка, оғзи кенг думалоқ идишлар тупланган, бу идишлар қурбонликни ёндирувчи идишлар бўлиб, Панжикентдаги расмлардан келиб чиқиб, металл қурилманинг устида идишлар турган бўлиши мумкин. Лекин бу қурилмалар топилмаган, бу эса анча хайратланарли, Марказий Осиёда ибодатхона, маросим хоналарида бундай идишлар йўқ, хусусан Шошда, Устурушанда топилмаган. Аммо Суғдда (Панжикент), Жанубий Суғдда (Еркўрғонда), Мудимтепада, Овултепада Ҳайдаробод асосан Бақтрия – Тохаристон, Болаликтепада оғзи кенг думалоқ идишлар кенг тарқалган. Маросим қурилмалари антик даврда Холчаёнда, Далварзинтепада, ҳамма архаик даврда ҳам, Жаркўтонда ҳам бўлган ва анъанавий ҳолга қадимги Шарқда Месопатамиядан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларда оғзи кенг думалоқ идишлар кенгбўлган. Лекин Боботепада уларнинг топилмаганлиги билан ажралиб туради.

Боботепа ҳудудидаги қишлоқларнинг жанубий қисми хўжалик ишлари учун мослаштирилган бўлиб, қишлоқлар шаҳар аҳолисининг деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлаган. Шаҳар марказидаги кўплаб биноларнинг катта қисми сув таъсирида ювиб кетилган, шимол томони кумир ва кул қолдиқлари билан тўла. Жануби – шарқий томонда ёнма – ён хоналар топилган. Деярли шаҳарнинг ҳамма жойда тандирлар топилган, 24 хонада топилган тандир супа ёнида одам бўйи баравари қилиб ўрнатилган. 4 – йўлак ҳам катта ошхонага айлантирилган, археологик тадқиқотлар жараёнида иккита тандир ва ерда кумилган иккита хум топилди. Тандир ва хум тайёрлаш бўйича кулоллар катта тажрибага эга бўлганлиги буюмларнинг ўта пишиқ ишланганидан далолоат беради. Ҳунармандлар ишлаган супа қатори кул билан тўлиб қолган.

Шаҳар марказининг жанубий – ғарбий томонида эса анча нураган бўлишига қарамай унча катта бўлмаган ҳунармандчилик ишлаб чиқариш хонаси бўлган. Кулолчилик дастгоҳи ёнида куйдирилмаган хум, керамик шлаклар бўлиб, кулолчилик идишларини куйдиришида мўлжалланган печ – тандир қолдиқлари топилди. Топилган хумнинг белгилари, шакли VI -VIII аср бошларида Марказий Осиёнинг Суғд, Уструшон, Шош, Тохаристон вилоятларига хос ўхшаш бўлган.

Қишлоқ қурилиши ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб, қишлоқ работ атрофида жойлашган кулолчилик қолдиқлари экин далалардан ҳам топилганлигини ҳисобга олиб таъкидлаш мумкинки, қишлоқларда ҳам кулолчилик кенг ривож топган. Аҳоли шаҳар ва қишлоқ атрофида зич жойлашганлигини сабабли боғлар ва полизлар экинлар анча ривож топган бўлиб, деҳқончилик маданияти юксак даражада бўлган. Аммо стратиграфик ишларни ўрганиб чиқиб, девор атрофдаги қатламлардаги 70 смгача маданий қатлам илмий таҳлил этилганда ушбу ҳудудда ўрта асрларга тегишли белгилар моддий ва маданий ашёлар кўпроқ топилди.

Шаҳар марказида амалга оширилган археологик тадқиқотлар жараёнида 8 та танга топилди, академик Э. В. Ртвеладзе фикрича, уларнинг ишлаб чиқарилган вақти III-VI асрларга тегишли. Битта танга Сосоний – Кушонлар

даврига IV асрнинг бошига оид бўлиб, археолог Б. У Маршак ва В. Г Лукопинларнинг таҳлилига кўра, IV аср охирига - V асрга тааллуқли деб изоҳ берилади. Топилган тангалар ичида VI асрга хос тангалар йўк, битта ноаниқликдан ташқари, энг эрта даврда хос танга – Сотер – Мегос тангаси деб номланиб, ушбу танга эрамизнинг I асрига таллуқли бўлиб, танга шимоли – шарқий ховлидаги яшил супа атрофидан топилди. Ушбу тангалар V асргача савдо-сотикда муомилада бўлган деб таҳлил қилинади. Қишлоқ қурилишида ишлатилган материаллар ҳам ўша даврга оид саналарни аниқлашга ёрдам беради. Маълумки Бактрия – Тохаристонда VI аср охиригача монументал қурилишлар тўртбурчак ғиштлардан қурилган. Бу ғиштлар ҳақидаги маълумот академик Г.А.Пугаченкова ва В.А.Кеъмсон манбаларида ҳам келтириб ўтилган. Фақат V асрга келиб тўртбурчак ғиштлар ўрнини тўғри тўртбурчак, яъни, I- II ҳажмдаги ғиштлар билан алмашган. Бундай қурилиш материаллари Ҳайрабодтепа, Болаликтепа V – VIII аср, Далварзинтепа, VI-VII асрлар бинолар ҳам Боботепадаги ғиштларга ўхшаш хом ғиштлардан қурилган. Бу эса Боботепа қишлоқлари IV-V асрларда анча ривожланган деган хулосага олиб келади.

Иزلанишларда олинган кулолчилик буюмлари, хоналардан топилган нарсалар, яъни сопол идишлар – хўжалик ошхона идишларига (хум, тоғора, хумча, қозон), кўзалар (сув учун, ёғ ва дон учун), ошхона буюмлари – товоқ, лаган, махсус маросим идишларидан иборат бўлган. Фақатгина 10 йўлакнинг супалари орасидан 12 та ҳар хил идишлар топилган, тандир атрофидан анчагина идиш синиқлари кулга қоришиб ётганлиги аниқланди. 10 йўлакдан топилган хумларнинг шакллари тўртбурчак, учбурчак, тўғри бурчак, думалоқ мураккаб шаклларга эга. Хум ва тоғораларнинг ҳамма қисми занжирсимон орнаментлар билан безалган ва Ҳайрабоддан топилган V -VI асрларга тегишли хумларга жуда ўхшаш. Уларнинг анъаналари V-VII асрга тегишли бўлган Ҳайрабодда, Боботепада, Ерқўрғонда, Сеталак 1 -2 га, Шошда, Далварзинтепанинг Кушон даврига хос манбалардан билиш мумкин.

Боботепа шаҳар харобаларини ўрганиш даврида савдо билан боғлиқ нумизматик материалларнинг ўрганиш жараёнида қишлоқ савдо расталари IV аср охири V аср бошларида анча тараққий этиб, қишлоқларда деҳқончилик маданияти VI аср ўрталаригача давом этганлиги аниқланди. Бу давр Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ҳаётига ижобий туртки бўлиб, кулдорлик тузуми тугаб, феодал муносабатларнинг ривожига сабаб бўлган. Сурхон воҳаси IV аср ўрталарида кучли инқироз ҳолатини бошдан кечириб, Ҳайрабод, Зартепа, Ерқўрғон сингари шаҳар типидagi қишлоқлар худудлари анча қисқарди. Тохаристон худуди сосонийлардан вақтинча озод бўлиб, Кушонлар давлатининг таркибга кириб, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланди ва Кушонлар давлати инқирозидан кейин VI аср ўрталаригача мавжуд бўлган Эфталитлар давлати таркибида бўлади. VI асрга келиб Эфталитлар сиёсий ҳукмронлигига Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистоннинг бир қисми, Шарқий Туркистоннинг қатор вилоятлари бўйсундирилди. Боботепа шаҳар анча тараққий этиб, у билан бир вақтда

шаклланган Ангор туманидаги Болаликтепа ёдгорликлари V -VI асрларга оид бўлиб, бу ерда маданият кўп асрлик тарихий анъаналарга эга ва бу маданият кўчманчи эфталитларнинг маданий мероси эмас, балки улардан анча олдин тараққий этганлигини археологлар Р.Гиршман, Л.И.Альбаумлар илмий тадқиқотлар даврида тасдиқладилар. Эфталитлар даврида Боботепа шаҳри ва унинг атроф ҳудудлари маданий юксалиш даврини ўз бошидан кечириб, қишлоқ бинолари IV аср охирида анча тараққий этиб қишлоқлар қайта таъмирланиб, V асрга хос деҳқончилик маданияти ўз ҳолатини сақлаб қолган. Марказий қалъа энг чекка қишлоқдан 70 м узоқликда жойлашиб, марказий қалъа икки қаватли қилиб қурилган. Марказий қалъанинг умумий баландлиги 8 метр бўлиб, ғарбга қараган олд қисмида дераза ўрнида дарча бўлган. Шарқий фасад қазилма ишлари олиб борилгунча архитектурага хос шакл ва белгиларини аниқлаш қийин бўлиб, ён томондаги деворлар емирилган эди.

Иккала объект ҳам қалъа ва ҳовли деярли бир даврда Боботепа шаҳрида қурилган, аммо икки хил шаклга ва лойиҳага эга бўлган. Биноларнинг лойиҳавий тавсифномасини – солиштириш нуқтаи назаридан, унинг ўхшашликларини қурилиш даврида ўзаро таъсир қилган соҳаларини, меъморий анъаналарини ўрганиб чиқиш асосий вазифа эди. 1981 – 1982 йилларда олиб борилган қазилма ишлари унинг лойиҳаси ва тузилишини ўрганишга ёрдам берди.

Ҳовлининг асосини 18x18 метрли бино ташкил этиб, қалъа қурилиши ва таъмирлаш ҳамда мустаҳкамлаш даврларини бошидан кечирган. Бинонинг 1 қавати деярли ҳамма жойда бир хил баландликда (3,6 метр) сақланиб қолган. Биринчи қават лойиҳаси ўрта асрларда Суғдда урф бўлган меъморий анъаналарга тўғри келади. Ғарб томондан ёнма-ён тўртта йўлак ва шарқ томонда перпендикуляр йўлаклардан иборат бинолар жойлашган. Шимоли – ғарбий томонда 4,5x4,5 метрли гумбазли хоналар бўлиб, уларнинг баландлиги 1,95 – 2 метрли ташкил қилган бўлиб, чорбоққа ва 2-чи қаватга олиб борган. Бунақа лойиҳадаги уйлар V – IX асрларга тегишли Чилхужра обидасида ҳам учратиш мумкин. Фарқи шундаки, ёнма – ён йўлаклар 4 эмас, 3 та, аммо худди шундай перпендикуляр (кўндаланг) йўлак ва пандусли катан ҳам бор. Шундай лойиҳа асосида Панжикентдаги бадавлат оилаларнинг уйлари ва Оқтепа қалъасида ўз аксини топган. Ҳудудий жиҳатдан Термиз яқинидаги Куёвқурғон лойиҳаси шунга яқин услубда қурилган.

Боботепадаги қалъанинг таянч қисмининг эни 1,3 метр бўлиб соат мили буйича марказий устунга егилган ҳолда жойлашган бўлиб, ҳажми 1,4 +1,8 метрли ташкил қилган. Таянч кўтарма деворнинг жануби – шарқий бурчакда 2,3 + 1,2 метр ҳажмдаги қоровулхона ҳамда кузатиш майдончаси бўлган. Очилган йўлакларнинг эни 2,4 – 2,6 метрга тенг, узунлиги 8,6 – 10,5 метр, баландлиги 3,6 метрли ташкил қилган.

Бино ўзаро ёки кўндаланг йўлаклар орқали бирлашган, ён томондаги йўлаклар 1 ва 3, эни 2,5, узунлиги 5,5 бўлиб, кейингисининг эни 1,8 метр гача қисқариб борган. Унинг эни 70 см, баландлиги 3,1 метрдан иборат

бўлган. Шаҳар харобаларида олиб борилган қазилма ишлари жараёнида 2 ва 8 худуддаги қазилма ишлари гумбазлар емирилиши хавфи бўлганлиги учун қийинлашди. Бинонинг ички хоналари эшиклар билан ёпилган, 11 – йўлакларда эшик бусағаси сақланиб қолган, шу ерда тўқилган мато бўлаги топилди. Ҳудди шундай мато VI – VIII аср Хоразм топилмалари орасида учраган эди. Ерда буғдой ёки арпа қолдиқлари топилиб, қалин деворли хоналардан бирида ошхона идишлари топилди. Полга кул қолдиқлари, курум излари сочилиб ётибди, бу хона 9 рақам билан чизмаларда ўз аксини топди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, хоналарда ўсимлик барги ва куп япроқли гул геометрик шаклларни ўзида акс эттириб, хоналарнинг ичига чўзилган ҳолда чизилган. Хоналарни безашда кул, қора, қаймоқ ва сариқ ранглардан фойдаланилган, бунақа шаклдаги расмларни Сурхон воҳасидаги ўрта аср қалъаларида учратиш мумкин. Тохаристонда топилган мато қолдиқларини ўрганиш жараёнида Боботепа шаҳрида хунармандчиликнинг ривож топишига сабаб пахта экинларига алоҳида эътибор берилганлиги, пахта толасидан мато тайёрлаш кенг йўлга қўйилганлиги Жарқўтон мисолида ўз аксини топганлиги археологик тадқиқотлардан кўриш мумкин.

Қалъанинг иккинчи қавати 0,4 – 2 метргача сақланиб қолган бўлиб, қазилма ишлари охиригача етказилмаганлиги сабабли тўлиқ очилмаган. Иккинчи қават хоналарининг поли хар хил баландликда, 1,5 метргача фарқи бўлган. Айвон, болахоналарини ўрганиш жараёнида ёнган ёғоч қолдиқларидан ҳосил бўлган кул уюмлари мавжудлиги аниқланди. Ҳудди шундай шипни ёғоч балкалар билан ёпиш ҳолатини Жуматепадаги қалъада куриш мумкин. Пол қисми тозаланганда иккита гугурча чакмоқ тош топилган, булар ёнган устун қолдиқлари орасида сақланиб қолган сандал ва ўчоқлар бўлиб, асосан, диний маросимларни ўтказишга мослашганлиги аниқланди.

Марказий қалъа 46x47x22-23x7 ҳажмдаги тўғри тўртбурчак хом ғиштдан терилган бўлиб, маълум ораликларда пахса лой қўшиб девор қилинган. Қалъанинг ташқи кўриниши ҳам ўзига хос архитектура услубида шаклланиб, қалъани бош фасадда ғарбга қараган 4 та дераза ўрни бор бўлиб, ушбу деразалар 1x1,5 метр ҳажмда бўлган. Деразаларнинг тепа қисми қисқариб бориб, аркасимон деразалар қишлоқ қалъаларига хос бўлган. Асосий ва 2 ён томонда икки чуқур очик нишаб жой бўлган, очик жойлар ҳажмининг ўлчови 1,3 – 1,4 метр баландликда бўлган ва декоратив вазифани бажарган. Тасаввуримизча, бунақа нишаб жойлар куриш Марказий Осиёнинг антик архитектурасига хос бўлган ва бурчак минораларга ўрнатиши кейинчалик русум бўлган. Чунки антик даврда бу жойларда ўқ отиши учун ҳимоя шинаклари бўлган ва кейинчалик ушбу шинаклар ўз аҳамиятини йўқота борган, бора – бора улар ўрнида декоратив нишаблар қолдирилган.

Ҳудди шундай типдаги бино V асрга тегишли суғдларнинг Фильмондар қалъасида учратиш мумкин. Суғдда V асрга келиб икки қаватли қалъа куриш русум бўлган. Шарқий фасаднинг марказий қисмида учта хона билан бирлашган кириш жойи бўлиб, баландлиги 4 метр, эни 2,12 метр бўлган. Ён томонларда ярим устунлар кетган, 2 томонларга 4 тадан 8 та шинак бўйи 1-

1,2, эни 10 -12 см бўлган. Шимоли – шарқий томондан иккинчиси пастки қаватдаги қоровулхонага элтиш йўлига бирлашган.

Асосий кириш қисмига платформа орқали энли таянч деворга олиб борган, иккинчи босқичда у ғишт билан териб ташланган. Қалъанинг умумий ташқи курилиши яхши таассурот қолдиради, қадим анъаналарига таянган холда ижод қилган моҳир меъмор қурганлигини кўрсатади. Суғд, Шош, Тохаристондаги қалъалар шаҳардаги бадавлат оилалар уйлари билан лойиҳа, катталиги, қурилиши усуллари билан ўхшашлигини айтиб ўтган эдик. Демак, Боботепадаги қалъа катта ер эгаси бадавлат феодалга тегишли бўлган ва уни бошқа вилоятларга ҳам қурилиш ишлари олиб борган қуриувчилар гуруҳи қурган деган фикрдамиз. Чунки Марказий Осиёнинг шимолий худудларида удум бўлган меъморий анъаналарга хос белгилар учрайди ва улар қадимги Хоразмдаги ва Бактрияга қадар бўлган худудларга хос белгилардир.

Боботепа қалъасининг иккинчи қурилиш даврини таъмирлаш даври деб аташ мумкин, тахминан, қалъа ташлаб кетилган ва кейинчалик қайта тикланган бўлса керак. Ташқи фасад уч томонлама паҳса девор билан копланган, шарқий кириш қисми ғишт билан терилган, пандус асосий кириш қисми деворлари бор бўйича ғишт териб ташланган. Биринчи қаватда яшаш имконияти йўқлиги учун, фақат иккинчи қаватда шароит бор бўлган. Кейинги даврда уй бадавлат одамга эмас, энди оддий деҳқонга тегишли бўлган.

Боботепа қалъасининг иккинчи қурилган ва таъмирланган даврлари унинг меъморий кўрилишларига қараб эмас, балки унда топилган кулолчилик буюмлари ва тангаларга қараб ҳам белгиланади. Деворнинг орасидан топилган 2 та танга III – IV аср уймакорлигига ва IV – V аср асосий – қурилишлар даврига хос бўлган. Тангалар кўйилиши даврида лойга кўшиб қорилган бўлса да, аниқ санани аниқлашда ёрдам бермайди. Кулолчилик буюмлари эса, асосан, ошхона буюмларидан иборат бўлиб, ҳовлининг сўнгги давридаги идишларига шаклан жуда ўхшаш эди. Бу ерда бўйи пастроқ, оғзининг атрофи жимжимадор тасмалар билан, манжетнусха тутқичлар билан безатилган кўзалар, чети қайрилиб ишланган тоғора, юпка қилиб ясалган товоқ – лаганлар топилган. Меъморий кўрсаткичларни ҳисобга олиб қалъа VI асрга қурилган ва VII асрнинг охиригача фаолият кўрсатган деб айтиш мумкин. Қалъа ва ҳовли бир даврда пайдо бўлган, аммо бир вақтда эмас, ҳовли 100 йил олдинроқ қурилган, аммо иккаласи ҳам анча вақт мавжуд бўлган. Ҳовли катта патриархал оиланинг уйи бўлган ва бир неча қариндошлар гуруҳларига бўлиниб яшашган бўлиши керак, чунки ҳовлида бир неча тандирлар ўрнатилган.

Боботепа қалъасининг иккинчи тикланиш даври эса йирик ер эгаси – феодалнинг уйи бўлиб, унда расмий тадбирлар, маросимлар ўтказилган, унча катта бўлмаган оила яшаган. Қалъа қурилишига ҳеч қандай мудофаа шакллари кўзда тутилмаган, барча меъморий қурилмалар фақат безак бериш нуқтаи назаридан қўлланган.

Бошқа жойларда бўлган каби қалъа атрофи полиз ва боғ экинларидан иборат эди. Хунармандчилик ишлаб чиқариш хоналари борлиги, кўп микдорда кул қолдиқлари борлигини ҳисобга олсак, бу ерда кулолчилик уста хонаси ёки темирчилик устахонаси бўлган деб тахмин қилиши мумкин. Феодализм даври ривожланаётган бу даврда ички бозор ва қишлоқ хўжалиги ишлари барабар олиб борилган. Бозорга эҳтиёж кам бўлган керакли нарсалар уй шароитида тайёрланган.

Шундай қилиб, Боботепадаги бу икки меъморчилик иншооти ҳовли V – VI асрларга ва қалъа VI – VII асрларга оид бўлиб, ҳовли ва қалъа шаклан хар хил бўлиб, 2 хил вазифани бажарган. Ҳовли яшашга мулжалланган бўлиб, диний ҳаёт ўз аксини топган манзил бўлган. Боботепа қалъаси эса маъмурий бино бўлиб, Сурхон ваҳосининг қадимий меъморий анъаналарини ўзида акс эттирган, маданий ҳаёт ўчоғи бўлган жой.

Шеробод воҳаси Ўзбекистон илк давлатчилигининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган ҳамда ўзининг табиий географик жойлашуви, сиёсий-ҳарбий ва иқтисодий - маданий тараққиёти билан тарихчиларни ўзига жалб қилган ҳудуддир. Ўзбекистон ҳудудида Боботепа шаҳри каби ҳали ўнлаб ўрганилмаган, маданий ҳаётни ўзида акс эттирган ободалар кўп бўлиб, уларни илмий таҳлил қилиш асосида ватанимиз тарихини ўрганишга муносиб ҳисса қўшилади.

Шимолий – Ғарбий Тоҳаристоннинг ўрта асрлар даври моддий маданияти

Ўзбекистон меъморчилиги мероси типологик хилма-хиллигини, меъморий-бадий сифатларга бойлиги билан ажралиб туришини, машҳур меъморий мажмуалар ва алоҳида обидалар жаҳонга доврқ таратганлигини илмий ўрганган археолог олим Зафар Ҳақимовнинг Тоҳаристон тарихини ўрганиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир. Археолог олимнинг таъкидлашича, йирик шаҳарлардан узоқдаги қишлоқларда қад ростлаган қурилиш санъати усталарининг юзлаб асарлари илмий-маърифий қадриятга эгаллиги билан ажралиб туради. Сурхон воҳаси ёдгорликлари Марказий Осиё, Икки дарё оралиғи ўрта аср меъморчилигининг ўзига хос маҳаллий мактабларидан бири ҳисобланади.

III-IV асрларда антик даврдаги катта давлатларнинг таназзулга юз тутиши туфайли йирик шаҳарлардаги ижтимоий ҳаёт марказлари уларнинг истехкомланган қишлоқ қалъалари - кўрғонларга кўчиб ўта бошлайди. V аср охири - VI аср бошларига келиб, Ўзбекистон ҳудудида маҳаллий ҳукмдорлар бошқарадиган мухтор пошшолик мулклари вужудга келади. Эндиликда Тоҳаристон деб аталаётган Бактриянинг собиқ ҳудуди мустақил мулкларга айланган. Хизмат вазифасидан келиб чиқиб, кўрғон-қалъалар, маҳаллий шевада - кўшқлар ўзида деҳқонлар, маҳобатли сарой ва тураржой меъморчилигининг анъанавий усуллари сингдириб олган эди. Режавий

тузилиши лўндагина - қарийб чорси иншоотлар табиий баланд жойда ёки баланд лойсувоқ супа устида кўтарилган. Улар одатда пахсадан тикланган миноралар ва баланд мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўраб олинган. Девор ва минораларда бир-бирига бақамти қилиб шинаклар ясалган. Қадимшунослик тадқиқотларининг кўрсатишича, қалъалар икки ошёнага бўлган.

Бино ичкарасида икки деразали, тўрт устунли танобийси ва ибодатхонаси, аниқ ҳандасавий тизимда саф тортган тураржой ва хўжалик хужралари бўлган сарой жойлашган. Болаликтепа, Боботепа, Зангтепа, Тозлартепа ва бошқа қалъалар иншоотларнинг шу хилига киради. Қурилишда хом ғиштнинг ишлатилиши гумбазсимон томдан фойдаланиш имкониятини кенгайтирган. Гумбазли том билан бир қаторда шу давр қурилишларида бутун Марказий Осиё минтақаси учун анъанавий бўлиб қолган ясси ва болор-тиргакли тизимлар кенг қўлланилган. Ўзбекистоннинг илк ўрта асрлардаги шаҳарсозлиги ва меъморчилигининг композициявий-режавий сифати ва қурилиш техникаси даражаси ўзига хос минтақавий мактабнинг ғарбий (Хоразм), шарқий (Бухоро, Суғд, Чоч) ва жанубий (Тоҳаристон) хусусиятларини аниқ белгилаб беради. VII аср бошида исломнинг давлат дини сифатида қарор топиши (875-999 йй.) ва марказлашган Сомонийлар давлати барпо этилиши иқтисодиёт, савдо-сотик, шаҳарсозлик ва меъморчиликнинг ривожланишига янгидан куч бағишлади. Термиз иқтисодий ва стратегик жиҳатдан Амударёни кечиб ўтишдек муҳим аҳамиятини сақлаб қолди.

Ривожланаётган шаҳарларнинг янги вазифалари ва ислом ақидалари биноларнинг янги типларини ҳаётга татбиқ этди, булар сирасига масжидлар, миноралар, мақбаралар, хонақоҳлар, работлар, намозгоҳлар, карвонсаройлар, тимлар, чорсулар, ҳаммомлар ва ҳоказолар кирар эди. Пишиқ ғиштни қўллаш бошлангандан кейин мураккаб қурилиш унсурлари, йирик меъморий ҳажмлар яратишда меъморларнинг имкониятини анча кенгайтди, шу билан бир қаторда, қурилиш техникасининг хилма-хил усуллари, деворлар ва бино интерьерлари бадиий беагаи услублари пайдо бўлишига олиб келди.

Куёвқўрғон хайкаллари ҳам ўрта асрлар даврининг моддий маданиятининг муҳим мабаси саналади, Куёвқўрғон - илк ўрта асрларга оид бадавлат деҳқон кўрғони (милодий V аср). Ёдгорлик Термиздан 26 км шимолда, Ангор туманида, Зартепадан 300 м шарқда жойлашган. Куёвқўрғон 1977 йил Археология институтининг Бақтрия экспедицияси аъзоси Ш.Р.Пидаев томонидан тўлиқ очиб ўрганилган. Қўрғон 2 қаватли бино бўлиб, квадрат шаклдаги (20x 18) пахса фарма (платформа) устига қурилган. Бинонинг иккала қаватида V-VI тадан хона мавжуд. Бу ерда Меҳмонхона, ётоқхона ва хўжалик хоналари бўлган. Хўжалик хоналари узун йўлаксимон шаклда бўлиб (12,6x2,4 м), уларнинг томи равоқсимон қилиб ғиштлардан териб чиқилган. қолган хоналар ясси қилиб ёпилган. Бино дарвозаси кўрғоннинг шимоли томонида жойлашган. Куёвқўрғонтепа тарихида 2 меъморий босқич қайд қилинган. 2-босқичда бинохоналари тузилишига айрим ўзгартиришлар киритилган, қурилиш материаллари сифатида тўғри

тўртбурчак шаклдаги хом ғиштлардан фойдаланилган. Қўрғонни ўрганиш давомида турли шаклдаги сопол идишлар ва бошқа уй-рўзгор буюмлари топилган. Топилмалар орасида лой-ганчдан ишланган монументал ҳайкаллар алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳайкалларда оқсуяк аёл ва эркакларнинг образлари акс эттирилган, ҳайкалларнинг ҳар бири ўзига хос кўринишга эга. Ҳайкалтарош яратилаётган образларга жўшқин ҳаётийлик бахшида этган, ҳар бир образ ўзининг бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради. Ҳайкалларда кушон даври ҳайкалтарошлигининг анъаналари ўз ифодасини топган. Ҳайкаллар қўрғоннинг 2 қаватида жойлашган меҳмонхонанинг 3 - деворини безатиб турган, 4-девор рангли сурат билан нақшланган. Куёвтепа ҳайкаллари Марказий Осиёдаги илк асрларга оид ҳаётий образларни ўзида мужассамлаштирган ягона ҳайкалтарошлик намунасидир. Ҳайкаллар илк ўрта асрлардаги Тохаристоннинг бой ва юқори ривожланган моддий ва маънавий маданиятидан далолат беради. Куёвқўрғон илк ўрта асрларга хос бўлган қўрғон меъморлигининг дастлабки куринишидир, қўрғон ўзининг илғор меъморий ечимлари билан ажралиб туради.

VII асрнинг охирида Термиз араб босқинчиларининг саркардаси Мусо ибн Абдуллоҳ томонидан босиб олинди. Термизнинг араблар томонидан босиб олинishi ва халифалик таркибига киритилиши шаҳарда янги маданиятнинг шаклланиши ва ислом динини кенг тарқалиши учун замин тайёрлади. Араблар Тохаристоннинг бошқа ҳудудларидагидек Термизда ислом динининг қурол кучи билан сингдираб, бож, хирож, жузя каби солиқлар орқали аҳолини бўйсундириб олди. Араблар исломни жорий қилиш ва аҳолини ишонтиришда Термиздаги буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик ибодатхоналарини вайрон қилиб, бу динларни “сохта дин” деб эълон қилганлар. Уларнинг ўрнига “байтуллоҳ” – Аллоҳнинг уйларини, яъни масжидларни барпо этганлар.

Масжидга келиб 2 ракаат намоз ўқиган муслим жизъя солиғи, яъни жон бошига солинадиган солиқдан озод этилган ёш 2 дирҳам пул олган. Иқтисодий қийинчилик, таҳқирлашдан аламзада кишилар яшаб қолиши учун ҳам динни қабул қилганлар. Ислом дини аста-секин кишиларнинг ҳаётига кириб борган. Шундай қилиб араблар босиб олган даврдан бошлаб Термиз шаҳри тарихининг янги босқичи бошланди. Термиз шаҳри ҳам Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби сиёсий – иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, савдо ва хунармандчилик ҳамда маданиятнинг марказига айланиб борди. Бу давр европа адабиётларида қайд этилгангидек “Араб уйғониши даври” деб аталади.

Араблар Марказий Осиё халқлари яшаётган ҳудудларни босиб олганларидан сўнг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан битта ҳудудга бирлашган халқларнинг маданиятида ҳам қаршилиқ ва уйғунлашув пайдо бўлди. Бу давр маданиятининг диний-фалсафий, адабий, санъат, архитектура маданий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишининг маҳсули эди.

Шундай қилиб, арабларнинг Боғдод халифалигига кирувчи Термиз шаҳри ҳам шарқ уйғониш даври маданиятининг йирик ютуқларининг ва намуналарини ўзида мужассам этади. Унинг маданий ҳаётида ҳам янги

устувор йўналишлар юзага келди. IX-X асрларда Марказий Осиёда ислом дини мустаҳкам ўрнашиб олди. Кенг тарқалган Муқанна халқ кўзғолони, зардўшийлик ва буддавийлик динининг ғоявий тартиботлари тарихига айланди. Лекин Сомонийлар даврида ҳам Чағониёнда қандайдир диний ҳаракат ва кўзғолон бостирилгани ҳақида Фахриддин Давла, Дақиқий ёзиб қолдирган X асрда яшаган мухтождларнинг сарой шоири Дақиқийнинг ўзи ҳам моддий оламнинг тўрт унсурини танлаган, гўзалнинг қирмиз лаби, чангнинг овози, мусаллас, (вино) ва зардўшт этиқодини афзал билишган. Е.Э.Бертельс иккилансада, шоир Дақиқий ҳақиқатдан зардўштий бўлган. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, Дақиқий ўзнинг “Шоҳнома” эрон тилли аҳоли орасида зардўштийликни тарқалиш жараёнини кўрсатади.

Шунинг учун уни Чағониёндаги исломга қарши ҳаракатнинг тарафдори бўлган деб айтиш мумкин. X асрнинг охирида шимолий Тохаристон, хусусан, Чағониёнда ҳам ислом дини узил кесил қарор топди. Ўша давр замондошининг маълумот беришича, аҳоли орасида “уламолар оз бўлган, фақхлар умуман бўлмаган”²⁷. Чағониённинг маҳаллий ҳукмдорлари ов қилишни, чавгон ўйнашни, мушоиралар ўтказишни маънавий ҳордиқ олишнинг муҳим омили деб ҳисобланганлар.

Шимолий Тохаритон ўрта асрлар маданиятига нисбатан Сомонийлар ва Ғазнавийлар ҳамда Қорхонийлар даврида чекка ўлканикидек аҳамиятга эга эди. Лекин Термиз, Чағониён ҳарбий шаҳарлари йирик савдо, хунармандчилик ва маданият марказлари сифатида маданият кадриятларининг шаклланиши илм ва санъат аҳлининг етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Бу хусусият айниқса, архитектура, амалий ва бадиий санъатда ўзлигини намоён этди. Ҳукмдорларнинг қўллаб-қувватлаши билан мушоираларни ўтказадиган “кичик шаҳарлар” ҳам бунёд этилган. Масалан, 1025 йилда Маҳмуд Ғазнавий кўшини Амударё орқали Термизга юриш қилганида шаҳарда шоҳона сарой курдириб, унинг хонадонларини қимматбаҳо матолар: парча, зар билан тўқилган мато, марварид қимматбаҳо тошлар, ойна ва кам учрайдиган нарсалар билан тўлдиради. Бу ерда зиёфатлар ўтказилган²⁸. 1042 йил Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Маъсуд келишига байрамонга учрашув тайёрланган. Султон кемаси Термиз қалъасига етиб келганида шаҳарнинг қутволи (камендант) ва амалдорлар Султон Маъсудни карнай – сурнай ва турли совғалар билан кутиб оладилар.

Байҳақийнинг фикрича, шундан сўнг мусиқа ва ашула жўрлигида зиёфатга Термиз мутриблари (ашулачи, мусиқачи) раққосалар ва дўмбирачилар билан бирга 300 дан ортиқ киши қатнашган. Замондошнинг фикрига кўра, бундай зиёфатни кам кўрган²⁹. X-XI асрларда Мухтаждлар даврида Чағониён пойтахти сарой маданият марказларидан бири бўлган. Бу

²⁷ Бартольд В.В. Туркистон в эпоху монгольского нашествия // соч. Т.1 М: изд восточной метературк, 1963 С. 122.

²⁸ Массон М.Э. Городица строго Термиза М.И.Х. изучения // Труды Уз фан серия 1 вып. 2 Т. 1941 с. 43

²⁹ Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э.В. севернал Бактрия Тохаристон Т. Фан, 1990. с. 183.

даврдда Шимолий Тохаристон худудида барпо этилган архитектура иншоотлари кишилар ижодий фаолиятининг муҳим намуналари ҳисобланади. Шаҳар ва қишлоқлардаги муқаддас жойларда йирик ёдгорликлар бунёд этилади. Улар Мраказий Осиёнинг X-XII асрлар архитектура йўналишига мос келсада, лекин ўзига хос “Тохаристон мактаби”нинг намуналари сифатида ажралиб туради.

Йирик миқёсдаги қурилмаларнинг хом ашёси пишиқ ғишт, лой ёки ганч қоришма ҳисобланган, бу услубнинг қўлланиши қурилишида аркли гумбаз йўналишининг тарққиёти учун йўл очиб берди. Бу эса ўз истиқболларини очиб берди, ғишт нафақат қурилиш ашёси, балки безак берувчи ва турли шакллар чиқаришда ишлатиладиган ашёга айланди. Лекин безашда анъанавий усул қирқма ганч ва ёғоч ўймакорлиги ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ислом маданиятини акс эттирадиган масжид, хонақо, мақбара бўлса, бой ижтимоий қатламнинг эҳтиёжи ва манфаатларини акс эттирадиган ҳукмдорлар саройи ва қароргоҳлар қурилишга бўлинади. Шаҳар ва қишлоқлар қурилишининг асосини яшаш жойлари ташкил этади.

Айниқса, қурилиш иншоотларини безашда турли ғиштин ва чизиқли ёзувларни қўллаш инсоният тафаккурининг янги қирраларини намойиш этади. Термизнинг рабод қисмида маҳаллий ҳукмдор саройининг харобалари сақланиб қолган, унинг қурилиши XI асрнинг 80 – йилларида тўғри келади, XII асрда эса у янгидан таъмирланиб, декоратив безаклари берилган³⁰. Ўша пайтларда Амударё ҳавзасида Термиз шаҳрининг аҳамияти беқиёс эди³¹. Саройнинг пештоқида ва кўпчилик марказий иншоотлар қирқма ганч кувий ва ислими услубдаги ёзувлар, турли ўсимлик гулларининг тасвири билан безатилган.

Ҳовлининг айланасига қурилиш иншоотларининг қадимий саройлар қурилиши, балки, бутун шарқнинг архитектурасида кенг қўлланилган услубдир. Бақтрия – Тохаристонда эса қурилишнинг мазкур хусусияти ўзига хос характерга эга. Хусусан, Термиз ва Хульбук шаҳридаги сарой мажмуалари ўрта шарқнинг бирор саройида мавжуд эмас. Масалан, Ғазна, Лашкари – Бозор, Сеистон, харобаларидан ёки Афросиёбда бунга ўхшаш топилмалар йўқ. У фақатгина шимолий Тохаристоннинг ўрта асрлар меъморчилигига хосдир.

Араб географлари Истахрий ва Муқаддасий маълумотларига кўра, Чағониён шаҳрида чиройли ва усти ёпиқ бозор ҳамда устунлари пишиқ ғишдан терилган бежирим масжид бўлган. Масжиднинг чиройи ҳақида XII асрда Сомоний ҳам ёзган³². Бундай масжидлар нафақат марказий шаҳарларда, балки қишлоқлар орасида ҳам бўлган. Кўхна Термиз харобалари Амударёнинг ўнг соҳилидаги бош-катта шаҳар ҳисобланган. Унинг харобалари орасида жомеъ масжидининг излари сақланиб қолмаган, лекин ўрта асрлар Термизининг чеккасида унча катта бўлмаган Чорустун масжиди

³⁰ Деннике Б.П. Архитектурный орнамент средней Азии м-я 1939. с. 46.

³¹ Лойиха 186 бет.

³² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия 11 соч. Т. 1. М. изд восточной литературы 1963. с. 122.

мавжуд эди.³³ XX асрнинг бошларида ҳам масжиднинг олдида минора мавжуд эди. Минорада куфий услубида ишланган ёзув безаб туради. Минора 1032 йилда қурилган масжид минорадан олдин барпо этилган. Аввало, X асрда масжид хом ғиштдан XI асрда эса пишиқ ғиштдан қурилган.

Масжид тўғри тўртбурчак лойиҳа асосида қурилган. Икки томондан қалин девор ўраб турса, бир томони очиқдир, шунинг учун унинг олд қисмини ҳовли бўлганлиги маълум. Масжиднинг тўққизта гумбази мавжуд бўлиб, уларни тўққизта мустаҳкам қалин устунлар кўтариб турган. Унинг ғарбий деворининг марказида ярим айлана меҳроб жойлашган. Масжид деворининг ғиштлири пишган, қуйи қисмлари хом ғиштдан, пол саҳни лойдан таъмирлаш даврида девор ва саҳн (пол) пишиқ ғиштлир билан терилиб, деворнинг ғилофи пишиқ ғиштдан ишланган.

Устунли аркли иншоотлар қуриш Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам амалда исломга қадар мавжуд эди. Худди шундай масжидлардан Балх шаҳрининг рабод қисмидаги “Ўйик - Гумбаз”, яъни “Тўққиз Гумбаз” ва Бухоро яқинидаги “Деггарон” масжидларини мисол қилиб айта оламиз. Чор- Сутун масжидининг жойлашган ўрни, икки томонининг очиқлиги бу ернинг шаҳар ташқарисидаги Мусалла, яъни намозгоҳ эканлигини тасдиқлайди. Чунки шаҳардан оқиб келаётган халқ қурбон ва рамазон ҳайити байрамларини масжид ва унинг атрофида ўтказган. Масжиднинг олдига келган аҳоли атрофдан кўриниб турадиган минбардаги имомни тинглаб бирга ибодат қилинган. IX-XII асрларда бутун мусулмон шарқдагидек, шимолий Тохаристонда ҳам шаҳар, ҳам ҳунармандчилик, хусусан, бадийий ҳунармандчилик тараққий этди. У айниқса, кулолчилик печлари, маҳалла ва қишлоқларларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларда ўз аксини топади.

Шимолий Тохаристонда маъданга бадийий ишлов бериш яқингача яхши ўрганилмаган эди. Лекин ҳозирги пайтда йирик шаҳарларнинг ҳунармандчилик устахоналари ўрганлиб, уларда мис бронза ва латун ажратиб олиш ва чиройли идишлар ишлаб чиқарилганлиги аниқланди.

Бу ҳолатни Чағониённинг Ўрта асрлардаги пойтахти Будрач шаҳар харобасидан топилган маъдансозлик устахона маҳсулотлари тасдиқлайди³⁴. Будрач хазинаси идишларининг турли-туманлиги билан ажралиб туради, улар орасида катта қозондан кичкина қопқоқчача топиш мумкин. Уларнинг орасида ўнлаб цилиндр шаклидаги келиларни учратамиз, келиларнинг сиртига бўртиб чиқиб турган, томчисимон рельефли безак берилган. Идишнинг юқори қисмида тишли карниз баъзида ички томонга тортилган безакли қирғоқ ҳосил қилинган. Кўзалар эса ўрта ва кичик ҳажмда бўлиб, идишнинг қорин қисми анча кенг безакли чизиклар берилган, идиш бўйни баланд, оғиз қисми эса ташқи томонга анча қайрилган. Чироклар эса сферик шаклда айримлари эса шаклга эга бўлган уч оёқ остида ўрнатилган чирок девори турли нақшлар билан безатилган.

³³ Шишкин В.А. «Курган» и мечеть чор- Султон в развалинах старого Термеза // TAKE 1945 Т. П. С 99.

³⁴ Ильясов Дж. Русанов Д.В. Киад средневековых бронза вых изделий с городица вудраг // ОНЭ. 1988 №1. с. 27.

Чироклар икки турга бўлинади. Бири ярим шар шаклидаги ёғдонга эга бўлган, чизикли беаги мавжуд, тумшуғи ярим ёпик бўлса, бошқаси анча йирик уч оёқли ва уч бурунли ёғдони чуқур бўлиб жамоат иншоотларида кўп фойдаланилган. Кичик ҳажмдаги металл буюмлар орасида – турли шаклдаги кичкина қопқоклар думалоқ кўнғироқчалар, сурмадонлар кўп учрайди. Бу идишлардаги безакларнинг ишланиш услуби бир-бирини такрорламайди, лекин безаклар, асосан, паралел чизиклар орасида жойлашган. Бу безаклар қочирма ислимий ўсимлик гули ва новдадан тўқилган юраксимон медальонларнинг ўсимлик гуллари билан боғлиқдир.

Шимолий Тохаристоннинг XI-XII асрлага оид иккита бронза кўзги Термиз шаҳридан топилган кўзгилар бошқа топилмаларга нисбатан бадий аҳамиятга эгадир. Улардан бирида баланд рельефда сферик шакли берилган³⁵, кўзгиларда аёлнинг бош қисми кийими билан тасвирланган ойналарнинг бирида насх хати билан ўсимлик тўқимаси сифатида сферик тасвирланган. Шундай образли сферик Эрондан топилган идишлар ва бронза ойналарда ҳам учрайди, Термиз Эрон ва Қозоғистонга нисбатан оралик масофада жойлашганлиги учун бу маданиятларнинг таъсири сезилади.

Шунинг учун топилган сферик образи IX-XII асрларга оид Эрон ва Марказий Осиёнинг сирланган ва муҳр сифатида гуллар босилган, сопол идишларида учрайди. Бундан ташқари Чағониёндан топилган исирикдонда йўлбарснинг бош қисми тасвирланган, йўлбарс гўёки ўлжасига ташланаётгандек қўл оёқлари тиккайган, юз терилари тортилиб тургани ҳолида тасвирланган Чағониёндан топилган кўзаларнинг балдоғига хўрозчанинг ёки қанотлари туширилган, демак, ислом даврида ҳам зооморф ҳайвонлар ва қушларни тасвирлаш кенг тарқалган.

Шимолий Тохаристоннинг мис ёки бронза идишларини, албатта, Хуросоннинг, айниқса, Ҳиротнинг ажойиб мис идишларига тенглаштириб бўлмайди. Аммо улар ўзига хос ҳақиқий бадий санъат буюмларидир. Шимолий Тохаристонда заргарлик ҳам ривожланган, ясалган буюмлар бизгача етиб келмаган, аммо Будрач шаҳар харобасидан топилган оловга чидамли тош қолипда³⁶ олтин ва кумушдан қилинадиган буюмлар қуйилган. Аксарият заргарлик маҳсулотларига мунчоқ ва сирғалар ҳам киради, улардан сирға, узун ва турли такинчоқларни безатишдан фойдаланишган. Улар сердолик, халқадан, кварц каби қаттиқ тошлардан ишланган фалисдан ишланган безаклар фирузага ўхшатиш учун зангори рангда сирланган мунчоқлар кўпинча шишадан тайёрланган.

Ўрта асрларда Термиз, Чағониён, Хулбукда шишасозлик тараққий этганлигини нафақат шиша идишларнинг балки уларни тайёрлаш жараёнда содир бўладиган қотишманинг топилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир³⁷. Идишларни ўзининг шакли, рангининг жилоси ва сирларининг турли туманлиги, яшил, зангори, пушти, қизил рангларда бўлиши билан ажралиб турган. Айниқса, XII асрга оид Термизшоҳлар саройидан топилган ярим

³⁵ Пугаченкова Г.А. Бронзова зеркало из Термеза // с.э. 1961. №1.

³⁶ Ртвеладзе Э.В. Сагдуллаев А.С. Пашятники ишнувиех веков Ташкент Узбекистан 1986. с115.

³⁷ Гулямова Э. Стекло с. Гораница Хулбук // Изв ООН Ан Таджикистана 1961 № 1.

ялтироқ медальон (нишон) муҳим қизиқиш уйғотади³⁸. Бу топилмаларнинг орасида қуш ушлаб турган амалдор отлиқ тасвири, бургут, овчи аёл кўлида қуш тутган ҳолатида отнинг олдида турган тасвири туширилган нишонлар ҳам мавжуд.

Бундан ташқари саккиз яроқли гул туширилган медальон (нишон)лар ҳам бор. Уларнинг яна бирида “Буюк султон Абдулмузаффар Баҳром – исоқ учун” деган арабча ёзув ва югуриб кетаётган жайрон тасвири туширилган. Бу нишон Ғазнавий Баҳром шоҳ даврига (1118-1157) тўғри келади. Нишонлар мавзуси Ўрта шарқ мумтоз шеърятининг Баҳромгўр ва Озода ҳақидаги қиссаси билан ҳам боғланади. Унда айтилишича, Баҳром гўр шикор – ов ишқибози бўлган. У ўзи билан бирга суюкли ёри арфачи Озодани олиб юрган. Озода Баҳромни мазах қилгани учун отни оёғи остида эзиб ташланган. Отлиқ шоҳ, ов манзараси ва отнинг олдида аёлнинг тасвирланиши худди шу қисса билан боғлиқ. Шарқнинг ўрта асрлар поэзиясида афсонавий шоҳ билан реал ҳукмдор ўртасидаги ўхшатиш жуда кам учрайди. Худди шундай бу ҳолат тасвирий санъатда ҳам кам учрайди.

Кулолчилик санъати маҳсулотларининг бадий жиҳатдан безатилишини Хуросон ва Мовароуннаҳр ўртасидаги алоҳидалик ёки қаршилиқ ҳолатини ўзида мужассам этади. Сирланмаган идишлар – кўза, кўзачалар ва мустакараларни безашда гравировка – ўймакорлик билан нақш солиш усули қўлланилган. Бундай идишлар мажмуаси кўхна Термизнинг кулоллар маҳалласидан топилган, улар XII-XIII асрларга оиддир. Идишларнинг сиртига игна билан безак берилган, уларнинг ранги тўқ-сарик, тиниқ, безаклар жуда аниқ кўринади. Қандайдир даражада бу идишларнинг лойини ранги бронза идишларга ўхшаб кетади. Шундай идишлар жанубий Туркменистоннинг Нисо шаҳар харобасидан топилган, бу ердаги идишларнинг шакли жуда чиройли, лойи эса одатдагидек кулрангга эди.

Кўхна Термизнинг кулоллар маҳалласидан босма безакли идишлар топилган, уларни тайёрлашда ярим шар шаклидаги матрица қолиплардан шунингдек, медальон (нишон) шаклидаги унча катта бўлмаган алоҳида штамп (муҳр) лардан фойдаланилган. Безак идишнинг кулранг лойига берилиб, идишнинг қавариқ қисми кейин ёпиштирилган ва кулол печида пиширилган. Термиздан топилган босма безакли сопол идишлар Салжуқийлар давридаги Марв ёки Нишопурдаги босма безакли идишларга нисбатан жуда ҳам қашшоқдир. Хўжалик идишлари йирик тувак, хум, хумчаларни безашда оддий босма безаклар ишлатилган. Кўплаб сопол идишларнинг бўлаклари Далварзинтепа яқинидаги Гурмалитепа кулоллар печидан топилган³⁹. Бу идишларнинг елка қисми тўлқинсимон чизиқлар билан безалган, ўткир тиғли асбоб билан чархи устидан айланаётган идишларга худди шундай безак бериш мумкин.

³⁸ Жуков В.Д. Археологическое обследование в 1937 дворца Термизские кравителой // Труды Т,А,К,Э, Ташкент 1945. с. 151.

³⁹ Исканов М. Х. Маликов О.С. Археологические памятники в округе Далварзинтепа – кушанский город на юге Узб-на Т.Фан, 1978, рис 158.

Шимолий Тохаристоннинг IX-XII асрларга оид сирланган сопол идишлари ўзининг классификациясига эга, аммо бу масала ҳали тўлиқ ечилмаган. Одатда ошхона: идиш, коса, товоқ, лаган, чироқлардан иборат, бу идишлар пишиқ лойдан қилиниб, оқ ангоб билан бўлган ва турли безаклар берилган. Сополларнинг турли Мовароуннаҳр усулига яқин, улар ўта сифатли даражада ишлаб чиқарилган, аммо бу сополлар мажмуаси орасида Будрачдан топилган X асрга оид лаган муҳим аҳамият касб этади. Афросиёб ёки Бинкент сополларини тўла такрорламаслиги, унинг ўзига хос хусусияти борлиги маълум. Унда йирик вертикаль усулда композиция, антик антефиксни эслатувчи безак туширилган, пуржинасимон барглари тасвири билан безатилган.

Маҳаллий кулолларнинг сополлари аҳоли талабига мос эди, шунинг учун улар айрим шаҳарларнинг маҳсулотларига нисбатан устун турарди⁴⁰. Кўхна Термизни кесиб ўтувчи транилея (хандак)дан XII-XIII асрларга оид сополлар мажмуаси топилган. Уларнинг сифати бошқача эди⁴¹. Бу ердан топилган косанинг ички томонини юқори қисмида, яъни гардишида эпиграфик ёзув мавжуд, косанинг қирғоғи эса яшил бўёқда сирланган. Бу ерда зангори рангда бўялган, тирнаш усули билан безалган ва устидан сирланган косалар ҳам учрайди. Термиздан юқори бадий сифатли сирланган идишлар ҳам топилган⁴², улардан бир нечасида зооморф ўсимлик ва ҳайвонлар тасвири учрайди. Масалан, нишаб деворли косада шер келбатли афсонавий қуш антик давр бадий ва амалий санъатида ўз аксини топган, аммо антик даврда бу усулда тош ёки металллар безатилган холос. Бактрия, Тохаристоннинг сополларини бу усулда безатилиши расмнинг бўйни, кўкраги йирик нуқта ва доғлар билан тўлдирилиши ўрта асрларда ҳам афсонавий безаклардан фойдаланиш давом этганлигини тасдиқлайди.

Идишларда югураётган от, тус товуқ, каптар каби ҳайвон ва қушларни акс эттирувчи зооморф безаклари туширилган. Тохаристон бадий санъат технологияси металл, сопол, шиша идишлар ишлаб чиқаришда бошқа ҳудудларга нисбатан ўзига хос хусусиятга эга эди. Идишларда от, қуш, шергрифон, сфинскни акс эттириш бутун ўрта шарқ ҳудудига тарқалган эди⁴³. Шимолий Тохаристоннинг IX-XIII асрларга оид моддий маданиятининг, хусусан, амалий ва бадий санъатини ўрганиш ўрта асрлар шарқининг эрон ва турк тилида сўзлашувчи аҳолининг ижодий меросини тўлдиради ва янада бойитиб боради. Халқимизнинг тарихини янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш, солиштириш маҳаллий маданиятимизнинг янги қирраларини очиб беради.

⁴⁰ Искалов М.Х. Маликов О.С. Археологические памятники в анруге Далварзин- тепе // Далварзиетепе Кушанский город на юге Узбекистана Таш фан 1978. рис 156-157.

⁴¹ Шишкин В.А. «Курган» и мечеть чорсутун в развалинах старого Термеза // Т.А.К.Э. 1945. Т. II. С. 421.

⁴² Пидаев Ш.Р. Стратиграфия городища старого Термеза в свете новых раскопок // Гарадскол культупа Бактрии – Тохаристона и согда. Ташкент, фан, 1978. с. 15.

⁴³ Ремпель Л.У. Цена времен Вековы образы и бродящи скожесты в традиционном искусстве средней Азии Тошкент Изд. Литератури и искусства им Г. Гуллама 1987.

Шимолий Тохаристон аҳолисининг IX-XIII асрлардаги моддий маданияти нафақат Ўрта Шарқ балки, бутун мусулмон тарихини ўрганиш даврининг нодир осориатиқаларини ўзида намоён этади. X аср муаллифи Ибн Қудам Термиз шаҳрини тепалик ва қалъада жойлашганлигини⁴⁴, ат-Табарий эса дарё соҳилида эски истехком ёки мудрофаа деворли қалъа –шаҳар мавжудлигини эътироф этади.

Сомонийлар давлатининг таркиб топиши Марказий Осиё шаҳарларининг гуллаб яшнаши учун йўл очиб берди. Хусусан, Термиз шаҳри IX асрнинг бошларидан бошлаб равнақ топа бошлади. Бу даврга келиб Термиз шаҳри Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби ўрта асрларнинг типик шаҳрига айланди. Шаҳар уч таркибий қисмга бўлиниб, қалъа, шаҳристон ва рабоддан иборат эди. Термиз шаҳрининг гуллаб-яшанаши сомоний амирларининг Термизга алоҳида аҳамият берганлигидадир. Чунки айрим тахминий маълумотларга кўра, сомонийларнинг келиб чиқиши ҳам шу шаҳар билан боғлиқ.

Ривожланган ўрта асрлар Термиз шаҳри ҳақида кўплаб ёзма манбалар муҳим маълумотлар беради. Масалан, Истахрий (850-934) маълумотига кўра, Термиз қалъа ва рабоддан иборат бўлган, шаҳарнинг қалъа ва шаҳристонинг, мудрофаа девори билан ўраб олинган. Ҳукмдорлар саройи қалъада, зиндон, бозор ва жоъме масжиди эса шаҳристонда, яъни “Мадина”да жойлашган. Рабодда мудрофаа деворининг ичкарасида “ал-мусалла” деб аталувчи ҳайит байрамлари ўтказиладиган масжид жойлашган.

Кўча ва майдонларнинг аксариятига пишиқ ғишт терилган. Чағониёндан худуди жиҳатидан кичик бўлсада, аҳоли сони, бойлиги ва таъминланиши жиҳатидан ундан устун турган. Шаҳар экинзорлари Чағонруд Сурҳондарё суви билан суғорилган, истеъмол учун Жайхун сувидан фойдаланган⁴⁵.

Ибн Ҳавқал Истахрий маълумотларига деярли ҳеч қандай ўзгаришлар киритмаган, Якуб ундан фарқли ўлароқ “Қалъа” сўзи ўрнига “Кўҳандиз” сўзини ишлатган. Муқаддасий фикрига кўра, Термиз шаҳри “Хисна” ва “Кўҳандиз”дан иборат, яъни мудрофааланган шаҳар ва қалъадан ташкил топган. Жомеъ масжиди худди шу мудрофааланган “Кўҳандиз” битта, “Мадина” шаҳристон учта дарвозага эга. Шаҳар рабодга ҳам, шунингдек, “Сурадикат” дейиладиган ўтовлардан иборат рабодга эга бўлган⁴⁶. Кўҳандиз ичидаги иморатлар ҳамда ҳукмдорлар саройи ва бошқа маъмурий бинолар қаерда жойлашганлиги тўғрисида аниқ бир фикр айтиш учун қазилар ишлари олиб бориши лозимдир. Бироқ қадимшунослик маълумотларига таяниб шуни айтиш лозимки, шаҳарнинг ушбу қисми сомонийлар давридаёқ қалъага айланган ва унда ҳарбий горнизон жойлашган.

Қазилар ишлари олиб борилган жойларда бу даврга оид манументал бинолар бўлмаганлиги шундан дарак беради. Сомонийлар даврида Термиздаги ҳаёт аста-секин шаҳристонга қараб сурилди, унинг майдони 35

⁴⁴ Қудам “Китоб ал мослик вал момолик” В.С.А. 1889. 211.

⁴⁵ Камолиддинов Ш.С. историческая – география уожного согда и Тохаристана по араболычник источникам IX начало XIII в.в Т.Узбекистон 1996. стр 102.

⁴⁶ Термиз Т.Шарқ. 2001. 20 бет.

гектардан ошиб кетади. Бу ерда ўтказилган қазилмалар шаҳарнинг бу қисми сомониёлар даврида жадаллик билан обод қилинганлигидан дарак беради. Шаҳристоннинг шакли номуносиб бўлиб, шимоли-ғарбдан жануби-шарққа қараб чўзилган эди. Бу ерда бозор, масжид ҳамда бошқа жамоат ва маъмурий бинолар, аслзодалар яшайдиган уйлар, ер ости (канализация) қувурлари ўтказилган, қудуқлар мавжуд бўлган. Шаҳристоннинг диққатга сазовор жиҳатларидан бири шуки, у ерда кўчалар ва майдонлар саҳнгача ғишт ётқизилганди. Бу ҳақда Истахрий ёзиб қолдирган бўлиб, Ўрта Осиёнинг бошқа бирорта ҳам шаҳарида бундай иш қилишмаганлигини эслатиб ўтган. Шаҳристон худудидан кўплаб кўчалар ўтган, бундан ташқари шаҳристон худуди деярли бутун айланаси бўйлаб ташқи ва ички муҳофаа деворлари билан ўраб олинган. Бу деворлар бир-биридан 7-8 метр масофа орлиқда турган. Ички девор баланд бўлмаган тўсиқ тарзида сақланиб қолган ташқи деворга нисбатан маҳобатли бўлган. Ташқи девор нисбатан қадимги бўлиб, араблар истилосигача бўлган даврда қурилган. Ички девор эса X асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида бунёд этилган муҳофаа деворларида пишиқ ғишт ишлатилганлиги бу унинг X асрдан илгари қурилганини кўрсатади.

Термиз шаҳари XI-XIII аср бошларида тараққиётнинг юксак босқичига чиқди, бу даврда унинг майдони 500 гектардан ортиқ эди, XI-XIII асрларда Термиз кўҳандизи бутунлай қалъага айланган. Бу ерда енгил чодирсимон уйлар бўлган, Кўрғоннинг турли жойларидан топилган чодир синчлари бунга тасдиқлайди. Шаҳарнинг асосий маъмурий ва ижтимоий-маданий бинолари ўрнини аниқлаш XI-XIII аср бошларидаги Термизнинг тузилишини тушуниб олишда катта аҳамият касб этади. Чунончи, Эски Термиз шаҳри чеккасидаги ички беагаги ғоят гўзал, маҳобатли бино Термиз ҳукмдорлари саройи бўлган.

Сарой XI асрнинг биринчи чорагида қурилган, деб ҳисобланади ва у 1025 йилда Мовароуннаҳрга юриш қилган Маҳмуд Ғазнавий номи билан боғланади. Гардизийнинг ёзишича, ушбу юриш асносида Маҳмуд Термизда ўзининг маҳобатли, улуғворлиги ва ҳашамати билан боргани, биринчи навбатда ўзи шу ерда учрашиши лозим бўлган Қораҳоний Қодирхонни ҳайратга солиши керак бўлган сарой қурилишини буюрган.

Бироқ, саройга бир мунча кейинроқ, XII асрда нақш ишлатилди. Термиз ҳукмдорлари саройининг ҳашамати Марказий Осиёдан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Ҳар ҳолда XII аср ўрталарида яшаган Идрисий Термиз атрофи муҳофаа девори билан ўраб олинганини, у ерда шоҳона қабуллар ўтказилганлиги қаср ва бошқа хилма-хил бинолар ҳамда бозорлар борлигини қайд этар экан, айна шу саройни назарда тутган. Рабод худудида ўрта гузар масжиди бўлгани аниқланган, рабоднинг шимолий қисмида IX-X асрда қурилган чорсуту масжиди бўлган. Ривожланган ўрта асрларда Термиз шаҳрида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари тараққий этди, унинг энг муҳим тармоқларидан бири кулолчилик эди.

Термизлик кулоллар X-XI асрларда ўрта Осиёда биринчи бўлиб, мукамал сиркори идишлар ишлаб чиқара бошлади. Термизда тайёрланган сиркори сополни Ўрта Осиёдаги бошқа кулолчилик марказлари маҳсулоти билан солиштирганда, улар Самарқанд, Марв, Шошнинг машҳур сопол

идишларидан қолишмаслиги маълум бўлди. Сирли сопол ишлаб чиқариш XI асрдан бошлаб ривожланди ва XII асрга келиб юқори даражагача кўтарилди. Бу яхлит қолипли керамика ишлаб чиқариш техникаси такомиллашуви билан техника шундай буюмларнинг ишлаб чиқаришнинг кескин ошириш имконини берди.

Бунда хилма-хил бўртма тасвирлар, идишлар кўринишини чиройли қилган, айти пайтда чизма нақшли сопол идишлари тарқалди. Бундай услублаштирилган ислимий, тарих ва эпиграфик нақш билан одатда шаклан ва ҳажман хилма-хил тарзда безатилган. Бу давр кулолчилигида симоб кўзача сезиларли ўрин эгаллайди. IX-XIII аср бошларида Термизда ишлаб чиқарилган сопол буюмлар термизлик кулолларнинг юксак касб-хунар даржасини кўрсатди. Термизлик кулол усталар маҳсулотларининг Маркзий Осиёдаги бошқа кулолчилик марказлари ҳамда чегарадош мамлакатлар, Мовароуннаҳрдан ҳам кўпроқ Хуросон буюмлари билан умумий жиҳатлари мавжуддир. Бу ҳол Термиз сиёсий жиҳатдан Хуросон худудидаги давлатлар билан кўпроқ боғлиқ бўлгани боис, юз берган. Шунга қарамай, Термизда ишлаб чиқарилган сопол буюмлар бир қанча маҳаллий хусусиятларга ҳам эга бўлган.

Идишсозлик хунарамандчиликнинг анча ёш, лекин соф шаҳарга хос тармоғи бўлган. Тоҳаристон худудида илк ўрта асрларда пайдо бўлган бу хунар қисқа вақт ичида хунарамандчиликнинг етакчи соҳасига айланди. Бу даврда маҳсулотнинг тури кўпайди, ишлаб чиқариш технологияси анча мукаммаллашди. Шиша буюмлар идиш-товоқ, атир шишалар, кимёвий идишлар зеб-зийнат буюмлари ва дераза ойналари анъанавий эркин пуфлаш ҳамда қолипга солиб пуфлаш йўли билан ясалган.

Буюмлар тайёрлашда кўпроқ оч яшил фируза, оч зангори, тўқ бинафша ранглардан фойдаланилган. Бу даврда кенг тарқалган шиша идишларнинг анъанавий шакллари оғзи тор ва кенг, кўзалар қадаҳлар, косалар, атир шишалардан иборат бўлган. Дераза панжараларига мўлжалланган масжид ясси ойналари Марказий Осиёдаги бошқа шаҳарларга нисбатан Термизда эртароқ пайдо бўлган. Термизнинг Ўрта аср қатламларидаги шиша буюмларининг кўплаб топилиши шаҳар шишасозларнинг кўплаб устахоналари бўлганлигидан дарак беради.

Уларнинг айримлари термирчилар маҳалласида бўлган, шундай устахоналардан бири, рабоднинг жанубий қисмида бўлган, “бадавлат” шаҳарликнинг уйи ҳовлисида топилган кўп миқдордаги тошқоя ва хом ашё шуни тасдиқлайди. Металлсозлик ўрта асрлардан Термиз шаҳрининг ривожланган хунарамандчилик соҳаси ҳисобланган. Бу ерда металл ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган чилангарлик маҳалласининг мавжуд эканлиги металлсозлик шаҳарнинг иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаганлигидан дарак беради. Чилангар айниқса, четдан келтирилган қрша (чўяндан махсус усул билан ҳосил қилинган юмшоқ темир)дан фойдаланилаган. Мехнат қуролидан ташқари бу ерда, ҳарбий қурооллар яшаш ривожланган. Чунки Термиз қалъасида ҳарбий горнизоннинг сақланиши ва бу ернинг стратегик аҳамияти шуни тақозо этган.

Бу шаҳардан уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ҳам тарққий этган, улардан кўза, қозон, шамдон, пардозлаш идишлари усталарнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Бу хунарлардан ташқари шаҳарда тўқувчилик, кўнчилик ҳам ривожланган, уларнинг маҳсулотлари, афсуски, бизнинг кунларимизгача сақланиб келмаган. Аммо улар шаҳар ҳаётида муҳим рол ўйнаганлиги маълум.

Термизнинг меъморий иншоотлари

Ўзбекистоннинг Олтин дарвозаси ҳисобланган Термиз шаҳри моддий маданиятини ўрганишда таниқли археолог олим устоз Шокир Пидаевнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг илмий тадқиқотларига кўра, милоддан аввалги I минг йиллик ўртасида Амударё (Окс)ни кечиб ўтиш жойида бунёд этилган Термиз шаҳри антик ва илк ўрта асрлар давридаги Ўрта Шарқнинг кўплаб давлатлари тарихида муҳим роль ўйнаган.

Эски Термиз харобалари замонавий шаҳардан шимолий-ғарбга томон 7 км масофада, Амударёнинг ўнг қирғоғи ёқалаб жойлашган. Шаҳарча уч қисмдан: қалъа, шахристон ва работдан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири қудратли қалъа девори билан мустаҳкамланган. Шаҳарнинг умумий майдони 500 га атрофида. Шаҳарнинг қадимий номи Тармита - қадимий авесточа **Таратаета** сўзидан олинган бўлиб, "дарёнинг нариги тарафидаги манзилгоҳ"ни англатади. Искандар Зулқарнайн уни Оксдаги Искандария деб қайта номлаган. Салавкийлар ҳукмронлиги даврида шаҳар Антиохия Тармита номида бўлган. Илк ўрта аср арман манбаларида у "Дрмат" номи билан машҳур бўлган. Шаҳарга 630 йилда келган хитойлик сайёҳ ва зиёратчи Сюан Цзянь унинг номини Тами шаклида ёзиб қолдирган. IХ-ХIII асрлар араб-форс манбаларида унинг Тармиз, Тирмиз, Турмиз деган турли шаклдаги номлари учрайди.

Ўтказилган комплекс археологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, милоддан аввалги III-II асрлардаёқ Термиз ўрнида 10 га жойни эгаллаган анча йирик шаҳар мавжуд бўлган. У Юнон-Бақтрия салтанатининг шимолий сарҳадларидаги асосий истехком бўлган ва антик муаллифларнинг хабар беришларича, у "Бақтриянинг мингта шаҳаридан" бири ҳисобланган. Бу ерда топилган фил суягидан ясалган хайкалчалар ва Мисрда ишлаб чиқарилган шиша идиш бўлаклари Термиз қадимданок Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизи шаҳарлари билан узвий савдо алоқаларига эга бўлганлигидан далолат беради. Термиз Кушон даврида - милодий 1- III асрларда гуллаб-яшнаган, бу даврда шаҳар майдони 350 га ни эгаллаган ва Бақтриянинг буддавийлик марказига айланган. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий чеккасида улкан буддавийлик маркази Қоратепа - Фаёзтепа юзага келади, у ўттизгача эҳром ва ибодатхоналарни ўз ичига олган. Ибодатхона ва эҳромларнинг интерьерлари нақшу нигорлар, тош ва ганч хайкалчалари билан бой безатилган.

Хитой тарихий солномалари кўплаб Бақтрия мубашширлари номларини сақлаб қолган, улар Шарқий Туркистон ва Хитойда буддавийликнинг

тарқалишида муҳим роль ўйнаганлар. Жумладан, ўрта асрлар Тибет коллофонида тармиталик таниқли олим Дхармамитранинг номи эслатиб ўтилади. Термизда IX-XIII асрларда масжид, мақбара, минора ва хонақолар ва зиёратгоҳлар кўплаб қурилган. IX асрда яшаб ўтган, шаҳарнинг валий хомийси ҳисобланадиган, кўплаб Сўфиёна – фалсафий асарлар муаллифи, сўфийликнинг ўн икки оқимидан бири “ҳакимия” дарвешлар тариқатининг асосчиси Ҳаким ат-Термизий мажмуидаги мақбара Термиздаги асосий қадамжодир. Диний мақсаддаги меъморчилик араб фатҳидан сўнг мусулмон диний бинолари масжид ва хонақоларнинг роли ошиб борди. Термиз равнақ топган XI-XII асрларда бу ерда ушбу соҳа жадал равнақ топди.

Термиз масжидлари: масжидларнинг икки асосий турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар; маҳалла масжидлари ва жомеъ масжидлардир. Жомеъ масжидлар икки хил бўлган. Биринчи хили ўртасида чор атрофи устунли айвон билан ўралган ҳовли катта бино. У ривожланган ўрта асрлардан бошлаб Марказий Осиё жомеъ масжидларининг иккинчи хили кўп устунли синч толар бўлиб, томи бир неча гумбаз ёки васса жуфт билан ёпилган. Бу хил жомеъ масжидлар унча кенг ёйилмаган айрим намуналар орқалигина бизга маълум. Сурхондарёда дастлабки кўп устунли масжидлардан бири Термиз яқинидаги Сополлитепа масжиди бўлиб, XI асрга оиддир. Бинода кўп устунли талор бўлиб, 43-25 метр майдонни банд этганди, бу ерда пишиқ ғиштдан қилинган 50 дан зиёд найустун аниқланган. Уларнинг кесими квадрат (90x90 см) бўлиб, ҳар уч метрга мунтазам қўйилган.

Чағониёнда бозор ўртасида устунлари пишиқ ғиштдан қурилган равоқсиз (вассажуфт билан текис ёпилган бўлса керак) “гўзал” масжид ҳам, манбалар (Истахрий ва ал-Мақсудий)га кўра, шунақа мужассамотга эга бўлганга ўхшайди.

Термизшоҳлар саройи XI асрда қурилган баланд деворлар билан ўралган катта иншоот бўлган. Сарой жамланмаси катта ҳудуд (7 гектар) ни ишғол этиб, тўртбурчак шаклда қурилган. Саройнинг бош фасадида йирик пештоқли эшик тўрт бурчакли ҳовлига олиб киради. Иморатлар билан ўралган кенг ҳовли ўртасида сопол қувурлар сув билан таъминлаб турувчи 8,5x8,5 метрли ҳовуз, меҳмонхона (дахлизли катта зал) олдида 4 та квадрат устунли айвон бўлган. Бош эшик қаршисида пештоқ айвонли чўзинчок қабулхона зали бўлиб, унинг уч томони икки қаватли гумбазлар ўраган, олд томони очик бўлган. Шу томон қимматбаҳо парда билан тўсилган, шу чўзинчок хона тўрида подшоҳ тахти турарди.

X асрнинг таниқли географи ва тарихчиси Истахрий шаҳарни бундай тавсифлайди: "Термиз шаҳар бўлиб, Жайхун қирғоғида жойлашган. У кўҳна қалъа - кўҳандиз, шаҳарнинг ўзи (шаҳристон) ва работдан иборат бўлиб, у ҳам девор билан ўралган. Қаср (сарой) биноти кўҳандизда қад кўтарган. Шаҳар бозори ёнида зиндон, шаҳристонда эса жомеъ масжиди бор. Жума масжид работда, бозорлар шаҳристонда жойлашган. Биноти гувалақдан қуришган, бироқ кўпчилик маҳаллалар ва бозор расталари пишиқ ғиштдан қад ростлаган. Термиз бандаргоҳи округнинг асосий кемалар тўхтайдиган жойи

сифатида хизмат қилади. Сувни Жайхун ва Чағониён (Сурхондарё)дан, экинларни суғоришга эса сувни Чағониён дарёсидан оладилар, чунки Жайхун суви юқорига кўтарилмайди".

X-XII асрлар меъморчилигининг диққатга сазовор намуналаридан бўлган Термиз хукмдорларининг қароргоҳи 1925-1926 ва 1936-1937 йилларда қазиб ўрганилган пайтда бу ерда ганч панжара, рангдор ойна, ганчга бўяб ишлаган тасвир қолдиқлари, жумладан, қуш, отлиқ тасвири туширилган ва гул безаклари бўлган шиша медальон топилди. Балки шу топилма подшоҳ пешонасига қадаб қўйиладиган медальон бўлиши ҳам мумкин. Қазилма даврида сарой бир неча марта таъмир этилганлиги аниқланди. XII асрда (1129-1130 йиллари) ғазналик Султон Абдул Музаффар Баҳромшоҳ томонидан янги безаклар билан, саройнинг қабул зали эса ганч уймакорлиги билан безатилган, унга уч қаватли кесма безак берилган, деворларига афсонавий махлуқларнинг тасвирлари ишланган. Иморат ғиштдан усталик билан, хандаса тури асосида терилган, таги (полига) пишшиқ ғишт ётқизилган.

1220 йилда Термиз Чингизхон бошчилигидаги татар-мўғил кўшинлари томонидан вайрон этилган. Жувайний ўзининг "Тарих-и жаҳон кушойи" ("Жаҳон фотиҳи тарихи") ҳужжатлари рисоласида Чингизхоннинг юришларини тавсифлаб бундай дейди: "Чингизхон Термизга келганида, у элчиларини шаҳарга йўллаб, менга бўйсун, истехком ва қалъани бузиб ташла деб, шарт қўйди. Ярмидан кўпроғи Жайхун узра қад кўтарган қалъаларининг мустаҳкамлигига ва ўз кучига ҳаддан ортиқ ишонган маҳаллий аҳоли бўйсунидан бош тортиб, жангга киришди... Унинг куни шиддатли ҳужум билан шаҳар таслим бўлди; унинг ҳамма аҳолисини [шаҳардан] ҳайдаб чиқаришди ва таомилга кўра жангчларга бўлиб берилди ва қиличдан ўтказишди". Термизликлар қаттиқ қаршилик курсатганлари учун сарой, бошқа купгина иморатлар қатори обдон таъмирланаётган вақтда, вайрон қилинган. қурилиш ашёлари, буёқ ва ганч идишлар қолдиқлари бунинг гувоҳидир. Харобалар сақланмаган. Термизшоҳ саройи III да қурилиши бўлиб, у ҳозирги Катта Ўзбек трактининг Эски Термиз худуди шимоли шарқий томонида жойлашган эди.

Мўғил босқинидан деярли юз йил ўтгач, шаҳар янги жойда қад ростлади, ибн Батутанинг гувоҳлик беришича, йирик иншоотлар ва турар жой бинолари пишшиқ ғиштдан қурилган, лекин сайёҳ шаҳар истехкомлари мавжудлиги ҳақида эслатмайди. Мамлакатнинг жанубий чеккасидаги шаҳарнинг муҳим стратегик ва савдо пункти сифатидаги гуллаб-яшнаши Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келади. Испан қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо шундай шохидлик беради: "Йигирма биринчи август, пайшанба куни Виадме (Аби-Аму) деган катта дарёга яқинлашдилар... кечкурун улар Термит (Термиз) деган катта шаҳарга етиб қолган эдилар. Элчилар ўша куни етиб келган ушбу Термит шаҳри жуда катта ва аҳолиси кўп экан, унинг на девори, на бирон тўсиқ-пўсиги бор эди. Атрофда мевазор боғлар ва серсув анҳорлар мавжланиб ётибди. Тагин нималар дейишим

мумкин, бу шаҳар тўғрисида, биз унга кириб боргач, отда жуда узоқ юрдик, манзилга етиб борганимизда бутунлай ҳолдан тойган эдик. Қаерга бормайлик, кўчаларда одам тирбанд, дўконлари молу газмолларга тўлиб-тошган".

Болаликтепа –термизшоҳлар қалъа-қасри харобаси V-VI асрларга оид. Термиз шаҳридан 30 км шимолда жойлашиб. Катта ва кичик тепаликлардан иборат бўлгани учун шундай аталган. Болаликтепани санъатшунос-археолог Л. И. Альбаум ўрганган. Қалъа-қаср тўртбурчак шаклдаги пахса пойдевор устига хом ғиштдан қурилган бўлиб, 16 хонадан иборат (улардан 11 таси V - асрда, 5 таси VI асрда бунёд этилган. Ташқарига қараган хоналарнинг деворлари нишон туйнукли. Энг катта хона ўртасига хом ғиштдан давра тарҳли оташкада (диаметри 1,2 м, бал. 60 см) ишланган. Ундаги кул қолдиқлари ичидан куйган буғдой дони ва ўрик данаклари топилган. Хоналардан сопол ва шиша идишлар, турли мусиқий асбоб бўлаклари, нақшинкор чилим, тақинчоқлар ўралган ипак кийимлар парчаси, чордана қуриб бола эмизаётган аёл тасвири туширилган шиша турунж (медальон), ёғоч қошиқ ва бошқалар топилган. Хоналардан бирида деворларида тўй маросими акс эттирилган деворий расмлар топилган.

Ал-Ҳаким ат -Термизий мақбараси. Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси - Термиздаги меъморий ёдгорлик IX-XV асрларга оид. Мажмуа Абу Абдулло Муҳаммад Ҳаким Термизий номи билан боғланган. Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси асрлар давомида бир неча бор қайта қурилган. Масжид, мақбара, хонақоҳ, қорихона каби бинолардан иборат бўлган. Марказга интилма гумбазли мақбаранинг айвон ва саҳни масжид билан бирлаштириб юборилган, мақбара чортоқ шаклида қад ростлаган бўлиб, ичкарида очиқ аркли пештоқлар зеб бериб туради. XI аср охирида қорахонийлар ҳукмдори Абул Музаффар Аҳмад Тигатигин (1081-1095 йй.) фармойиши бўйича даҳма ичкараси ажойиб ўймақори ғишт билан қоплаб чиқилган. Мақбаранинг шимолий ёндеворига унча катта бўлмаган масжид туташтирилган. Масжиднинг ҳажм-режа композицияси Наршахий тасвирлаган Бухоро намозгоҳи меъморчилигига ўхшаб кетади. У уч қуббали бўлиб, очиқ аркли пештоғи теваракдаги "арча" усулида ғишт териб чиқилган ҳовли саҳнига олиб чиқади. Масжиднинг мақбара девори давомчиси бўлган ғарбий девори марказида меҳроб қад кўтарган.

XIII аср охирида даҳманинг шарқий деворига яна бир чорси мақбара келиб уланади. XV аср бошида Амир Темурнинг набираси Халил Султон ҳукмронлиги даврида (1405-1409) мажмуанинг шимоли-шарқий қисмида маҳобатли хонақоҳ қад ростлайди. Мармардан тикланган сағана ҳам шу даврда барпо этилган - бу Темурийлар даври усталарининг тош йўниш ва нақш чекиш санъати дурдоналаридан биридир. Темурийлар ҳукмронлиги даврида хонақоҳ баланд асос (баландлиги 1,5 м) устига пишиқ ғиштдан қайта қурилди. Унга туташ бўлган хоналар таъмирланди. Хонақоҳнинг шимолий ва жанубий томонларига пештоқ ишланди. Оддий ва аниқ қурилмали Хонақоҳ ҳовлисининг ғарбидаги 3 гумбазли масжид мақбарага туташ, 3 равоғи ҳовлига қараган. Масжиднинг ғарбий девор марказида кенг ҳошияли

меҳроб бор. Ундаги бўртма ёзув, сопол шакллар, оралиқ заминидаги ўйма ганч безаклар ўзига хос. Масжид устунлари ғиштдан безакли қилиб терилган. Масжиддан равоқ орқали мақбарага ўтилади. Мақбара ичи ганч ўймакорлигида гилам нусха безакда серҳашам пардозланган. Гумбаз ости шарафасида куфий хатида Қуръоннинг 36-сураси ўйиб ёзилган. Хонақоҳ ичи ҳам юлдузсимон гириҳ нақшлар билан пардозланган. Равоқларидаги тобадонларига панжаралар ўрнатилган. Мақбара ичидаги мрамор сағана темурийлар давридаги тош ўймакорлиги санъатининг юксак намунасидир. Сағана 3 поғонали, асосий ислимий нақш ва ёзувли хошиялар билан ўрта қисмидаги 3 меҳробий тоқчанинг марказий (ўрта) қисми муқарнас косачалар билан, 2 ёни шамчироқ тасвири билан безатилган. Сағанадаги ёзувларда Термизий ҳаёти ва фаолияти тавсифланган. Кичик мақбарада ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган. Абдуллахон ҳукмронлиги даври (XVI аср)да ҳазира (ҳовли) ҳудудида 9 гумбазли масжид (эски масжидни ўз ичига олган) қурилган. Олдида енгил равоқ-устунли айвон жойлашган. XIX асрда 9 гумбазли масжид ўрнида 4 гумбазли масжид бунёд этилган. Жанубдан қираверишда яна бир мақбара (гўрхона ва зиёратхонадан иборат) қурилиб, равоқли бўлмалар орқали Термизий мақбараси ва хонақоҳ билан ўзаро боғланган. Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг асосий қисми Амир Темури даврида 1390 йилнинг август-сентябрида қуриб битказилган. Ал-Ҳаким ат-Термизий иншооти унча катта бўлмаган, тўртбурчак шаклида бўлиб, усти гумбаз қилинган. Гумбазлари икки қаторли сўнгги даврлар қурилиши маданий қопламлари билан ўралган бўлиб, иншоот пештоқида турли ёзувлар мавжуд. Мақбарага мрамор тошлар билан безак берилиб, унинг усти оқ рангда фил суяги ва турли-туман ўсимлик расмлари билан безатилган. Унинг девори шимол томонга давом этган бўлиб, Ҳаким ат-Термизийнинг қабрини кўриш учун махсус йўлакча мавжуд. Иншоотнинг ташқи кўриниши «П» ҳарфига ўхшайди, ҳовлиси арчага ўхшаб терилган ғиштардан иборат. Жануби ва шимоли ганжли панжаралар билан чегараланган. Иншоотнинг умумий ўлчами 28,0x29,0 метр, унинг деразалари катта ҳажмли бўлиб, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг ўлчами 5,10x4,70 метрни ташкил этади.

Мақбара ҳақидаги дастлабки маълумотни 1878 йилда А. Быкова аниқлаган. 1926–1927-йилларда Шарқнинг маданият музейи ходимлари Б.П. Денике ва Б.Н. Засыпкинлар иншоотнинг ўлчамини ўрганган. 1936 йилда ТАКЭ (Термиз археологик комплекс экспедицияси) аъзолари М.Е. Массон бошчилигида тадқиқот ишларини ўтказишган. 1938 йилда Г.А. Пугаченкова мақбара ҳақидаги маълумотларни ёзиб қолдирган. 1947 йилда В.П. Петров, 1955 йилда В.М. Филимонов ва К.А. Шахыринлар бошчилигида ёдгорликнинг таъмирланишига оид тадқиқотлар амалга оширилган.

Манбалардаги маълумотларга кўра, Шайбонийлардан бўлган Абдуллахон 1573 йил Балхни қамал қилиш пайтида Саййид Абдуллоҳ ат-Термизийнинг ўғли Мир Арабнинг уйида кўним топган. Абдуллахон Термизда бўлганида ал-Ҳаким ат-Термизий ва Варроқ ат-Термизийнинг мозорларини зиёрат қилган.. XIX аср охири – XX аср бошларида Шеробод

беклигидаги Бухоро-Афғонистон чегарасидаги Эски Термиз харобаларидан пастроқда Паттакесар худудида Янги Термиз шаҳрини куриш бошланди. Термиз худудига келган россиялик сайёҳлар, ҳарбийлар маҳаллий худуддаги моддий ва маънавий бойликларни ўрганиш мақсадида Термиз ва унинг атрофидаги маданий ёдгорликларни талон-торож қилиш ва Россияга олиб кетиш билан шуғулландилар.

Улар Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Қирқ қиз каби ёдгорликлардаги қадимий ёзувларни, қўлёзмаларни, этнографияга оид қимматбаҳо буюмларни олиб кета бошладилар. Россияликларни бундай талончилик ҳаракатидан норози бўлган Шеробод беги Мирза Салимбек тарихий ёдгорликларни талон-торож қилишига ва бузиб ташланишига қарши чиқиб, келгиндиларни зудлик билан жазоланишини хат орқали Бухоро амиридан сўрайди. Натижада унинг олиб борган қатъий тadbирлари туфайли ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва шунга ўхшаш муқаддас маданий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳлар сақланиб қолинди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси 1955-57 йилларда илмий ўрганилиб XIV-XV асрлардаги кўриниши қайта тикланди. 1980-81 йиллар ва 2001-2002 йилларда мақбара ва хонақоҳ қайта пардозланди. Мажмуанинг умумий тарҳи 28,0x29,0 м, мақбара 5,10 x 4,70 м.

Абу Исо Термизий мақбараси - Ҳожа Исо мақбара-масжиди XI-XII асрларга таллуқли бўлиб, Шеробод шаҳаридан жануби-шарқда, 6 км узоқликда жойлашган. Ёдгорлик шимол-ғарб-жануб-шарқ ўқи бўйлаб чўзилган тўрт ҳадли бинодан иборат. Обида шу атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси учун байрам намозгоҳи бўлиб хизмат қилган ва шу боис, унинг асосида анъанавий анфиладлик тамойили ётади. Тарихий адабиётда биринчи муҳаддислардан Абу Исо Муҳаммад бин Исо ат-Термизий номи тилга олинади. Ас-Самъонийнинг хабар беришича, Абу Исо Имом ал-Бухорийнинг устозларидан маъруза эшитган. Уни етук исломшунослар қаторига қўйиб, ҳазрат Алишер Навоий гувоҳлик берадики, муҳаддис Ҳожа Исо машҳур авлиё Абу Варроқ Термизийнинг жияни бўлган. Абу Варроқ Термизийнинг жасади Эски Термиз деворлари остида дафн этилган.

Абу Исо Муҳаммад Термизий қабри устига қурилган. Ҳозирги кунда ёдгорлик бир-биридан равоқлар орқали ўтувчи 4 хона (бўлма)дан иборат яхлит бино кўринишида, хоналар тарҳи 4,3x4,5 м. Шимоли-шарқий тарафи айвон қурилиши муносабати билан кейинчалик тўсилган. 3 хонали бўлма мураббаъ тарҳли, улардан жанубдагиси гўрхона. Унда мармар сағана бор. Сағана 3 поғонали, муқарнас нақш ва ёзувлар билан пардозланган. Гўрхонадан тор узун йўлка орқали хонақоҳга ўтилади. Хонақоҳ поли гўрхонага нисбатан пастроқ бўлиб, улар оралиғи кенг равоқ билан ажратилган. Хонақоҳ гумбаз томли, меҳробли. Ёнидаги 2 хонадан шимолий-шарқий тарафига чиқилади. Хонақоҳ олдидаги 3 айвон гумбазли, қалқонсимон бағалли, деворларига 4 равоқ ишланган, пишиқ ғиштдан хошиялар терилган. Абу Исо Термизий мақбараси ганчкори безаклар билан пардозланиб, ташқи деворларига 6 ғиштин равоқли намоёнлар ишланган. Тобадонларига оқ ганчдан панжаралар ўрнатилган. Равоқлари ғишт қалинлигида хошияланган.

Абу Исо Термизий мақбараси бош тарзини кичик кўшксимон гумбазли қурилма эгаллаган.

Абу Исо ат-Термизий мақбарасининг марказий зал ва масжид меҳроб билан, жанубдаги гўрхона тарафдан эса ғиштли пештоқ билан, шимол томондан кенг айвон билан ўралган. Учинчи зал ҳам саккиз қиррали пешайвон билан ўралган. Учинчи залнинг шимолий тарафида уч қиррали ва саккиз қиррали нақшлар ўйилган. Хоналарга унча катта бўлмаган деразалар орқали ёруғлик тушиб туради.

Мақбара хонасининг устки қисми гумбаз билан ва тўртта хонаси эса тўғри услубда ёпилган бўлиб, хонақоҳ квадрат шаклдаги 24–25х4,5–5 сантиметрлик пишиқ ғиштлардан лой қоришмалар билан қад кўтарган. Бинонинг умумий ҳажми 19,3х6,8 метр, учта хонанинг ҳажми бир хил 4,3 метрни ва олдинги хона 1,8 метрни ташкил этади.

Бино кўпгина ўзгаришларни бошидан кечирган. Масжид билан мақбара бир-бирига боғланиб, дераза ромлари қайтадан ишланган, айвон XV асрда шимоли-ғарбга қараб йўналтирилган ҳамда мажмуа шимоли-ғарбий томондан анчагина шикастланган. Мақбаранинг олд тарафига XX асрнинг бошларида устунлари ўймакорлик билан ишланган айвон қурилган ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Абу Исо ат-Термизий архитектурасининг қурилиши бўйича дастлаб Д.Н. Логофет, 1945 йилда В.А. Воронин, 1968 йилда археолог З.А. Ҳакимов, 1977 йилда А. Акименко, И. Гудков ва В.А. Аршавскаялар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Султон Саодат мажмуи - Султон Саодат (X-XI-XУП асрлар) мажмуаси шу давр Ўзбекистон меъморчилиги учун ноёб режа кенглик композициясини беради - бу Термиз саййидларининг оилавий даҳмаси бўлган. Унинг илк негизи - икки танобий устидан қурилган бир қат гумбазли мақбара бўлиб, ҳовлининг ғарбий қисмига келиб туташади. Шу гуруҳнинг асосий шарқий девори мақбаралар ташқи деворларининг ҳар иккала қанотидан иборат, ушбу деворларда ҳар томондан кириб келадиган кенг арк ва ундаги эшиклар ўрин олган. Уларнинг сирти уч паннога бўлинган, уларда - худди ичкаридаги уч чоракли устунларда бўлганидек, учли арклар қад кўтариб турибди. Султон Саодат мажмуи 20 га яқин мақбарани ўз ичига олган. Унда Саййидлар сулоласининг мақбаралари жойлашган. Дастлаб шу атрофдаги ерлар эгаси, пайғамбаримиз авлодларидан бўлмиш Ҳасан ал-Амир (IX-асрнинг 2-ярмида вафот этган) мақбараси бунёд этилган. Халқ орасида Султон Саодат мажмуи номи билан машҳур бўлган мақбаралар X асрда, қолганлари, асосан, XV-XVII асрларда ёнма-ён қурилиб, узун ҳовлининг 2 томонини эгаллаган. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналар (9х9,05 м ва 10, 15х 10,25 м) дан иборат. Ҳовлининг туридаги пештоқ ва икки қанотидаги гумбазли мақбаралар бир хил тарҳда, жанубидаги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ кўрилади. Шимоли-ғарбидаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий ғишт (27х27х5 см) дан жуфт-жуфт қилиб терилиб, мавжли безак ҳосил қилинган. Ички хона деворларига ғишздан хошияли бўртма равоқлар ишланган. Жануби-ғарбдаги мақбара шимоли-ғарбдагидан бир оз кичик, кўриниши

оддий, ганч сувоқли. Мазкур 2 мақбара орасидаги пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган.

«Султон Саодат» мақбараси шарққа томон чўзилган бўлиб, узунлиги 70 метрлик ҳовли атрофида турли даврларга оид архитектура қурилиш ишлари амалга оширилган. Ушбу архитектура қурилиши бир хил кўринишдаги мақбаралар гуруҳидан иборат бўлиб, археологик тадқиқотларга кўра, тадқиқотчилардан Б.Н. Засыпкиннинг фикрича – XI–XII асрларга, З.А. Ҳақимовнинг фикрича, X–XI асрларга, Е.Г. Некрасова ва В.М. Филимонов фикрига кўра, XII асрга оид деб қайд этилади.

Султон Саодат мақбараси нақшинкор пишиқ ғиштдан терилган бўлиб, девор қисми геометрик шаклдаги безаклар билан безатилган. Юқори қисмининг икки қатори кенг гумбазли бўлиб, кичик ўрта гумбаз қисми кириш пештоқига уланган. Мажмуанинг энг қадимги қисми XI асрга тегишли бўлган жануби-ғарбидаги мақбарадир. У икки иншоотдан иборат бўлиб, биринчисининг ички ўлчами 10x10 м., иккинчисининг ички ўлчами 9x9 метр. Улар бир-бирига ўхшаш бўлиб, ўлчамларида фарқ бор. Биринчи мақбарада IX асрда вафот этган Муҳаммад пайғамбарнинг авлоди Ҳасан ал-‘Амр исмли саййиднинг хоки дафн этилган. Мақбара залининг икки томони серхашам қилиб безатилиб, бу залда ҳар хил шаклдаги ғиштлар турлича услубда терилган.

Иккинчи залнинг жиҳози оддий бўлиб, ҳар иккала мақбара эшиги кунгурадор айвонли бўлиб, ҳовлига қаратилган. Бу услуб эса ансамблнинг кейинчалик ривожланишига режа сифатида хизмат қилади.

Султон Саодат мажмуаси Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома» асаридаги маълумотлардан билиш мумкин. Унда Термиз ҳақида шундай маълумот келтирилади: «Биз бу ерда катта ер ва боғлар соҳиби энг мухтарам ва обрўли шайхлардан бири шайх Азизон зовиясига кўндик. Шайх ўз бойликларини (1233 йил Термиз Чигатой улуси тасарруфида бўлган), зиёратчиларни боқишга сарфлар эди», деб айтган. Бу зовия Султон Саодат мақбараси бўлиши мумкин. Чунки хонақоҳлар, биринчидан, мақбаралар қошида бўлган. Иккинчидан, Султон Саодат мақбарасининг шайхлари асрлар давомида Азизон ёки Азиз лақабига эга бўлишган.

XV асрда Амир Темур ўлиmidан кейин (1405) Термизни ўз ихтиёрига олган унинг невараси Халил Султон (1405–1409) томонидан Султон Саодат мақбарасида таъмирлаш ишлари олиб борилган ва бу ерда баланд бўйли айвон қурилган. Барча иншоотлар бир хил катталиқдаги 27–28x27–28x5 сантиметрли ғиштлардан қурилиб, пештоқ устунининг асосига қўйилган нақшинкор чизгилар қадимги ёдгорликларнинг ҳеч қайсисига ўхшамайди. XV асрнинг иккинчи ярмида кўш мақбаралар рўпарасида янги икки мақбара эски мақбараларга қаратиб бунёд этилган. Эски мақбара билан янги мақбара бир-бирига таққосланса, мақбаралар қуриш тўхтатилганлигидан далолат беради. Янги мақбаралар квадрат шаклда бўлиб, зал томонидан 6,10–6,50 метр. Кейин барпо этилган мақбараларда безаклар бўлмаган.

XV асрда шимолий мақбара ёнида яна икки гуруҳ иморатлар: ўртаси айвонли катта иморат қурилади. Бу биноларнинг қурилиши ганж услубида

амалга оширилиб, ғиштларнинг ўлчами 25x25x5,5–6 сантиметрли лойли эритмадан ишланган. XVI асрда мажмуада кўшимча сифатида 3 хонали айвонли катта иморат қад ростлаб, барча бинолар оддий пишиқ ғишдан терилган бўлиб, ғиштнинг ўлчами 25,5x26x5,5 см ташкил этган.

Мақбарага хос кейинги қурилишлар XVI–XVII асрларда мажмуанинг жанубий қисмида амалга оширилиб, бинолар ўлчам ва шаклларнинг хилма-хиллиги, девор тахмонларининг кўплиги, шунингдек, асосий бино олд тарафининг жиҳозланишига кўра архитектурасининг бир мунча мураккаблиги билан фарқланади. XVI–XVII аср охирида мажмуага яна бир иншоот киритилиб, бу жанубий гуруҳнинг илк мақбараси қаршисида жойлашган. У олдинги қурилган иншоотлардан мураккаб усулда қурилганлиги билан ажралиб туради, бутун бино бир метр баландликдаги ғиштли супа устига қурилган. Мажмуанинг сўнги қурилиши XVII–XVIII асрларга оид бўлиб, ғарб тарафдаги мақбараларнинг жануби-шарқий томонидан ва жанубий гуруҳнинг ғарбий қанотида барпо қилинган. Бино марказий мажмуанинг бир хонали мақбараси ҳисобланиб, томи вайрон, пештоксиз бўлиб, олд томони ғарбга қараган.

Бутун мажмуа комплекси шарқ томондан дарвозалар билан беркитилиб, Султон Саодат мажмуаси мухташам айвонли, йирик гумбазли бош мақбара (Ҳасан ал-‘Амр мақбараси) атрофидаги иморатлардан иборат бўлган. Мажмуа тарихини ўрганиш, уни меъморий тузилишини аниқлаш мақсадида 1926–1927-йилларда Б.Н. Засыпкин Шарқ маданияти экспедицияси таркибида ёдгорлик устида тадқиқот ишларини олиб борган, унинг ўлчамларини аниқлаб, атрофни суратга туширган. 1938 йили ТАКЭ (Термиз археологик комплекс экспедицияси) иштирокчиси Г.А. Пугаченкова мақбарада тадқиқот ишларини бошлаб, ёдгорликни биринчи марта мукамал меъморий тузилишини ўрганиш мақсадида 1965 йилда Г.А. Пугаченкова раҳбарлигида Ю.З. Шваб, З.А. Ҳакимов, Н.Н. Кузьминалар Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг Ўзбекистон маданиятшунослиги экспедицияси таркибида ГУОП билан ҳамкорликда иш олиб борган.

Султон Саодат мажмуасининг асосини Термизнинг шарқий томонидаги– Ҳасан ал-‘Амр қабри атрофида қурилган йирик меъморий мажмуа бўлиб, қарийб саккиз аср (XI–XIX асрлар) давомида шаклланган ва у 20 га яқин мақбарани ўз ичига олган. Мустақиллик туфайли Султон Саодат мажмуаси мукамал таъмирланди, ушбу мақбарага оид тарихий манбалар ўрганилди. Саййидлар тарихи ва улар қолдирган маънавий мероси хар томонлама дунёвий ва диний илмлар билан таҳлил этилди.

Зулкифл мақбараси - Термиз яқинидаги меъморий ёдгорлик (XI–XII - асрлар). Ривоят қилинишича, бу ерга пайғамбар Зулкифл дафн этилган. Тарихий манбаларда аббосийларнинг атоқли лашкарбошларидан Исҳоқ ибн Кундаж (992-993 йилларда вафот этган) ҳам шу ерда дафн этилгани қайд қилинган. Амударёдаги Пайғамбар оролининг жанубий қисмида жойлашган масжид, гўрхона ва уларга туташ 2 хонадан иборат. Бинолар турли даврларда бунёд этилган. Масжид мураббаъ тарҳли, гумбазли, олди пештоқли, меҳробига ганчкори гириҳ нақш ишланган. Гўрхона масжид сатҳидан 1

метрча баланд қилиб қурилган, унда сағана сақланган. Гўрхонанинг икки эшиги орқали туташ қурилган икки хонага ўтилади, хоналар деворига гиштлар мавжли шаклда терилган.

Баъзи манбаларда Зулкифл - Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири. Асл исми Бишр. Айюб (ас)нинг ўғли. қайси қавмга пайғамбар этиб юборилгани ҳақида Қуръонда аниқ оят йўқ. Лекин баъзи ривоятларда румликлар иймон келтириб унга эргашганликлари нақл этилади. Бу қавм Зулкифлдан узоқ умр кўришни Аллоҳдан сўрашни илтимос қилган, Парвардигор Зулкифлнинг дуосини қабул этиб, улар “ўзлари ҳохламагунча ўлмаслар, бунга сен ҳам кафил бўлгин” деган ваҳий келади. Бишр ўз қавмига бу башоратни етказди. Илоҳий ваҳийга ўзи кафил бўлди. Шу сабабли уни Зулкифл (кафолат соҳиби) деб атаб бошлаганлар. Ироқда ал-Хилла яқинида одамлар Зулкифлнинг қабри деб ҳисоблайдиган зиёратгоҳ бор. Бошқа жойларда ҳам Зулкифл мақбараси мавжудлиги, жумладан, у Термиз яқинида дафн этилганлиги ҳақида ривоят қиладилар.

Зу-л-Кифл мақбарасига 1025 йилда ўтиш мақсадида Маҳмуд Ғазнавийнинг буйруғига биноан дарёсининг икки соҳилини бир-бири билан боғлайдиган кўприк қурилди. Кўприкка майда қайиқлар бир-бирлари билан мол терисидан пишиқ тикилган занжирлар воситасида боғланиб, атрофи эса Сейистондан келтирилган тошлар билан безатилган. Кўприк шу қадар мустаҳкам бўлганки, узоқ йиллар давомида ундан фойдаланиб келинган. Тарихчи Ҳофиз Абрунинг (1362–1431) «Ашкол ал-ақолим» («Иқлимлар шакл-суратлари») асарида бу жой ҳақида шундай таъриф берилган:

«Жайхун бўйида меҳмонхона бўлиб, у Термиз мавзесига яқиндир. Қадимда бу ерларда кемачиларнинг бошлиқлари турган. Улар Жайхундан кечувни бошқарганлар. Меҳмонхона ёнидаги султонларнинг сувдан ўтиш жойи гузаргоҳ бўлган. Меҳмонхона атрофида чакалакзор бўлиб, шерлар кўп бўлган. Ёнида яна битта гузаргоҳ бўлиб, унинг номи Келифдир».

Мақбара таркибига бир-бирига боғлиқ бўлган ҳар хил даврга тегишли симетрик кўринишдаги хоналар қурилган. Бу меъморий мақбара икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми квадрат шаклида қурилган масжиддир. У гумбазли, олди пештоқли бўлиб, меҳробига ганчкор нақш ишланган. Иккинчи қисми гўрхона бўлиб, у ерда сағана жойлашган. Шунингдек, уларга туташ яна иккита хона мавжуд. Гўрхона масжид саҳнидан бир метр чамаси баланд қилиб қурилган. Бинонинг ташқарисида масжид мавжуд бўлиб, уни тепасида ярим шар шаклидаги гумбаз жойлашган. Масжиднинг асосий қисми шарққа қараган бўлиб, унга кириш пештоқи куб кўринишида бўлган. Масжиднинг пастки деворлари “П” шаклидаги ромб билан безатилган, масжид зали эса квадрат шаклида бўлиб, у саккиз қиррали бурчак усулида ёпилган. Обиданинг жануби-шарқий ва шимоли-шарқий қисмларида ганчли нақшлар сақланиб қолган. Жанубий деворнинг тепа қисмида, гўрхонага ўтиш жойида томонлари беркитилган ўқсимон иккита токча жойлашган. Масжид ташқарига қараган тўртта дераза билан ёритилади. Зал полининг баландлиги асосига нисбатан бир метр баланд. Гўрхонадан ғарбий деворга иккита ўтиш жойи бўлиб, шимоли-ғарбий бино меҳробининг

катталигига кўра зиёратхона бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Гумбаз кулаган, лекин саккиз қирраси яхши сақланган. Кириш қисмидаги жануби-ғарбий бино жанубга қараган. Орқа тарафда бурчакли икки зина қолдиқлари сақланиб қолган, деворларини ички тарафи лойсувоқ қилинган.

Ёдгорликнинг безатилиши содда бўлиб, пишиқ ғиштлардан нақш берилган, гўрхонанинг ташқи чоклари ва масжиднинг шимоли-ғарбий қисмини безашда катта учбурчаксимон нақшлардан фойдаланилган. Иншоотнинг қурилиш тарихи иккита асосий даврга бўлинган, яъни дастлаб асосий кириш томонлари билан шарққа қараган масжид қурилган бўлиб, бу ерда очик ҳавода сағана жойлашган. Иккинчи даврида масжид биносига гўрхона қурилиб, кейинчалик, масжид ва гўрхона бир-биридан тўсиқ билан ажратилган. Масжид зали 6,95x6,95 м., гўрхона 6x4 метрни ташкил этади. Охириги таъмирлаш тахминан 1910 йилларда бўлганлигини иншоотнинг шарқий ва ғарбий қисми рус ғишти билан таъмирланганидан билса бўлади. Ҳозирги вақтда иншоотнинг тугаш қисми ва барча хоналарнинг беркитилиш қисми (масжиддан бошқа) кулаган бўлиб, бундан ташқари, шарқий бинонинг бир қисми ва деворларида ёриқ пайдо бўлган. Иншоот дастлаб 1926 йилда Б.П. Денике томонидан ўрганилган. 1936 йилда иншоотни М.Е. Массон, Г.В. Парфенов, В.А. Шишкин (ТАКЭнинг катнашчилари) кўздан кечириб ўлчаб чиқишган. 1968 йилда З.А. Ҳақимов, 1977 йилда Э.В. Ртвеладзе, В.А. Аршавскаялар томонидан ўлчанган ва кўздан кечирилган.

Қирққиз қалъаси. Қирққиз қалъаси хом ғиштан қурилган. Термизда қобирғали шаклдаги ўрта аср кўши жойлашган Қирққизнинг чорсу (54x54 м) негизи ўртасидан куббасимон йўлаклар билан бўлакларга бўлинган, улар кесишган жойда очик ички сахн ҳосил бўлади (11,5x11,5 м). Унинг қок ўртасидаги чуқур куббасимон айвонлар ва йўлаклар бинони тўрт тенг бўлакка бўлиб туради, бунда ҳужралар икки ошёнада жойлашган. Қирққиз қасри томлари хилма-хил тузилиши билан кишини ҳайратга солади. Бу ерда кутили, хочсимон ва балхий гумбазлардан фойдаланилган, арқлар учбурчак, суйри, ўқсимон, пойи айланма шаклдаги курсига эга, куббалар "нақлий" ва таомилдаги ҳалқасимон айлана устидан жой олган. Танобийлардан бирининг нимён чорсиларида нимсаккиз киррали нимқуббалар сақланиб қолган. Ўз ташқи қиёфаси бўйича Қирққиз илк ўрта аср қалъа-қўрғонларига жуда ўхшаб кетади. Аммо бу анъана шарофати, холос, зеро, узокдан чиқиб бўлмайдигандек кўринувчи биноларнинг тўртала деворлари бўйлаб кенг арк йўлаклари ўтган, ташқи деворлар нур тушиб турувчи дераза ўрнини тўсиб туради, ён томонини ҳимоя қилувчи бурчаклар уч чоракли, учли цилиндрсимон шаклдаги миноралар безакдор. Қирққиз кишлок қўрғон-сарой меъморчилигининг ноёб турига киради.

Ушбу ёдгорлик милодий IX-XI -асрларга оид бўлиб, ҳозирги Термиз тумани ҳудудида жойлашган. Нима мақсадда қурилганлиги (қалъа, сарой, хонақоҳ, карвонсарой) ҳақида маълумот йўқ. Ўрта асрларда Термиз шаҳрининг ташқарисида жойлашганлиги қалъа шаҳар ташқарисидаги қўрғон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади. Қалъанинг ўзига хослиги шундаки, у дунё томонларига қатъий мутаносиб ҳолда бунёд этилган. Қалъа тўртбурчак

тарҳли (53,3x54,8), фақат умумий баландликда 2 қаватли бўлиб, хом ғиштлардан (30x30x5 – 5,5 см) қурилган, тоқ ва равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилган; қалин девор билан ўралган (ташқи девор қалинлиги 2-2,5), бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган; буржлар оралиғида тоқлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, тарзларига бир маромда такрорланувчи туйнуқлар ишланган. Қалъанинг барча хоналари ва марказдаги сахн (11,5-11,5) ўзаро йўлаклар билан боғланган; марказий сахн ҳовли ёки гумбазли зал бўлган, деб тахмин қилинади. Айвон ва йўлаклар бинони 4 қисмга бўлган, булар: 2 та бир хил тузилган (5 хона ва 3 томонидан ўралган йўлак, эни 2,1 м) шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий ҳамда 2 та жануби-ғарбий (2 та йўлакча билан боғланган 2 та хона ва 3 устунли катта меҳмонхона) қисмлардир. Йўлаклар ва хоналар деворлардаги туйнуқлар орқали ёритилган. Қирққиз қалъаси тепасида балхи ҳамда кесишган гумбазсимон тоқлар, бошқа турдаги гумбазлар, тоқлар ва равоқлар қўлланилган. Оғизаки маълумотларга кўра, халқ достонларида зикр этилган душманлар ҳужумини қайтаролган қаҳрамон қиз Гулойим ва унинг 40 нафар дугонаси айнан шу ерда яшаган. Шунингдек, XXI асргача халқ томонидан Қирққиз қалъаси манзили “Шаҳри Сомон” деб ҳам аталган.

Аҳмад Устурлобий ат-Термизийнинг “Илм ун-нужум” китобида Қирққиз қалъаси ҳақида қуйидаги фикрлар берилган: “Қалъанинг тўрт томонида тўртта эшик бор. Тўрт зинапоя, тўрт зиндон, тўрт қудуқ бор. Қирқ хона бор, қирқ асбоб устурлоб (осмонни кузатадиган асбоблар) бор.

Биринчи зинапоядан чиқишда қирқ хона бор, иккинчи қаватда қирқ хона ва қирқ хужра бор, ундан сўнг меърожи, учинчида қирқ зинапоя ва тўрт хона мавжуд. Зинапоялардан куббага ўтиб, тўрт тарафни кузатиш мумкин, сўнг гумбаз бўлиб, ранги қизил ҳам, сариқ ҳам эмас, осмон ранги назарда тутилган”.

Қирқ қиз қалъаси қуйидагича ҳолатда сақланиб қолган: Қирқ қиз мажмуи ёруғлик тарафга қараб қурилган бўлиб, квадрат шаклида, бурчаклари бақувват ички миноралар билан мустаҳкамланган. Кириш айвонларига деразалар ўрнатилиб, узун ўтиш айвонлари орқали ички ҳовлига ўтилиб, у ердан тўрт қисмдан иборат икки қаватли бинога кирилган. Ушбу биноларнинг иккитаси шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий тарафдан бир хил бўлиб, иккаласида ҳам бештадан тўғри бурчакли хоналар мавжуд. Хоналар уч тарафдан икки қаватли бир-бири билан бирикиб кетган заллар билан ўралган, ҳар бир хона фақат зал билан туташтирилган.

Жануби-ғарбий қисмида зал битта бўлиб, у иккита хонага борувчи кириш жойига эгадир, бурчакда ҳам уч устунли зал бўлиб, меҳмонхона сифатида ишлатилган. Обиданинг кубба ва гумбаз қисмлари хилма-хилдир. Бу ерда учбурчак айлана устунли, овал қиррали тоқ равоқлар учрайди. Шимол томондан кираверишда айвон ва шимоли-ғарбий, шимоли-шарқий бўлинмалардаги хоналар қияли ва қиррали равоқ билан қопланган бўлиб, булар ўймақордир. Қолган учта айвон ва бино ҳамда жанубий қисмидаги биноларнинг 0,9 метр оралиғига меъморий усул билан ишлов берилган.

Марказий хона ва меҳмонхона қурилишида ҳам ғўлали гулдор ярим квадратли ва ўз ўқида жойлашган катта гулдор устунлардан фойдаланилган.

Қирқ қиз обидасининг қурилиш услуби техникасининг хилма-хиллиги билан диққатга сазовордир. Иншоот қурилишида ғиштлар қатлам қилиб терилиб, бошқаларида эса эгилган ҳолатда терилган. Бинонинг қурилишида 30x30x5–5,5 см, 10x10x81 см оралиғидаги хом ғиштнинг сариқ тупрокдан иборат бўлган аралашмасидан фойдаланилиб, деворлар лой билан сувалиб, баъзи бир куббаларда ўша ҳажмдаги пиширилган ғиштлардан ҳам ишлатилган. Бинонинг умумий ўлчами 55,8x54,8 м, ташқи деворларининг қалинлиги 2–2,5 метр, ички ҳовли 11,5x11,5 метр, айланма зал йўлакчаларининг кенглиги 2,1 метр. 1927 йилда Шарқ маданияти музейи экспедицияси иншоотни архитектуравий ўлчаш ва суратга олиш ишларини олиб борган. Дастлаб мажмуа тарихини ўрганиш ва унинг ҳажмини ўлчаш ишларини 1936 йилда С.Н. Полупанов ҳамда И.В. Заволинлар АЁСББ (Археологик ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси) амалга ошириб, ушбу тадқиқот натижалари архивда сақланмоқда. 1965 йилда археолог З.А. Ҳакимов тадқиқот ишларини олиб борган⁴⁷.

Кокилдор хонақоҳи- Термиз туманидаги Намуна қишлоғидаги меъморий ёдгорлик. Халқ орасида Алоулмулк Худовандзода (Термиз хукмдори) кўши, «Азизон», «Азлар эшон, «Кокилдор» (кокил қирқиш удуми) деб номланган. Кокилдор хонақоҳи тўғри тўртбурчак тарҳли (27,5x17 м), 5 хонадан иборат. Баланд ва чуқур равоқ пештоқ орқали марказий хона (7,5x7,5 м) га кирилади. Марказий хонанинг гумбази 8 қиррали пойгумбаз устига ўрнатилган, 2 ён томонидаги хоналар ўзаро ўхшаш, тенг ҳажмда, далон орқали боғланган орқа ва ён эшиклари бўлган. Марказий хона саҳнида бир неча қабр сақланиб қолган. Ичкаридаги равоқ ва намоёнларга ганчкори усулида пардоз берилган. Гумбаз ости бағаллари муқарнаслар билан безатилган.

Кокилдор ота мақбараси XII аср оид бўлиб, мақбарада ал-Ҳаким ат-Термизийнинг кўеви Сомон Ашур Кокилдор 992 йилда дафн қилинган. Мақбарага узун ва катта устунлар орқали марказий хонага кирилиб, бу ерда иккита йўлак мавжуд бўлиб, бу йўлак асосий хона билан икки хонани бири-бири билан боғлаб туради. Бундан ташқари, ҳар бир хона йўлакларининг иккитадан кўчага чиқиш жойлари мавжуд бўлиб, бу ерга қадимда ишланган ғиштлар терилган, улар орқали энига 4 та тўғри бурчакли устунлар ҳосил қилинган⁴⁸.

Хонақоҳнинг ўзига хослиги шундаки, унда кўп меъморий устунларнинг мавжудлиги, гумбазларнинг тарихий-меъморий услубда безатилганлиги, деворларнинг ганч қилинганлиги ўша даврдаги ганчкорликнинг юқори даражада эканлигидан далолат беради⁴⁹. Бу ёдгорликларга терилган ғиштларнинг ўлчами 24x25x5 см, 10x10x67 сантиметрли ташкил этади.

⁴⁷ Аршавская В.А., Ртвеладзе Э.В., Ҳакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – С. 89.

⁴⁸ Аршавская В.А., Ртвеладзе Э.В., Ҳакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – С. 86.

⁴⁹ Ўша асар. – С. 87.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан атрофи ободонлаштирилиб, таъмир ишлари амалга оширилди.

Чорустун масжиди. X аср муайян даврларда жомеъ ва баъзида намозгоҳ бўлган. Бу масжид тархи мураббаъ (тахминан 10x10 метр) ҳовли бурчагида жойлашган. Бостирма сифатидаги устун гумбазли иншоат бўлган⁵⁰. Ғарб ва жануб томондан у ҳам ғиштдан кўтарилган девор билан бутунлай тўсилган, шимол ва шарқ томондан эса равоқ айвон орқали ҳовлига караган. Толар ичида пишиқ ғиштдан терилган диаметрли бир метрли тўққиз гумбазли томони кўтариб турарди. XI асрда масжиднинг бошқа бурчагида пишиқ ғиштдан минора тикланиб, унга 1032 йил санаси ёзилган, шунингдек масжид таъмирланган. Хом ғишт терилган саҳн, девор ҳам пишиқ ғишт билан қопланган. Жануби-ғарбий девор марказида жойлашган меҳроб шу ерга яқин жойлашган, хом ғиштдан қилинган Кўрғон қўшни сингари кунгура билан безатилган.

Катта масжид кейинроқ қурилган масжидлар сирасига киради. У XVIII-XIX асрларга оид бўлиб, Термиз яқинидаги Ўрта Овул қишлоғида жойлашган. Бу тархи мурабба (ҳар бир томони 14 метрдан) бўлган. Ҳоч симон гумбазли зали ҳамда бурчакларида гумбали тўртта хонаси бўлган, хом ғиштдан терилган иншоотдир. Марказий талорнинг усти поғонали чархи гумбаз ёпилган марказий ўтиш йўллари нимбалхи гумбаз, бурчакларидаги хоналар балхи гумбаз билан ёпилган. Масжид залида меҳроб жойлашган ғарбий девордан ташқари барча томондан терилган. Масжид ичи чархи гумбаз ва балхи гумбаз тепасидан очилган туйнуклар орқали ёртилади. Шунини таъкидлаш зарурки, масжидларнинг кенг тарқалган тўртинчи тури кадамжолар, мақбаралар ёнидаги масжидлар эди. Азон айтиб, мусулмонларни намозга чорлашда хизмат қилган миноралар жомеъ масжидларининг ажралмас қисми бўлган.

Марказий Осиёдаги дастлабки миноралар сақланиб қолмаган, бироқ улар хом ғиштдан қурилган кейинчалик айримлари пишиқ ғишт билан қоплангани маълум. X асрдан бошлаб минораларнинг кўпи буткул пишиқ ғиштдан ишланиб, бир неча горизантал белбоғларига эпиграфик безак берилган. Миноранинг юзасига ғишт нақшинкор терилган, нақшли муқарнасан бўртма гулли горизантал белбоғ қилинган. Бу усуллар ҳозир сақланиб жомеъ масжидларининг бир қисми бўлган. Бузилмай қолган айрим миноралар (масалан, Бухоро минораси, Вобкент ва Жарқўрғондаги миноралар) ҳозир ҳам Марказий Осиёнинг қатор минтақаларида алоҳида ҳолда кўкка бўй чўзиб турибди.

Термиздаги Чорустун мажмуаси ёнидаги унча катта бўлмаган ҳозир бузилиб кетган минора шундай миноралардан бири эди. XX асрнинг дастлабки ўттиз йилида ҳам ушбу масжид харобалари узра кўкка интилиб турган бу минора Марказий Осиёдаги пишиқ ғиштдан ишланган қадимги

⁵⁰ Шишкин В.А. «Курган» и мечеть чор-стун страго Термиза // труды Ан. Уз ССР. Серия 1. Т.А.К.Э. Т. II 1945 С100.

миноралардан бири бўлган. Баландлиги 13 метр ва диаметри 3 метр бўлган цилиндрсимон танаси саккиз қиррали пойдеворда турган.

Бу Марказий Осиёдаги ягона цилиндрсимон минора, чунки конуссимон бўлиб, юқорига қараб бироз ингичкаланиб боради. Бу минорада айланма зина бўлиб, муаззин туришига мўлжалланган майдонга қафасига олиб чиққан. Бу майдонча даставвал тахминан 16-18 метр баландлиқда бўлган. Томони ғиштдан юзаси бўртма безакдан иборат бўлган тўртта белбоғ билан безатилган. Белбоғларда ғишт жуфт-жуфт терилган, улар миноранинг юзасида ажралиб кўришиб туради. У монументал хаттотликнинг илк вариантлари бўлиб, тарашланган ғиштлардан терилган куфий лавҳалар содда ва бирмунча хандасавий хусусиятга эга эди. Минора белбоғларидан бирида бунёд этилган сана –ҳижрий 423 йилни ўқишга муваффақ бўлинди. (бу милодий 1032 йилга мувофиқ келади).

Улуғбек томонидан Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда барпо этилган учта мадраса сақланиб қолган, кўплаб мадрасалардан энг қадимийларидир. Термизда мавжуд бўлган мадрасаларнинг илк классик намуналари, афсуски сақланиб қолмаган, шу боис улар ҳақида бирор-бир маълумотга эга эмасмиз.

Бироқ Деновдаги XVI-XVII асрларга оид Саид оталиқ мадрасаси архитектурасига қараб Термизда классик мадраса бунёд этиш мумкин бўлганлигини билиш мумкин. Термизда ғиштдан кўтарилган бу монументал иншоот ўша даврда етакчи бўлган Бухоро меъморчилик мактаби анъаналарининг кучли таъсири остида бунёд этилган. Тарҳи тўғри бурчакли икки ошиёнаси, бу бинода чор атрофи хужралар ҳамда ўқларида тўртта устунли айвон билан қуршалган ҳовли бўлган. Бу ерда, асосан, Бухоро мадрасаларига хос усул қўлланган бино ён тарафларидан ташқарига қараган бу бино пешайвонлар қўйилган бу бино Термиз яқинида хом ғиштдан содда қурилган бўлиб, бу бино 1955 йилда В.А.Нильсон томонидан тадқиқ этилган.

Иккинчи мадраса XVIII-XIX асрларга оиддир, уларда анча кенг, баъзан ўртасида ҳовуз бўлган. Ҳовли атрофида (унинг чор атрофида тўла банд этилмаган ҳолда) тарҳи мураббага яқин бўлган, усти балхи усулида ёпилган хужралар жойлашган. Ҳовлининг ғарбида эса тарзи ёйилган, уч қисмдан иборат масжид бўлган, тарҳига кўра, бу хонақо – масжид ва мадраса хужраларидан иборат сўфийлар мажмуи бўлган. Бундай мажмуалар XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалган. Масалан, Бухородаги нисбатан монументал конструкция бўйича қурилган халифа Худойдодхонақо мажмуалари шу кабилар Сурхондарёнинг сўл соҳилидаги Хўжамулки қишлоғидаги мадрасали бир қаватли катта мажмуа анча йирик бўлсада, меъморий жиҳатдан соддароқдир. Ўртасида ҳовузи бўлган соясалқин чорси ҳовли чор атрофида қирққа яқин хужра бор, ҳовлининг жануби-ғарбий бурчагида учта катта кенг хужра бўлиб, афтидан дарсхоналар бўлган. Ҳовлининг ғарб томонида хом ғиштдан кўтарилган иморати васса жуфтли бир ҳадли масжид ва хом ғиштдан минбар бўлган. Томонлари 3,5 метрли, балхи гумбаз билан ёпилган хужралар деворида учли равокли токчалар бўлиб, уларга китоб тахланган ва рўзғор буюмлари териб қўйилган.

Термиздан шимоли-ғарбда жойлашган Солихобод қишлоғидаги мадраса (ҳозир йўқ бўлиб кетган) юқорида тилга олинган мадрасадан кичикрок бўлган, бироқ анча пухта ишланган ва қатор безаклари бўлган. Мадраса ҳовлисига икки томонида гулдаста минора бўлган дарвозахона орқали қирилган, ҳужраларда китоб ва рўзғор буюмларини қўйиш учун учли равоқли пештахталар қўйилган, шунингдек, шимолий бурчакда деворнинг ташқарисида мўрихонача бўлган, ярим доира тоқчасимон ўчоқ бўлган. Ғарб томонда олди ҳовлига қараган уч гумбазли масжид жойлашган. Унинг марказий қисми ён қисмлари билан равоқ орқали бирлашган, натижада масжид узун, ҳам яхлит бўлиб қолган. Марказий қисм усти, афтидан тепасида ёруғлик қирадиган туйнук бўлиб, думалоқ гумбаз билан ён қисмлари эса баланд гумбазлар билан ёпилган.

Зал ғарбий деворининг марказида ўймақори ганч билан безатилган беш қиррали меҳроб тахмони бўлган. Чизмага кўра, масжиднинг олд томонида тўрт равоқ бўлган, ўртасидан масжидга қиритилган, уларнинг орасидагилар эса деворий тоқча бўлган. Уч гумбазли бино олд томонидан бешта равоқ билан мустаҳкамланган, Шеробод яқинидаги уч гумбазли Хўжа Исо мақбарасининг шу каби, бироқ олти равоқли тарихига ўхшарди. Мадрасанинг жануби-ғарбий бурчагида ёғоч устунлик айвон жойлашган, унинг девори ва меҳроб тахмони оддий ганч гирих билан безатилган.

Марказий Осиёдаги мақбаралардан фарқли равишда, Сурхондарё меъморчилик мактабида мақбараларни нисбатан сиполик билан безаш хос бўлган. Уларнинг баъзилари мусулмон авлиёлар қабрлари устида қадамжо бўлиб, хизмат қилган. Вақт ўтиши билан улар атрофида ёдгорлик зиёратгоҳ мажмуи вужудга келган. Зулқиф, ат-Термизий ва Султон Саодат мажмуалари шундайлардандир. Термиз воҳасида улар билан бир қаторда IX-XII асрларга оид бир ҳадли гумбазли мақбаралар ҳам учрайди. Хом ғиштдан кўтарилган бу мақбаралар озгина ўзгарган ҳолида ёки қисман сақланиб қолган.

Термиз туманидаги IX-XII асрларга оид Тўртовул гумбаз мақбараси шулар жумласидан. Тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу тарқали мураббаъ (зал ўлчами 7,20x7.20 м) марказида равоқ бўлган. Жануб тарафдаги бош тарҳни чуқур равоқли - тарҳни чуқур равоқли тахмони бўлган пештоқ беаб турган. Икки томонга нишаб қилиб ишланган деворлар (равоқ тахмонининг вертикал ён деворлари) марказида ихчам учли равоқли тангалар жойлашган. Гумбаз бурчаклари бўғотли уч қатор муқарнас бўлган равоқли бағал устидаги саккиз қиррали гумбазда турган.

Атоулла Сайид Ваққос мақбараси- Шеробод туманида жойлашган. X-XI асрларга тааллуқли, араб истилоси даврида машҳур қўмондон бўлган Атоулла эшон Мирҳайбарга атаб қурилган. У унчалик катта бўлмаган бир хонали марказий мақбара бўлиб, қириш йўлаги (эшиги) жануби-шарққа қаратилган. Мақбара квадрат шаклида, устидаги шарсимон гумбаз эса икки қатор ғиштлардан терилган. Бинонинг олд томони ўзига хос меъморий услуб шаклида ишланган равоқсимон тешик билан ажратилиб, унинг ичи ғишт билан терилган. Мақбаранинг пештоқи деворлари текис бир

хил қилиб безатилиб, жануби-ғарбий ва шимоли-шарқий томондан унчалик катта бўлмаган деразалар ўрни қолдирилган. Қурилишнинг қизик бир жиҳати шундаки, мақбара бурчакларида ўзига хос меъморий услублар мавжуд. Бинонинг учки қисмида ярим қубба шаклидаги бўшлиқ бўлиб, ички тарафида уч қатор ғишт безак сифатида терилган. Тоқ равоқнинг пастки қисми девордан ташқарига чиққан бўлиб, ердан 1,5 метр баландликдан бошланган. Бинонинг ички қиёфаси ғишт ҳолида қолдирилган, ортикча безак берилмаган. Хонанинг ички тарафи сомонли лой сувоқнинг эски изларини сақлаб қолган. Гумбаз қуюқ сувоқ қатламлардан иборат, гумбазнинг юқори қисми янгидан қурилган. Мақбара хом ғишдан 24–26x24–26x4–4,5 см, 10x10x65 см ўлчовида бўлган. Лойиҳанинг ташқи ўлчови 6,80x6,40 м, ички ўлчови 5,25x4,75 м бўлган. Хонанинг кенглиги 7,70x7,75 метрга тенг.

Мақбаранинг марказий қурилишида хом ғишдан фойдаланилган, аркнинг учи ярим қубба шаклидаги бўшлиқ бўлиб, ичи ғишт билан арчасимон қилиб терилгани мақбаранинг XI асрга тегишли эканини билдиради. Бу мақбара XV–XVII асрларда қурилган меъморчиликнинг қадимги кўринишини ўзида акс эттирган. 1977 йилда В.А. Аршавская мақбарада дастлабки тадқиқот ишларини олиб борган.

Ахтам Саҳоба мақбараси -тахминан X–XI асрларга оид бўлиб, мажмуа ҳажми жиҳатидан жозибадор. У ўз ичига мақбара, ёзги масжид, ҳовли ва рамзий ўчоқ бўлган хонани олади. Мақбаранинг асосий қисмини квадрат шаклидаги гўрхона ташкил этиб, ичкарида устунли сағана бор. Унинг кириш эшиги жануби-шарқий тарафдан бўлиб, қибла тарафга йўналтирилган. Мажмуа пишиқ ғишдан қурилган бўлиб, усти текис қилиб ёпилган, атрофи ганч сувоқ қилинган. Унинг ўлчами 5,15x4,90 м. Масжиднинг ўлчами 6,90x3,80 метр. Рамзий ўчоқ бўлган хонанинг ўлчами 2,85x2,45 метр, мажмуа 26x5,5 сантиметрлик ҳажмдаги пишиқ ғишдан барпо қилинган, мақбаранинг меҳробидан катта ҳажмли, томонлари 42,44 см, қалинлиги 6–6,5 сантиметрли қурилиш ашёси топилган. Дастлаб 1977 йилда мақбарада З.А. Аршавская тадқиқот ишларини олиб борган.

Шеробод туманида жойлашган зиёратгоҳлар – Хўжамуқон қишлоғида Хўжамуқон ота, Таллашқондаги Қирқчилтон ота, Кўктош Валий, Навбоғ қишлоғида Чўлпон ота, Бобатака қабристони ва зиёратгоҳлари архитектураси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Юқори эстетик дид билан бунёд этилган ёдгорликлар зиёратчиларда кучли таассуротлар ҳосил бўлишига хизмат қилади.

Такия ота мақбараси- тахминан XII асрга оид бўлиб, салжуқийлар даврида қурилган, у ўша давр ижтимоий-сиёсий марказларидан бирига айланган ёдгорлик ҳисобланади. Ҳозирги Қизирик туманидаги Такия ота мақбарасида хоки ётган кишининг шахси номаълум бўлиб, нақл қилишларича, у киши сўфийлик тариқатидан бўлган авлиё Ҳазрати Хожа Қутбиддиндир.

Мақбара кўк гумбазли, унинг таг хонасида икки тош сағана ва икки устун бўлиб, у уч хона ва икки йўлакдан иборат, хом ғишт ва пахсадан

қурилган. Мақбара мустақиллик туфайли таъмирланиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди, Унинг биринчи хонасида учта, иккинчи хонасида битта, учинчи хонасида ҳам битта қабр қайта таъмирланди.

Хўжа Рўшноий мақбараси-Ангор туманида жойлашган XI–XII асрларга таАллуқли бўлиб, у квадрат шаклидаги бир хонадан иборат гумбазли мақбара бўлиб, унинг дарвозаси шарққа қараган. Мақбара унча катта бўлмаган пештоқли, ташқи томони икки зинапояли бўлиб, гумбази саккиз қиррали услубда ёпилган. Тўрт томондаги бурчакларига ғишт билан ишлов берилган, саккиз қиррали гумбазнинг остида уч пештоқли шаклда меъморий бино қурилиб, ҳар хил нақшлар билан ишлов берилган. Мақбара пишиқ ғишдан қурилган бўлиб, ғиштнинг ўлчами 26x26,5 сантиметрни ташкил этиб, тўрт бурчакли иншоотнинг ҳар бир тарафининг ўлчами олти метр бўлиб, иншоот яхши ҳолатда сақланган, ташқи томони вақт ўтиши билан эскирган. Мақбара маҳаллий аҳоли томонидан бир марта таъмирланган. 1960 йил тадқиқот ишларини олиб борган В.А. Нильсен фикрича, мақбара XI асрга оид деб топилган.

Отаулло Эшон мақбараси - Шеробод яқинидаги тепаликлардан бирида жойлашган, бу тархи деярли мурабба мажмуида (6,8x6,4 метр) бўлган. Бир ҳадли мақбара унинг шимолий тархи марказдаги ҳозир ҳам очик ягона йўл-ғишти понасимон қилиб терилган кенг равоқдан иборат. Ичкарида бурчак бағалнинг безатилиши қизиқ, бағал чортоқдаги гумбазнинг думалоқ асосига махсус пойгумбазсиз ўтади. Ҳар бир бағал равоқли тахмон шаклида ишланган унинг ичида горизонтал терилган ғишт IX-XII асрлар учун анъанавий бўлган арчасимон диоганал терилган уч қатор ғишдан чархи гумбаз усулида қўйилган. Гумбаз остидан консоль тарзида чиқарилган. Икки қатор ғишт кўриниб туради. Мақбарани 1977 йилда тадқиқ қилган З.А.Аршавская ва Э.В.Ртвеладзелар уни дастлаб IX да қурилган, деган фикрга келишади.

Айни маҳалда кейинроқ қурилган бўлиши мумкинлигини ҳам эътироф этишди. Ўйиқ гумбаз мақбараси хом ғишдан тикланган бир гумбазли, бир ҳадли иншоот бўлиб, шарқ томонидан балки шимол томонидан ҳам “Г” симон тархдаги айвон туташган. Ичкарида чортоқ устида равоқли бағал-пойгумбаз ва гумбаз ишланган. Ички деворлари ўзига хос безалган ҳар бирининг марказида баланд учли равоқли тахсимон бўлиб, унинг ичида кичикроқ ва юзароқ тахмонлар жойлашган. Бу хос равоқ ичкари томон торайиб бораётгандай таассурот уйғотади.

Юқори қисмидаги катта тахмон равоқнинг пойига қадар тўғри бурчак шаклидаги қомия ичига олинган катта равоқ ичига кичкина ишлаш усули бурчак бағалларда ҳам такрорланган. Ягона кириш йўли шимолий девор шарқий девор билан туташган девордир. Ташқаридан айвон туташган шарқий тарз учта катта юза деворий тахмон билан безатилган, у Шерабоддаги Хўжа Исо мақбараси тарзларининг шу каби безагини эсалатади. Айвоннинг жануби-ғарбий девори марказида тобора торайиб борувчи равоқчалар қаторидан иборат тоқча қўйилган. Уни мақбара

кошидаги масжид меҳроби тоқчаси ҳам дейиш мумкин. Хом ғиштдан тикланган бир ҳадли бир гумбазли бу мақбараларнинг ҳажмий-маконий мужассамоти ҳамда тархининг тузилиши умумийлигига қарамай, уларнинг ҳар бир безаклари бош тарзининг ҳамда бағалнинг ишланишига кўра ўзига хослиги билан ажралаб туради.

Саъд ибн Аби Ваққос мақбараси -Ангор туманида жойлашган, машҳур саҳоба номи билан боғлиқ бўлиб, унинг атрофида эски катта қабристон жойлашган. Мустақиллик туфайли мақбарани 1992 йилнинг май ойида ангорлик Нормурод полвон Аллоберди ўғли ўз жамғармаси ҳисобидан хивалик уста Шомурод ёрдамида қайта таъмирлаб, асл холига келтирди. Бу мақбара ҳам Шеробод туманидаги мақбарага ўхшаб квадрат шаклида шарққа қараб қурилган, у бир хона, усти гумбазли, эшиги олд тарафидан. Мақбара XVI–XVII аср меъморчилиги кўринишидаги бинолар мажмуасидан иборат бўлиб, маҳаллий аҳолининг ҳурмати рамзидир.

Ўрта асрлар даври Чағониён моддий маданияти

Сурхон воҳасида Тоҳаристон, жумладан, Чағониён тарихни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган археолог олим т.ф.н. доцент З.Холиқовнинг моддий маданиятга хос ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Чағониён шаҳри ҳақида илк бор хитой тарихчи сайёҳи Сюан Цзян хабар беради, бу 630 йиллар атрофида тўғри келади, Сюан ўз кундалигида ушбуларни битиб қолдирган: Чағониён шаҳри 10 ли (бу 3 км га тўғри келади) масофада ўраб олинган ва Термиз шаҳридан икки марта кичик, лекин Қабодиённинг марказий шаҳри билан тенг. X асрга келиб муаррих ал Истахрий (849-934) маълумотлари шуни кўрсатадики, эндиликда, Чағониён шаҳри ўз майдони жиҳатидан Термиздан катта, бироқ Термиз ўз аҳолиси ва бойлигига кўра Чағониёндан устунроқ. Қисқаси "Чағониён шаҳри охириги уч юз йил ичида шимолий Тоҳаристоннинг энг юксак маданияти ривожланган, илм-фан равнақ топган марказий шаҳарларидан бири сифатида барча сарчашмаларда улуғланади.

Тарихчилардан ал - Истахрий ("Китоб ал масолик вал мамолик"- "Мамалакатлар масаласи китоби",933) ва ал Муқаддасий (946-1000, "Ахсан ат тақосим фи маърифат ал - ақолим"- "Иқлимларнинг тўғри ва илмий тақсимооти",985) ларнинг ёзишича : "Чағониён шаҳрида кўрғон бўлиб, унда чиройли ва катта бозор бор, бозор ўртасида хушбичим масжид қад кўтариб туради, масжидда махсус пишиқ ғиштли хоналар мавжуд. Шаҳардаги ҳар бир хонадон сув билан таъминланган, суғориш ишлари яхши йўлга қуйилганидан шаҳар атрофи қалин кўкламзор билан қопланган, турли анвойи ўсимликлар билан ўралган, ўтнинг баландлигидан отлар кўринмайди, кишда бу ерда қуш овланади”.

VII аср Хитой солномасида шундай дейилади: «Чинган-йен-на бу мамлакат маъриқдан мағрибга 400 ли ва шимолдан жанубга 500 ли га яқин

майдонда ястанган. Пойтахти айланаси тахминан 10 *ли*. Шарқ томонда Хво-ло-мо деган жойга бориб туташади». 10 *ли* тахминан 5 км га тенг. Бу фикр Чағониённинг анъанавий маркази Далварзинтепа тўғрисида қайд этилган. Чағониён жанубда Термиз вилоятига туташган. Шимолда эса Хво-ло-мо Хварамо вилояти жойлашган, араб муаллифлари асарларида Хорун ёки Охарун деб қайд этилган. Ибн Хурдодбеҳ ва Қудама (IX аср) Чағониёндан 6 (ёки 3) фарсах узокликда Навандак, ундан 7 фарсах масофада Хамоварон номли жойлар бўлганлигини ёзадилар.

Санъатшунослик илмий тадқиқот институти Ўзбекистон Санъатшунослик экспедицияси бўлинмаси 1970 йиллар охирларидан бошлаб ўрта асрларда Сурхондарёнинг ўрта ва юқори оқимларида жойлашган Чағониён вилоятининг маркази бўлмиш **Будрач** шахристонни вайронларида археологик қазишмалар олиб борди. Будрач шахристонидан олиб борилган бу ишларга академик Э.В.Ртвеладзе умумий раҳбарлик қилди. 1987 йил мартада шахристоннинг шимоли-шарқий қисмида, Дунётепадан 180 метрлар шимолда, шудгорланган далада бир қанча бронза ашёлар топилди. Бу буюмлар топилган жойда 15x15 метр кенгликда ва 1 метрча чуқурликда (БШР—1) қазишма ишлари олиб борилди.

Археологик қазишмалар даврида қисман қадимий ҳовли жойга тўғри келган, чунки қазишманинг жанубий қисмида бир-бирдан 1—2 метр масофада жойлашган тўртта бадраф ўрни аниқланди ва шу ердаги биринчиси ва энг каттасидан, ернинг ҳайдалган қисмига туташ жойдан бронза буюмлар топилди. Бронза буюмлар тагида бутун ва синиқ пишиқ ғишт қатлами мавжуд. Унинг тагида бир метр қалинликда парранда, ушоқ мол ва қорамол суяклари чириндиси, шунингдек сирланган ва сирланмаган сополлардан иборат қатлам топилди. Сопол топилмалар: конус шаклидаги бутун сополлар; пиширилмаган ва сирланмаган, қорни шолғом шаклида ингичка бўғизли кўза (қорин қисмида арабча ёзув битилган); оқ рангда сирланиб, жигарранг ва қизил рангда нақшлар туширилган лаганлар, ички қисмига ўсимлик тасвири (оқ сирли тагликда яшил ранг билан чизилган) туширилган лаган; сариқ лойдан ясашиб, қалин оқ нақш чизилган антиқа пиёла, унинг ички тубида кўк ранг билан йирик ҳарфларда бир қатор арабча ёзув битилган. Бу қатламда бронза буюмлар ҳам топилди: тумшуғи синиб тушган сурмадон; таги кесиб ишланган кичкинагина думалоқ қўнғироқча.

Бу ердан топилган бронза буюмларнинг умумий миқдори ҳали тўла аниқланганича йўқ, чунки улар орасида бутунлари ҳам, синиқлари ҳам бор. Топилма таркибида 30 га яқин ҳовонча (ўғир) бўлиб, уларни бир неча турга бўлиш мумкин: хошиясиз ғўласимон (цилиндрсимон) шаклдаги ҳовончалар — бўйи 13,3 см, юқори айлана кўндаланг диаметри 13,3 см, паст қисми диаметри 14 см; пастдан юқorigа қараб кенгайиб борадиган, пастки туби бўртиқ хошияли ғўласимон ҳовончалар 22 та — уларнинг катталиги 14x14x18 см дан 20x20x24 см гача, ғўласимон қадли, туби четлари айлана бўртиқ нақшли ҳовончалар — ўлчами 13,3x15, 2x16,2 см дан 15,3x17, 2x18 см гача. Бир дона ҳовонча юқоридагиларга ўхшашроқ: ғўласимон, туби бўртиқ хошияли, юқорисидан текис кесилган гултожли; ўлчами 13,5x15x17

см. Бешта бутун ва еттита синиқ келисоп мавжуд. Бутун келисоплар нинг узунлиги ҳар хил эди — 21; 23,3; 28; 33,5 см.

Дафина таркибида турли хилдаги кўзалар бор. Бу ўринда саккиз қиррали, тана қисми бўғзига томон ингичкалашган, оғзи кескин кенгайтириб ишланган кўза алоҳида аҳамиятга эга. Нақшлар билан безатилган бу кўзанинг сақланиб қолган қисми баландлиги 12 см, гултож, бўйлаб четлари кенглиги 5 см. Кичкинагина, ноксимон, оғиз қисми нисбатан кенг, туб қисми сақланмаган кўзача. Гавдасининг паст қисмида жимжимали тўлқинсимон бўртма нақш ишланган; сақланиб қолган қисми баландлиги 10 см, оғизчасининг диаметри 6,5 см, гавдасининг энг йўғон қисми диаметри 8 см. Конуссимон бўғизли кўза, сақланиб қолган юқори қисмида нақшли — ойбалдоқли манзара, қабарик нақшлар мавжуд. Ташки қисмида ўсимлик шакли туширилган ярим думалоқ безакли тўртта пиёла топилди; улардан бири тўрсимон, афтидан, сузғич сифатида фойдаланилган бўлса керак. Гулкоса қисмлари диаметри — 7, 10,3; 11; 13,3 см дан, уларнинг бўйлари — 2,2; 3,2; 4; 4,3 см дан.

Бешта доирасимон таглик парчалари мавжуд. Жуда кўп миқдор; чироқдон бўлақлари, жумладан, 30 та турли катталиқдаги ва ҳар хил шаклдаги уч кўйгичли чироқдон бўлақлари — баъзиларида кушларни тасвирлари маълум услубда бўрттириб туширилган; 15 таси панжарасимон, бурама, кўпқиррали қилиб ишланган; 10 дона ғўласимон, бурал занжирсимон, панжарали; учлари ғалтаксимон чироқдон ҳам мавжуд. Танасининг баландлиги 18,8 см, диаметри 5 см, ғалтак баландлиги 6 ва 7 см. дан. Чироқдон тагликларига уланган ликопчалар синиқлари ўн дона. Жами 11 дона бўртма силлиқ ҳалқатутқич (даста) топилди. Дафина таркибида юзлаб қозон бўлақлари мавжуд. Бу қозонлардан бири тувак шаклида бўлиб, иккита трапеция шаклидаги қулоғи бор. Қозонларнинг асосий қисми — ярим доира шаклидаги қисми айлана ҳамда учта конуссимон уч таянч оёқда жойлашган. Қулоқлари тик ўрнатилган беш қиррали, учи қайрилган; бундай қозон қулоқларидан 40 дан ортиқ топилди.

Бундан ташқари, иккита кўнғироқча, дастасиз "қошиқ" ва "қирғич "манқал" (бирида арабча ёзув бор), доирасимон илгичлар топилди. Айниқса, куббасимон кўнғироқ жуда антиқа, унинг баландлиги 15 см, оғзининг диаметри 8,5 см, танасининг энг йўғон жойи диаметри 11,5 см, тутқичининг бўйи 6 см. Яна кичик-кичик тўқачалар, кам учликлари, хўроз шаклида бурама дасталар, мушуксимонлар оиласи мансуб йиртқич шаклидаги чилимдон бўлаги ва бошқа ашёлар мавжуд. Шубҳасиз, топилмалар орасида бутун ва ўша қадимда синган ва таъмирланган нарсалар ҳам бор; буларнинг кўпи бадраф махсус яширилган. Уни заргар чилангар уста яширган. Зотан устахонадаги тайёр буюмлар, таъмир учун келтирилган нарсалар, шунингдек, эритишга сақланган турли-туман бронза бўлақлари шундан далолат беради. Қандайдир вазият (эхтимол, ёв чопқини ёки шаҳар ичидаги ғалаён) бу буюмларни бадрафга яширишга мажбур этгандир. Бадрафдан чиққан X — XI асрларга оид сополлар, шунингдек, ундаги мис тангани Э.В.Ртвеладзе XI

аср 1-ярмига доир деганидан, ушбу дафина тахминан XI асрга оид эканлиги аниқланди.

Топилган бронза буюмлар орасида учта силлиқ кўза эътиборга молик. Биринчи кўзанинг юқориги ярми сақланган, бўйни саккиз қиррали. Оғиз қисми кенгроқ, жўмракли қопқоқ ўрнатиш учун балдоқ ҳам қилинган, дастаси алоҳида. Безаклари: бўйин қисмида ёйсимон дўғалар, ўрта қисмида горизонтал доира, унга ойбалдоқли ҳалқалар ишланган, қабарик, жўмрак остида ойбалдоқли ва баргакли ҳалқа туширилган. Кўзанинг сақланган қисмининг бўйи 17 см, бўғзи 3,2 см, оғиз қисмининг баландлиги 3 см, кенгайган қисми диаметри 3,6 см, тор қисмларида — 2 см.дан 2,7 см ни ташкил этади.

Иккинчи кўзанинг юқори ярмидан бир қисми сақланган, қопқоқчаси куббали, учи пирамида шаклида тутқич балдоққа бронза тасмача билан уланган. Жўмраги биринчи кўзага караганда кўпроқ эгилган, бўйни саккиз қиррали. Безаги: бўйнининг пастки қисмида дўғачалар ўртасида горизонтал ой балдоқ нақшли доира ва баргакли ҳалқа ишланган. Жўмрақдан ўнг томонда арабча куфий хат услубида ёзув битилган — унда "айн", "мим", "ха", "мим" ва "дол" ҳарфларини ўқиш мумкин (эҳтимол, ёзув "Аҳмад амали" — "Аҳмаднинг иши" деганини билдирса керак). Сақланиб қолган қисмининг баландлиги 20 см, бўғзи баландлиги 4,3 см, оғиз қисмининг баландлиги 3,3 см ва энг кенг жойи диаметри 5 см, торайган бўғиз қисмининг диаметри 2,7 — 3,7 см, танасининг юқори томони диаметри 6,5 см.

Учинчи кўзанинг юқори қисми бўғзи билан бирга сақланган, бўғзининг юқори қисмида 2 см кенгликда бронза ҳалқа ишланган. бўйни саккиз қиррали. Безаги: бўйнининг пастки қисмида дўғачалар, танасининг ўрта қисмида ойбалдоқли бўртма нақшли ўрама белбоғ. Парчанинг сақланган қисми бўйи 2 см га яқин, бўғзининг баландлиги 4 см, диаметри пастдан 3 см, тананинг юқориги қисми диаметри 4,7 смдан иборат. Археологлар топган кўзаларнинг юқорида келтирилган тавсифи, маълум даражада уларнинг ишлаб чиқарилган жойини аниқлаш имконини беради. Унинг худудий қамрови фақатгина Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий туманлари билан чегараланмай, балки Шимолий Тоҳаристонда ҳам бўлган, деган хулосага олиб келади.

Шу пайтгача худди шундай турдаги тўққизта кўза маълум эди: Ахсикентда, Уструшанада (Қалъаи Қаҳқаҳа III ва Чилдухтарон), Қирғизистондаги Қоракўл кўрғонида, Вахш водийсидаги Лағмон шаҳристони ўрнида, Эрмитаж мажмуасида ва учтаси Ф.Р.Мартиннинг коллекциясида. Тўртта кўзада арабча ёзувда "Уста Аҳмад амали", деб ёзилган. Ҳанузгача бу идишларнинг ишланган жойи аниқланмаган ва бу борадаги хулосалар ҳам турличадир.

Будрач шаҳри харобасида мис оксиди изи бўлмаган тигеллар (ўтга чидамли гил қозонлар) ҳамда бронзанинг кўмир қотишмали тошқол (шлак)лари топилди. Демак, мазкур жойда мис (бронза) қуйилган. Топилган ашёларнинг турли-туманлиги, улардан кўплари, юқорида қайд этилганидек, ўша қадимдаёқ синиқ бўлиб, улар қандайдир таъмирлаш ёки бўлмаса қайта

эритиш учун йиғилганлиги ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. Ҳовончалар эса бу устахонада кўп маҳсулот ишлаб чиқарилганини англатади. Шундай қилиб, Чағониённинг ўзида махсус бронза буюмлар ишлаб чиқаришнинг мавжуд бўлганлиги, мазкур кўзалар шу жойда ишланган, деган фикрга асос бўлади. Ниҳоят, ханузгача Марказий Осиёда, мазкур кўзалардан бошқа, уста Аҳмад номи битилган биронта ҳам бронза буюм топилмаган.

1986 йил археологик тадқиқотларда бир ҳовонча топилиб, бу ҳовонча 1972 йил ер текислаш вақтида топилган, ҳовончага ўхшаш ҳовонча ғўласимон шаклда бўлиб, оғзи ҳам, туби ҳам сирти томонга қайрилган. Айланасига унга учта кулоқ туткич халқа учун ишланган: одам юзининг тескари тасвири бўртма нақш тарзида қўйилган. Ҳошиянинг юқори текис жойига арабча куфий ёзувда "Уста Аҳмад амали" сўзлари битилган (Э.В.Ретвеладзе ўқиган). Бадрафдан топилган буюмлар орасида тоғора (ёки қозон) бўлаги ҳам топилди. Унда арабча куфий ёзувида лавҳа ўйиб битилган бўлиб, "айн", "мим" ва "лом" нинг юқори қисми, шунингдек "алиф", "ҳа" ва "мим" ҳарфлари сақланиб қолган, буни эса худди шундай "Аҳмад амали" тарзида ўқиш мумкин. Шу тариқа, эндиликда Будрач шаҳристонида топилган ўрта асрларга оид учта бронза идишда "Уста Аҳмад амали" деган ёзув мавжуд. Бу ўз навбатида идишлар Чағониёнда тайёрланган, деган фаразни ҳақиқатга яқинлаштиради.

Ўрта асрда Шарқнинг кўпчилик ҳукмдорлари ўз номларини абадийлаштириш мақсадида шоирлар, машшоқлар, олимларга ҳомийлик қилганлар. X аср иккинчи ярми—XI асрда Чағониён ҳукмдорлари ўз саройларида Шарқнинг энг буюк шоирларини тўплаб шуҳрат қозонганлар. Чағониён вилоятининг маркази Чағониён шаҳри ўша вақтда Марказий Осиёнинг муҳим маданият марказларидан бирига айланиб қолган эди. Будда роҳиби Сюан Цзяннинг ёзишича, VII аср бошларида Чағониён пойтахти айланаси 10 ли (5 километрга яқин) майдонни эгаллаб, унда унча катта бўлмаган бешта сангарам (будда ибодатхонаси), кам сонли роҳиб бор экан.

Чағониён ўзининг отлари, жун матодан тикилган кийимлари, гиламлари ва бўёғи билан донг таратган эди. Шаҳар атрофидги ерлар тўкин суғорилиши туфайли қалин дарахтзор бўлган. X асрда Чағониён Марказий Осиёнинг тараққий этган маданий марказларидан бири бўлиб, муҳим сиёсий мавқега эга эди. Унинг ҳукмдорлари Муҳтожидлар сулоласидан бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Музаффар ва Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад Сомонийлар давлатида жуда муҳим ҳарбий ва маъмурий вазифаларни эгаллашган. Айниқса, Абу Али Чағоний ўзининг жангу жадал жасоратлари билан ном қозонган бўлиб, кўпгина араб ва форс тарихчилари унинг шаънига мақтовлар битган эдилар.

XIX асрдаёқ бир қанча чет эл ва рус олимлари шаҳарнинг ўрнини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо ўша вақтларда Шарқий Бухорога (Бухоро хонлигининг шарқий қисмига) кириб келиш ниҳоятда машаққатли эди. Шунинг учун ҳам қидирув ишлари, асосан, ўрта асрларда араб тилида ёзилган сайёҳатномалар ва жуғрофий хариталар маълумотларини солиштириш асосидагина олиб бориларди. Баъзи олимлар Чағониённи

Сариосиё кишлоғи ўрнида, кўпчилик олимлар эса Денов шаҳри ўрнида жойлашган, деб тахмин қиладилар. Бунда улар, хусусан, Махмуд ибн Валининг: "Унинг (яъни Чағониён вилоятининг) катта жойларидан бири Деҳи-Нав бўлиб, қадимда уни Чағониён деб атаганлар ва бу шаҳар унинг биринчи пойтахти эди", — деган маълумотларига таянганлар.

Будрач шаҳри харобасининг ўрни Денов шаҳридан 6 км узоқликда Заҳартепа I яқинидадир. Шаҳристон ер юзасига нисбатан Сурхон дарёсига томон нишаброк. Шаҳристон ўрнининг умумий майдони 6 квадрат километр, балки ундан ҳам кўпроқдир, чунки Шаҳар жуда ёмон сақланганлигидан унинг чегарасини аниқлаш ниҳоят мушкул. Шаҳристоннинг катта қисми ҳайдалиб экинзорга айлаган, бир қисмида қишлоқ аҳолиси уйлар қурган. Чағониённинг қадимги маркази ҳозирги Қизилсув (Сангардакнинг Сурхонга қуйиладиган чап соҳилида харобга айланган Будрачтепа ўринда бўлган, кейинроқ бу марказ ҳозирги Деновга кўчганди.

Шаҳар ўрнининг жануби-шарқий қисмида, Қизилсувнинг чоп соҳилида ярмини дарё ювиб кетган, ён бағрилари тик, соғ тупроқдан ташкил топган баланд тепалик — Оқмозортепа жойлашган. Ундан шимолий томонда 100 метрлар чамаси масофада, чуқур хандақ билан ажратилган яна бир тепалик — Дунётепа бор. Бу тепалик 200x100 метр майдонни эгаллаган, баландлиги 8-12 метр, ён бағрилари ясси, жанубий қисми Қизилсув томон нисбатан нишоб бўлиб кетган. Дунётепа шимолида 2 км масофада соғ тупроқли дўнглик — Заҳартепа жойлашган. Бу дўнглик шаҳарнинг чеккаси бўлиб, бу майдон пахта даласига айлантирилган, бу ерларда ҳозиргача сопол ва ғишт бўлаклари, тангалар, (шлак)лар, ойна парчаларини топиш мумкин.

Маҳаллий аҳоли орасида Заҳартепа билан боғлиқ қачонлардир шу жойда яшаган аждаҳо ва илонлар ҳақида афсона сақланиб қолган. Архитектор З.А.Аршавская Вахшивор қишлоғида ёзиб олган афсонада ҳикоя қилинишича, кўп йиллар муқаддам Оллоёр исмли бир золим ҳукмдор яшаган экан. Ҳатто унинг яқинлари ҳам ундан кўрқиб яширинганлар, унинг овозини эшитганда бешикдаги гўдаклар ҳам жим бўлиб қоларкан. Бир куни Оллоёр ҳомиладор хотиннинг ундан кўрқиб бола ташлаб қўйганлигининг гувоҳи бўлиб, ўйланиб қолади ва қандай бўлмасин халқ олдида ўз гуноҳларини ювишга қарор қилади. У бойликларидан воз кечиб, Бойсунтоғдаги заҳарли илонлар ва аждаҳолар макон бўлмиш Вахшимор (илонлар макони)га йўл олади. Оллоёр Вахшиморга келиб таквода ҳаёт кечира бошлайди. У жойларга сув чиқариб, қишлоқдан илонларни қувиб юборади. Илонлар бу ерни тарк этгач, қишлоқни Вахшивор деб атай бошлайдилар. Илонлар ва аждаҳолар галаси Боботоққа ўтиб кетаётиб, қадими шаҳар ёнидаги тепаликка келиб тўхтади. Ўша пайтдан бошлаб у ерда ўсадиган ўт-ўланлар моллар учун гўёки заҳарли бўлиб қолган эмиш ва жойга маҳаллий аҳоли Заҳартепа деб ном қўйганмиш.

1970 йиллар охирида археологлар Э.В.Ртвеладзе ва М.Исҳоқовлардан иборат экспедиция бўлинмаси Будрач шаҳри харобасида археологик тадқиқот олиб борди. Шу жойдаги мактабнинг тарих ўқитувчиси О.Хўжанов ишларни йўлга қўйиш ҳамда археологик ашёларни тўплашда жуда катта ёрдам кўрсатди. Шаҳар харобасидаги қазув-қидирув ишлари ҳажми ҳали унчалик кенг кўламда бўлмаса-да, бироқ, унинг

тарихий босқичларини тадқиқ этиш имконияти юзага келган эди. Бу эса Бактрия—Тоҳаристон шаҳарларининг қадимги ва ўрта аср давридаги тараққиёти қонуниятларини аниқлаш учун ниҳоятда муҳимдир, чунки бу шаҳарлардан кўплари ўрта асрларгача сақланмаган ва IV — V асрларга келиб йўқ бўлиб кетган Будрач шаҳри эса бундан истисно, жуда яхши сақланиб қолган.

Афтидан, милоддан олдинги биринчи ва милоднинг I асрларида ерда турар жой барпо бўлган ва бутун Кушон подшоҳлиги давомида тараққий этиб бориб, маълум даражада йирик шаҳарга айланган. Шаҳар хом ғишт ва пахсадан қалинлиги 10 метрга етадиган девор билан ўралган йирик қалъа — Оқмозортепа (1,5 гектар) ва аҳоли яшаш жойи Дунётепа (2,5 гектар)дан иборат бўлиб, айланаси мустаҳкам истехком девори билан ўралган эди. Уларнинг оралиғида ўралмаган шаҳар атрофи, бир мунча нарироқда эса, қишлоқлар жойлашган. Шаҳарнинг умумий майдони, теварак-атрофидаги қишлоқларни ҳисобламаганда, 20 гектардан ортиқроқ жойни ташкил этган. Кушонлар давридаёқ Будрач шаҳри Қизилсув — Сангардақдарё ва Сурхондарё оралиғидаги учбурчак ҳудуднинг бош маркази бўлган. Унинг устувор мавқеи илк ўрта (V — VIII) асрларда ҳам сақланиб қолади. Кушонлар даврида шаҳар атрофидаги турар жойлар зичлашиб кетган бўлса ҳам, Оқмозортепа олдингидек шаҳарнинг қалъаси бўлиб қолган.

Илк ўрта аср даврининг турли-туман топилмалари ва қатламлари кенг майдон бўйлаб қайд этилгани ўша вақтдаёқ шаҳристон ташкил топгани ва у катта жойни эгаллаганидан далолат беради. Шаҳристон девор билан ўралганга ўхшайди. Унинг атрофида қишлоқлар, деҳқон қўرғонлари, будда сиғиниш маркази (Кулолтепа, Култепа, Чағаноктепа, Чордингак) жойлашган эди. Бу вақтда Чағониён мулк марказлар — Термиз ва Хутталдан икки баравар кичик бўлсада, лекин Тоҳаристон қамровидаги бошқа мулклар (Кубодиён, Ҳаморавон, Шумон) билан бараварлашарди. Шаҳарнинг қадимда ва илк ўрта асрда барпо этилган кўпгина қисмлари ривожланган ўрта асрда ҳам мавжуд мавқеини сақлаб қолган. Жумладан, шаҳарнинг истехком қисми — Оқмозортепа ва Дунётепа. Шундай қилиб, Будрач шаҳри ўрнида илк қадимги даврдаги шаҳар билан нисбатан кейинги даврдаги шаҳар орасида узвий боғланиш мавжуд, дейиш мумкин, бу эса муҳим тарихий аҳамиятга эга. Бироқ, ривожланган ўрта асрларда шаҳарнинг алоҳида қисмлари (арк, шаҳристон работ) янада аниқроқ, мукамалроқ шаклланиб улгуради, уларнинг ички тузилиши ва мазмуни анча ўзгаради.

Марказий Осиёнинг кўпгина ўрта аср шаҳарлари каби, Чағониён-Будрач ҳам уч асосий қисмдан, арк (қалъа), шаҳристон (шаҳарнинг аҳоли яшайдиган қисми) ва работ (шаҳар атрофи)дан иборат бўлган. Кенг майдондаги шаҳристон 51 гектарни эгаллаган, унинг атрофи девор билан, шунингдек, чуқур ва кенг хандақ билан ўралган, шаҳарнинг чегарасини ана шу девор ва хандақ қолдиқларига қараб аниқлаш мумкин бўлди.

Шаҳристоннинг жануби-шарқий бурчагида мустаҳкам қалъа (Оқмозортепа) жойлашган бўлиб, унинг Кушонлар даврида қурилган деворлари шунчалик бақувват бўлганки, ўрта асрда уни бир оз тиклаган холос. Ҳозир дўнгликнинг баландлиги 17,5 метрга етади, қалъанинг гуркираб-яшнаган даврида унинг қанчалик мустаҳкам бўлганлиги шундан ҳам маълум.

Ривожланган ўрта асрда Дунётепада сарой маъмурий мажмуаси—маҳаллий хукмронлар — Муҳтожийлар сулоласидан бўлган амирлар қароргоҳи жойлашган. Дунётепанинг ҳозирча озроқ қисми қазиб-текшириб кўрилган бўлишига қарамай, бу қазилмаларнинг ўзиёқ ажойиб натижалар берди. Қароргоҳ ўртасида катта ҳовуз бўлиб, унинг атрофида пишиқ ғишдан қурилган меъморчилик иншоотлари қад кўтариб турган. Бир неча иморатлар ичидан кўк, сариқ ва қизил рангдаги нақшинкор ва битикли сувоқларнинг кулаб тушган катта-катта бўлаклари топилди. Будрач шаҳристонининг айрим қисмларида ҳунарманд (кулоллар, темирчилар, шишадамгарлар, чилангарлар, заргарлар) маҳаллалари ўрин олган эди. Ўртароқда чиройли мачит бўлган ва бу мачит ҳақида ўрта аср араб географлари ёзиб қолдирганлар.

Работ кенг майдонни — 4 квадрат километр жойни эгаллаган, у ғарб томондан Заҳартепага туташган ва у ерда ҳам бинолар бўлган, жанубда Қизилсувнинг ўнг соҳилидан бир қисмини эгаллаган. Шаҳарнинг работ қисмида дарёнинг чап соҳили билан ўнг соҳилини туташтирувчи XV асрда пишиқ ғишдан қурилган кўприкнинг асос (таг) қисми ҳозирги вақтгача сақланиб қолган, бу жойда олдин ҳам бундай иншоотлар бўлган. Қизилсувнинг тик қирғоғида поғонадор шаклдаги ғалати бир иншоот қолдиғи топилди. Бу дарёда сувнинг кўтарилиши ва тушишини ўлчаб турадиган махсус қурилма қолдиғи бўлиб, ҳозиргача Ўрта Осиёда бундай иншоот бошқа жойдан топилмаган. Работ айниқса X — XI асрларда шимоли-шарқий томонларга тез суръат билан кенгайиб борган, аммо бу ерларда унинг чегараси аниқ эмас, чунки работнинг катта қисмини ҳозирги вақтда қишлоқ эгаллаган.

Мўғуллар истилосидан сўнг шаҳристоннинг деярли бутун ҳудуди ташландиқ ҳолга келган, қалъа эса XV асрда қабристонга айлантирилган, бу ерда ғишдан ишланган сағаналар барпо этилган. Эҳтимол, шундан кейин қалъа ўрни Оқмозортепа деб атала бошлаган бўлса керак, аммо шаҳар ҳали бутунлай йўқ бўлиб кетмаган эди. В.В.Бартольднинг фанда кенг тарқалган "Чағониён бу вақтда бутунлай йўқ бўлиб кетган эди", -деган фикрига қарама-қарши, шаҳарнинг яна қайта қад кўтарганини, аммо янги жойда, работ қисмида мавжуд бўлганини аниқланди, бу жойда қалинлиги 4 метр бўлган 1 квадрат километрлик майдонда XIV — XV асрларга оид қатлам қайд этилди, у ердан ўша давр тангалари, жумладан, хазиналар, сополлар, ғишлар чиқди. Топилмалар Ғишли деган жойда айниқса жуда кўп бўлиб, турли хил ғиш парчалари мавжуд. XVI аср бошида Чағониённи Шайбонийхон қўшинлари босиб олгандан кейин шаҳар бутунлай вайронага айланган. Вилоят маркази Қизилсув дарёси бўйлаб 6 километр юқорига—Дехинав (Янги Қишлоқ—ҳозирги Денов) ўрнига кўчади ва бу ҳақда дастлабки маълумотлар XVI аср охирларига тўғри келади. XVII аср бошларида Дехинав мустаҳкам кўрғони, ажойиб бозори, катта мадраса ва хонақоси бўлган йирик шаҳар бўлиб шаклланади.

Будрач шаҳри харобаларини казиш ва у ердан чиққан нарсаларни тўплаш жараёнида бу шаҳарнинг милоднинг дастлабки асрларидан бошлаб сўнгги ўрта асрларгача кечган даврдаги моддий ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи турли-туман ашёлар топилди. Кушонлар даври ашёлари орасида

қиздириб пишитилган сопол ҳайкалчалар эътиборга моликдир. Улардан бирида тик турган эркак киши (ҳайкалчаланинг боши сақланмаган) тасвирланган, у кушонларга хос тиззагача тушиб турган чакмон кийган ва китобга ўхшаш бир нарсани кўкрагига босиб турибди. Бошқа ҳайкалчалар ҳам бор, масалан, юмалоқ юзли ва бодомқовоқ аёл тимсолини акс эттирувчи ҳайкалча, бошидаги тожининг гардишига нақшланган ярим ой рамзи ўрнатилган, уни ой худоси дейиш мумкин.

Илк ўрта аср топилмалари орасида VI - VIII асрларга оид тангалар яхши сақланган, улардан ташқари 400 тача танга тўпланган хазина топилди. Хазинадан Сосоний подшоҳлар Перуз (459 - 484) ва Хусрав I Анушервон (531—579) кумуш тангалари топилди. Аммо хазинанинг асосий қисмини Хусрав I тангаларига тақлид қилиб ишланган маҳаллий Чағониён тангалари ташкил этади. Кўпчилик тангаларда қуйма зарблар мавжуд, аммо уларда баъзи фарқлар бор: Перуз тангаларида “тамға”, суғд ва бактрий ёзувлари, маҳаллий ҳокимнинг даражаси зарб этилган. Хусрав I тангаларида эса, маҳаллий ҳокимликларнинг даражаси билан бирга исми илова қилинган. Бу исмлар бактрия ётиқ ёзуви (курсив) бўлишига қарамай, В.А.Лившиц айрим исмларни аниқлади. Сашроҳидев, Зариноҳидев ва Ҳнароҳидев. Бу тангалардан кўплари ҳозиргача фанда маълум бўлмаган ва нодир саналади. Топилмалар Чағониённинг сиёсий тарихи ва ундаги товар-пул муносабатлари тараққиёти борасида мутлақо янги маълумотлар беради. Будрач шаҳри харобаларидан ҳаммаси бўлиб мингга яқин тангалар аниқланиб, улар шаҳарда савдо-сотик ривожланганлигидан далолат беради.

Чағониёнда мис тангалар зарб эта бошлаганларидан кейин, унинг олди томонида ҳуқумдорнинг кўкрагидан юқори қисми акс эттирилиб, орқа томонида эса, Чағониён ҳокимлари сулоласининг тамғаси зарб қилинган. Тангалар анчагина битиксиз, яъни ҳеч қандай ёзув бўлмаган, лекин уларнинг ичида жуда мураккаб қия бактрия ёзуви билан зарб этилган битта ноёб танга ҳам бор эди, уни ҳозирча ўқиш имкони бўлмади. Будрач шаҳри харобалари ўрнида ва Чағониённинг бошқа шунга ўхшаш археологик ёдгорликларидан чиққан топилмалар бу вилоятнинг қадимда Эрон, Тоҳаристон, Суғд, Уструшана, Хитой ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари билан мунтазам савдо ва маданий алоқалари мавжудлигидан далолат беради. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда то VIII аср, яъни араблар истилоси давригача бактрия ёзуви қўлланилиб келинган. Ваҳоланки, Тоҳаристоннинг бошқа вилоятларида бу ёзув ўрнини суғд ёзуви эгаллаган эди.

Шаҳар харобаларидан топилган ривожланган ўрта асрлар моддий ва бадиий маданиятини акс эттирувчи ашёлар ниҳоятда кўп ва турлича эди. Улардан юқори сифатли сир-бўёкли, нақшинкор сирланган сополларни алоҳида қайд этмоқ лозим бўлади. IX -X асрларда шаффоф кулранг сирли ва оқ таглик устига ярим сирли, қора нақш ишланган сопол буюмлар кенг тарқалган эди. Ундаги безакларнинг ўзига хослиги — турли нақшлар (ўсимлик ёки геометрик шакллар тасвири, шунингдек турли хил арабча ёзувлар) туширилганлигидир. Улардан баъзиларининг мазмуни саховат ва билимни мадҳ этувчи эзгу истак ва ҳикматлардан иборат. Баъзан турли

фантастик мавжудотлар — қушлар ва ҳайвонларга сиғинишни англатувчи рамзий тасвирлар ҳам учрайди. Сирланган сопол буюмлар орасида ички юзасида яшилтоб тублик (фон)да оқ каптар тасвирланган коса туби эътиборни тортиб туради.

Милоднинг XI - XII асрларида чуқур мазмунли лавҳалар деярли йўқ, улар ўрнини эпиграфик нақшлар эгаллайди. Айни пайтда мураккаб геометрик чизмалар ва ўсимлик тасвирлари ҳам кенг кўламда сақланиб қолиб, расмлардаги ранг-баранглик ортиб боради. Чағониён кулоллари хилма-хил шакллар билан ажралиб турувчи сирланмаган сопол буюмлар тайёрлашда ҳам уста сифаранг бўлишган. Қолипга солиб нақш туширилган хушбўй ёғ солишга мўлжалланган "симоб кўзача" деб аталувчи идишлар ҳам жуда ажойиб. Сопол чироқлар ижроси ва шакли жиҳатидан турли-тумандир. Сирланмайдиган сопол буюмларга нақш тушириш учун яхши пиширилган лойдан тайёрланган қолиплардан фойдаланилган. Улар кўпинча цилиндрсимон (ғўла шаклида) бўлиб, ёнбошига бирор-бир расм солинган. Уста кулол турли хил нақшли қолиплардан фойдаланиб, идишларда бекиёс ифодалилиги ва мукамаллиги билан ажралиб турувчи санъатни ифодалаган.

Чағониён усталари металл буюмлар тайёрлашда ҳам юксак маҳоратга эришганлар. Улар идиш дасталарига турли-туман қуш ва ҳайвонлар тасвирини ўйиб ишлаганлар. Унга ўсимлик расмлари ва геометрик шакллар чизмаларини илова қилганлар. Йўлбарс боши кўринишидаги бронза чилимнинг юқори қисми жуда ажойиб ишланган. Бундай чилимлар дунёнинг бир қатор музейларида бор ва улар XI — XII асрларга оиддир. Топилган чилим Чағониённинг ўзида ишланган бўлиши мумкин, чунки бу хилдаги чилимлар Хуросон-Ироқ усталари томонидан ясалган, дейилади. Яна бир ажойиб санъат асари — бу қанотларини кенг ёйиб турган бургутнинг бронзадан ишланган ҳайкали бўлиб, жуда ноёб топилмадир.

Шаҳарнинг ўзида қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлган. Дунётепа қазилганда ёй ўқи учлари, қилич синиқлари, темирдан ишланган салмоқли чўқмор — гурзилар топилди. Қуйида Чағониёнда худудида жойлашган ўрта аср меъморий ёдгорликларнинг айримларига тўхталамиз.

Жарқўрғон минораси ҳақидаги дастлабки илмий маълумотни археолог олим З.А. Аршавеская ўзининг 1984 йил “Ўзбекистон” нашриётида чоп эттирган “Жарқўрғон минораси” номли рисоласида жаҳон моддий маданиятида алоҳида илмий тадқиқотларни ўзида жалб этган, қурилиш архитектураси, нафислиги, мустаҳкамлиги ҳамда узоқ асрлар тарихидан далолат берувчи Жарқўрғон минораси ҳақида маълумотни китобхонга тақдим қилган.

Кўкка бўй чўзган, хушқад миноралар мусулмон Шарқи ўрта аср шаҳарларининг ўзига хос унсури ҳисобланади. Жарқўрғон шаҳаридан ғарб томонга икки километр юрилса, кўм-кўк боғлар орасида Марказий Осиё меъморчилигида қобирғасимон ягона иншоот -минора қад кутариб турибди. Мазкур жой IX-X асрлар араб манбаларида тилга олинган Сарманган ёки Чарманган шаҳрига қиёс қилинади. Таглик устидан қад кўтарган адл миноранинг юқори томон ингичкалашиб борувчи ўн олти нимайлана устун

қобирғасимон юза ҳосил қилган. Таглик қирраларидан бирида минора ичидаги бурама (айланма) зинага элтувчи арксимон эшик ўрнатилган.

Миноранинг сақланиб қолган баландлиги 21,5 м, диаметри пастда 5,4л, юқори қисмида эса 4,1 м. Тўрт бурчак ҳошиянинг тик йўлида қуйидаги матнни ўқиш мумкин: "Сарахлик Али ибн Муҳаммад иши". Пойдеворнинг юқори қисмидаги саккизта тўртбурчак ромда қуйидаги ёзув битилган... " (1) Аллоҳ Таолога баҳшида этилди... (2) амир масжиди ва минораси, (3) нусратнишон сипоҳсолор, (4) буюк саййид, адолат ҳомийси, (5) давлат ва дин таянчи, (6) ислом ва мусулмонлар ҳомийси, (7) Хуросон амири Абу Саид, (8) диндорлар амирининг ёрдамчиси". Охирги саккизинчи тўртбурчакда иккинчи қатор бор, унда йилномага тўғри келувчи 5,0,2 сонлари битилган, бу ҳижрий бўйича минора қурилиши санасини билдириб 1108/1109 га тўғри келади. Жарқўрғондаги минора қурувчи ва буюртмачи номлари битилган, маҳобатли меъморчиликнинг аниқ саналанган ёдгорликларидан бири бўлиб қолмай, Ўзбекистон ҳудудида сақланиб қолган мусулмон минораларидан энг қадимгиси ҳамдир. XX аср бошида тадқиқотчилар бизгача етиб келган цилиндрсимон Жарқўрғон минорасини Марказий Осиёда қурилган ноёб иншоотларнинг энг қадимийси (423 ҳижрий -1032 милодий), деб қайд қилган эдилар. Шунинг учун Жарқўрғон (Ўрта асрларда бу ерда Чарманган қишлоғи жойлашган эди) минора Сурхондарё воҳасида сақланиб қолган ягона обидалардандир. Миноранинг юқори қисми вайрон бўлганига қарамай, у ҳамон меъморий яхлидликни йўқотмагандек туюлади, сеҳрли кўриниши билан кишини мафтун қилади.

Бугунги кунда минора ён-атрофини ўраб олган анорзорли шинам ҳовли ўринда бир вақтлар пишиқ ғиштдан қурилган иморатлар мавжуд бўлиб, улар орасида энг катта кенг равоқли, кўп гумбазли мачит биноси ҳисобланарди. Минора афтидан шу мачитга қарашли бўлса-да аммо унга ёндошмай, нарироқда қад кўтарганди. Бу ҳақда унинг кириш йўлагининг Марказий Осиёнинг бошқа минораларида кузатилгандек туташган бино томининг баландчилигида эмас, балки ер сатҳига деярли баробар қилиб қурилгани ҳам далолат беради.

Мачит ҳаробалари ва миноранинг вайрон бўлган юқори қисми ғиштарини маҳаллий аҳоли кейинчалик ўз хўжалик эҳтиёжлари учун ташиб кетган. Ҳолбуки, мачитнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида XIX асрда ишлаган гравюрада маълумот берилади.

Маъморий ёдгорликларнинг айримларидагина баъзи тарихий далил ёки маълумотларни учратиш мумкин. Шу хусусдан Жарқўрғон минорасида тарихий ёзувлар сақланганлиги айниқса муҳимдир. М.Е.Массон фикрича, миноранинг курси қисмида ҳижрий сана 503 (1108-1109 йиллар) ва шунингдек, шу қурилма лойиҳасини тасдиқлаган. Хуросон ҳокими Санжарнинг унвонлари қайд этилган. В.А. Шишкиннинг таъкидлашича, минора ҳижрий 502 йилда қурилган. Минора ўрта қисмининг ён томонларидан бирига уста Али ибн Муҳаммад ас-Сарахсий номи битилган тик панно бу ўйиб ишланган.

Марказий Осиёнинг шу хилдаги ёдгорликлари орасида Жарқўрғон минораси ҳозиргача кўрилмаган танаси, жимжимадор ўн олтига туташ ярим устуни билан ажралиб туради. Бу устунлар қавариқ (қовурға) шаклга эга бўлиб, бундай юза горизонтал кесимда кўп япроқли гулга ўхшайди, қуйига туша борган сари қавариқлар гўё ёйилиб кетгандай туюлади. Юқори қисмида эса улар равоқчалар занжири ва энли эпиграфик ҳошия билан бевосита жипслашган, равоқчалар ва ҳошия ўз навбатида минора кейинги бандининг пойдеворини ўтайди. Иморатнинг бу қисми ҳам қавариқ шаклда ишланган бўлиб, унинг юқорисини ҳам эпиграфик ҳошия безатган деб тахмин қилинади. Барча маълум миноралар каби Жарқўрғон минорасининг учи (чўққиси) ҳам туйнукли муаззинхона билан якунланган бўлса керак.

Миноранинг аввалги умумий баландлиги аниқлаш қийин, аммо унинг баландлиги 50 метрга яқин бўлган деб тахмин қилинади, чунки сақланган қисми 21.6 метр келади. Минора танасининг юқори томони торайганлиги ва безакларнинг нафис ишланганлиги туфайли унинг кўринишида салобат ва кўркамлик ортади. Шу билан бир қаторда, юқорида зикр этилган меъморий услуб иншоотнинг сейсмик хусусиятини кучайтиради.

Жарқўрғон минораси ижодкори олдида мураккаб шаклдаги сиртни ғишт теришнинг мавж услубида безашдек жуда мураккаб вазифа турарди. Бунга эришиш учун эса минора танасининг юқори қисми тобора тораётганни инобатга олиб, айланма кесимда безак мутаносиблигининг бежирим бўлимига алоҳида эътибор бериш зарур эди. Айниқса, “куфи” хатининг гулдор ҳарфларини айланма ҳошияда ўрнатиш катта масъулият ва аниқликни талаб этарди. Бу мураккаб вазифани омилкорлик билан ҳал этиш меъморларнинг беҳад юксак маҳоратидан далолат беради.

Миноранинг юқори қисмида безакларнинг мутаносиблиги ўзига хос усулда ҳал этилган, қавариқлар ва безакли ҳошия ўртасида уларни бирлаштириб турадиган ўн олтига пастак равоқча занжир жойлашган. Равоқчалар оралиги ички томонга озгина чуқурлашиб, ғиштлири оддий услубда терилган. Бунда юза томон бўртган (яхши ёритилган) ҳолда равоқчалар орасининг чуқурлашиб турган ерининг сояланганлиги туфайли ҳосил ҳосил бўлган контраст манзара минора қиёфасига янада кўркамлик ва нафислик бахш этади. Равоқчалар билан эпиграфик ҳошия оралигида ҳосил бўлган сиртқи учбурчак шакллар ғиштдан кесилган тугмача ва капалак нусха нақшлар билан шахмат тартибида безатилган. Эпиграфик ҳошиянинг текис сиртига Қуръондан олинган оят ғишт парчаларини териш йўли билан битилган. Алиф ҳарфларнинг юқори қисми оралигида ўсимликсимон безак элементлари жойлаштирилган. Ҳошиянинг пастки ва юқори қисмлари ғиштдан ишланган тугмача, учбурчак, шунингдек, бири-бирига уланган ярим халқачалар каби безаклардан тузилган энсиз занжир билан тугалланади. Ҳар бир қирранинг марказида хушбичим равоқли тахмонлар бор, ана шу тахмонлардан фақат биттаси жанубий қиррадаги тахмон даҳчаси минора ички қисмидаги айлана зинага олиб чиқади. Қирраларнинг сирлари бир вақтлар мураккаб бўлмаган геометрик (гирих) нақшлар билан безалган. Аммо афсуски таъмир ишлари бошланишидан

олдин курсининг пастки қисми қаттиқ зарарланди. Шу боисдан геометрик безак фақат қисман тикланди, курсининг юқори қисми эса деярли бутун сақланган. Бу ерда тахмоннинг устки қисми тўртбурчак рамка ичига терракота парчалардан терилган махсус ёзув бўлиб, унда миноранинг бунёд этилган вақти ҳамда бу иншоотни қуришга фармон берган шахснинг исми қайд этилган.

1938 йилда минора дастлаб Термиз археологик экспедицияси томонидан тадқиқ этилди, бунда иморатнинг пойдевори очилиб, унинг тупроққа кўмилиб кетиш ҳафвига чек қўйилди. 1948 йилда меъмор В.П.Петров раҳбарлигида таъмир ишлари амалга оширилиши натижасида Жарқўрғон минорасининг асл қиёфаси деярли тикланди.

Оқостона Бобо мақбараси. Сариосиё тумани Телпакчинор қишлоғидаги қадимий қабристон ўртасида қурилган Оқ остона бобо мақбараси куббали, дунё томонларига монанд тўртбурчак шаклида. Маҳаллий аҳоли ушбу обидани пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан бири Абу Ҳурайранинг қадам жойи сифатида эъзозлайди. Мақбара ичидаги сағанада ким ётганлиги ҳозиргача номаълум. Оқостона Бобо (X аср охири - XI аср боши) мақбараси марказга интилма тузилишга эга, режа бўйича чорси шаклда, ҳар бир томони дунёнинг тўрттала томонига қаратиб қурилган. Гулдаста минорачалар билан ҳимояланган, унинг кубсимон танаси узра учли кубба савлат тўкиб турибди. Гумбазнинг пастки қисмига шаклдор ғишт терилиб, пойдевор кўринишини олган. Ички деворларда ўн икки киррали учли ва чуқур меҳроблар саф тортган. Ён деворларга ғиштлар жуфт-жуфт қилиб терилиб, эндор тик чоклар ҳосил бўлган.

Оқ Остона бобо мақбараси квадрат шаклда ташқаридан 9x8,7 м. ва ичкаридан 3,65x5,80 метрни ташкил этиб, тузилишидан кубга ўхшаш бўлиб, ўқсимон гумбаз билан сайқалланган⁵¹. XV асрдаги таъмирлаш ишларида жануби-шарқий девор қайта таъмирланиб, қолган уч тарафига хом ғишт билан терилган, унинг уч бурчагидан (шарқийсидан ташқари) минорачалар чиқарилиб, гумбаз ости қисмлари қайта тикланган. Дастлабки кириш қисми шимоли-шарқий томонда жойлашиб, бу ерда минора бўлган. Кейинчалик кириш жойи жануби-шарқий томондан очилиб, сағанали бино минораси панжара орқали ёритилган. Ёруғлик ўтувчи дераза жануби-ғарбий қисмдан очилган. Бинонинг олд томони шаклдор нақш билан безатилган, кенг вертикал жуфт ғиштлардан ҳам безак берилган.

Иморат квадрат пишиқ 23–24x3,5 см, 26x4,5; 22,5x4 см ҳажмли ғишт ва 10x10x66 см лой қоришмасидан терилиб⁵², гумбазнинг биринчи айланаси ва пастки қисмининг деворлари махсус катта ҳажмдаги 45–50 см ғишт билан бунёд этилган. Архитектура ёдгорлигидаги ўзига хослик мақбаранинг пайдо

⁵¹ Аршавская В.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – С. 77.

⁵² Арапов А.В., Булатов М.С., Туйчиева Ю.Г. Забетый «язык» символов. Ак-Астана-баба. Мозийдан садо. Тошкент, 2000. 2/(14) – Б. 12.

бўлиш даврини аниқлашга ёрдам беради, мақбара ичида йирик ҳажмдаги ганч билан сувалган сағана бўлиб, у кечроқ барпо бўлган⁵³.

XIX аср охирида юрчилик уста Худойберди ёдгорликнинг ярим қисми ўпирилган гумбазини қайта тиклаган, бинонинг шарқ томонидан қўшимча кириш йўлаги барпо этган. Мақбаранинг номланиши хусусида бир-икки мулоҳаза айтмоқчимиз. Оқ сўзи гумбаз кўринишига биноан қўлланган бўлиши мумкин. Остона сўзи эса шахс номи эмас, албатта. Луғатларда "остона" сўзининг асл маъноси "бўсаға" тарзида изоҳланса, иккинчидан унинг мажозий маъноси ҳам берилади: "бир кишининг хузури", "зиёратгоҳ". Бас, шундай экан, "остона бобо" аслида "остонаи бобо" -бобонинг зиёратгоҳи маъносида бўлиб, бу ерда "бобо" деб унда хоки ётган киши назарда тутилади. Шундай экан, "Остонаи бобо азизу авлиёлар зиёратгоҳи маъносида ишлатилиб, у талаффузда остона бобо шаклини олиб, бир шахс номига ўхшаб қолган. Ҳар қандай бошқача талқин аслиятдан узоқ бўлиб, тарихий ҳақиқатга мос келмайди.

Искандар кўприги - Қумқўрғон туманида Термизни Чағониён ва Ҳисор билан боғловчи қадимги савдо йўлида Бандихонсой устида қурилган. Искандар кўприкнинг қурилган даври номаълум. Абдуллахон даври (1557-98)да қайта қурилган. Фишт кўприк, Тош кўприк ва Искандар Зулқарнайн кўприги деб номланган. Умумий узунлиги 70 метр, ўтиш қисмининг эни - 5,75 метр баландлиги - 12,1 м, равоқ қаноти-5,8метр, пишиқ фишт (25x25x5; 26x28x4-4,5; 27x29x5 см)дан қурилган. Усти 3 қисм (йўловчи, транспорт ва сув ўтиши учун нов)дан иборат. Равоқлари қирғоғидаги тиргакларга таянган. Искандар кўприкнинг шарқ ва ғарб томонидаги тиргаклари бузилган. Равоқ устунлари (1950) ва сув ўтказиш учун нов (1927) бетондан ишланган.

Ҳазрат Султон Валий мақбараси - XIV асрга оид бўлиб, Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғида жойлашган. Ҳазрат Султон Валий мазори атрофида қабристон ҳам мавжуд. Қабрнинг ўнг томонида авлиёнинг халифаси, оёқ томонида эса фарзандларининг қабри бўлиб, қабрлар устига бирор ёдгорлик барпо этилмаган. Ривоятларга кўра, Ҳазрат Султон Валий бўлажак мақбарани ўзининг қабри устига эмас, балки бефарзанд ўтган синглиси Биби Шириннинг қабри устига қуришни васият қилган. Биринчи муқаддас жой номи орқали иккинчи жой мавқеини белгилаш амалини бу мисолда кўришимиз мумкин. Биби Ширин мақбараси Бойсун тумани Мирқорақўз қишлоғида жойлашган, унинг ичидаги қабр ҳозиргача сақланган. Собиқ Иттифоқ даврида ушбу меъморий обида бузиб ташланган. Мустақиллик йилларида 1996 йили Бойсун шаҳрида яшайдиган уруш ва меҳнат фахрийси Ҳамид Каримов ўз шахсий жамғармасидан мақбарани қайта тиклаган. Мақбаранинг кунчиқар томонида учта қора ва кулранг мармар сифат тошлар бўлиб, буларнинг иккитаси қадимги нақшинкор қабртошдир, учинчи қора тош бешикка ўхшаш тошдир.

Хидиршо мақбараси- XIV асрга оид бўлиб, Олтинсой туманида жойлашган қадимий масжид бўлиб, устунларининг бирида «1331 йил»

⁵³ Пугаченкова Г.А. Ак-Астана баба // Советская археология. – Ташкент, 1960. – № 3. – С. 326.

(хижрий) деб арабча сўзлар ёзилган. Маҳаллий аҳоли томонидан бу масжид ҳазрати Хизр томонидан қурдирилган, деб ҳисоблайди. Ривоятларга биноан, масжид 1331 йили бир кечада барпо этилган. Хизр култи кишиларга барака келтириши мумкин деб ҳисобланади.

Бу масжиднинг бир кечада пайдо бўлганлиги ҳақидаги хабар Бухоро амирига ҳам етиб борган. Ушбу ҳикоятларга биноан, амир жума намозини фақат Хидиршо масжидида ўқишга фармон берган. Ҳазрати Хизр асос солган масжид ерли ислом уламолари раҳбарлигида аҳоли томонидан қайта таъмирланган.

Музробод ота мақбараси XV асрга оид бўлиб, у унча катта бўлмаган бир хонали мақбара ва 20 қадамча жануброқда гумбазли масжиддан иборат. Бу ерда халқ орасида Ержаҳонгир ота деб номланган кишининг муқаддас қабри жойлашган.

Хўжаи Пок ота номи билан танилган Абдурахмон ибн Авф мақбараси -эпиграфик ёзувлари билан машҳур. Унинг мраммрдан ишланган деворларида ислом илмига оид ҳикматли сўзлар ёзилган. Зиёратхона зинапояларининг юқори қисмида ихчамгина, шарқона услубда намозхона, ўнг томонда эса Хўжаи Пок ота қабри бор. Қабр бир вақтлар оддий тупроқдан иборат бўлган. Ҳозирги кунда Хўжаи Пок ота қабри бир метр баландликда сопол ғиштчалар билан қопланиб, усти дид билан безатилган. Бу гўзаллик зиёратчилар ҳиссиётларига кучли таъсир кўрсатади. Ғор ичида яна бир қабр бўлиб, унга бир қанча зинапоячалар орқали тушилади. Бу Хўжаи Пок отанинг синглиси Биби Зайнабнинг қабридир.

Хўжа Алоуддин Аттор⁵⁴ валий мақбараси - XV асрга оиддир. У Денов туманида жойлашган, «Шайх Аттори валий» ёки «Остона бова» номи билан машҳур. Зиёратгоҳ асосида катта қабристон вужудга келган. Ундаги Хўжа Алоуддин Аттор қабри муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади. Унинг ўғли шайх Ҳасан Аттор Валий ва невараси Хожа Юсуф Аттор ҳам шу ерга дафн этилган.

Денов туманидаги зиёратгоҳлар архитектураси маҳаллий анъаналарни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, Хайробод манзилгоҳида Ҳазрати Султон зиёратгоҳи, Ғалаба маҳалласида Кўппак ота, Сангардак тоғининг тепасида Хўжаи Илғор, 100 метрли тоғдан тушадиган шаршара ёнида Шарра Мозор зиёратгоҳи моҳирона ишланган. Уларга тошлар билан ишлов берилган. Айниқса зиёратчилар билан гавжум бўладиган Биби Сора она⁵⁵, тошли қабрдан иборат ислом динининг тарғиботчиси, етти хўжалардан бири Хўжаи Хубон (яхшилар Хўжаси) зиёратгоҳлари ноёб ёдгорликлар ҳисобланади⁵⁶. Етти оғайни култи Сурхон заминида ҳам тарқалганлиги муқаддас жойлар масаласида бутун Марказий Осиё миқёсида узвийлик мавжудлигини таъкидлайди.

⁵⁴ Қаранг: Турдиев Т. Денов. Катта йўлдаги дадил қадамлар. – Денов, 2005. – 139 б.

⁵⁵ Дала тадқиқотлари. – 2004 йил, июль. – Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Сангардак қишлоғи.

⁵⁶ Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Б. 43.

Хожа Самандар ат-Термизий мақбараси - XVII–XVIII асрга оид бўлиб, Қумқўрғон туманидаги Қоптўқай қишлоғидаги дарё бўйида жойлашган. Кейинчалик мақбарага дарё яқинлашиб қолгани боис, мархум кишининг суяклари йиғиб олиниб, қишлоқдаги юқорироқ тепаликка қайта дафн этилган. Хожанинг авлодлари бобокалонлари қабри устига мақбара бунёд этишиб, теварак-атрофини зиёратчилар учун қулай ҳолга келтирганлар. Шу сабабли бу ерда икки объектга кетма-кет зиёрат этиш ҳолатини кузатишимиз мумкин.

Сўфи Оллоёр мақбара-масжиди биноси- XVII–XVIII асрларда бунёд этилган. У Катта Вахшивор қишлоғида жойлашган. Мазкур объект муқаддас жой бўлганлиги билан бир қаторда нодир архитектура ёдгорлиги ҳисобланади. Л.И. Ремпель аниқлашича, ушбу масжид 1713 йилда қурилган. Масжид шимоли-шарқий қисми тарафидан икки айвон, қўшимча хона ва ҳовлидан иборатдир. Унинг ҳудудида муқаддас дарахт, дарвоза ва жанубдан шимолга қараб ҳовлини кесиб ўтган катта тоғ ариғи бор. Иморат тўғри бурчак шаклида, «Г» ҳарфи шаклидаги икки ёқлама айвон билан туташган. Айнан шу ерда, шимоли-шарқий тарафдан ичкарига кириш учун йўл бор. Бундан ташқари, учта жануби-ғарбий кириш йўллари мавжуд, бу иморатга панжара шаклида қурилган деразалар ўзгача кўрк бериб туради. Иморат синчли пахсадан қурилган, икки қават девор билан ўралган. Масжиднинг ташқи тарафидан кулбалар бор. Меҳроб қисми жуда ҳам чуқур бўлиб, тўртта устун қўйилган. Айвонда еттита, залда эса олтита бақувват устунлар бор. Залдаги устунларда араб ёзувидаги эпитафик ёдгорликлар жойлашган. Айвоннинг умумий диаметри 14,0x16,2 м. Залнинг диаметри 11,1x9,7 м. Масжид 1961 йилда қайта таъмирланган. Унинг архитектура ёдгорлиги сифатидаги аҳамиятини шу йили Л.И. Ремпель ва 1977 йилда З.А. Аршавская ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтганлар.

Сайид Оталиқ мадрасаси. Мовароуннаҳрлик мутасаввуф олим ва авлиё Баҳоуддин Нақшбанднинг иккита асосий халфаси бўлган. Улардан бири Шайх Алоуддин Аттор Валий, иккинчиси эса Хожа Муҳаммад Порсо ал-Бухорийдир. Нақшбандия тариқатини ривожлантиришда ҳар иккала халфанинг ҳам ўз улуши бор.

Муҳаммад Форсоний «Мақомоти Шайх Алоуддин Аттор» маноқибиде ёзишича, Шайх Алоуддин Аттор Валий Баҳоуддин Нақшбандийнинг куёви экан. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан (1389 йил) кейин нақшбандия тариқатини Ҳисори Шодмон вилоятига ёйиш мақсадида Деновга келиб қолган. Шайх Алоуддин Аттор Валийнинг минтақамиз маънавияти ва маърифатидаги катта хизмати аллома ва авлиё Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ўзи билган ва бошқаларнинг хотираларини ёздириб, китоб ҳолига келтиришга бош бўлганлигидир. Шайх Алоуддин Аттор ҳижрий 802 йил 20 ражаб ойида (милодий 1400 йил 18 мартда) Деновда вафот этган. Қабри ҳам шу ерда. Бу ер ҳозир «Шайх Аттор Валий» ёки «Остонабова» қабристонидеб юритилади. Чунки Шайх Аттор Валий тириклик вақтида «Кимки мени яхши кўрса, остонамдан жой олсин» деган эканлар. Шундай қилиб, ҳозирда

Деновдаги энг катта қабристон «Остонабова» деб аталади. Маҳалллий аҳоли марҳумларидан қанчадан-қанчаси Шайх Аттор Валий остонасидан мангу жой олиб ётибди. Қабристонга Шайх Алоуддин Атторнинг кейинги авлодлари ҳам дафн этилган. Жумладан, ул зотнинг ўғли Шайх Ҳасан Аттор Валий ва невараси Хожа Юсуф Аттор қабрлари ҳам шу ерда жойлашган.

Шайх Алоуддин Аттор Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг асхобларидан бўлмиш Нақшбандия тариқати давомчиси Мавлоно Яъқуб Чархий билан жуда яқин дўст бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сўнг Мавлоно Яъқуб Чархий маълум муддат Бадахшонда истиқомат қилиб турган пайтда Шайх Алоуддин Аттор мактуб йўллаб, у кишини ўз ҳузурига келишга чорлайди. Мавлоно Яъқуб Чархий дўстининг илтимосини қабул қилиб, Деновга келади ва то Шайх Алоуддин вафот этгунга қадар ўша ерда яшайди, сўнгра Ҳисор вилоятига ўтиб Ҳалғату қишлоғида ватан қилиб қолади. Шундай қилиб, Нақшбандия тариқатининг буюк вакили Мавлоно Яъқуб Чархий ҳам Деновга пойикадами теккан элда азиз авлиёлардандир.

Муҳаммад Дорошуқунинг «Сафинат ул-авлиё» (XVII аср) асарида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Мавлоно Яъқуб Чархийни муридликка қабул қилгач, уни Шайх Алоуддин Атторга топширгани ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сўнг Алоуддин Аттор суҳбатида камол мартабасига етганлиги қайд этилган.

Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис ат-толибийн» асарида ёзилганига кўра Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин муршидлик ўрнига Шайх Алоуддин Аттор ўтирганлиги ва унинг ҳузурига мухлислар кела бошлаганлиги таъкидлаб ўтилган. Умуман, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тириклигидаёқ кўп мухлисларни Алоуддин Аттор ҳузурига юборар экан. Шу тариқа, Шайх Алоуддин Аттор Нақшбандия тариқатида муршид, кутбуззамон бўлганлиги, ўз ҳижрати билан Деновни файзли юртга айлантирилганлиги ойдинлашади. Шайх Алоуддин Аттор Деновда жами 22 йил яшаган. Шунингдек, Хожа Аҳрор Валий ҳам маълум муддат Чағониёнда бўлган. Али Сафийнинг «Рашаҳот» асарида шундай ҳикоят келтирилган.

Хожа Аҳрор Валий шундай ҳикоя қилган экан: «Ҳирот шаҳрига борган дафъамда Чилдухтарон деган жойга етган эдим. Бири-биридан озода кийинган ва чиройли савдогарлар сарой эшигида туришган экан, ўзимча улар нақшбандия йўлида зикр айтишаётганини фаҳмладим. «Бу тариқат сизларга кимдан ва қайси азиз-авлиёдан етишдики, нечукким бозор одамлари ва савдогарларнинг тариқати бўлсин?» дея сўрадим. Бир киши дарров ошкора жавоб берди: «Ҳалғатуда бир азиз инсон бордир. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муридларидандир. Ул кишини хазрати Мавлоно Яъқуб Чархий дейдилар. Бу нисбат бизга ул кишидан етишган». Шундан кейин Мавлононинг фазилатлари ва хулқ-атвори ҳақида ҳикоя қилиб беришди ва кўп муболаға қилишди. Гўёки келган жойимдан Мавлоно ҳузурига қайтиб кетсам дердим. Ҳирот шаҳрига яқин келганимда бу шаҳар ҳавасини хотиримдан чиқарайин деган хаёл ҳам ўтди. Мавлоно Яъқуб Чархий хизматига тезроқ борайин дедим. Аммо Ҳиротга бордим ва шаҳарда тўрт йил турдим. Шайх Баҳоуддин Умар мени ёнида сақлаб қолишга кўп саъй-ҳаракат

килди. Тўрт йилдан сўнг Ҳалфату томонга йўлга тушдим. Чағониён вилоятига етганимда заифлик ва касалликка йўлиқдим. Йигирма кунча иситмалаб ётдим. Теваракдаги баъзи одамлар Мавлоно устидан ғийбат ва шикоят қилишарди. Бемор бўлиб ётган муддатда ғийбатларни эшита-эшита ниятимдан қайтмоққа ҳам чокландим. Пировардида ўз-ўзимга: «Бу қадар узоқ масофани босиб ўтдингми, демак, суҳбат айламасдан қайтиб кетсанг, яхши эмас». Эртанги куни етиб борганимда Мавлоно мени кўпол сўзлар билан қаршилаб, жўшқин ғазабланиб тергади. Хотиримдан ғазаби сабаби ғийбатга қулоқ осганим ва ўз табиатидаги нуқсондандир деган фикр кечди. Ошқора айтмаса-да, наздимда, «Бир кишининг келишини икки ой олдин билмасам, осон эмасдир!» деяётгандек эди. Шунда аниқ билдимки, Мавлоно ғазабининг сабаби ғийбатга қулоқ осганим ва хизматдаги нуқсонларим экан. Бир соатдан сўнг лутф билан муомала қилди ва кўп иноят ҳамда илтифот этди. Шундан кейин Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва ул зот суҳбатига қандай етишгани ҳақида сўзлаб берди. Кейин: «Кел, қўл бергин!» деди. Табиатим ва борлигим Мавлононинг қўлини олишни хоҳламади. Шу сабабдан Мавлоно пешонасидаги оқликни касалликка, табиатимдаги нафратга йўйди ва қўлини шошилинич тортиб олди. Бирдан либоси ва ранги-рўйи ўзгариб кетиб, бошқа тусда товланиб, бир шаклда намоён бўлдики, бошим ҳушимдан учиб, Мавлоно Яъқуб Чархийнинг этагига ёпишсам дердим! Мавлоно эса қўлини узатиб: «Ҳазрати Баҳоуддин, қўлимни олинг!» деди. Тўхтовсиз Мавлононинг қўлини олдим. Хожагон тариқатидан сонни тоқ айтишдан таълим берганидан сўнг Мавлоно менга: «Хожа Баҳоуддин ҳазратларидан бизга етишгани шу экан. Агар Сиз жазаба йўли билан толибларни тарбия этгансиз, ихтиёр ўзингиздадир!» деди.

Келтирилган нақлдан Денов шаҳри ва теграсидаги ҳудудлар Нақшбандия валийлари марказига айлангани яққол англашилади. Элда нақл қилинишича, Шайх Алоуддин Атторнинг икки ўғли бўлган. Улар Хожа Ҳасан ва Хожа Ҳусанлардир. Хожа Ҳусан деган ўғли урушда ҳалок бўлган. Деновдаги Саййид оталиқ мадрасаси ўғли Хожа Ҳасан ва невараси Хожа Юсуф томонидан 26 йил давомида қурилган, Шайх, Алоуддин Атторга бағишланган ёдгорликдир деб ёзади «Денов таронаси» номли китобида муаллиф Н.Исмоилов (1995 йил).

Ана шу нақлий маълумот юзасидан узоқ мунозара, баҳс, фикр алмашиш бўлган. Сабаби юқоридаги фикр илгари сурилса, Деновдаги Саййид оталиқ мадрасаси биноти қурилиши XV аср ўрталарига, бинобарин, 1440—1450 йилларга, яъни Хожа Ҳасан ва Хожа Юсуф яшаган даврга тўғри келади. Бунинг ҳақиқатдан йироқлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Мамлакат марказидаги, яъни доруссалтана Бухородаги Мир Араб мадрасаси 1536 йилда қуриб битказилган. Мамлакатнинг чеккасида, катталиги жихатидан марказда қурилган биноларга ўхшаш қурилиш иншоотларини қуриш мумкин эмас эди. Чунки Бухоро амири йирик мадрасаларни мамлакат чеккасига қуришга рухсат бермас эди. Иккинчидан, XV асрда қурилган тарихий обидалар шаклан, меъморилик жихатидан ҳам XVI—XVII аср обидаларидан кескин фарқ қилади. Саййид оталиқ мадрасаси

биносининг тарҳи XV аср тарихий бинолари кўринишига мутлақо ўхшамайди. Шу сабабдан биз юқоридаги фикрларнинг тўғри чиқишига ишонишга қанчалик ҳаракат қилмайлик, далиллар бошқа исботга ишора этади.

Мадрасанинг юқорида нақл этилган тарихи асоссиздир. Шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида мадраса биноси XIX асрнинг ўрталарида Абдулкарим додхоҳ ҳукмронлик қилган даврда қурдирилган фикр ҳам мавжуд. Бу фикрлар умуман асоссизлиги Маҳмуд ибн Валининг XVII асрда ёзилган «Баҳр ул-олам» китобида Деновда иккита мадраса биноси мавжуд эканлиги қайд этилиши билан ҳам исботланади (Н.А.Маевнинг «Ҳисор водийси ҳақида очерклар (1879 йил) китобида ҳам шу фикр тасдиқланади).

Биз тўхталмоқчи бўлган асосий фикр қуйидагича. 1988 йил июл ойида архитектор Т.Ф.Жукова «Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши» журналида қуйидагиларни чоп этганди: «Деновдаги мадраса биноси XVII аср тарихий обидасидир. Бу мадрасанинг қурилиши Бухоро жўйборий хожалари билан боғлиқ. Жўйборий хожаларига Бухоро хонлари доимо катта илтифот кўрсатиб келишган. Улар жўйборий шайхларига ерлар, пул, қимматбаҳо совғалар бериб, иложи борича улар билан қариндошлик ришталарини боғлашга ҳаракат қилгани маълум. Ана шундайлардан бири аштархонийлардан Имомқулихон (1611—1642 йилларда ҳукмдор) Бухоро тахтига ўтиргач, синглисини Тожиддин Хожа Ҳасан Жўйборийга никоҳлаб беради ва унга инъом сифатида Бухородаги Пирмаст ва Ҳисордаги Денов ерларини муҳрлаб тортиқ этади. Шунингдек, 20 минг танга, бир қанча туя, от уюрлари инъом этади. Ҳукмдор инъом этган ерлар жўйборийлар томонидан мустақил бошқарилган ва бу ер эгаларига «оталиқ» мақоми берилган. Тожиддин Хожа Ҳасан Жўйборий ўз маблағи эвазига Деновда иккита мадраса қурдиради. Тожиддин пайғамбарзодалар авлодига мансуб бўлганлиги туфайли эл орасида саййид унвонига эга эди. Шу сабабдан мадраса унинг номи билан Саййид оталиқ номи билан аталган ва у 1612—1628 йиллар давомида қуриб битказилган».

Мадраса қурилишига Деновнинг маркази танланганлиги ҳам бежиз эмас. Бу жой ўзининг об-ҳавоси, суви билан бошқа жойларга нисбатан ҳар томонлама қулай эди. Мадрасанинг ғиштлари Заҳартепа қишлоғи тупроғидан олинган, ғиштлари ўша жойда мавжуд бўлган катта ғишт пишириладиган хумдонларда пиширилган. Мадраса пойдеворининг чуқурлиги 5,5 метр бўлиб, унга бир неча қатор қамиш тўшалиб пишган ғиштлар билан алоҳида усулда териб чиқилган. Мадраса биносини, юқорида айтиб ўтганимиздек, уста Аҳмад Муҳаммад Бухорий қурган. У 114 хужрадан иборат Қуръони каримда ҳам 114 сура бор. Мадраса хужралари сони Қуръони карим суралари сонига қиёс қилингани билан ҳам диққатга сазовордир.

Тожиддин Хожа Ҳасан Жўйборий Нақшбандия тариқатини мукаммал билган, унга ихлоси баланд шайхлардан эди. Шу сабабли Денов замини унга инъом қилингач, маҳаллий халқ орасида Нақшбандия тариқатини ёйиш мақсадида мадраса қурган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Маҳаллий халқ мадраса қурилишини Нақшбандия тариқати билан боғлаши асосида Шайх

Алоуддин Аттор Валий варианти келиб чиққан. Дарҳақиқат, Аштархонийлар давлатида ҳам худди Шайбонийлар давлатидаги каби пойтахт Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан Жўйбор хожалари катта таъсирга эга эди. Шайх Муҳаммад Ислом (1493—1563) ва унинг авлодларидан Хожа Саъд (1531—1585) ҳамда Тожиддин Хожа Ҳасан (1574—1646) каби йирик Жўйбор хожаларининг Бухоро, Самарқанд, Карши, Маврдан ташқари вилоятларда ҳам катта ер майдонлари бўлиб, бу мулклар мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтган ва барча солиқлардан озод этилган.

Саййид оталиқ мажмуаси қурилган кезларда Бухоро хонлигини Имомқули Баҳодирхон бошқарган, ўзидан олдинги ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, мамлакатда ҳукм сураётган феодал урушларга чек қўйишга ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга эришган эди. Имомқулихон Балх ва Хоразмни Бухоро хонлигига бирлаштиролмаган бўлса-да, козоқлар, қалмиқлар, мўғулларга қарши муваффақиятли курашиб, хонлик ҳудудини шимоли-шарққа кенгайтирган эди. Умуман, тарихчилар Имомқулихон даврида мамлакатда осойишталик ва фаровонлик бўлди, шаҳарлар ва қишлоқлар раванқ топди, дея эътироф этишади. Табиийки, Сурхон воҳасининг баракали минтақаси бўлмиш Ҳисор ва унинг маркази Деновда ҳам маърифий ва маданий ҳаёт изга тушган, мадраса қуришга эҳтиёж туғилган эди.

Саййид оталиқ мадрасаси «қўш» шаклида қурилган. Архитектурада «қўш» деб, икки бино фасадининг бир-бирига қарама-қарши қурилишига айтилади. Деновда мадраса ва хонақо фасадлари бир-бирига қарама-қарши қурилган, уларнинг кўндаланг ўқи иккала иншоот ўртасидан ўтган. Ўртадан ўтган йўл эса Деновбеги кўрғонига элтар эди. XVI асрда Бухородаги Абдуллахон ва Модарихон, Улуғбек (1420) ва Абдулазизхон, Домла Турсунжон ва Муҳаммадёр оталиқ мадраса ва хонақолари бир-бирига қарама-қарши қурилган, кўндаланг ўқлари икки бино ўртасидан ўтган йўл бўлган.

Яна бу шуниси билан эътиборлики, XVI—XVII асрларда қурилган бинолар ўртасидан ўтган йўл албатта бирор эътиборли ёки мўътабар жойга олиб борган. Масалан, айтиб ўтилган Домла Турсунжон ва Муҳаммадёр оталиқ мадрасаси ва хонақоси орасидан ўтган йўл Бухоро Аркига, Хивадаги Қутлуғмурод иноқ ва Оллоқулихон мадрасалари орасидан ўтган йўл маҳобатли майдон ташкил этиб, Хиванинг Полвондарвозага чиқиш жойига, Қўқонда Мадалихон ва Султон Муродбек мадрасалари орасидан ўтган йўл ғишт кўприкка олиб чиққан (бу иншоотлар асосан XVIII—XIX асрларда қурилгани туфайли «қўш усули» XVI—XVII асрлардан кейин ҳам сақланганини кузатамиз). Деновдаги Саййид оталиқ мадрасаси ва хонақоси орасидан ўтган йўл Денов беги кўрғонига олиб бориши бу тарихий обида XVI—XIX асрлар удуми асосида қурилганлигидан далолатдир.

Бу фикрни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли тарихий обидаларни илмий ўрганиш ва лойиҳалаш институти ходимлари ҳам маъқуллайдилар. Деновдаги мадраса ва хонақо қурилишининг асосий характерли томони шундаки, мадраса шимолдан

жанубга йўналтирилган. Бу ҳолатда, биринчидан, мадраса ичидаги масжиднинг қибла томони (меҳроби) ташқи деворга тақалади, иккинчидан, шу ҳолатда жойлаштирилса, иқтисодий жиҳатдан камҳаражат, шу билан бирга, ҳужралар сонини кўпайтириш мумкин. Ҳужраларнинг асосий қисми (80 фоизи) кириш ва дераза томонлари қиблага йўналтирилган. Бу эса, ўз навбатида, ислом амалларини бажаришда дуруст шароит яратиб беради. Бинонинг бундай ечими XV—XVI асрларга хос бўлиб Бухородаги Улуғбек, Кўкалдош, Абдуллахон мадрасалари айнан шу услубда қурилган.

Саййид оталиқ мадрасасида аввал саккизқиррали устун билан ёпилган айвонга кирасиз, сўнгра чап ва ўнг тарафда «П» шаклда ёпилган гумбазли масжид ва миёнсарой (дарсхонага) ўтасиз. 114 та ҳужранинг ҳар бирида ўт ёқиш учун оловхона, иккинчи қаватида ҳар бир ҳужрада кўчага қараган балкон ва арқдан иборат безак берилган. Бундай ҳолатни Бухородаги Кўкалдош (1578 йил), Абдуллахон ва Модарихон (1580-йиллар), Бозори Гўсфанд (1670-йиллар), Хива ва Қўқондаги мадрасалар қурилишида ҳам учратиш мумкин.

Саййид оталиқ мадрасаси XVII асрнинг бошларида қурилганлигини меъморлик жиҳатидан исботловчи далиллар талайгина. XVI—XVII асрларда қурилган биноларга ўхшаш тарихий обидалар кейинчалик қурилмаган. Кейинги қурилган тарихий обидалар XVI—XVII асрлар обидаларидан сезиларли фарқ қилади, баъзиларида эса, умуман ўхшашлик аломатлари йўқ. Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, Саййид оталиқ мадрасаси 1612—1628 йиллар давомида Тожиддин Хожа Ҳасан Жўйборий бошчилигида қурилган деб ишонч билан айта оламиз. Жумладан, хонақони ҳам мадрасани бунёд этган уста барпо қилган дейишимиз мумкин. Саййид оталиқ мадрасаси Чор Россия зулми, кейинчалик совет ҳокимияти даврида қурилиш ашёлари бошқа мақсадларда ишлатилганлиги сабабли кўп зиён кўрди. Миллий истиқлолчиларга қарши кураш вақтида мадраса биносидан қизил аскарлар штаб ва зиндон сифатида фойдаланишган. Сафдошлардан қайси бири вафот этган бўлса, мадраса тепасида дафн этиб ёдгорлик ўрнатишган. Хонақо биноси тамомила бузиб ташланган, халқ назаридан узоклаштириш мақсадида атайин мадраса атрофи дўконлар билан тўсиб олиниб, ёпиқ ҳолатда сақланган. ДОСААФ идораси, дорихона, архив сифатида фойдаланишган, кўчиб келиб жой тополмаган Европа халқлари вакиллари оиласи билан ҳужраларга жойлаштирилганлар. Улар ҳужралар ичида олов ёқиб, таом пиширишган, оқибатда ҳужраларнинг деворлари қоп-қора кукунга бурканиб, деворлар ярқисиз ҳолга келиб қолган. Кейинчалик колхоз машиналари учун гараж, рассомлар устахонаси сифатида фойдаланилган. Олд пештоқ нураб кетган, орқа пештоқнинг ярми нураган, ҳовли, ҳужралар ичида ахлатга тўла бир аҳволда бўлган. Ўртадаги ҳовуз, жумладан, Денов беги кўрғони билан туташтирувчи ерости йўли (лахм) кўмиб ташланган. Мадраса ҳовлиси ички сатҳи 1 метргача кўтарилиб, асфальт ётқизилган, бу ўз навбатида зах кўтарилишига, деворлар зах таъсирида ўпирилиб тушишини тезлаштирган. Хонақо биноси бузилгач, бозор ўрни ўзгартирилиб кўрғонга борадиган йўл ёпилиб, уй-жойлар қуриб

ташланди. Бу билан XVI—XVII аср шаҳарсозлик услуби бузилди, мадраса ва Денов беги кўрғони бир-биридан ажратилди. Маҳобатли Регистон шаклидаги ансамбль шу тариқа йўқ қилинди, хуллас, мустақиллик йилларигача мадраса биноси ана шундай ўта аянчли аҳволда эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1997 йилда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси қошида «Саййид оталиқ» маданият маркази очилди. Марказ мадрасани асл ҳолига қайтариш борасида ишлар олиб бормоқда, мадраса биноси, унинг олд қисмидаги ҳудуд ободонлаштирилди. Ҳозирда бу жой Денов тумани ҳокимининг қарорига, асосан, Регистон майдони деб юритилади, мадраса биноси таъмирдан чиққач, бу ерда тарих-этнография музейи очиш режалаштирилган.

Қурбон Соат мақбараси -XVII асрда мақбара барпо этилган, бино атрофи тош девор билан ўралган, зиёратгоҳ 1–1,5 гектар ерни эгаллайди. Бу кадамжо жуда қадимийдир, маҳаллий аҳолининг оқсоқолларнинг маълумотича, унинг тарихи минг йилга бориб тақалади. Маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган ривоятларга биноан, кадамжо ҳудудидаги тут дарахтининг ёши 150–200 йиллар атрофида. Зиёратгоҳнинг орқа томонида кичик қабристон жойлашган, унда зиёрат объекти ҳисобланадиган бир неча қабр мавжуд. Биринчи қабр XVII аср ўрталарида яшаган ислом илмлари соҳиби Қурбон ўғли Соатга тегишли, муқаддас жой мазкур маҳаллий уламо исми билан аталади. Қабристон атрофи бир неча қават пахса деворлар билан ўралган, ҳозирги кунда девор қолдиқларигина сақланган. Муқаддас жойни ободонлаштириш ва қайта таъмирлаш 1970-йилларда амалга оширилган. Ҳозирги кунда бу объектга аҳоли зиёрат учун тез-тез ташриф буюради.

Хўжа Муҳаммад Мавлоно Зоҳид мақбараси - XVII асрда бунёд этилган, мазкур зиёратгоҳ Кичик Вахшивор қишлоғида жойлашган. Бу жойнинг пайдо бўлиши ҳақида қуйидаги ривоят мавжуд: Мавлоно Зоҳид оламдан ўтгач, унинг қабри устига ерли аҳоли мақбара қурган. Сўфи Оллоёр бу мақбара ҳақида: «Мендан у киши улуғ, аввал у кишини зиёрат қилиб, кейин менга келинглар», деб башорат этган. Ана шу сабабдан бу зиёратгоҳнинг аҳамияти маҳаллий аҳоли учун ҳозирги кунда юқори ҳисобланади.

Кийик ота мақбараси - XVIII–XIX асрларга оид бўлиб, Миршоди қишлоғида, икки томони адирлик, ўртаси катта сойнинг ёқасида жойлашган. Зиёратгоҳ оддий пахса девор билан ўралган, девор вақт ўтиши билан нураб, емирилган, унинг девор ўртасидаги қабр оддий тупроқ билан баланд қилиб кўтарилган. Тепасига иккита катта кийик шохи илинган, зиёратгоҳ атрофига бошқа шахслар дафн этилмаган. Бу зиёратгоҳнинг пайдо бўлганига тахминан 200–250 йиллар бўлган, ёввойи ҳайвон шохлари ёмон руҳлардан ҳимоя қилади, деб ҳисобланади.

Биби Зайнаб мақбараси - XIX асрда барпо этилган. Зиёратгоҳ саййид авлодларидан бўлган авлиё аёл Биби Зайнаб момога атаб қурилган. Унинг қабри оддийгина пишиқ ғиштлар билан ўралган бўлиб, қабр тепасига бири мушт, бири очик бўлган қўлларнинг рамзий белгиси қўйилган.

Ахборотчиларнинг тушунтиришларига кўра, бу мушт «Кимки мени зиёрат қилиб келса, келаётган бало-ю қазони даф қиламан», деган рамзий маънони англатади. Очиқ қўлнинг маъноси, «Келаётган барча зиёратчилар учун кўнглим очиқ, барча касалликлари шифо топишига кўмаклашаман», деган маънони беради. Зиёратгоҳга Зайнаб биби авлодлари ва маҳаллий халқ вакиллари дафн қилинган, ривоят зиёратгоҳ вазифаларини белгилашда хизмат қилади.

Минтақанинг Бухоро маркази билан узвий алоқаларини кўрсатувчи объект – Якка тут бобо зиёратгоҳидир. У XVIII–XIX асрларга оид бўлиб, унда Бухородан келган бир донишманд киши дафн этилган деб ҳисобланади. Зиёратгоҳни ерли халқлардан бўлган Садри Халифа деган киши қайта таъмирлаб, атрофини пахса девор билан ўраб, қабрни обод қилган. Садри Халифа 93 ёшида вафот этганидан кейин йиллар ўтиши билан деворлар нураб, текис ерга айланиб, қабр ҳам йўқолиб, унинг ўрнида тиканли ўсимликлар ўсиб чиқади. Кейинчалик ерли аҳоли қабр атрофини тошлар билан ўраб, уни зиёратгоҳга айлантирган.

Қорахон Эшон бобо мақбараси - XIX–XX асрларга оид. Унинг устига гумбаз қурилган. Мазкур мақбара ҳозирги кунда катта муқаддас зиёратгоҳга айланган. Чор атрофдан бу ерга кўп кишилар зиёрат қилиш учун келадилар.

Хўжа Ҳасан Илғорий ёки Каптархона мақбараси - XIX–XX асрларга оид бўлиб, атрофи шарқона усулда безалган деворлар билан ўралган. Унинг ҳудудида икки қабр бор. Биринчи қабр Хўжа Ҳасан Илғорийники бўлиб, унинг ўлчами: бўйи 3–4 метр, эни 2 метр, баландлиги 1–1,5 метрни ташкил этади. Қабрнинг айланаси цемент билан сувалган, унинг тепасига тоғ эчкиси шохи қўйилган. Икки шох ўртасида эса қора тош жойлаштирилган. Қабр олдида кичкина эшикча бўлиб, остига тупроқ солинган, бу манбалар зиёратчиларнинг амалиёти объекти ҳисобланади. Иккинчи қабр Аввал Халифага тегишли бўлиб, биринчисига ўхшаб ўрнатилган, ҳажм жиҳатидан биринчи қабрдан анча кичик.

Мурч бобо мақбараси- Термиз шаҳрида жойлашган. Мақбарани ўрганиш мақсадида 1947 йилда Г.П. Петров, 1966 йилда Ю.З. Шваб, А. Ткаченко, Н.Н. Кузьминалар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Мурч бобо мақбараси Сўфийлардан бўлган Саййид Абдували Самарқандий, лақаби Мурч бобо бўлган кишининг номи билан аталадиган муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади.

Мақбара XIX аср охири – XX аср бошларида қурилган бўлиб, археологлар томонидан ҳали ўрганилмаган. Мақбара маҳаллий юқори табақадан бўлган имом Алибой томонидан қурилиб, хонақоҳ кунботар тарафга ёнбош ҳолатда, квадрат шаклида бунёд этилган. Эшиги ҳам кунботар тарафга қараб қурилган бўлиб, эшикнинг икки ёни арк ва пештоқ шаклида ишланган. Мақбара қурилиши архитектура услубида бўлиб, пишик гиштлардан терилган.

Сурхон воҳаси моддий маданиятининг хорижлик тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши

Сурхон воҳаси моддий маданиятни ўрганиш масаласида илмий тадқиқотлар олиб бораётган тарихчи олим Сурхондарё Археология музей директори, тарих фанлари номзоди, доцент И. Ботировнинг Сурхондарё археология музей тарихига бағишланган илмий ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Тарихчи олим Сурхон воҳаси, жумладан Термиз тарихига доир муҳим манбаларни илмий жамоатчиликка тақдим этди. Жумладан, XIX аср бошларидан тортиб Эски Термиз ҳудудида жойлашган ноёб тарихий ва археологик ёдгорликларни қайд этиш ва дастлабки тадқиқотларидан тортиб уларнинг меъморилик услуби тўғрисидаги маълумотларни қайд этган.

Юқоридаги Эски Термиз тарихи билан боғлиқ муаммолар бир бўлиб манбашуносликка оид тарихнинг йирик бир илмий мавзусини ташкил этади-ки, бу мавзу нафақат мамлакатимиз ва Марказий Осиё халқлари тарихида, балки бутун Шарқ халқлари тарихида ҳам муҳим ўрин тутди. Бизнинг тадқиқотимизда танланган мавзу бўйича унинг барча қирраларини ёритиш имконияти бўлмаса-да, ушбу мавзу билан боғлиқ танланган давр бўйича асосий манбаларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Ғарб адабиётида Эски Термиз билан боғлиқ маълумотлар XVIII асрдан бошлаб учрайди. Ўша давр маълумотларида, асосан, Ғарбий Европада тузилган географик хариталарда Термиз номли шаҳарнинг жойлашув ўрни кўрсатилганлиги билан характерланади.

Эски Термиз ҳақидаги ғарб адабиётида дастлабки маълумотлардан бири француз шарқшуноси Ж.Дегиннинг Марказий Осиё тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи XVIII асрда чоп этилган китобида учрайди. Шуниси қизиқки, XVIII-XIX аср ғарб адабиётида Эски Термиз шаҳри гулғула номи билан машҳур бўлган ва бу ҳақда қизиқарли маълумотларни европалик тарихчи, географ ва саёҳатчилардан Г.Майендорф, В.Г.Тизенгаузен, Г.Юль, Н.А.Маев, Логофет, И.В.Мушкетов, А.А.Буков, И.Л.Яворский, Н.А.Сорокин, Н.Каразин, Н.Зубов, Г.Бонвало ва бошқалар ёзиб қолдиришган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, XIX асрнинг 80-йилларига келиб Россиянинг мустамлакачилик сиёсати туфайли Марказий Осиё ва Афғонистон ҳудудида рус ҳукмронлигини ўрнатиш учун Россия-Англия ўзаро кураши ниҳоятда кучайиб кетди. Натижада Марказий Осиёнинг Амударё орқали Афғонистон бўйлаб ўтган чегара ҳудудларда рус ва инглиз ҳарбий зобитлари, ҳарбий сураткашлар ва саёҳатчилар тез-тез кела бошладилар. Айниқса, 1820 йилда Бухородаги рус элчихонасининг котиби Г.Майендорф томонидан Бухородан Эски Термизга уюштирилган саёҳатидан сўнг «1820 йилда Оренбургдан Бухорога саёҳат» номли китоби 1826 йилда Парижда босилиб чикди. Майендорф Эски Термиз ҳақидаги таассуротларини ёзар экан, «бу шаҳар Амударёнинг ўнг қирғоғида (чап қирғоқнинг қарама- қаршисида) жойлашган

бўлиб, у ерда тош ва шағалтош, пахсадан қилинган уйларнинг харобаларидан бошқа нарса кўринмайди» деб ёзади⁵⁷.

Майендорф маълумотларидан шу нарса маълум бўладики, Эски Термиз худуди ҳали археологик тадқиқотларга жалб этилмаган бўлиб, фақат худудни кузатув орқали ўрганиш ҳолати ҳукмронлик қилар эди. 1835 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган тилшунослик энциклопедиясининг «Оксус» номли мақоласида Эски Термиз ҳақида маълумотлар келтирилади: «Кўлобдан бошланиб Турон паст-текислиги қисмида Ҳисор водийси ястаниб ётади ва Балхни Ўқуздан ажратиб турган Қундузсой ва Ҳулутсой водийларининг қарама-қаршисида Балхнинг деярли бир хил меридианида жойлашган Эски Термиз харобалари жойлашган»⁵⁸. 1850 йилда Москвада нашр этилган Александр Бёрнснинг «Бухорога саёҳат»номли китобида Эски Термиз ҳақида фақат эслатиб ўтилади, холос⁵⁹.

Эски Термиз харобалари ҳақида тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қилган ғарб адабиёти вакилларида бири инглиз географи Генри Юль ҳисобланади. Унинг 1872 йилда чоп этилган «Вуд саёҳати» номли китобининг сўз бошида «..Окс дарёси бўйида жойлашган ва Чингизхон томонидан вайрон этилган Термиз жуда қадимий ва машҳур шаҳарлардан бири бўлиб ҳисобланади. Эски Термиз Чингизхон ҳужумидан бир аср ўтгандан сўнг дарёдан тахминан икки мил узоқликда ўзининг аввалги даражасига эришади ва бу ҳолатни 1334 йилда Термизга ташриф буюрган ибн Батута ҳам қайд этади.»⁶⁰ 1805 йилда чор Россияси томонидан Бухоро амирлигининг жанубий худудларини ҳарбий сиёсий мақсадларда ўрганиш учун топограф Вишневский, таржимон Казбеков, сураткаш Кривцов, табитшунос Ф.Ф.Шварц, Казаков ва Вейнберглардан иборат Н.А.Маев бошлиқ махсус экспедиция тузилади. Н.А. Маев Сурхон воҳасига ташриф буюрган бўлса-да, Эски Термиз ва Термиз шаҳрини келиб кўрмайди. Шу сабабли унинг Термиз ҳақидаги маълумотлари маҳаллий аҳолидан сўраб суриштириш орқали тўпланган маълумотлардан иборат бўлиб қолган. Аммо Н.А. Маевнинг воҳамиз табиати, тарихи, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида ўзи бўлган худудларидаги кўриб ёзганлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

1878 йилнинг 7 декабрида Тошкентда Қобулга кетаётган Россиянинг 1878-1879 йилларда рус ҳукуматининг Афғонистондаги вакили И.Л.Яварский Эски Термиз харобаларини кўриб, қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдиради. Унинг ёзишича, «...Паттакесар кечувидан 5-6 верст (1 верст-1,06 км) узоқликда Эски Термиз харобалари ястаниб ётади. Жуда катта худуддаги ер пишган ғиштларнинг синиқ бўлаклари билан қопланган. Бир жойда баландлиги 5-7 сажин (1 сажин-2-1,34 метр) келадиган пишган

⁵⁷ Meyendorf, g. Yoyage d Orenburga Bouckara fait en 1820, Paris. 1826.

⁵⁸ Энциклопедический лексикон т.21. СПб, 1835 с. 154.

⁵⁹ Энциклопедический лексикон т.21. СПб, 1835 с. 154.

⁶⁰ Генри Юль «Очерк географии и истории верховьев Амударьи». Перев. С англ. О.А.Федченко. СПб, 1873.с. 18.

ғиштдан қурилган минора турибди. Минора айланаси бўйлаб қуфий услубда пишган ғиштлардан фойдаланган ҳолда ёзувлари бор. Миноранинг юқори қисми ағанаб тушган, ундан нарироқда эса ғиштдан қилинган жуда кўп биноларнинг харобалари бор. Кўпгина ғишт синиқлари устида кошинли қоплама бор, ушбу харобалар жойи Хайбар деб аталади»⁶¹. Яварскийнинг ушбу маълумотлари Эски Термиз харобалари ҳақида бир қадар фикр юритишга имконият беради.

1879 йил август ойи бошларида Самарқанд шаҳридан Эски Термиз харобаларини ўрганиш мақсадида илмий экспедиция йўлга чиқади. Унинг таркибида таниқли олимлардан геолог И.В.Мушкетов, ботаник Н.А.Сорокин, инженер Н.Л.Ляпунов, таржимон Ф.Н.Жуков ва ёзувчи рассом Н.Н.Карамзинлар бор эди. Н.Н.Карамзиннинг Эски Термиздаги тарихий ёдгорликларнинг расмлари аниқ чизилмаганлиги туфайли улар у қадар илмий аҳамиятга эга эмас. Инженер Н.Л.Ляпунов ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасидаги ёзувларнинг нусхаларини суратга тушириб олган бўлса-да, унинг вафотидан сўнг ушбу расмлар йўқолиб кетган. Илмий экспедиция аъзолари муҳим бир маълумотни аниқлаш мақсадида маҳаллий аҳоли ўртасида суриштирув ишларини олиб борадилар.

Эски Термиз харобалари ҳақидаги муҳим маълумотларни И.В.Мушкетов келтиради. Унинг ёзишича, Миа (Жарқўрғон минораси ёнидаги) деган жойдан Сурхон воҳаси мутлақо сувсиз саҳрога айланади ва шамол билан кўтарилган қум барханлари ўсимлик дунёсига катта зарар кўрсатади ва Эски Термизга қадар етиб келиб унинг устига ёғилади. И.В.Мушкетов сўзсиз «афғон» шамоли ҳақида ёзаётгани аниқ. И.В.Мушкетовнинг энг қизиқарли маълумотлари Эски Термиз қалъаси ҳақидадир, у берган маълумотларга кўра, шаҳар қалъаси харобалари бошқа харобаларга нисбатан яхши сақланган. Қалъанинг эни 6600 кв.м. (66 ар) келадиган зали ва чуқур хандақ билан ўралган узунлиги 428 метр (200 саржин) келадиган йўлак ва узунлиги 210 метр (100 сажин) келадиган тор йўлак билан ўралган⁶². Рус ҳарбий инженери А.Г.Ананьев эса Эски Термиз қалъасининг узунлигини 525 метр (250 саржин), энини 252 метр (128 саржин) ва баландлигини 6,3 метрдан 10,5 метргача (3-5 саржин) деб кўрсатади⁶³.

Шунингдек, А.Г.Ананьев қалъадан 100 метр (50 саржин) узоқликда шимолда жойлашган ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳамда қалъадан шарқий томонда 2 км узоқликда (2 верст) жойлашган Хўжа Варроқ минораси озгина қийшайганлиги ва унинг ёнидаги қудуқ ҳамда қалъадан шимолда жойлашган Чингизтепа ёдгорлиги ҳақида маълумот беради. Амударёдан шарқий томонда 5 км (5 верст) узоқликда жойлашган Султон-Саодат, Афғон мазор, Кокилдор ота ва Қирққиз тарихий обидалари ҳақида маълумотлар келтирилади. И.В.Мушкетовнинг эътирофича, Термиз қалъасининг дарё томонидан унга чиқадиган йўлаклари пишган ғиштдан қурилган. Дарёга

⁶¹ М.Е.Массон. Указ.соч.стр.11.

⁶²(1 ар-100 кв.м. 1 сажин-2,1 м.)

⁶³ А.Г.Ананьев. Орошение «Шерабадской долины» водами реки Сурхана. Ташкент, 1911. стр.18.

кальанинг ер ости йўлаклари орқали чиқилган. Аммо ушбу йўлаklar вақт ўтиши билан тупроқлар билан тўлиб қолган. И.В.Мушкетов қалъа харобаларида дастлабки илмий кузатув ўтказиб, темир ва мисдан тайёрланган турли хил буюмларнинг қолдиқлари, шиша буюмлар, нақшинкор сопол буюмларнинг синиқлари ва тангалар, асосан юнон тангаларини топганлигини қайд этади. Айниқса, унинг қурбақа шаклидаги оқ нефритдан тайёрланган муҳр бўлагининг топиб олганлиги диққатга сазовордир. Аммо И.В.Мушкетов ушбу топилмаларнинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч нарса демайди.

Шунингдек, у қалъа бир қанча номлар билан: Мадинат ул-Рижжол, Термиз, Зунубод номлари билан аталганини қайд этади⁶⁴. 1881 йилнинг апрель ойида Бухородан афғон амири Шералихон ҳузурига кетаётган К.Е.Эйфанов француз саёҳатчиси Г.Бонвало ва рассом Канюлар Эски Термиз харобаларини кўздан кечирадilar. Мақбаранинг чап томонидаги ал-Ҳаким ат-Термизий қабри ёнида иккинчи табақага мансуб кўплаб муқаддас кишиларнинг қабрлари аниқланади. Бонвалонинг ушбу кўрсатмалари 2006-2007 йилда мақбаранинг атрофида ўтказилган археологик қазув ишлари жараёнида тасдиқланди. Шунингдек, Г.Бонвало Шеробод йўли устида жойлашган минорага алоҳида эътибор қаратиб, унинг ёнида мадраса харобалари, карвонсарой, ҳаммомлар ва бадавлат кишилар хонадонлари жойлашганлигини қайд этади.

Шуниси қизиқки, Г.Бонвало келтирган маълумотларни 2007 йилнинг баҳорида Эски Термиз ёнидан кесиб ўтувчи Термиз-Шеробод трассасининг ўнг томонида жойлашган пахта даласидан IX асрларга тааллуқли тўсатдан топилган қудуқ тасдиқлади. Қудуқ топилган жой Эски Термизнинг ўрта аср работи ҳудуди ҳисобланади. Катта ўзбек трактидан 35 метр шарқда жойлашган қудуқ ҳаммомдан чиққан оқова сувларни ер остига сингдириш учун махсус қурилган. Ҳаммомларнинг чиқинди сувлари ташқаридаги қудуқларга оқизилган. Мазкур қудуқ аввал айлана шаклда 5-6 метр чуқурликда қазилиб, тагига 2 қатор ўртача катталиқдаги тош ётқизилган, сўнгра квадрат шаклидаги пишиқ ғиштдан паст қисми кенгроқ, юқори қисми торроқ қилиб терилган. Ғишtlарнинг ҳажми 24x24x3,5 см ва 25x25x4 см ни ташкил этади, қудуқ оғзидан 1,40 м масофада шарқий тарафда 15 см диаметрли сопол қувур ётқизилган. қувур қудуққа қараб нишаб қилиб ётқизилган. Қудуқнинг ғарбий тарафида эса тўғри тўртбурчак шаклидаги тарновнинг эни 26 см, тарнов йўлининг баландлиги 6 см ни ташкил этади. қудуқнинг сақланган чуқурлиги 2,70 метр, умумий чуқурлиги тахминан 5-6 метрни ташкил этган.

Г.Бонвало маълумотларидан Эски Термиз ҳудудида ички айлана зинага эга 2 та минора бўлганлигини ҳам билиб олиш мумкин. Аммо 1900 йилда Н.Кастельский томонидан суратга туширилган фақат битта минорани биламиз. Демак, Г. Бонвалонинг Эски Термизга 1881 йилдаги ташрифидан

⁶⁴ И.В.Мушкетов. Туркестан. Геологическое и прографическое описание по данным страным во время путешествий с 1874 по 1880 г. I.I. СПб, 1876 г. с. 577.

сўнг 20 йил ўтгач, иккинчи минора қулаб тушган, ёки бузиб ташланган. Ёки Г.Бонвало Зурмала минорасини назарда тутган бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, Г.Бонвало Султон-Саодат ва Қирққиз тарихий обидаларига қисқа тўхталиб, уларнинг ёнидаги масжид ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Афтидан, Султон-Саодат ёнидаги масжидни назарда тутган бўлса керак. Бонвало ушбу масжидни Қарши ва Бухородаги масжидлар билан бир хил усулда қурилган деб ҳисоблайди. 1894-1899 йилларда Термизда архитектура ва тарихий обидаларнинг расмини чизишда анча мунча танилган капитан Б.Н.Литвинов Сурхон-Шеробод воҳасидаги, шу жумладан Эски Термиздаги тарихий обидаларнинг расмини чизиш билан бирга улар ҳақида қисқача маълумотларни ҳам қолдирган⁶⁵. У Эски Термиз харобалари ҳақида анча батафсил тўхталиб, айниқса Эски Термиз қалъаси ҳақида бирмунча муҳим маълумотларни айтиб кетади. Масалан, унинг ёзишича, қалъанинг ташқи деворларидан ташқари ичкари ички мудофаа деворларининг харобалари борлигини ёзади. Ва ҳаттоки баъзи бир девор қолдиқларида дераза ва тирқишлар, деворлар ўртасида эса хоналар ўрни борлиги ҳақида айтади. У бу деворларни сув ости мудофаа деворлари бўлиши мумкин деган хулосага келади ва сув остидаги бундай деворлардан 22 тасини санайди. Қалъанинг ғарбий қисмида харобалардан зўрға билиб олиш мумкин бўлган масжид сақланиб қолганини таъкидлайди. Масжид атрофида эса кўпгина қабрлар борлигини айтади, шунингдек, Б.Н.Литвинов Эски Термиз ҳудудидан 1 та Юнон-Бақтрия даврига тегишли ваза топиб олганлигини ёзади. Ва ниҳоят «Эски Термиз минораси ва Эски Термиздаги кудук», «Хўжа Абулҳаким Термизий мрамор қабртоши», «Хўжа Абдулҳаким Термизий масжиди» номли бир қанча тасвирий санъат асарларини яратади⁶⁶.

1890 йилда Археология комиссиясининг топшириғига кўра шарқшунос Е.Ф.Кальнинг Амударё қирғоқлари бўйлаб илмий сафарлари бошланади. Унинг йўналиши дастлаб дарёнинг чап қирғоғидаги Карки шаҳридан то Афғон ҳудудидаги Давқалъа қалъасигача, сўнгра эса Каркининг ўнг томонидан бошлаб то Сурхоннинг Амударёга қуйилиш жойигача қилиб белгиланган эди. Е.Ф.Каль томонидан Эски Термизда бир мунча жиддий археологик тадқиқотлар ўтказилиб, анча қизиқарли маълумотлар қўлга киритилган. Е.Ф.Каль ал-Ҳаким ат-Термизий қабртошининг ўлчов ишларини амалга оширади, қабристондаги ёзувларни қисман ўқийди, суратга олади.

Маҳаллий аҳолидан 150 га яқин Юнон-Бақтрия, Скифлар, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари ва Эронда зарб этилган мис тангаларни сотиб олади⁶⁷. 1891 йилда Е.Ф.Каль Амударёнинг Бухоро амирлигига тегишли қирғоқларига иккинчи маротаба қайтади, аммо малерия касаллигига чалиниб, Карки шаҳрида вафот этади. Шуниси афсусланарлики, у тўплаган буюмларнинг

⁶⁶ Г.В.Парфёнов истории исследования Старого Термеза. Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области. Т., 1941 Дело № 169. стр 64. (Термиз Археология музейи илмий архив фонди).

⁶⁷ Н.Маев, Е.Ф.Каль. (некролог) Туркистанские ведомости за 1891 г. № 39.

фақат бир қисмигина давлат Эрмитажига топширилади, қолган қисми ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Е.Ф Кальнинг Эски Термизда ўтказилган археологик тадқиқотлари ҳақидаги маълумотлари аниқроғи, «Кальнинг кундалик дафтари» нинг қўлёзмаларининг 25 та фотонегативи ҳозирги кунда Термиз Археология музейининг архивида сақланиб келинмоқда.

Унинг қўлёзмаларидан қизиқ маълумотларни олиш мумкин, жумладан, фотонегативлар орасида Е.Ф.Каль томонидан 1890 йилда Эрмитажга топширилган археологик топилмаларнинг рўйхати келтирилган. Рўйхатда буюмлар 5-рақамдан бошланади ва 20-рақамда тугайди. Улар куйидагилардан иборат:

5. Одам бош суяклари бўлаклари.
6. Идиш бўлаклари, тош бўлақлар, 3 та мис танга.
7. Ўқишнинг иложи бўлмади.
8. Турли хил рангдаги 8 та мунчоқ донаси.
9. Шиша идиш бўлаклари.
10. Учи синган темир пичоқ.
11. Темирдан ясалган ўткир учли найзалар.
12. 50 дона шиша, Тош ва бошқа бўлақлар.
13. Айлана шаклдаги идиш оғзи вазанинг юқори бўлаги ва нақшланган 11 та ваза бўлаклари.
14. 4 та чирокдон. 1 таси бутун ҳолатда.
15. 4 та турли хил катталиқдаги (синиқ) вазалар.
16. 2 та бутун ваза.
17. 2 та балдоқли синиқ вазалар.
18. 1 та идиш.
19. 1 та бутун қопқоқ.
20. Ярми куйган мис идиш.
21. Мисдан ясалган найза учи.

Е.Ф.Каль Эски Термиз ҳудудидаги девор билан ўраб олинган жойларда археологик қазув ишларини ўтказди, ва ҳатто бир жойда 8 аршин чуқурликда (1 аршин-0,71 м) ерни қазгач, кўп миқдорда сопол идишлар, шиша синиқлари ва пишган ғишт бўлақларини топиб олади. Умуман олганда, Е.Ф.Кальнинг кундаликлари орқали Эски Термиз ҳақида кўплаб маълумотларини билиб олиш мумкин. 1894-1895 йилларга келиб рус ҳукумати Бухоронинг Афғонистон бўйлаб чегарасидаги худудларда ўз мавқеини кучайтириш чораларини излай бошлайди. Худди шу мақсадда 1895 йилда рус ҳукуматининг ташаббуси билан Афғон-Бухоро чегарасида рус харбийларининг Амударё чегара бригадаси ташкил этилиб, унинг штаби Паттакесар қишлоғида жойлаштирилади. Худди шу жойда чегара божхонаси ҳам ташкил этилади. 1891 йилда туғилган Термизлик маҳаллий оксоқолларидан бири (шаҳарнинг 8 март кўчаси, 67 - уйда яшаган) Бердиев Камолнинг ҳикоя қилишича, Термизнинг Паттакесар қишлоғига руслардан биринчи бўлиб, 11 кишидан иборат божхона ходимлари шаҳардаги

Холмурод оқсоқол бекча исмли кишининг уйига келиб жойлашишган. Улар Бухоро амирининг сарбозлари ва амалдорлари ҳамроҳлигида келишган⁶⁸.

Худди шунингдек, 1885 йилда Саратов Губерниясида туғилган ва 1907 йилда Термизга ҳарбий хизматга келган Исаев Григорий Васильевичнинг берган кўрсатмаларига кўра, ҳақиқатдан ҳам Петербургдаги алоҳида корпуснинг 7 округидан 31- Амударё ҳарбий бригадаси ташкил этилиб, Паттакесарга юборилган. Бу ерда ҳарбий бригаданинг штаби жойлашган бўлиб, у 4 та отрядга бўлинган. 1-отряд шаҳарда зобитлар пости деб аталган, 2- отряд Айритомда, 3-отряд Шўроб қишлоғида, 4-отряд эса Маймунтўқай қишлоғида жойлашган. Ҳар бир отрядда 10-12 кишидан иборат аскарлар бўлган⁶⁹.

Эски Термиз ҳудудининг Амударё этаклари билан туташ камишзорлардан бири Маймунтўқай билан боғлиқ маълумотлар археология ихлосмандларининг Туркистон тўғараги архиви ҳужжатларида сақланиб қолган. Ҳозирги кунда ушбу архив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архивида сақланади.

Ҳужжатлардан бири Бухоро амири Туркистон генерал- губернатори генерал-лейтенант, барон Александр Борисович Вревский номига ёзилган хатдир. Ушбу хатда Маймунтўқайда қўй боқиб юрган 2 та чўпон бола 3 та ликопча (тарелка), 2 та тоғора, 1 ликопча (блюдечко), 1 та кичкина идиш (чашка), 1 та тагдонсиз товоқ (посуда) топиб олишганини ва дарҳол Шеробод бекига хабар қилишганини, Шеробод беги эса ушбу буюмларни Бухоро амирига етказганини хабар қилади. Хатнинг охирида 1314 ҳижрий зулҳижжа ойи қайд қилиниб, аниқ санаси кўрсатилмаган⁷⁰. Рус ҳукумати Термизнинг стратегик жойлашувини эътиборга олиб, рус кўшинларини мустаҳкам ўрнашиб олиши учун барча чораларни кўра бошлайди.

Жумладан, 1896 йилнинг баҳорида Самарқанд-Термиз ҳарбий алоқа почта йўли (военно-почтовый тракт) очилади. Ҳарбий казарма қуриш учун 43 гектар ер сотиб олинади. Бу борада Термиз тарихини манбалар орқали анча чуқур ўрганган иқтидорли ёш тарихчи Жалолоддин Мирзо анча батафсил маълумотлар беради. 1897 йил 29 июлда Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг буйруғи ва белгиланган нарх асосида Саловат хўжалари номидан Саййид Амирхўжа амлоқдор Саййид Алихўжа 153,5 таноб тахминан 43 гектар ерни 23025 тангага русларга сотишади⁷¹. Рус ҳукумати ўша йилнинг ўзидаёқ сотиб олинган ерда ҳарбий казарма қуришга киришади. Аммо сотиб олинган ер майдон табиийки, рус ҳукуматининг ҳарбий мақсадларини амалга ошириш учун талабларни мутлақо қониқтирмас эди. Шу сабабли рус ҳукумати 1900 йил 27 январда Бухоро амирлиги билан янги шартнома тузади. Рус

⁶⁸ «Первые русские поселения в Термезе». Книга рассказов. № 464. Стр 2. Архивный фонд музея Археологии Термеза.

⁶⁹ «Первые русские поселения в Термезе». Книга рассказов. № 464. Стр 10. Архивный фонд музея Археологии Термеза.

⁷⁰ Г.В.Парфёнов истории исследования Старого Термеза. (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области) Ташкент 1941. стр 66.

⁷¹ Ж.Мирзо. Термиз тарихи. «Шарк» нашриёти. Тошкент. 2001 й. 83-бет.

Чоризмининг сикуви остида амирлик шимолда Қорақум чўли, шимоли-шарқда Сурхондарё, жануби-ғарбда Амударё билан чегараланган ва умумий майдони 10.514 десятинадан иборат (1 десятина-1 га) ерларининг ҳаммасини бепул фойдаланиш тўғрисидаги актни имзолайди.

Рус ҳукумати Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг бу саҳийлиги эвазига унга «Рус генерали» унвонини беради. Текинга қўлга киритилган ер майдонларидан рус ҳукумати ўзининг ҳарбий ва бошқа мақсадлари учун фойдаланиш режасини тузиб, уни амалга ошира бошлайди. Масалан, мудофаа истехкомлари учун 224,4 десятина, ҳарбий қалъа қурилиши учун 401,08 десятина, ҳарбий лагер учун 50 десятина, ҳарбий машқлар майдони учун 34,4 десятина, томорқа учун 19,59 десятина, Паттакесарда руслар кўрғончаси учун 70,14 десятина, янги шаҳар қуриш лойиҳаси учун 52,63 десятина, Амударё бўйи тўқайзорларида чорва боқиладиган яйлов учун 302,84 десятина ер ажратилади⁷². 1896 йилда Термизга археология ихлосмандларининг Туркистон тўғараги фахрий раиси Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вревский келади. У Эски Термиз харобаларида бўлиб, у ерда бир қанча тангалар, 3 та лойдан ва 1 та бронзадан ишланган эчки ҳайкаллари олиб кетади ва уларни тўгарак музейига топширади⁷³. 1896 йил охирида А.Б.Вревскийнинг илтимосига кўра, Бухоро амири Саййид Абдулаҳадхон номидан барча бекликларга хат юборилиб, амирлик худудидаги тарихий ёдгорликларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни муҳофаза этиш ва топилган тарихий буюмларни, нодир осори-атикаларни асраб-авайлаб, археология ихлосмандлари Туркистон тўғарагига топшириш учун шахсан Бухоро амирига топшириш шарт эканлиги айтилади. Хат 1314 ҳижрий зулҳижжа ойида битилган бўлиб, санаси кўрсатилмаган, хатнинг орқасига амирнинг тамғаси босилган эди⁷⁴. 1897 йилда археология ихлосмандлари Туркистон тўғарагининг ҳақиқий аъзоси И.И.Гейер Термиз харобаларида бўлиб, минора, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва ундаги қабртошни суратга олиб, 3 та суратни тўгарак архивига топширди⁷⁵. 1898 йилнинг ёзида А.А.Добрынский бошчилигидаги Москва антропология ва этнография жамияти аъзолари Дарвоздан илмий экспедициядан қайта туриб, Термизга келадилар.

Экспедиция аъзоларидан А.А.Семёнов Султон-Саодат мақбараси билан танишади ва энг муҳими, мақбаранинг марказий портали (пештоқи)даги ёзувларни ўқийди. Жумладан, аркнинг ўнг томонида: «Султон Саидул Муҳаммадга» ва арк устидаги «Асад ибн Абу Ҳасан Муҳаммад» ва чап томондаги «Раббиул Қосим Алийул ибн Муҳаммад ибн Ҳасан» сўзларини ўқийди. А.А.Семёнов тахминига кўра, ушбу ёзув мақбарани қурдирган

⁷² Г.В.Парфёнов истории исследования Старого Термеза. (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области) Дело № 169. стр 45. (Термиз Археология музейи илмий архив фонди).

⁷³ Н.П.Остроумов и И.В.Аничков Описание археологической и нумизматической коллекции принадлежащих Ташкентскому музею и Туркестанскому археологическому кружку. Сост: Н.П.Остроумов и И.В.Аничков и др. Т., 1900г. стр 25.

⁷⁴ ЦАУ Уз ССР, ф.т.к.л.я. 1896/07гг.. Дело №4 «Письма разных лиц». Лист 42.

⁷⁵ Протоколы Т.К.Л.А. от 29.08.1897 г. с 16-17.

хукмдор шажараси бўлиши мумкин⁷⁶. Шунингдек, мақбара ичидаги сирланган яшил рангли ғиштдан терилган қабртош га тўхталиб, унинг атрофидаги ганч усулида сирланган куфий ёзуви ҳақида маълумот келтиради. Аммо қабртошнинг кўпгина жойлари лой билан жуда беўхшов қилиб шуваб ташланганлигини таъкидлайди⁷⁷. А.А.Семёновнинг маълумотларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Султон Саодат мақбараси марказий порталининг жануб томонида жойлашган мақбара ичидаги Ҳасан ал-Амир қабри XIX аср охирига қадар нақшинкор сирланган яшил рангда бўлиб, куфий услубда ёзуви ҳам бўлган. Аммо ушбу маълумот бошқа манбаларда учрамайди, афсуски, ҳозирги кунга келиб ушбу қабр устидаги нақшинкор ёзувлар бутунлай ўчиб кетган.

1898 йилда Термизда бир неча йил яшаган ҳарбий инженер Б.Н.Кастальский «Термиз ва унинг атрофидаги ерлар ҳақида қисқача маълумот» ҳақидаги китобида Эски Термиз қалъаси, ал-Ҳаким ат-Термизий, Султон-Саодат мақбаралари, Кишмишхона (Қирққиз) қалъаси ҳақида қизик маълумотлар беради. Масалан, жануби-шарқдан оқиб келувчи Сурхон билан жануби-ғарбга қараб оқувчи Амударё оралиғида учбурчак шаклида жойлашган Эски Термиз ҳудуди энига 12 км (верст)ни, узунлиги 16 км (верст)ни, умумий майдони эса 100 кв.км (верст)ни ташкил этади. Ёки 10000 га (десятина)дан иборат, балки Б.Н.Кастальский юқоридаги маълумотни тахминий келтирган. Чунки Эски Термизнинг умумий майдони 500 га дан иборат эканлиги археолог олимлар томонидан аниқланган.

Б.Н.Кастальский Эски Термиз харобалари орасидан ўтувчи суғориш тизими ҳақида маълумот берар экан, Саловатга кириб келувчи ариқ қишлоқнинг бошида 2 та тармоққа бўлинади: Биринчи тармоқ Султон Саодат, Афғон мазор ва Қирққиз томонга қараб кетади, иккинчи тармоқ эса Туркистон чегара (линейный) батальони жойлашган ҳудудга қараб оқади. Суғориладиган умумий майдон 3000 десятина ерни ташкил этади деб ёзади⁷⁸.

Рус ҳукуматининг қистови билан Бухоро амири 1900 йил 27 январда Амударё ва Сурхон дарёси оралиғида жойлашган 10154 десятина ерни қайтариб олмаслик шарти билан русларнинг эгалик қилиш актига имзо чекади. Ана шу асосида рус ҳукумати Б.Н.Кастальскийга 1900 йил баҳорида Термизда суғориш тизими лойихалаш-қидирув ишларини амалга оширишни топшириб, 200000 рубль ажратади. Б.Н.Кастальский 2 нафар топограф, 2 нафар казак, 1 нафар танобчи ҳамкорлигида 200 сажин (1дюйм-25,5 мм) майдонни дюйм (1 дюйм-25,5 мм) ҳисобида кичрайтириб, масштаб планини

⁷⁶ А.А.Семёнов. ПО границам Бухары и Афганистана (Путевые очерки 1898 года) Исторический вестник. 1902. №4. с.117.

⁷⁷ А.А.Семёнов. ПО границам Бухары и Афганистана (Путевые очерки 1898 года) Исторический вестник. 1902. №4. с.121.

⁷⁸ Б.Н.Кастальский. Краткая записка о земле и воде владений Ур.Термез и его окрестностях (Ц АУ УзССР ф.Полиагентства в Бухаре). Дело 196, л. 187-192. (Копия записки хранится в архиве Краев.музея).

чизади ва 1900 йилнинг октябрида эса амалга оширилган ишлар юзасидан изоҳли билдириш хати тайёрлайди. Б.Н.Кастальскийнинг Термизни суғориш режаси лойиҳасига тарихий обидалар жойлашган Эски Термиз худуди ҳам киритилган эди.

Б.Н.Кастальский режа лойиҳасида қуйидаги тарихий обидалар кўрсатилган эди: 1.Чингизтепа; 2. Абдулло Термизий (ал-Ҳаким ат-Термизий) мақбараси; 3. Минора харобаси (Шеробод йўлидаги 1032 йилда қурилган минора); 4. Хўжа Варроқ харобаси (ҳозирги кунда йўқолиб кетган); 5. Минора харобаси (Зурмала); 6. Қирққиз харобаси; 7. Афғон-мозор харобаси (1904 йилда бузилиб кетган); 8. Кокилдорота харобаси; 10. Баландота тепалиги; 11.Султон Саодат мақбараси; 12.Таллитоғора харобаси; 13.Бурхи Сармаз харобаси; 14.Рупенои харобаси; 15.Ноғорахона харобаси; 16. Кишмишхона харобаси. XX аср бошларида Б.Н.Кастальский томонидан рўйхатга киритилган тарихий обидалардан Термиз минораси, Афғон мазор, Жомоати қассоб, Баландота, Ноғорахона, Кишмишхона сингари ёдгорликлар рус мустамлакачилиги ва собиқ шўролар ҳукумати даврида бутунлай бузилиб, йўқолиб кетди. 1902 йил май ойида Термиз тумани худудида ер ишлари билан боғлиқ ирригация қурилиш ишлари бошлаб юборилиши муносабати билан Туркистон археология тўғараги номидан Туркистон ҳарбий округининг инженерлар бўлими бошлиғи И.Т.Пославский номига археологик ёдгорликларни ҳисобга олган ҳолда Эски Термиз худуди жойлашган режанинг нусхасини юбориш тўғрисида хати жўнатилади.

Ҳақиқатан ҳам ҳарбий округнинг топографик бўлими Туркистон археология тўғарагига Эски Термизнинг 1897 йилда туширилган режа масштабини ва унда Амударё бўйида жойлашган тарихий обидалар, шу жумладан Ноғорахона ва Кишмишхона ёдгорликларининг ўрни белгилаган харитани юборади. Аммо ушбу ёдгорликлар йўқ бўлиб кетганлигини ҳозир яхши биламиз, демак, ёдгорликлар жойлашган ўрнини Туркистон археологлари тўғарагининг архивидан излаб топиш талаб этилади. Ёки Афғон мазор тарихий обидасининг тақдирини олиб кўрайлик. Б.Н.Кастальский маълумотларига кўра 1903-1904 йилларда рус ҳукуматининг қарори билан Термиз шаҳрида ҳарбий қалъа қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилади ва 1904 йилда Марказий Осиёда ягона бўлган 3 қаватли Афғон мазор масжиди ғиштлари бўлақларга бўлиниб, мустамлакачиларнинг кўрсатмаси билан ҳарбий қалъа қурилишига олиб кетилади. Биз ҳозир Афғон мазор масжидини фақат Б.Н.Кастальский туширган фотосуратлар орқалигина биламиз.

Россия география жамияти ва ботаника боғининг кўмагида 1906 йилда табиатшунос Р.Ю.Рожевиц Бухорога келади. 1906 йил 16 мартда эса Шерободдан Термизга келади. Р.Ю.Рожевицнинг Термиз билан боғлиқ маълумотларидан диққатга сазовор жойи Термиз шаҳри аҳолиси 1906 йилгача сувни Амударёдан келтирилган сувдан ва шаҳардаги қудук сувларидан истеъмол қилган. 1905 йилнинг кузида узунлиги 18 верст (1 верст-1,06 км) келадиган ариқ Сурхондан қазиб келтирилгач, ариқчаларга бўлиниб, Термиз шаҳри аҳолиси ичимлик суви билан таъминланган.

Р.Ю.Рожевицнинг Султон Саодат мажмуига берган таърифи ҳам жуда кизиқарлидир. Жумладан, у харобалари ичида «... энг кўркамлиси ва энг чиройлиси Султон Саодатдир. У иккига бўлинган бўлиб, биринчи қисми мақбараларида қабрлар жойлашган бўлса, иккинчи қисм ёдгорликларида муллалар яшаган бўлса керак» деб фикр юритади. Шунингдек, «...барча бинолар нақшинкор қилиб ғиштлардан терилган гумбазлар остида турибди. Гумбаз ғиштлири асосан бир қатор қилиб терилган ва фақат биноларнинг бир-бирига бириктирилган жойларигина икки қатор қилиб терилган. Обидаларнинг ташқи томони рангли кошинкор бўлиб, унда юлдузлар ва маржонсимон гуллар тасвирланган.

Нақшинкор кошинлар кўк мовий оқ ва тилло рангли қилиб ишланган, қабрлар қўйилган биноларнинг ички хоналари сувоқ қилинмаган. Мажмуанинг иккинчи қисми обидалари ички хоналари сувоқ қилинган бўлиб, баъзилари эса оқ ва кўнғир рангларга бўялган хона деразалари асосан ғиштдан ва кошинлардан териблиб ясалган» деб ёзади. Шунингдек, Р.Ю.Рожевиц Қирққиз қалъаси ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтади. Унинг ёзишича «... кўплаб пишган ғиштдан барпо этилган харобалар ичида лой ғиштдан ва пахсадан қурилган тарихий обидалар ҳам бор. Жумладан ана шундай обидалардан бири Қирққиз қалъаси бўлиб, ўтмишда бу обида қандайдир ибодатхона бўлган деган маҳаллий аҳоли ўртасида ривоятлар юради. Бу тўртбурчак шаклидаги жуда катта бино бўлиб, тўрт томонида тўртта минора турибди. Бино ичида эса кўплаб ярим ертўла йўлаклар мавжуд. Иссиқ иқлим туфайли бино пишган ғиштдан қурилган биноларга нисбатан ҳали жуда мустаҳкам турибди» деган маълумотларни беради⁷⁹.

Термиз гарнизонида узоқ йиллар ҳарбий инженер бўлиб хизмат қилган А.Г.Ананьев 1910 йилда Сурхон воҳасини ўзлаштириш ва унинг асосида кутиладиган натижалар ҳақида ёзма равишда мурожаат этганидан сўнг унинг хати Бухоро амирлигидаги рус ҳукуматининг сиёсий агенти А.А.Извольский томонидан қўллаб-қувватланади. Натижада рус маъмурлари томонидан Бухоро амирлиги А.Г. Ананьевнинг концессия ғоясини сингдира бошлади⁸⁰. А.Г. Ананьев ўз режаларини тезроқ амалга ошириш мақсадида 1911 йилда «Шеробод воҳасини Сурхон сувлари билан суғориш» деб номланган китобини нашр этади. Китобда Сурхон воҳасининг географик жихатдан жойлашуви, маъмурий тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилган жумладан, XX аср бошида Сурхон воҳасида Россия империясига қаршли Термиз шаҳри, Бухоро амирлигининг Шеробод беклигига қаршли 7 амлоқдорлик (уезд) бўлиб, уларнинг таркибига 4000 уйдан иборат 61 қишлоқ кириб, 14000 десятина ерга деҳқончилик қилиши кўрсатилган⁸¹. А.Г.Ананьев воҳамизни 215 горизонт бўйича Шеробод воҳаси деб атади ва жанубий

⁷⁹ Р.Ю.Рожевиц. Поездка в южную среднюю Бухару 1906 году. СПб 1908 г.

⁸⁰ Концессия-ер, кон, корхона ва шу кабилардан фойдаланиш ҳақида давлат билан айрим шахслар ёки фирма уртасида шугулладиган шартнома.

⁸¹ 1 десятина-ботмон (1га яқин ер улчов бирлиги)

қисмга ажратади. Воҳанинг шимолий қисмига яхши суғориладиган майдонларни киритиб, унинг таркибида 31 та қишлоқ (Шеробод, Арабқишлоқ, Хўжақия, Навбоғ, Қишлоқбозор, Таллашқон, Хўжа Исо, Сўхта, Гидамбоб, Истара ва бошқа)да 6000 десятина ерга ишлов берувчи 2300 та уй борлигини кўрсатади.

Воҳанинг жанубий қисмида эса ариқдан сув ичувчи 9 та унча катта бўлмаган қишлоқлар (Таллимарон, Таскент, Хайробод, Навшаҳар, Ангор, Обидобод, Кайрон, Бешқўтон, Шутурвор) жойлашган бўлиб, 550 та уй 3000 десятина ерга деҳқончилик қилишини ёзади. Воҳанинг Амударё ўзани этакларида эса 640 та уй жойлашган 12 та қишлоқда 750 десятина ер, Сурхон дарёсининг қуйи ўзанида эса 600 уйдан иборат 8 та қишлоқ жойлашган бўлиб, 3 десятина ерга ишлов берганлиги ва ниҳоят Амударё бўйидаги Паттакесар қишлоғида 3 та қишлоқ аҳолиси 1500 десятина ерни суғориб, деҳқончилик билан шуғулланганлигини ёзади. Шу тариқа, келтирилган маълумотларга кўра, XX аср бошларида воҳанинг жами 200 000 десятина (гектар) ернинг 25 000 десятинали суғориладиган тизим таркибига кирган. 3000 десятинадан тўқайзор, 84 000 десятина ер баландлик ва қумлардан иборат бўлиб, фақат қолган 88 000 десятина ерда Сурхон дарёси сувидан фойдаланиб, деҳқончилик қилиш мумкин бўлган⁸². Масалан, у ўзининг китобида жаннатмакон Сурхон воҳаси ерининг мўъжизаларидан ғоят таъсирланиб, шундай деб ёзади: «..суғориш тизимида асосланган иссиқ иқлим, эрта баҳор ва кузнинг кеч тушиши бу ерда шафтоли, ўрик, узум, полиз ўсимликлари, буғдой, арпа, шоли ва бундан ташқари ўрмон дарахтлари ҳисобланадиган қайрағоч, айлантус, тут, терак, акация, ёнғоқ кабиларни Термиз атрофи ерларида кенг маданийлаштириш учун имконият яратади. Аммо энг муҳими бундай антиқа иқлимда, энг аввало, Америка пахтасини маданийлаштириш керак. Чунки пахта ўстиришнинг кейинги беш йиллик тажрибаси айнан шу нави Сурхон воҳаси иқлимига мос эканлиги исботланди» деб ёзади⁸³.

А.Г. Ананьевнинг китоби, аввало, рус ҳукуматининг боқинчилик манфаатларини кўзлаб ёзилган бўлсада, иккинчидан унда Эски Термиздаги кўплаб тарихий обидалар ҳақида маълумотларнинг берилиши рус олимлари томонидан Термиз тарихига бўлган қизиқишни кучайтиради. Жумладан, 1911 йилда «Рус археология жамияти шарқий бўлимининг ахборотлари»да А.Станнинг «Сюань-Цзан саёҳати ва археологик тадқиқотлар натижалари» номли илмий мақоласида Сюань-Цзаннинг Эски Термиз ҳақида қолдирган мақолаларидан Термизда кўплаб буддавийлик обидаларини кашф этиш мумкин деган хулосага келинади⁸⁴. 1911 йилнинг 13 майида Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш рус кўмитасининг йиғилишида машҳур рус олимлари В.В.Бартольд ва И.С.Ориенбургларнинг таклифи билан Термизга илмий

⁸² Орошение, Шерабадской долины Водами реки Сурхана промст военного инженера А.Г.Ананьева. Т. 1911. стр.9

⁸³ А.Г.Ананьев. Орошение «Шерабадской долины» водами реки Сурхана. Проект военного инженера А.Г. Ананьева, Ташкент, 1911. стр 26.

⁸⁴ Известия комитета по изучению Средней и Восточной Азии. Серия 2. №1. СПб 1911 г. с.60.

сафар уюштириш мақсадида 350 сўм пул ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Жамият қарорига кўра, Термизга илмий сафарга жўнатиладиган киши ҳам муҳандис, ҳам тарихчи, ҳам тилшуносликдан яхши хабардор бўлиб, қуйидаги ишларни бажариши керак эди.

1. Бевосита жой билан танишиш. Мусулмон даврига қадар бўлган тарихий обидаларни аниқлаб, маълумотлар тўплаш.
2. Ушбу обидаларни расмга тушириш. Жойлашув планларини чизиш ва зарур маълумотларни тайёрлаш.
3. Буддавийлик даври тарихий обидаларида археологик қазувлар ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ва у билан боғлиқ сарф-харажатларнинг тахминий қийматини аниқлаш.

Юқоридаги илмий мақсадларни амалга ошириш учун Термизга А.А.Захаров хизмат сафарига жўнатилади, у 1911 йилнинг июл ойида Термизга етиб келса-да, В.В.Бартольднинг маълумотига кўра, у қуйилган вазифаларнинг уддасидан чиқмайди ва сафари натижасиз тугайди⁸⁵. Бунинг сабаблари номаълум. А.А.Захаровнинг Термизга қилган сафари самарасиз яқунланган бўлсада, 1911 йилнинг октябрда «Туркестанские ведомости» журналида «Эски Термиз қазилмалари» номли илмий мақола чоп этилиб, унда 1912 йилдан рус археологик қазув ишлари бошланиши эълон қилинади ва мақола сўнгида Термизнинг қисқача тарихи илова қилинади⁸⁶. Аммо 1912 йилда ушбу вазифа Термизда нечоғлик даражада амалга оширилганлиги тўғрисида маълумотга эга эмасмиз. Балки Туркистон археология хаваскорлари тўғрагининг архивидан ушбу масалада маълумотлар олиш мумкин. Аммо академик Э.В.Ртвеладзенинг берган маълумотларига кўра, номаълум сабабларга кўра, Эски Термиз тарихини ўрганиш мақсадида ҳеч қандай археологик гуруҳ Термизга келмаган. Аммо шуниси маълумки, 1911 йилда Эски Термиз ҳудудидига инглиз саёҳатчиси Деллари ташриф буюриб, жуда катта миқдорда юнон тангаларини олиб кетганлиги тарихий манбаларда қайд этилган⁸⁷.

Тангалар Лондон нумизматика музейи каталогига киритилиб, жуда юқори баҳоланган. Муҳандис А.Г.Ананьевнинг таклифи билан 1912 йилда Эски Термизга рус тупроқшунос олими С.С.Неуструев ташриф буюради ва Шеробод воҳаси тупроғи таркибини ўрганади. С.С.Неуструевнинг илмий хулосасига кўра, агар XX асрнинг бошларига келиб (1912 йил) Шеробод деҳқончилик воҳасининг тўртдан бир қисми суғориладиган ерлар бўлиб хисобланган бўлса, демак, XVII асрга қадар Термиз, Ангор ва Жарқўрғон деҳқончилик ҳудудлари ўта ривожланган бўлиб, Эски Туркистоннинг энг яхши тарихий обидалари ҳам айнан шу ерда жойлашган⁸⁸. Рус манбашуноси И.В.Масальский томонидан 1913 йил Санкт-Петербургда нашр этилган Туркистон тарихига бағишланган XIX том III-бўлим XI-боби Термизга

⁸⁵ Известия комитета по изучению Средней Азии и Восточной Азии. Серия 2. №1. СПб 1911 г. с.60.

⁸⁶ Туркистанские ведомости 1911. № 232 с.4.

⁸⁷ Туркистанские ведомости за 1911. № 240 местное изделие. с.4.

⁸⁸ С.С.Неуструев. Путешествие в южную Бухару и исследование Шерабадской долины. СПб. 1915 г. с.39.

бағишланди ва Термизни ўлкадаги энг ажойиб аҳоли манзилларидан бири дея таърифлайди. Шунингдек, Масальский Термиз араблар босқинига қадар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Орол пайғамбарга дарёнинг иккала қирғоғидан «сузувчи кўприк келиб туташган эди» деган маълумотни келтиради⁸⁹. 1914 йилда муҳандис тадбиркор А.Т.Ананьев фотосуратларга бой «Шеробод воҳаси» номли рисоласининг қайта ишланган иккинчи нашрини чоп эттиради. Иккинчи нашрда тарихий маълумотлар бўлимга қисман ўзгартиришлар икритган ва Шеробод воҳасидаги тарихий обидаларнинг ноёб фотосуратларини келтирган⁹⁰.

Сурхон воҳаси аҳолисининг этномоддий маданияти

Дехқончилик . Сурхон воҳаси табиий-географик шароитга қараб уч қисмга бўлинади: суғорма ерлар, тоғли ва тоғолди ерлар ҳамда дашт-яйлов ерлар. Тоғли ва тоғолди ҳудудларга Бойсун, Деновнинг шимоли-ғарбий қисмлари, Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудлари қиради. Бу ерларда, асосан, лалми экинлар экилади. Суғорма ерлар минтақасига Шеробод дарё ҳавзасининг ўрта ва қуйи қисми, Денов ва Сариосиёнинг жануби-шарқий қисмлари ҳамда Сурхондарёси бўйлари қиради. Сурхон воҳасида илк ўтроқ деҳқончилик маданияти бронза давридаёқ шаклланган. Милоддан аввалиги II минг йилликка оид Сополлитепа манзилгоҳи Ўланбулоқсой бўйларида жойлашган илк бободеҳқонлар макони саналади. Сурхон воҳасидаги яна бир деҳқончилик манзилгоҳи бундан уч ярим минг йил олдин Шерободнинг Бўстонсой бўйларида шаклланган Жарқўтон ёдгорлигидир. Сурхон воҳасида суғориш тизими ўзига хос тарзда бўлиб, асосий сув манбалари Сурхондарё, Шерободдарё ва Амударёдир. XX аср бошларида Шеробод дарёси 24 ариққа, Сурхондарё 22 ариққа, Хўжаипок дарёси 10 ариққа, Сангардак дарёси 13 ариққа, Тўпаланг дарёси 7 ариққа, Обзаранг дарёси эса 5 ариққа сув берган.

Воҳада илк сунъий суғориш иншооти саналган Бандихон канали милоддан аввалги I минг йилликда бунёд этилган. Воҳада Бойсун, Денов, Сариосиё ва Шерободнинг тоғ олди ҳудудлари аҳолиси кишлок хўжалик экинларини дарё сувлари билан бир қаторда булоқ ва кориз сувлари билан ҳам суғоришади. Хусусан, Кўхитанг тоғларининг шарқий ёнбағрларида жойлашган Шержон, Вандоб, Зарабоғ, Қорабоғ, Пошхурд, Чакоб, Хатак, Қизилолма, Лайлагон кишлокларининг экин майдонларини суғоришда Оқтош, Ёқуббойкориз, Ёрмакориз, Чорвоқкориз, Булоқкориз номли коризлардан фойдаланишади.

Сурхон воҳаси деҳқонлари қадимдан донли экинлардан: буғдой, арпа, шоли, тарик, жўхори, оқ жўхори; дуккакли экинлардан; мош, ловия, нўхат;

⁸⁹ Россия. Полное географическое описание нашего отечества том XIX. Туркестанский край. Сост. И.В.Масальский. СПб. 1913. с. 731-733.

⁹⁰ А.Т.Ананьев. Шерабадская долина. СПб. 1914 г.

мойли экинлардан; кунжут, зиғир; сабзавот экинларидан: пиёз, сабзи, шолғом, ошқовок; полиз экинларидан: қовун, тарвуз, бодринг; техника экинлардан эса: пахта, каноп экишган.

Бронза даврига оид Сополлитепа ёдгорлигида олиб борилган археологик қазилар жараёнида хумларга буғдой қолдиқларининг топилиши воҳада деҳқончиликнинг қадимдан ривожланганлигидан далолат беради.

Воҳада буғдойнинг «туятиш», «оқбуғдой», «қизилбуғдой» каби турлари экилган. Воҳада пахтачилик соҳаси жуда қадимий тарихга эга. Воҳада олиб борилган археологик изланишлар жараёнида милoddан аввалги I асрга оид мато қолдиқлари топилган. Воҳа деҳқонлари ингичка толали пахта етиштиришда ўзига хос тажрибага эга. Воҳада қовуннинг: «кўкча», «амири», «бўрикалла», «оқ новвот», «заркокил», «чапча», «откалла», «тириш» ва «кўндалангтўр» каби навлари, тарвузнинг «қўзибой», «ҳайитқора», «чинни тарвуз», «Бўгажин», «қора тарвуз» каби турлари, ошқовокнинг: «палов кади», «сапчакди», «достор кади», «сақич кади», «жовкади» каби турлари экилган. Сурхон воҳаси деҳқонлари катта пайкалларни ва очиқ ерларни «дала» деб аташган ва бу ерларда пахта, буғдой, кунжут, зиғир ва полиз экинлари экканлар, қишлоқларнинг ичидаги сабзавот ва полиз экинлари экиладиган ерлар ҳамда бедазорлар эса “ҳаёт” (ҳаят) деб аталган. Деҳқонларнинг кўпчилиги ерларни уч пайкалга бўлиб фойдаланишган, жумладан каттароқ майдонларга буғдой, арпа, тарик, кунжут, мош ва зиғир экишган. Бу экинлар сувни оз талаб қилган ва мавсум давомида 2-3 марта суғорилган, бу экин турлари айни вақтда эрта пишган май ва июнь ойларида йиғиштириб олинган. Ҳосил йиғиштириб олинган ерлар “ангара” деб аталган, “ангара” майдонлари бир марта ҳайдалиб, ўрнига иккинчи экин (яъни кечки экин) экилган. Бундай экин турларига жўхори, кечки полиз экинлари кирган. Ер майдони кўп бўлган хўжаликлар айрим экин майдонларига дам бериш ва ернинг унумдорлигини ошириш мақсадида ҳеч нарса экмасдан ерни ҳайдаб бўш қўйишган, бундай ерлар “шудгор” деб аталган. Кузда экиладиган экинлар “оқ экин”, баҳорда экиладиган экинлар эса “кўк экин” деб аталади. «Оқ экинлар»га буғдой ва арпа киради, «кўк экинлар»га эса полиз ва сабзавот экинлари кирди. Турмуш тарзидаги ўзгаришлар жараёнида воҳа деҳқончилигига янги экин турлари ҳам кириб келган. Бундай экин турларидан помидор, картошка, карам, редиска, баклажон ва шу каби экин турларини мисол келтириш мумкин. Кузги экинлар май-июнь ойларида, баҳорги экинлар эса октябр-ноябр ойларида йиғиштириб олинган. Воҳа деҳқонлари азалдан деҳқончиликда ниҳоятда зарур бўлган маълум йил ҳисобларига қатъий амал қилган, экинлар деҳқон тақвимида биноан экилган ва йиғиштириб олинган. Қиш ва ёз фасллари тўқсон кунлик тақвим асосида ойларга бўлинган. Бундан ташқари қишки чилла ва ёзги чилла деб аталадиган ҳар бири қирқ кундан иборат бўлган ҳисоб ҳам юритилган. Воҳа деҳқонлари йилни тўрт фасл асосида қуйидаги ойларга тақсим қилган.

Баҳор: ҳамал, савр, жавзо. Ёз: саратон, асад, сунбула. Куз: мезон, ақраб, қавс. Қиш: жаддий, далв, ҳут. Ана шу фаслларга қараб ер ҳайдалган, уруғ

сепилган, ҳосил йиғиштирилган. Воҳа деҳқонлари деҳқончилик ҳомийси сифатида Бободеҳқонга сиғинишган. Бундан ташқари Хўжаи Хизр деҳқончиликда мўл-кўлчилик ҳомийси саналган. Ҳазрати Сулаймон ота эса сув ва мироблар ҳомийси сифатида улуғланган. Шунингдек деҳқончиликда мўл ҳосил олишни ният қилган ҳолда «хайр худойи», «дарвишона», «шоҳ мойлар», азиз-авлиёлар ва аждодлар руҳига атаб ис чиқариш каби маросимлар ҳам бажарилган. Воҳа аҳолиси хўжалик фаолиятининг муҳим тармоғи саналган деҳқончилик турмушни фаровонлаштириш ва тўкин-сочин бўлишида муҳим аҳамият касб этган.

Деҳқончиликнинг ривожланиши, аввало, хўжаликда ишлатиладиган меҳнат қуроли ва агротехник тадбирларга боғлиқ. Воҳа деҳқончилик хўжалигида ишлатиладиган ер ҳайдаш ва экин экиш қуроли минг йиллар давомида шаклланиб келган. Деҳқончиликда ишлатиладиган асосий меҳнат қуроли бел, кетмон, омон, ўроқ, мола, сўқа ҳисобланади. Бел – ерни юмшатишдаги асосий қурол бўлиб тепкили қилиб ясалган. Белнинг узунлиги 25-27 см эни 20-23 см, дастасининг узунлиги 1,3-1,5 метрни ташкил этган. Омон - ерни ҳайдашда ишлатиладиган асбоб саналади. Омоннинг учи темирдан ясалган ва поза деб аталган. Поза темирчилар томонидан тайёрланган. Омон бўйинтириқ ва тиркаш орқали хўкизга қўшилган. Омоннинг бўйинтириқ ва тиркаш қисмлари ёғочдан ясалган. Омон билан ер ҳайдаш «қўш ҳайдаш» деб номланган.

Ҳайдалган ерларнинг кесагини эзиш ерни текислаш ва сепилган уруғни устидан тупроқ тортишда моладан фойдаланилган. Моланинг 2 тури мавжуд бўлиб, бири катта узунлиги 3-3,5 м бўлиб, кўп йиллик ўрик ва тут ёғочидан ясалган. Моланинг эни 40-60 см бўлган. Мола ҳам хўкизга қўшилган. Мола яшашнинг имкони бўлмаганда моланинг ўрнига омоннинг шотиси ишлатилган. Моланинг кичиги 2-2,5 м чамаси бўлган буни қўш хўкиз ёки от тортган.

Деҳқончиликда кенг ишлатилган меҳнат қуроли кетмон бўлиб, ҳажми ва шаклига қараб кетмонлар фарқланади. Эни 30-32 см узунлиги 25-27 см бўлган кетмонлар тупроқ ишларида, жўяк олишда ерни текислашда кенг қўлланилади. Ҳажми кичик кетмонлар эса ўсимликларнинг тагини юмшатишда ва чопиқ қилишда ишлатилади. Кетмон темирчилик устахоналарида тайёрланади, кетмон сопи эса тол дарахтидан йўнилади. Деҳқонлар арпа, буғдой, беда, тарик, кунжут каби экинларни ўриб олишда ўроқдан фойдаланишади. Ўроқнинг икки хили бўлиб, биринчиси кичик ўроқ, иккинчиси чалғи деб аталади.

Воҳа деҳқонлари қадимдан сувни тежашга жуда катта эътибор беришган, шунинг учун ҳам экиш ва суғориш усули экин турига қараб танланган.

Полиз экинлари жўяк олиб, сабзавот экинлари эгат олиб, беда ва шоли экинлари эса пол қилиб суғорилади, ерни шудгорлаш муҳим агротехник тадбир саналиб, куз ойларида амалга оширилади. Зироатчилик билан шуғулланиш деҳқондан кўп нарсани талаб қилган экишни бошлашдан олдин анъанавий бой тажрибага таянилади. Воҳа деҳқонлари ҳар бир экиннинг

шароитига қараб суғоради ва агротехник тадбирларни амалга оширади. Ернинг унумдорлигини ошириш ва мўл-кўл ҳосил олиш учун ер мунтазам тарзда маҳаллий ўғитлар билан озиклантириб турилади, ерни ўғитлашда асосан гўнг ишлатилган. Экин экиш ишлари ҳамал кириши билан бошланган, кузги йиғим-терим ишлари эса мезон кириши билан амалага оширилган. Ҳосилдорликни ошириш ва деҳқончиликни юксалтиришда ерни ҳайдаш, алмашлаб экиш, портов ер қолдириш каби агротехник тадбирлар муҳим рол ўйнаган. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижасида воҳа деҳқонларининг фаолиятида ҳам улкан ўзгаришлар ясаган. Хусусан, янги техника ва агротехник тадбирларнинг қўлланилиши деҳқончиликда ҳосилдорликнинг ошишига замин ҳозирлади. Мустақиллик туфайли республикамизда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар жараёни қишлоқ хўжалигида ўз самарасини берди. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Ота-боболаримиз қолдирган юксак деҳқончилик анъаналаридан хабардор бўлган фермер хўжалиқларининг соҳиблари йилдан-йилга мўл-кўл ҳосил йиғиштириб, республикамиз халқ хўжалигини юксалтиришга ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Боғдорчилик. Воҳанинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида боғдорчилик хўжалиги анча яхши ривожланган.

Воҳада боғдорчилик алоҳида хўжалик тури сифатида ажралиб чиқмаган, балки деҳқончиликнинг таркибий қисмларидан бири саналади. Воҳа боғбонлари: олма, ўрик, шафтоли, анжир, анор, бодом, ёнғоқ, жийда, шотут, беҳи, узум экишда ўзига хос тажриба орттирган. Воҳада тўрт томони пахса девор билан ўралиб битта дарвоза ёки эшик қўйилган, томорқалар чорбоғ деб аталган. Бундан ташқари боғларнинг четларига уй қуриш учун маҳаллий терак ва тол экилган. Ҳовуз ва булоқларнинг бўйларига, йўл четларига чинор ва гужум экилган. Сайробдаги чинорнинг экилганига қарийб минг йиллар бўлган. Ушбу чинор йўғонлиги ва танасининг коваги билан одамларнинг диққатини тортади. Тоғли ва тоғ олди қишлоқлари боғроғларни яратишга ниҳоятда қизиқади. Шу боисдан ҳам Ҳазарбоғ, Навбоғ, Қорабоғ, Яккабоғ, Зарабоғ каби қишлоқларнинг номи ҳам бевосита боғдорчилик билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Воҳанинг Дашнобод қишлоғи ўзининг анорлари билан анча машҳур. Анорнинг оқ анор, қизил анор, ширмойи анор, балхи анор, султони анор каби турлари экилади. Авлод, Сина, Сангардак, Қизилолма, Шержон қишлоқлари эса олмалари билан машҳур. Бу ерларда олмаларнинг «қизил олма», «оқ олма», «шўр олма», «тош олма», «ҳолвали» каби турлари анча кенг тарқалган. Нокнинг «гулоби», «нашвати» каби турлари айрим тоғли ҳудудларда азалдан экиб келинган. Ўрик ўстиришда Саловат, Шержон, Қорабоғ, Зарабоғ каби қишлоқларда ўзига хос тажриба тўпланган Саловат қишлоғида ўрикнинг «бузругхони» нави етиштирилади. Воҳада азалдан экиб келинадиган дарахатлардан тут дарахти ҳисобланади, тутнинг «балхитут», «шотут», «хуросонитут», «оқчинор тут», «беданатут», «қоратут» каби турлари мавжуд. Тут меваларидан шинни, тутмайиз, мураббо, тут ҳолва каби озиқалар тайёрланади.

Узумчилик воҳанинг Хўжасоат, Қорлуқ, Жоби, Обишир, Тўхтамиш, Зардакул қишлоқларида кенг тарқалган. Узум токлари сўрисиз ерда ёйиб ёки ишқом ва войиш кўтариб ўстирилади. Узумнинг «хусайни», «оқ кишмиш», «қора кишмиш», «тойпи», «тўрмана», «наҳол», «қора бахтиёри», «аллаки», «қизил сурхон», «чов сурхон», «келинбармоқ», «авақ», «шивирғони», «султони», «сопидак», «кампирузум», «чилги», «сурхак», «отбағри», «милдир узум», «туятиш», «обаки», «эшвой», «сабзак», «қанёруғ» каби турлари бор. Сурхон боғбонлари узумнинг шираси ва турига қараб 28 турга ажратишади.

Сурхон воҳасининг Боботоғ тизмаларида азалдан табиий пистазорлар ҳам мавжуд, маҳаллий аҳоли писта меваларини териб олиб бозорларга чиқаришган. Воҳа аҳолиси ёз бўйи сарҳил мевалардан баҳраманд бўлибгина қолмасдан, уларни қиш учун ҳам қуруқ мева сифатида сақлашади. Жумладан олмақоқи, олчақоқи, қаролиқоқи, ўриққоқи, шафтолиқоқи, анжирқоқи, тутмайиз, майиз, бодом, писта, ёнғоқ, жийда каби мевалар қуруқ мева сифатида қишда ҳам истеъмол қилинади ҳамда бошқа ҳудудларга сотиш учун бозорларга чиқарилади. Воҳа аҳолиси тол, тут, ўрик, ёнғоқ, заранг ёғочларидан бешик, ўрмақсоз, идиш-товоқ, сават, эшик, ром, ўтовнинг жиҳозлари турли уй-рўзғор буюмлари ҳам тайёрлашади. Хуллас, боғдорчилик хўжалиги воҳа аҳолиси хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми саналади.

Хунармандчилик. Сурхон воҳасида ўтказилган археологик тадқиқотлар бу ерда икки минг йиллар муқаддам хунармандчилик кенг ривожланганлигини исботлайди. Воҳанинг Бронза даврига оид Сополли маданиятини ўрганиш жараёнида бу ерда хунармандчиликнинг кулолчилик, заргарлик, бинокорлик соҳаларининг анча ривожланганлиги аниқланди. Илк темир даврида воҳада шаклланган Кучуктепа маданиятида ҳам Сополли маданиятининг хунармандчилик аънаналари давом эттирилди. Милoddан аввалги VII аср ўрталарида Кучуктепа маданияти замирида Бактрия маданияти шаклланди, бу маданиятда ҳам хунармандчиликнинг кулолчилик, тўқувчилик, бинокорлик, темирчилик, заргарлик каби соҳалари анча юксалганлигини кузатиш мумкин. Хунармандчиликнинг мустақил хўжалик сифатида шаклланиши натижасида воҳадаги шаҳарлар хунармандчилик ва савдо марказларига айлана бошлади. Одатда хунармандчиликнинг энг камида 32 хили мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойга шаҳар мақоми берилган. Бундан кўриниб турибдики, воҳада хунармандчиликнинг қатор тармоқлари жадал раванқ топган. Воҳа аҳолисининг чет мамлакатлар билан иқтисодий-маданий алоқаларининг ўсиши ҳамда халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга талаб ва эҳтиёжнинг ортиши хунармандчиликнинг ривожига сабаб бўлган Юнон-Бактрия ва Кушонлар даврида ҳам воҳада хунармандчиликнинг шишасозлик, кулолчилик, бинокорлик ва заргарлик соҳалари анча юксалган. Илк ўрта асрларда Тоҳаристон ва Чағониёнда шишасозлик хунари жадал ривожланган. Тоҳаристон усталари ҳаворанг, кўк шишалардан турли нафис идишлар тайёрлаган. Манбаларда таъкидлашишига “Тоҳаристонлик усталар

хитойликларни шиша тайёрлашнинг баъзи сирларидан воқиф этишган. Илк ўрта асрларда кулолчиликнинг Кушонлар даври анъаналари жадал давом эттирилган. Бу даврда темирчилик хунари ҳам анча ривожланган. Жумладан Кўхитанг ва Бойсун тоғларидаги темир конларидан маъдан қазиб олиш йўлга кўйилган. X асрдан бошлаб Бойсунтоғ жанубий ёнбағридаги Тўда, Хўжа Қашқарон, Аллами, Хомкондаги Чўянли, Кўхитангдаги Кампиртепа (Кониपुर) атрофларида кончиларнинг йирик-йирик устахоналари ва маҳаллалари бўлган.

Воҳада тўқимачилик соҳаси ҳам анча қадимдан ривож топган. Ангор туманидаги Қулоғлитепадан пилла қолдиқларининг топилиши, Термиздаги “Кўрғон” ва Болаликтепадан топилган кийимлар ва мато бўлаклари воҳада тўқимачилик ривож топганлигини исботлайди. Чағониённинг Дарзанги қишлоғи тўқимачилик маркази саналган. Ҳунармандчилик устахоналари нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Далварзинтепа яқинидаги Фармалитепа қишлоқ жойлардаги ана шундай кулолчилик устахоналаридан бири бўлган. Термизда кулоллар, темирчилар, шишасозларнинг маҳаллалари бўлган. IX асрдан бошлаб Термиз ва Чағониён кулолчилигида сирланган идишлар яшаш ўзлаштирилган. Ўрта асрларда термизлик кулоллар симоб кўзачалари яшашда ҳам машҳур бўлган.

Воҳа ҳунармандчилигининг яна бир муҳим хусусияти унинг кўп соҳалари бевосита уй-рўзғор хўжалиги билан боғлиқлиги эди. Кўпгина ҳунармандлар асосий касбидан ташқари боғдорчилик ва деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келган. Ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни бозорларга чиқариб сотиш билан бир қаторда, қишлоқ жамоалари эҳтиёжи учун зарур бўлган ҳунармандчилик маҳсулотларини жамоа аъзоларига етказиб бериб, эвазига маҳсулот билан ҳақ олган. Уй - рўзғор касб-корлигида ип йигириш, тўқиш, кигиз босиш каби соҳалар муҳим ўрин тутган. Ҳунармандчиликнинг равнақи ишлаб чиқарувчи кучлар ва товар пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Воҳа ҳунармандлари ўз устахоналарини, асосан, уйда баъзилари эса бозорларда бунёд этганлар. Ҳунармандлар ўз ижтимоий ташкилотларига эга бўлиб, махсус уюшмаларга бирлашган.

Ҳунармандлар ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат қуролларини доимий тарзда ривожлантирилиб, мукамаллаштирилиб, халқнинг хўжалик ва турмуш тарзига мослаштириб борган. Ҳунармандчиликнинг шундай турлари бўлганки, бу турлар билан фақат баъзи оилалар ва маҳаллалар шуғулланган, ана шу ҳунар турига қараб ҳам оила, маҳалла ва қишлоқлар номланган. Масалан Абдураим кулол, Шодмон темирчи оилалари, Бойсундаги Чармгарлар маҳалласи, Шерободдаги Эгарчи ва Чўянчи қишлоқлари ҳунармандчилик соҳаларининг номлари билан аталади.

Ҳунармандчиликнинг қайси турининг қайси ҳудудда равнақ топиши авваламбор аҳолининг ўтроқ, ярим ўтроқлигига, ҳудуд табиатига, хом ашёнинг мавжудлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Масалан Шерободда кулолчилик, Деновда темирчилик ва заргарлик, Бойсунда тўқувчилик, тикувчилик, чармгарлик ҳунарлари анча равнақ топган. Воҳада яшовчи ўтроқ

аҳоли хунармандчиликнинг темирчилик, дурадгорлик, тўқимачилик, тикувчилик, кулолчилик, тегирмончилик, жувозкашлик, каштачилик, дўппидўзлик, этикдўзлик, заргарлик, чармчилик соҳалари билан шуғулланган бўлса, ярим ўтроқ аҳоли асосан гилам тўқиш ўтовлар учун керакли анжомлар тайёрлаш ҳамда хўжалик учун зарур буюмлар (қоп, арқон, ойна халта, туз халта, пўстин, тулуп, меш, қовға, эгар-жабдук, пойафзал ва ҳоказо) тайёрлашган. Воҳа хунармандчилиги устоз-шогирдлик анъаналари асосида авлоддан-авлодга ўтиб ривож топиб келган. Хунармандлар ўз шогирдларини шогирднинг касбга бўлган қизиқиши, меҳнатга чидамлилиги, сабр-бардоши ва касбни ўзлаштириш маҳоратига қараб шогирдликка олган. Шогирд касбни етарли даражада ўрганиб олганидан сўнг ўз устаси ёнида халфа вазифасида қолиб ишлаши ёки мустақил тарзда дўкон очиб фаолият юритиши мумкин бўлган. Воҳа хунармандлари давлатга закот солиғини тўлаб турган.

Хунарманд усталарнинг ҳам ўз ҳомий пирлари бўлиб, улар ўз пирларига атаб худойи ва садақалар чиқариб турган. Жумладан кулоллар пири Ҳазрат Али, рангрелар пири Ҳазрати Жаброил, косиблар пири Бобои Шавқи Порадўз, буюм ва матога нақш берувчи наққошлар пири Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд бўлган. Умуман воҳа аҳолисининг хўжалик фаолиятида хунармандчилик соҳаси муҳим ўрин тутиб, халқ турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган. Бироқ Совет тузуми давридаги нотўғри сиёсат туфайли воҳада хунармандчилик соҳасига жиддий эътибор берилмади, аксинча хунармандчилик уюшмалар тугатилиб, кўпгина хунар турлари унутилиш даражасига келиб қолди. Мустақиллик шарофати билан хунармандчилик соҳасига яна жиддий эътибор берилиб хунарманд уюшмалари ташкил этилди. Айниқса, касаначиликка берилаётган эътибор туфайли унутилиш даражасига келиб қолган кўпгина хунар турлари қайтадан тикланиб, аҳолининг кундалик талаб эҳтиёжларини қондиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кулолчилик. Сурхон воҳасида энг қадимий хунарлардан бири кулолчилик хунаридир. Кулолчилик хунарининг ўлкада юксак даражада ривожланганлигини Сополлитепа ва Жарқўтонда олиб борилган археологик изланишлар жараёнида топилган нафис сопол буюмлари ҳам исботлаб турибди. Сополлитепа ва Жарқўтон сопол буюмлари кулолчилик чархида ясалган бўлиб, ўзининг бежиримлиги ва жарангдорлиги билан диққатга сазовордир. Кулолчилик хунари воҳанинг барча худудларида қадимдан халқ эҳтиёжидан келиб чиқиб раванқ топган, жумладан, Эски Термиздаги кулоллар маҳалласи бир неча гектарни ташкил этган. Ўрта асрлар шароитида ишлаб чиқарилган симоб кўзачалар фақатгина Термиз кулоллари томонидан ишлаб чиқарилган. Сурхон воҳаси кулолчилиги, асосан, 2 турга бўлинган, улар косагарлик ва кўзагарликдан иборат бўлган. Биринчи турга ёйиқ шаклда ишланган идишлар киради, уларнинг катта қисмини турли ҳажм ва атамаларга эга бўлган товоқлар ташкил этган. Бундан ташқари таом ва ичимликлар ҳамда сут маҳсулотлари солинадиган шокосалар ҳам киради. Иккинчи турга баланд бўйлик турли ҳажм ва шаклга эга бўлган идишлар киради. Улар сув солинадиган кўзалар, маҳсулот сақлайдиган кенг оғизли

идишлар ва бошқалардан иборат. Сурхон воҳасида косагарлик гуруҳига кирувчи идишлар сирланган, кўзагарлик идишлари эса сирланмаган. Воҳа кулоллари кичик ҳажмли идишлар ҳам ишлаб чиқарган, булар туздон, чирок ва шамдонлар бўлган. Кўзагарлик гуруҳига оид идишларнинг кенг оғизли, болдоқсиз туваклар, сув ва сут солинадиган кўзалар характерлидир.

Кулоллар коса, товоқ, хум, пиёла, кўза, офтоба, тувак ва турли шаклдаги шувиллоқ (хуштак)ларни бозорларга чиқарган. Хуштаклар орасида чумчуқсимон, такасимон, кўчқорсимон ва найсимонлари кўпроқ ясалган. Шерободда Абдурайим кулол, Бойсунда Қора жебачи каби кулоллар машхур бўлган. Кулолларнинг дўкони одатда уйнинг бир хонасида ёки ҳовли яқинида жойлашган, дўкондаги ишлаб чиқариш қуроллари асосан хумдон ва чархдан иборат бўлган. Кулолчилик чархи халқа шаклидаги иккита катта-кичик тахта вертикал ўқдан иборат бўлиб, ўқнинг пастки қисми тош ёки ёғочдан ясалган тағдош (тош кунда)га ўрнатилган. Юқори томонидан кичик ёғоч диск (калларчарх)ни уста ўтирғич (отёғоч)да ўтириб, пастки катта дискни оёғи билан айлантириб юқоридагисига лой қўйиб идиш ясайди. Идиш тегишли шаклга келгач, чархдан пичоқ ёки ўроқ билан кесиб олинади ва куритилади, сўнгра хумдонда пиширилади. Кулолар устохонасида бўёқ ва сир тайёрлаш учун турли ҳажмдаги қозон, қўл тегирмони (ёрғучоқ) элак, мўйқалам, маҳсус пичоқ (кажкард) ва бел бўлган кулоллар катта хумларни эса қўлда яшашган, косаларни безашда тўқ яшил, зангори, фируза ранглар геометрик шаклда чизиб чиқилган. Доира шакли коинот, табиат тимсолини англаган ва улар доимо ҳаракатда ҳайвонот ва наботот олами қуршовида деб тушунилган. Воҳа кулолчилигида тандирсозлик ҳунари ҳам муҳим ўрин тутган, тандирлар 2 хил усулда ясалган. Биринчи усулда ердан қолип қазиб тандир шу қолипда ясалган, иккинчи усулда эса бир ёки икки пеш лой олиниб ёғочдан ясалган товонча ва сополдан пиширилиб ясалган чундак билан бир бирига туташтириб қўлда ясалган. Воҳа кулолчилики анъаналари ҳам авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келган, шу боисдан ҳам воҳада уста кулоллар, тандирсоз усталар кўплаб етишиб чиққан.

Темирчилик. Темирчилик ҳунармандчиликининг қадимий тармоқларини бири саналади, бу соҳанинг ривожига даставвал маҳаллий хом ашёга боғлиқ. Темир маъдани воҳанинг Кўхитангтоғ ва Бойсунтоғдаги конларидан қазиб олинган. Бойсун беклигида 25 та руда эритиш печлари бўлиб унда 50 киши фаолият юритган. Металл қуйиш билан боғлиқ касблардан бири дегрезлик санаган, дегрезлар баъзан позачи ёки позагар (омоч тиши қуюувчи) деб ҳам номланган. Дегрезлар қозон, поза, чой идиш, обдаста, шамдон, қорачироқ, арава ғилдирагига такчуён, жувоз бошмоғи кабиларни ишлаб чиқарган. Айрим жойларда дегрезлар чўяндан қуйиладиган маҳсулотга қараб чўянгар ёки чўянчи ҳам деб аталган.

Чўян қуювчилар чўянни лойдан қурилган босқонли ўчоқ (кўра)ларда эритиб, қумдан ясалган қолипларда қуйишган. Бойсунда чўян қуйиш корхонаси бўлиб, унда тошкўмир ёқилғисидан фойдаланилган. Чўян қуйиш устахоналарида ойда икки марта чўян эритилган. Чўян қуйишда чорчўп, исканжа, белкурак, лавгир, товонча, таганак, чамбар, тарнов, чўмич, энтахта,

сихча каби асбоблардан фойдаланилган. Металл буюмлар ишлаб чиқариш хунармандчилигида темирчилик муҳим ўрин тутган. Бойсун ва Денов бекликларида темирчилик анча ривожланган, хусусан, Деновда ўнга яқин темирчилик устахоналари бўлган. Темирчи усталар қурол-яроғ, пичоқ, кулф-калит, кетмон, бел, теша, болта, мих, қайчи, игна-бигиз, сувлик, тақа ва бошқа зарурий эҳтиёж ашёларини ишлаб чиқарган. Бойсун ва Юрчи темирчилари айниқса, устара ясашда машҳур бўлиб, устара оддий темирдан ясалган ва унга ялтироқ тус берилган. Бойсунда пичоқчилик ҳам анча раванк топган, пичоқчиларнинг дўконлари одатда бозорда, баъзан эса уйда жойлашган. Темирчи усталарнинг ишлаб чиқариш қуроллари сопдон, босқонли ўчоқ (қўра), супа, катта-кичик болғалар, омбир, қискич, эгов, оташкурак, қайроқличарх ва ҳоказолардан иборат бўлган. Темирчи усталар ўзларига ҳазрати Довудни пир ва ҳомий деб билишган ва унга атаб доимо исчиқариб туришган.

Маъдансозликнинг яна бир муҳим тармоғи мискарлик хунари бўлган. Будрач шахрини қазиб давомида топилган маъдан тайёрланган идишлар хазинаси ўлкада мискарликнинг қадимдан жадал тараққий этганлигидан далолат беради.

Мискар усталар мис идишларни икки йўл билан ясаганлар:

1. Эритиб қолипларга қуйиб орқали.
2. Болғалаш орқали. Бунда мис болғаланиб, кейин бир-бирига улаб, идиш шаклига келтирилган. Болғалаб ясашда маъдан сондонда тез-тез қиздирилиб турилган, буюмлар ясалгач, тозаланиб, нақш берилган. Жумладан, кашкул (уй рўзғорда ишлатилган чуқур мис идиш бўлиб уни дарвиш ва қаландарлар ёнбошига осиб, пул ёки бирор нарса солиб юришган), қумғон, обдаста, мис лаган, мис товоқ, мис кўза, мис коса, мис хумча ва ҳоказолар асосан болғалаш усули билан ясалган.

Мис чойдушлар ишлаб чиқаришда Деновнинг Галаосиё қишлоғи мисгарлари анча машҳур бўлишган. Машҳур мисгар уста Боратбой томонидан 1792 йилда тайёрланган чойдиш ҳозиргача сақланиб қолган. Мискарлар сув солиш баъзан сув қайнатиш учун қумғон ҳам ясашган, воҳа қумғонлари оғзи ва ўртаси катталиги билан обдасталардан фарқланган. Қумғонлар юпқа мисдан ишланиб, марказий қисми овалсимон бўлган, қумғонлар гулсиз бироқ ниҳоятда силлиқ ва ранги қизил бўлган.

Юрчи беклигининг мисгарлари ўзлари ясаган мис офтобалари билан анча машҳур бўлишган. Мис буюмлари нафис нақшлар билан безатилиб, ўзининг жозибадорлиги ва юксак савияси билан киши диққатини ўзига жалб қилган. Маъданни қайта ишлаш соҳаларидан яна бири заргарлик хунаридир, воҳада заргарлик хунари жуда қадимдан тараққий этганлигини Далварзин тепадан топилган олтин буюмлар хазинаси ҳам исботлайди. Заргарлар ўз заргарлик буюмларини мис, қумуш ва олтиндан ясашган. Заргарлар “Зебисина”, “Тилла баргак”, “ақик”, “Қўлтиқ тумор”, “Заркокил”, “Халқай Муҳаммади”, “Халқай сепоя”, “Халқай бешоёқ”, “Тиллақош”, “Бибишок” каби заргарлик буюмларини ясашган.

Заргар усталар айниқса, халқ орасида алоҳида нуфузга эга бўлган. Воҳанинг амалдорлари ҳам заргарларга буюртма бериб, узукларига муҳр туширишган, ушбу муҳрларга Шеробод беги ёки Денов қозиси деган ёзувлар ёзиб қўйилган. Заргар усталар олтин, кумуш, мис, шунингдек, қимматбаҳо тошлар (қизил ёқут, лаъл, зумрад) рангли тошлар (феруза, сердолик, ложувард), денгиз инъомлари (дур, маржон, садаф)ларга ишлов бериб нафис заргарлик буюмлари ясашган. Заргар усталар соф ҳолда олтин-кумушларни ишлатишмаган, сабаби олтин табиатан юмшоқ маъдан бўлганлиги учун ҳам унинг мустаҳкамлигини ошириш учун мис ва жез қўшиб ишлов беришган. Заргарлар олтин ва кумушга болғалаш, қиздириш, сайқаллаш, пардозлаш, буюмга кўз босиш, тилла суви юритиш каби ишлар билан ишлов берган.

Тўқимачилик. Сурхон воҳасида анча ривожланган хунурмандчилк тармоқларидан бири тўқимачилик саналади. Тўқимачилик хунари воҳанинг барча худудларида ўзига хос тарзда мавжуд бўлган бўлсада, Бойсун ва Деновда жуда яхши тараққий этган. Тўқимачилик хунари, асосан, уй шароитида сидирға ва гулдор ип, ипак ва ярим ипак газламалар тўқилган. Айниқса, қалами, олача, сўси, чит, жанда, шойи, атлас, бўз, беқасам каби матолар кўплаб тўқилган. Бундан ташқари жундан шол, босма, қокма каби матолар кўплаб тўқилган ва бу матолардан, асосан, устки кийимлар тайёрланган. Тўқимачилик таркибида ип йигириш, мато тўқиш ва бўяш каби бир неча тармоқлар бўлган, ип йигирувчиларнинг асосий хом ашёси пахта, жун ва ипак бўлган. Воҳада ишлаб чиқарилган матолар ўзининг рангдорлиги ва гўзаллиги билан фарқланиб турган. Матоларни ишлаб чиқариш аҳолининг анъанавий хўжалиги машғулоти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Чунки воҳа аҳолиси пахта етиштириш ва ундан мато тайёрлаш билан қадимдан шуғулланиб келган. Пахтадан уй шароитида мато тўқиш учун пахта чигити махсус асбоб “халажи” ёрдамида ажратиб олинган. Пахта ва жун иплар чарх ёрдамида йигирилган, йигирилган иплардан “дўкон” деб номланувчи тўкув мосламасида турли матолар тайёрланган. Тўқимачилик дастгоҳида тўқиладиган матоларнинг узун тортилган иплари “танда” ёки “ўриш” деб, кўндаланг тортилган ипи эса “арқоқ” деб аталган. Мокига танда ўтказилиб, ҳар сафар дўкон дастаси билан жипсланган. Матолар қаричлаб ўлчанган, матоларнинг эни қисқа, яъни 35-40 см бўлган, дўконда икки марта олинган мато бир кийимлик бўлган. Воҳанинг Бойсун тумани олача, жанда, шойи тўқишнинг марказларидан бири саналган. Олача йўл-йўл мато бўлиб, йўллари қизил, қирмизи, зангори ва тўқ яшил ранглар билан туширилган. Жанда матоси Бойсуннинг Сариосиё қишлоғида тўқилган, жанда тўқишда Мусулмон Қаҳҳоров анча ном чиқарган. Жанда тўқиш учун ишлатиладиган оқ пахта Жарқўрғондан, бўёқ эса Деновдан келтирилган жанда матосининг эни 50 см бўлиб, жандадан битта тўнни тайёлаш учун 7-8 метр мато кетган.

Сўси йўл-йўл гулли юпка мато саналади, сўси тўқишда танда иплар билан арқоқ ораси очикроқ қилиб, олачадан юбка ва йирик қилиб тўқилади. Қишлоқ аҳолиси кийим-кечак тикишда кўп ишлатиладиган матолардан бири бўз бўлган, бўз пахта ипидан дағалроқ қилиб тўқилган. Ипак олиш учун пилла қайта ишланиб, ипак иплар чархларда йигирилган. Бундан ташқари

ипак ип ва матодан саллалар четига жияк, чироз тўқиш, сочга тақиш учун сочпопуклар ҳам тайёрланган. Айниқса Бойсун шойисининг шуҳрати анча юқори бўлган, маҳаллий хунармандлар тайёрлаган матолар уй шароитида бўялган. Бўёқ тайёлаш усули узоқ йиллик тажриба ва машаққатли меҳнат маҳсули бўлиб, анча сир тутилган. Маҳаллий бўёқчилар ранг тайёлаш учун воҳада ўсадиган маҳаллий ўсимликлар рўян, испарак, мардона, жинжак, анор ва ёнғоқ пўстларидан фойдаланиб турли ранглар ҳосил қилишган. Матоларни бўяш жараёни тўқишдан аввал бажарилган, бундан ташқари матоларга босма нақшлар ҳам солинган. Матоларга босма нақшлар солишда бир неча қолиплардан фойдаланилган, қолиплар юзига турли нақшлар ўйиб чиқилган, нақшнинг асосий ва ташқи чизиғи бўлган. Нақш солиш учун қолиплар терак, тол, заранг, ўрик, бодом ва ёнғоқ дарахтларининг ёғочидан қилинган. Қуритилган ўсимлик илдизи пояси ва анор пўстлоғининг қайнатмасидан тайёрланиб, темир занги кўшилган сувга мевали дарахтнинг қуюқ елими аралаштирилиб, қора рангли қоришма ҳосил қилинган. Кейин шу қора рангга ботириб олинган қолиплар матога босилган, воҳада матонинг бўяш билан шуғулланувчилар “нилчи”, матога гул босувчилар эса “читгар” деб аталган. Воҳада ҳар бир устанинг ўзига хос иш услуби матога гул босиш жараёнида яққол кўринган, гул қолиплар кўпга чидамли ва отадан-болага мерос бўлиб қолаверган. Воҳада кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли матоларни жундан тўқиган, жун аввало ювиб, махсус жун тароқларда титилган. Сўнгра махсус савачўп ёрдамида савалган ва йигирилиб ип ҳолатига келтирилган. Жун иплар асосан тузли сувда қайнатиб олинган, шунинг учун ҳам жун иплар пишиқ ва чидамли бўлган. Воҳанинг дашт, тоғли ва тоғ олди минтақаларида яшовчи чорвадор аҳоли нафақат жундан кийим-кечак, қолаверса, кундалик хўжалик ашёлари гилам, халта, кигиз, хуржун, халта, напрамачлар ҳам тайёрлашган. Кўй жуни, туя жуни ва эчки жуни (тивит) мато тайёрлашда асосий хом ашё бўлган. Эчки жунидан тивит, салла, пайтава ва рўмол тайёрланган. Туя жунидан кўпроқ чакмон тикилган, қўнғирот ва дўрмон қабилаларининг зодагонлари, асосан, оқ чакмондан устки кийим кийишган. Бундан ташқари туя жунидан жойнамоз, дастурхон ҳатто кўрпа ҳам тайёрланган. Кўй жунидан йигирилган ипдан ерга ётқизиб тўқиладиган ўрмакларда “шол” мато тайёрланган. Хуллас, хунармандчилик хўжалигининг таркибий қисми саналган тўқимачилик воҳа аҳолисининг турмуш тарзида муҳим ўрин тутиб, аҳолининг кийиниш маданиятига жиддий таъсир кўрсатган.

Уй-рўзғор буюмларини яшаш хунармандчилиги. Сурхон воҳасида уй-рўзғор буюмларини яшаш хунармандчилигида дурадгорлик (йўниқчилик) ва бўйрачилик хунарлари муҳим ўрин тутган, дурадгорлик асли қурилиш касби билан бевосита боғлиқ бўлган. Маҳаллий усталар ёғочдан ҳар хил ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, транспорт воситалари (арава, кема) устунлар, сандиқ ва бешиклар, эшик ва ромлар, чарх, эгар ва ҳоказо буюмлар яшашган. Дурадгорларнинг иш қуроллари бир неча хил арралар, болта ва тешалар, қачов ва ранда (ўроқ ранда, мужранда, тахта ранда) болға ва исканалардан иборат бўлган.

Ҳар бир шаҳарда уй-рўзғор буюмларини ясайдиган уста харротлар яшаган, улар бешик, ҳар хил чарх, ўқлов, жувоз, дук, урчук, чилим, ўғир каби буюмларни ясашган. Сурхондарёда яшовчи лўлиларнинг бир тоифаси товоқтарошлик билан шуғулланган, товоқтарош лўлилар тол новдаларидан товоқ, қошиқ, чўмич ясашган. Амударё бўйида яшовчи туркманлар эса қайиқ ясашда анча ном чиқарган. Ёғоч ўймакорлари турли хил тагликлар, сандиқлар, қутичалар, токчалар, бешиклар ва эшиклар ясашган. Бойсунда сандиқсозлик анча раванқ топган, сандиқлар терак, ёнғоқ, қарағай ёғочларидан тайёрланган. Сандиқлар ясалаш услуби ва қўлланилишга қараб икки турга бўлган, остки сандиқ таглик деб аталиб, олд қисмига ўрнатилган эшикчасидан очилган. Сандиқнинг бу турида, асоса, майда уй-рўзғор буюмлари ва идиш-товоқлар сақланган. Устки сандиқнинг тузилиши оддий қилиб ясалган ва тепага қараб очилган, сандиқларнинг устига тахмон тахланган. Сандиқларнинг яна бир тури чўп сандиқ деб аталган, бу сандиқ ёғочни бириктириш орқали ясалган ва эшиклари ён томонга суриб очилган. Чўп сандиқларнинг юзига туника қопланмаган балки, ўйма нақшлар билан безатилган.

Воҳада яшовчи ярим кўчманчи кўнғиротлар, жуз ва дўрмон қабилалари ўтов ясашда ҳам дурадгорлик ҳунаридан фойдаланишган. Ўтовнинг ёғоч қисмлари ўтов суяги деб аталган, битта ўтовнинг суягини тайёрлаш учун ўн кун керак бўлган. Ўтов суягини тайёрлашда асосий материал тол ва терак новдалари бўлган. Ходаларни бир-бирига мустаҳкамлаш учун михлар ўрнида чарм ишлатилган, ходаларни эгиш учун қалин ёғочдан ясалаган дастгоҳ “тиз” деб аталган. Воҳада ясалган бешиклар ҳам ўзгача бўлган ва бошқа минтақаларда тайёрланган бешикларга ўхшаб ранг билан гул солинмаган, балки ёғочга куйдириб гул солиш ёки ўйма гул солиш усуллари қўлланилган. Воҳада бўйра тўқиш ҳунари билан шуғулланувчилар бўйрачилар деб аталган, ҳатто Шерободда Бўйрачи маҳалласи бўлган. Бўйра қамиш новдаларидан тўқилган, бўйра кигиз ёки гилам тагидан ерга тўшалган. Шунингдек уйларнинг устини ёпишда ҳамда ўтовларнинг атрофини айлантиришда “чий” сифатида бўйрадан фойдаланилган. Умуман, воҳада уй-рўзғор буюмларини яшаш анъанаси қадимдан сайқал топиб авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ноёб ҳунар турларидан бири саналади.

Кўнчилик. Кўнчилик – ҳайвон терисига ишлов бериш билан боғлиқ ҳунармандчилик туридир, ҳунармандчиликнинг бу тури жуда қадим тарихга эга ва аҳолининг турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Ибтидоий одамлар сўнги полеолит давридаёқ терига ишлов бериш ҳунарини ўрганишган.

Сурхон воҳаси аҳолиси ҳам қадимдан кўнчилик, яъни чармсозлик ҳунари билан шуғулланиб келади. Воҳанинг ярим кўчманчи кўнғирот, жуз, қорлик, дўрмон қабилалари терига ишлов бериш орқали ажойиб уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак ва пойафзал тайёрлашган. Воҳанинг ўтроқ аҳоли яшайдиган қишлоқлари ва шаҳарларида ҳам кўнчилик ҳунари билан шуғулланадиган уста ҳунармандлар истиқомат қилган. Кўнчилик маҳсулотлари маиший ҳаётда кенг қўлланилганлиги сабабли жуда

харидоргир бўлди, кўнчилар ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳоли ўртасидаги савдо алоқаларида муҳим ўрин эгаллаган, асосан, мол терисига, қўй терисига, эчки терисига ишлов беришган. Бундан ташқари молларнинг ичагидан ғалвир ва элак иплари, чолғу асбобларининг торлари ҳам эшилган, шунингдек, хўкиз пайлари қайнатилиб дурадгорликда елим тайёрлашда ҳам ишлатилган.

Кўнчилар чармдан меш, тулуп, саноч, халта, супра, пўстак, айил, нўхта, пойафзал, маҳси-ковуш, пўстин, телпак, ғилоф, қин ва бошқа шунга ўхшаш кўпгина кундалик эҳтиёж молларини ишлаб чиқарганлар. Воҳа кўнчилари мол терисига дастлабки ишлов бериб, хом ашё сифатида кўнчилик ва чарм маҳсулотларини Бухоро бозорларига олиб бориб сотганлар.

Воҳа кўнчилари чарм, сағри, камухт талатин, булғори каби териларни ишлаб чиқарганлар. Воҳа кўнчилари эчки ва қўй терисидан ошлаб юмшоқ, сахтиён чарми, майин ва бахмалсимон замиш чарми, қайишбоб чарм юфти ишлаб чиқарганлар. От ва эшак терисидан дағалроқ сахтиён чарм саур тайёрланган, саур ўзига хослиги билан ажралиб турган. Саур тайёрлаш учун от ёки эшак терисининг ички қисми ингичка қилиб кесиб олинган ва ичига тарик уруғлари солиб қуритилган, сўнгра тозаланиб мис қириндилари билан бўялган сўнг сахтиён яшилсимон феруза рангга айланган. Бундай сахтиёнлар 31 кунда тайёрланган, шундан 12 кун чармни қайта ишлашга 20 кун эса бўяшга кетган. Саур чарми мустаҳкам бўлиб, нақшли қилиб безашга қулай бўлган. Чармлар тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган ва босма нақшлар занжир кашталар, чоклар, рангли чармдан аппликациялар, металл қопламалар билан безатилган бахмал билан тикиб чиқилган ингичка симлар, мунчоқлар ҳамда шокилдали кўғирчоқлар билан безатилган. Бундан ташқари чарм бўялиб устига нақш ҳам солинган. Кўнчилар терини қозон шаклидаги ёмлар, яъни сангобда ошлашган, терида қолиб кетган гўшт қолдиқлари махсус асбоб доскун (белча) билан тозаланган, сўнгра чарм ҳолатига келтириш учун махсус ишловлар берилган. Воҳа аҳолиси чармдан кўпкарида кийиш учун кенг шим (чамбар)лар, чинни идишларни солишга мўлжалланган таркашлар китоб жилдлари, осма халтачалар, қалин чармдан мустаҳкам юк чамадонлари яхдонлар, пойафзаллар ишлаб чиқаришган. Кўнчилик ва чармгарлик ҳунари билан, асосан, эркаклар шуғулланган. Воҳанинг деярли барча шаҳарларида этикдўзлар, маҳсидўзлар, пўстиндўзлар истиқомат қилишиб улар ўз устахоналарига эга бўлишган. Чармдўзликнинг кенг тарқалган соҳаси пойафзал ишлаб чиқаришдир, пойафзал усталари этик, маҳсис ковуш, мўкки, чорик каби оёқ кийимларини тайёрлашган.

Этикдўз ва маҳсидўзларнинг дўкон (устахона)лари, асосан, уйида ва бозор расталари атрофида жойлашган. Уларнинг ишлаб чиқариш асбоблари: кашкарт (махсус пичоқ), қолип, ҳар хил игна, бигиз ва андозалардан иборат бўлган. Чармни уриб текислаш ва чўзиш учун оғир темир асбоб кува ишлатилган. Маҳси тайёрлаш учун така териси олиниб, тери жунлари ички томонга қилинган ва похол билан ўралган тери 2-3 кун ўтгач чирий бошлаган. Шундан сўнг тугун ечилиб жун юлиб ташланган. Бодом ёки ўрик қайнатмасидан бех қайнатиб терига қуйилган ва 3-4 кун ушбу суюқлик терида ушлаб турилган. Воҳа маҳсидўзлари хом теридан кўнжи калта оёқ

кийими мўкки, шунингдек қаттиқ хом теридан чориқ каби оёқ кийимлари ҳам тикишган. Мўкки ва чориқ асосан оммавий пойафзал бўлиб, кўпроқ қуйи табақа вакиллари учун тикилган. Узун кўнжли гулдор этиклар, тагчарми юмшоқ ковушлар (кўк ковуш) ҳамда маҳсилар эса ўзига тўқ кишилар томонидан харид қилинган. Воҳанинг тоғ ва тоғолди туманларида теридан подачилар учун пўстин ҳам тайёрланган. Воҳа аёллари ҳам терига ишлов беришда ўзига хос тажрибага эга бўлиб, улар теридан супра ва пўстаклар тайёрлашган. Супра тайёрлаш учун тери ивитилган, сўнгра ёғланган, ўрик ва жинжак илдири билан маҳсус ишлов терилган ва чарм ҳосил қилиниб супра тикилган. Қўй терисидан воҳа аёллари пўстак ва катта тўртбурчак шаклидаги ҳасали пўстаклар ҳам тикишган. Ҳасали пўстакларнинг жуни турли ранглар билан бўялиб, тўрт бурчак шаклидаги ҳошиялар билан безатилган. XX асрнинг ўрталаридан чарм маҳсулотларининг ташқаридан кўплаб кириб келиши, анъанавий чарм маҳсулотларининг камайишига олиб келди ва чармгарлик ҳунарининг пасайишига сабаб бўлди. Бироқ мустақиллик туфайли касаначиликка берилаётган жиддий эътибор туфайли воҳада чармгарлик ҳунарининг ривожланишига ҳам имконият яратилди.

Уй-жой қурилиши ва уларнинг турлари. Сурхон воҳаси аҳолиси ўз турар жойларини барпо қилишда воҳанинг табиий-географик иқлим шароити, турмуш тарзи ва машғулотларига ҳамда минг йиллар давомида уй-жой барпо этишда қўлланилган анъаналарга таянадилар. Воҳа аҳолиси уй-жойлари мавсумий, вақтинчалик ва доимий турар жойлардан иборат бўлган. Воҳада илк паҳсали уйлар бронза давридан қурила бошлаган, бу даврга оид Сополлитепа манзилгоҳи воҳа деҳқонларининг доимий ўтрок макони саналган. Бундан қарийб тўрт минг йил муқаддам шаклланган Жарқўтон ёдгорлиги Марказий Осиёдаги илк шаҳар саналади. Қадимдан тарих зарварақларидан муҳим ўрин олиб келган шаҳарлар воҳада анчагина бўлган. Воҳа аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда ҳам яшаган, қишлоқларнинг катталиги, жойланиши ва маданий қиёфаси ҳар хил бўлган. Қишлоқлар жойлашишига қараб иккига: сувли ва дашт қишлоқларга бўлинади. Сувли қишлоқлар, асосан, сувга яқин жойлашган бўлиб, дарё, булоқ, ариқдан сув олган. Бу қишлоқлар аҳолиси кўпроқ деҳқончилик, боғдорчилик, шунингдек, чорвачилик билан ҳам шуғулланган. Сувли қишлоқлар аҳолиси ўз қишлоқларининг жойланиши, географик шароитига кўпроқ эътибор берган, чунки бу қишлоқлар кўпроқ тоғ ёнбағрларида, дарё бўйларида жойлашганлиги учун сув тошиши, сел келиши ва ҳоказо хавфлар бўлган. Шунинг учун бу қишлоқларнинг қурилиши хавфсиз, баландлик жойларда амалга оширилган. Сувли қишлоқлар аҳолисининг кўпчилиги эрта баҳордан қишлоқлардаги доимий уйлардан чорбоғларига, мавсумий уйларига кўчиб чиққанлар.

Бу қишлоқларнинг кўпчилиги “юқори” ва “пастки”, “ички” ва “ташқи”, “эски” ва “янги” деб аталган, масалан, Юқори Мачай, Қуйи Мачай, Ички Панжоб, Ташқи Панжоб, Янгиариқ, Эскиариқ қишлоқлари. Аммо бу қишлоқларнинг номлари бир, лекин юқори ёки пастда жойланишига, ерларнинг эски ва янги ўзлаштирилганлигига қараб шундай номланган.

Аксарият сувли қишлоқлар, ариқлар бўйлаб икки томонлама ёки йўл ёкаларида жойлашган. Сувли қишлоқларнинг қурилиши ҳам дашт қишлоқларникидан бутунлай фарқ қилган, бу қишлоқлар узунасига ёки кўндалангига қараб баландликка чўзилган ҳолда қурилган. Қишлоқлардаги уйларнинг деворлари кўпчилик ҳолларда тоғлик томонга қараб қурилган, уйларга чиқиш йўллари пастлик томонга қараб тортилган, бу юқоридан оқиб келаётган қор ва ёмғир сувлари ўз йўлини топиб кетиш имкониятини туғдирган. Бундан ташқари уйларни тоза ҳавонинг келишига, дарё ва ариқларнинг оқишига мослашган. Қишлоқ уйлари баланд девор билан ўраб олинган бўлиб, ҳовлилар каби бир-бири билан туташиб кетган дарвозаси кўп ҳолларда йўлга ёки ариқ томонга қараб қурилган.

Дашт қишлоқларнинг аҳолиси кўпроқ лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Шунинг учун дашт қишлоқлари кўпроқ чорвачилик учун қулай жойларда жойлашган. Бу хил қишлоқлар бир-биридан узоқ жойлашган ва уй қурилишлари, уларнинг жойланишлари чорвачиликка мослашган. Дашт қишлоқларнинг аҳолиси чорвани қудуқ суви билан суғорган ва ўзлари ҳам қудуқдан сув ичган. Қудуқ ҳар бир ҳовлида бўлмай баъзи бир қишлоқларда битта ёки иккита қудуқ бўлган. Сув қудуқдан чиғир билан туя, от ва эшак ёрдамида тортиб олинган. Бойсун ва Шеробод бекликларидаги Даштиғоз, Бандихон, Овзикенг, Бешэркак, Мунчоқ, Узунқудуқ, Эгарчи, Бешқўтон, Таллошқон қишлоқлари дашт қишлоқларидан ҳисобланган.

Қишлоқларда яшаган аҳолининг уйлари ҳам икки хил кўринишда бўлиб, ўтроқлашган ва ярим ўтроқ ҳаётга мослаб қурилган. Кўпроқ деҳқончилик маданияти билан шуғулланиб келган ўтроқ аҳоли об-ҳаво шароитининг иссиқлиги ва табиий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда уй-жойлар қурган.

Доимий турар жойларнинг, уйлари дастлаб пахса, хом ғишт, гуваладан тикланган, тоғли ҳудудлардаги уйларнинг деворлари тошдан тикланган. Дастлаб уйлар бир хонали, икки хонали, XX аср бошларига келиб эса “хуржун том”, яъни уч хонали, қолаверса, болахонали уйлар ҳам қурила бошлаган. Пахса уйларнинг бўйи беш қадам, эни уч қадам, деворларининг қалинлиги икки ёки уч қарич бўлиб, сирти кесилмаган. Уйларнинг хона номлари унга ёпишга ишлатиладиган ёғоч (асосан тол ёки терак)лар сонига қараб номланган, уйни ёпишда ёғочлар тоқ ҳолда қўйилган. Масалан, ошхона, дахлизлар учун уч ёки бешта ёғоч (хари) ишлатилса, меҳмонхона ва бошқалари учун етти, тўққиз, ўн биттагача, қолаверса, уйнинг хоналари катталашishiга қараб ундан ҳам кўп ишлатилган. Томнинг ёғоч (хари)и устидан васса қўйилиб, васса устидан чий бўйралар ёки қамиш тўшаб сомон лой билан сувалган.

Сурхон воҳасининг тоғли ва тоғ олди ҳудуд аҳолиси билан чўл ҳудудида яшовчи аҳолининг турар жойлари ички тузилиши ва жиҳозланиши ва айрим жиҳатлари билан фарқ қилган. Тоғли ҳудуд аҳолисида ўтроқликка хос хусусияти уй-жиҳозларида ўзига хос ўринга эга. Хусусан, уйлар дахлизли, дарчали ҳамда ён деворларида тоқчалар бўлиши билан ажралиб

турган. Уйнинг ички томонини безашда аввал ерга чий (бўйра) ёки бордон тўшалиб, унинг устига кигиз ёки гилам тўшалган.

Шунингдек, воҳада бой оилаларнинг ҳовлилари ички ва ташқи ҳовлилардан иборат бўлиб, ички ҳовли аёллар ва оиланинг тан маҳрамлари учун бўлса, ташқи ҳовлида эса, асосан, бир неча хонали меҳмонхоналар бўлиб, ташриф буюрган меҳмонлар шу ташқи ҳовлида кутиб олиниб, шу ердан кузатилган хонадон соҳибалари эса юзлари номаҳрамга тушмасин деб, ташқи ҳовлига ўтмаган, бу уйларда киш фаслида сандаллардан фойдаланганлар. Воҳанинг Хўжасмин, Қорабоғ, Ғамбур каби кишлоқларида эса, доимий турар жой уйларининг тепа қисмида мўри, яъни туйнук қўйилган. Бундай уйларнинг яшаш хоналари асосан етти, тўққиз, ўн бир ёғочли (боларли) бўлиб доимо тоқ сонни ташкил қилган. Ҳовли деворлари лойсувоқ қилинган ҳамда қуйидаги типда қурилган: 1. Якка синч. 2. Қўш синч. 3. Ғишт. 4. Гувала. 5. Пахса. Кўп ҳолларда деворлар пахсадан кўтарилган. Бундай ҳовли уйлар асосан бой ва ўзига тўқ хўжаликларда бўлган, камбағал хўжаликларда уйлар кўп ҳолларда бир уй ва даҳлиздан иборат бўлган. Дашт кишлоқларидаги уйлар пахса ва чимдан қурилган, уларнинг ҳовлилари бир-бири билан тутшиб кетмаган, балки ҳар бир ҳовли бир-биридан алоҳида-алоҳида жойлашган. Уйларнинг тузилиши ҳам оддий, етти, тўққиз, ўн бир болорли бир том, бир даҳлиз ва кичик ошхонаси бўлиб, хуржунни эслатган, шунинг учун ҳам бу уйларни “хуржун уй”лар дейишган. Уйларнинг орқа томонида ёзнинг иссиқ вақтларида шамол келиб туриши учун кичик дарча қўйишган. Баъзи ҳовлилар девор билан ўраб олинган. Кўп ҳолларда чўл ҳудудларда ўтроқ тарзда яшовчи аҳоли асосан бир хонали уйларда яшаган. Бу уйларда шамоллатиш учун олди ва орқа томонларидан ярим қулоч баландликда битта, иккитадан деворлар тешилган туйнук ясалган, дарчаларсиз ва тоқчасиз бўлган. Қишда уйлар сандалли ўчоқ билан иситилган.

Сурхон воҳасида яшовчи ўтроқ чорвадор аҳоли ўз маконларини барпо қилишда ҳудуднинг табиий-географик иқлим шароити, анъанавий турмуш тарзи ва машғулотларини инобатга олишган. Шунингдек, асрлар давомида тажрибада синовдан ўтган анъаналарнинг ижобий томонларини қабул қилишган.

Сурхон воҳасининг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи чорвадор аҳолисининг асосий турар жойлари мавсумий ва вақтинчалик бўлиб, уларни лочик, қапа, чайла, чодир, ер том, тўла, чўпон тўла, ўтов, қора уй, оқ ўтов, қизил ўтов (қора уй) бўлиб, унинг вужудга келиши тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Сурхон воҳаси аҳолисининг ўтовлари эса ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Воҳа аҳолисининг қора уй ўтовлари яъни “юрт”лари икки қисмдан; а) тол (сарик тол) новдаларидан қилиниб, бу уйнинг суяги деб аталувчи керага, увуқ ва чанғароқдан; б) уйнинг устини ёпувчи жиҳозлар-тўрлик, узук ва туйнукдан ташкил топган. Уйнинг панжара қисми керага бўлиб, керагалар 48 бошдан 74 бошгача бўлган. Асосан битта ўтовда тўртта керага бўлиб, ҳар бир керага уйнинг тўртдан бир қисмини эгаллаган ҳамда қанот деб номланган. Қанотларнинг бирлашган жойини

“жопсар” деб аташган, жопсарларга баландлиги олти ярим, саккиз ярим қарич узунликдаги жопсар ип (бов)лар билан жопсар қозиклар маҳкамланган. Тўртала керага бирлаштирилиб, ўтовнинг панжара қисмини ташкил этган, керагалардан ҳосил бўлган панжара қисми “кўзанак” деб аталган.

Кўзанакларнинг кенг, яъни ел кўзанак ҳамда тор кўзанак каби турлари бўлиб, воҳанинг ўтроқ, деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолиси асосан тор кўзанакли уйлар қуришган. Воҳанинг ярим ўтроқ аҳолиси эса ел (кенг) кўзанакли уйлар қуришган, чунки, ел (кенг) кўзанакли уйлар нисбатан енгил ва ихчам бўлиб, кўчиш чоғида улов (туя, от ёки эшак)га ихчамгина жой бўлган. Ҳар бир қанотда 12 тадан чиноқ, яъни қулоқ бўлса, ўтов 48 бошли 16 тадан чиноқ бўлса 64 бошли ўтов деб аталган. Керага панжаралари керага кўки, яъни ҳўкиз ёки туя терисидан махсус тайёрланган тасмалар билан боғланган. Шунингдек, керага кўки ўтовнинг ошиқ-мошиғи сифатида ҳам ишлатилган. Хўжамулки, Шалдиروق, Ободон қишлоқларида керагалар ёйилганда 7-8 қарич баландлигидаги панжараларни ташкил этса, Қумпайкал, Қорлуқ қишлоқларида эса 6 қарични ташкил этган. Йиғиштириб олинганда баландлиги 12-14 қарични, эни эса 3-4 қарични ҳосил қилган.

Ўтовнинг эшиги “турди”, яъни устки, пастки ҳамда ён бўсағалардан иборат бўлиб кераганинг олд томони уй эшигининг ён бўсаға, яъни ён устунига беркитилган. Ён бўсағаларнинг икки учи турди (тепа) ва пастки бўсағаларнинг чуқурчасига кийдирилган, турди (тепа бўсаға)нинг устки қисмида бешта етим увуқ учун чуқурчалар қилинган. Икки ён бўсағанинг керагаларга келиб бирлаштириладиган жойи узунасига ўйилиб, ариқча шаклида қазилган ва керагалар шу чуқурчага жойлаштирилган. Беш-олти қарич баландликда қамишдан чий тўқилиб, керагаларнинг ташқи қисмига тутилган. Бунда икки ёки учта чий етарли бўлган, чий тўқишда эса қамиш пўстлоғидан ажратилиб, беш ёки олти қарич узунликда қирқилган ҳамда чий тўқиш дастгоҳида эчки қилидан йиғирилган шардоз (ип) лар билан тўқиб чиқилган. Қора уйнинг керага ва бўсағалари ўрнатилиб бўлгандан кейин кераганинг юқори қисмидан эни 1-1,5 қарич бўлган, рангга бўялган жундан тўқилган боғич ҳамда ўрта қисмидан эни ярим қаричдан узунроқ бўлган рангга бўялган жундан тўқилган жопсар бов, яъни айил айлантирилган ва икки учи ён бўсағаларига тортиб боғланган. Булар керагаларнинг ўтириб қолмаслиги ҳамда керагаларнинг орқага қараб қийшасмаслиги учун кўрилган чорадир.

Воҳада ўтовнинг увуқлари тол новдасидан ясалган, Хўжамулки, Ободон, Тўла, Чақар қишлоқларида ўн қаричдан ўн тўрт қаричгача бўлса, Ипоқ, Қумпайкал, Қорлиқ, Чеп қишлоқларида саккиз-тўққиз қарич узунликни ташкил этиб, диаметри қўл ўрта бармоғининг бир ярим-икки бўғин узунлигини ташкил этган. Увуқнинг эгилган жойи керага чиноқ (қулоқ)ларига маҳкамланган, увуқларнинг сони уйнинг неча бошли бўлишлигига боғлиқ бўлиб, қора уй 52 бошли бўлса, увуқ 52 та ёки 74 бошли бўлса увуқ ҳам 74 та бўлган. Албатта, етим увуқлар бунга кирмаган, етим увуқ деб устки бўсағага, яъни эшик устига ўрнатиладиган бешта увуққа

айтилган. Чунки, етим увукларнинг эгилган жойи қисқароқ бўлиб, бир қаричдан ошмаган, учи эса чанғароқ тешиқларига киритилган.

Ўтовнинг чанғароғи толдан доира шаклида эгиб қилиниб, унинг айланаси 8-9 қарични, қалинлиги эса бир қарични ташкил этган. Чанғароқ қасқоғининг устки қисмига толдан тайёрланган таёқлар гумбаз шаклида эгилиб чанғароқ тепароғидан уйилган биринчи қатор тешиқларга тиқилган. Таёқлар хоч шаклида кесилиб, ўрта қисми эса туя ёки хўкиз кўни (териси)дан тайёрланган тасма билан боғланган. Чанғароқнинг асоси бўйлаб “чанғароқ солма” деб номланган қизил ип – боғ айлантириб тутилган.

Воҳада ўтов суягини кўтаришда, яъни тикка қилишда иккита увукни эчки шохига ўхшатиб, эгилган жойлари бир-бирига қарама-қарши ҳолатда боғлаб, чанғароқ ёрдамида баландликка кўтарилган ҳамда уч ёки тўртта аёл увукларни чанғароқнинг пастки қатор тешиқларига киритиб, пастки қисмини керага чиноқ (қулоқ) ларига мустаҳкамлаб боғланган. Увуклар чанғароқ тешиқларига киритилиб бўлгандан кейин эни 2-2,5 бўғин узунликда бўлган, жундан гулдор қилиб тўқилган тизмалар билан мустаҳкамланган. Увукларнинг эгилган жойидан, яъни тизманинг тагидан қур уйнинг бутун айланасига тутилган, қур жундан гулдор қилиб тўқилиб, эни 1,5-2 қарич узунликда бўлган. Ўтовнинг ичини чиройли қип-қизил тусда кўрсатиб туриш учун бир қарич энликда қизил гулли қилиб, жундан тўрлаб сачоқлари куббали қилиб тўқилган гулдуровуқ қурнинг тагидан тутилган.

Ўтовнинг устки қисми кигиз (наMAT)дан тайёрланган иккита узук ҳамда тўртта тўрлик билан ёпилган, бунда иккита узук билан уй устки қисмининг чанғароқ бўлган жойини ёпишган. Узукнинг юқори қисми чанғароққа мослаб айлана ҳолатда кесилган, олдинги 6-8 та пўпакли қизил бов билан орқа томонга тортилган. 8-10 та бов билан эса орқа узукда уйнинг олдинги қисмига қарата увуклар устидан тортилади ҳамда олдини узукнинг устки қисмидан бир-бири билан кесишган ҳолатда уйнинг белдовига боғланган. Узук бови бир қарич энликда бўлган, шунингдек, эни ярим қарич бўлган, 38 тадан 64 тагача оқ тағобчилари бўлган. Бу тағобчилар пастга тортиб олиб келиниб, ола белдовга маҳкамланган, тағобчилар уйнинг чиройли ва оқ бўлиб кўринишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тўртта тўрлик ўтовнинг тўртта жопсари (қаноти)га ёпилган ҳамда узуклар тагига тўрликларнинг тепа қисми киритилган, кераганинг пастки қисмигача тўрликлар ёпиб турган. Ёзнинг иссиқ кунларида тўрликлар белдовга туриб қўйилиб, салқин бўлиши учун чийлар очиб қўйилган.

Ўтовга ёруғлик тушиши, ҳаво алмашиши, сандал, ўчоқларнинг тутунлари чиқиши каби масалалар учун қора уй чанғароғининг туйнуғи бўлиб, туйнук кигиз (наMAT)дан қилинган. Туйнукнинг тўртта уч қулоқ узунликдаги туйнук бов (арқон)лари бўлиб, уйнинг тўрт томонидан пастга тушиб турган, туйнукни очиб-ёпишда бу туйнук бовлардан фойдаланилган. Ўтовнинг эшиги нарвон шаклидаги икки қанотли “эрганак” бўлиб, эрганак устидан уч қулоқ узунликдаги маҳсус чий ҳамда чий устидан кигиз (наMAT) қопланган. Эшик ёпқич тайёрланган, эшик ёпқичнинг тепа қисми узукка бирлаштирилган бўлиб, иссиқ вақтларда тепага букланиб қайтарилган ҳолда

кўтариб кўйилган, совуқ вақтлардагина туширилиб, уйнинг оғзи беркитилган. Ёмғир ёққанда ташқаридан ичкарига сув кириб кетмаслиги учун уйнинг ташқи атрофидан “ғўр”, яъни ариқча қазилган. Шунингдек, ўтовнинг “оширма” арқонлари бўлиб, оширма арқонлари чанғароқ устидан оширилган ва икки томонга қоқилган қозикларга боғлаб, довул ва шамол бўлганда кўзгалмаслиги учун мустаҳкамланган.

Воҳада ўтовларнинг катта, кичик, баланд бўлиши, безакларнинг турли хилда чиройли бўлиши уй эгасининг иқтисодий жиҳатдан бақувватлигидан келиб чиқиб ясалган, иқтисодий бақувват кишиларнинг уйлари икки устма-уст керага, яъни кўш қанотли бўлган. Воҳанинг Қумпайкал, Қарлуқ, Жобу, Жалайир, Оққопчиғой, Хўжамулки, Шалдиरोқ, Ободон, Тўда, Хомкон, Бешэркак, Мунчоқ каби қишлоқларида ўтовларнинг эшигини жанубга қаратиб ўрнатганлар, чунки куёш чиққандан ботгунга қадар уйнинг ичига куёш нури (айниқса, куз ва қиш фаслларида) тушиб туриши назарда тутилган. Бундан ташқари шарқ кун чиқиш ва ғарб кун ботиш томондан эсадиган изғиринли шамоллар ва ёғингарчилик ҳисобга олинган. Воҳада янги уйланаётган йигитга оқ уй (оқ ўтов) қилинган. Никоҳ тўйига янги ўтов қилиш одати хоразмликларда, қипчоқларда, лоқайларда ҳам мавжуд бўлган. Оқ ўтовнинг суяги ва кигизларини куёв томон, ўтовнинг уй сози, яъни ички жиҳозларини келин томон тайёрлаган, оқ ўтовнинг кигизлари асосан оқ жундан тайёрланган. Воҳада ўтовни тиклаш ва бузиш ишларини фақат аёллар бажаришган.

Капа вақтинчалик ва мавсумий турар жой бўлиб, тезда йиғиштириб олишга қулайлиги ҳамда содда тузилганлиги билан ажралиб туради. Воҳада капалар юмалоқ (гумбазсимон) ва тик (конус) шаклида бўлиб, ўртача катталиги энига уч-тўрт қулоч, бўйига беш-олти қулоч бўлган. Капани тикиш учун узунлиги уч тўрт қулоч, диаметри бир ярим, икки бўғин келадиган тол (ёки тут, юлғун, арча, заранг), яъни “капа чўпи” ерга бир қарич узунликда, ораси уч қарич энликда қоқилган. Капа чўплар бўшамаслиги учун икки қулоч юқорироғидан жундан тўқилган тизма билан боғлаб чиқилган. Жундан эни тўрт қулоч, бўйи олти-саккиз қулоч узунликда кигиз қилинган бўлиб шамол, довул кўтариб юбормаслиги учун тўрт бурчагига жундан арқон қилиниб, капа чўпга боғланган. Пишиқ қилиб мустаҳкам тайёрланган бу кигизлардан қор ва ёмғир ўтмаган, шунингдек, кигиздан ташқари қамиш ёки устидан сомонли лой билан лойсувоқ қилганлар, ёзги капалар сомонли лой билан сувалган. Эшик оғзига қиш фаслида кигиз, бошқа илиқ кунларда бўйра ёки шолдан тўқилган мато тутиб қўйганлар. Ипоқ, Қарлуқ қишлоқларида капа тепасидан тутун чиқадиган туйнук ҳам қилинган. Ерга чий (бўйра) тўшалиб, устидан кигиз ёки гилам тўшаганлар, капанинг деворига тақаб напармач, бўғжама, кўрпа, ёстик ҳамда бошқа буюмлар қўйилган. Кираверишда эшикка яқинроқ жойда ўчоқ бўлиб, тутун туйнукдан чиқиб турган, шунингдек, капада сандалдан фойдаланилган. Воҳада капаларнинг устунни махсус қамишдан тўқилган бўйралар билан ёпганлар, бу капани воҳанинг юз, дўрмон, қорлуқ, барлос уруғига мансуб аҳоли “хос капа”, кўнғиротлар эса “чум” деб атаганлар.

Сурхон воҳасида яшовчи юз, дўрмон, қарлуқ ва барлосларнинг ўтов ва қапага нисбатан кенг тарқалган асосий турар жойларидан бири лочик ҳисобланган. Воҳада лочикнинг бир неча турлари бўлган, Чинор ва Бодихаво қишлоқларида лочикнинг деворлари керагали бўлиб, бўйига тўрт беш қулоч, энига икки қулочни ташкил этиб, узунасига айвонсимон эгилган ўқлардан фойдаланилган.

Воҳанинг Дегрез, Чеп қишлоқларида эса айланаси беш-олти қулоч, тепаси гумбазсимон бўлиб, эгилган ўқлардан ташкил топиб, девор қисми ўқлари икки, айрим ҳолларда уч қатордан боғлаб чиқилган. Дўрмон, Чақир қишлоқларида лочикнинг айланаси тўрт-беш қулочдан иборат бўлиб, тепасига чанғароққа ўхшаш шаклда айланаси бир қулоч бўлган иккита тол новдаси эгилган ҳалқа бўлган. Бу ҳалқа (туйнук)га 35 ёки 45 дона ўқ учлари “танғич” ёрдамида боғланади, юқори қисми маълум миқдорда эгилган ўқ новдалари “ўқ бов” билан керага бошига маҳкамланади. Бир қулоч баландликдаги керагалар, асосан, айланаси икки бўғин бўлган тол новдасидан ясалиб, икки қанот учун тўрт донадан иборат бўлган. Эшик “манглай таёқ”, иккита “ён таёқ” ҳамда “пастки таёқ”лардан ташкил топган бўлиб, пастки таёқлар ерга қоқилиб, қозиқ вазифасини бажарган ҳамда керага қанотлари шунга маҳкамланган. Лочиклар керагаси мустаҳкам бўлиши учун бир қулоч узунликдаги олти-саккиз дона қозиққа боғланган. Мол ва итнинг кирмаслиги учун “эрганак эшик” қўйилган, шунингдек, унинг устидан кигиз ҳамда чийдан ясалган “солма эшик” ўрнатилган. Тўрт дона кигиз “орқа узук” ва “олдинги узук” деб номланиб уйнинг устига ёпилган. Рангли чий керага устидан ён деворига тортилиб унинг устидан тўлиқ кигиз маҳкамланган. Уйнинг туйнук боғлари бўлган, юмалоқ кигиз билан ёпилган. “Оқ бов”лар уйнинг устидан тортилиб уй атрофидаги қозиқларга боғланган ҳамда кигизлар мустаҳкамланган. Уйнинг устидан боғланган “оқ бов”лар уйни олачипор кўрсатганлиги сабабли ҳам уни “олачи”, “лочик” деб аталган.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар ва тараққиёт натижасида воҳада уй-жойлар қуриш соҳасида ҳам анча ўзгаришлар ва янгиликлар юз берди. Уйларни пойдевор устига пишган ғиштдан қуриш расм бўлди. Шунингдек уйларнинг томини шифер ҳамда черепица билан ёпиш, уйларни марказий иситиш тизими орқали иситишнинг йўлга қўйилиши воҳа уй-жой қурилишидаги янгиликлардан саналади.

Анъанавий кийимлар ва тақинчоқлар. Воҳа аҳолисининг анъанавий кийимлари жуда қадимий тарихни эга. Кейинги йилларда воҳа ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар бу ҳудудда тўқувчилик ва тикувчилик ҳунарининг қарийб 3,5 минг йиллик тарихга эга эканлигини исботлади. Узоқ тарихий давр мобайнида кийимлар тури ва миқдори кўпайиб, такомиллашган уларни бичиш ва тикиш услублари ҳам анча ўзгарган. Шундан сўнг пахта савағичлар орқали саваланган ва урчукда йигирилган. Ипни бўяшда ишлатиладиган бўёқлар ҳам, асосан, маҳаллий шароитда тайёрланган. Жумладан, ўсимлик барглари, илдизлари ва пўстлоғлари қайнатилган ва улардан турли ранглар олинган. Чунончи, рўяндан қизил, испаракдан оч-қизил, ёки сариқ ёнғоқ пўстидан қора, анор

пўчоғидан сариқ ва ҳакоза ранглар тайёрланган. Ипларга ранг бериб бўлингач, ишқорли сувда ювиб олинган, шундан сўнг тўқимачилик дастгоҳи орқали тўқилган. Тўқимачилик дастгоҳи дўкон деб аталган, дўконнинг ичи тўртбурчак шаклида бўлиб, эни 3-4 метр, бўйи 4-5 метр, баландлиги 2-2,5 метр бўлган. Дўконда тўқиладиган матоларнинг узун тортилган иплари “танда” ёки “ўрим” деб аталган, кўндаланг тортилган иплар эса “арқоқ” деб номланган. Мато тўқиш жараёнида моки танда орасидан ўтказилиб, дўкон дастаси билан уриб жиписланган. Дўкондан икки марта олинган мато бир кийимлик бўлган, воҳа аҳолиси пахтадан бўз, олача, қалами, карбоз, сўси, хоса ва чит каби газламалар тўқишган.

Воҳа аҳолиси қадимдан пахта матолар билан бирга жундан чакмон, пўстин, туя жунидан ҳам чакмон тайёрлаган. Чорва молларидан қирқиб олинган жунлар ювилиб тозаланган, жун тароқда таралган, сўнгра савалиб, урчуқда йигирилиб, ип ҳолатига келтирилган. Жунни йигиришда сабоқ, чиллак ва иптав сингари қўл асбобларидан фойдаланилган. Йигирилиб калава қилинган жун ип бўёқлар орқали бўяб олинган, шундан сўнг эса ўрмак қурилиб тўқилган. Воҳа аҳолиси қадимдан олача, бўз, шойи, хонатлас, банорас, беқасам, адрас каби матолардан кийим тикишган. Аҳоли орасида кенг қўлланилган матолардан бири бўздир, бўзнинг сарғиш, табиий оқ, малла рангли турлари бўлиб, оқ бўздан кекса ёшли эркаклар кўйлак ва иштони, кизил рангли бўздан эса аёллар кийими тикилган. Олача ҳам воҳа аҳолиси орасида кенг тарқалган мато бўлиб, бу матодан турли ёшли аҳоли учун кийимлар тўқилган, олача асосан йўл-йўл ранглар бериб тўқилган. Қадимдан Бойсун, Миршоди, Сангардак ва Юрчи олачалари машҳур бўлган. Беқасам ҳам маҳаллий аҳоли севиб киядиган мато ҳисобланган. Воҳа аҳолиси беқасамдан чопон, камзул, курта ва куртачалар тайёрлашган. Пахтада тўқилган қалами матосидан эркаклар учун кийим тайёрлаган, қалами дағалроқ мато кўринишда бўлган. Аёллар ва болалар кийимлиги учун эса дағалроқ тўқилган сўсидан ҳам фойдаланишган. Бундан ташқари бахмал ва адрас матолари ҳам анча қадимий матолар бўлиб, асосан, уй шароитида тўқилган. Бахмалдан аёллар ва болалар кийими, дўппи, кўрпа ва ёстиқ тикилган. Воҳа аҳолиси қадимдан оқ ипак қурти боқиш ва пилладан ипак олишни анча яхши билишган. Ипакдан саллабошлар четига жияк, чироз, соч попуқлари ва жамалаклар тайёрлашда фойдаланишган. Шунингдек, воҳанинг юз, катағон ва тоқчи уруғларига мансуб аёллар ярим шойи матодан тўқилган кийимлар ҳам кийишган. Банорас, шойи, атлас, адрас ва парпаша шойи эркак ва аёллар учун байрам либослари тайёрлашда ишлатилган матолар сарасига кирган.

Воҳа аҳолиси анъанавий кийимларнинг тикилиш услуби содда бўлган кийимлардаги ўзига хослик минтақавий ва этник кўринишларни сақлаб қолган. Кийимларни бичишда бичиқчи қаричидан фойдаланиб ўлчанган. Кийимни бичувчи ва тикувчилар чевар номи билан номланган, матолар қайчи, пичоқ ёки қўл билан йиртилган, кесишлар асосан бўй, ён ва енг кийикларидан иборат бўлган. Воҳа аҳолисининг кийимларини мавсумий кийимлар, ўтроқ аҳоли кийимлари, чорвадор аҳоли кийимлари, ёш

болалар кийимлари, эркаклар кийимлари, байрам ва тантаналарда кийиладиган кийимлар ҳамда аза кийимларига туркумлаш мумкин.

Қишлик кийимлар пахтали ва астарли бўлса, ёзлик кийимлар эса астарсиз, яъни бир қават ҳолда тикилган. Кийимлар уни киядиган кишиларнинг ёшига, оила ҳамда жамиятда тутган ўрнига қараб турли матодан ҳар хил қилиб тикилган. Шунингдек, кийим учун танланган матонинг ҳам ранги катта аҳамият касб этган, масалан, сувли қишлоқлар аҳолиси (чиғатойлар, тоқчилар) кўпроқ пахтадан, дашт ҳудуд қишлоқлари аҳолиси (асосан ўтроқ аҳоли) жундан, шаҳар аҳолиси эса (асосан бадавлат хонадонлар) шойи ва ипакдан тайёрланган матолардан кийим кийишган. Кийимларнинг ранги кундалик ҳаётда қувноқлик ҳолатларида кўпроқ қизил, таъзия ва азали ҳолларда эса оқ, қора ёки кўк ҳолатда намоён бўлган. Кийимларнинг ранги, асосан, кишиларнинг жинсига ва ёшига қараб ҳам фарқланган. Ёши катта кекса кишилар кўпроқ оқ ва кулранг, ёшлар эса қизил ва сариқ рангларда кийим кийишган.

Болалар кийимлари. Воҳа аҳолиси болалар кийимига чақалоқлик давриданок алоҳида эътибор беришган, чақалоқларга кўпинча янги кийим кийдиришмаган, чунки ёмон кишиларнинг назари тушишидан сақлаш учун болалар кийими бироз одмироқ бўлган. Воҳада чилла кўйлак “ит кўйлак” ҳам деб юритилган, сабаби кўйлак тикилган дастлаб итнинг бошига бир кийдирилиб олинган. Бу билан болага келадиган турли бало-қазолар, инсу жинслар итга тегади, деб тушунилган. Фарзанд турмаган оилада янги фарзанд туғилса, чақалоққа тикиладиган кўйлак ва гуппича учун зарур бўлган кийим матолар етти хонадондан тилаб олинган. Чилла кўйлакнинг этаклари қайтарилмаган. Бунинг иккита сабаби бор: биринчидан, кўйлакнинг қайтарилган чоки чақалоқ баданига қаттиқ ботиши мумкин бўлса, иккинчи сабаби эса бола кўйлагининг этаги букиб тикилса, боланинг онаси бошқа фарзанд кўрмайди, деган ирим ҳам мавжуд бўлган. Чақалоқнинг кўйлаги бўйи баробар қилиб тикилган, болалар кўйлакларининг асосан тўғри бичимда бўлган. Болалар 2-3 ёшга етган пайтда йирмочи доирасимон шаклда тикилиб, елка устида кесим жой қолдирилган, ён томонлари эса тасма иплар билан боғлаб кўйиладиган “кўкракча” деб аталган кийим кийдирилган. Ўғил болалар кўйлагининг енг ва ёқа томонлари туташган қисмига “кулфак”, учбурчак шаклида кўйилган. Қизлар кўйлаги учун эса тўртбурчак шаклида “ғиштак” кўйилган, болалар кўйлагининг ёқа қисми қатланувчан бўлган ёки айланасимон жирмоч билан кифояланган, бундай кўйлаклар “сўфи ёқа” кўйлак деб аталган. Қиш фаслларида болаларга авра-астарли, ичига пахта солинган “гуппи” ёки “гуппича” кийдиришган. Болаларнинг бошига кўпинча калпоқча, дўппи, ичига пахта солиб тикилган дўппи кийдирилган.

Эркаклар кийими. Воҳада эркакларнинг енгил кийимларидан бири асосан кўйлак бўлиб, кўйлаклар ўйма ёқа, елка ёқа ҳамда кифтаки деб номланиб, ёқалари қўлда тикилган. Ҳошиялар ёки жияклар билан безатилган, бўйи тиззадан пастга туширилган бўлиб, енглари кенг ҳамда узун бўлган. Эркакларнинг кийим тагидан киядиган енгил ички кийимларидан бири яқтак кўйлақдир. Археолог олимлар томонидан тадқиқ этилган “Болаликтепа”дан

топилган суратлардаги эркаклар кийимларида яктак кўйлак борлиги аниқланган. Яктак кўйлакнинг ёқаси ичидан тўртбурчак шаклида кўшимча мато кўйилиб, олди очик бўлган. Енгил кийимлардан бўлган тик ёқали кўйлак, узун ва кенг енглари, бўйи ҳамда узун олд ёқаси билан фарқ қилган. Эркакларнинг қадимий кийими бўлган гуппи астар-аврали бўлиб, пахта солиб қавилган, қозоқларда эса “куппи” деб аталиб, туя ёки кўй жуни солиб қавилган. Гуппилар тиззадан баландроқ ёки пастроқ бўлган.

Воҳа эркаклари киядиган иштон, чалвар, пойжома деб аталиб, узун ва кенг бўлиб, липа, оғ (ғиштак) ҳамда пойчадан иборат бўлган. Эркаклар устки кийимини чопон, желак, чакмон, кебанак, пўстин ташкил этган. Чопонлар икки турли қалин, пахтали қишки чопон ва юпқа пахтали ёзги чопон бўлган. Воҳада йўл-йўл бўз чопон, яъни олача чопон ҳисори кўй жунидан мато тўкилиб, ҳисори чопон тикилган. Ўзига тўқ кишилар беқасам, кимхоб чопонлар кийганлар, воҳада чопон, яъни тўн устидан кийиладиган енгил устки кийимлардан бири желакдир.

Сурхон воҳасида ёз фаслларида чопон кийилмасдан, кўйлак устидан яктак (желак) кийишган. Воҳада аҳолининг қадимий кийими бўлган чакмон кўй ёки туя жунидан хонаки усулда тўқилган матодан тикилган астарсиз, фақат аврадан иборат, чопонга ўхшаган кийимдир. Чакмон кенг ва узун тикилиб, этаклари, ёқаси ва енг учларига чироз жияк тикилган, чакмоннинг тивитли, босма ва қоқма каби турлари бўлган.

Воҳа чорвадор аҳолисининг асосий устки кийимларидан бири кебанак бўлиб, ичи кигиз(наMAT)дан, усти эса шолдан кенг ва узун қилиб тикилган. Пўстин воҳа чорвадор аҳолининг устки кийимларидан бўлиб, тикилиш услуби чопонга монанд, жунини тўкмай ошланган кўй терисидан кенг ва узун қилиб тикилган, совукда кийиладиган устки кийимдир. Чўпонлар совук вақтларда пўстинни чакмон ёки чопон устидан кийганлар. Воҳа эркаклари чопон, чакмон ва яктак каби уст кийимларнинг устидан белбоғ боғлашган, белбоғлар айрим ҳудудларда белқарс ҳам деб номланган.

Сурхон воҳасида эркакларнинг кенг тарқалган бош кийимлари салла, дўппи ва телпакдир. Салланинг ёши катта кишилар, ўзига тўқ ҳамда уламо кишилар ўраган. Яна саллани мадрасада таълим олаётган ёш йигитлар ва янги уйланаётган куёвлар ўраганлар. Саллани бошга ўраганда чап томонидан бир учи икки, икки ярим қарич узунликда печ қолдирилади ва юқорига қистириб кўйилган, намоз ўқиётганда печ ён тарафдан кўкракгача осилтириб ўқилган, илмли кишилар печни орқа томонга осилтириб кўйишган. Эркаклар бош кийимларидан яна бири дўппи бўлиб, тикилиш услуби, безатилишига кўра бир-биридан фарқ қилган, дўппи авра, астар, жияк ҳамда пилтадан ташкил топган. Дастваб ҳар бири алоҳида тикилиб, кейин кўшиб тикилган, дўппиларнинг тикилишида салла тагидан киядиган думалок, қиррали, яъни “қулоҳ” ҳамда ўзи якка ҳолда кийиладиган тўртбурчак хиллари бўлган. Шунингдек, воҳада чорвадор аҳоли қиш фасли учун туя жунидан тўқилган матодан ҳам дўппи тикканлар, воҳанинг қўнғирот, юз уруғига мансуб аҳолиси дўппини қалпоқ деб аташган. Эркакларнинг асосий қиш фасли бош кийими телпакдир, воҳада чорвадор аҳоли томонидан қоракўл терисидан

телпақлар қилинган. Тоғли ҳудудларда тулки терисидан, Сурхондарё ёқаларида яшовчи аҳоли кундуз терисидан телпақ тикишган.

Сурхон воҳасининг деярли ҳамма қишлоқларида оёқ кийим тикадиган усталар бўлган. Аҳолининг анъанавий оёқ кийимлари маҳаллий усталар томонидан тикилган бўлиб, такаки, чорик, ҳаққари, мўкки, тоштовон каби оёқ кийимлар тайёрлашган. Этик ва маҳси - ковушларни воҳадаги ҳамма усталар ҳам тайёрлай олмаган, бу хилдаги оёқ кийимлар учун хом ашё сифатида от, туя, қорамол, қўй ва эчкининг ошланган (ийланган) териларидан фойдаланилган. Тери жийда, зардоли, жинжак томирларидан қайнатиб тайёрланган сувга 2-3 кун солиб қўйилади, кейин қизғиш рангга кирган бу тери ийланади, такаки, асосан, қорамол терисидан қилинган. Чорик камбағаллар оёқ кийими эканлиги ҳақида ёзма манбаларда ҳам тўхталиб ўтилган. Маҳси ҳам, мўккилар ҳам сарка терисидан тикилган, асосан, ёғингарчилик даврида кийиладиган ҳаққари ковушлар ёғочдан ясалган.

Аёллар кийими. Сурхон воҳаси аёлларининг кўйлақлари ёшларига қараб турли бичимда бўлган, кўйлақлар узун ҳамда кенг қилиб тикилган. Воҳада қизлар кўйлагидан аёллар кўйлаги маълум томонлари билан фарқ қилган, фарқ, аввало, кўйлақ ёқаларида мавжуддир. Аёллар кўйлаги ўйма ёқа ҳамда кўндаланг ёқали бўлган, ўйма ёқали кўйлақ бўйиндан бир қарич узунликда кўкракгача кесилган, ингичка жияк тутилиб, боғич қилинган. Воҳада қизлар ҳамда қариялар кўндаланг ёқали кўйлақлар кийишган, бу кўйлақни “кифтаки” деб аташган. Бундай кўйлақ ёқалари чап ва ўнг томонидан ярим қарич узунликда бош бемалол киришига мўлжаллаб кесилган, бош кириши учун мўлжалланган тепа қисми ип билан боғлаб қўйилган. Воҳада аёллар, асосан, қиш фаслида ҳамда тўй ва байрамларда икки-уч, ҳатто ундан ҳам кўп кўйлақларни устма-уст қилиб кийганлар, албатта, устинги кўйлақ қимматбаҳо матодан тикилган. Шунингдек, бу кўйлақ энглар учига катта, яъни “енг кашта” турли ипак ипларидан тикилган.

Воҳа аёлларининг анъанавий ички кийимларидан бири лозимдир, эркак ва аёллар лозимлари, яъни иштонлари бичимларида фарқ бўлмаган, фақат тикилишида фарқ бўлган. Воҳа аҳолиси аёлларининг устки кийимларидан бири чопон бўлиб, аёлларнинг чопони беқасам ипак ҳамда ярим ипакли матолардан тикилган. Аёллар пахталик чапонни қишда, пахтасиз энгил чапонларни эса ёзда кийишган. Аёллар чапони эркаклар чопонидан маълум даражада фарқ қилиб, аёллар чапонига олдиларини ёпиб юриши учун тугма ёки боғичлар қилинган. Воҳа аёлларининг устки кийимларидан бири курта йўл-йўл матодан тикилиб, асосан, астарсиз аврадан иборатдир. Куртанинг энглари, ёқаси ҳамда этақларига чиройли жияқлар тикилган, аёллар куртани, асосан, бошига ташлаб юрган. Воҳа аёлларининг анъанавий уст кийимларидан бири мунисакдир. Мунисакнинг тикилиш услуби куртага ўхшаб, фақат авра-астарли ҳамда энги тирсаккача кенг бўлиб, унинг тагидан кўйлақ энгига тикилган каштали безаклар кўриниб турган.

Воҳа аҳолисининг кенг тарқалган кийими паранжидир, паранжи воҳа аёлларининг кўчага кийиб юрадиган асосий кийими ҳисобланган. Паранжи тикилиш услуби чопонга ўхшаб, фақат сохта энгли бўлиб, бу иккала энг

орқага ташлаб бир-бирига бирлаштириб кўйилган. Бу сохта енглар “паранжининг удумлари” ҳисобланган, паранжининг чачвони отнинг ёлидан тўқилган, чачвон бетга тутилиб, устига паранжи ёпилган.

Воҳа аёллари кийимларида бош кийимлар ҳам муҳим аҳамиятга эга, бош кийимлар анъанавий кийимларнинг ажралмас бир қисмидир. Воҳада қизларнинг қадимги бош кийимларидан бири “қасава” бўлиб, у қаттиқ бўлиши учун бир неча хил матодан чамбарак услубида тайёрланган ҳамда ўрта қисми очик қолдирилган. Қасава воҳа аёлларининг қадимий бош кийимларидан биридир. Аёлларнинг қадимий анъанавий бош кийимларидан бири бўлган рўмол тўртбурчак шаклида бўлиб, турли усулда ўралган. Рўмоллар тайёрланган матосига қараб турлича номланган. Воҳада ўрта ва катта ёшдаги аёллар рўмолининг тагидан киядиган бош кийимлардан култа бўлиб, бошга кийиладиган жойи айлана шаклида бўлган. Орқа томонга икки қарич узунликда соч қопи мавжуд, култани воҳанинг айрим ҳудуларида “култа пўшак” деб аташган. XX асрда тўқимачилик саноатининг жадал ривожланиши, кишилар дидининг тинимсиз ўсиб бориши ва этнослараро алоқаларнинг кучайиши кийимларнинг тузилиши, бичими ҳамда модасининг тез ўзгариб тараққий этиб боришига олиб келди.

Тақинчоқлар. Воҳада заргарлик хунари жуда қадим тарихга эга. Сополлитепа ва Жарқўтонда топилган бронза тақинчоқлар бу ҳудудда заргарлик хунарининг қарийб тўрт минг йиллик тарихга эгалигидан далолат беради. Далварзинтепадан топилган олтин буюмлар хазинаси воҳада заргарликнинг ўзига хос санъат даражасига кўтарилганлигини исботлайди. Уста заргарлар шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси ва уларнинг буюртмалари асосида турли - туман тақинчоқларни ва безакларни (узук, билакузук, сирға, балдоқ, латива кўкракка ва бўйинга тақиладиган маржонлар) тайёрлаб берганлар. Шу тариқа бу даврга келиб аҳоли ўртасида безак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб боради. Тақинчоқ ва безаклар хотин-қизларнинг ёшига, кийим рангига, мато йўлига ва тикилиш услубига қараб танланган ва тақилган. Улар тақилиш ўрнига қараб турли гуруҳларга бўлинган, шунга қараб бошга, сочга, кулоққа, бурунга, кўкракка, бўйинга, қўлга тақиладиган ва ҳакоза тақинчоқ ва безаклар мавжуд бўлган. Бошга тақиладиган тақинчоқлар турига тиллақош, силсила, моҳитилла, хатаба кабилар кирган. Тиллақош кумушдан ишланиб, бош кийим устидан кийилган ва қош устига тушиб турган, шунинг учун ҳам тиллақош дейилган.

Силсила ҳам кенг тарқалган тақинчоқлардан ҳисобланган қадимий силсилалар тўрт қисмдан иборат бўлган (хатабак, силсила, чўйша ва чеккадуо). Ҳудудда кўп тарқалган тақинчоқлардан билагузук, узукларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, чунки ҳар бир хотин-қизда бу тақинчоқлардан бири, албатта, мавжуд бўлган. Воҳа заргарлари эски тангалардан ҳам турли тақинчоқлар ясашган, улардан кўкракка осиладиган ва сочга тақиладиган тақинчоқлар тайёрланган. Аёлларнинг тақинчоқларидан бурунларга тақиладиган сирғаларни алоҳида таъкидлаш лозим. Сирға бурунларни, асосан, қўнғирот аёллари, шунингдек, араб, лўли хотин-қизлари ҳам тақишган. Бунда сирға буруннинг икки четига бурун паррақларига ҳамда

бурун ўрта деворига тақилган. Шунга кўра бу сирғалар латива, измак, аравак (арабак) каби номлар билан юритилган бўлса, ўрта деворга тақилганлари булоқи (булови), бурун балдоқ деб ҳам юритилган. Қўнғирот хотин-қизлари кўпроқ бўйинга ва кўкракка тақиладиган мунчоқ ва маржонларни ўзлари тайёрлашаган. Бу мунчоқ ва маржонлар жавак, гулбанд, хапамат деб аталган, шунингдек, безак ўрнида туморлар ҳам ишлатилган, улар кўкрак тумор, бўйин тумор деб юритилган. Тақинчоқлар мовий, зангори мунчоқлар, қимматбаҳо тошлар (нефрит, фируза, лаъл ва бошқалар) билан безатилган. Тақинчоқлар кишилар ёшидаги фарқни, табақавий қатламни ва оилавий аҳволни белгилашда хизмат қилиб, уларнинг насл-насабидан дарак бериб турувчи хусусиятга эга бўлган. Денов беклиги марказида махсус заргарлик устахоналари мавжуд бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатган. Воҳада аёлларнинг пешонага, сочга, кулоққа, бўйин, қўл-оёққа ва кўкракка тақиладиган мунчоқ, сирға, узук ва билакузук каби тақинчоқлари мавжуд. Воҳада бундай тақинчоқларни аёллар тўй, байрам кунлари айниқса, келинлар тўй куни яхлит тарзда таққанлар.

Воҳада келинчақлар “тиллақошни” баргакнинг устидан тақиб юрганлар. Воҳада ёш келинларнинг тақинчоқларидан бўлган “силсила” уч-тўрт қатор ўйма нақшли бир-бирига занжир кўринишда ҳалқачалар билан уланган бўлиб, асосан, бошдаги кийгичга ёки рўмолга беркитилган. Сирғаларнинг “уй сирғаси”, “ойбалдоқ”, “қозик сирға”, “муҳаммади сирға” каби турли хил шакллари мавжуд бўлиб, улар турлича номланган. Хусусан, воҳада айлана ёки бодомсимон сирғалар бўлиб, “ҳалқаи муҳаммади сирға” деб номланган. ”Муҳаммади” сирғанинг тоқ сонли осилчоқлари бўлган, уларнинг сонига қараб ”уч оёқли”, “ўн бир оёқли” каби турлари бўлган. Воҳада “тўққиз оёқли” Муҳаммади сирғани, асоса, бой хотинлар тақишган, бу сирғанинг воҳа аёллари Биби Фотиманинг сирғаси деб муқаддас билганлар. Воҳада аёлларнинг бўйин ва кўкрак тақинчоқларидан бири маржон бўлиб, маржонлар бир неча шодаларнинг алоҳида тўқималаридан иборат бўлган. Воҳада маржоннинг қизғиш-пушти рангли “қалампир маржон” ҳамда “нозик маржон” турлари жуда кенг тарқалган. Воҳа хотин-қизларининг қимматбаҳо тақинчоқларидан юмалоқ шаклда бўлган, зебигардоннинг уч бурчаксимон, ромбсимон осилчоқлари бир-бирига уланган занжирлари бўйинда ва кўкракда жуда гўзал турган, зебигардонни воҳанинг ўзига тўқ, бой хонадон аёллари тақишган. Воҳа аёлларининг тақинчоқлари ичида сочга тақиладиган тақинчоқлар ўзига хос ўринга эга бўлган, соч тақинчоқлари “жамалак”, “попук” каби турли номларда номланган. Воҳада қизлар, ўрта ёш аёллар ҳамда ёши кекса кампирларнинг соч ўришида жуда катта фарқ бўлган. Қизларнинг сочи турмушга чиққанига қадар тўрттадан қирқ ва ундан ҳам кўп майдалаб ўрилиб, учига жамалак тақилган. Турмушга чиқаётган қизнинг сочини иккита қилиб ўрган ҳамда турли хил тугма, мунчоқ ва пошшойи танга (кумуш тангалар) билан безатилган, жамалак (сочпопук) тақилган. Аёллар кундалик турмушда оддий қора рангга бўялган ипакли, чилвирдан иборат жамалаклар тақишган.

Воҳа аҳолисининг қўлга тақиладиган анъанавий тақинчоқларидан бири узук ва билагузукдир. Ўзига тўқ бой хонадон соҳиб ва соҳибалари, асосан, тилладан ясалган узук таққан бўлсалар, ўрта ҳол аҳоли эса, асосан, кумушдан ясалган узуклар таққанлар. Билакузуклар ҳам узуклар каби тилло ва кумушдан ясалган, айримларининг эни 1-1,5 бармоқ бўғинни ташкил этган. Билакузукларга нақшлар берилиб, айримларига қимматбаҳо тошлардан кўзлар ҳам қўйилган, уларнинг “панжа”, “турна” каби нақшлар солинган турлари мавжуд бўлган. Либоснинг ажралмас қисми ҳисобланган заргарлик безаклари ҳам халқнинг тарихи ва маданиятини акс эттирган, улар турмуш ва маданий-тарихий алоқаларнинг рамзий воситаларидан бири ҳисобланган.

Воҳа аёлларида кўпгина безаклар, айниқса, тўйдан кейин муҳофаза маъносига эга бўлган, соғлом насли давом эттириш учун аёллар соғлигини эҳтиёт қилиш мақсадида уларни кўз тегишдан сақлаганлар. Афсунгарлик кучига эга бўлган “*ханамаат*” ва “*гулбанд*” тақинчоқлари турли-туман мунчоқлардан тўрсимон шаклда бир-бирига чатиштириб тўқилган. “*Ханамаат*”нинг барча турлари, асосан, уч бурчак шаклида, удумларга кўра Умай деган маъбуда номи билан боғлиқ бўлиб, болалар ва оналарга ҳомийлик қилган ва серпуштлик маъбудаси ҳисобланган. Аёллар бегагининг яна бошқа тури - “*гулбанд*” бир қанча мунчоқ тизимларидан иборат бўлиб, гоҳо бир-бирига ўрилган. Ип тизимлари миқдори 80 тагача етган. “*Гулбанд*” номи “гул” (маҳаллий аҳоли орасида қизилча, қизамиқни шундай аташган) ва “банд” сўзларидан келиб чиққан. Шу боис “гулбанд” таққан бола қизилча билан оғримас эмиш. Гулбанднинг энг эътиборли қисми тумор ҳисобланади, унинг ўртасига “бобохур” тош (кўпинча зумрад) қадалган бўлади. Ёш аёллар уни оилавий бахт ва никоҳ тумори сифатида таққанлар.

Бошқа заргарлик безакларидан турли шаклдаги сирғалар кенг расм бўлган. Энг кўп тарқалгани бу беш (*бешоёқ* ёки *бешпоя сирға*), етти (*еттиоёқ сирға*), тўққиз ва ўн бир шокилали балдоқ сирғалар ва “*уч кўзача*” ҳисобланади. Бу сирғалар кўпол ва оғир бўлганидан улар қулоққа кўшимча ип ўтказиб тақилган. Яна бири “*уй сирға*” куббасимон шаклга эга бўлган, чунки кўнғиротлар ҳаёти ўтовларда кечгани учун унинг шакли ўтовга ўхшатиб ясалган. Тожикларда у “*қафаси ҳалқа*” деб аталган, бундан ташқари, айниқса, лоқай ва тожик заргарларининг безаклари юқори баҳоланган. Маҳаллий аҳоли сўзларига кўра, одамлар кўпинча дайди лўлилардан арзон заргарлик безаклари сотиб олганлар. Илгари кўнғирот аёллари бурунга (кўпроқ ўнг катагига) “*летиба*” ёки “*латува*” балдоғини такканлар.

Шу тариқа Сурхондарё аёлларининг анъанавий либослари айрим тарихий ва иқтисодий ўзгаришлар таъсири остида ўзгариб борган, аммо мазкур минтақанинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолган. Воҳа аҳолисининг тақинчоқлари ўзига хос этник ва локал хусусиятлари билан алоҳида ажралиб турди, аниқса, XX асрнинг биринчи ярмида зебу зийнатларнинг асосий қисмини анъанавий турдаги миллий тақинчоқлар ташкил этган. Бу даврда тақинчоқлар ўзининг эстетик вазифаси билан бирга

магик-эътиқодий хусусиятларини ҳам сақлаб қолган. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб уларнинг магик-эътиқодий хусусиятларини ҳам сақлаб қолган. Қолаверса, тақинчоқларда шўролар тузумининг ғоявий-ижтимоий мезон ва мафқураси ҳам маълум даражада акс этган.

Мустақилликдан сўнг анъанавий миллий русумдаги тақинчоқларга бўлган қизиқишнинг ортиши натижасида уста заргарлар томонидан олдинги даврларга хос миллий тақинчоқлар мажмуини яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги маданий қадриятларимизнинг тикланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бадий безак санъати. Тарихан бадий ҳунармандлик эстетик функцияни бажариш билан бирга бозор иқтисодининг муҳим қисми ҳисобланган. Кўпгина бозорларда ҳунармандлик маҳсулоти Бухоро амирлиги, Кўкон ва Хива хонликларининг умумий бюджетига сезиларли даромад келтирган. XIX-XX асрлар давомида минтақанинг анъанавий бадий ҳунармандлиги иккита сезиларли зарбани бошидан кечирди. Биринчиси шундан иборат эдики, минтақа чор Россияси томонидан босиб олинган, фабрика маҳсулотлари, яъни мато, маъдан ва чинни идиш-товоқлар кенг тарқалганидан кейин анъанавий ҳунармандлик иқтисодиётига путур етган эди. Бунда ўзининг юксак сифати билан бозор талаби даражасига жавоб бера олмайдиган қишлоқ ҳунармандчилиги бу жараёнда унчалик катта зарар кўрмади. Юксак бадий ва технологик сифатларни ўзида намоён этган шаҳар марказларидаги ҳунармандлик кўпроқ азият чекди. Юксак шаҳар ҳунармандлиги анъаналарининг иқтисодий сабаблардан келиб чиққан тенглашув жараёни амалий санъат буюмларининг умумий бадий даражасида салбий жиҳати билан намоён бўлди. Сунъий бўёқ ва фабрика матоларининг пайдо бўлиши гиламдўзлик, каштачилик, газламага гул босиш, шойи матолар ва ҳоказо анъанавий бадий тўқимачилик сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Иккинчи жиддий зарба шўролар ҳокимияти даврида ўтказилган иқтисодий ва мафқуравий ислохотлар бўлди, бунда хусусий мулк тугатилган, тасвирий санъатнинг янги шакллари ранг тасвир, ҳайкалтарошлик, графика ва ҳоказоларга қиёслаганда ҳунармандлик эскилик саркити, қандайдир иккинчи даражали деб баҳолана бошлади. Натижада амалий санъатнинг иқтисодий таркибига зарар етди ва шунга мувофиқ табиий иқтисодий таянчдан маҳрум бўлган устанинг ижтимоий мақоми пасайди. Ўз маҳсулотини мустақил равишда сотган ҳунарманд усталар фаолияти қонунга ҳилоф тадбиркорлик сифатида солиқ идоралари томонидан таъқиб остига олинди. 1960-йилларнинг бошига келиб ҳунармандлик саноатининг маҳаллий ва маиший саноат тизимига ўтказилиши муносабати билан "устоз-шоғирд" мактаби доирасида анъанавий эстетикани сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг асрий тамойили ўзгарди, нақшлар тизимининг аста-секинлик билан, эволюцион ўзгариши қурилмаси издан чиқди. Аксарият эски технологиялар қўлдан бой берилди, миллий нақшларда бошбошдоқлик ва ўзбилармонлик устунлик қила бошлади. XVIII аср - XIX аср охиридаги

амалий санъатнинг энг яхши намуналарига хос сифат ва бадий диднинг юксак анъаналари ер билан яксон этилди.

Шундай қилиб, 1990-йилларга келиб Ўзбекистон анъанавий хунармандлиги иқтисодиёти ва эстетикаси фалаж аҳволга тушиб қолди, халқ хунармандлиги буюмларига талаб кескин тушиб кетди, моҳиятан у паст сифатли совға боп кенг истеъмол молларига айланиб қолганди. 1990-йиллар бошида Ўзбекистонда маданият ва санъатда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Мазкур барча ўзгаришлар тарихан ноёб воқеа мамлакатнинг мустақилликка эришиш ва давлат суверенитетига эга бўлиши билан боғлиқ эди. Кўп асрли анъаналарга эга ва ўз табиатига кўра эволюцион йўл билан қонуний тарзда ривожланган бадий хунармандлик тизимларида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шу билан биргаликда, қисқа муддат ичида Ўзбекистонда усталарнинг янги авлоди етишиб чикди ва хунармандликнинг янги марказлари пайдо бўлди, улар ривожланишининг ва тикланишининг иқтисодий ҳамда институционал шароитлари ўзгарди. Ниҳоят, анъанавий амалий санъат бадииятида ва маданиятнинг шу жиҳати ижтимоий вазибаларини тушунишда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Ушбу ўзгаришларнинг асосий омиллари ва сабабларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биринчи галда, бу ёш давлатнинг анъанавий маданий қадриятлар, шу жумладан, хунармандликни қўллаб-қувватлаш ва сақлашга йўналтирилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари кўринишидаги маданий сиёсатдир. Бу а) иқтисодий чора-тадбирлар (хусусий мулкни тиклаш ва бозор иқтисодиётига ўтиш, солиқ имтиёзлари, юзага келтирилаётган институционал тузилма ва халқ усталари бирлашмаларига сармоя бериш); б) ижтимоий ҳимоя ва рағбатлантириш (фахрий унвон, давлат мукофотлари, мукофот пуллари ва ҳоказо); в) оммавий ахборот воситаларида миллий қадриятлар ва маданий мерос тарғиботини кучайтириш шаклидаги медиа воситасида қўллаб-қувватлаш йўли билан амалга оширилади.

Иккинчидан, халқаро омилни таъкидлаб ўтиш жоиз. 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан унинг халқаро ҳамжамиятига сиёсий, иқтисодий ва маданий яқинлашуви муаммоси фаоллаштирилди. Бу даврда Тошкентда элчихоналар, сиёсий ваколатхоналар ва турли халқаро ташкилотлар, банклар, жамғармалар очилди. Ўзбекистонга чет эллик туристлар оқими кескин кўпайди, бу нарса анъанавий амалий санъат буюмлари сифатини баҳолаш мезонига таъсир кўрсатмай қолмади. 1990-йиллар бошида Ўзбекистон халқаро қонунчиликнинг мустақил субъекти сифатида БМТ, ЮНЕСКО сингари бообру ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Анъанавий маданият - хунарлар, оғзаки ва мусиқий фольклор, рақслар, халқ ўйинлари, маросимлар ва урф-одатларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш маънавий соҳадаги устуворликлардан ҳисобланади.

Учинчидан, нодавлат секторда институционал тузилмалар муҳим омил бўлиб қолди. Бу ерда қуйидаги жиҳатларни ажратиш кўрсатиш лозим; кўп сонли ижтимоий жамғармалар, уюшмалар, маданий мерос ва анъанавий хунармандликни қўллаб-қувватлаш. Ўзбекистон Фонд Форум фаолиятини

алоҳида таъкидлаш зарур, у халқ ҳунарманд усталари фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича катта ишларни амалга оширмакда.

Тўртинчидан, эксперт ҳамжамияти олимлар, мутахассис-экспертлар, санъатшунос-лар, етакчи уста-ҳунармандлар фикри ва тавсияларини нуфузли омил деб ҳисоблаш лозим. У буюмлар сифатининг юқори даражасини тиклаш, ўтмишдаги анъанавий ҳунармандликнинг ижобий амалиётини сақлаш ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Бу барча сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва эстетик омил ҳамда ҳодисалар мажмуини анъанавий бадиий ҳунармандликни ривожлантиришдаги янги босқич белгилаб берди. Бу давр ичида анъанавий ҳунармандликни ривожлантириш ва қайта тиклаш жараёнини илмий, таҳлилий фикрлашда ҳам муайян тажриба тўпланди. Ўзбекистон анъанавий бадиий ҳунармандлигини муҳофаза қилиш ва ривожлантириш бўйича назарий-таҳлилий ва амалий ишда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги Ваколатхонаси катта ва амалий роль ўйнади. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ маданий меросни муҳофаза ва тарғиб қилиш соҳасида ЮНЕСКОнинг барча дастурларида фаол иштирок этмокда.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Вако-латхонаси нафақат анъанавий ҳунармандликни ривожлантириш ва қайта тиклашга, балки уларни илмий жиҳатдан англаш ва тарғиб қилишга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга оширди. Қатор илмий адабиётлар китоблар, альбомлар, халқ тўқимачилигида иплар, матоларни бўяшнинг технологиялари бўйича мақолалар ва амалий қўлланмалар нашр этилди. Чет эллик мутахассисларни жалб этган ҳолда семинар ва тренинглар ўтказилди, анъанавий ҳунармандликнинг турли йўналишлари бўйича марказлар тузилиб, устахоналар тикланди. 2002 йилда мамлакатимиз ҳукуматининг ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Миллий комиссияси ва Ваколатхонаси билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли халқ анъанавий маданиятининг йирик марказларидан бири Бойсун жаҳоннинг турли минтақаларидаги 18 та шаҳар билан бир қаторда ЮНЕСКО томонидан башариятнинг Оғзаки номоддий мероси дурдонаси деб эътироф этилди. Бу қарор Бойсун минтақаси анъанавий бадиий ҳунармандлигини ҳар тарафлама ўрганиш, ёзиб олиш ва сақлаш жараёнига кучли туртки бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон халқ анъанавий ҳунармандлигини қўллаб-қувватлаш бўйича улкан комплекс ишлар қилинди. Натижада, бугун биз Ўзбекистон халқ усталарининг амалда анъанавий ҳунармандликни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг самарали жараёнини кузатишимиз мумкин. Асрий анъаналарга эргашиш, эски усулларни сақлаб қолиш, анъанавий ашёлар ва хом ашёлардан фойдаланиш билан бир қаторда замонавий усталар буюмлар шаклига ва нақшига инновациялар киритишмокда, бўёқ ва ранг бериш усулларини тажрибадан ўтказмокдалар ва ҳоказо. Амалий санъат буюмлари рамзий тузилишини шакллантириш жараёнида сўнгги йилларда иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсири сезиларли равишда кучайди, бу ижодий янги ечимлар қабул қилишда усталарнинг аҳамияти ошишига олиб келди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида анъанавий оилавий

диний маросим ва расм-русумлар қайта тикланди, бу унут бўлиб кетган бир қатор хунармандлик санъатини ривожлантириш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Шундай қилиб, 1990-йиллар бошида кириб келган янги тарихий давр Ўзбекистон анъанавий амалий санъатини муҳофаза қилиш ва ривожлантириш жараёнининг алоҳида характерини белгилаб берди. Мустақил Ўзбекистоннинг анъанавий халқ хунармандлиги ижтимоий мақомини ташкилий чора-тадбирлар ва солиқ имтиёзлари билан биргаликда мустаҳкамлашга қаратилган маданий сиёсат халқ усталарига ўз моддий аҳволини сезиларли даражада яхшилаш ва ўз буюмларини бозорда янада дадилроқ намоён этиш имконини берди. Хусусий хунармандликни ривожлантириш учун шароитлар яратиш, амалий санъат усталарига иқтисодий ва солиқ имтиёзлари бериш ҳозирги замонда Ўзбекистонда анъанавий бадиий хунармандликнинг ривожланиши ва қайта тикланиши суръатини янада жадаллаштирди.

Каштачилик марказлари. Сурхондарё вилояти қишлоқларидаги қўли гул чевар аёлларнинг меҳнатини этнографик тадқиқотлар асосида ўрганган Зилола Носирова хизматлари алоҳида таҳсинга сазовардир. Хунармандчилик маҳсулотларидан энг кўп тайёрланадиган катта деворий сўзана - намоён. Воҳа чеварлари беаган ажойиб каштачилик намуналари - *жойнамоз, зардевор, болинпўш ва жойпўш, рўйжо, бўғжсома, лўлаболши, белбоғ ёки белқарс, бешикпўш, бешик, дастурхон, ойнахалта, тузхалта, чойхалта, жияк* ва ҳоказа кабилардан иборатдир.

Ушбу барча буюмларда ижро йўсини, ашё ҳамда нақш билан боғлиқ умумий услуб сақланиб қолган.

"*Ойнусха*" ёки "*тўпбарггул*" нақши Сурхондарё каштачилигининг асосий каштагули ҳисобланади. Ҳар замонда бутасимон туморлар учрайдики, улар Самарқанд ва Қашқадарё минтақаларига хос. Баъзи туманларда жониворлар тасвири туширилган кашталар учрайди, уларда қуш, чаён, кўчқор шохлари, хўроз тожларининг услублаштирилган шакллари ифода этилган. Бойсунда "оҳу билан қиз" мавзуси кенг тарқалган, у бу ерда 1950-йилларда пайдо бўлган. Умуман, Сурхондарё кашталарида ислими - ўсимлик шакллари устунлик қилади, бу гуллар ва мевалар, лола, анор, бодомгул, жингала барг кабиларни ўз ичига олади.

Минтақа каштачилигининг етакчи марказларидан бири Бойсун тумани ҳисобланади. Бу ерда нақшланган сўзананинг уч асосий хили мавжуд: тўпгул, бутасимон туморларнинг эркин тузилиши ва оҳули қизни ифодаловчи воқеабанд тасвирлар. Бойсунда сўзананинг энг кенг тарқалган хили тўпгул бўлиб, уларда тасвирланган тўпгуллар сони марказнинг нечоғли ривожланганлиги ва чизмакаш маҳоратининг ўзига хос кўрсаткичи бўлган. Ангор тумани каштасида тўпгуллар билан бир қаторда нақши Самарқанд марказлари билан боғлиқлиги бўлган сўзаналар топилган.

Шеробод тумани Зарабоғ қишлоғидан олиб келинган бир қанча сўзанада ўзини намоён этади. Улар беагида шохсимон "кўчқорак" каштасидан

фойдаланиш ўтмишда кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар гиламлари гулларининг анъанавий каштага олиб киритилганлигига мисол бўла олади.

Шўрчи шаҳрида (3 та сўзана) ва ундан 15-20 км масофада жойлашган Навоий маҳалласида (4 та сўзана) топилган, бироқ тўпгуллар оралиғидаги бўшлиққа Самарқанд ва Шаҳрисабз анъанавий усулларидан "корди ош" (ошпичоқ)ни олиб кириш, каштачилик-нинг кўпроқ ривожланган марказлари анъанаси таъсирини кўрсатади.

Денов туманида каштачилик икки жойда -Денов шаҳрида ва Сино кишлоғида қайд этилган, эҳтимол, бу сўзана машхур Ургут намуналарига таҳлид қилиб яратилгандир. Шундай қилиб, Денов тумани сўзанаси гулида Шўрчи сўзаналари учун хос бўлган икки тенденция аниқланади - Бойсун услубий анъаналари ва Самарқанд ҳамда Қашқадарё каштаси хусусиятларининг бирикуви.

Узун туманидаги иккита кишлоқда, яъни "Маданий турмуш" ва "Бакати"да, шунингдек, "Меҳнат" ва "Истиклол" маҳаллаларида ҳам буюмлар қайд этилган. "Меҳнат" маҳалласида 4 та сўзана ва бир нечта ўртача катталиқдаги зардевор, жойнамоз, кийикча топилган. Тўпгулнинг умумий тарҳи Сурхондарё анъанаси услубида бажарилган, бироқ тўпгулларнинг қора шохсимон бурама билан ҳошияланиши Самарқанд услубига хос бўлиб, бир буюмнинг нақши ва композициясида каштачиликнинг икки мактаби анъаналари борлигини кўрсатади.

Сариосиё туманидаги "Ўзбекистон", "Чорва I" кишлоқлари ва Чуқурқишлоқ маҳалласида буюмлар қайд этилган. Сариосиё ҳокимиятида режадаги ўлкашунослик музейи учун кашталар мажмуаси тўпланган. Бу ерда тақдим этилган 8 та буюмдан 2 таси сўзана, 2 таси зардевор, ёстиқ жилд, болинпўш, жойнамоз ва чойхалта. Улар 1970-1980 йиллар билан саналанади. Бу буюмлардан иккитасининг беагида вилоят шимолий ҳудудлари кашталарига хос бўлган Сурхондарё нақшлари (тўпгул, бутасимон гуллар ва ҳ.к.) ва ош пичоқнинг самарқандча усули билан уйғунлиги кузатилади. "Чорва I" кишлоғида ранги оч-қизил шойи матода 24 та тўпгулдан иборат сўзана аниқланган. Композиция Сурхондарё мактаби анъаналарини акс эттиради ва тўпгулларнинг шохсимон қора гажаклари билан ҳошияланиши Ургут кашталари учун хос хусусиятдир. Ушбу кишлоқда ноёб, илгари учрамаган, ёпиқ тарзда кетма-кет жойлашган ромбсимон туморли сўзаналар топилган.

Ромбсимон туморлар кўшни Чуқурқишлоқ маҳалласида топилган, 1973 йилда тикилган 2x5 м катталиқдаги сўзанада фойдаланилган, аммо гулларининг тарзи юқорида тавсифланганидан анча фарқ қилади. Ушбу сўзаналар ҳам Ургут мактаби анъаналари билан боғлиқ. Ромбсимон тумор Самарқанд гиламчилигининг сеvimли унсурларидан бўлган. Аксар ромбсимон тумор Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида яшаган, ўтмишда кўчманчи қабилалар хисобланган кўнғиротларнинг гиламлари гулларида учрайди, бошқача айтганда, ромбсимон тумор шакли ўтроқ аҳоли билан доимий алоқада бўлган турли кўчманчи қабилаларнинг гиламларида кенг урф бўлган.

Сурхондарё вилояти туман ва қишлоқларининг йирик кашталарининг қиёсий таҳлили кашта муаллифининг хўжалик тарзи ва этномаданий келиб чиқиши характери билан алоқадорлигини акс эттиради. Ўтроқ аҳоли вакиллари санъатнинг энг мутарраққий анъанасига эга, улар каштаси гулларида ўтмишда кўчманчи бўлган кўшни халқлар санъати аломатлари тез-тез учрайди.

Воҳа аҳолиси азалдан амалий безак санъатига жуда катта эътибор бериб келган. Зароутсой қоятош суратлари ва унинг ранг-баранглиги ҳозиргича кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Моддий ва маънавий маданиятнинг бевосита боғлиқлигини ўзида мужассамлаштирган санъат намуналари қадимги даврлардан ҳозиргача яратилган бадиий обидалар воҳада яшаган аҳолининг ижодий дунёқарашининг маҳсули саналади.

Жумладан авлоддан-авлодга ўтиб ҳозиргача сақланиб келаётган ганч, ёғоч ва мрамрдан яратилган чиройли ўймакорлик буюмлари заргарлик, кандакорлик ва мисгарлик буюмлари, нақшли сопол идишлар, ранг-баранг тўқимачилик ва каштачилик маҳсулотлари воҳа амалий безак санъатининг ёрқин намуналари саналади. Амалий безак санъати воҳа аҳолиси маиший турмушининг таркибий қисми сифатида шаклланиб келган ва ўзига хос локал хусусиятларни мужассамлаштирган. Воҳа аҳолиси амалий безак санъатининг муҳим йўналишларидан бири ганчкорликдир. Айритом фризида тасвирланган ганчкорлик санъати намуналари воҳада қадимдан ганч ўймакорлиги жадал ривожланганлигидан далолат беради. Воҳа ганч ўймакорлигида йирик ўйма, чуқур ўйма, ясси ўйма, қирма-чизма пардоз занжир каби услублар мавжуд. XII асрда Термиз мақбараларида ганчкорликнинг янгича услуби муқарнас пайдо бўлди. Меъморчиликда ишлатиладиган анъанавий орнамент геометрик ва ўсимлик шаклида бўлиб, бадиий безак санъатининг барча соҳаларида ўсимлик арнаменти устун бўлган бироқ у доимо геометрик нақшлар билан бирга ишлатилган. Воҳада ёғоч ўймакорлиги ҳам қадимдан ривожланган. Ёғоч ўймакорликка оид бўрттик нақшлар уй-рўзғор буюмларида ва меъморчиликда, айниқса эшик, дарвоза, тўсинлар, устунлар, хонтахта, қутича, қаламдон, эгар ва ҳоказаларда ишлатилган. Илк ўрта асрларга оид ёғоч ўймакорлиги буюмлари воҳанинг Юмолоқтепа ёдгорлигидан топиб ўрганилган. Воҳа усталари ёғочга қимматбаҳо ашё сифатида қараб, унинг кенг қўламда ишлатилишига ҳаракат қилган. Термиздаги Мурчбобо жоме мачитидаги ўйма устунлар ва Сайробнинг жума масжидига ўрнатилган устунлар воҳада ёғоч ўймакорлигининг анча юксалганлигидан далолат беради. Ёғоч ўймакорлиги безаклари саналган сандиқлар, қутичалар, бешиқлар, эшик ва токчалар воҳа аҳолиси хонадонларига алоҳида файз киритиб турган. Уй-рўзғор буюмлари, уй-жиҳозлари ва мусиқа асбобларига безак беришда усталар фақат нақшли ўймакорлик услубини қўллаганлар. Сатҳсиз уч қиррали ўйма қавели ўймакорлик нақшлари ёғочда ўйиб олиш йўли билан бажарилган. Бундай нақшлар қутичаларни, ошхона анжомлари, сандиқ, бешик ва бошқа уй-рўзғор буюмларини безарди. Ёғоч ўймакорлари, асосан, ёнғоқ, ўрик, қайрағоч, арча, терак ва чинор дарахтларининг ёғочларидан фойдаланишган. Воҳа амалий

безак санъатида кенг тарқалган турлардан бири бўёкли расмлар чизишдир. Одатда бу соҳа икки хилда: ганч сувоқли деворга расм солиш ва ёғоч буюмларга рангли нақш беришдан иборат.

Илк ўрта асрларга оид Болаликтепа ва Шеробод туманида жойлашган Товка кўрғонидаги девор суратлари биринчи турдаги расм солиш усулига мисол бўлади. Ниҳоятда бой, мазмунли ва бежирим нақшлар турар жой, жамоат бинолари, уй-рўзғор буюмлари, идиш-товоқлар ва чолғу асбобларини безаб турган. Ўтроқ аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар ва қишлоқлардаги уйларнинг устунлари, эшиклари, токчалар ва тахмонлар турли нақшлар билан безатилган. Воҳа аҳолиси хонадонларидаги турли гиламлар, токча ва тахмонлар, зардеволлар турли кашта ва сўзаналар воҳа аҳолисининг нозик дидидан далолат беради. Анъанавий наққошликнинг муҳим турларидан бири тоштарошлик ёки тош ўймакорлиги саналади. Милоднинг биринчи асрларига оид Фаёзтепа, Айритом, Қоратепа ёдгорликларида харсангтош ва мрамрдан безак ишларида кенг фойдаланилган. Хусусан, ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устига қўйилган мрамр сағана нафақат минтақада, балки бутун шарқ оламида тоштарошлик ҳунарининг ноёб намунаси саналади. Бинокорликда ишлатилиб келинган ранг-баранг кошинлар ва турли хилдаги бадий аҳамиятга эга бўлган уй-рўзғор буюмлари кулолчилик соҳасининг маҳсули саналади. Воҳа аҳолисининг бу қадимий амалий санъати ўзининг бой анъаналари нозик нақшлари, кундалик турмушда ишлатиладиган идиш-товоқларнинг нафис безаклари киши диққатини беихтиёр ўзига жалб қилади. Шеробод кулоллари кулолчилик буюмларини қизил жигарранг ва тўқ сариқ фонда яшил, сариқ, қизғиш баъзан эса кўк ранглар билан безаган. Воҳа кулолчилигида буюмларга нақш беришнинг сарғиш-қизил тусли, тўп барггулли нақш услубларидан фойдаланиб нақш солишган. Бундан ташқари аноргул, кўчқор шохи, гултожихўроз, санама, занжира, туморча, қалампир, ғўзанак, чойдиш, баргак, чоряпроқ каби нақш турлари ҳам сопол буюмларни безаб турган.

Воҳа аҳолиси амалий безак санъатининг яна бир тури кандакорлик саналади. Кандакорлик – маъдандан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки бўртиқ қилиб нақш ишлаш касбидир. Воҳада кандакорлик ҳунари милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида шакллана бошлаган. Ўрта асрларда воҳада кандокорлик анча тараққий этган. XI асрга оид Будрач ёдгорлигидан топилган 300 кг га яқин металл буюмлар орасида ҳовонча, кўза ва шамдонлар ҳам бўлиб, уларнинг айримларига кандакорлик асосида нақшлар солинган. Бадий безак санъат касбларидан яна бири мискарлик саналади. Воҳа мискарлари сариқ ва қизил мислардан турли идиш-товоқ ва хўжалик буюмлари яшашган. Мискарликнинг бошқа металлсозлик касбларидан фарқи шуки, мис тоб берилмай, яъни совуқ ҳолида ишланади. Мискарлар ичи чуқур мис идишларни бир-бирига ёпиштиришдагина уларни қиздирадилар. Одатда мискарлар меҳнати иккига тақсимланган: яшаш ва безаш. Мис идишларга нақш беришда мадохил, ислими ва намоён номли услублардаги нақшлардан фойдаланилган. Мискарлар қумғон, жом, мис чойнак, мис коса, мис лаган, мис баркаш, мис офтоба, мис кўза, мис товоқ, мис чилимлар ясаб уларнинг

ташқи томонига ўйма нақшлар солишган. Бундай нақш турларига ислими, араби, ислими афғони, ислими бодомбарги, курмак, бодомча, чорбўта, ойнақши, толбарги каби нақшларни мисол келтириш мумкин. Бадиий хунармандчиликнинг яна бир тармоғи заргарлик саналади, уста заргарлар мис, кумуш ва олтиндан кўплаб заргарлик буюмлари ясашган. Бундай заргарлик буюмлари турли нақшлар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Воҳа заргарлари бош кийимига, пешонага, сочга, қулоққа, бурунга, бўйинга, кўкракка, билакка, бармоққа тақиладиган кўплаб тақинчоқ турларини ясашган ва уларга турли нақшлар билан зеб беришган. Воҳа аҳолиси амалий санъатининг яна бир муҳим тармоғи бадиий тўқимачилик ва каштачилик саналади. Воҳа аҳолисининг каштачилик буюмларига: сўзаналар, палаклар, зардеволлар, сандиққа тахланган кўрпалар устига мўлжалланган барпўшлар ёки бўғжомалар, сандал устига ёпиладиган сандалпўшлар, ёстикжилдлар-болинпўш ва лўлаболишлар киради.

Бундан ташқари жойнамозлар, белқарслар, чойхалталар, ойнахалталар, тузхалталар, тўрвалар, сочиқлар, рўмолчалар ҳам кашталар билан безалган. Шунингдек Бойсун гулдўзи дўппилари ҳам каштачилик асосида тикилган. Воҳа аҳолисининг кийимларидаги жияклар ва чирозлар ҳам кашталар билан безатилган. Кашта солиш учун чеварлар сатин матоларини асос қилиб олишган айрим ҳолларда эса асос сифатида шойи матоларидан ҳам фойдаланилган. Кашта иплари эса кўпинча пахта ва ипак иплардан тайёрланган ипларни бўяшда табиий бўёқлардан фойдаланилган. Воҳа каштачилигининг нақш услубида, асосан, ўсимликсимон ва геометрик нақшлар, баъзан уларга қуш ва ҳайвон тасвири ҳам қўлланилган. Сўзаналар ўзида коинот, табиат, бахт ва севги тушунчаларини ифодаловчи хушманзара полотнолардир. Сўзаналар сатҳида воҳа чеварлари тасаввурларидаги дунё акс этган. Сўзаналарнинг ҳажми бўйича 1,5 метрдан 2 метргача узунлиги 2 метрдан 4 метргача бўлган. Ҳамма сўзаналар “меҳробгул” номли жингалак нақшлар туширилган кенг хошиялар билан ўраб олинади. Ташқи хошиялар эса “оба” (сув) номли тўлқинсимон нақшлар билан безатилади. Асосий майдонда тўпбарггул шаклидаги безак туширилган, марказда, асосан, ой ва қуёшни ифодалайдиган катта айланалар жойлашган, ушбу айланалар сони 1 тадан 8 тагача бўлади. Акс эттирилган сайёралар ой деб аталади, лекин сайёралар катта ой, панжа ой ва кичик ойларга ажратилади. Сайёраларнинг марказида унинг негизини ҳосил қилувчи тўпбарггул туширилади, унинг атрофини бир неча рангли тўпбарггуллар ўраб олади. Сайёралар орасида “бодомгули”, “лолагули” мингари гуллар, ўсимликлар баъзан эса шохларга қўнган қалдирғоч ва булбулларнинг услублаштирилган турли нақшлари солинади.

Зардеворлар – деворга осиб учун тўқиладиган фризлардир. Зардеворлар хонанинг кўндаланг ва бўйлама деворларининг устки қисмини безаб турган зардеворларнинг нақшлари ҳам кўпинча сўзаналар нақшини такрорлайди. Зардеворларнинг кўндаланг тасмалари 2 метрдан 3-4 метргача бўйлама тасмалари 3 метрдан 4-6 метргача бўлган. Эни эса 50-90 см га етган. Зардеворлар кигиз ўтовларни ҳам безаб турган.

Амалий безак санъатининг муҳим турларидан яна бири гиламдўзлик саналади, гилам тайёрлаш учун кўй жуни ёки пахтадан тайёрланган иплар ишлатилади. Гилам қилиш учун асосан баҳорги жун ишлатилади. Чунки баҳорги жун узунроқ ва юмшоқроқ бўлади. Кузги жундан эса кигиз босилади, чунки кузги жун мастаҳкамроқ бўлади. Воҳада туксиз гилам кўп тўқилади, бундай гилам турлари қоқма гилам деб номланади. Қоқма гилам дастгоҳи тарновой бўлиб ерга қурилади. Қоқма гиламлар йўл-йўл ранглардан иборат бўлиб, узунасига тўқилади, сўнгра кесилиб “туморча тикиш” орқали бир-бирига бириктирилади. Қоқма гиламнинг “чимчиқи”, “кўрчимчиқи”, “бибишак”, “шойи”, “ғажари” каби турлари кўплаб тўқилади, қоқма гиламларда 10 тагача тахт чизиқлари бўлиши мумкин, қоқма гиламларнинг устки ва остки томонлари бир хил бўлади. Тўқиш техникаси мураккаб бўлиб, нақш солиб тўқиладиган гилам тури терма гилам ёки тукли гилам деб аталади. Тақир гиламларни бир вақтнинг ўзида икки-уч киши тўқиши мумкин. Тақир гиламларнинг “кўчқор майиз”, “Имом Султоний”, “терма”, “туя бўйин”, “Қўл солди”, “Оқ енли” каби турлари мавжуд. Воҳа аҳолиси бадий безак санъатида напрамач ва бўғжомалар ҳам муҳим ўрин тутди. Напрамачларнинг нақши – тукли олд томонда саккиз бурчакли ёки тўртбурчак шаклида иккита йирик медальон унинг фонидида ўткир ромблар ёки Х симон шакллардан иборат. Напрамачлар тўқилган сандиқлар бўлиб, улар турли буюмларни солиш учун ишлатилган. Воҳа гиламдўзлигида эшик халта, қошиқ халта, бўғжома (уй-рўзғор буюмларини ўраб қўядиган тўқима полотно) хуржун, дастурхон, дигил ёпгичлар қиради.

Бўғжомалар кўпинча тайёр матодан тайёрланиб ип ва ипак иплар билан нақш солинган. Бўғжомаларга асосан шохсимон, ромбсимон, зинасимон гажак нақшлар билан безак берилган. Кигиз жундан тўқилган гилам бўлиб турли мақсадларда ишлатилган. Жумладан ерга тўшама – гилам сифатида, ўтовларга ёпинчиқ сифатида тўрлиқ, жабдуқ ва от эгарларини ёпгич сифатида баъзан кийим сифатида фойдаланишган кигиз босиш кўпроқ кўчманчи халқларга хос. Дастлабки кигиз қолдиқлари Олтойдаги Позирик кўрғонидан топилган. Кигиз ишлаб чиқариш технологияси жуда оддий ва асрлар оша ўзгаргани йўқ. Кигиз ишлаб чиқариш усулига кўра 2 хил бўлади, биринчиси гулсиз оддий кигизлар, иккинчиси гулли кигизлар, Гуллик кигизлар тақиямат ёки тақи намак ҳам деб аталади. Воҳада кигизнинг “туғдонагул”, “тақиргул”, “туғма бақа”, “гажакгул”, “гултайлама”, “қирқдонагул”, “шохмола”, “қирдўнгил”, “олтидўнгил” каби турлари кўп тайёрланган. Воҳа аҳолисининг амалий безак санъатида қуроқчилик ҳунари ҳам муҳим ўрин тутди. Кўрпалар ва ёстиқлар мато қолдиқларидан қуроқ асосида бир-бирига бириктириб ажойиб шакллар ҳосил қилинади. Воҳада қуроқнинг “турнақуроқ”, “олмақуроқ”, “пичоқ учи”, “қирқкўз” каби турлари кенг тарқалган. Воҳа аҳолисининг амалий безак санъатида ойнахалталар ҳам мавжуд. Ойнахалталар, асосан, уйларнинг деворларини ҳамда ўтовларни безашда қўлланилади. ойнахалталар қуроқли, каштали ва сочоқли қилиб тикилади. Умуман воҳа аҳолисининг табиий истеъдоди ва катта меҳнати туфайли пайдо бўлган ажойиб амалий санъат ёдгорликларини аждодларимиз

яратган баркамол, бебаҳо ва ноёб санъат асарларининг намуналари жаҳон маданиятига кўшган зўр хиссаси деса бўлади.

Анъанавий таомлар ва пазандачилик. Воҳа аҳолисининг анъанавий таомлари ўлканинг табиий шароити ва хўжалик хусусиятлари таъсирида шаклланган. Қадимий ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган аҳоли таомлари билан ярим кўчманчи ва кўчманчи чорвадор аҳолининг таомларида маълум фарқлар бор. Воҳа аҳолиси пазандачилигида дон ва донли маҳсулотлардан таом тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Воҳада ярим ўтроқ чорвадор аҳоли учун ва ёрмаларни ёрғучоқларда тортган бўлса, ўтроқ аҳоли эса сув ҳамда хайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган тегирмонлардан фойдаланган. Воҳада ноннинг “оби нон”, “жиззали нон”, “сутли нон”, “патир нон”, “қозон патир”, “ёғли нон”, “лачира нон” каби турлари мавжуд. Шунингдек, жўхори унидан “зоғора нон”, арпа унидан “арпа нон”, тарик унидан “тарик нон” тайёрланган.

Воҳада тандирлар “ер тандир” ҳамда “девор тандир” деб номланиб ўрнатилишига қараб бир-биридан фарқланади. Чорвадор аҳоли нон пиширишда, асосан, товатошлардан фойдаланган. Жиззали нон ҳам оби нон сингари воҳада кенг тарқалган бўлиб, оби нондан фарқи шундаки, хамир қорилаётганда жизза аралаштирилиб қорилган ва оби нон сингари пиширилган. Сутли нон қилишда сув ўрнида сут ишлатилган, бу хилдаги нонларни узоқ сафарга чиққан кишиларга атайин кўпроқ пишириб берилган. Чунки қўйида қотирилган сутли нон сувда тез юмшаган ҳамда ўзига хос тарзда мазали бўлган. Патир пиширишда хамир қориш, унга кўшиладиган масалликлар ҳамда пишириш усулига қараб турли номланади. Жумладан “сариёғли патир”, “жиззали патир”, “қаймоқли патир”, “пиёзли патир”, “шўро патир”, “чалма патир” каби хилларга бўлинади. Воҳада нон, кулча, қатламалар ҳам тайёрланган, қатламадан тўй ва меҳмон дастурхони учун қадимдан фойдаланилган. Воҳада буғдой унидан юпқа ва филминди ҳам тайёрланади. Филминди буғдой унидан тайёрланиб, юпқа таоми сингари тайёрланади, фақат ёғланмаган қиздирилган куруқ қозонда қотириб олинади.

Иккинчи қозонда ун билан сув яхшилаб аралаштирилиб қайнатилади, сўнгра сут солиб, атала тайёрланади. Қотириб олинган юпкаларга озгина миқдорда атала суртиб, тўртбурчак шаклида тугиб, қиздирилган ёғда пиширилади. Воҳада буғдой унидан “умоч ош” ва умоч палов деб номланган таомлар пиширилган, умоч ошнинг қатикли умоч, сутли умоч каби турлари мавжуддир. Буғдой унидан “кескан ош” ва “кескан полов” таоми ҳам тайёрланади, воҳанинг деярли ҳамма хонадонларида буғдой унидан атала пиширилади. Аталанинг ёғли атала, қаймоқли атала, сутли атала каби турлари мавжуд. Воҳа аҳолиси сумалак тайёрлашда ҳам ўзига хос тажрибага эга. Сумалакни айёрлашда буғдойни ўстиришга жиддий эътибор берилади. Сумалак донларига ўстириш жараёнида ҳар куни уч мартадан сув сепилган, буғдой оппоқ ниш уриб кўқариш билан ўғирча ёки келида янчилиб, шираси олинган. Шундан сўнг ушбу ширага ун солиб узоқ вақт қайнатилиб сумалак тайёрланади.

Воҳа аҳолиси гуручдан ош, ширгуруч, шовла, гуруч пиёва каби турли хилдаги таомларни пишириб истеъмол қилган бўлсалар, мошдан мош палов, мошова, мош атала, пиёзли мошкичири, нўхатдан эса нўхат шўрва, шунингдек, ловиядан ловия полов, ловияли шўрва, турли хилдаги таомлар тайёрлашади. Воҳа аҳолиси гўштли таомларни, асосан, қўй гўшtidан тайёрлашади, воҳада гўштни сақлашда қовурдоқ усули кенг тарқалган бўлиб, қўй гўшtlари, асосан, қуйруқ ёғида қовурилади. Қовуришдан олдин гўшт тузланган ҳамда керакли миқдорда зираворлар сепилади, қовурдоқ, қўй қорнидан тайёрланган махсус идиш теридан махсус тикилган саноч ёки сопол хумларда сақланади. Воҳада қўй ва эчки гўшtidан тандир қабоб (тандир гўшт) пиширилади, тандир гўшт таоми ўзига хослиги билан ажралиб туради. Гўшт бўлақларига туз, қалампир, зира, майдаланган сепиб, ёнғоқ ёки ўрик таёқчаларига осилади. Қизиган тандирнинг ўртасига чўғни йиғиштириб, унинг устига сув солинган қозон қўйиб, осиб қўйилади. Гўштнинг устига арчанинг қуриган шохчаларини жойлаб устидан тоғорани тўнтариб қўйилади, унинг атрофини лой билан суваб пиширилади.

Воҳа аҳолиси донли ва гўштли таомлар билан бирга сутли таомларни ҳам севиб истеъмол қилади. Сигир, қўй, эчки болалаганидан кейин уч-тўрт кун мобайнида сариғи аримаган сут (“оғиз сути”, “увуз”) соғиб олинади. Бу сутдан биринчи кун соғиб олинганда “қағанок” тайёрланади. Воҳа аҳолиси қадимдан истеъмол қилиб келган таомлардан яна бири қатиқ бўлиб, қатикни тайёрлашда ўзига хос таомиллари бор. Сут пиширилгандан кейин, албатта, бир оз совутилиб, илиқроқ ҳолатга келтирилади. Шундан кейин “уютки” яъни “қўр” солиниб, усти ўраб қўйилади, сут икки-икки ярим соат давомида ивиб қатикқа айланган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг деҳқончилик билан шуғулланган ҳудудларида узум, олма, жийда, ўрик, анор, гилос, ёнғоқ, бодом, pista, тут, беҳи, олхўри, шафтоли каби турли хилдаги мевалар, тарвуз, қовун, сабзи, қанд лавлаги каби полиз маҳсулотлари лалми ҳамда суғорма деҳқончилик усулида етиштирилган. Воҳанинг ўрик ва қовунлари ширинлиги билан Бухоро амирлигида ажралиб турган. Дашнобод анорлари бутун амирликка ёйилган. Воҳанинг Олтинсой туманининг кўпгина қишлоқларида узумдан шинни ва майиз тайёрланади. Шунингдек, воҳанинг тоғли ҳудудларида лалми усулда, пастки ҳудудларида эса суғорма усулда полиз маҳсулотлари етиштирилиб, қовун, тарвуз ва сабзидан шинни тайёрланади ҳамда олма қоқи, қовун қоқи, шафтоли қоқи, ўрикдан ёғин каби турли хилдаги қурук мевалар уй шароитида тайёрланади. Воҳада қандолатчилик ўзига хос тарзда ривожланган. Денов, Шеробод, Бойсун бекликлари марказларида қадимдан навот, парварда, ҳолва, нишолда, пашмак каби қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ривожланган. Ҳар бир қандолат маҳсулотларини тайёрлашда ўзига хос усуллари мавжуд. Хусусан, парварданинг олма парварда, қадимий парварда каби турлари бўлиб, воҳа аҳолисининг кундалик ҳаётида кенг истеъмол қилиниб келинган. Парварда қалла қанд (сарқанд)лар эритилиб, ярим ой шаклида пиширилган. Ҳолва тайёрлашда эса қанд, шинни ҳамда шакарлардан фойдаланилган. Ҳолва тайёрлашда қандлардан (қалла қанд),

узум, тут, шиннисидан, шакар (лавлаги ва шакарқамиш) кабилардан фойдаланилади. Ҳолвани тайёрлашда ўрик данаги, ёнғоқ, бодом, кунжут ишлатилади, шунингдек, етмак илдизи сувидан фойдаланилади. Ҳолвалардан кунжутли ҳолва тўй маросими ширинликларидан ҳисобланиб, воҳада қизга тўй жўнатилганда куёв томон ҳамиша кунжутли ҳолва юборишган. Воҳа аҳолисининг таомларининг турлари ва пазандачилик усуллари вақт ўтиши билан анча бойиб борди. Натижада воҳа пазандачилигига бошқа халқларнинг таомлари ҳам кириб келди. Бу эса воҳа аҳолиси дастурхонининг янада серфайз ва баракали бўлишига сабаб бўлди.

ХУЛОСА

Сурхон воҳаси ниҳоятда қадим тарихга эга бўлган айнаи дамда юксак даражадаги моддий ва маънавий манбаларга макон бўлган минтақа бўлиб, жаҳон тарихчи олимлари томонидан мукамал ўрганилиб борилмоқда. Чунки Марказий Осиёда илк инсониятнинг пайдо бўлганлигини асословчи моддий маданият манбалари айнан шу ҳудуддан топилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Моддий маданиятнинг асосий манбалари бўлган илк деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликка тааллуқли инсон ҳаёти билан боғлиқ ашёвий далиллар юксак маданият яратилганлигидан далолат берди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг "... Биз халқнинг номи билан эмас, балки маданияти ва маънавияти орқала биламиз ва тарихнинг таг- томирига назар ташлаймиз", деган сўзлари айнаи ҳақиқатдир. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Сурхон воҳаси жаҳон цивилизациясида ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Чунки Буюк ипак йўлининг муҳим йўналишида жойлашган воҳа, тарихнинг турли даврларида кўплаб маданиятларни уйғунлаштирган турли халқлар маданиятига ўз таъсирини ўтказган Тешиктош, Зараутсой, Сополлитепа, Жарқўтон, Бандихон, Ғозимулла, Миршоди, Таллошқон, Қизилча, Кучиктепа, Кампиртепа, Холчаён, Зартепа, Фаёзтепа, Қоратепа ва Далварзинтепа каби ёдгорликларда олиб борилган археологик қазилар ишлари туфайли жуда катта маданий қатламлар очилди. Бугунги кунда Сурхон воҳасида қарийб 300 яқин археологик ёдгорликлар мавжуд бўлиб, ушбу ёдгорликлар турли даврларга оид, шунингдек, 20 ортиқ меъморий ёдгорликлар ҳам воҳа тарихининг ва моддий маданиятининг яққол намунаси саналади.

Сурхон воҳаси қадимда Бактрия, Тоҳаристон, Чағониён каби жарангдор номлар билан номланган илк шаҳарсозлик, илк давлатчилик пойдеворлари бунёд этилган. Бу ерда азал-азалдан ўтроқ деҳқончилик маданияти, ҳунарманчилик маданияти, шаҳарсозлик маданияти, меъморчилик маданияти шаклланди. Воҳа аҳолиси ҳамиша яратувчанлик салоҳияти билан яшаган шу туфайли ҳам воҳани доимо боғ-роғларга ўралган мухташам иморатларга сероб юртга айлантирган. Шунинг учун ҳам римлик тарихчи Квинт Курций Руф "Бактриянинг табиий шароити турли - тумандир, узумлари йирик - йирик жуда ширин, офтобда яхши қизиган ерни қондирадиган серсув дарёлари бор" деб бежиз таъриф бермаган. Бактрия минг шаҳарли

мамалакат сифатида эътроф этилган. Воҳанинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Термиз ўрта аср манбаларида “Шаҳри ғулғула”, “Шаҳри сомон” номлари билан тилга олинса, Шеробод эса “Шаҳри Ҳайбар” номлари билан эътроф этилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, воҳада яратилган моддий ва маънавий маданият инсоният тамаддунига бебаҳо бойлик бўлиб кўшилган. Сурхон воҳаси аҳолиси тарихи моддий ва маънавий маданиятига қизиқишнинг катталигининг боиси ҳам шу. Шунинг учун Президентимиз Ислам Каримов; ”Мамлакатимизнинг жанубий чегарасида жойлашган, ўзининг бетакрор бойликлари, табиати, маданияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, аввало кўнгли очик, бағри кенг меҳнаткаш эли билан Сурхон воҳаси барчамизни ўзига мафтун этиши бежиз эмас” деб ҳаққоний баҳо берган эди. Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида моддий маданият тарихига оид жуда кўплаб манбалар аниқланмоқда. Ушбу монографияда акс эттирилган Сурхон воҳаси моддий маданияти тарихига оид манбалар ватанимиз тарихини мукаммал ўрганишга бағишлангандирю Бу йўналишдаги манбалар халқимизнинг хали кўплаб ўтмиш тарихининг ўрганилмаган саҳифалари борлигидан далолат берди ва бу борада мунтазам амалий тадқиқотларни талаб этмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1.-Т.: “Ўзбекистон”, 1996. -36-86 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. -175-366 б.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т.7. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998.- 132-154 б.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. 8- жилд.Т., “Ўзбекистон”,2000.79 бет.(Алпомиш достони»нинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Т.8. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2000. -78-82 б.)
5. Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Т.10.-Т.: “Ўзбекистон”, 2002. -.307-315 б.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. -Т.: “Ўзбекистон”, 2006. -274 б.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2010.- 173 б.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари.Т.17. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. -227-233 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида, Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2011. -439 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Абулғозихон. Шажарайи турк.- Т.: “Чўлпон”, 1992. -192 б.
1. Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. М., Л., «Archiv Orientalni», XXIV, 1956.
 2. Абаев В.И. Надпись Дария о сооружении дворца в Сузе. Иранские языки. М., Л., 1945.
 3. Абу Исо Мухаммад ибн Исо Ат-Термизий. Сахиҳ ат-Термизий / А. Абдулло таржимаси. – Т.: “Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат”, 1993. – 208 б.
 4. Адам Мец. Мусумальнский Ренессанс. М.: - ГРВД, «Наука», 1966.
 5. Акишев К.А. Образ верблюда в легендах Центральной Азии. Этнография народов Сибири. Новосибирск, 1984.
 6. Авесто. Яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2001
 7. Альбаум Л.И. Памятник эпохи бронзы на территории Сурхандарьи.- ОНУ.: 1969, №5.
 8. Аннаев Т. Жўраева П. Кўхна Термиз тарихидан лавҳалар.Термиз. 1991.-б.30.
 9. Аннаев Т, Тилолов Б. Худойберидиев Ш. Бойсун археологик ёдгорликлари.-Т.: “А.Қодирий номидаги халқ мероси”, 1999.-40-Б.
 10. Аскарлов А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа. // Этнография и археология Средней Азии. М.: 1979.
 11. Аскарлов А.К. Вопросы о выделении культуры Сапалли// – «Древняя Бакирия» Л., 1974.
 12. Аскарлов А.К. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана Т.: 1977.
 13. Аскарлов А.К., Б.Абдуллаев. Джаркутан (к проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана Т.: 1983.
 14. Аскарлов А.К, А.Абдураззаков, В.Д.Рузанов. Химический состав металлических предметов из поселения Сапаллитепа-ИМКУ, вып.12. Т.: 1975.
 15. Абдуллаев Б. Раскопки поздних погребений магильника Джаркутан. – ИМКУ, вып.13., Т.: 1977.
 16. Абдуллаев Б. Магильник Джаркутан-ИМКУ, вып. 15. Т.: 1979.
 17. Абдуллаев Б. Богатое погребение эпохи бронзы на юге Узбекистана. В сб: Успехи среднеазиатской археологии вып. 4. Л.: 1979.
 18. Аскарлов А, Б.Абдуллаев. Раскопки магильника Джаркутан (результаты работ весной 1975 г. - ИМКУ, вып.14 Т.: 1978.
 19. Ал Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей. Пер. А.М.Беленийского, Л.: 1963. 490-стр.

20. Аширов А. «Авесто»дан мерос маросимлар. – Т.: “Халқ мероси”, 2001. – 32 б.
21. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”, 2007. – 276 б.
22. Арабская эпиграфика в ССР за сорок лет. Журнал «Эпиграфика Востока». 1963. Вып.15.
23. Аршавская В.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Т.: “Литературы и искусств им. Г. Гуляма”, 1982. – 150 с.
24. Ахмаджонов Ғ. Марказий Осиё ва Россия. Т.: 1997. -380- б.
25. Аҳмедов Б.А. Историко-географические литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. Т.: «Фан», 1985.
26. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: 2001. -310- б.
27. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар.- Т.: 1994,- 430 -б.
28. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. - Т.: “Ўқитувчи”, 1991. -310- б.
29. Аюпова Ф. Қадимги тангалар// Мозийдан Садо.2000.- № 1-2.
30. Бартольд В.В. К истории персидского эпоса. Записки Восточного отделения Российского Археологического общества. XXII, 1915
31. В.В.Бартольд. Сочинения Т. I. М.: 1963,- 274- стр.
32. Бартольд В.В. Термез // Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Сочинения. Т. III. – М.: Издательства “Восточной литературы”, 1965. – 711 с.
- 33.Бабаджанов Б.М. Садат-и Тирмиз // Ислам на территории бывшей Российской империи.– М.: “Восточная литература”, 2006. Т. 1. – 341 с.
34. Бабаджанов Б.М. Эпиграфические памятники мусуманских мазаров как источник по истории суфизма. Сб. Из истории суфизма. Т.: 1991.
35. Бабаджанов Б., Муминов А., Паульс Л. Шайбонийлар шажараси эпиграфияфикаси. Германия, 1997.
36. Блок М. Антология истории и ремесло историка. М.: «Наука», 1986.
37. Большаков А.М. Вспомогательные исторические дисциплины. Л.: 1924.
38. Большаков О.Г. Самарканд сирли сополидаги ёзувлар. Журнал «Эпиграфика Востока». 1963. Вып. 12.
39. Ботиров.И. Аннаев.Т. Сурхондарё вилояти археология музейи (қисқача йўлланма).-Т.: “Шарқ”, 2002.-24.б.
40. Ботиров.И. Эски Термиз тарихий манбаларда.-Т.: “Фан”, 2010.
41. Ботиров.И. Султон Санжарнинг кумуш динори// Мозийдан Садо.-№.2-3 (46-47) 2010.

42. Ботиров.И. Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи тарихи”,-Т.: “Фан”, 2011.
43. Буниёдов З. Ануштегин-Хоразмшоҳлар давлати.- Т .: 1998. -198- б.
44. Геродот. История в девяти книгах. I, 131. 153. (пер. Г.А. Страновского). Л.: 1972.
45. Гулямов.Я.Г, А.Аскарлов, Ю.В.Буряков. Археология «Наука в Узбекистане». Т.: 1974.
46. Гафуров Б. Таджики.- Т.2. Душанбе, 1989. -197- стр.
47. Низоми Арузи Самарканди. Собрание редкостей или четўре беседы, пер.
48. Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области (в связи с некоторыми вопросами этногенеза) // ТСАГУ. Вып. 143. Биологические науки. Кн. 35. – Т.: 1958. – 157 с.
49. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1988. – 288 б.
50. Некрасова Е. Термез и его архитектура. – Т.: “Фан”, 2001. – 30 с.
51. Некрасова Е.Г. Кирк-киз близ Термеза // Археология и художественная культура Центральной Азии. Тезисы докладов. – Т.: “Фан”, 1995. – 47–49 с.
52. Носирова З. Каштачилик марказлари. “MOZIYDAN SADO”, 2013.-2-сон.(58).-Б-33-36.
53. Нодир Бинафша. Анъанавий хотин – қизлар либоси. “MOZIYDAN SADO”, 2013.-2-сон.(58).-Б-37-39.
54. Нумизматика Узбекистана. Т .: «Фан», 1980 й
55. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках. Т .: «Фан», 1984.
56. Лоукотка Ч.Развитие письма. М .: 1950.
57. История Масъуда. Пер. АК.Арендса. Т.: 1962, 399- стр.
58. Исҳоқов М. «Авесто» - тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмаси
59. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Тошкент - Урганч, 2001.
60. Маев.Н.А. Бухоро хонлиги очерклари.-Т.: “Fan va texnoloiya”, 2012.-178-б.(т.ф.н.доцент И.Ботиров таржимаси).
61. Мансуров Р. Меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш. // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – 3 сон. (23). – Б. 4–5.
62. Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса. Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М.: 1981.
63. Массон В.М. Первые цивилизации. Л.: 1989.
64. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X - XIX в.в Т .: “Фан”, 1988. -416- стр.

65. Маъсудали Ҳакимжон. Хатти муаллимий. Араб ёзувининг вужудга келиши ва турлари. Т.: «Мехнат», 1991.
66. Меликул Ҳанжар. Вахшивор ва Сўфий Оллоёр. – Термиз: Жайхун, 1993. – 27 б.
67. Мирзаев Р. Шажара – аждодлар садоси. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. – Б. 20–23
68. Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 128 б.
69. Мирзо Ж. Термиз саййидлари. Самарқанд археология институти, 2001. – 27 б.
70. Муртазаев Б. Чағониён адабиёти // Сурхон тонги.-1999.№:1.-Б.28.
71. Муртазаев Б. Легенды и новь древнего Сурхана // Ўзбекистон ҳаво йўллари.-2001.-№: 4.-с. 28-35.
72. Муртазоев Б. “Зараутнинг зари бор...”//Сурхон тонги. 2004 йил.17 октябрь.
73. Муртазоев Б. Илм – ҳақиқатдир, ҳақиқат – эса илмдир // Tafakkur. – 2009. –№ 1. – Б. 78-80.
74. Муртазоев Б. Варроқ ат-Термизий// Мулоқат.-2001.-№5.-Б 42—43.
75. Муртазоев Б. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий// Термиз оқшоми.2007 й. 1 январ.
76. Муртазоев Б. Алишер Навоий Термизий алломалар зикрида// Навоийга армуғон. Низомий номидаги Тош ДУ илмий тўплами. Тошкент, 2006.- б.106 -109.
77. Муртазоев Б. Аллома меросининг Ўзбекистонда ўрганилиши // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари. –Термиз:ТерДУ нашри, 2011. –Б. 98-102.
78. Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Т.: “Фан”, 1976.
79. Муҳаммаджонов А. Қадимги сув иншоотлари тарихдан.-Т.: “Ўзбекистон”,1968.-54-б.
80. Зияев Ҳ. Чоризм истилоси. Т.: “Шарқ юлдузи”, 1993.5-6-7-8 сонлари.
81. Зияев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т.: “Шарқ, 1998. -46- б.
82. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. – Т.: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1996. – 240 б.
83. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Т.: “Университет”, 2000. – 96 б.

84. Турғунов Б.А. Вехи научной и творческой деятельности. НИИ искусствознания, 2009. –95- стр.
85. Турғунов Б.А. Далварзинтепа топилмалари \ Гулистон- 1971.8-сон. -29 бетлар.
86. Турғунов Б.А. Фигурка из Дальварзинтепа \ 1973. Шахматы в СССР.- 5-номер.- 16-17- стр.
87. Турғунов Б.А. Далварзинтепа хазинаси \ 1973. Фан ва турмуш.-10-сон.-4-7 б.
88. Турғунов Б.А. Далварзинтепа-- Кушон салтанати пойтахти\ 2001. Мозийдан садо.-- 2001.-3-сон. (11).10-13 бетлар.
89. Турғунов Б.А. Буддийский памятники Дальверзинтепа [\2002](#). Культурное наследие Средней Азии.- Т.: 2002-258-264- стр.
90. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т .: “Шарқ”, 2001,- 382- б.
91. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш -Т.: “А.Қодирий”, 1997. 46-б.
92. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти топонимлари. Т.: “А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”. 2008. 151-бет.
93. Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: “Шарқ”, 2004, 605 б.
94. Турсунов С., Турсунов Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий либослари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –2003. –4-сон. – Б. 57-60.
95. Турсунов С.Н. Тўхтаев А. Жарқўрғон. –Т.: “Фан”, 2008.- 299-б.
96. Турсунов С.Н. Турдиев Т. Денов. –Т.: “Фан”, 2009. - 493-бет
97. Турсунов С.Н. Рашидов Қ. Бойсун. –Т.: “Akademik nashr”, 2011,- 511-бет.
98. Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. Т.: “Фан”, 1989 й.
99. The history of Bukhara. Translated from a Brsian Abridment of the Arabic Original by Narshakhi by Richard N.Fryc. Cambridge- masschusetts. 1954. P.127.
100. Козловский В.А. История города Термеза. – Т.: “Объединенное издательство (“Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”и “Ўзбекистони сурх”)”, 1959. – 219 с.
101. Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Т.: “Ёзувчи”, 2003. – 84 б.
102. Пидаев Ш. Сирли Кушонлар салтанати. –Т.: “Фан”, 1990. - 37 б.
103. Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной древняя Бактрия. Ленинград:- 1974.
104. Пидаев.Ш. Термиз. “MOZIDAN SADO”, 2013.-2-сон.(58).Б.11-13.
105. Пидаев Ш. Қадимий Термиз. – Т.: “Фан”, 2001. – Б. 32.

106. Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середины I тысячелетие до н.э. ОНУ, 11-номер, 1973.
107. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ, №3, 1996.
108. Пьянков В.И. Река Ох и Арьяна Вайджа. Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. М.: 1983.
109. Рахмонов Н. Матбоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. –Т.: “Фан”, -2007.- 65-бет.
110. Раҳматуллаева О, Саломов Ж. Нумизматика. Т.: “ Fan va texnologialar” ,ТДПУ. 2012.-126 б.
111. Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии.-Т.: Изд. Литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1984.
112. Ртвеладзе Э.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Т.: 2001.
113. Ртвеладзе Э.В. К вопросу о субстратном языке юга Средней Азии (III-II тыс. до н.э.). «Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя (Республика илмий назарий анжумани материаллари). Т.: 2001.
114. Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени. СА, 2-номер. 1975.
115. Ртвеладзе Э., Аминов М. Сурхондарё. – Т.: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1996. – 168 б.
116. Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. -Т.: 1996.
117. Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. -Т.: 1966.
118. Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Североной Бактрии.Т.,1966.Она же. Скульптура Халчаяна. -М.:1971,С 256..
119. Пугаченкова Г.А.,К исторической география Чаганиана . Труды ТашГУ, ВЫП.200. Археология Средней Азии . Т.: 1963, с10-16.
120. Пугаченкова Г.А. Очик осмон остидаги музей. Т.: «Адабиёт ва санъат», 1981. 136-б.
121. Пугаченкова Г.А. Ак-Астана баба // Советская археология. – Т.: 1960. – № 3. – 34 с.
122. Пугаченкова .Г. Дарварзинтепа ва Хадда хайкалари. “MOZIDAN SADO”, 2013.-2-сон.(58).-Б-20-22.
123. Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. (Под ред. В.С. Соколова, М.: 1963).
124. Сагдуллаев А.С, Аминов Б, Мавлонов Ў, Норкулов Н, Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I-қисм. – Т.: “Академия”, 2000.

125. Сагдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар\ «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. -Тошкент-Урганч: 2001.
126. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т.: “Ўқитувчи”,1996.
127. Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. 4. 1974.
128. Сарианиди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. 4. 1974.
129. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихи тарихшунослигидан лавҳалар.- Т.: “Ўқитувчи”, 1993. -159 -б.
130. Сафаров Ш. Умаров И. Айрим топонимлар тарихи.-Қарши.: “Насаф”, 2005.-62-б.
131. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I қисм. – Т.: “Имом ал-Бухорий жамғармаси”, 2001. – 78 б.
132. Сомон Ашур Ҳамзаи Ҳофиз Кокилдор. Шажарот ал-калом. Тошкент, (XII аср) тошбосма. Хўжамшукурова Гулсумнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. –Термиз шаҳри. – Б. 17.
133. Чағониён тарихи. Хидиров А. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва русча манбалардан таржимон. Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002. - 206 б.
134. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: “Академия”, 2002.-315 б.
135. Чориев З.У. Шайдуллаев Ш.Б. Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон худудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. –Т.: “Янги аср авлоди”, -2007. -71 бет.
136. Чориев З. Аннаев Т. Муртазаев Б ва бошқалар. Ал- Ҳаким ат-Термизий.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.- 150 б.
137. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. –Т.: “Yurist-media markazi”, 2008., 183-бет.
138. Қобилов Э. Сурхондарё хўжалиги.-Т.: “Akademnasshr”, 2012.-387-б.
139. Қобилов Э. Сурхондарё суғориш// Мустақиллик,маъанвият ва тарбия.-Термиз, 2000. Б-185-188.
140. Қобилов Э. Чинликларни лол қолдириб// Фан ва Турмуш. 2001.4 сон.-б-17.
141. Қобилов Э. Кориз //Жаннатмакон.2008, август.—Б-39-40.
142. Қобилов Э. Сурхон воҳаси меъморчилиги// Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар: замонавийлик ва анъанавийлик. Республика илмий- амалий анжумани.- Термиз, 2011.-Б.98-100.
143. Қобилов Э. Ҳунармандчилик маҳсулотлари: турлари ва ўзига хос хусусиятлари // Жамият ва бошқарув. 2011.№1.-Б.131-133.

144. Қудратов С. Ўзбекистон худудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // *О'zbekiston tarixi*. 2-сон. 1999.
145. Кузмина Е.Е. Культура Свата и ее связи с Северной Бактрией. КСИА. Вып.132, М.: 1972.
146. Кузмина Е.Е. Бактрийский мираж и археологическая действительность. ВДИ,- 2-сон. 1978.
147. *Ўзбекистон тарихи: Янги нигоҳ*. Т.: 1998. -218- б.
148. *Ўзбекистон Ислом обидалари*. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 263 б.
149. Шайдуллаев Ш.Б. Давлат ва дин // Сўғд Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида. т.ф.д. Р.Х. Сулаймонов таваллудининг 60-йиллигига бағишланган конференция. Самарқанд, 1999.
150. Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатлар типологияси // Жаҳон маданият тарихи тизимида Қадимги Хоразм цивилизациясининг ўрни. Халқаро симпозиуми ва Қадимги Тошхирмон воҳаси археологияси дала семинари. Симпозиум материаллари ва маърузалар матни. Нукус, Бўстон, 2000.
151. Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатларнинг археологик белгилари / *О'zbekiston tarixi*.- 2002 йил,-3-сон.
152. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннежелезного века. Т.: 2000.
153. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 464 б.
154. Файзуллаева М. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъанлар (Сурхон воҳаси мисолида).- Т.:”YANGI NASHR”, 2010.-158 б.
155. Фёдоров.М.Н. К вопросу о покупательной способности дирхама и динара в Средней Азии и сопредельных странах (IX-XII вв.). История материальной культуры Узбекистана. (сб. статей. Отв.ред. А.Аскарров) Т.: «Фан», 1972.-92- стр.
156. Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция М.: “Наука”, 1985.
157. Хўжамшукурова Г. Қирқ қиз ёхуд аёллар академияси // Талабалар дунёси. – Т.: 2009. 7 (09). – Б. 6–7.
158. Хўжамшукурова Г, Ортиқов С. “Қирқ қиз” ва ўттиз олти мунажжим.-Т.: “MUMTOZ SQZ”,2013.-88-Б.
159. Холиқова Р. Россия – Бухоро: тарих чоррахасида.-Т.: “Q,O,ITUVCHI”, 2005.-238-Б.
160. Холиков З. История орошения и поливного земледелия в Сурхан-Шерабадской долине. Т.: “Фан”, 1977.-103 стр.
161. Холиқов З. Сўнгги ўрта асрларда Термиз ва Чағониённинг аҳолиси ва хўжалиги. Халқаро илмий-амалий анжауман материаллари. 1-қисм.- Т.: 2005.-б.105-107.

162. Холиқов З, Жаҳонгиров Б. Сўнги ўрта асрлар тангалари // Мозийдан Садо,- № 3. 2008.
163. Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат”, 2001. – 47 б.
164. Ҳакимов.З. Бақтирия- яловбардор ўлка. “MOZIYDAN SADO”, 2013.-2-сон.(58).-Б.2-10.
165. Ҳакимов.З.Тохаристон меъморчилиги. “MOZIYDAN SADO”, 2013.-2-сон.(58).-Б.23-28.
166. Ҳакимов.А.Ўзбекистон бадий хунармандлиги мустақиллик даврида. “MOZIYDAN SADO”, 2013.-3-сон.(59).-Б.8-13.
167. Эрназаров Т. Тангалар ўтмиш даракчилари. Т .: “Фан”, 1977 й
168. Эшбоев Т. Шўрчи шухрати ва инсон кудрати. –Т.:”Янги аср авлод”, 2007. -213 б.
169. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар.-Т.: 2002.
170. Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. Ташкент: 2008, С.48.
171. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.: “Fan va tehnolojiya”, 2008.-234.Б.

Мундарижа

1	Кириш-----	6-8
2	Биринчи боб Воҳанинг ибтидоий дарв моддий маданияти	
3	Жез даври моддий маданияти	
4	Темир даври моддий маданияти	
5	Иккинчи боб Бақтрия – яловбардорлар ўлкаси	
6	Қадимги Бақтрия моддий маданияти	
7	Кушон даври моддий маданияти	
8	Воҳанинг буддавийлик дини билан боғлиқ моддий маданияти	
9	Сурхон воҳасида топилган Кушон тангалари	
10	Боботепа моддий маданияти	
11	Учинчи боб Шимолий – Ғарбий Тоҳаристоннинг ўрта асрлар даври моддий маданияти	
12	Термизнинг меъморий иншоотлари	
13	Ўрта асрлар даври Чағониён моддий маданияти	
14	Сурхон воҳаси моддий маданиятининг хорижлик тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши	
15	Тўртинчи боб Сурхон воҳаси аҳолисининг этномоддий маданияти	
16	Хулоса	
17	Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	

18	Мундарижа	
-----------	------------------	--